

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O‘RTA MAXSUS
TA’LIM VAZIRLIGI**

URGANCH DAVLAT UNIVERSITETI

ILM SARCHASHMALARI

Jurnal O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Oliy attestatsiya komissiyasining FILOLOGIYA, FALSAFA, FIZIKA-MATEMATIKA hamda PEDAGOGIKA fanlari bo‘yicha doktorlik dissertatsiyalari asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrdir.

11.2020

**научно-методический журнал
Издаётся с 2001 года**

Urganch – 2020

Абдушукуров Абдурахим Ахмедович (профессор Московского госуниверситета,
филиал в г. Ташкенте, доктор физ-мат. наук, e-mail: a_abdushukurov@rambler.ru),

Мансуров Дилшод Рабилович (докторант Навоийского государственного
педагогического института, e-mail: mathematicianmd@gmail.com)

**АСИМПТОТИЧЕСКИЕ РЕЗУЛЬТАТЫ ДЛЯ ПОСЛЕДОВАТЕЛЬНЫХ ЭМПИРИЧЕСКИХ
ПРОЦЕССОВ В ИНФОРМАТИВНЫХ МОДЕЛЯХ НЕПОЛНЫХ НАБЛЮДЕНИЙ**

***Аннотация.** Мақолада икки томондан ва ўнг томондан тасодифий цензурланиш информатив моделларида эмпирик процесслар тадқиқ этилган. Ушбу процесслар учун уларнинг ўрта қий-матлари ноль бўлган лимит Гаусс процесслари аниқланган. Эмпирик процессларни тадқиқ этиши-да қўрилайтган информатив моделларнинг характеристика хоссалари қўлланилган.*

***Аннотация.** В статье исследованы последовательные эмпирические процессы в двух информативных моделях случайного цензурирования с двух сторон и справа. Для этих процессов найдены предельные гауссовские процессы с нулевыми средними. При исследовании эмпирических процессов использованы характеристические свойства рассматриваемых информативных моделей.*

***Annotation.** In the article, the sequential empirical processes in two informative models of random censorship from both sides and from the right are investigated. The limit Gaussian processes with mean zero are founded for these processes. Under investigating of empirical processes, the characterization properties of considered informative models are used.*

***Калим сўзлар:** тасодифий цензурланиш, информатив моделлар, пропорционал интенсивликлар, эмпирик процесслар, Гаусс процесслари.*

***Ключевые слова:** случайное цензурирование, информативные модели, пропорциональные интенсивности, эмпирические процессы, гауссовские процессы.*

***Key words:** random censorship, informative models, proportional hazards, empirical processes, Gaussian processes.*

1. Введение. В медико-биологических исследованиях индивидуумов на выживаемость, в инженерных испытаниях технических устройств на надежность возможны случаи, когда испытываемые объекты попадают под наблюдение с истечением некоторого случайного периода времени после начала испытаний. Такое явление называют “входом с задержкой” (delayed entry) или цензурированием слева, так как в этом случае случайная величина (с.в.) X , характеризующая время жизни испытываемого объекта становится наблюдаемым при условии $X \geq L$. Здесь L – момент входа объекта под наблюдение. Дополнительно к этому, с.в. X может подвергаться и цензурированию справа некоторой другой с.в. Y . Тогда интересующая нас наработка до отказа X будет подвергаться случайному цензурированию с двух сторон парой с.в. (L, Y) . Пусть L , X и Y взаимнонезависимые с.в. с соответствующими функциями распределения (ф.р.) K , F и G , которые предполагаются непрерывными.

2. Информативные модели неполных наблюдений. Пусть $\{(X_k, L_k, Y_k), k \geq 1\}$ последовательность независимых реализаций тройки (X, L, Y) и

$$S^{(n)} = \{(Z_i, \Delta_i), i = 1, \dots, n\}$$

–наблюдаемая выборка, где $Z_i = \max\{L_i, \min\{X_i, Y_i\}\}$, $\Delta_i = (\delta_i^{(0)}, \delta_i^{(1)}, \delta_i^{(2)})$,

$\delta_i^{(0)} = I(\min(X_i, Y_i) < L_i)$, $\delta_i^{(1)} = I(L_i \leq X_i < Y_i)$, $\delta_i^{(2)} = I(L_i \leq Y_i < X_i)$ и $I(A)$ – индикатор события A . Заметим, что в выборке $S^{(n)}$ число наблюдаемых с.в. X_i равно $\delta_1^{(1)} + \dots + \delta_n^{(1)}$.

Статистическая задача состоит в оценивании ф.р. F по выборке $S^{(n)}$. При такой общей постанов-

ке задачи оценивания ф.р. K и G считаются мешающими. В данной работе будет исследована последовательная оценка ф.р. F в случае информативности цензурирования с двух сторон, когда ф.р. K и G функционально зависят от F . Для описания такой модели через H и N обозначим ф.р. с.в. Z_i и $V_i = \min(X_i, Y_i)$. Тогда легко видеть, что

$$H(t) = K(t)N(t), \quad N(t) = 1 - (1 - F(t))(1 - G(t)), \quad t \in \mathbb{R}^1. \quad (1)$$

Предположим, что существуют положительные неизвестные параметры θ, β такие, что для всех $t \in \mathbb{R}^1$ справедливы представления:

$$\begin{cases} 1 - G(t) = (1 - F(t))^\theta, \\ K(t) = (N(t))^\beta. \end{cases} \quad (2)$$

Такая специальная модель случайного цензурирования с двух сторон была введена в [1] и обобщена для случая конкурирующих рисков в [2]. В этой модели мешающими являются параметры θ и β , через которые определяются и глубины цензурирования с двух сторон. Из формул (1) и (2) нетрудно вывести следующее представление для ф.р. F :

$$1 - F(t) = \left[1 - (H(t))^\lambda \right]^\gamma, \quad t \in \mathbb{R}^1, \quad (3)$$

где $\lambda = \frac{1}{1 + \beta}$, $\gamma = \frac{1}{1 + \theta}$. По представлению (3) можем построить полупараметрическую оценку для F по выборке $S^{(n)}$ посредством оценивания тройки $(H(t), \lambda, \gamma)$. Для этого воспользуемся также и характеристическим свойством рассматриваемой модели. В связи с этим определим суб-

распределения $\left\{ T^{(m)}(t) = P\left(Z_i \leq t, \delta_i^{(m)} = 1 \right), \quad m = 0, 1, 2 \right\}$ следующими формулами:

$$\begin{aligned} T^{(0)}(t) &= \int_{-\infty}^t N(s) dK(s), \quad T^{(1)}(t) = \int_{-\infty}^t K(s)(1 - G(s)) dF(s), \\ T^{(2)}(t) &= \int_{-\infty}^t K(s)(1 - F(s)) dG(s). \end{aligned}$$

Легко видеть, что $T^{(0)}(t) + T^{(1)}(t) + T^{(2)}(t) = H(t)$, $t \in \mathbb{R}^1$. Следует отметить, что рассматриваемая модель обобщает известную модель пропорциональных интенсивностей (МПИ) Козела-Грина (см. [4]), получаемую из (2) при $\beta = 0$, т.е. при отсутствии случайного цензурирования слева ($K(t) \equiv 1$) и является специальным случаем модели из [3] при отсутствии ковариаты. Следующая теорема из [1] характеризует модель (2).

Теорема 1. [1] Равенства (2) имеют место тогда и только тогда, когда с.в. Z_i и Δ_i независимы.

С учетом (2) легко находим,

$$T^{(0)}(t) = (1 - \lambda)H(t), \quad T^{(1)}(t) = \gamma\lambda H(t), \quad T^{(2)}(t) = (1 - \gamma)\lambda H(t). \quad (4)$$

Переходя к пределу в соотношениях (4) при $t \rightarrow +\infty$, имеем

$$P\left(\delta_i^{(0)} = 1\right) = 1 - \lambda, \quad P\left(\delta_i^{(1)} = 1\right) = \gamma\lambda, \quad P\left(\delta_i^{(2)} = 1\right) = (1 - \gamma)\lambda. \quad (5)$$

Оценивая вероятности $p^{(m)} = P\left(\delta_i^{(m)} = 1\right)$, $m = 0, 1, 2$, соответствующими частотами

$p_n^{(m)} = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^n \delta_i^{(m)}$, $m = 0, 1, 2$ из формул (5) находим следующие оценки параметров λ и γ :

$\lambda_n = 1 - p_n^{(0)}$, $\gamma_n = p_n^{(1)} \left(1 - p_n^{(0)}\right)^{-1}$. Ф.р. $H(t)$ оценим эмпирической ф.р.

$$H_n(t) = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^n I(\mathbb{Z}_i \leq t), \quad t \in \mathbb{R}^1.$$

Теперь ввиду (3) находим оценку и для ф.р. $F(t)$:

$$F_n(t) = 1 - \left[1 - (H_n(t))^{\lambda_n}\right]^{\gamma_n}, \quad t \in \mathbb{R}^1. \quad (6)$$

Легко видеть, что ввиду представлений (2) в рассматриваемой модели

$$\begin{aligned} T_F = T_G = T_N = T_K = T_H &= \inf \{t \in \mathbb{R}^1 : H(t) = 1\}, \\ \tau_F = \tau_G = \tau_N = \tau_K = \tau_H &= \sup \{t \in \mathbb{R}^1 : H(t) = 0\}. \end{aligned}$$

Введем последовательный процесс, построенный при помощи оценки (6):

$$\left\{ Q_n(s; t) = \frac{[ns]}{n^{1/2}} (F_{[ns]}(t) - F(t)), \quad (s; t) \in [0, 1] \times \mathbb{R}^1 \right\}, \quad (7)$$

где $[a]$ означает целую часть числа a . Выделим интервал $[\tau, T] \subset \mathbb{R}^1$ так, чтобы $\tau_H < \tau \leq T < T_H$ и обозначим $D = [0, 1] \times [\tau, T]$.

3. Основные результаты. Справедливо утверждение об асимптотической гауссовости последовательности (7) при $n \rightarrow \infty$.

Теорема 2. Последовательность случайных полей $\{Q_n(s; t), (s; t) \in D\}$ слабо сходится к центрированному гауссовскому полю $\{A(s; t), (s; t) \in D\}$ с ковариационной структурой для $s_1, s_2 \in [0, 1]$ и $t_1, t_2 \in [\tau, T]$:

$$\begin{aligned} \text{cov} \{A(s_1; t_1), A(s_2; t_2)\} &= \min(s_1, s_2) (1 - F(t_1)) (1 - F(t_2)) \times \\ &\times \{a(t_1) a(t_2) [H(\min(t_1, t_2)) - H(t_1) H(t_2)] + b(t_1) b(t_2) \times \\ &\times p^{(0)} (1 - p^{(0)}) + c(t_1) c(t_2) p^{(1)} (1 - p^{(1)}) - 2b(\min(t_1, t_2)) c(\min(t_1, t_2)) p^{(0)} p^{(1)}\}, \end{aligned}$$

где

$$\begin{aligned} a(t) &= p^{(1)} \left[(H(t))^{p^{(0)}} - H(t) \right]^{-1}, \\ b(t) &= - \left[\frac{p^{(1)}}{(1 - p^{(0)})} c(t) + \frac{a(t)}{(1 - p^{(0)})} H(t) \log H(t) \right], \\ c(t) &= - \frac{1}{(1 - p^{(0)})} \log \left[1 - (H(t))^{1-p^{(0)}} \right]. \end{aligned}$$

Теперь рассмотрим МПИ Козела-Грина, получаемую из (2) при $\beta = 0$ (т.е. $K(t) \equiv 1$). Тогда $\gamma = 1$, $T^{(0)}(t) \equiv 0$, $N(t) = H(t)$. В этой модели оценка для $F(t)$ получается из (6) по формуле

$$F_n(t) = 1 - (1 - H_n(t))^{p_n} = \begin{cases} 0, & t \leq Z_{(1)}, \\ 1 - \left(\frac{n-k}{n}\right)^{p_n}, & Z_{(k)} < t \leq Z_{(k+1)}, \quad k = \overline{1, n-1}, \\ 1, & t > Z_{(n)}. \end{cases} \quad (8)$$

Здесь $Z_{(1)} \leq Z_{(2)} \leq \dots \leq Z_{(n)}$ – вариационный ряд, построенный по совокупности с.в. Z_1, Z_2, \dots, Z_n , а $H_n(t)$ и p_n – эмпирические оценки для $H(t)$ и p соответственно:

$$H_n(t) = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^n I(Z_i \leq t), \quad p_n = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^n \delta_i, \quad (9)$$

где $\delta_i = I(X_i \leq Y_i)$.

МПИ характеризуется независимостью с.в. $\{Z_1, \dots, Z_n\}$ и $\{\delta_1, \dots, \delta_n\}$. Из этого свойства следует независимость эмпирических оценок (9), входящих в формулу (8) и это обеспечивает эффективность многих статистик, использующих оценку F_n по сравнению с другими, основанными, на известной оценке Каплана-Мейера (см. 2–7).

Анализ имеющейся литературы показал, что последовательный аналог оценки (8) ещё никем не был исследован. Целью данной работы является исследование последовательного эмпирического процесса

$$\left\{ Q_n^0(s; t) = \frac{[ns]}{n^{1/2}} (F_{[ns]}(t) - F(t)), \quad (s; t) \in [0, 1] \times \mathbb{R}^1 \right\}, \quad (10)$$

где $[a]$ означает целую часть числа a . Заметим, что в МПИ $T_F = T_G = T_H$. Пусть $T < T_F$, $D_T = [0, 1] \times [-\infty, T]$ и $D_\infty = [0, 1] \times \mathbb{R}^1$.

Справедливо утверждение об асимптотическом гауссовости случайной последовательности (10) при $n \rightarrow \infty$.

Теорема 3. Последовательность случайных полей $\{Q_n^0(s; t), (s; t) \in D_T\}$ слабо сходится к центрированному гауссовскому полю $\{A^0(s; t), (s; t) \in D_T\}$ с ковариационной структурой для $s_1, s_2 \in [0, 1]$ и $t_1, t_2 \in [-\infty, T]$:

$$\begin{aligned} \text{cov}(A^0(s_1; t_1), A^0(s_2; t_2)) &= \min(s_1, s_2) (1 - F(t_1)) (1 - F(t_2)) \times \\ &\times \left\{ \frac{p^2 H(\min(t_1, t_2))}{1 - H(\min(t_1, t_2))} + p(1-p) \log(1 - H(t_1)) \log(1 - H(t_2)) \right\}. \end{aligned} \quad (11)$$

Замечание 1. Предельный гауссовский процесс $A^0(s, t)$ имеет следующее линейное представление

$$A^0(s; t) = p(1 - H(t))^{p-1} B^H(s; t) - C^p(s) (1 - H(t))^p \log(1 - H(t)), \quad (12)$$

где $\{B^H(s; t), (s; t) \in D_\infty\}$ и $\{C^p(s), s \in [0, 1]\}$ – независимые центрированные гауссовские процессы, являющиеся предельными для последовательностей эмпирических процессов

$\left\{ \frac{[ns]}{n^{1/2}} \left(H_{[ns]}(t) - H(t) \right), (s; t) \in D_\infty \right\}$ и $\left\{ \frac{[ns]}{n^{1/2}} (p_n - p), s \in [0, 1] \right\}$ и имеющие следующие

ковариационные функции для $s_1, s_2 \in [0, 1]$ и $t_1, t_2 \in \mathbb{R}^1$:

$$\begin{aligned} \text{cov} \left(B^H(s_1; t_1), B^H(s_2; t_2) \right) &= \min(s_1, s_2) \left[H(\min(t_1, t_2)) - H(t_1)H(t_2) \right], \\ \text{cov} \left(C^p(s_1), C^p(s_2) \right) &= \min(s_1, s_2) p(1-p). \end{aligned} \quad (13)$$

Теперь подставив ковариации (13) в формулу ковариации процесса (12), получаем (11).

Замечание 2. При отсутствии цензурирования, т.е. $p = 1$, $p_n = 1$, $Z_i = X_i$, $i = 1, n$, $H(t) \equiv F(t)$, оценка (3) совпадает с обычной эмпирической оценкой

$$F_n^p(t) = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^n I(X_i \leq t),$$

а гауссовский процесс $\left\{ A(s; t), (s; t) \in D_\infty \right\}$ согласно (6) имеет ковариацию

$$\text{cov} \left(A(s_1; t_1), A(s_2; t_2) \right) = \min(s_1, s_2) \left[F(\min(t_1, t_2)) - F(t_1)F(t_2) \right],$$

т.е. получаем предельную ковариационную структуру последовательного эмпирического процесса

$$\frac{[ns]}{n^{1/2}} \left(F_{[ns]}^p(t) - F(t) \right), (s; t) \in D_\infty.$$

Использованная литература:

1. Абдушукуров А.А. Модель случайного цензурирования с двух сторон и критерий независимости для нее. Доклады АН РУз. 1994, вып. 11, с. 8 – 9.
2. Abdushukurov A.A. Nonparametric estimation of the distribution function based on relative risk function. Commun. Statist: Th.&Meth. 1998, v. 27, №8, p. 1991 – 2012.
3. Абдикаликов Ф.А., Абдушукуров А.А. Полупараметрическое оценивание условной функции выживания в информативной регрессионной модели случайного цензурирования с двух сторон. Межвуз. сб. научн. тр. стат. методы оценивания и проверки гипотез Пермь, изд-во Пермского гос. университета. 2012, вып. 23, с. 145 – 162.
4. Csörgő S. Estimation in proportional hazards model of random censorship. Statistics. 1988, v. 19, p. 437 – 463.
5. Ghorai J. The asymptotic distribution of the suprema of the standardized empirical processes under the Koziol-Green model. Statistics Probab. Lett. 1999, v. 41, p. 303 – 313.
6. Pawlitschko J. A comparison of survival function estimators in the Koziol-Green model. Statistics. 1999, v. 32, p. 277 – 291.
7. de Una-Álvares J. Kernel distribution function estimation under the Koziol-Green model. J. Stat. Plan. Infer. 2000, v. 87, p. 199 – 219.

Ялгашев Бунёд Махмудович (Ўзбекистон Миллий университети, e-mail: yalgashev1994@mail.ru)
“РУХОБОД” ЗИЁРАТГОҲИ ТАРИХИ

Аннотация. Мазкур мақолада Самарқанддаги “Руҳобод” мақбарасининг тарихи Шайх Бурхониддин Соғаржий ҳазратларининг муборак номлари билан боғлиқлиги, ислом динининг Шарқий Туркистон ва Хитой ҳудудларига кириб бориши, Хитой роҳиби ва ислом шайхи ўртасидаги кураш ҳамда шайх Бурхониддин Соғаржийнинг зафари ёритилган.

Аннотация. В статье описывается история мавзолея Рухобода в Самарканде, его связь с благословенным именем шейха Бурханиддина Соғарджи, проникновение ислама в Восточный Туркестан и Китай, борьба между китайским монахом и исламским шейхом и победа шейха Бурханиддина Соғарджи.

Annotation. This article describes the story of the Mausoleum of Rukhobod in Samarkand, its connection with the blessed names of Sheikh Burkhaniddin Sogardzhi, the penetration of Islam into East Turkestan and China, the struggle between the Chinese monk and the Islamic sheikh and the victory of Sheikh Burkhaniddin Sogardzhi.

Калим сўзлар: “Руҳобод”, Шайх Бурхониддин Соғаржий, Шайх Нуриддин Басрий, “кутблик” мартабаси, Биби Ханифа, Муҳаммад (с.а.в.) пайгамбаримизнинг етти соқол туки.

Ключевые слова: «Рухабод», шейх Бурханиддин Соғарджи, шейх Нуриддин Басир, карьера «Кутблик», Биби Ханифа, семь прядей бороды нашего Пророка Мухаммеда (с.а.в.).

Key words: “Ruhobod”, Sheikh Burkhaniddin Sogardzhi, Sheikh Nuriddin Basir, career “Kutblik”, Bibi Khanifa, seven beards of our Prophet Mohammed (s.a.v.).

Янгиланаётган Ўзбекистонда тарихий меросимиз, миллий кадриятларимизни ўрганишга бўлган эътибор ҳар қачонгидан ҳам муҳимроқ аҳамият касб этаётганлиги қувонарлидир.

Бугун халқимизнинг умуммиллий бойлиги ҳисобланадиган маданий меросимизни муҳофаза қилиш, илмий жиҳатдан ўрганиш ва ундан фойдаланиш борасида мамлакатимизда қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. Чунки юртимиздаги тарихий меъморий ёдгорликларни асраб-авайлаш, уларнинг жаҳон маданий тараққиётидаги ўрнини мустаҳкамлаш ёш авлодда миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини юксалтиришга замин яратади.

Самарқанд қадимдан жаҳон цивилизацияси ўчоқларидан бири бўлиб келган. Буюк ипак йўлида жойлашган бу шаҳар турли халқларнинг урф-одатларини ўзида мужассамлаштирган ва дунё маданияти ривожига катта ҳисса қўшган. Шаҳарда жойлашган археологик ёдгорликлар сайёҳларда катта қизиқиш уйғотаётганлигини сўнги йилларда ташриф буюрувчиларнинг сони тобора ўсиб бораётганлиги билан баҳолаш мумкин. Хусусан, 2017 йилда хорижий сайёҳлар сони 2,69 миллион нафарни ташкил этган бўлса, 2018 йил якунида бу кўрсаткич 5,3 миллион нафарга ошган.¹

Самарқанд меъморий обидалари ўзининг шаклий бетақрорлиги, мукамал услубий қурилиши жиҳатидан тақрорланмас ҳисобланади. Жумладан, кўҳна обидалар орасида шаҳар марказида жойлашган “Руҳобод” мақбараси алоҳида ўринга эга.

“Руҳобод” (“Руҳлар маскани”) мақбараси Амир Темур бобомизнинг маънавий пирлари шайх Бурхониддин Соғаржий ҳазратларига тегишли бўлиб, унда ҳазрат Бурхониддин билан биргаликда оила аъзоларининг ҳам хоклари мавжуд.

Шайх Бурхониддин Соғаржий шажара томондан халифа Умар ибн ал-Хаттобга бориб тақалади. Шайх Бурхониддинни Соғаржий таҳаллусини олишига сабаб VIII асрда араб лашкарлари Самарқандга бостириб келганларида Бухоро ва Самарқанд қалъаларидан кейинги энг катта забт этилган қалъа Соғарч қалъаси бўлган ва уни бошқаруви шайх Бурхониддиннинг аждодларига топширилган.

Шайх Бурхониддин вояга етгач, Маккаи мукаррамани зиёрат қилиш учун ҳажга жўнайди. Ҳажни адо этиб, юртига қайтгач, ота-онасини вафот этганидан хабар топади. Сўнгра ўша пайтдаги илм-маърифат маркази Бағдодга йўл олади. Бағдодда ўша давр кутбларидан Шайх Нуриддин Басир ва Шайх Абдурахмон Исфароний яшар эдилар. Шайх Бурхониддин Бағдодда ўзининг чуқур

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 5611-сонли фармони.

билими, зукколиги билан катта шуҳрат қозонади, Шайх Нуриддиннинг яқин одамига айланади.

Шайх Бурҳониддин Маккада анча йил яшайди ва маккаликлар уни Вали деб тан оладилар. Кейинчалик, кутблик даражасини олганидан сўнг Хитой томонга йўл олади. Шайхни Хитойга келганини эшитган подшоҳ уни ўз саройига таклиф этади. Шайх Бурҳониддин билан бўлган суҳбатда Хитой подшоҳи шундай дейди: “Сизнинг динингиз менга хуш ёқди, менга Ислом динини арзу баён қилиб беринг ва мен ва ўз амирларим билан аввал кенгаш ўтказиб, сўнг бир фикрга келайлик”.¹ Подшоҳ амирлари билан кенгаш тузади. Амирлар Шайхнинг динини қабул қилишдан олдин маҳаллий роҳиб билан савол-жавоб қилиб беллашиш лозимлигини, қайси бирлари устун келса, ўша динни қабул қилиш кераклигини таклиф этишади. Савол-жавоб баҳсида Шайх Бурҳониддин Хитой роҳибини енгади ва императорни имон келтириб, ислом динини қабул қилишига эришади.

Хитой императори Соғаржийга ўз қизини никоҳлаб беради. Шайх маликага Биби Ҳанифа (Халифа) деган исломий исм қўяди. Хитойда обрў жиҳатдан юксак ҳурматга эга бўлган Шайх Бурҳониддин уйғурларга, қошғарларга ислом динидан таълим беради. Хитой ҳукмдори ҳадя қилган ярим тахт бойликни рад этган ҳолда, қолган умрини фақирона ҳаёт билан ўтказди.

Шайх Бурҳониддин умрининг сўнгида ўзини пири, устози Шайх Нуриддин Басир ҳазратларининг оёқ томонларига дафн қилишларини васият қилади. Лекин аҳли хитойликларни ранжитишни хоҳламаган ҳолда, “мени тобутимни туяга ортинглар ва туя қаерга бориб тўхтаеса, ўша жойга мени дафн этинглар” деб васият қилади, чунки у киши авлиё даражасидаги инсон бўлиб, туяни қаерга бориб тўхташини олдиндан билган эди. Шайх Бурҳониддиннинг ўғли Абу Саид томонидан отасининг жасади тобутга солиниб, туяга ортиб жўнатилади. Туя Самарқанд томонга йўл олади ва у ерга келиб Шайх Нуриддин Басир ҳазратлари қабрининг оёқ томонига тўхтаб, уни зиёрат қилгандек айланади ва ҳозирги Руҳобод мавзесида бориб тўхтади. Натижада Шайх Бурҳониддин Соғаржийнинг қабрлари барпо этилади.

Мақбаранинг пастки ғиштин қисми X асрда Самарқанд аҳли томонидан, юқори қисми эса 1383 йилда Соҳибқирон Амир Темур бобомиз буйруғига биноан қурилди. Мақбара маҳаллий ва Хитой меъморчилиги уйғунлиги асосида, шакл жиҳатдан оддий, безакларсиз, хошияланмаган кўринишда қурилган. Бунга Бурҳониддин ҳазратларини камтарлик, оддийликни хуш кўришлари сабаб бўлган. Мақбара XIV–XV асрнинг бошқа ёдгорликлар сингари айвон ва ҳамда ғиштин гумбаздан иборат шаклда барпо этилган.² Мақбара ёнидан, шунингдек, Шарқий Туркистон ва Хитой халқлари урф-одатларига мос ёзги масжид жой олган. XIX аср охирида мажмуага кичик минора ҳам қўшилган.

Мақбарага қибла томондаги эшикдан кирганда Шайх Бурҳониддин Соғаржий ҳазратларининг қабрлари жойлашган, уларнинг қабрлари ёнида аёллари Биби Ҳанифа (Халифа), уларнинг оёқ учларида эса 10 нафар фарзандлари (8 ўғил ва 2 қиз) дафн этилган.

Мақбара тўрт томондан очиқ эшикка эга бўлган. Кейинчалик (XVII асрда), Бухоро амири Насруллахон томонидан мақбарага ёнғоқ дарахтидан ишланган кириш эшиги ўрнатилади. Эшик уч қисмга ажратилган ҳолда, нақш ва ёзувлар билан безатилиб ишланган. Юқори қисмига ислом дини устунлиги ҳисобланган Калимаи тоййиба: “Ла илаҳа иллаллоҳу Муҳаммадур расулуллоҳ” (яъни, “Аллоҳдан ўзга сифинадиган (илоҳ) йўқдир! Муҳаммад (с.а.в.) Аллоҳнинг расулидир”) сўзлари битилган. Эшикнинг иккинчи қисмига форс тилида амир Насруллоҳонга аталган шеърлар битилган. Ҳозирда мақбаранинг шарқий томонга қараган эшик қисми олиб ташланган.

Соҳибқирон Амир Темур Шайх Бурҳониддин Соғаржий ҳазратлари билан замондош бўлмасан-да, у кишини ўзига маънавий пир-устоз деб билган. Шу боис, Амир Темурнинг қabri Соғаржий ҳазратлари мақбарасининг пастки тарафида, яъни Соғаржийнинг оёқ томонларида жойлашган.



Қабрлар тўғри чизиқ шаклида жойлаштирилган.

¹ Каттаев К. Қандия (Самарқанд аллома-авлиёлари тарихи). Самарқанд, “Сўғдиён”, 2016, 46-бет.

² Шарибжанова А.А. Происхождение айванной композиции исламских мавзолеев Крыма XV–XVI века. Вісник Харківської державної академії і мистецтв. Мистецтвознавство. Архитектура. 2009, №2, с. 151. http://nbuv.gov.ua/UJRN/had_2009_2_20.

Авлиё, шайх ва буюк шахслар мангу кўним топган боқий Самарқанд шаҳри меъморий обидалари собиқ Совет тузуми даврида ташландиқ аҳволга келиб қолади. Жумладан, иккинчи жаҳон урушидан сўнг Шайх Насриддин Басир (Басрий) мақбараси бутунлай вайрон қилинади, Рухобод мақбарасидан эса омборхона сифатида фойдаланилади.¹ Соғаржийнинг мақбарасидан асл нусха сифатида бугунги кунгача деворларидан ташқари фақат иккита бутун мрамар тош ва бир жуфт ўймакор эшик сақланиб қолган.

Мақбара 1996 йилда Соҳибкирон Амир Темурнинг 660 йиллик таваллуди муносабати билан таъмирланган ва атрофидаги мадраса ва бинолар бузиб ташланган. Яъни, мақбара ўз маъноси, эътибори, шухрати ила атрофга кўриниши инобатга олинган. Ёдгорлик консервацияси учун 1995 йилда 10,88 млн., 1996 йилда эса 57,28 млн. сўм, умумий ҳажми 68,16 млн. сўмга тенг бўлган маблағ сарфланган.²

Мақбарада сўнгги бор 2018 йилда таъмирлаш ишлари олиб борилган ва диний идора томонидан назоратга олинган.



Эски кўриниш (XIX аср)



Бугунги ҳолат

Таассуфки, атрофдаги бошқа зиёратгоҳларга қараганда Рухобод мақбарасига маҳаллий ва чет эллик сайёҳлар кам ташриф буюрадилар. Ваҳоланки, Бурҳониддин ҳазратлари дунё миқёсидаги шайх, машҳур шахс, авлиё бўлганлар. Уларнинг ҳаёт йўллари, диний таълимотларини халқимиз ҳаётидаги аҳамияти катта. Рухобод мақбараси ёшларда миллий ғурур, ўзликни англаш туйғуларини шакллантиради. Шу боис мазкур зиёратгоҳни мамлакатимиз ва хориж миқёсида кенг тарғиб қилишимиз, илмий асосланган тарғибот ишларини олиб боришимиз лозим.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, Самарқандга ташриф буюрувчи зиёратчиларнинг аксарияти, асосан, бир йўналишда (Гўри Амир мақбараси, Регистон ансамбли, Бибихоним мадрасаси, Шоҳи Зинда мажмуаси, Улуғбек расадхонаси ва Имом ал-Бухорий мажмуаси бўйлаб) ҳаракатланадилар. Натижада бошқа қадамжолар, мақбаралар, мадрасаларга санокли зиёратчилар ташриф буюрадилар. Бунинг асосий сабаби, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, уларнинг етарлича тарғиб қилинмаслигидир.

Мазкур муаммони ечими сифатида қуйидаги тавсияларни берамиз:

- Шайх Бурҳониддин Соғаржий ҳамда уларнинг мақбараси тўғрисидаги маълумотларни халқимиз ва хорижий фуқаролар орасида кенг ёритиш;
- Шайх Бурҳониддин Соғаржийнинг ислом дини ривожига қўшган ҳиссасини илмий тадқиқ қилиш;
- Зиёратгоҳга ташриф буюрувчилар учун зарур шарт-шароитларни яратиш, у ердаги Шайх Бурҳониддин Соғаржий ҳақидаги маълумотларни бойитиш.
- Халқимизда зиёрат маданиятини шакллантириш лозим. Бунинг учун оммавий ахборот воситаларида ҳаёт йўли ёшларимиз учун ибрат бўла оладиган тарихий шахсларимиз, уларнинг мақбаралари ҳақида туркум кўрсатувлар, эшиттиришлар тайёрлаш, мақолалар чоп этиш керак.

¹ Мақбаранинг кун чиқиш томонида спиртли ичимлик ишлаб чиқариш заводи, кун ботиш томонида курул-яроғ ишлаб чиқарадиган завод бўлганлиги боис, мақбара асосан спиртли ичимликлар сақлашга мўлжалланган.

² Абриев Р.Б. Ўзбекистон мустақиллиги йилларида тарихий-меъморий обидаларни таъмирлаш ва қайта тиклаш жараёнлари (Зарафшон воҳаси мисолида). Монография, Т., “Фан”, 2015, 75-бет.

Turdiyev Bexruz Sobirovich (BuxDU Milliy g'oya, ma'naviyat asoslari va huquq ta'limi kafedrasida o'qituvchisi, bekhruz0302@gmail.com)
SHARQ VA G'ARB MUTAFAKKIRLARI QARASHLARIDA JAMIYAT TARAQQIYOTI MA'NAVY YANGILANISHLAR MEZONI

***Annotatsiya.** Mazkur maqolada Sharq va G'arb mutafakkirlari Zardusht, Konfutsiy, Suqrot, Platon, Aristotel, Forobiy, Ibn Sino va Nizomulmulklarning jamiyat taraqqiyotida ma'naviy yangilanishlar to'g'risidagi qarashlarining bugungi fuqarolik jamiyatini shakllantirishdagi ahamiyati ilmiy tahlil etilgan.*

***Аннотация.** В статье проведен научный анализ взглядов таких мыслителей Востока и Запада, как: Зороастр, Конфуций, Сократ, Платон, Аристотель, Фараби, Ибн Сина и Низамулмулка о роли духовного обновления в развитии общества, что является актуальным и для формирования современного гражданского общества.*

***Annotation.** The article provides a scientific analysis of the views of thinkers of the East and West, such as: Zoroaster, Confucius, Socrates, Plato, Aristotle, Farabi, Ibn Sina and Nizamulmulk about the role of spiritual renewal in the development of society, which is also relevant for the formation of modern civil society.*

***Kalit so'zlar:** taraqqiyot, ma'naviy yuksalish, qadriyat, dialektika, islohot, fuqaro, baxt, hadis, axloq, ilm-fan.*

***Ключевые слова:** развитие, духовный рост, ценности, диалектика, реформа, гражданство, счастье, хадис, мораль, наука.*

***Key words:** development, spiritual growth, values, dialectics, reform, citizenship, happiness, hadith, moral, science.*

Bugungi kunda jamiyat taraqqiyotida ma'naviy yangilanishlar to'g'risidagi turli g'oya va qarashlarni chuqur va atroflicha tahlil etmay, ulardan tegishlicha saboqlar olmay, milliy tiklanishdan milliy yuksalish sari degan eng ulug' maqsadni amalga oshira olmaymiz.

Shu bois insoniyat tarixida jamiyatning ma'naviy yuksalishi haqidagi turli davrdagi buyuk allomalar, davlat va jamoat arboblarning ilmiy-falsafiy qarashlaridan qancha ko'p ma'lumotlarni tadqiq etsak, jahonning rivojlangan davlatlarining ijobiy jihatlari o'rgansak, mamlakatimizni jahon tendensiyalariga mos ravishda rivojlantirishimiz, fuqarolarni davlat va jamiyatimizning milliy yuksalishiga faol ishtirokini ta'minlagan bo'lamiz.

Ijtimoiy-falsafiy fikrlar tarixiga nazar tashlasak, ma'naviy yangilanishlar jarayonining jamiyat taraqqiyotiga ta'sir doirasi sezilarli ekanligini Sharq va G'arb mutafakkirlari tomonidan qoldirilgan ilmiy merosi guvohlik beradi. Shuning uchun buyuk faylasuf, mutafakkir olimlar va adolatli davlat boshliqlari millatni mahdudlik holatidan chiqarib, taraqqiyotni rivojlantirish maqsadida, birinchi navbatda, ma'naviy yangilanishlar omiliga e'tibor berganlar, jamiyat a'zolarini umuminsoniy qadriyatlarga sodiqlik, vatanga daxldorlik mas'uliyati, insonni e'zozlash, adolat uchun kurash, halol mehnat, jamoaviylik, oilaga sadoqat, do'stlarni hurmat qilish ruhida kamol toptirishga, ularda milliy g'urur va iftixor, burch va mas'uliyat tugging'ularini kuchaytirishga harakat qilganlar.

Shundan kelib chiqib, ma'naviy yangilanishlarning jamiyat rivojida tutgan o'rnini qadimgi Sharq va G'arb faylasuf olimlarining ijodlaridan namunalar asosida ilmiy tahlil qilib chiqsak. Bejizga Sharq qadimdan ma'naviyat va sivilizatsiya o'chog'i sifatida ta'riflanmagan. Qadimgi Sharq faylasuflari ma'naviy yuksalish, shaxsning o'zligini anglashi va kamol topishiga qaratilgan konsepsiyalarda, avvalo, zardushtiylik, buddizm, konfutsiychilik falsafasida juda ko'plab noyob dialektik g'oyalar ilgari surilgan.

Ayniqsa, bu borada Zardushtning falsifiy-ijtimoiy qarashlari diqqatga sazovor. Zardushtiylik jamiyatni tinch va osoyishtalik, barqaror holatda bo'lishi, insonlarning bir-birlariga maslakdosh, ko'makdosh bo'lishi kabi g'oyalarni ilgari surgan. Zardusht falsafasidagi "O'zgalarga yorug'lik istagan kimsalarga yorug'lik nasib etadi. Haqiqat nurlari ostida, Ezgu Niyatdan yaralgan ma'rifatingdan bizlarga hadya qil, toki tirikligimizning har lahza, har soat, har bir kunida shodmonlikdan bahramand bo'laylik" yoxud "Olam

obodligi uchun g'ayrat ko'rsatmoq lozim, uni yaxshilik bilan asramoq va yorug'lik sari eltmoq kerak"¹ singari fikrlar bugun ham o'z ahamiyatini yo'qotgani yo'q. U o'z davrida xalqni ezgulik va adolat g'oyalari-ga da'vat etish, hayotbaxsh an'analarni shakllantirish, dehqonchilik va shahar madaniyatini rivojlantirishda muhim ahamiyatga ega bo'lgan, uning g'oyalari bilan bog'liq qadriyatlar bugungi kungacha yashab kelmoqda va xalqimiz turmush tarzining o'ziga xos xususiyatlarini belgilashda ulkan qimmat kasb etmoqda.

Qadimgi Xitoydagi ijtimoiy-falsafiy fikrlar tarixida Konfutsiyning (551–479) qarashlari ham alohida o'rin tutadi. U qadimgi Xitoydagi ijtimoiy-falsafiy fikrning rivojiga katta hissa qo'shgan. Mutafakkirning "Aforizmlar" asari teran falsafiy g'oyalari bilan mashhurdir. Konfutsiyning falsafiy qarashlarida axloqiy masalalar markaziy o'rin tutadi. Qadimgi ajdodlarning urf-odatlarini, marosimlarini, tariqatiga tayangan Konfutsiy o'tganlarning shuhrati ularning avlodlarini yuksaltiradi, deb jamiyatning haqiqiy negizi, poydevorini yanada mustahkamlash uchun qadimgi urf-odatlar, marosimlar, an'analarni tiklash va ularga amal qilish zarurligini uqdiradi.² Hozirgi kunda Konfutsiy tomonidan yaratilgan ta'limotning maqsadga muvofiqligini mamlakatimizda qadimgi urf-odat, an'ana, milliy marosim va bayramlarimizning, ajdodlarimiz tarixiy xotiralarining tiklanishi borasidagi ma'naviy-ma'rifiy islohotlarimizda ko'rishimiz mumkin.

Qadimgi dunyoda falsafiy fikr taraqqiy etgan mamlakatlardan biri Yunoniston edi. Qadimgi Yunonistonda falsafa ijtimoiy hayotning in'ikosi sifatida tabiat to'g'risidagi bilimlar bilan bog'lanib bir butun dunyoqarashni o'zida mujassamlantirgan edi. Qadimgi Yunonistonda Suqrot, Platon va Aristotel asos solgan falsafiy oqimlar idealistik dunyoqarashni rivojlanishiga xizmat qiladi.

Suqrot (eramizdan oldingi 469–399-yillar) – qadimgi Yunon faylasufi. Afinaning ijtimoiy hayotida faol ishtirok etgan, yoshlar tarbiyasi bilan shug'ullangan, hurfikrli inson, kambag'aldan chiqqan, tosh yo'nuvchining o'g'li, o'ta bilimdon kishi sifatida mashhur bo'lgan.³ Suqrotning fikricha, falsafaning markazi-da axloq masalalari turmog'i lozim. Jamiyatning ravnaqi, tinchlik va osoyishtaligi, farovon hayoti axloq va odobning ahvoriga bog'liq. Bu masalalar Sharq falsafasida ham katta o'rin tutganligi bois xalqimiz, buyuk allomalarimiz Suqrot nomini hurmat bilan tilga olgan, uning axloq-odob haqidagi pandanasihatlariga amal qilishgan.

Jahon falsafasi tarixida o'chmas iz qoldirgan buyuk alloma, faylasuf, san'atshunos olim Platondir. Uning fikricha, "Kimki, davlatlarga jamiyat va umumxalq muomalasida bo'ladigan axloqning hayotiy qoidalari to'g'risida qonunlar berishni o'ylab, ammo xususiy hayotga e'tibor berishni zarur deb hisoblamagan bo'lsa, bu bilan hammaga hamda har kimga o'zi xohlaganicha kun o'tkazishiga imkoniyat yaratib bergan bo'lsa, fuqarolar, o'zlarining xususiy hayotlari qonunlashtirilmaganiga qaramay, jamiyat va umumxalq hayotida qonunlarga mos yashaydilar, deb hisoblasa, u noto'g'ri mulohaza yuritgan bo'ladi".⁴

Platonning ideal davlat to'g'risidagi orzulari negizida adolat g'oyasi yotadi. Platon aytganidek, jamiyat barcha a'zolarining odil jamiyatdagi qonunlarga bo'ysunishi ijtimoiy taraqqiyotning asosiy garovidir.

O'zining qomusiy merosi bilan jahonni lol qoldirgan, ilmiy-falsafiy g'oyalari bilan sharqda "Birinchil muallim" sifatida e'tirof etilgan buyuk faylasuf Aristotel'dir. Aristotel fikricha, haqiqiy baxtni anglash ma'naviy yuksak, to'g'ri fikrlovchi kishiga taalluqlidir. Har bir insonning go'zallik to'g'risida tasavvuri bor. Bunda ma'naviy insonning buyuk yutug'i ko'rinib turibdi. Faylasuf har bir alohida holatda haqiqatni topadi. Bu uning mezoni va qonuni hisoblanadi. Ma'naviy inson aql bilan fazilatlar birligiga amal qiladigan kishidir. Fazilat jonning qo'lga kiritgan sifatidir. Jonning komil qismi qanchalik ko'p bo'lsa, fazilatlar ham shunchalik yuqori bo'ladi.⁵

Umuman, qadimgi Sharq va G'arb falsafasining ijtimoiy muammolari orasida axloq mavzusi yetakchilik qiladi. O'sha davrda yaratilgan hikmatli so'z, iboralar bugungi kunda ham insonni mulohaza yuritishga majbur qiladi. Markaziy Osiyoda siyosiy fikrlarning vujudga kelishi va rivojlanishida islom dini ham muhim manbalardan biri bo'ldi.

IX asrda maxsus islom ilmlari shakllandi. Greklardan o'tgan falsafa, matematika, fizika va boshqa qator ilmlardan tashqari kalom, hadis, fiqh kabi islomiy ilmlar yuzaga keldi. Islom Sharqda nafaqat din si-

¹ Jo'rayev N. Avesto: tarixiy-adabiy yodgorlik. T., G'afur G'ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2015, 52 – 120-betlar.

² Konfutsiy. Hikmatlar. T., Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston Milliy kutubxonasi nashriyoti, 2010, 9-bet.

³ Nazarov Q. Falsafa. T., "DITAF", 2000, 37-bet.

⁴ Aflotun. Qonunlar. T., "Yangi asr avlodi", 2002, 197-bet.

⁵ Nazarov Q. G'arb falsafasi. T., "Sharq", 2004, 162-bet.

fatida, balki yaxlit madaniyat, ma'naviyatning shakllanishida ham katta ahamiyatga ega bo'ldi. U madaniyatning ilm-fan, san'at, axloq, siyosat kabi sohalarining rivojiga ham ijobiy ta'sir ko'rsatdi.

Bu davrda diniy ilmlar sohalarida mintaqa shuhratini olamga tanitgan imom Buxoriy, imom Termiyiy, Nizomulmulk, dunyoviy ilmlar sohasida esa, Forobiy, Beruniy, Ibn Sino hamda tasavvuf ma'naviyat ma'rifiy ta'limoti sohasida Ahmad Yassaviy, Ahmad Yugnakiy, Yusuf Xos Hojib, Najmiddin Kubro, Bahouddin Naqshband va boshqa yirik alloma va mutafakkirlarning jamiyat taraqqiyoti rivojida ma'naviyat hodisasining beqiyos o'rni haqidagi qarashlari butun jahon ilmiy va falsafiy tafakkurining ravnaqiga hayotbaxsh hissa qo'shdi.

Abu Nasr Forobiy (873–950) jahon ijtimoiy-falsafiy fikrlar tarixida “Sharq Aristoteli” (“Ikkinchi muallim”) degan unvonga sazovor bo'lgan mashhur qomusiy olimdir. Forobiy o'zining ijtimoiy-falsafiy qarashlarida jamiyatning vujudga kelish sabablarini, axloqning shakllanishi, inson va jamiyatning o'zaro munosabatini, insoniylik, adolatparvarlik, tarraqiyot, buyuk jamiyat, komil inson kabi mavzularni ilmiy-nazariy jihatdan asoslashga harakat qilgan. Forobiy talqinicha, “...haqiqiy baxtga erishish maqsadida o'zaro yordam qiluvchi kishilarni birlashtirgan shahar – fazilatli shahardir, baxtga erishish maqsadida birlashgan kishilar jamoasi – fazilatli jamoadir. Baxtga erishish maqsadida o'zaro yordam bergan xalq – fazilatli xalqdir. Shu tartibda barcha xalqlar baxtaga erishish uchun bir-birlariga yordam bersalar, butun yer yuzi fazilatli bo'ladi”.¹ Demak, Forobiy ta'biricha, jamiyat va xalqlarning o'zaro bir-biriga yordami, teng huquqlilik, adolatparvarlik tamoyillari fozil davlatning ma'naviy yuksalishga xizmat qiladi.

Ibn Sino (980–1037) jahon xalqlari ijtimoiy-falsafiy fikrining buyuk namoyandasi, Sharqda “Shayx ur-raisi” (olimlar boshlig'i) degan nom bilan shuhrat qozongan qomusiy olim – mutafakkiridir.² U tabibgina bo'lib qolmasdan, o'z davrining buyuk mutafakkiri, keyingi asrlar fani, madaniyati, adabiyotiga salmoqli ta'sir ko'rsata olgan buyuk siymo edi. Ibn Sino ijodidagi ajoyib xususiyatlardan biri shu ediki, u asarlarida o'z davrining juda ko'p ilg'or g'oyalarini aks ettira oldi. Abu Ali ibn Sino kamolotga erishishning birinchi mezonini sanalgan bilimlarga yetishishni da'vat etgan. Chunki ilm-fan tabiat va jamiyat qonuniyatlarini ochib, avlodlarga yetkazadi. Bu maqsadga yetishish uchun inson qiyinchiliklardan qo'rqmasligi zarur, deydi. “Ey birodarlar! Odamlarning botiri mushkulotdan qo'rqmaydi. Kamolot hosil qilishdan bosh tortgan kishi odamlarning eng qo'rqog'idir”.³ Zero, bilimli kishi jasur, o'limdan ham qo'rqmaydigan, faqat haqiqatni bilish uchun harakat qiladigan bo'ladi, deydi u fikrini davom ettirib.

Nizomulmulk (1018–1092) oqilona va adolatli davlat boshqaruvi tufayli Malikshohning nomi tarixda qoldi. U “...davlatu donish va ezgu rasm-u odat yorug' shamga o'xshaydi. Va odamlar shu yorug'likda yo'llarini topib, qorong'ilikdan chiqadilar”.⁴

Asar hozirgi davr siyosatchilari, davlat amaldorlari va mansabdor kishilarga, umuman, o'tmish tariximizga qiziquvchi barcha o'quvchilarga ma'naviy ruh va kuch beradi, deb o'ylaymiz.

Muxtasar qilib aytganda, yuqorida ko'rib chiqqan ma'naviy yangilanish to'g'risidagi mutafakkirlar fikrlari, nafaqat O'rta Osiyo, balki jahon xalqlari ma'naviy yuksalish tarixining ajralmas qismiga aylandi. Ushbu g'oyalar ijtimoiy muhit, inson munosabatlarini o'rganish, mavjud olamni bilish va uni o'zgartishga bo'lgan uzluksiz intilish jarayonida shakllanib, rivojlanib borganini va xalqlarning ilmiy tafakkurining o'sib borishi, ma'naviy yuksalib borishi, inson kelajagi haqidagi g'oyalarni olg'a surish va amalga oshirish uchun xizmat qilmoqda.

Жўраев Алишер Тўлқинбойевич (НамДУ тадқиқотчиси)

ДАВЛАТ – БУНЁДКОР МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР ВА АНЪАНАЛАРНИ АСРАШ ОМИЛИ

***Аннотация.** Тадқиқотчи А.Т.Жўраевнинг “Давлат – бунёдкор миллий қадриятлар ва анъаналарни асраш омили” номли ушбу мақоласида миллий қадриятлар ва маданий анъаналарни асраб қолиш ва авлоддан-авлодга етказишида давлатнинг ўрни ҳамда унинг ушбу соҳага табиатан масъуллиги масалалари фалсафий контекстда таҳлил этилган.*

***Аннотация.** В статье исследователя А.Т.Жураева “Государство – фактор сохранения создательных национальных ценностей и традиций” в философском контексте произведен анализ места и естественной ответственности государства в вопросах сохранения и передачи от поко-*

¹ Abu Nasr Forobiy. Fozil odamlar shahri. T., “Yangi asr avlodi”, 2015, 288-bet.

² Xayrullayev M. O'zbekistonda ijtimoiy-falsafiy fikrlar tarixidan. T., “O'zbekiston”, 1995, 59-bet.

³ Ibn Sino. Falsafiy qissalar. T., “Badiiy adabiyot” nashriyoti, 1963, 15-bet.

⁴ Nizomulmulk. Siyosatnoma (“Siyar ul-muluk”). T., “Yangi asr avlodi”, 2015, 20 – 21-betlar.

ления к поколению национальных ценностей и культурных традиций.

Annotation. The article named “State is a factor in preserving national traditions and customs”, written by the researcher A.T.Juraev, analyzes the philosophical context of the role of the state in the preservation and transmission of national values and cultural traditions.

Калим сўзлар: давлат, сиёсий институт, имманентлик, жамоавий онг, миллий анъаналар, миллий қадриятлар, маданият, анъанавийлик, цивилизация, индивид, инсон, маънавий-руҳий қувват, социум, халқ хотираси, уйғунлашув, аждодлар, авлодлар, сезгирлик, синхронлик, салоҳият, биогенетик хусусият, тандем, масъулият.

Ключевые слова: государство, политический институт, имманентность, коллективное сознание, национальные традиции, национальные ценности, культура, традиционность, цивилизация, индивид, человек, духовно-психическая сила, социум, народная память, гармония, предки, потомки, чуткость, синхронность, потенциал, биогенетическая особенность, тандем, ответственность.

Key words: state, political institution, immanence, collective consciousness, national traditions, national values, culture, traditionality, civilization, individual, human, spiritual strength, socium, people’s memory, harmony, ancestors, generations, sensitivity, synchrony, potential, biogenetic nature, tandem, responsibility.

Давлатнинг вужудга келиши инсоният ақл-заковати ривожда инкилобий аҳамият касб этиб, у жамоавий онг, тафаккур ва интилишнинг табиий натижаси ўларок, ҳеч ким, ҳеч бир гуруҳ ёки синф томонидан яратилмаган, балки табиий-ижтимоий эврилишлар, муносабатлар занжирининг ноёб натижаси ҳисобланади. Ижтимоий-сиёсий интилишлар жараёнида юзага чиққан институт, жамият ҳаёти ва фаолияти ташкил этилишининг ўзига хос шакли, халққа хос буюк жамоавий яратувчи куч ва улкан ички салоҳият, руҳиятнинг ноёб бир кўриниши сифатида у инсоният тарихий тараққиётида алоҳида ўринга эга. Шундай экан, давлатнинг имманент хусусиятларидан бири миллий анъаналарни асраш бўйича унинг жавобгарлиги масаласи ҳам долзарб мавзу.

Ер куррасидаги барча халқлар ва цивилизацияларнинг ўз маънавий меросига муносабатини юксак баҳолаган ҳолда, минтақамизнинг бу жаҳоний жараёндаги ўрнига алоҳида эътибор бериш фойдадан холи эмас. Негаки, Шарқ цивилизациясида анъанавийлик алоҳида нуфузга эга деган фикр эътиборга молик ва бугунги кун нуктаи назаридан анчагина асосли кўринади. Хусусан, “Бенгалия Ренессанси” номи билан тарихдан жой олган улкан маданий жараённинг атоқли намоёндаларидан бири, хинд файласуфи Кришнамохан Банерджи ўзининг бир чиқишида “Цивилизация, аслида, Осиёнинг қадимги нурли ва шон-шухратга бурканган асноларидан бошланган. Ёзув ва ёзишмаларнинг пайдо бўлиши, давлат бошқарувининг умидбахш шакллари ҳамда услубларининг амал қилиши, қонунларнинг жорий қилиниши ва қолаверса давлатнинг жирканч кимсаларга нисбатан ўз куч-қудратини намойиш этиши ва бошқа атрибутлари, даставвал, Шарқ мамлакатларида илдиз отди”. “Билим ва илм ёғдуси, энг аввало, Шарқ оламидан тарқалган”лиги ҳақидаги фикр Ҳиндистоннинг атоқли тафаккур соҳибларидан яна бири Раммохан Рай илмий меросида ҳам учрайди.¹ Ушбу сюжетдан мақсад давлат, сиёсий бошқарув ва тузилмалар пайдо бўлган жойда, миллий-этник қадриятлар ва анъаналарни асраш ҳақида сўз юритилиши оддий бир ҳолат эканлигини таъкидлашдан иборат. Зеро, ўтмиш, бугун ва келажак занжирини фақат давлат бўлиб бирлашган социум сақлаб қолади ва шу тарзда авлодлар фаровонлиги, маданий-маънавий равнаки учун мустаҳкам асос яратилади.

Дарҳақиқат, давлатнинг гуманистик жихати ҳам шунда ва унинг барча минтақалар учун имманент эканлиги аксиома. Аммо бу жараён биринчи бор Шарқда, жумладан, минтақамизда чуқур илдиз отди. Бундан 2500 йиллар чамаси, аввал, аллома Кун Фуцзы (Ғарбда Конфуций) бу ҳақиқатга ёндашар экан, “Кимда-ким аждодлар силсиласини улуғлаб, уни асраб қолар экан, шу ҳаққоний инсондир. Кимки аждодларга нисбатан муносиб ҳурмат-эҳтиром бажо келтирар экан, адолатпешадир”² дея уқдиради. Хитойликлар тафаккур йўналишига кўра, ундай саъй-ҳаракатни фақат доно салтанат соҳиби ва у бошқараётган давлат тузилмаси ўз зиммасига олиши шарт. Кўриниб турибди-

¹ Скороходова Т.Г. Проблема «Восток-Запад» в социальной мысли Бенгальского Возрождения. «Вопросы философии», 2017, №12, с. 149, 151.

² Удержание Изначального (Чжун Юн). Перевод с китайского И.Канаева. «Вопросы философии», 2018, №8, с. 131, 132.

ки, миллат кадриятлари ва анъаналарининг бус-бутунлиги, тадрижийлиги, яъни маънавий-руҳий қуввати фақат давлат орқали заифлашмай бугунги авлодга етиб келар экан.

Олам, борлиқдаги барча ижтимоий унсурлар ўзаро боғлиқ, бири-бирини тақозо этиш орқалигина ўз абадийлигини асраб келади. Давлат айнан шу контекстда қаралса, унинг вужудга келишдан муддаоиси ҳам, яшовчанлик қобилияти, салоҳияти ҳам, ўзлиги, айнанлиги ҳам бошқа ижтимоий жабҳалар билан чамбарчас боғлиқлиги, керак бўлса, ана шу “боғлиқлик дунёси”ни яратиш, авваламбор, давлатнинг вазифаси ва масъулияти эканлиги ойдинлашади.

Турли давлатларда мазкур соҳа бўйича фаолият кўрсатаётган илмий жамоатчилик бугунги кунда у ёки бу даражада муҳим бир хулосага келишди. Индивидлар, гуруҳлар, социумлар, жамиятлар бутун миллатга хос барча бунёдкор кадриятлар, анъаналар ва кўникмалар тизимига риоя этса ёхуд руҳан ўзиники деб қабул қилса-да, уни бус-бутун асраб қолишга ёлғиз ўзининг қурби етмайди. Зеро, бу жараён, муаммо қандайдир ташкиллаштирувчи, тартибга солувчи ягона кучга эҳтиёж сезади. Бундай ўзига хос кемтикликка жавоб топиш учун илм-фанда аллақачон мавжуд “бегоналашув назарияси”га мурожаат қилиш жоиз. Ижтимоий жараёнда “бегоналашув” ҳар бир индивидга хос ижтимоий потенциалнинг бир қисми бошқа бир юқори поғонадаги актор (субъект) фойдасига чекланишини англатади. Ва бу, ўз навбатида, ижтимоий тизимнинг асосий элементи бўлган субординатив муносабатни тақозо этади”.¹ Демак, сўз ўша юқорироқ субъект бу давлат эканлиги, унинг алоҳида ўзига хос ва ўзига мос ижтимоий-сиёсий ва маънавий-руҳий қудратга эгаллиги, унга муносиблиги хусусида бормоқда.

Ушбу имманент умумий тенденция ҳақида ўйлар экан, XX асрнинг атоқли файласуфларидан бири Мартин Хайдеггер масалага қуйидагича аниқлик киритади: “Бундай боғлиқлик ижтимоийлик шароитида яшаш усулининг бирдан-бир асосий кўриниши бўлмиш “бегоналашув” кундалик юмуш ва интилишлар муҳитида инсонни шахсизлаштириб, жамиятнинг функционал қисмларидан бирига айлантиради. Бу ерда алоҳида бир инсон экзистенцияси (кундалик юмуши, яшаши) ижтимоий хулқ-атвор ҳамда тафаккур тарзи билан уйғунлашиши натижасида бошқа биров билан ўхшашлик касб этади”.²

Ушбу фикрни соддалаштириш жоиз бўлса, у ҳолда индивид, инсон умрига хос синхронлик, яъни ижтимоийлик биогенетик хусусияти туфайли у ижтимоийликнинг олий пиллапоиси давлат фойдасига ўз ижтимоийлигини чеклаши натижасида умумий организмнинг қисмларидан бирига айланиб, бошқалар ижтимоий юмуши, фаолиятининг оддий иштирокчиси тарзида ўз салоҳиятини намоён этади. Бу умумийлик эса давлат ва у ижтимоий боғлиқликлар учун яккаю ягона жавобгар.

Айни пайтда, сўз инсон билан давлат занжирида, хусусан, уларнинг бир-биридан бегоналашуви эмас, балки ҳар бирининг салоҳияти, имконияти кўламининг тўлақонли амалга ошиши устида бормоқда. Зеро, фуқаро ва давлат ўз бурчи, мақсад ҳамда вазифаларини бир-бири қаршисида ўзаро аниқ белгилаши, англаб етиши ва кейинчалик уйғунлаштирилиши – бу умумий тамойил. Бироқ бу умумий тамойилни ҳар бир миллат, халқ ва қолаверса оддий фуқаро ички ҳамда ташқи вазиятлар, амалга оширилиши зарур кундалик вазифалари боис ҳар хил тушунади, аниқроғи, тушуниш даражаси ҳар хил бўлади.

Миллат теграсидаги бунёдкор кадриятлар, анъаналар, ўзгача руҳий куч бағишловчи удумларни асраш зарурати давлат учун ҳар доим долзарб бўлган. Халқнинг тақдири учун бевосита жавобгар давлат, одатда, бундай заруратни ўз тарихидаги ҳал қилувчи пайтларда тез ва чуқурроқ англаши шарт. Ваҳоланки, ватанимиз тарихида бундай даврлар кўп бўлган, бироқ улар орасида миллий мустақилликка эришган сониялар алоҳида ўрин тутаяди. Айнан шундай пайтларда тарихимиз саҳифаларидан мустаҳкам жой олган фожиали йиллар ҳам ўзини яққол намоён этадики, уларни қанчалик оғир ва аянчли бўлмасин – халқ чуқур идрок этиши зарур ва муҳим.

Дарҳақиқат, улуғ бобокалонимиз Абу Райҳон Беруний бу хусусда шундай деб ёзади: “Қутайба Хоразм халқини яхши биладиган, уларнинг хабар ва ривоятларини ўрганиш ва билишни бошқаларга ўргатадиган кишиларни ҳалок этиб ва буткул йўқ қилиб юборган эди. Қутайба хоразмликларнинг котибларининг котибларини ҳалок этиб, билимдонларини ўлдириб, китоб ва дафтарларини куйдиргани боис, улар саводсиз бўлиб, ўз эҳтиёжларида ёдлаш қувватига суянадиган бўлдилар”.³ Кўриниб турганидек, буюк ватандошимизнинг илмий меросида бугунги кун нуқтаи назари-

¹ Ризоев Ш.Х. К вопросу о социальной природе власти. «Вопросы политологии», 2018, №8, с. 33.

² Тощенко Ж.Т. Социология жизни как теоретическая концепция. «Социс», 2015, №1, с. 108.

³ Абу Райҳон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Тошкент, “Фан”, 1968, 100 – 102-бетлар.

дан ўта долзарб, доимо ёдда тутиш шарт бўлган нуқталар мавжудки, уни англамаслик мумкин эмас.

Дарҳақиқат, халқимиз араб босқинидан жуда аввал минг йилларни қамраб олган ижтимоий-маданий, ахлокий кадриятларга эга бўлган. Босқинчилар маҳаллий халқни заифлаштириш, уни буткул тутқинликда ушлаб туришнинг энг осон йўли, унинг ёзуви, хати, китоби, дафтарини йўқ қилиш учун эгаларининг бошини танасидан жудо қилишнинг ўзи етарли эканлигини жуда яхши билишган. Зеро, ёзув ва битиклар барча замонларда халқ салоҳияти, донолигининг ифодаси бўлган. Кимнинг ким бўлганлиги, келажакда улар ким бўлишининг жонли гувоҳлари бизга ана ўша нодир битиклар орқали етиб келган.

Чунончи, “Авесто”дан бошланган ўтмишдошларимизнинг буюк яратувчилик қудрат намоёйиш этганликлари тўла-тўқис бўлмаса-да, уларда ажодларимизнинг ички интилишлари акс этганлигидан гувоҳлик берувчи топилмаларни бугун билиш, таҳлил қилиш ҳам катта аҳамиятга эга. Улар ҳақида юртимиз олимларидан ташқари дунёдаги бошқа мутахассисларнинг ажойиб фикрлари ҳам талайгина.¹ Босқинчи ва талончи тўдалар келиб, юртимизда қирғинбаротни амалга оширишди, аммо буюк Беруний айтганидек, халқнинг тарихий хотирасини йўқ қила олишмади. У бугунгача бус-бутун етиб келди.

Маълумки, дунёда бирорта бир давлат, давлатчилик жараёни узоқ ва яқин жойларда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалардан, ўзининг миллий кадриятларию анъаналаридан ажралган ҳолда қандайдир бир мустақил асосга эга бўлмаган. Замин, тарих, шонли ҳамда фожиали кечмишлар давлат учун битмас-туганмас руҳият манбаидир. Ўтмиш тажрибаларидан маълумки, хусусан, салтанат бу масалада ўз масъулиятини чуқур ҳис этган. Лекин маънавий-руҳий омилга, холисона айтсак, мустақиллик йилларига келиб алоҳида эътибор бериладиган бўлди. Миллий анъаналарга янгича муносабат давлат сиёсатига айланди. Дарҳақиқат, анъаналарга содиқлик, уларга бугунги кун талабларидан чиқиб ёндашув ҳамма миллат ва элат учун долзарб бўлса-да, уни англаш даражаси барча халқларда бирдек эмас. Бу улкан ижтимоий муаммо. Тўғри, баъзи халқларда бирорта бир илғор ғояни амалиёт даражасига олиб чиқиш учун зарур шарт-шароит бирмунча чегараланган бўлиши мумкин, уни тушунса бўлади. Аммо, ҳатто қийинчилик, фожиали дамлар ҳам бу муқаддас вазифани хотирадан фаромуш қилишни оқлай олмайди.

Одатда, у ёки бу халққа ўз давлатини нафақат қайта тиклаш, ҳатто замонавий давлатлар сафига кириш имконияти билан боғлиқ тарихий шанс берилади. Бироқ у бу имкониятга нисбатан бепарқ, бешуурликда қолса, охир-оқибат ўз давлатига эга бўлиш имконияти, ҳақ-ҳуқуқидан маҳрум этилган. Демак, унга эришиш, эришмаслик фақат ва фақат халқнинг бу ёруғ дунёда кимлигини англаш даражасига бориб тақалади. Нима бўлганда ҳам, “ўзининг қудрати ва ҳимоясига суянган ҳолда, умуминсоний кадриятларга асосланиб, жаҳон ҳамжамиятидаги мутараққий давлатлар орасида тенг ҳуқуқли ўлароқ, муносиб ўрин эгаллашига доимий интилиш ҳиссини”² мустаҳкамлаш масаласи мустақиллик даврининг бош стратегияси даражасига олиб чиқилди.

Табийки, бугунги ўзбек давлатининг нуфузи: бизнинг кимлигимиз минг йиллар аввал кўпчиликка маълум эди: уни бугун алоҳида ҳис этишнинг аҳамияти жуда катта. Бутун тарих мобайнида ўзбеклар ён-атрофдагиларга ёрдам қўлини чўзди ва улар ҳам халқимизга муносиб жавоб қайтарган. Шу муносабат билан, Президент Ш.Мирзиёев томонидан вақт ўлчами нуқтаи назаридан деярли бир пайтда, бироқ нуфузли сиёсий даражаларда айтилган хулосалар эътиборимизни ўзига тортади. Хусусан, 2018 йил “Тинч жараён, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий ҳамжиҳатлик” мавзусидаги Афғонистон бўйича халқаро конференцияда давлатимиз бошлиғи муҳим бир фикрни ўртага ташлади. “Қадим-қадимлардан Амударёнинг икки соҳилида яшаб келган кишиларни тилдаги ўхшашлик, умумий муқаддас дин ҳамда бир хил маънавий кадриятлар бирлаштириб келган. Амударё биз учун ҳаёт манбаи бўлган, аммо ҳеч қачон одамларнинг эмин-эркин борди-келдиси, мустаҳкам савдо-сотик алоқалари, илмий ютуқларимизни айирбошлаш ва маданий ҳамжиҳатликка тўсқинлик қилмаган”.³

Дарҳақиқат, Амударё соҳилларининг ён атрофида яшаган қўшни халқлар қалбидаги тарихан

¹ Майданов А.С. Миф как средство сакрализации жизненного мира человека. «Вопросы философии», 2018, №9, с. 207 – 214.

² Шу манба. 202-бет.

³ Мирзиёев Ш. Выступление на международной конференции по Афганистану 27.03.2018. «Народное слово», 2018, 29 марта.

хамжихатлик ҳисси ўзига хос бир табиий қулайлик туғдирган, дарёмиз халқларни ажратмаган, балки бу обиҳаёт элатларнинг бугунгача етиб келишини, моддий ҳамда маънавий фаровонлигини таъминлади. Заминимиз – ўзбеклар маскани учун турли халқларни бир-бирига бирлаштириш буюк кадрият ва бунёдкор анъана даражасига кўтарилди. Бундай яратувчилик иши, шубҳасиз, давлат, салтанат туфайли рўёбга чиққан. Давлатнинг шу анъанага содиқ қолганлиги ва собитқадамлик намойиш этганлиги боис, Ўзбекистон мустақиллик даврида бу жабҳада янгидан-янги марралар сари бормоқда.

Маълумки, миллий анъаналар эътибордан четда қолса, уларга давлат янги ҳаёт бахш этмаса, улар фақат эртақлару ривоятларда қолиб кетган бўлар эди. Уларнинг тарихий жараёнлар ва ўзгаришларга нисбатан ўта сезгирлиги боис, тарихий тараққиёт билан биргаликда янги маъно-мазмун касб этади. Шундай бўладикки, узоқ даврлар “мудроклик ҳолатидаги” анъана, бугун ўта долзаблашиши, буюк бунёдкорликлар ишитоқчисига айланиши мумкин.

Дарҳақиқат, ўзбек замини жуда кўплаб халқлар учун “мулоқот майдони” бўлиб келган. Айнан шу гўшада элатлар, давлатлар, минг-минглаб оддий инсонларнинг бир-бирини яқиндан билиши, ўзаро самимийлик ва бағрикенглик илдиз отиши ўзбекистонликларнинг онг ва тафаккуридан чуқур жой олиб, миллий кадриятларимиз, анъаналаримизнинг ажралмас қисмига айландикки, Президентимизнинг юқорида зикр этилган ташаббусини ўзбек давлатига хос маданиятнинг кўриниши, десак тўғри бўлади.

Хулоса ўрнида айтганда, давлат конкрет маконда конкрет социум, конкрет ижтимоий борлиқнинг маҳсули. У ўзида айнан шу макондаги кишиларнинг жамоавий онг, тафаккури ва фаолиятини акс эттиради. Агар онг, тафаккур, кадриятлар, анъаналар, дунёқараш, ғоялар, орзу-умидлар, хуллас, нимаикки инсон ақли-заковатининг натижаси ва ниҳояси бўлса, барчасини умумий – “маданият” десак, давлат ана шу буюк салоҳиятнинг ҳам асровчиси, ҳам бойитувчиси. Шу жойда “давлат-маданият” тандеми, занжири вужудга келадикки, улар бир-бирига ўзаро таъсир ҳолатида кўриниш беради. Давлат – маданият инъикоси ва маданият қайсидир бир маънода, давлат инъикоси. Бу борада бошқа бир ижтимоий-маданий омил йўқки, қайсики, у давлат билан рақобатлаша олсин. Давлат маданият натижаси, маданият эса давлат туфайли барҳаёт.

Акбарова Зухро Акмалжоновна (Фарғона Давлат университети доценти)

ТИЛГА ОЛАМНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ ВОСИТАСИ СИФАТИДА ҚАРАШЛАР ТАҲЛИЛИ

Аннотация. Мақолада “олам модели” термини ва ундан келиб чиққан “оламни моделлаштириши” атамасининг замонавий тилшуносликка кириб келиши тўғрисидаги қарашлар баён қилинган. Шунингдек, дунё тушунчаси ва унинг модели, оламнинг лингвистик, фольклор модели ҳамда дунёнинг тил моделига нисбатан матн моделининг иккинчи даражали эканлиги ҳақида фикр юритилади.

Аннотация. В статье описываются взгляды на введение термина «модель вселенной» и полученный в результате термин «моделирование вселенной» в современную лингвистику. В нем также обсуждаются концепция мира и его модель, лингвистическая, фольклорная модель мира и тот факт, что текстовая модель является вторичной по отношению к языковой модели мира.

Annotation. The article describes the views on the introduction of the term “model of the universe” and the resulting term “modeling the universe” in modern linguistics. It also discusses the concept of the world and its model, the linguistic, folklore model of the world, and the fact that the text model is secondary to the language model of the world.

Калим сўзлар: “олам модели”, “оламни моделлаштириши”, дунё модели, оламнинг лингвистик манзараси, фольклор модели, тил модели.

Ключевые слова: “модель Вселенной”, “моделирование мира”, модель мира, лингвистическая картина мира, модель фольклора, языковая модель.

Key words: “model of the universe”, “modeling the universe”, model of the world, linguistic landscape of the universe, model of folklore, model of language.

Замонавий тилшуносликда “олам модели” термини ва бевосита шундан келиб чиққан “оламни моделлаштириши” атамаси қўлланила бошлаганига кўп бўлмади. Аслида, у аллақачон истеъмолда бўлган ва юқорида тавсифланган “олам манзараси” атамасига уйғундир. Шунинг учун ушбу атамаларни таққослаш, уларнинг ўзаро ўхшашликлари ва фарқларини тавсифлаш, шунингдек, “олам модели” атамасини турли хил функционал услуб матнларида қўлланилишининг қонунийлигини таҳлил қилиш талаб этилади. “Олам модели” атамаси замонавий адабиётшуносликда маълум бир ёзувчининг бадиий оламини тасвирлаш воситаси сифатида ҳам қабул қилинган. “Шуни таъкидлаш керакки, адабий танкид амалиётида” олам модели “атамаси пайдо бўлишидан олдин дунё моделининг индивидуал жихатлари: турли санъат асарларида замон ва маконнинг ўзига хос хусусиятлари, табиий-субстанциал ва вужудий жихатлари таҳлил қилинган. Олам модели буларнинг барчасини бирлаштириб, бадиий оламни қуриш усулларини ёзувчига хос бўлган дунёқарашнинг муайян нуктаи назарининг турғунлиги сифатида субъект ва маълум бир адабий ҳаракат сифатида кўриб чиқишга имкон беради».¹

Оламни моделлаштириш бўйича бир қатор тадқиқотлар дунё моделини муайян тил оиласига ёки гуруҳига қараб проекциялашни ўрганади. Шундай тадқиқотчилардан бири Т.В.Цивьян дунёнинг Болқон моделини ўрганмоқда.² “Ўзининг энг умумий кўринишида, ОМ маълум бир анъана бўйича дунёқарашларнинг бутун йиғиндисини уларнинг тизимли ва операцион жихатларига кўра қисқартирилган ва содалаштирилган акс эттириш сифатида белгиланади. “Олам” тушунчаси инсон ва атроф-муҳитнинг ўзаро муносабати ёки атроф-муҳит ва инсон ҳақидаги маълумотларни қайта ишлаш натижаси сифатида тушунилади. Қайта ишлаш икки босқичда амалга оширилади: Ҳислар томонидан қабул қилинган бирламчи маълумотлар тил белгилари ёрдамида иккиламчи транскодировкадан ўтказилади. Бинобарин, ОМ эмпирик маълумотни тизимлаштириш сифатида эмас, балки ҳар хил семиотик мужассамлашувнинг бирикмаси сифатида амалга оширилади, уларнинг ҳеч бири мустақил эмас. Уларнинг барчаси бир-бири билан мувофиқлаштирилган ва улар бўйсунадиган ягона универсал тизимни ташкил қилади”.³ А.В.Головачева, хусусан, қарғишнинг

¹Ларина Н.А. Миромоделирующие универсалии в малой прозе Леонида Андреева и Валерия Брюсова. Дисс. ... д.ф.н., М., Российский университет дружбы народов, 2018, с. 19.

²Цивьян Т.В. Лингвистические основы балканской модели мира. М., “Наука”, 1990; Цивьян Т.В. Движение и путь в балканской модели мира. М., “Индрик”, 1999.

³Цивьян Т.В. Лингвистические основы балканской модели мира. М., “Наука”, 1990, с. 5.

им-кониятларидан фойдаланиб, фразеологик бирликлар ва фольклор матнларига таяниб, дунёнинг Балто-славян моделини кўриб чиқади.¹ О.В.Орлова концептларнинг дунёни моделлаштириш потенциаллини ўрганади,² концепт потенциаллини жамият ривожланишининг маълум бир босқичида оламнинг жамоавий манзараси бўлаги сифатида таърифлайди. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, “олам модели” атамаси ва “оламни моделлаштириш” атамаси адабий асарларда кенг қўлланилади. Э.В.Меркель, Г.М.Ибатуллина, О.Р.Темиршина ишларини мисол қилиб келтириш мумкин.

Шундай қилиб, Э.В.Меркель олам моделини акмеист шоирларнинг бадиий асарларини таққослашга имкон берадиган асосий комплекс параметр ҳисоблайди.³ “Г.М.Ибатуллина турли хил жанрлардаги дунё моделларининг фарқини таъкидлайди: Мифологик боғлиқ, аммо ажралмас дунёқарашни йўқ қилиш билан, маиший тўқнашувлар ва қарама-қаршиликларни ички драматик рефлексив англаш пайдо бўлади. Афсонанинг монистик онги ўрнига воқеликнинг бир нечта моделлари ва дунёқарашнинг ҳар хил турлари (санъат, дин, фан ва бошқалар) туғилади; бадиий онг соҳасида ушбу жараёнлар дунё моделлаштиришнинг турли жанр шаклларининг пайдо бўлишини белгилайди. Ушбу воқеликнинг ҳар бир жанр модели ўзига хос хусусиятларни тақлиф этади: биринчидан, дунёнинг жанр қиёфаси ва унга хос бўлмаган воқелик ўртасида, биринчи навбатда, мавжудлик конфликтини бартараф этиш йўлидаги ички имкониятлари ўртасидаги муносабатлар тушунчаси. Иккинчидан, дунёнинг ҳар бир жанридаги инсон ва дунё ўртасидаги муносабатлар концепциясини, шунингдек, уларнинг ички имкониятлари, эҳтиёжлари ва идеалларининг ўзаро боғлиқлиги нуқтаи назаридан яна бир бор таъкидлаймиз.⁴ О.Р.Темиршина маълум бир адабий мактаб – символизм доирасидаги дунё моделини ўрганади: Дунё модели ва олам манзараси ўртасидаги фарқ, услубий аҳамиятга эга бўлишига қарамай, оламни моделлаштириш даражаси ва поэтик матн ўртасидаги ўзига хос алоқа механизмлари ҳақидаги саволга жавоб бера олмайди. Бу савол бошқача шакллан-тирилиши мумкин: олам модели қандай қилиб матнда ифодаланган?

Биз ишонамизки, матннинг барча элементлари оламни моделлаштириш даражасига тенг даражада боғлиқ эмас. Матнда олам моделини тўғридан-тўғри янгилайдиган бирламчи «базавий» тузилмалар мавжуд бўлиши мумкин. Бу бирламчи тузилмалар матн ва шахс ўртасидаги чегарада жойлашган, бир томондан, улар биосоциал мавжудот сифатида инсон учун психологик аҳамиятга эга, иккинчи томондан, улар матнда конструктив тизим ҳосил қилувчи функцияни бажарадилар. Ушбу турдаги энг фундаментал тузилмалар – бу тана ва борлиқ тасвирлари. Айнан мана шу “прототиплар”, бизнинг фикримизча, типологик таққослаш учун материал бўлиши керак. Ушбу муҳим тузилмалар даражасида турли муаллифларнинг семантикасининг ўхшашлиги маълум даражада уларнинг поэтик тизимларининг типологик жиҳатдан бошқа аспектларга ўхшашлигини англатади.⁵

“Олам модели” атамасини филологик қўллаш билан бир қаторда, бу мета-илмий маънога эга. Н.С.Дуреев “Фанда олам модели тушунчаси” асарида таъкидлаганидек, “олам модели” атамаси объектлар ёки ҳодисаларни ўрганишда услубий йўналиш беради ва умумий тадқиқот стратегиясини тузади. Ушбу тушунча илмий амалиётда гуманитар, техник ва табиий-илмий соҳалар тадқиқотчилари (психологлар, социологлар, физиклар, математиклар, ахборот технологлари ва бошқалар) томонидан қўлланилади. Аммо уларнинг ҳар бири “олам модели” тушунчасидан ўзига керакли бўлган услубий восита сифатида фойдаланади. Шундай қилиб, баъзи муаллифлар “олам модели” тушунчасини янги воқеликнинг сунъий қурилиши сифатида, бошқалари эса мавжуд воқеликнинг объектив акси сифатида ишлатадилар.⁶

“Олам модели” атамасини биринчилардан бўлиб В.Н.Топоров қўллайди ва унинг энг муҳим хусусияти – коллективликка ишора қилди. Бир кишининг лингвистик амалиётига татбиқ этилган-

¹ Головачева А.В. Картина мира и модель мира в прагматике заговора. Исследования в области балто-славянской духовной культуры. Заговор. М., “Индрик”, 1993.

² Орлова О.В. Жизненный цикл и миромоделирующий потенциал медиаконцепта. Вестник ТГПУ, 2010, №6 (96), с. 78 – 83.

³ Меркель Е.В. Поэтическая семантика акмеизма: миромоделирующие образы и мотивы. Дисс. ... д.ф.н., М., 2015.

⁴ Ибатуллина Г.М. Рефлексия и принципы жанрового миромоделирования. Филологические науки. “Вопросы теории и практики”, Тамбов, “Грамота”, 2013, №12, ч. 1, с. 94.

⁵ Темиршина О.Р. Символистские универсалии и поэтика символа в современной поэзии. Случай Б.Гребенщикова. М., издательство МНЭПУ, 2009, с. 19.

⁶ Дуреева Н.С. Понятие модели мира в науке. Электронный ресурс <https://cyberleninka.ru/article/n/ponyatie-modeli-mira-v-nauke>

дек, олам моделини тубдан ишлаб чиқиш мумкин эмас. “У ёки бу белги билан бирлаштирилган одамлар гуруҳи ҳар доим олам моделининг ташувчиси бўлиб хизмат қилади”.¹ Бу маълум бир семиотик модель, дунё ҳақидаги фикрларнинг инварианти, тил жамоасига ёки умумий маданият билан бирлашган ўзига хос жамоага хосдир. “ОМнинг тизимли ва операцион табиати синхрон даражадаги идентификация масаласини ҳал қилишга имкон беради (инвариант ва вариант муносабатларини фарқлаш); тизим элементлари ва уларнинг тарихий ривожланиш потенциаллари (“мантӣкий” ва “тарихий” алоқаси) ўртасидаги муносабатни ўрнатиш учун диахроник даража қўлланади. “Дунё” тушунчаси, унинг модели тасвирланган, улар ўзаро муносабатда бўлганда шахс ва атроф-муҳитни тушуниш мақсадга мувофиқдир. Бу маънода дунё атроф-муҳит ва шахснинг ўзи тўғрисидаги маълумотларни қайта ишлаш натижасидир ва “инсон” тузилмалари ва схемалари антропоцентрик тушунчалар тилида тасвирланган атроф-муҳитга, кўпинча, экстраполяция қилинади. Мифопоэтик модель учун ўзаро таъсир қилиш варианты табиатда органик рецепторлар (сезги органлари) томонидан бирламчи маълумотларни қайта ишлаш натижасида эмас, балки сигнал тизимлари ёрдамида дастлабки маълумотларнинг иккиламчи транскодланиш натижасида пайдо бўлади. Бошқача қилиб айтганда, олам модели турли хил семиотик мужассамлашувларда амалга оширилади, уларнинг ҳеч бири мифопоэтик онг учун мутлақо мустақил эмас, чунки уларнинг барчаси бири-бири билан мувофиқлаштирилган ва улар бўйсунадиган ягона универсал тизимни ташкил қилади”.²

Олам моделининг белгилари характери ифодаланган ва ифодаланганнинг мавжудлигини назарда тутувчи “модель” атамаси билан изоҳланади. Олам модели Фердинанд де Соссюрнинг семиотик парадигмасидан келиб чиқадиган белгининг бинар ғоясига асосланади.

“Дунё мифопоэтик моделининг табиий тилга ўхшашлигининг кўриб чиқилиши жуда оқилона кўринади: дунёнинг мифопоэтик модели, тил тизимида ўхшаб, аниқ мақсадли ривожланиш векторига эга эмас ва унинг ташувчиси кўп ҳолларда бир хил бўлган этник гуруҳга тенг коллективдир. Шу билан бирга, матнларни мисол сифатида ишлагадиган дунё моделини кўриб чиқиш ушбу терминологик воситанинг фольклор эмас, балки бадиий, ўзига хос муаллифга эга ва одамни идрок этиш доирасидаги дунёқарашни акс эттирувчи матнларга мослиги масаласини кўтаради”.³

Оламни лингвистик моделлаштириш масалалари Ю.М.Лотман томонидан ўрганилган, у санъатни (шу жумладан, бадиий адабиётни) сунъий тилларни яратишнинг ўзига хос усули сифатида белгилаб берган: “Санъат бу инсониятга унинг билими механизми нуктаи назаридан энг мураккаб ва ҳали аниқ тушунилмаган томонларидан бирига хизмат қиладиган, жуда зўр ташкил этилган тилнинг ажойиб ташкил этувчиси”.⁴

Оламнинг лингвистик модели олам манзараси билан боғлиқ, аммо олам модели янада замонавий ва кенг қамровли атамага ўхшайди. Т.В.Цивьян олам моделининг универсаллиги ва унинг олам манзарасига нисбатан кенг қамровлилигини таъкидлайди: «ОМнинг марказида бинар қарама-қаршиликлар тизими мавжуд. Уларнинг тўплами, дунёни тасвирлаш учун зарур ва етарли (макро ва микрокосмос), қарама-қарши 10–20 жуфт белгидан иборат. Улар, биринчи навбатда, маконнинг тузилиши (юқори/пастки, ўнг/чап, яқин/узок ва бошқалар), вақт (кун/тун, ёруғлик/қоронғилик) билан боғлиқ. Бошқа қарама-қаршиликлар аҳамиятлидир: ҳаёт/ўлим, табиат/маданият, ток/жуфт, ок/қора, эркак/аёл, катта/кичик, дўст/душман, мен/бошқа, муқаддас/дунёвий ва ҳоказо. Белгилар тўплами проекцияланган аксиологик ўқ (қаршилик эзгулик/ёвузлик, яхши/ёмон). Бинар белгилар тўпламига асосланиб универсал белгилар мажмуалари қурилиб, уларнинг ёрдамида дунё ўзлаштирилган ва тавсифланган. Ушбу комплекслар турли хил код тизимларида (астрал, вегетатив, зооморфик, сонли, акустик, одористик ва бошқа кодлар) амалга оширилади. Буларнинг барчаси мураккаб, аммо айни пайтда содда – семантик даражадаги таснифлаш мосламаси битта, чунки у битта объект – дунёни бир хил субъект нуктаи назаридан тасвирлайди.⁵ Дунёнинг семиотизацияси уни маълум бир жанр ва берилган функционал услубга мувофиқ шакллантирадиган матнда содир бўлади. Дун-

¹ Топоров В.Н. Мифопоэтическая модель мира. Мифы народов мира. «Энциклопедия», М., 1980, т. 2, с. 161 – 166.

² Шу манба.

³ Ларина Н.А. Миромоделирующие универсалии в малой прозе Леонида Андреева и Валерия Брюсова. Дисс. ...д.ф.н., М., Российский университет дружбы народов, 2018, с. 21.

⁴ Лотман Ю.М. Структура художественного текста./ Лотман Ю.М. Об искусстве. СПб, 2000, с. 30.

⁵ Цивьян Т.В. Модель мира и ее роль в создании (аван) текста. Фольклор и постфольклор: структура, типология, семиотика. Электронный ресурс <http://www.ruthenia.ru/folklore/tcivian2.htm>

ёнинг табиий семиотик модели фольклор ва мифологик матнларда акс эттирилган коллектив тил онгида вужудга келади. «Олам модели одатий таҳлил воситаси сифатида кўриб чиқилади. Бинар қарама-қаршиликлардан фойдаланиб, ҳар бир элемент алоҳида-алоҳида белгилар тўпламига эга бўлиб, уни барча/бир нечта белгилар билан белгилашга имкон беради».¹

Т.В.Цивьян олам модели ўзини такомиллаштирадиган ва ўзини яратишига ишора қилади: «Бу маълум бир доира, яккаланиш (абдий қайтиш билан мос келади). Дунёнинг ривожланиши (ОМ қурилиши) “таснифлаш материали” бўлган архетипик тасвирлардан бошланади; таснифлашнинг биринчи босқичи иккиламчи қарама-қаршиликлар бўлиб, бу сигнал тизимларини қуришга олиб келади; сигнал тизимлари ўша архетип ваколатларни кодлайди. ОМ қайсинисидан бошланган ва қайси жойга жойлаштирилиши мумкин. Бу жараён инсонга қаратилган ва инсон томонидан амалга оширилади; бу ерда у ҳам фаол, ҳам пассив роль ўйнайди: ўз ОМни шакллантиради ва у томонидан шаклланади. Худди шу нарса тил билан содир бўлади: одам тилга таъсир кўрсатади, тилни “яратади” ва ўзи ҳам таъсирланади».²

Олам модели жамиятнинг ривожланиши билан бирга ривожланади: янги қарама-қаршиликлар, оппозициялар юзага келади, турли хил аломатлар актуаллашади. “Дунё моделидаги тўлиқ хусусиятларни аниқлаб бўлмайди, чунки жамият ривожланиши билан қарама-қаршиликларнинг ҳақиқий тўплами ҳам ўзгариб бормоқда – қоида тариқасида, ҳақиқатда тубдан янги қарама-қаршиликларнинг пайдо бўлиши туфайли атрибутлар жуфтлигининг кўпайиши, масалан, компютер технологияларининг ривожланиши, 19-аср адабиёти учун аҳамиятсиз оппозицияни “реал/виртуал” “янгилади”.³

Т.В.Цивьян олам моделини ва олам манзарасини таққослашни қуйидагича тасвирлайди: “Сўнги йилларда олам манзараси атамаси кўпчиликнинг нутқида фаол қўллана бошлади. Чунки унда воқеликни акс эттириш элементи сезилади ва “бадийлик”, ҳиссиётлик, яъни тасвирлаш объектига “бефарқ эмасликлик” элементларининг борлиги, материалга нисбатан – структурал моделнинг юқорида айтиб ўтилган “жонсизлигидан” фаркли ўлароқ, жуда муҳимдир. Кейинчалик, олам модели/олам манзараси таққосланади. Бу қиёсда ОМ бу рамка, мустаҳкамловчи арматура бўлиб, уни, кейинчалик, дунёнинг ўзи моддийлик, воқелик ва ҳоказолар билан тўлдириши керак. Олам модели/олам манзараси қарама қаршиликка кўйилган предикат – олам моделидан олам манзарасига ўтиш ва шунга мос равишда олам структураси акс этган матн қурилишидир”.⁴

Т.В.Цивьянга кўра, оламнинг фольклор модели дунёнинг табиий тил модели билан жиддий ўхшашликни очиб беради: “Тил билан ўхшашликни давом эттириш мумкин. ОМ ва табиий тилнинг тузилишини параллел таҳлил қилиш ОМнинг семиотик қарама-қаршиликлар тўплами ва тилшунослик тўплами ўртасидаги мосликни кўрсатади. Тил универсал ва энг мукамал ОМ код бўлиб, у битта ОМ коддан бошқасига ўтишда воситачи бўлиб, нафақат тасвирлаш, балки метамаълумотни тасвирлаш учун деярли ягона усулдир. Тилнинг ҳаётӣ ролини инсон аниқ ҳис қилади, чунки у онгли равишда ёки онгсиз равишда, дунёни эгаллаш, шахсий ва жамоавий индивидуаллик учун тилнинг оддийлиги, зарурлигини тушунади”.⁵

Матн дунёнинг лингвистик моделининг асосий тамойилларига асосланган янги семиотикани яратади. Шундай қилиб, Л.А.Яковлева Анна Ахматова матнларига нисбатан дунёни моделлаштириш масалаларини таҳлил қилар экан, дунёнинг иккита эсхатологик моделини эслатиб ўтди: “Маданият тарихида коинотнинг эсхатологик нуқтаи назарини англаш билан боғлиқ иккита олам модели мавжуд. Биринчи модель бутпараст мифологияларининг кўпчилигига хосдир ва у нарсаларнинг циклик табиати (куёш айланаси) билан боғлиқ, шунинг учун тарих абдий ўлим – қайта туғилиш цикли сифатида тақдим этилади, унда эсхатологик истаклар ҳам ёзилган.

Иккинчи эсхатологик модел, тарихий яхудо-насронийлик тушунчаси билан боғлиқ бўлиб, у табиий (интизом билан башорат қилинган) тугаш сари интилаётган чизикли мавжудотдир. Икки

¹ Ларина Н.А. Миромоделирующие универсалии в малой прозе Леонида Андреева и Валерия Брюсова. Дисс. ... д.ф.н., М., Российский университет дружбы народов, 2018, с. 24

² Цивьян Т.В. Модель мира и ее роль в создании (аван) текста. Фольклор и постфольклор: структура, типология, семиотика. Электронный ресурс <http://www.ruthenia.ru/folklore/tcivian2.htm>

³ Ларина Н.А. Миромоделирующие универсалии в малой прозе Леонида Андреева и Валерия Брюсова. Дисс. ... д.ф.н., М., Российский университет дружбы народов, 2018, с. 25.

⁴ Цивьян Т.В. Модель мира и ее роль в создании (аван) текста. Фольклор и постфольклор: структура, типология, семиотика. Электронный ресурс <http://www.ruthenia.ru/folklore/tcivian2.htm>

⁵ Там же.

концепция – мажусий ва яхудо ўртасидаги туб фарқ – ҳал қилувчи эсхатологик воқеалардан кейин дунё тарихининг тугалланиши/тугалланмаслигида. Улардан биринчисида дунё доимий равишда олдинги босқичларга қайтади, унинг ҳаракати чексиздир, иккинчисида – Масихнинг ёвуз кучлар устидан сўнгги ғалабаси Худонинг мустаҳкам, ўзгармас, абадий Шохлигини англатади, яъни воқеа шу билан тугайди”.¹

Ю.М.Лотман дунёнинг тил моделига нисбатан матн моделининг иккинчи даражали эканига эътибор қаратади: “Санъат – бу моделлаштиришнинг иккинчи даражали тизими. “Тилга нисбатан иккиламчи” деганда фақатгина “табiiй тилни материал сифатида ишлатиш”ни тушунмаслик лозим. Агар атама бундай маънога эга бўлса, унда оғзаки бўлмаган санъат (расм, мусиқа ва бошқалар) киритилиши аниқ ноқонуний бўлар эди. Бироқ бу ерда муносабат яна-да мураккаб: табiiй тил нафақат энг қадимги тиллардан бири, балки инсон жамоасидаги энг кучли алоқа тизимидир. Ўзининг тузилиши билан у одамларнинг руҳиятига ва ижтимоий ҳаётнинг кўплаб томонларига кучли таъсир кўрсатади. Иккиламчи моделлаштириш тизимлари (барча семиотик тизимлар каби) тил турига қараб қурилган...Инсон онги тил онги экан, онг устига қурилган барча турдаги моделларни, шу жумладан санъатни ҳам иккинчи даражали моделлаштириш тизимлари сифатида аниқлаш мумкин”.² Н.А.Ларина кўрсатганидек, “Адабий асар, масалан, расм, мусиқий асар ёки ҳайкалтарошлиқдан фарқли ўларок, мурожаат қилмайди, биринчи тартибдаги янги семиотик тизимни яратиш (бошқа санъат шакллари сингари у маълум бир ранг, товуш ёки шаклга маъно бермайди), лекин ўз семиотикасини аллақачон мавжуд семиотик тизим – лингвистик тизимдан яратади. Биринчи даражали белгилар иккинчи даражали белгиларни яратиши учун асос сифатида ишлатилганлиги сабабли, интерференция юзага келади: бадиий олам моделни яратиш доирасида оғзаки белгига берилган иккинчи даражали маъно тил тизимида ушбу белгида мавжуд бўлган асосий маъно (кўпинча, сўзнинг кенг қўлланилиши ва қўшимча маъноларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлган бир нечта маъно)”.³

Кўринадикки, оламнинг модели тушунчаси ғоят ранг-баранг кўринишларда юзага чиқади. Фольклор моделлари халқларнинг ўзига хос дунёқарашини акс эттиришда етакчилик қилади. Бу билан тил моделлари билан ўзаро яқин келади. Диний моделлар турли тил ташувчиларини ўзаро боғлайди. Аммо ҳар бир тил ташувчиси диний моделларни ҳам уникаллаштиради. Ўзбеклар онгида дунё моделининг тилга хос тавсифи тадқиқи замонавий тилшунослигимиз олдида турган долзарб масаладир.

Тухтасинова Нигина Башировна (Ўзбекистон Миллий университети таянч докторанти, nigina.tukhtasinova@gmail.com), Шахобиддинова Шахло Мухаммад қизи (Ўзбекистон Миллий университети магистранти, shakhlo.shakhobiddinova.95@mail.ru)

ТЕРМИНОГРАФИЯ – ТИЛШУНОСЛИК ОБЪЕКТИ СИФАТИДА

***Аннотация.** Мақолада тилшуносликда шаклланган турли нуқтаи назарларни таҳлил қилишига асосланган термин, терминология, терминологик тизим, терминография тушунчаларининг турли хил таърифлари берилган, шунингдек, термининг моҳиятини белгилашда турли хил ёндашувлар мавжудлиги сабаблари келтирилган. Мақолада, шунингдек, терминологик бирликларнинг асосий хусусиятлари ва уларнинг вазифалари таҳлил қилинади, хорижий тадқиқотчиларнинг ушбу масала бўйича фикрлари таққосланади.*

***Аннотация.** В статье приводится характеристика и различные определения понятий термин, терминосистема, терминология, терминография на основе анализа различных точек зрения, сформировавшихся в языкознании, а также высказываются причины существования разных подходов к установлению сути термина. В статье также анализируются основные особенности терминологических единиц и их функции, сопоставляются мнения зарубежных исследователей по данной проблеме.*

***Annotation.** The article provides a description and various definitions of the concepts of term, terminology based on the analysis of various points of view formed in linguistics and also gives reasons for*

¹ Яковлева Л.А. Апокалипсическая семантика в поэзии Анны Ахматовой. Дисс. ...к.ф.н., Нерюнгри, 2014, с. 193.

² Лотман Ю.М. Структура художественного текста. Лотман Ю.М. Об искусстве. СПб, 2000, с. 21.

³ Ларина Н.А. Миромоделирующие универсалии в малой прозе Леонида Андреева и Валерия Брюсова. Дисс. ...д.ф.н., М., Российский университет дружбы народов, 2018, с. 32.

the existence of different approaches to establishing the essence of the term. The article also analyzes the main features of terminological units and their functions, compares the opinions of foreign researchers on this issue.

Калим сўзлар: термин, терминология, терминологик тизим, терминография.

Ключевые слова: термин, терминология, терминосистема, терминография.

Key words: term, terminology, terminology system, terminography.

Жамият ривожланар экан, тил ва нутқ ҳам ривожланиб боради. Жумладан, ҳар бир жамиятнинг тараққиётига қараб, тил тизимига янги сўзлар, терминлар кириб келади ва муайян тилнинг луғат таркибини бойитади. Ҳар бир халқнинг асрий тажрибасини ўзида мужассам қилган она тилидаги лисоний бойликларни асраб қолиш, уларни илмий таҳлил қилиш, кейинги авлодларга етказиш ҳозирги фан, хусусан, тилшунослик олдига турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан қараганда, халқнинг миллий маданияти ва ўзига хослигини ифода этувчи воқеа бўлмиш ўзбек тили да мавжуд бўлган сўз ва ибораларни, атамалар ва терминларни ўрганиш ҳамда лисоний мерос сифатида илмий таҳлилини олиб бориш бугунги кунда энг долзарб масалалардан биридир.

Термин грекча *терминус* сўздан олинган бўлиб, *чек, чегара* деган маънони билдиради. У фан-техника, қишлоқ хўжалиги, санъат ва маданият соҳасига хос сўз ҳисобланади. *Терминология* – терминлар ҳақидаги таълимот ва терминлар мажмуи деган маъноларни англатади. Термин сўзи ўрнида баъзан атама, истилоҳ сўзларини ишлатиш ҳоллари учраб туради.

Терминология масалалари ҳамиша тилшуносликнинг долзарб масалаларидан бири бўлиб келган. Чунки терминларнинг соҳалар луғавий қатламларидаги ўрни ва вазифасини белгилаш, тушунчанинг мазмун-моҳиятини тўғри англаш имконини беради.

В.П.Даниленконинг фикрича, термин – яққа, алоҳида, мустақил номлаш бирлиги. У махсус лисоний белги хусусиятига эга бўлиб, сўз ёки сўз бирикмаси орқали ифодаланишидан қатъий назар, битта тушунчага мос келувчи бир белгини ифодалайди.¹ Демак, олим термин махсус вазифа бажарувчи сўз сифатида таърифланиб, терминологик бирликларнинг вазифаларига алоҳида эътибор қаратган. О.С.Ахманова бу борадаги қарашларига эътибор қаратадиган бўлсак: “Термин – особое слово или словосочетание специальной сферы употребления, служащее для точного выражения специальных понятий и основанное на дефиниции”.² Ушбу таърифда терминнинг асосий хусусияти ва белгилари акс этиши ҳамда унинг изоҳи аниқ, қисқа ва лўнда бўлиши кераклиги айтиб ўтилган.

Терминология замонавий адабий тил лексикасининг муҳим таркибий қисми бўлганлиги боис термин ва сўз орасида ўзаро алоқа мавжуд бўлса-да, бу таъриф термин маъносини тўлиқ очиб бера олмайди, чунки термин фақат технология соҳасидаги тушунчалар эмас, балки бошқа билим соҳалари (илм-фан, санъат, сиёсат ва ҳ.к.) билан ҳам боғлиқдир.

Маълумки, терминнинг энг муҳим хусусияти шундаки, у ўзи англатган тушунча билан ўзаро алоқада бўлади. Термин муайян тушунча ифодалайди ва шу тушунчанинг шаклланишида иштирок этади.³ Демак, термин – ўта мураккаб лингвистик ҳодиса. Шунинг учун дунё тилшунослигида уни таърифлашга, функционал хоссаларини аниқлашга алоҳида эътибор қаратилади. Жаҳоннинг барча мамлакатларида терминологик марказларнинг фаолият кўрсатаётганлиги фикримизни тасдиқлайди. У ҳам бошқа лисоний ҳодисалар каби турлича таъриф ва тавсифга эга. Бу таъриф тавсифларни кузатиш жараёни уларнинг аксар ҳолда илмий ва дидактик манбаларда, асосан, бир хил берилганлигини кўрсатади. Бу қуйидаги қиёсларда кўзга ташланади:

1. Term [tɜ:m; NAmE tɜ:rm] *noun* see also TERMS 1 [C] a word or phrase used as the name of sth, especially one connected with a particular type of language: a technical/legal/scientific, etc. *term*•a term of abuse•‘Register’ is the term commonly used to describe different levels of formality in language.→note at WORD.⁴

¹ Даниленко В.П. О месте научной терминологии в лексической системе языка. “Вопросы языкознания”, 1986, №4, с. 64.

² Ахманова О.С. Экстралингвистические и внутрilingвистические факторы в функционировании и развитии языка. Теоретические проблемы современного советского языкознания. М., 1966, с. 27.

³ Голованова Е.И. Лингвистическая интерпретация термина: когнитивно-коммуникативный подход. Известия Уральского государственного университета, 2004, №33, с. 18.

⁴ Oxford Advanced Learner’s Dictionary, 7th edition. Oxford University Press, 2006, p. 1526.

2. “Термин [лат. terminus – предел, граница, пограничный знак] – слово или словосочетание, точно обозначающее какое-либо понятие, применяемое в науке, технике, искусстве. В отличие от слов общепотребительных, которые часто бывают многозначными, термины, как правило, однозначны, им не свойственна также экспрессия”.¹

3. “Термин [лат. terminus – предел, граница] – 1) слово или сочетание слов, точно обозначающее определенное понятие, применяемое в науке, технике, искусстве”.²

4. “Термин [от лат. terminus – граница, предел] слово или сочетание слов, употребляемое с оттенком специального научного значения”.³

5. “Термин [от лат. terminus – граница, предел] – слово или словосочетание, обозначающее понятие специальной области знания или деятельности”.⁴

6. “Термин [р<лат.] – фан, техника, касб-хунарнинг бирор соҳасига хос муайян бир тушунчанинг аниқ ва барқарор ифодаси бўлган сўз ёки сўз бирикмаси; атама”.⁵

7. “Термин [лот. terminus – чек, чегара] – фан, техника, касб-хунарнинг бирор соҳасига хос муайян бир тушунчанинг аниқ ва барқарор ифодаси бўлган сўз ёки сўз бирикмаси; атама. *Ботаника терминлари. Заргарлик терминлари. Пахтачилик терминлари*”.⁶

Кўринадики, юқорида келтирилган лингвистик ва лексикографик манбаларда термин деганда, муайян тушунчани аниқ ифодаловчи, фан, техника ва санъатда қўлланувчи сўз ёки сўз бирикмаси тушунилади. Замонавий таърифлар орасида А.С.Герд қарашлари муайян илмий асосга эга. Олим фикрича, термин – илм-фан тараққиётининг маълум даражасида мавжуд бўлган илмий тушунчанинг асосий хусусиятларини аниқ ва тўлиқ акс эттирадиган махсус терминологик маънога эга бўлган маълум табиий ёки сунъий тил бирлигидир (сўз ёки сўз бирикмаси).

Термин ва терминологиянинг моҳиятини тушуниш учун, аввало, унинг маъноси умумтилдаги сўз билан қиёсланади. Айни пайтда, терминологиянинг муҳим белгилари ҳамда “терминология” ва “терминологик тизим” тушунчалари мазмуни аниқланади. Б.Н.Головин ва Р.Ю.Кобринлар термин ва умумтилдаги сўзнинг мазмуни ва қўлланилиш хусусияти ҳақида шундай ёзади: “Терминологиянинг асосий бирлиги (унинг энг кичик таркибий қисми) сўздир. Шунинг учун терминшуносликда сўз-термин назарияси муҳим ўрин эгаллайди”.⁷ Кўринадики, муаллифлар терминнинг семантик табиатини ёритиш жараёнида, асосан, унинг номинатив вазифа бажаришини қайд этишади ҳамда ўз қарашларини исботлашда таниқли тилшунослар В.П.Даниленко ва М.А.Марусенкога таянадилар.⁸ Бу таъриф юқорида келтирилган таърифлар билан моҳиятан бир хил. Унда фақат терминнинг номлаш функциясига эътибор қаратилган, холос.

Юқоридаги фикр, қарашлар умумлаштириладиган бўлса, қуйидаги хусусиятлар намоён бўлади: 1) тизимлилик; 2) таърифнинг мавжудлиги; 3) мазкур терминологик майдон доирасида моносемияга мойиллик; 4) услубий бетарафлик; 5) ҳис-туйғуни ифодаламаслик. Ҳар қандай термин ўзида ана шу хусусиятларни мужассам этган бўлиши шарт.

Манбаларда *терминология*га шундай таъриф берилди:

1. Терминология – фан, техника, санъат ва шу кабиларнинг бирор соҳасида қўлланиладиган терминлари мажмуи.⁹

2. Терминшунослик – махсус лексикани унинг типологияси, келиб чиқиши, шакли, мазмуни (маъноси), функцияси ҳамда қўлланиши, тартибга солиниши ва яратилиши нуқтаи назаридан ўрганиувчи фан.¹⁰ Келтирилган таърифлардан биринчиси илмий ва лексикографик манбаларда кенг тарқалган бўлса, иккинчисида терминологиянинг мақсад ва вазифалари очиқ берилган.

¹ Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. М., “Советская энциклопедия”, 1966, с. 442 – 443.

² Словарь иностранных слов, 18-изд. М., “Русский язык”, 1989, с. 492.

³ Советский энциклопедический словарь. Под ред. А.М.Прохорова. М., “Советская энциклопедия”, 1985, с. 1316.

⁴ Лингвистический энциклопедический словарь. М., “Советская энциклопедия”, 1990, с. 508.

⁵ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-жилд, З.М.Маъруфов таҳрири остида, М., “Рус тили”, 1981, 165-бет.

⁶ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 4-жилд, А.Мадвалиев таҳрири остида. Т., Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008, 73-бет.

⁷ Головин Б.Н., Кобрин Р.Ю. Лингвистические основы учения о терминах. Учебное пособие, М., «Высшая школа», 1987, с. 30.

⁸ Тот же. С. 37.

⁹ Словарь иностранных слов, 18-изд., М., «Русский язык», 1989, с. 492.

¹⁰ <http://www.interlingua.su/ru/useful/linguistics/>

Терминологиянинг фан сифатида таркиб топиши австриялик О.В.Нубасов ва рус олими Д.С. Лоттенинг 1930 йилда эълон қилинган дастлабки ишларига бориб тақалади. Ҳозирги пайтда Австрия, Германия, Франция, Россия, Чехия каби мамлакатларда терминшунослик мактаблари юзага келган. Шулар орасида Россиянинг алоҳида ўрни бор. 3,5 мингга яқин терминни ўз ичига олган терминологиянинг мавжудлиги ва бу соҳага бағишлаб 2300 дан ортиқ диссертациянинг ҳимоя қилинганлиги фикримизнинг далилидир.¹

Ҳозирги пайтда терминологияда илмий тадқиқотларнинг бир неча мустақил йўналиши юзага келган. Булар махсус лексика тараққиёти ва қўлланиши қонуниятларини ўрганадиган *назарий терминология*; термин ва терминологиядаги хато ва камчиликларни бартараф этиш, термин ва терминологияни тавсифлаш, баҳолаш, таҳрир қилиш, тартибга солиш, яратиш, қўллаш ва таржима қилиш бўйича тамойил ва тавсиялар ишлаб чиқувчи *амалий терминология*.

Терминология билан терминография – соҳавий терминлар луғатини яратиш ҳақидаги фан ўзаро узвий боғланган. Айрим мутахассисларнинг терминографияни терминологиянинг алоҳида бўлими сифатида қараётганини қўллаб-қувватлаш мумкин. Чунки терминшунослар ўрганадиган кўпгина муаммолар, аввало, махсус луғат тузиш жараёнида юзага келади. Иккинчидан, терминларни аниқлаш, ўрганиш ва тартибга солиш масалалари пировард натижада турли луғатларни тузишга сабаб бўлади. Ушбу тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари лингвистик терминология назарияси масалалари тўғрисида мулоҳаза юритишни ҳам тақозо этади.²

Лингвистик терминология – махсус тушунчаларни ифодалаш, илмий соҳанинг типик объектларини номлаш мақсадида қўлланадиган сўз ва сўз бирикмалари функциялари мажмуини ўрганадиган фандир (“Термин – функция” эканлигини унутмайлик). У тилшуносликнинг таркибий қисми бўлиб, соф термин ва таркибли терминларнинг ҳосил бўлишига олиб келувчи сўз ва муқобилли ўзига хос бирикмаларни ўз ичига олади.

О.С.Ахмановнинг ёзишича, лингвистик терминология бошқа ҳар қандай терминология каби терминларнинг оддий мажмуи эмас, балки ўзига хос семиологик тизимдир. “Умуман, терминология фан тараққиётининг юксак даражасига эришгандагина пайдо бўлади, яъни термин мазкур тушунча мутлақо аниқ илмий ифода касб этгандан кейин эътироф этилади. Терминни нотерминдан фарқлашнинг муҳим воситаси уни илмий асосда таърифлаш мумкин, мумкин эмаслигидир”.³ Агар Агар терминга таснифловчи таъриф тегишли бўлсагина, у терминологик тизимнинг бир қисми бўла олади. Лингвистик терминология тилшунослик тарихининг ривожланиш даврида шаклланиб, на-фақат тил ҳақидаги қарашларнинг ўзгариши ҳамда турли тилшунослик мактаблари ва йўналишларида тил қўлланишини ифодалайди, балки турли миллий тилшунослик анъаналарини ҳам акс эттиради.

Лингвистик терминология рационал равишда ташкил этилган, семиотик жиҳатдан мукамал тизим бўлмаганлиги сабабли тилшуносликда доимий равишда терминологияни тартибга солиш муаммоси мавжуд. Баъзи тадқиқотчиларнинг фикрича, лингвистик терминологияда табиий тилларда учрайдиган белги қонунларининг бузилиши бартараф этилиб, уни фақат соф рационал асосда қуриш керак бўлса, бошқа тадқиқотчиларга кўра, янги терминология яратилаётган даврда илм-фан ривожланишини тўхтатиб бўлмаслиги сабабли, лингвистик терминологияни тартибга солиш қуйидаги натижаларга:

- махсус лингвистик сўзларнинг қўлланишини ўрганишга;
- терминологияни танлаш ва уни лингвистик терминлар луғатларида акс эттиришга;
- миллий терминологик тизимни икки ва кўп тилли терминологик луғатларда чоғиштиришга олиб келиши керак.

Аниқланган дублет, триплет ва ҳоказоларни чоғиштиришда дескрипторларни, яъни маълум термин орқали ифодаланган муайян тушунчани мос равишда аниқ изоҳлай оладиган ҳамда у орқали ифодаланган ҳолатнинг табиатини очиқ берадиган сўз ёки сўз бирикмаларни ажратишга ҳаракат қилиш керак. Дескрипторларни аниқлаш (масалан, *фразеологик бирлик* мазкур термин билан параллел равишда қўлланадиган дублет, триплет ва бошқа мос сўзларга нисбатан) муайян терминологик тизимда ўз-ўзидан нормаллаштирувчи роль ўйнайди. Терминнинг дублети ва синоними

¹ Гринев С.В. Введение в терминоведение. М., Московский лицей, 1993, с. 53.

² Ходжаева Д.И. Тилшунослик терминларининг лексикографик таҳлили (инглиз, рус ва ўзбек тиллари изоҳли луғатлари материаллари мисолида). Докт.дисс., Т., 2018, с. 19.

³ Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. М., «Советская энциклопедия», 1966, с. 509.

мавжуд бўлган ҳолларда, объектнинг турли томонларини терминологик жихатдан ақс эттириш мақсадида уларни ажратиш эҳтиёжи туғилади (масалан, *эга – субъект* тушунчасининг фарқи).¹ Кўринадики, муайян терминологик тизимнинг барқарорлиги, биринчи навбатда, унинг тартибга солиниши, ифода ва мазмун планининг мослиги билан белгиланади. Шу талабларга жавоб берадиган терминологик тизим илмий йўналиш ва ундан келиб чиқадиган янги йўналишларни (айни ҳолатда дескриптив тилшунослик) енгиб ўтиши ва муайян илм-фаннинг замонавий метатилига кириши мумкин.

Юқоридаги ўрганилган тадқиқотлардан хулоса қиладиган бўлса, терминология соҳасида психологик, тилшунослик, юридик каби терминлар юзасидан хорижда ва Ўзбекистонда кўплаб тадқиқотлар олиб борилган бўлса, ўзбек тили маданиятига бағишланган илмий тадқиқотлар етарли даражада эмас. Масалан, лингвистик терминлар, таржимашунослик терминлари, миллий-маданий сўзларнинг таржима луғатлари Ўзбекистонда деярли яратилмаган. Бу эса мазкур масалаларнинг илмий-амалий муаммоларини ўрганишни тадқиқ этади.

Жумаева Зубайда Шавкатовна (ЖДПИ қатта ўқитувчиси)

СОН СИМВОЛИКАЛИ ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРНИНГ ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

***Аннотация.** Мақолада сон символикали фразеологик бирликлар лингвокультурологик жихатдан таққосланган, улар миллий-маданий тарафдан, тил ва халқ менталитети, миллий ўзига хослигининг ўзаро муносабати ва ўзаро таъсири, тил бирликларининг миллий-маданий маъноси, тил ва маданият муносабатлари, миллий маданиятнинг тилда ифода этилиши муаммолари ўрганилган.*

***Аннотация.** В статье проведено сопоставление фразеологических единиц с компонентом чисел лингвокультурологических позиций, изучены национально-культурные языковые и народные своеобразные международные языковые отношения, перечислена национально-культурная семантика языковых единств.*

***Annotation.** The article compares phraseological unity of the linguo-cultural position, studies the national cultural and linguistic and folk peculiar international linguistic relations, lists the national cultural semantics of linguistic unity.*

***Калим сўзлар:** фразеологизм, менталлик, лингвокультурологик ёндашув, миллий-маданий ифода, тил бирликлари, миллий муносабат, нутқ бирлиги, салбий маънодаги иборалар.*

***Ключевые слова:** фразеологизм, менталитет, лингвокультурологический подход, национально-культурное отражение, языковые единства, единицы речи, национальное взаимодействие, фразеологические единства с отрицательным значением.*

***Key words:** phraseology, mentoring, linguocultural approach, language units, national-cultural expression, language units, national attitude, speech units, negative expressions.*

Лингвокультурология объектини халқ маданиятини тилда ёрқин ифодаловчи номуқобил лексика, тилнинг стилистик жамланмаси, тил бирликларининг мифлашган кўринишлари: асотир ва ривоятлар, тилда ўз аксини топган расм-русум ва одатлар, тил эталонлари, имо-ишора, символика, тилдаги ўхшатиш ва метафоралар ҳамда нутқий этикет шакллари ташкил этади. Лингвокультурология объектиларидан бири фразеологизмлардир. Икки ва ундан ортиқ сўзларнинг ўзаро барқарор муносабатидан ташкил топган, нутқ жараёнига тайёр ҳолда олиб кирилувчи, тил эгалари хотирасида имконият сифатида мавжуд бўлган тил бирликлари барқарор бирикмалар ҳисобланиб, ўз ичига иборалар, мақол-маталлар, ҳикматли сўзларни қамраб олади.

Замонавий тилшуносликда рақам нафақат грамматик категория сифатида, балки, олам тасвирининг лисоний лингвокультурологик ва этнолингвистик компоненти сифатида кўриб чиқилади. Рақам символикасининг ўрганилиши атроф-оламни қамраб олган образли ва интеллектуал тил хусусиятларини белгилашда ёрдам беради. Бу жараён сонларнинг рақамли код элементи сифатида Коинот, инсон ва тасвирий системани таърифлаши билан боғлиқдир. Шу билан бирга, сонлар инсон тафаккурининг муҳим тушунча системасини ташкил этувчи омили ва маданиятнинг маънавий

¹ <http://tapemark.narod.ru/les/509a.html>

ўзгармас жавҳаси деб, ҳисобланади.¹²

Фразеологизмларнинг ишлатилиши фикрнинг ифодавийлигини кучайтиради, чунки уларнинг кўпчилигида метаморфик фикр, экспрессивлик ва баҳолаш мазмуни ётади. Фразеологизмларни кўп миқдорда билиш ва ўз ўрнида қўллай олиш сўзловчининг нуткига ўзига хос образлилик, ёрқинлик ва тийранликни ҳада ётади. Рақам компонентли бирликлар классификация қилинганда, 6 семантико-грамматик синфлар таркибига ажратилган:

1) энг кўп учрайдиган синф таркибига сифат-ҳол мазмунидаги фразеологизмлар киритилган, яъни бу синф фразеологизмлари ҳаракатнинг сифат белгисини ифодалайди: *по первое число* – биринчи санагача, *за десятерых* – ўн киши учун, *в два счёта* – икки санашда, *как дважды два* – икки карра иккидек, *как свои пять пальцев* – беш қўлдай. Ҳатто улар пайт ҳоли мазмунида ҳам келиши мумкин: *одну минуту (минутку)* – бир дақиқа, *тысячу лет* – минг йил, *в третьем году* – учинчи йили; ўрин ҳоли: *в трёх шагах* – уч қадам нарида, *в четырёх стенах* – тўрт девор орасида, *за тридевять земель* – олисда;

2) иккинчи ўринни предметли фразеологизмлар синфи эгаллаган. Улар, кўпинча, абстракт тушунчаларни англатади: *игра в одни ворота* – бир йўналишда, *одна радость глазу* – севинч, *первый блин комом* – ўхшамаслик, *нуль внимания* – безътиборлик, *семь футов под килем* – узоқ масофа; шахсни ёки гуруҳни англатиши мумкин: *абсолютный нуль* – ҳеч нарсани билмаслик, *один как перст* – ёлғиз, *одна шайка* – бир тўдадан, *два Аякса* – ажралмас дўстлар; “Жой” маъносида ҳам ишлатиладиган битта фразеологизм ҳам мавжуд: *тридевятое царство, тридесятое государство*;

3) процессуал фразеологик бирликлар таркибига кирувчи фразеологизмлар семантик жиҳатдан турличадир, лекин уларнинг мазмун асосида жараён тушунчаси мавжуд. Процессуал фразеологик бирликларнинг кўпчилиги субъект фаолиятини ёки жисмоний ҳаракатини билдиради: *отричь под нуль* – кал бўлмоқ, *лить слёзы в три ручья* – йиғламоқ; руҳий ҳолатини ҳам билдиради: *в одну точку бить* – бир нухтага урмоқ, *в трёх соснах заблудиться* – адашмоқ, *убить двух зайцев* – бир ўк билан икки қуённи урмоқ;

4) белги асосида вужудга келувчи фразеологизмлар шахс ёки предметни турли белгилар асосида тавсифлайди. Бир гуруҳ фразеологизмлар ичидан “бир хил”, “ўхшаш” мазмунидагиларини ажратиб олиш мумкин: *на одно лицо; все, как один; под одну масть; как две капли воды; оба луки, оба туги; два лаптя пара* – мисолларнинг барчаси бир хил, ўхшаш маъносида келаяпти;

5) миқдорни билдирувчи фразеологизмлар ҳеч қачон аниқ бир миқдорни билдирмайди. Улар ноаниқ катта ҳажмдаги миқдорни англатиши мумкин: *один на другом сидит* – оғир, *в три ручья* – уч ариқ катталигида, *в два горла* – баланд, *сорок сороков* – жуда кўп, *с три короба* – катта, ёки ноаниқ кичик ҳажмдаги миқдорни англатади: *раз-два и обчёлся* – тез, *можно сосчитать по пальцам* – бармоқ билан санокли;

6) модал-ундов мазмунидаги фразеологизмлар доирасига кирувчиларнинг асосини нутқий коммуникативлик ташкил ётади, бу бирликлар сўзловчининг суҳбатдошига нисбатан алоқасини ёки фикр предметига муносабатини билдиради. Бу синф фразеологизмлари унчалик ҳам кўп эмас: *опять двадцать пять* – яна такрорми, *ля-ля-ля, три рубля* – осонликча, *дай пять* – қўл ташла учрайди.³⁴

“Бир” компонентли фразеологизмлар турли миллатларда унумдор ҳисобланади. Р.Ф.Фаттахова “бир” сонининг тўққиз маъновий хусусиятини кўриб чиқган: “ягоналик, мос келишлик, бутунлик, яхлитлик, кам миқдорлик, яқин масофа, бир хиллик, алоҳидалик, қиймати йўқ маъноларида.”⁵

1. Якка, бошқалардан ажралган, алоҳида. Бу маъно рус ибораларида негатив канотациясини синонимик жуфтликнинг ички шаклида мужассамлашади: “*одной рукой узел не завяжешь*”; (бир қўл билан тугун боғлаб бўлмас); “*один в поле не воин*” (бир киши майдонда жангчи бўлолмас); “*в одиночку всё трудно делать*” (ёлғиз одам ҳеч нарсани эплолмас).

¹ Фаттах Мохаммед Абу эль-Иля. Лингвокультурологический анализ фразеологизмов с числовым компонентом в русском и арабском языках. Политическая лингвистика. 2018, №1(67), с. 167–168.

² Шу манба.

³ Вовк. О.В. Энциклопедия знаков и символов. Москва, «Вече», 2006, с. 39.

⁴ Шу манба.

⁵ Фаттахова Р.Ф. Функционально-семантические особенности числительных в составе ФЕ татарского языка. Филологическое науки, Вопросы теории и практики. Тамбов, «Грамота», 2015, №3, ч. 2, с. 199–201.

Биз ўзбек ибораларидан қуйидагиларини бунга мисол қилиб олдик: *“Бир қўлтиққа икки тарвуз сизмас”, “бир бошини иккита қилмоқ”*. Иккинчи мисолдаги *“бир”* лексемаси бошқа ракамдаги маданий код билан алмаштирилган, *“икки”* маънони кучайтириб, *“ёлғиз бўлиш мумкин эмас”, “ёлғиз ҳеч нарсани эплай олмаслик маъноларини беради”*.

2. Бир хил, ўхшаш. Рус тилида бунга аввало салбий киноя маънодаги ФБлар мисол бўлади: *“одного поля ягода”* (бир полизнинг меваси), *“одним миром мазаны”* (бир дунёнинг рангини олган), *“всё на одну колотку”* (бир хил қолибда), *“одной масти”* (бир турдаги), *“на один построй”* (бичими бир хил). Ушбу ФБларнинг барчаси салбий маънодаги хусусиятга эга кишиларга нисбатан ишлатилади. *“Одним миром мазоны”* ФБси диний дунёқарашдан келиб чиқиб, ҳамма ҳам гуноҳ қилиши мумкин ва бу борада барча тенг. *“Люди из одного теста”* (Зуваласи бир жойдан) рус тилида нейтрал маънога эга.

Ўзбек тилида *“зуваласи бир жойдан олинган”* ибораси фақат ижобий маънода ишлатилади. *“Бир тан бир жон бўлмоқ”, “бир тан бўлмоқ”* иборалари ижобий маънода қўлланилса *“бари бир зўр”, “ҳаммаси бир зўр”* иборалари фақат салбий семантикага эга иборалардир. *“Тупроғи бир жойдан олинган”* ибораси диний фароздан келиб чиқиб, *“Оллоҳ ҳаммани лойдан яратган”* фикрининг далили сифатида ишлатилади.

3. Оммавий, умумий яқдиллик. Бу тоифага экспрессив характерга эга фраземалар мисол бўла олади: *“все как один”* (ҳаммаси бир хил), *“как один человек”* (ҳаммаси бир одамдай). *“Стричь всех по одну гребёнку”* рус ибораси барчани бирон бир ҳолатда, ҳеч қандай паст-баландга қарамай текисламоқ. Салбий маънога хос бўлган *“текисламоқ”* феъли бош денотатив маънода келади. Ўзбек тилидаги *“барчани бирдай қўрмоқ”* ибораси эса ижобий коннотацияга асосланади, чунки мусулмончиликда барчани тенг қўрмоқ тушунчаси ҳадисларда ҳам илгари сурилган.

4. Бир карра интенсив. Бу маънода келувчи ФБлар ўзбек ва рус лингвокультурологиясида ўхшаш мазмун ва тимсолларда мужассамлашган. *“одним духом” – “бир нафасда”, “одним словом” – “бир сўз билан”, “сесть за один стол” – “бир дастурхон атрофида ўтириш”*

Фақат ўзбек лингвокультурологиясига хос *“бир жағга бир ботмон”* ФБси бошқа миллатларга хос бўлмаган тушунчани беради: *“Ўтмишда ҳар бир оила бутун кишилик рўзгоротини кузда ғамлаб оларди. Шунда ҳар бир жағга, яъни оиладаги ҳар бир жонга (янги туғилган чақалоқ ҳам шу ҳисобга киритиларди) бир ботмондан (ботмон 898,5 гга тенг оғирлик ўлчови) буғдой, унинг яр-ҳимсича гуруч, гуручнинг ярмисича миқдорда мош, мошнинг ярмисича ёғ ва ҳ.к. ғамлаб қўйиларди. Шу ҳисобдан ғамланган озуқалар бутун кишига етарди.*

5. Бутунлай бирон нарсанинг мавжуд эмаслиги, йўқлиги. Рус тилида *“ни”* юкламасига *“один”* лексемаси қўшилиб, бўлишсизлик маъносини юзага чиқаради. Мисол учун, *“ни одной живой души”* (умуман, инсон зоти йўқ маъносиди). Бу ерда *“душа” – “қалб”* сўзи *“инсон” – “человек”* метонимик маънога кўчапта. Ўзбек тилидаги *“бирон бир зот қўринмайди”* иборасида *“зот” – “особа, парода”* маъносиди келади.

Умуман ҳеч нарса маъносидидаги *“ни одной копейки”* ибораси *“бир чақаси (чақа – асосан, мис, жез сингари металлдан ясалган, қиймати паст майда танга пул йўқ, бир тийини (тийин бир сўмнинг юздан бирига тенг пул ҳамда шундай қийматга эга бўлган майда чақа йўқ)”* ФБларида этнокультурологик реалиялар – *“копейка” – “чақа”, “тийин”* Ўзбекистон ва Россия миллий валюталари учрайди.

Реалиялар қайси маданият ва тилда пайдо бўлган бўлса, ўша халқнинг кадр-қиммати ҳисобланади. **Реалия** – ўрганилаётган тилдаги предмет ва ходисалар тарихи, маданияти, иқтисодиёти ва турмуш тарзини англатувчи сўзлардир, улар қиёсланаётган тилдаги сўзлардан бутунлай ёки қисман фарқ қиладиган тушунча.¹

“Бир қулоғидан кириб бошқасидан чиқмоқ” – “в одну ухо вошло а в другое вышло” фразеологизми *“бири бошқаси”* муносабатидаги бирлик бўлиб, икки тилда ҳам бир хил мазмун ҳосил қилади.

“Первый” – “биринчи” компоненти фразеологик бирликлар таркибида қуйидаги вариантларда келиши мумкин:

1) бошланғич, энг олдинги. Бу гуруҳга кирувчи бирликлар орасида эквивалент ҳисобланган тиллараро фразеологик бирликлар изоҳланишига ҳожат йўқ: *“сделать первый шаг”* (биринчи бўлиб қадам қўймоқ) – ниманидир бошлаш; *с первого взгляда* (бир қарашда) – биринчи таассурот;

¹ Алимжанова Г. Сопоставительная фразеология. С. 175.

из первых рук (биринчи кўлдан) – воситачисиз; *играть первую роль* – бирор ишда етакчи бўлмоқ; *первый среди равных* – тенгдошлари орасида етакчи бўлмоқ; *первая помощь* – биринчи ёрдам.

“Первый блин комом” салбий оттенкали фразеологик бирикмаси бўлиб, бирор ишнинг боши ўхшамаса, (биринчи пиширилган қуймоқ ўхшовсиз чиқади) – **“ўртамчик иш нуқсонсиз бўлмас”** бирикмасига тенг бўлиб, ўзбек тилида айнан бу тушунча мавжуд эмас, чунки **блин** рус миллий таоми ҳисобланади. “Блин” – сковородка (това)да суюқ хамирдан тайёрланадиган юпка таом, тез ва кўп ҳажмда пиширилади.¹

2) ҳар бир жавҳада ҳаммадан олдинда. **“Звезда первой величины”** фразеологизми бирор фаолиятда таниқли бўлган, астрономияга алоқадор шахсга нисбатан қўлланилади: Антик даврлардаёқ юлдузлар ёрқинлик даражасига кўра олти ўлчамга бўлиниб, энг ёрқини “биринчи юлдуз” номи билан юритилган. Ўзбек тилида бундай мазмундаги фразеологизмнинг аналоги учрамайди.²

“Один” – Всё, как один (человек) – ҳаммаси бир хил; **в одиночку** – бировнинг қўмагисиз; **в одно перо и птица не родится** – ҳамма бир хил эмас; **на одном конце червяк, на другом дурак** – устаси бўлмаган; **на одном месте камень мхом обрастает** – дарахт бир жойда кўкаради; **один в один** – бир томчидай, **один на один** – яккама-якка; **один – единственный** – биттагина; **один за другим** – кетма кетликда, **одно к одному** – ўхшаш; **один карась сорвётся, другой сорвётся, третий бог даст и попадётся** – мақсадга бирданга эришиб бўлмас маъносиди; **один с сошкой, а семеро с ложкой** – меҳнатни бири қилар, роҳатни бошқалар; **одна голова не бедна, а бедна так одна** – ёлғиз одамнинг ташвиши ҳам йўқ; **одна муха не проест и брюха** – ёлғиз инсон кўпга қодир эмас, **одна речь не пословица** – бир фикр ҳали тавсилот эмас.

Умуман олганда, “бир” компоненти жуда фаол бўлиб, қуйидаги ўзбек иборалари бунга мисол бўлади: Бир бошини иккита қилмоқ; бир ёстиққа бош қўймоқ; бир ёқадан бош чиқармоқ, бир ёқда турсин, бир ёкли бўлмоқ (қилмоқ), бир жон – бир тан бўлмоқ, бир жон бўлиб – бир тан бўлиб, бир – икки оғиз, бир – икки шингил, бир кесак билан икки қаргани урмоқ, бир кесак билан бир куённи урмоқ, бир кесак билан бир қушни урмоқ, бир кун бўлмаса, бир кун, бир кун эмас – бир кун, бир овоздан, бир оёғи ерда, бир оёғи гўрда, бир оғиз, бир пақир бўлмоқ, бир пул, бир пуллик, бир чакалик, бир сўзи иккита бўлмади, бир тийин, бир чимдим, бир чўқишда қочирмоқ, бир шингил, бир қошиқ сув билан ютиб юборгудай, бир қулоғидан кириб, иккинчисидан чиқмоқ, бошларини бир ерга жойга) бирлаштирмоқ (қовуштирмоқ), гапни бир жойга қўймоқ, дарёдан бир томчи. Бир бошга – бир ўлим, бир булдуриқ уч қорга татийди, бир жағга бир ботмон, бир тулки етти бўрини етаклайди, бир анор минг беморга даво, бир балоси бўлмаса, шудгорда қуйруқ на килур, бир одам омон билан, еттовлон чўмич билан, бир онадан алвон хил бола туғилади, бир очликнинг бир тўқлиги бор, бир саватга – бир тепги, бир таёқ юз бошни ёради, бир эзма топади-бир кезма, бир қўй кетидан минг қўй тўяди; бир баҳя қолди, бирини ўпоқ, бирини сўпоқ дейди, бир майизни тенг бўлиб ейди, бир олманинг икки палласидай, бир пулга қиммат, бир тупканинг тагида, бир хум сингунча қанча хумча синади, бир чўқишда қочирмоқ, бир қаричликдан, бир қошиқ қонимдан кечинг, шалдуршулдур бир қоп ёнғоқ, туя бир танга – қани бир танга, туя минг – танга қани минг танга.

Шундай қилиб, келтирилган қиёсий таҳлилларга кўра, рақам компонентли рус ва ўзбек фразеологизмларини ўрганиш бизга қуйидаги хулосаларни беради:

Рус фразеологиясида энг фаол рақамлар “бир”, “икки”, “уч”, “етти” бўлса, ўзбек фразеологиясида “бир”, “икки”, “уч”, “тўрт” ва “етти” рақамлари энг кўп учрайдиган рамзий лингвокультуремалардир.

Қиёсланган икки тилдаги рақам компонентли фразеологизмлар эквивалентининг асосий қисмини символик мазмунга эга “бир” – “один” лексемаси ташкил этади. Рус фразеологик бирикларнинг миллий-маданий ўзига хос характерли жиҳати шундаки, уларда бошқа дунёқараш миллий коддини юзага келтирувчи реалаялар, ўз оламнинг тарихий ва диний манзарасини бериш тажрибаси ётади.

¹ Ожегов.С.И. Словарь русского языка. Государственное издательство иностранных и национальных словарей. Москва, 1960, с. 49.

² Фаттах Мохаммед Абу эль-Иля. Лингвокультурологический анализ фразеологизмов с числовым компонентом в русском и арабском языках. Политическая лингвистика. 2018, №1 (67), с. 167.

**Saparbaeva Gulandam Masharipovna (Urganch davlat universiteti
Tarjima nazariyasi va amaliyoti kafedrasida katta o'qituvchisi)
OG'ZAKI MULOQOT AKTIDA DISKURS MARKER MASALASI**

Annotatsiya. Ushbu maqolada o'zbek tilidagi og'zaki muloqot aktini yaratuvchi lingvistik birliklari borasida fikrlar bayon qilingan. Zamonaviy sotsiolingvisik tadqiqotlarda diskurs marker atamasi bilan ma'lum bo'lgan lingvistik birliklarning o'zbek tildagi xususiyatlari ifodasiga ta'rif berilgan. Muloqot aktidagi ushbu lingvistik birliklarning leksik, grammatik va semantik jihatlari muhokama qilingan.

Аннотация. В данной статье описаны языковые единицы, составляющие акт устного общения на узбекском языке. Современные социолингвистические исследования описывают лингвистические единицы, известные под термином «дискурсивный маркер» в образцах узбекских языковых единиц. В статье обсуждаются лексические, грамматические и семантические аспекты этих единиц в коммуникативном акте.

Annotation. This article describes the linguistic units that make up the act of oral communication in the Uzbek language. Contemporary sociolinguistic studies describe the linguistic units being followed under the term "discourse marker" in the sample of Uzbek linguistic units. This article discusses the lexical, grammatical and semantic aspects of these units in the communication act.

Kalit so'zlar: muloqot akti, diskurs marker, semantik, kontekstual, pragmatik, murojaat so'zlari, rad va tasdiq javob so'zlari, ekspletiv birliklar

Ключевые слова: коммуникативный акт, дискурс-маркеры, семантический, контекстуальный, прагматический, слова-референты, слова отрицания и подтверждения, эксплетивные лексические единицы

Key words: communicative act, discourse markers, semantic, contextual, pragmatic, reference words, words of reprimand and confirmation, expletive lexical units

Og'zaki muloqot aktida, paralingvistik va prozodik birliklar, so'z tanlovi, va axborotni yetkazish usulini belgilovchi, so'zlovchilarning o'zlari amalga oshirayotgan nutq faoliyatida tafakkuridagi fikrni to'g'ridan to'g'ri mavzuga moslashtiruvchi leksik birliklar mavjud bo'lib, ushbu birliklar muloqot jarayonida suhbatdosh tomoindan endi aytiladigan jumlaning o'z ongida taxmin qilib, unga javob berish uchun tayyorgarlik ko'radi.¹ Muayyan tilda gaplashuvchi insonlar hayotiy tajribasi davomida, moslashtiruvchi birliklarni muloqot jarayonida avtomatik tarzda o'zlashtiradilar. So'zlovchi muloqot ishtirokchilariga yetkazib bermoqchi bo'lgan axborot mazmuniga va maqsadiga bor e'tiborini jalb qilganda, muloqot ishtirokchilari nomoyon qiladigan mavzuga moslashtiruvchi birliklari, ular qay darajada axborotni qabul qilgani yoki tushinganidan darak beradi. Qachonki, so'zlovchi kutgan natija tinglovchi munosabatida aks etsa mavzuga qo'shimcha izoh yoki boshqa bir zarur ma'lumotni ilova qilishni xohlab, mavzu yuzasidan yanada qimmatliroq fikrlarini bayon qilishi mumkin. Agar so'zlovchi kutgan natijaga tinglovchi munosabati mos kelmasa, yoki tinglovchi kutgan fikrga so'zlovchi nutqi mazmuni mos kelmasa, bunday muloqot samarasiz yoki behuda aytilgan gap deb baholanadi.²

Albatta, og'zaki muloqot nutq aktida tinglovchining yoshi, shaxsiy fazilatlari, qiziqishi va muloqot mavzusining unga dahldorligi inobatga olinishi lozim. Ammo muloqot mavzusi ushbu jihatlarga mos tushganda tinglovchini muloqot kontekstiga moslashtiruvchi birliklardan samarali foydalanish usullaridan boxabar bo'lishi, muloqot aktining mavaffaqiyatini ta'minlaydi. So'zlovchi og'zaki muloqotda ushbu birliklarga e'tiborsiz bo'lib, har doyim o'zi muhim deb bilgan gapni aytib keyin umuman boshqa mavzuda gapirish, aytilgan jumla mazmuniga bo'lgan e'tiborni so'zlovchi kuchaytirayotgan deb o'ylasada, aksincha kamaytirgan bo'ladi. Chunki u o'z nutqini boshqa bir muhim mavzuda davom ettirishi bilan oldingi aytilgan fikr tinglovchi ongida o'z ahamiyatini yo'qotadi. Shu sababdan ham moslashtiruvchi birliklar muloqot aktida muhim ahamiyatga ega bo'lib, ular muloqot mavzusi va mazmunining tinglovchi tomonidan to'g'ri va to'liq tushinilishini ta'minlaydi, masalan, auditoriyaga kirgan o'qituvchi, o'z suhbatida davom etayotgan ko'plab talabalarni, o'z ma'ruza mavzusiga diqqatini jalb qilish uchun nima qilishi kerak, degan savolga turli pedagoglar turlicha javob beradi. Ammo eng to'g'ri javob o'qituvchining o'zida va

¹Нурмонов А., Ҳакимов М. Лингвистик прагматиканинг назарий шаклланиши. "Ўзбек тили ва адабиёти", 2001, 4-сон, 54–58-бетлар.

²Кобозева И.М. «Теория речевых актов» как один из вариантов теории речевой деятельности. В кн: Но-вое в зарубежной лингвистике. Вып. 17, М., "Прогресс", 1986, с. 7–21.

talabalarning darsga munosabatiga bog‘liq bo‘ladi. Chunki bir muloqot maydonida ta’sir kuchiga ega bo‘lgan moslashtiruvchi birliklar, boshqa muloqot makonida samarasiz bo‘lishi mumkin. Shuningdek, usul bir xil bo‘lgani holatda, uni amalga oshiruvchi shaxs xususiyati bir-birini takrorlamaydi. Ma’ruzalarning samarali yoki samarasiz bo‘lishi, ko‘pincha, ushbu birliklar hisobiga bo‘ladi.

Shu o‘rinda, og‘zaki muloqot aktining eng muhim moslashtiruvchi birliklari sifatida *diskurs markerlar*¹ alohida ahamiyatga ega. Ushbu atama ingliz tilshunos olimasi Deborah Schiffrin tomonidan “Discourse Markers” (1988) nomli kitobida ilk bor tilshunoslik tadqiqotlariga olib kirilgan bo‘lib, bu lingvistik birliklar, grammatikada yordamchi so‘z turkumlari, xususan, yuklamalar, kirish so‘zlar, undalmalar, tarzida tushintirilib, ular sintaktik jihatdan mustaqil, ya’ni ular gapda sintaktik vazifa bajarmaganligi uchun, jumladan, foydalanilmasa ham, jumla tuzilishi buzilmasdan qoladi, degan fikrlar bildirilgan. Tilshunoslikning turli sohalarida, ushbu birliklar diskurs yuklamalar, diskurs bog‘lovchilar, pragmatik markerlar, pragmatik yuklamalar deb ataladi. Ushbu birliklar og‘zaki muloqot aktining asosiy belgilaridan bo‘lib, ularni bir necha turlarga ajratish mumkin. Ular norasmiy so‘zlashuv uslubida keng qo‘llaniladi.

Boshqa tillar qatori o‘zbek tilida ham *yaxshi, ha, albatta, aksincha, shunday qilib, endi va anima bo‘lganda ham* kabi diskurs markerlar mavjud bo‘lib, ular muloqot aktida bir nutqni boshqasiga bog‘lash yoki aytilgan fikrga munosabat bildirish uchun qo‘llanilib, jahon tilshunosligida ba’zan *leksik birliklar* deb qayd qilingan bo‘lsa, ba’zan *grammatik formalar* deb talqin qilingan. Diskurs markerlar, tinglovchi uchun eshitgan axborot to‘g‘risida yaxlit bir tushuncha hosil qilish, muloqot mazmunini to‘liq anglash vositasidir. Diskurs markerlar ko‘pgina grammatik formalar, jumladan undov so‘zlar, qo‘shma ravishlar, salomlashuv va xayrlashuv so‘z birikmalari bilan birga qo‘llanilishi mumkin. *Diskurs marker* atamasi o‘zbek tilida, odatda, ‘kiritma so‘zlar’, ‘kirish so‘zlar’, ‘gapning sanalmaydigan bo‘laklari’, ‘sintaktik vazifasiz bo‘laklar’ tarzida talqin qilinganidek, jahon tilshunosligida ham ushbu atamaga turlicha yondashuvlar mavjud. Masalan, Lakoff² ‘hedge’ (hoshiya), Svartvik³ ‘Particles’ (yuklamalar) (1980), Chalker⁴ ‘connective adverbs’ (ravish bog‘lamalar) (1984); Schourup⁵ ‘discourse particles’ (diskurs yuklamalar, 1985); Quirk⁶ ‘conjuncts and disjuncts’ (bog‘lovchi va ayiruvchilar, 1985); Iystwud ‘linking words and phrases’ (bog‘lovchi so‘z va frazalar) (1999) kabi atamalarni tavsiya qilgan. ‘Diskurs marker’ atamasi ko‘pchilik tilshunoslar, jumladan, Labov va Fanshel (1977); Todd va Hancock (1986); Schiffrin (1992); Grammley va Patzold (1992) tomonidan ma’qullangan.⁷

Og‘zaki muloqot akti o‘zbek tilshunosligida nisbatan yangi yo‘nalish bo‘lgani uchun, uning atamalarini yozma matn grammatikasidan farqlash uchun diskurs marker atamasini tadqiqot ishida qabul qilindi. Ushbu birliklar muloqot avvalida va muloqotning keyingi navbatida aytilgan va aytilmoqchi bo‘lgan jumlagi ishora qiladi. Og‘zaki muloqot aktida diskurs markerlar semantik, kontekstual va pragmatik vazifalarni bajaradi. Diskurs markerlarning tasnifi borasida ham bir qancha fikrlar mavjud bo‘lib, odatda, diskurs markerga vazifasidan kelib chiqqan holda yondashgan ma’qul. Tadqiqotl natijalaridan kelib chiqqan holda, diskurs markerning quyidagi turlarini farqlash mumkin:

- His hayajonni ifodalovchi xitob so‘zlari, og‘zaki muloqot aktida so‘zlovchining axborotga nisbatan bildirilgan hissiy ifodasini anglatadi, masalan, o‘o‘ (hayrat), aha (tasdiq, tan olish), eha (xursandchilik bilan qabul qilish), iye (hayron bo‘lib qabul qilish), voy-bo‘y (kuchli hayratlanish), o‘ho‘ (hayajon, zavqlanish), oh, voh (og‘riq, azoblanish), uff (asabiylilik, tutoqish).

- Bog‘lovchi ravishdoshlar og‘zaki muloqot aktida so‘zlovchi tomonidan aytiladigan jumlaning oldingi aytilgan jumlagi bog‘lash uchun qo‘llaniladi, masalan, shuning uchun, nihoyat, aksincha, baribir, umuman olganda, mayli, bundan tashqari, xullasi kalom.

¹ Schiffrin, Deborah (1988). *Discourse Markers*. Cambridge University Press.

² Lakoff R. What you can do with words: Politeness, pragmatics and performatives. In: *Proceedings of the Texas Conference on Performatives, Presuppositions and Implicatures*, ed. R.Rogers, R.Wall & J.Murphy, pp. 79–106, Arlington, Va. Center for Applied Linguistics, 1977.

³ Leech G., Swartwik J. A Communicative...are considered prepositions (předložky) and which are *particles* (částice) Source: SWAN, Volume 4, p. 2, 1955.

⁴ Sylvia Chalker. *Collins Cobuild English Guides: Linking Words (Collins Cobuild English Guides) (Bk.9) Paperback*, May 9, 1996.

⁵ Lawrence Clifford *Schourup*. *Common Discourse Particles in English Conversation*. Front Cover. Garland, Language Arts & Disciplines, 1985, p. 173.

⁶ https://uomustansiriyah.edu.iq/media/lectures/8/8_2020_02_23!12_18_49_AM.pdf

⁷ Akmajian A., Demers, Rarner A. and Harnish R. (1995). *Linguistics: An Introduction to language and communication* 4th ed. Cambridge: the MIT press.

Qarshilikni ifodalovchi ravishdoshlar modallik, noto'g'ri holat va bahoni ifodalash uchun butun jumlagi nisbatan semantik ifoda beruvchi leksik elementlardir. Hallidey ushbu turga kiruvchi elementlarni, **ehtimollik** (*balki, ehtimol*), **aniq faraz** (*albatta, bu aniq, ma'lumki, kundek ravshan*), **odatiylik** (*har doyimgidek, odatdagidek*), **istak muvofiqlik** (*baxtga qarshi, baxtinga, omadim kelib, afsuski*) guruhlariga ajratgan.

Og'zaki muloqot aktidagi qarshilikni ifodalovchi ushbu elementlarning murakkab konstruksiyali shakllari ham mavjud bo'lib, ular kundalik muloqotda so'zlovchining munosabati, fikri, hatto hissiyotini ifodalash uchun keng qo'llaniladi, masalan, *bir kun kelib...ar, to'g'risini aytganda, o'zingizga ma'lum, ko'rib turganingizdek, yana o'zingiz bilasiz, nima bo'lganda ham, ming afsus nadomatlar bo'lsinki va hokazo.*

Murojaat so'zlari. Navbatdagi leksik birliklar, murojaat so'zlari bo'lib, sintaksisda alohida gap bo'lagi sifatida sanalmaydi, ammo muloqot aktida chaqirish, chorlash, undash, diqqatni jalb qiluvchi leksik elementlar sifatida qo'llaniladi. Shuni alohida ta'kidlash o'rinliki, ushbu birliklar nutq orqali uzatilayotgan axborotni aniq yo'naltiruvchi vositalardir. Ko'pincha, ushbu birliklar nutqda prozodik elementlar bilan birga qo'llanilishi natijasida his-hayajon so'zlar turi sifatida sanalashiga sabab bo'lgan. Umumiy ravishda, o'zbek tilidagi ushbu murojaat birliklarini ikki guruhga, ya'ni chaqiriq va uni qabul qiluvchilarga (denominant) bo'lish mumkin

–*Hoy siz, xonim*, menga qarang, bu sharfingiz, tushib qoldi! (*Hoy, siz* – chaqiriq, *xonim* – denominant)

Javob leksik birliklar. Og'zaki muloqot aktida eng keng qo'llaniladigan elliptik jumlar bu, qisqa tasdiq yoki rad javoblari hisoblanadi. Ular butun boshli gapning o'rnida qo'llanilishi mumkin: *xo'p, xo'p bo'ladi, yaxshi, roziman, to'g'ri/yo'q, xato, noroziman, bo'lmaydi.*

Ushbu lingvistik birliklar muloqot jarayonida so'zlovchining javobini aniq va tushunarli bayon qilishining eng samarali uslubi bo'lib, bunda qisqa so'z orqali umumiy qaror yoki yakuniy xulosa ifodalanaadi.

Shu o'rinda **javob** tushunchasiga to'xtaladigan bo'lsak, odatda, javobning quydagi turlarini farqlash mumkin: savolga beriladigan javob (*ha, yo'q*), ko'rsatmaga beriladigan javob (*xo'p, yo'q*), ta'kidga berilgan javoblar, *ha-ha, tushunarli, xo'p, ma'qul, hm* (*bosh irg'ash*). Javob leksik birliklarining muloqotda qo'llanilishi tinglovchining nutq faoliyatida faol ishtirokidan darak beradi. Tasdiq va ma'qullash ma'nolarini ifodalaydi.

Ikkilanishni belgilovchi markerlar. *Aaa, uh, hmm* kabi prozodik birliklar nutq faoliyatida so'zlovchining ikkilanishi alohidi bo'lib, jumla oralig'idagi bo'shliqni to'ldirish uchun qo'llaniladi. Bunday birliklarning nutq faoliyatida haddan tashqari ko'p qo'llanilishi, tinglovchini bezor qilishi mumkin, ammo bu birliklar ishorasi orqali, ayrim holatlarda so'zlovchi ifodalashga qiynalayotgan fikrni, tinglovchi to'ldirishi mumkin bo'ladi. Bunday nutq elementlari kundalik muloqotda oddiy noaniqlik fenomeni hisoblanib, takrorlangan, noto'g'ri boshlangan va oldindan rejalashtirilmagan jumalarda ko'p uchirishi mumkin. Shuningdek, ushbu nutq elementlari har xil muloyim nutq-akt formulalarida ham qo'llanilishi mumkin bo'lib, bunda muloqot ishtirokchilari bir-biriga hurmat va ehtirom yuzasidan ehtiyot bo'lib murojaat qilganda vaziyatlarda ham qo'llanilishi mumkin.

*Ekspletiv diskurs markerlar.*¹ Ushbu nutq elementlari insonlarning nutq muloqot vaziyatida qahr, g'azab, nolish his tuyg'ularining ifodasi sifatida nomoyon bo'lib, odatda, unli tovushlarning haddan ortiq baland ovozda, cho'zib aytilishi yoki qo'pol so'zlar, tabuu elementlarining qo'llanilishi sifatida nomoyon bo'ladi. Bunday so'z va so'z birikmalari muloqotga qo'shimcha ma'no yoki mazmun kiritmaydi faqat kuchli salbiy munosabatni ifodalaydi. Ekspletivlarni o'zlari ifodalagan ma'noga ko'ra tabuu ekspletivlar va mo'tadil ekspletivlarga ajratish mumkin. Tabuu ekspletivlari so'kish, qasam, ont ichish, qarg'ish ma'nolarini ifodalaydi va qo'pol nutq elementlari hisoblanib, nutq madaniyatida ularni qo'llash tavsiya qilinmaydi. Jumladan, *la'nati, jin ursin, xudo ursin seni va hokazo.*

Mo'tadil ekspletiv diskurs markerlar ijtimoiy munosabatlarning ko'pchilik nutq vaziyatida qo'llaniladigan, qo'pol bo'lmagan leksik birliklar bo'lib, insonlar kundalik muloqotining ajralmas qismi sanaladi. Masalan, *Avvali Xudo!; Xudoyimga hamdu, sanolar!; Xudoga shukur! Ollohim o'zingga shukur!; Yaratgan egamga shukur!; Xudo qayg'ursin!*

Xulosa o'rnida shuni aytish mumkinki, o'zbek tildagi og'zaki muloqot akti leksik birliklarining o'ziga xosligi borasida, faqat diskurs markerlar haqida bildirilgan fikrlardan umumiy yakdil bir xulosaga

¹ Svenonius Peter. Subjects, Expletives, and the EPP. Oxford University Press. p. 3–11.

kelish qiyin, chunki bu birliklar semantik va pragmatik jihatdan ko'p funksiyali bo'lishi bilan birga jumla-da hech qanday sintaktik vazifani bajarmaydi, ammo nutq muloqotida erkin qo'llaniladi. Shu sababdan ular turli tillarda turli atamalar va terminlar orqali ifodalanadi.

Тўлагонова Шаҳноза Абдумажидовна (ТошДШУ докторанти, tulagonova_shahnoza@mail.ru)
ҚАДИМГИ ТУРКИЙ БИТИГЛАРДА МАВЖУД СТЕРЕОТИП БИРЛИКЛАР
ТЕМАТИКАСИ

Аннотация. Ушбу мақола қадимги туркий битигларнинг услубий хусусиятлари – стереотип бирликлардан бирига бағишланган. Битигларда клишелашган бирликлар учраб туради. Булар, дастлаб, тавтология, матннинг соддалиги ёки муаллифнинг нўноқлиги сабабли юзага келгандек туюлади. Матнлар мазмун-моҳиятига чуқурроқ кириб борилсагина, уларнинг оддий такрорлар эмаслиги англашилади. Мақолада қадимги туркий битигларда мавжуд стереотип бирликларнинг тематик гуруҳлари хусусида сўз боради.

Аннотация. Данная статья посвящена одной из стереотипных единиц – стилистическим особенностям древнетюркской письменности. В древнетюркских надписях есть речевые клише-штампы. Изначально кажется, что они возникли из-за тавтологии, простоты текста или неточности автора. Только если углубиться в содержание текстов, становится ясно, что это не просто повторения. В статье рассматриваются тематические группы стереотипных единиц в древнетюркской письменности.

Annotation. This article is dedicated to one of the stereotypical units-stylistic features of ancient Turkic scripts. There are cliched units in scripts. This seems to have been caused by tautology, the simplicity of the text, or the author's mistake. It is clear that the texts are not mere repetitions, as they penetrate deeper into the content. The article deals with the theme of stereotypic units in ancient Turkic scripts.

Калим сўзлар: қадимги туркий тил, қадимги туркий битиглар, стереотип бирликлар, стереотип бирликлар тематикаси.

Ключевые слова: древнетюркский язык, древнетюркская письменность, стереотипные единицы, тематика стереотипных единиц.

Key words: Ancient Turkic language, ancient Turkic scripts, stereotypic units, theme of stereotypic units.

Қадимги туркий битигларда тарихий воқеалар жонли, образли тарзда баён қилинган. Улар тарихий маълумотлар қаторида қадимги туркий тил ва ундаги қонуниятларни ўзида акс эттиради. Битигларда воқеа-ҳодисалар, ҳолатлар баёнида нисбатан барқарорлашган ифодалар такрор учрайди. Булар қадимги туркий битигларда кечган стереотип бирликлардир. Стереотип бирликлар қадимги туркий битигларда муайян ўзига хос услубни намоён этса-да, улар қадимги туркий битигларгагина хос эмас. Стереотип бирликлар ўхшатиш, қаршилантириш каби бадий воситалар ёрдамида ифодаланган. Ритмик-оҳанг жиҳатидан ҳам аллитерация, ритмик-синтактик параллелизм, такрорга асосланган бадий санъатлар орқали шакллантирилган. Стереотип бирликларнинг қиймати кўрсатилган жиҳатлар билангина боғлиқ эмас. Яъни, юқорида таъкидлангандек, балоғату фасоҳатга бой жумла ёки бирикма матн контекстида кўзланган теран маънони ўзида мужассам этиши лозим. Халқ ибораси билан айтганда, “вақтида ва жойида айтилган гап”дек бўлиши лозим. Шу жиҳатдан ҳам стереотип бирликларнинг маъно хусусиятлари уларга мурожаат қилишнинг бирламчи омили ҳисобланади. Қуйида бир нечта маъно контекстларидаги стереотип бирликларни кўриб чиқамиз.

1. Асир олинган халқ таърифидида ишлатилувчи стереотип бирликлар. Қадимги туркий битиглар қудратли турк хоқонлигининг қарор топиши, кенгайиши, бу йўлда кечган жангу жадаллар ҳақида ҳикоя қилади. Табиийки, бундай матнларда мағлубият ва асир олинган халқ аҳволи ҳақидаги тасвирлар ҳам мавжуд. Масалан, Кул тигин битигида қудратли турк хоқонлиги Табғач халқининг ҳийлакорлиги сабабли қўлдан кетгани тўғрисида баҳс этилар экан, ўзлигини унутиб, турк отини қўйиб, Табғач бекларига қарам бўлган халқ аҳволи баёнида қуйидаги жумла келтирилган:

Tabğaç bodunqa bāglik urī oğlīn qul boltī, silik qiz oğlīn kūñ boltī (Маъноси: Табғач халқига бек бўладиган ўғил боласи билан кул бўлди, сулув қиз боласи билан чўри бўлди (К.7)).¹

¹ Ушбу мақолада қуйидаги қисқартмалар қабул қилинди: К – Кул тигин битиги; Ка – кичик битиг, К, Кб – улуг

Бу жумла қарамликнинг, асирликнинг энг аянчли оқибатларини ифода этади. Аслида, битигларга ушбу жумланинг ишлатилишидан кўзланган ғоявий-эстетик мақсад бор. Битиг матнини айтиб биттирган Билга хокон уни ўқиғучиларни – турк халқини тарих хатоларидан огоҳлантиради.

Яна бир мисол: *Özi yanilti, qağani ölti, bodunı küñ qul boltı* (Маъноси: Ўзи янглишди, хокони ўлди, халқи чўри, қул бўлди (К. 20).

Бу жумлада дастлабки ифода ихчам шаклда келган. Битиглар матни бўйлаб бу каби стереотиплар шакли ўзгариб, турли вариантларда учрайди. Масалан, куйидаги мисолда баён кенг ва батафсил берилган: *Barduq yärdä ädgüg ol ärinč: qanñ subča yügürti, söñükün tağča yatdı, bāglic urı oğluñ qul boltı, silig qiz oğluñ küñ boltı bilmädük üçün...* (Маъноси: Борган ерингда эзгулик шу бўлса керак: қонинг сувдай оқди, суягинг тоғдай (уйилиб) ётди, бек бўладиган ўғил боланг қул бўлди, сулув қиз боланг чўри бўлди (К. 24).

Юқоридаги сатрлар адашган халқни огоҳлантириш мақсадида берилган. Айрим ўринларда ушбу стереотип бирлик қахрамонларнинг қудратини кўрсатиб беришда қўл келади.

Qağansiramis bodunuğ, küñädmiş, quladmıs bodunuğ, türük törüsün içğınmiş bodunuğ äcim aram törüsincä yaratmış, boşğurmıs (Маъноси: Хоқонини йўқотган халқни, чўрига айланган, қул бўлган халқни, турк хукмронлигини бой берган халқни ота-боболарим йўсунича оёққа турғазибди, бошқарибди (К. 13).

Кўриб ўтган мисолларимизда бир стереотип бирлик турли вариацияларда (гоҳ қисқариб, гоҳ кенгайиб) келса-да, матн мазмунига ғализлик келтирмайди. Шунингдек, стереотип бирлик барқарорлигини ҳам синдирилмайди. Асосийси, стереотип бирлик асосини ташкил этган сўзлар (*küñ, qul*) иштироки барқарор. *Bāglic urı oğlin qul boltı, silik qiz oğlin küñ boltı* жумласида чўри, қул бўлувчиларнинг жинси ва айрим сифатлари билан келтирилган бўлса, кейинги ўринда баён қисқартирилиб (эллипсис услубида – синтактик стилистик фигуралардан баённи қисқа-лўнда ифодалашни кўзда тутуди) *küñädmiş, quladmıs bodunuğ* тарзида берилади. Лекин, маънода жуда катта фарқ кузатилмайди. Чунки *küñ, qul* сўзларининг ўзида изоҳлаб келаётган шахснинг жинси англашилади.

2. Тинч-тотув, фаровон ҳаёт таърифида ишлатилган стереотип бирликлар. Қадимги туркий битигларда, асосан, жанглар, мағлубиятлар ва ғалабалар баёни акс этган. Юртбоши ана шундай жангу жадаллар билан давлат куради. Бу давлат чегаралари кенгайиб, халқ фаровон, тўкин-сочинлик, хотиржамликда ҳаёт кечира бошлайди. Ана шу фаровонлик битигларда куйидаги ифодада берилади: *Qurıǵaru Käñü Tarmanqa tägi türük bodunuğ anča qonturtimiz, anča [i]tdimiz. Ol ödkä qul qulluğ bolmıs ...Anča qazğanmıs, itmıs älimiz, törümüz ärti* (Маъноси: Турк халқини шу ҳолда қўндирдик, шу хилда тартибга келтирдик. *У чоғда қул қулли бўлган*.... шундай қозонилган, тикланган элимиз, ҳукуматимиз (бор) эди (К. 21).

Матндаги *qul qulluğ bolmıs* – “қулнинг ҳам қули бор эди” мазмуни ўта фаровонлик, тўкинлик маъносини ифодалаб келган.

Халқнинг тинч-тотув ҳаётини акс эттирувчи ушбу ифода “Қутағу билиг”дан кечган куйидаги байтда ҳам келади:

Qutuldi bodun ketti emgäkläri,

Qozı birlä qatlıp yurıdı böri

Маъноси: “Халқ бахтиёр бўлди, мушкул-машаққатлари кетди, қўзи билан бўри аралашиб юрди”.¹

Мажозий маънода эса қўй мазлум халқ, бўри эса бешафқат, урушқоқ кишилар (ёв)ни назарда тутуди. Адолатпарвар хукмдорлар бошқаруви остида халқ аҳил ва иноқ, тўқ ва фаровон яшаган.

Битигларда қахрамонларнинг қўлга киритган ғалабаси, улар амалга оширган буюк ишлар мадҳ этилади. Бу хусусда шундай дейилган: “Битиглар улуг йўлбошчилар, миллий қахрамонлар хотирасига битилган ёдномалардир. Уларда халқ қахрамонлари қўзи тириклигида кўрсатган мардиклар, юрт эрки ва улус тинчлиги учун кўрсатган жасоратлари ёд этилади”.²

Ёдномаларда қахрамонлар куч-қудратини, фидойиликларини ифода этишга хизмат қилган

битиг, *К.І–ІІІ, Кс*–тошнинг тарошланган кирралари ва терс томонидаги ёзув; *Тон*–Тўнюк битиги (Содиқов Қ. Эски туркий битиглар. Тошкент, ТошДШИ, 2009).

¹ Юсуф Хос Ҳожиб. Қутағу билиг. Нашрга тайёрловчи ва кириш сўз муаллифи Қ.Каримов. Т., “Фан”, 1971, 208-бет.

² Содиқов Қ. Қадимги турк фалсафаси. Тошкент, ТошДШИ, 2008, 37-бет.

стереотип бирликларнинг мавжудлиги юқоридаги фикрларни тасдиқлайди. Хусусан, юрт эгасини қахрамонлаштиришда “фаровонлик” маъносини ифодаловчи қуйидаги ишлатилган стереотип бирликдир: *Yalañ bodunuñ tonluğ, çığañ bodunuğ bay qiltim, az bodunuğ öküñ qiltim* (Маъноси: Яланг халқни тўнли, қашшоқ халқни бой қилдим, оз халқни кўпайтирдим (К. 29).

Давлат бошлиғи ўз фаолиятининг энг яхши натижаси сифатида халқ фаровонликка эришилганлигини назарда тутди. Демак, оз сонли халқни кўпайтириш фаровон ҳаётнинг бир кўрсаткичи сифатида қабул қилинган.

3. Ночор ва қашшоқ халқ таърифида ишлатилган стереотип бирликлар. Кул тигин битигида адашган, енгилган халқ аҳволи қуйидагича таърифланган: *Barmış bodun ölü-yitü, yadağin-yalañin yana kälti* (Маъноси: Кетган халқ ўла-йита, яёв-ялонғоч қайтиб келди (К. 28).

Жумла таркибидаги икки бирикма абгор аҳволдаги халқ аҳволини яққол намоён этади ва бу бирликлар ўхшаш вазиятларда такрор қўлланади. Шулардан *ölä-yitü käl-* (ўла-йита кел-) *базўр, зўрға, ўлай-ўлай деб келмоқ* маъноларида. Бир ишни амалга оширишда юзага келган машаққатли фаолиятни назарда тутди. Кунимизда ҳам ушбу бирикмага оғзаки нутқда кўп мурожаат қилинади.

Yadağin-yalañin käl- (яёв-юпун кел-) бирикмаси ҳам енгилган халқ ҳолатини англантишда жуда самарали қўлланган. Яъни, “ўз хоқонини кўйиб, Табғач хоқонига бўйсунган халқ” оқибатда ҳеч бир уловсиз ва юпун аҳволда қайтади. Мана шу бирикма адашганлик ва мағлубиятдаги ҳолатларни таъсирчан ифодалайди. Ҳар иккала бирикмани шу хусусдан стереотип бирликлар таркибига киришиш мумкин.

4. Мусибат ва тушқунлик маъносини берувчи стереотип бирликлар. Қадимги туркий битигларнинг аксарияти марҳумлар шарафига тикланган. Шу боис уларда мотам, қайғуни англаувчи жумлаларнинг бўлуви, табиий. Хусусан, Кул тигин битигида муаллиф қайғу-аламни ифодалашда *saqintim* (алам чекдим), *yanturu saqintim* (қайта қайғурдим), *qatıǵdı saqintim* (қаттиқ алам чекдим) каби сўз ва бирикмалардан фойдаланган. Аммо бу ифодалар қайғу-аламдан бошга тушган мусибат ва тушқунлик маъноларини қуйидаги стереотип бирлик каби таъсирчан акс эттира олмайди: *Körür köziim körmaz-täg, bilir biligim bilmaz-täg bolti* (Маъноси: Кўрар кўзим кўрмасдек, билар билимим билмасдек бўлди (Кб. 10).

Бошига катта кулфат тушган инсон ҳолатини англаувчи бу бирликнинг вариантлари кунимизда ҳам мазкур воқеликни ифодалашда қўлланади.

5. Фидойилик ва ҳаловатсизлик таърифида ишлатилувчи стереотип бирликлар. Қадимги туркий битигларда қахрамонларнинг фидойиликлари, тинимсиз меҳнат-машаққатлари ҳақидаги баёнлар тез-тез кўзга ташланади. Масалан, Тўнюқуқ жангу жадаллардаги ўзининг шиддатли фаолиятини қуйидагича ёритади: *Ol sabıǵ äsıdip, sü yorüdim, Altun yişıǵ yolsuzun aşdim, Ärtis ögüzüg käçıgsızın käçdimiz, tün aqıtdimiz. Boluçıqa tañ öntürü tägdimiz* (Маъноси: Ўша хабарни эшитиб, лашкарни йўлга солдим. Алтун йишни йўлсиз ошдим, Эртиш дарёсини кечиксиз кечдик, тун тўхтамадик. Бўлчуга тонг оттириб етиб келдик (Топ. 34,35).

Tün udımadım, küntüz olurmadiм (тун ухламадим, кундуз ўтурмадим) Урхун битигларида Тўнюқуқ ва Билга хоқон тилидан айтилган. Ушбу жумлада *tün* ва *küntüz* сўзлари вақт узлуксизлигини ифодалашга хизмат қилган. *Udımadım, olurmadiм* сўзлари эса қахрамоннинг мана шу пайтда ҳаловат топмаганини англаган. Бу стереотип жумланинг талабига кўра, асар қахрамони нима учун тиниб-тинчимаганлигининг сабабини ҳам кўрсатиши лозим. Бунинг сабаби турлича бўлганидан стереотип бирлик таркибига киритилмайди.

6. Жанг ҳолатлари билан боғлиқ стереотип бирликлар. Қадимги туркий битигларнинг аксариятида уруш мотивлари мавжуд. Жумладан, Кул тигин, Тўнюқуқ, Мўюн-чўр каби нисбатан йирик ҳажмли битигларда ҳам, Ўнгин каби кичик матнли битигларда ҳам жангу жадаллар, ёвни енгиш, урушлардаги қахрамонликлар баён қилинган. Айни баёнларда ўзаро умумий бўлган сўз, сўз бирикмалари ва жумлалар учраб туради. Шулардан бири *uda bas-* уйқуда бос- (ғафлатда қолдириш)дир. Ушбу бирлик ёвнинг айнан ухлаб ётган пайтдаги жангни назарда тутмайди. Ёвнинг қутилмаган пайт ва қутилмаган тарафдан қилган ҳужумини ифодалаб келади. Масалан: *Qırqız bodunuğ uda basdıмiz* (Маъноси: Қирқиз халқини қўққисдан босдик (К.35).

Тўнюқуқ битигида ҳам учрайди: *Kün yämä, tün yämä yälü bardıмiz. Qırqızıǵ uqa basdıмiz* (Маъноси: Кун-у тун елиб бордик, қирқизни (ғафлат чоғида) қўққисдан босдик (Топ. 27).

Демак, мазкур стереотип бирлик қўшиннинг жанговарлиги ва ёвни ғафлатда қолдиришни ифодалайди: *Türgäş bodunuğ uda basdıмiz* (Маъноси: Турғаш халқини қўққисдан босдик (К. 37).

“Девону луғат ит-турк”да мавжуд жангнома шеърларда ҳам ушбу бирликнинг бошқа вари-

анти учрайди:

*Tünlä bilä bastimiz
Tegmä yañaq pustimiz.
Kesmälärin kestimiz,
Miñlaq erin biçtimiz.*¹

Мисоллардан англашилгани каби, мазкур бирлик, кўпинча, жанговар ҳолатни ифодалайди. Бирликнинг маъносини зоҳиран талқин қиладиган бўлсак, бир кўшин ёв устига тунда хужум қилгани англашилади. Лекин бу бирлик, кўпинча, бир кўшиннинг ёвга қўққисдан, ғафлатда қолдириб хужум қилганини ифодалайди.

Юқорида кўриб чиқилган маъновий гуруҳлар қадимги туркий тилда мавжуд стереотип бирликларни тўлиқ қамраб ололмайди.

Хулоса қилиб айтганда, қадимги туркий битиглардаги стереотип бирликлар контекстда кўзланган маънони маромига етказиб ифодалаб беради. Шунинг учун ўхшаш вазиятларда қўллаш учун инсон онгида тайёр материал сифатида сақланади. Стереотип бирликларни маъно жиҳатдан бир неча гуруҳларга ажратиш мумкин. Бунда асосий эътибор, стереотип бирликлар бераётган дастлабки ахборот эмас, балки уларнинг поэтик маънолари назарда тутилади.

Нурматов Сирожиддин Султанмуратович (Тошкент Давлат Шарқшунослик университети
Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиё тиллари кафедраси докторанти, филология фанлари номзоди)
**ҲИНДИЙ ТИЛИДАГИ БАЪЗИ СОНЛАРГА ОИД ЛЕКСЕМАЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС
ШАКЛЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ**

Аннотация. Ушбу мақолада ҳиндий тилидаги сонларга хос лексемаларнинг шаклланиш жараёнлари лисоний жиҳатдан таҳлил қилинган. Ҳинд тилишунос олимларининг илмий асарлари асосида ушбу сонларнинг этимологияси атрофлича ўрганилган. Уларнинг ўзига хос шаклланиш хусусиятлари тадқиқ этилган.

Аннотация. В данной статье анализируется лингвистический аспект особенностей становления числительных лексем в языке хинди. Этимологии числительных были тщательно изучены на основе научных работ индийских лингвистов. Были рассмотрены особенности становления числительных.

Annotation. This article talks **about** the linguistic analysis of the formation of numerals in Hindi. On the basis of scientific works of Indian linguists, the origin of these numerals were carefully studied. The features of the formation of numerals were studied either.

Калим сўзлар: қадимги ҳинд-орий тиллари, ўрта ҳинд-орий тиллари, янги ҳинд-орий тиллари, лексема, лексик бирлик, сон сўз туркуми, саноқ сон, диахроник аспект, этимологик таҳлил, лигатура, пракрит, апабхаранша.

Ключевые слова: древние индо-арийские языки, средние индо-арийские языки, новые индо-арийские языки, лексема, лексическая единица, имя числительное, количественное числительное, диахронический аспект, этимологический анализ, лигатура, пракрит, апабхаранша.

Key words: Ancient Indo-Arian Languages, Middle Indo-Arian Languages, New Indo-Arian Languages, lexeme, lexical unit, word sequence, cardinal number, diachronic aspect, etymological analysis, ligature, prakrit, apabharansha.

Мазкур мақола Жанубий Осиё минтақасида кенг қўлланиладиган Ҳинд-Оврўпа тиллари оиласининг ҳинд-орий тиллари гуруҳига хос бўлган ҳиндий тилидаги баъзи сонларга оид лексемаларнинг ўзига хос шаклланиш хусусиятларини киёсий жиҳатдан атрофлича тадқиқ этиш масалаларига бағишланган.

Таъкидлаш жоизки, ҳинд тилшуносларининг илмий-назарий қарашларига мувофиқ сўз туркумлари орасида илмий жиҳатдан энг кам ўрганилгани у сон сўз туркуми ҳисобланади. Кўпгина тилшунос олимлар ҳиндча сонларнинг ўзига хос хусусиятларига оид умумий маълумотларни ўз илмий асарларида қисқача бериб ўтганлар.² Таъкидлаш жоизки, ўзбек ҳиндшунослигида ҳиндий

¹ Маҳмуд Кошғарий. Девону луғат ит-турк. Нашрга тайёрловчи ва кириш сўз муаллифи Қ.Содиқов. Т., 2017, 55-бет.

²Зограф Г.А. Языки Южной Азии. М., «Наука», 1990; Камтапрасад Г. Грамматика хинди. Часть I. Пер. с

тилидаги сонларга оид лексик birlikларнинг ўзига хос шаклланиш жиҳатлари чуқур ўрганилмаган.

Мазкур мақолада фақатгина йирик сонлар қаторига мансуб бўлган हज़ार (hazaar) – “минг”, लाख (laakh) – “юз минг”, करोड़ (karor) – “ўн миллион”, अरब (arab) – “миллиард”, खरब (kharab) – “юз миллиард” ва ундан катта сонларга оид лексемаларнинг шаклланишида юзага келган ўзига хосликлар таҳлил этилиши мақсадга мувофиқ деб топилди.

Ҳинд-орий тилларининг ривожланиш босқичи 3 та, яъни қадимги, ўрта ва янги ҳинд-орий тиллари даврларини ўз ичига қамраб олади.¹ Янги ҳинд-орий тилларига хос бўлган барча тиллардаги лексик birlikлар мазкур 3 та давр орасида ривожланиб, ҳозирда Жанубий Осиё минтақасида кенг тарқалган. Шундай экан, булар орасида ҳиндий тилининг ўзига хос шаклланиш хусусиятлари алоҳида аҳамиятга эга. Буни биз ҳиндий тилидаги сонларга хос лексик birlikларнинг шаклланишида ҳам кузатишимиз мумкин.

Янги ҳинд-орий тилларига хос бўлган ҳиндий тилидаги birlikлар ва ўнликларга доир барча сонлар санскрит тилидан келиб чиққанлиги турли тилшунос олимларнинг илмий асарларида таъкидланади. Бироқ ҳозирда ҳиндий тилида кенг қўлланиладиган баъзи сонларнинг этимологияси тўғридан-тўғри санскрит тили таъсирида шаклланимаган. Бундай сонларга хос лексемалар кам микдорда бўлса ҳам учрайди. Шунини таъкидлаш жоизки, ҳозирги янги ҳинд-орий тилларига хос барча тиллардаги сонлар этимологик жиҳатдан таҳлил қилинганда, уларнинг аксарияти қадимги ҳинд-орий тилларидан бўлмиш санскрит тилидан келиб чиққанлиги кўпгина илмий асарларда қайд этилган.

Юқорида келтирилган маълумотлардан келиб чиқиб, қуйида таҳлилга тортилаётган сонларга хос лексемаларнинг шаклланиш жараёнида юз берган ўзига хос хусусиятлар атрофида ўрганилади.

Янги ҳинд-орий тилларига хос бўлган ҳиндий тилидаги हज़ार (hazaar) – “минг” сонининг қадимда सहस्र (sahasra) ҳамда दशशत (dashashat) каби шакллари ҳам мавжуд бўлган. Ҳиндий тилининг қадимги адабиёти ва шеваларида бундай сўзларнинг "सहस" (sahas) варианты ҳам учрайди.² Аслида, ўрта ҳинд-орий тиллари даврида ривожланган тиллардан бири бўлмиш апабхараншада–бу сўз सहस (sahas) ва пракритда सहस्स (sahassa) кўринишида шаклланиган. Шунингдек, баъзи манбаларда ушбу лексеманинг दस सौ (das sao), दस सै (das sey) каби вариантлари ҳам қўлланилган.³

Манбалардан аён бўлишича, हज़ार (hazaar) – “минг” сони форс тили орқали ҳиндий тили лексикасига кириб келган. Аслида, सहस्र (sahasra) ва हज़ार (hazaar) шакллари бир хил маъно англатувчи лексеманинг шаклланиш вариантларидир. Авестода ҳам бунинг шакли "हज़अर" (hazaar) кўринишида бўлган. Ушбу шаклларга хос “स” (s) ва “ह” (h) бир хил хусусиятга эга. Ушбу лексемаларнинг биринчи ҳарфлари бўлмиш ह (h) форс тилига, स (s) эса санскрит тилига хосдир. Лексемалар таркибида учраётган "हस्त्र" (hastra) "ज़ार" (zaar) "ज़अर" (zaar) каби шакллар ҳам бир хил хусусиятга эга.

Ҳиндий тилидаги लाख (laakh) – “юз минг” сони Ҳинд-Оврўпа тиллари оиласининг қадимги лексик birlikларидан эмас. Бу қадимги ҳинд-орий тилларига хос бўлган санскрит тилидаги “लक्ष” (laksha), “लक्ष्” (laksh) ёки “लग” (lag) каби birlikлар билан боғлиқ.⁴ Қадимда लाख (laakh) – “юз минг” сони маъносида ведаларга доир адабиётларда “नियुत” (niyut) лексемаси қўлланилган. Демак, қадимги ҳинд-орий тилларига хос санскрит тилида लक्ष (laksha), ўрта ҳинд-орий тилларида ривож-

хинди Г.А. и Р.И.Баранниковых. Под ред. И с предисл. проф. Б.А.Ларина. М., изд-во иностранной лит-ры, 1957; धीरेंद्र वर्मा – हिन्दी भाषा का इतिहास। – दिल्ली, 1962; भोलानाथ तिवारी – हिन्दी भाषा। -इलाहाबाद, 1972; सरयुप्रसद अग्रवाल। भाषाविज्ञान और हिन्दी। – इलाहाबाद, 1997; हरदेव बहरी। भाषा का विकास। – दिल्ली, 1992.

¹ Шоматов О.Н. Жанубий Осиё тилларига кириш. I қисм, Т., ТошДШИ нашриёти, 2003, 32-бет.

² पंडित रामचंद्र। आदर्श हिन्दी शब्दकोश। -वाराणसी, 1971. -पृष्ठ 174.

³ भोलानाथ तिवारी – हिन्दी भाषा। -इलाहाबाद, 1972. -पृष्ठ 596.

⁴ धीरेंद्र वर्मा –हिन्दी भाषा का इतिहास। -दिल्ली, 1962. -पृष्ठ 271.

ланган пракрит тилида लक्ख (lakkha) ва янги ҳинд-орий тилларига хос бўлган ҳиндий тилига келиб लाख (laakh) шаклида қўлланила бошлаган.

Баъзи ҳинд тилшунос олимларининг фикрича, ушбу сўз ҳиндий тилидан форс, тожик, қадимги ўзбек тилларига ҳам "लाक्" "laak" шаклида ўзлашган ва унинг маъноси белгиланган бир сонга хос лексема сифатида эмас, балки жуда катта сон миқдори сифатида қўлланилган, ҳатто инглиз тилига ҳам бу "laac" шаклида ўзлашганлиги таъкидланган.¹

Ҳозирги адабий ҳиндий тилида кенг тарқалган करोड़ (karoR) – “ўн миллион” лексемаси ҳам худди लाख (laakh) – “юз минг” сони каби Ҳинд-Оврўпа тиллари оиласининг қадимги лексик бирликларидан бири ҳисобланмайди. Ушбу сонга хос лексема санскрит тилидаги कोटि (koTi) сўзи шаклидан келиб чиққан. Бироқ ведаларга оид адабиётларда कोटि (koTi) лексемаси учрамайди. Қадимги ҳинд-орий тиллари даврида яратилган адабиётларда करोड़ (karoR) – “ўн миллион” сони маъносида "अर्बुद" (arbud) сўзи қўлланилган.² कोटि (koTi) ҳам аслида कुट् (kuT)дан ҳосил бўлган. Қадимги буюк асарларда, айниқса, “Маҳабхарата” эпосида бу шакл кўп қўлланилган. Ўрта ҳинд-орий тилларига хос бўлган палий тилида ҳам कुट् (kuT)нинг कोटि (koTi), पकोटि (pakoTi), कोटिप्पकोटि (koTippakoTi) шакллари ўз аксини топган.³ Демак, қадимги ҳинд-орий тилларига оид санскрит тилидаги कोटि (koTi) ўрта ҳинд-орий тилларига хос бўлган палий тилида ҳам कोटि (koTi), пракрит тилида कोडि (koDi), апабхаранша тилида ҳам कोडि (koDi), янги ҳинд-орий тилларига хос бўлган ҳиндий тилида करोड़ (karoR) кўринишига эга бўлган. Дакҳиний тилида эса ушбу сон कडोर (kador) шаклида қўлланилган.

Ҳиндий тилидаги अरब (arab) – “миллиард” лексемаси санскрит тилидаги अर्बुद (arbud) шаклидан келиб чиққан. अर्बुद (arbud) сўзи ведаларга доир қадимги адабиётларда ҳам учрайди. Фарқи шундаки, ҳиндий тилидаги अरब (arab) шакли १०० करोड़ (sao karoR) – “бир миллиард” сони маъносини берса, санскрит тилида кенг қўлланилган अर्बुद (arbud) шакли эса бундан фарқли ўларок, १० करोड़ (das karoR) – “юз миллион” сони маъносини англатади.⁴

Янги ҳинд-орий тилларига хос бўлган ҳиндий тилидаги खरब (kharab) – “юз миллиард” лексемаси қадимги ҳинд-орий тилларига хос санскрит тилидаги खर्व (kharv) билан боғлиқдир. Бу шакл ведаларга оид адабиётларда учрамайди. Эътиборли жиҳати шундаки, खर्व (kharv) санскрит тилида “ўн миллиард” сони маъносини англатса-да, ҳозирги ҳиндий тилида эса “юз миллиард” маъносини ифодалайди.

Шунингдек, ҳиндий тилида юқорида кўрсатиб ўтилган йирик сонлардан ташқари, бошқа яна йирик сонларга хос бўлган лексемалар ҳам мавжудки, улар ҳозирда кам қўлланилади. Масалан: नील (niil) – “१०० खरब” (100 kharab); पद्म (padma) – “१०० नील” (100 niil); शंख (shankha) – “१०० पद्म (100 padma)”⁵ кабилар йирик сонлардир. Улар асосан миллиарддан юқори бўлган сонларни ифодалаш учун қўлланилади. Буларнинг ҳам барчаси деярли қадимги ҳинд-орий тилларига оид бўлган санскрит тили таркибида шаклланиб, янги ҳинд-орий тиллари даврида ривожланган ҳиндий тилидаги йирик сонлар қаторига киради.

Эътиборли жиҳати шундаки, гарчи ушбу лексик бирликлар нисбатан кам қўлланилса-да, улар орасида омонимия ҳодисаси ҳам мавжуд. Масалан, नील (niil) – яъни, бу юз миллиарддан юқори бўлган сонлар маъносида қўлланилиши билан биргаликда, қадимги ҳинд-орий тилларига хос санскрит тилида “қора ранг” маъносида ҳам қўлланилган ва бу сўз пракрит тилларидан ўтиб, ундан янги ҳинд-орий тилларига ўзлашганда тадбҳава шаклига ўзгарган ва “кўк ранг” маъносини англата бошлаган.

¹ भोलानाथ तिवारी – हिन्दी भाषा। –इलाहाबाद, 1972. –पृष्ठ 596.

² हरदेव बहरी। भाषा का विकास। –दिल्ली, 1992. –पृष्ठ 179.

³ भोलानाथ तिवारी – हिन्दी भाषा। –इलाहाबाद, 1972. –पृष्ठ 597.

⁴ सरयुप्रसद अग्रवाल। भाषाविज्ञान और हिन्दी। –इलाहाबाद, 1997. –पृष्ठ 239.

⁵ भोलानाथ तिवारी – हिन्दी भाषा। –इलाहाबाद, 1972. –पृष्ठ 597.

Яна бир йирик сонлар қаторида қўлланилган पद्म (padma) сўзи ҳам сон сўз туркумига оид эканлиги билан қаторда, унинг “Нилуфар гули” маъносига эга шакли борлиги кузатилди. Шунингдек, शंख (shankha) – сўзи “Муסיқа асбоби” маъносида ҳам ҳозирги адабий ҳиндий тилида қўлланилади.

Демак, янги ҳинд-орий тилларига хос ҳиндий тилидаги мингликлардан юқори бўлган лексемалар таҳлил қилиниши натижасида улар орасида бошқа сўз туркумларига доир лексик бирликлар ҳам мавжуд ва улар сонлар билан омоним хусусиятига эга эканлиги маълум бўлди. Эътиборга молик жиҳати шундаки, бу сўзлар ҳозирда сон сўз туркумига оид лексемалар сифатида эмас, балки бошқа сўз туркумлари маъносида кенг қўлланилади. Гарчи, бу шакллар қадимги ҳинд-орий тиллари даврида сонларга хос равишда қўлланилган бўлса-да, ҳозирги кунга келиб от ва сифат сўз туркумларига оид лексик маъноларни ифодалаб келмоқда. Қадимги асарларда мазкур сўзлар сон сўз туркумига доир лексик маъноларни ҳам ифодалаб келганлигини кузатишимиз мумкин.

Янги ҳинд-орий тиллари гуруҳига хос бўлган ҳиндий тилидаги баъзи сонларга оид лексемаларнинг шаклланиш босқичлари атрофлича ўрганилиши натижасида куйидаги умумий хулосаларга келинди.

Ҳинд-орий тилларига хос бўлган сонлар ўзига хос равишда шаклланган бўлиб, кейинчалик, уларнинг ривожланиш жараёнларида қадимги ҳинд-орий тилларига оид санскрит тилининг таъсири кучли бўлган. Ҳозирги адабий ҳиндий тилида мингдан юқори бўлган сонларга оид лексик бирликлар кам қўлланилса-да, лекин бу шакллар қадимги ҳинд-орий тиллари давридан то янги ҳинд-орий тиллари давригача турли хил ўзгаришлар натижасида шаклланиб борган.

Таҳлилга тортилган ҳиндча сонларга хос бўлган лексемаларнинг тарихий шаклланиши жараёнида улар таркибида, асосан, унли товушлар ўзгариб борганлиги маълум бўлди. Шаклланиши жараёнида баъзан қисқа унлилар чўзиқ (узун) унли товушларга ўзгариши ҳам кузатилди. Баъзан эса сўз таркибидаги икки ундош товушнинг бирикиши натижасида лигатура шакли юзага келганлиги, шунингдек, баъзи сонлар таркибидаги церебрал товушларнинг ўзгаришга юз тутиш каби хусусияти аниқланди.

Ҳиндий тилидаги мингликлардан юқори бўлган баъзи сонлар ҳозирги адабий ҳиндий тилида битта шаклга эга бўлган бўлса, қадимги ҳинд-орий тилларига оид санскрит тилида эса иккита шакли мавжуд бўлган. Улар асосан ўрта ҳинд-орий тилларига хос бўлган пракрит ва апабҳаранша тиллари орқали шаклланиб, янги ҳинд-орий тиллари даврига келиб, у бир лексик маънони ифодаловчи сўзларга айланган.

Ҳозирги адабий ҳиндий тилида кенг қўлланиладиган сонларга оид баъзи лексик бирликлар қадимги ҳинд-орий тилларига хос бўлган санскрит тили орқали шаклланмаганлиги ҳам аниқланди. Шунингдек, таҳлилга тортилган мисоллар орасида омонимия ҳодисаси ҳам мавжудлиги кузатилди. Улар асосан ҳозирда кам қўлланиладиган сонларга хос лексемаларга оид деб топилди ва сон сўз туркумига эмас, балки от ва сифатларга оид сўз туркумларини ташкил этиши манбалар асосида илмий жиҳатдан аниқланди.

**Salohiddinova Nigora Inomjonovna (Andijon Qishloq xo'jaligi va
agrotexnologiyalar institute O'zbek tili, pedagogika va jismoniy madaniyat kafedrasasi asisenti)
BADIY OBRAZ NAZARIY-ADABIY VA ESTETIK MUAMMO SIFATIDA**

***Annotatsiya.** Maqolada badiiy adabiyotning paydo bo'lishi va unga insonning estetik munosabat bildirishi atroflicha yoritilgan. Borliq – inson, inson – borliq munosabatida san'atkorning badiiy tafakkuri rivojlanganligi manbalar asosida tadqiq qilingan. Shoir Halima Ahmedova ijodida poetik obrazning individual xususiyatlari she'rlari misolida tahlil etilgan.*

***Аннотация.** В статье подробно освещается возникновение художественной литературы и эстетическое отношение человека к ней. На основе источников исследовано развитие художественного мышления художника в отношении существа – человека, человека – существа. В творчестве поэтессы Халимы Ахмедовой анализируются индивидуальные особенности поэтического образа на примере стихов.*

***Annotation.** In the article, the emergence of artistic literature and the aesthetic attitude of a person to it are comprehensively illuminated. The fact that the artistic thinking of the artist in the relationship of the being – man, man – being has developed has been studied on the basis of sources. Individual characteristics of the poetic image in the work of the poetess Halima Ahmedova are analyzed by the example of poems.*

***Kalit so'zlar:** borliq, tafakkur, san'at, hissiy bilish, obraz, estetik ta'sir, obrazli tafakkur.*

***Ключевые слова:** бытие, мышление, искусство, эмоциональное познание, образ, эстетическое воздействие, образное мышление.*

***Key words:** being, contemplation, art, emotional cognition, image, aesthetic effect, imaginative thinking.*

Insoniyatning borliqdan ta'sirlanib yaratgan san'at turlari ichida so'z san'ati alohida ahamiyat kasb etadi. So'z borliqni tafakkur va tasavvur yordamida voqelanishini ko'rsatib turuvchi asosiy quroldir. Uning vositasida borliqda va jamiyatda, qalbd va ruhiyatda yuzaga kelayotgan har bitta fikr, tuyg'u o'z in'ikosini topadi.

Borliq mohiyatini aks ettirishdagi qarashlarning markazida bevosita inson turar ekan, u, avvalo, tabiatga (so'z, harakat, bo'yoq yordamida) taqlid qiladi. Natijada bir-biridan farqlanuvchi san'atlar paydo bo'ladi. Mana shunday qarashlar haqidagi ilk fikrlar Arastotelning "Poetika" asarida bayon qilib o'tilgan. Hayotiy tafsilotning inson ongidagi qayta tasavvurini izohlashga kirishgan Aristotel san'atni quyidagicha ta'riflaydi: "Ba'zi kishilar mahorat, ba'zilar malaka sababli, yana ba'zilar tug'ma iste'dodlari tufayli bo'yoqlar va shakllar yordamida ko'p narsalarning tasvirini – o'xshashini yaratadilar.¹ Uning qarashlarida mahoratli, malakali, tug'ma iste'dod egalarigina olamni qayta tasvirlay oladi. Aristotel san'atlar ichida poeziyaning tabiiy paydo bo'lishi haqida mulohaza yuritir ekan, "Inson boshqa jonli mavjudodlardan o'xshatish qobiliyatiga ega ekanligi bilan ham farqlanadi, hatto dastlabki bilimlarni u o'xshatishdan oladi va bu jarayon samaralari barchaga huzur bag'ishlashi..." haqida yozadi.² Aristotel olamni bilishda inson sezgisining roli haqida mulohaza yuritadi. Uning fikricha his qiladigan va sezgi uyg'otadigan predmetlarning barchasi tashqi olamda yashaydi. Shuning uchun inson bilish va zavq olish uchun tabiatga taqlid qiladi.

Jahon adabiyotining estetik tafakkur taraqqiyotiga nazar soladigan bo'lsak, Aristoteldan keyin borliq va uni bilish falsafasi mohiyatan ancha teranlashdi. Lekin qarashlar negizida bir-biridan farqlanib turuvchi va ba'zida o'xshash fikrlar ham shakllandi. Ular olamni idrok qilishda aqliy tafakkur va hissiy bilish masalasi haqida atroflicha mulohazalar bildirsada, mohiyatan bir mazmunning turli shakllarini ta'rifladilar. Natijada obraz tushunchasi adabiyotda rang-barang qiyofa kasb etdi.

Obraz tushunchasi keng ma'noda san'at va adabiyotning umumiy xususiyatlarini anglatadi. Adabiy tasvir – boshqa san'at tasvirlaridan farqli o'laroq, so'z vositasida berilgan tasvirdir. Umuman olganda, obraz san'atgagina xos bo'lib, borliqni aks ettirish tushunchasida namoyon bo'ladi. Badiiy ijodning mohiyatini o'zida aks ettiradi.

Obraz ko'p qirrali hodisa. Uning zamiriga borliqning aniq tasavvuri umumlashadi. Shuningdek, ob-

¹ Aristotel. Poetika. G'afur G'ulom nomidagi Adabiyot va san'at nashriyoti, T., 1980, 7 – 8-betlar.

² Shu manba.11-bet.

raz estetik ma'noga ega bo'lib, ijod orqali yaratiladigan inson hayotining aniq va umumiy tasvirini ham beradi. Bu haqda Timofoyev quyidagilarni yozadi: "Obrazning estetik mohiyati shundaki, unda inson ide- alining aniq ko'rinishi ifodalanadi".¹

Darhaqiqat, badiiy ijodda san'atkor voqelikdan ta'sirlanib asar yaratadi. Ana shu ta'sirlanish va il- homlanish natijasida ijodkor o'z asarlarida yangidan yangi poetik obrazlarni kashf etadi. So'ng unga o'z orzu-maqсадlarini, turfa o'y-xayollarini singdiradi. Obraz esa tanlangan mavzu doirasida shakllanadi.

Xalizev san'atning ilk shakllanishi haqida: "San'at, dastlab, estetik hodisa sifatida tushunilgan, uning sohalari esa inson ijodi orqali asarlarida qayta yaratilgan",² deb yozadi.

Umuman olganda, badiiy adabiyot obrazlar orqali hayotdagi ham oddiy, ham ibratli faktlarni, xoh tabiiy, xoh favqulodda hodisalarni tarqoqlik yoki mavhumlik holatidan o'zaro mutanosib, uyg'un holatga keltiradi, ma'lum tartib-me'yorga soladi. Bu ishlar, o'z navbatida, ijodkor tomonidan amalga oshiriladi.

Badiiy asar orqali, poetik obrazlar orqali ijodkor nimani ifodalaydi, borliqni qay yo'sinda tasvirlay- di – bu ikki jihat o'z ahamiyati bilan bir-biridan muhim, bir-biridan mas'uliyatli. Chunki adabiyotda ba- diiy obraz orqali inson xarakteri, tashqi qiyofasi, ichki dunyosi namoyon bo'ladi. Binobarin, "obrazning g'oyaviy-ma'naviy qimmatini ham uning badiiy-estetik darajasi bilan, niyatning san'at nuqtayi nazaridan, qay tarzda ijro etilgani bilan belgilanadi".³

Individual-hissiy kechinmaning ifodasi bo'lmish she'riyat o'zida qator obrazlarni jamlaydi. Badiiy obraz esa har doim ijodda yangi voqea-hodisani ifodalaydi va ijod jarayonining takrorlanmas hodisasi si- fatida namoyon bo'laveradi.

"Badiiy asar hammavaqt ijodkorning obyektiv voqelikka bo'lgan subyektiv-estetik munosabatidan tug'iladi. Unda ana shu munosabat oqibati o'laroq, muhim deb xayol qilingan hayot ko'rinishlari o'z ifo- dasini topadi."⁴

Ana shu ifodada esa shoirona xayol mahsuli – poetik obraz yaratiladi. Shoir o'z asariga ichki tug'- yonlarinida qo'shib yuboradi va uning emotsionalligini oshiradi. Bir asarda keltirilgan obraz, ikkinchi asarda yangi mazmun, yangi tashbeh bilan ifoda etilar ekan, bu yozuvchi uslubining individualligini bel- gilash bilan bir qatorda obrazning chegarasiz hodisa ekanligini ko'rsatadi ham.

Poetik obraz tabiati haqida Yan Parandovskiyning quyidagi fikrlari aniq va asoslidir: "Obraz poezi- yaning hech narsa – na vaqt, na poetik moda xavf sololmaydigan birdan-bir asosli elementidir. Oqimlar va yo'nalishlar, mavzular va syujetlar, motivlar va kayfiyatlar o'zgaradi, so'z tanlash, she'r yozish bilan shartlar, usullar o'zgaradi, biroq obraz – xoh tashbihlarsiz formada, xoh metaforalarda, xoh muqoyasalar- da bo'lsada, doimo saqlanib qoladi. Obraz – poeziyaning qoni".⁵

Ko'rinadiki, obraz o'zining mukammaligi va chegarasizligi bilan she'riyatning qon tomiriga ayla- nadi. Bu esa badiiy asar umrining yanada bardavom bo'lishida asosiy omillardan biri bo'lib xizmat qili- shiga sabab bo'ladi. Chunki obraz har doim go'zallikni, kenglikni, insonni va uning ichki dunyosini o'zi- da mujassam etadi.

Bugungi davr o'zbek she'riyati o'zining yangicha ruhga yo'g'rilganligi, ifodada shaklning xilma- xillashuvi, mazmunning inson ichki olamiga qaratilganligi va his-tuyg'uning yanada noziklashib borayot- ganligi bilan keng ahamiyat kasb etadi. Bunday hol ayol ijodkorlar she'riyatida yanada aniq ifoda etiladi- ki, tasvirdagi kayfiyatning tez o'zgaruvchanligi bevosita uning ruhiy-psixologik holatiga hamohang tarz- da namoyon bo'ladi.

She'rlarining o'ziga xosligi, inja tuyg'ularga boyligi, hayot mohiyatini teran anglashga intilgan va uni ijodida badiiy ifodalay olgan shoirlardan biri bu Halima Ahmedovadir. Bu shoira haqida adabiyot- shunos A.Ulug'ov shunday deydi: "Halima Ahmedovanning she'rlarida daf'atan sezilmaydigan, ko'ngil tu- bida ko'milib yotgan hissiyot, kechinmalar ifodalanadi, chuqur g'amg'inlik hissi, nola, iztiroblar aniq aks etadi. Ularni shoira hayotsevar qalbi qandilidan taraladigan nur yoritib turadi. Ayni jihat Halima ijo- dining o'ziga xos xususiyati sanaladi".⁶

Shoiraning ifoda uslubi, ijodining mohiyati balandparvoz, otashin fikrlarga yo'g'rilmaganligi bilan ajralib turadi. She'rlarini o'qir ekanmiz, shunchaki o'zligini izlab yurgan, dunyo mohiyatini anglamoqqa

¹ Тимофеев Л.И. Теория литературы. Москва, 1948, с. 46.

² Хализев В.Е.. Теория литературы. Москва, «Высшая школа», 2004, с. 16.

³ Акромов В. She'riyat gavhari. T., Adabiyot va san'at nashriyoti, 1979, 7-bet.

⁴ Adabiyot nazariyasi. Ikki tomlik. I tom, T., 1978, 102-bet.

⁵ Ян Парандовский. Алхимия слова. М., «Прогресс», 1972, с. 208.

⁶ Ulug'ov A. Qalb qandili. Toshkent, "Akademnashr", 2013, 179-bet.

uringan, kelish-u ketishning orasidagi mantiqqa o'zicha yechim topmoqqa tutingan "men"ni ko'ramiz. Shundanmi, uning she'rlari ramzlarga, timsollarga boy.

Halima Ahmedova ijodida aks etgan tuyg'ular reallikdan olingan mavhum xayolotga o'xshaydi. Chunki unda shunday obrazlar borki, ular aniq ko'rsatiladi. Ifoda esa mavhumlikka yetaklaydi. Bunday obrazli tafakkur doirasida hayot mantig'i yanada murakkablashadi. O'quvchi undagi ayrim obrazlarni tasavvur qila oladi, xolos. Lekin tafakkur ufqi bilan anglangan she'riyat, keyinchalik, kitobxon uchun yangi topilmaga aylanadi.

*Ko'niqmoq ildizi uzun fojia,
Hattoki umrimdan qoladi ortib.
Jon qadar tirmashdim, tirnoqlarim qon,
Seni ololmadim o'zingdan tortib.¹*

Shoiraning she'rlari go'zal tashbehlar-u, hayratli mulohazalarga boy. O'zidan o'zligini izlab yurgan lirik qahramon sof tuyg'ularini o'quvchidan yashirmaydi. She'rlarida qo'llagan poetik obrazlarni falsafiy ma'noga uyg'unlashtira olishi ham uning yuksak mahoratidan darak beradi. Yuqoridagi she'r mazmunidan bevafo yorning dastidan g'amga botgan obrazni ko'ramiz. She'rdagi tasvir xayolot mahsulidir. Shoir esa xayollari qatiga hislarini singdiradi va tasvirni o'z ruhiyatiga ko'chiradi. Shundagina uning niyati oydinlashadi. She'rdagi poetik ko'chimlar – *ko'nikish ildizining uzunligi* va *ramz – qon* kabilar uning badiiyligini yanada oshirgan va ijodkor xayolotining mavhum ko'rinishini ifoda etgan.

Dunyoni qalb ko'zi bilan anglamoqqa uringan ijodkor "el qatori" ijod qilmaydi. Buni she'rlari misolida ko'rishimiz mumkin:

*Koshkiydi, ko'zimdan tomgan yosh,
Eritsa umrimning muzini.
Men qanday unutib yashayman,
Sog'inchning umidvor ko'zini.²*

Lirik qahramon o'z ruhiy holatini ifodalagani holda, olam va odam munosabatlariga urg'u beradi. She'rda sof tuyg'ularning, inson qalbi manzarasining nomsiz hislari aks ettirilishi ham bugungi davr odamining iztiroblarini ko'rsata olgan. Qofiyalanishi a-b-s-b tarzida takrorlangan satrlarda a va s bandlar real voqelikka hamohang. Lekin 2- va 3- satrlar mazmuni real voqelikdan yiroq. Ya'ni, bu satrlarda shoiraning so'zga poetik mazmun berayotgani ko'rinadi. O'z-o'zidan yuqoridagi she'rda "umr muzining erishi" va "sog'inchning umidvor ko'zi" poetik lavha darajasiga ko'tarilgan. She'riyatda voqea, hodisa, predmetni nimagadir o'xshatish, muqoyasa qilish, ularning o'xshash tomonlarini umumlashtirish yoki aksincha tasavvurda birlashtirish orqali poetik obraz yaratish an'anasi har bir ijodkor she'riyatida alohida hodisadir. Halima Ahmedovaning deyarli barcha she'rlarida falsafiy mushohadaning yorqin namunasi sezilib turadi. Vatan, muhabbat, umr haqidagi she'rlarida ham mulohazaning aniqligi, ilohiy tuyg'ularning yangilangan qiyofasi bo'rtib turadi. U davr muammosini yangicha talqin etishda ruh va tuyg'uning izmiga bo'ysunadi. Buni she'rlarida lirik kechinma qatiga singdirishga harakat qiladi.

Bugungi kunda psixologik kechinma, ruhiy-emotsional holatlar she'riyati-mizning asosiy mezoniga aylanib borayotganligi Halima Ahmedova she'riyatida yaqqol ko'rinadi. O'z navbatida o'zligini, mohiyatni anglab borayotgan ijodkor ruhiy holatini, tuyg'ularini, kechinmalarini poetik obrazlar vositasida yanada ishonarli va badiiy chiqishiga intiladi. Gohida mulohazali, gohida tajang, gohida sokin kayfiyat bilan obraz ichiga o'z qarashlarini yuklaydi. Natijada bugungi "ko'ngil she'riyati" badiiy adabiyotda yana bir bor o'z tasdig'ini topadi.

**Тошнӣёзова Дилфуза Полвоновна (СамДУ мустақил тадқиқотчиси)
ИБНИ ДАВЛАТ ШЕЪРИЯТИДА БАДИИЙ САНЪАТЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИШИ**

Аннотация. Ушбу мақолада XX асрда ҳам мумтоз адабий анъаналарни муносиб равишда давом эттирган, неча юз йиллар давомида шаклланиб улгурган мумтоз ва эътиқодий қарашларни ўз қобигида бера олган ижодкор Ибни Давлатнинг ўз шеъриятида бадий санъатларни қўллаш маҳорати ва улардан унумли фойдалана олиши орқали шоир бадийятининг жозибаси кўрсатиб ўтилган.

Аннотация. В статье говорится о стихотворном искусстве одного из самых известных

¹ Ahmedova H. Erk darichasi. G'afur G'ulom nomidagi Adabiyot va san'at nashriyoti, T., 1996, 40-bet.

² Ahmedova H. Tashbeh. T., "Akademnashr", 2017, 55-bet.

представителей классической литературы Ибни Давлате и его творчестве, о его умении использовать рифму, а также о том, какое внимание уделял поэт традициям классической литературы

Annotation. The article takes emphasis on the works by Ibni Davlat who made contributions to the progress of classical literature Traditions of 20th century with his ability to use poetic devices effectively to convey the classical and spiritual views that had been formed for centuries.

Калим сўзлар: бадий санъатлар, адабий мерос, газал, илоҳий севги, иқтибос, талмех, жамъ, таъдил, ташбеҳ ва ирсолу масал, мумтоз адабиёт.

Ключевые слова: искусство, литературное наследие, газель, литературная среда, божественная любовь, талмех, жамъ, таъдил, аллегория в баснях, классическая литература.

Key words: literary devices, cultural heritage, divine love, gazelle, quote, talmeh, ta'dil, tashbih, classical literature.

Адабий асарларда шеърий санъатлардан фойдаланиш маҳорати барча даврларда ҳам бадий санъаткорликнинг асосий қирраларидан бири сифатида баҳоланган. Ибни Давлат девонидаги шеърларнинг бадий оламига теранроқ назар ташлаш учун муаллифнинг бадий санъатлардан қай даражада фойдаланганлиги масаласига ҳам диққат этиш керак.

Ибни Давлат ўз шеърларида Шарқ мумтоз поэтикасига хос бўлган бадий санъат турларининг бир нечтасини моҳирлик билан ишлатганининг гувоҳ бўлишимиз мумкин. Жумладан, иқтибос, талмех, жамъ, таъдил, ташбеҳ ва ирсолу масал шеърий санъатларини кўрамыз.

“Иқтибос – муштарак санъатлар жумласидан бўлиб, наср ёки назмда баённинг ёрқин ва гўзал ифодаси учун оят ва ҳадислар келтириш усули. Айрим олимлар (масалан, Атоуллоҳ Ҳусайний) фикрича, иқтибос сифатида олинган оят ва ҳадислар тўғридан-тўғри, яъни уларнинг оят ва ҳадис эканлигига ишора қилинмаган ҳолда келтирилиши лозим... Иқтибос икки хил кўринишда бўлиши мумкин: 1) оят ёки ҳадис айнан келтирилган иқтибос “дарж” дейилади...; 2) агар оят ва ҳадиснинг таржимаси ёки мазмуни келтирилса, бундай иқтибосни Доий Жавод “ҳалл” деб атайди”.¹

Бу ҳар икки усулни ҳам Ибни Давлат асарларида маҳорат билан қўлланилганини кўришимиз мумкин. Айрим мисолларга тўхталсак. “Айла” радибли ғазалида шундай байт берилган:

Деди “ваъдун” Каломиди Худованди жаҳондоринг.

Намоз ўқуб, тутуб рўза, ибодат борҳо айла –

وَعَدٌ (ваъда, ваъдун) – “ваъда бериш” мазмунида бўлиб, Қуръони каримдаги ўндан ортиқ сурада келади. Жумладан, “Нисо”, “Юнус”, “Худ”, “Рад”, “Иброҳим”, “Исро”, “Қаҳф”, “Марям”, “Анбиё”, “Намл”, “Қасос”, “Рум”, “Лукмон”, “Сабо”, “Фотир”, “Ёсин”, “Зумар”, “Ғофир”, “Жосия”, “Аҳқоф” ва “Мулк” сураларида бу сўз учрайди. Ибни Давлат Қуръони каримни яхши билгувчи ижодкор сифатида бу сўзнинг мазмунига мувофиқ байтда келтиради. Яъни, Аллоҳ буюрган намозни ўқиса, рўзани тутса ва ибодатларни давомли адо этиб борса, Аллоҳ ваъдасига кўра, мукофотини олиши таъкидланмоқда.

Ёки, “Йиғла” ва “Етқургил” радибли ғазалларида Қуръони карим “Аъроф” сураси 23-оятдаги “Раббано, залламно” (қуйида остига чизилган сўзлар) ибораларини келтиради. Унинг тўлик матни қуйидагича:

قَالَ رَبَّنَا ظَلَمْنَا أَنفُسَنَا وَإِن لَّمْ تَغْفِرْ لَنَا وَتَرْحَمْنَا لَنَكُونَنَّ مِنَ
قَالَ اهْبِطُوا بَعْضُكُمْ لِبَعْضٍ عَدُوٌّ وَلَكُمْ ف

“Иккиси айтдилар: «Эй, Раббимиз! Биз ўзимизга (ўзимиз) зулм қилдик. Агар бизни кечирмасанг ва бизга раҳм қилмасанг, биз, албатта, зиён кўрувчилардан бўлиб қолурмиз».”²

Жаҳонда қолу ҳоллик одамийнинг хизматин айла,

Дедилар “Урват-ул-вусқо”, бу йўл роҳи Пайгамбар топ.

байтида эса Қуръони карим “Бақара” сураси 256-оятда ва “Лукмон” сураси 22-оятда келувчи ۞ غُرُوةَ الْوَنُقَى (урват-ул-вусқо) бирикмасини келтирмоқда. У эса “ишончли ҳалқа” мазмунини беради. Аллоҳнинг ишончли ҳалқасига кириш демакдир.

Юқорида келтирилган иқтибослар “дарж” усулида бўлган бўлса, қуйидаги ғазалида тўлик равишда “ҳалл” усулидан ҳам фойдаланганига шохид бўла оламиз. Унда муаллиф Қуръони каримдаги “Ихлос” сурасининг мазмун моҳиятини тўла равишда ғазал матнига сингдиришга ҳаракат

¹ Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2014, 57-бет.

² Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. Таржима ва тафсир муаллифи Шайх Абдулазиз Мансур. Тошкент, ТИУ, 2007.

қилганини кўришимиз мумкин. Аввало, сурани тўлиқ келтирамиз:

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ
قُلْ هُوَ اللَّهُ أَحَدٌ {1} اللَّهُ الصَّمَدُ {2} لَمْ يَلِدْ
وَلَمْ يُولَدْ {3} وَلَمْ يَكُنْ لَهُ كُفُوًا أَحَدٌ {4}

Энди Шайх Абдулазиз Мансурнинг таржима ва тафсилларига мурожаат қиламиз:

“Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан (бошлайман).

(Эй, Муҳаммад!) Айттинг: «У Аллоҳ ягонадир.

Аллоҳ Самад (эҳтиёжсиз, ҳожатбарор)дир.

У туғмаган ва туғилмаган ҳам.

Шунингдек, Унинг ҳеч бир тенги йўқдир».¹

Ибни Давлат бу сермаъно ва муқаддас суранинг бир қанча маъно қирраларини ўз ғазалида акс эттиришга уринган:

*Ғамни чоҳидин чиқор, васфинг ҳуваллоҳу Аҳад,
Бандайи муҳтождурман, Сан-сан Аллоҳус самад.*

*Ё Илоҳал-оламин, Сан-санки хайрул-ҳофизин,
Осию жофий қулунгни дарғаҳингдин қилма рад.*

*Бул жаҳону ул жаҳон Сандин тиларман обрў,
Чунки ҳомий бўлмасанг, бандангни ҳолидур ашад.*

*Ё Муҳаммад Мустафо, ё, Чори ёри босафо,
Мужтаҳиду авлиё айланг бул осийга мадад.*

*Этти султон, ўн бир Аҳмад, Сизлардин айларман умид,
Бир назар айланг фақирга, гарчи кори бўлди бад*

*Ибни Давлат ожизии бечора мискиндур фақир,
Оқибат корим на бўлғай титраюр жону жасад.*

Шоир ушбу келтирилган байтлардагина бошқа шеърларида ҳам “Ихлос” сурасининг фази-латларига ишора қилган. Мисол учун, “ўқуғил сураи Ихлос” радифли махсус ғазал ҳам ёзган. Унинг матлаъси шундай:

*Шароби шиқ ичай десанг, ўқуғил сураи Ихлос,
Сирот осон кечай десанг, ўқуғил сураи Ихлос...*

Ёки, яна бошқа шеърларида ҳам Куръони каримдаги бир неча сураларнинг номларини келтиради. Мисол учун:

*Муҳаммад Мустафо дунё демай очлик билан ўтти,
Лақаб қилди Худованди Таоло Ёсину Тоҳо...*

Ибни Давлат шеърларида маҳорат қўлланилган бадиий санъатлардан яна бири талмехдир. Эътиборли манбаларга кўра, “**талмех** (арабча: чакмоқ чақиши; бир назар ташламоқ) – мумтоз шеърятда кенг қўлланилган маъновий санъатларнинг энг характерлиларидан бири бўлиб, ўзбек шоирлари ижодида ҳам учраб туради. Талмех мумтоз ва ҳозирги замон шеърлятидаги фаол сатрлардан бўлиб, унинг қай йўсинда ишлатилиши ижодкорнинг эстетик тамойиллари ва поэтик маҳорати билан чамбарчарс боғланган. Талмех учун танлаб олинган объектнинг талқини ҳам ҳар бир шоирнинг дунёқараши ва асосий мақсади билан узвий алоқадордир”.²

Айнан ушбу жиҳатларни Ибни Давлат шеърларида ҳам кўришимиз мумкин бўлади. Маса-лан,

*Эшитинг Робиъани, ул нечук тоат этар эрди,
Санам топшур ўзунгни бул замон аҳли саодатга –*

байтида IX асрда яшаган машҳур сўфий аёл Робиатур Адавия номини келтириб, унинг ибодатда кўпчиликка намуна бўлганига ишора қилмоқда. Ёки, қуйидаги байтда Мавлоно Жалолиддин Румий ва Шамс Табризий тарихига ишора қилинмоқда:

¹ Шу манба.

² Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2014, 198-бет.

*Байъат этмай шайхларга бўлмади ҳеч ким валий,
Бўлдилар Мавлоий Рум Шайхи Табриздин ҳабиб.*

Кейинги байтларда эса ҳазрати Умар (р.а.) билан боғлиқ бир тарихий воқеага ишора қилинмоқда:

*Ҳазрати Уммар эдилар байни асҳоб дурри ноб,
Одилул-асҳоб эди, ўглини қилди эҳтисоб.
Хуни бирён йиғлар эрди ул Абу Шаҳма учун,
Ёқасини чок айлаб йиғлар эрдилар шайху шоб.
Ул Абу Шаҳма ризо бўлдики, Исмоил каби,
Ўзгаларни кўзини ёши эди мисли саҳоб.*

Ибни Давлат девонидаги шеърларда яна **китобот** санъати ҳам қўлланилган. “Ушбу санъат араб алифбоси ҳарфлари шаклидан лирик ва эпик тимсоллар чизишда фойдаланишни назарда тутади”.¹ Мазкур жиҳатни қуйидаги байтларда ҳам кўриш мумкин:

*Жаҳонни якка, танҳо “коф”у “нун”дин айладинг барно,
Бу мулкни айла обод шахру саҳроларни бўстон эт...*

*Эй Худоё эй Худой, эй Худо,
“Коф”у “нун”дин айладинг арзу само.*

Яъни, бутун дунё (арзу само) биргина *коф* ва *нун* ҳарфларидан пайдо бўлган. Ушбу *мулкни* доимо обод қилиб, саҳроларни бўстон этувчи этувчи ҳам Яратгувчи Аллоҳнинг ўзидир. Бу ўринда араб тилидаги ك (бўл) сўзига ишора қилинмоқдаки, бу сўз юқорида таъкидланган икки ҳарфдагина ташкил топгандир.

Ибни Давлат ғазал ва бошқа шеърлари учрайдиган яна бир бадий санъат бу **жамъ санъати**-дир. Маълумки, ушбу санъат бир неча нарсани бир хил сифат ёки хусусият билан жамлашдир. Қизиғи шундаки, жамъ санъати келган бир байтда яна таъдил санъати қўлланилган. Бу санъат ҳам мазмунан жамъ санъатига яқинроқдир. Қуйидаги байтга эътибор қилсак:

*Олими ҳаққониларнинг қавлини қилмас писанд,
Лаъву лаҳву лаъбу фаҳшни ушбу мардум этти ёд.*

*Водариго, бости зулмат бул жаҳонни сар-басар,
Фиску исён, зулми мардум бўлди кун-кундин зиёд.*

Остига чизилган сўзлар дастлабки ўринда ёмон феълларни кўрсатса, кейинги ўринда инсоният учун бадбахтлик келтирувчи жиҳатлар саналган. Демак, муаллиф ўз гоъвий фикрини ифода-лаш мақсадида бадий жиҳатдан мукаммаликни ҳам бир орага келтира олган.

*Ҳақиру зору ожизга жаҳонда бўриё басдур,
Гадонинг кўҳна шоли беҳтар аз тахти Скандар.*

Ушбу мисраларда эса тарихий ва афсонавий ҳукмдор Искандар Зулқарнайн номи келтирилган ҳолда, унинг тахти бир гадонинг хотиржамликдаги “кўҳна шоли” афзал эканлиги таъкидланмоқда. Бу ўринда энди талмеҳ билан бирга **ташбеҳ санъати** ҳам қўлланилган.

Ўз-ўзидан маълум бўладики, ташбеҳ санъатининг гўзал унсурларидан Ибни Давлат ҳам девонида моҳирона фойдаланади. Унда Қуръони каримда номи келтирилган пайғамбарлар, авлиё ва машхур шахсларнинг номларини келтириш орқали ташбеҳ санъатини маҳорат билан ишлатган.

Ибни Давлат ўз шеърларида кўплаб тарихий ва диний номлар айнан ташбеҳ (баъзи ўринларда талмеҳ) санъати орқали келтиради. Уларнинг аксарияти тарихда яшаб ўтган пайғамбарлар, авлиёлар, ҳукмдорлар ва шоирлардир. Мисол учун, пайғамбарлардан – Одам (а.), Нух (а.), Иброҳим (а.), Яхё (а.), Юсуф (а.), Сулаймон (а.), Ҳазир (а.), Илёс (а.), Юнус (а.), Мусо (а.), Исо (а.) ва ҳазрати Муҳаммад Мустафо (с.а.в);

• тарихий шахслардан – Фиръавн, Намрўд, Ҳомон, Қорун, Барсисо, Мажнун, Искандар, Иброҳим Адҳам, Абу Жаҳл, Абу Лаҳаб, Або Муслим кабиларни келтиради;

• улуғ саҳоба, олим ва авлиёлардан – Абу Бакр, Умар, Усмон, Али, Ҳасан, Хусайн, Жаъфари Содиқ, Шох Қусам ибн Аббос, Шайх Боязид Бистомий, Ғавсул-Аъзам Абдулқодир Гийлоний, Суфёни Саривий, Робиятур Адавия, Имоми Аъзам Нўмон Ибн Собид, Имоми Молик, Имоми Шофе, Имоми Ҳанбали, Мавлоно Жалолиддин Румий, Шайх Табризий, Баҳовуддин Нақшбанд, Мир

¹ Ҳожиаҳмедов А. Мумтоз бадиият малоҳати. Тошкент, “Шарқ”, 1999, 103-бет.

Кулол, Яқуб Чархий, Хожа Убайдуллоҳ Ахрор, Машраб, Қорийи Фарғона Махзун, Орзукул, Абдурахим, Метаний Эшон, Қутбиддинхон, Ургутий Эшон кабиларни келтириб ўтади.

Масалан, машхур нақшбандия тариқатининг шайхлари Баҳоуддин Нақшбанд, Амир Кулол, Яқуб Чархий ва Хожа Ахрор номлари келган байт:

Баҳоул-ҳакки вад-дин Мир Кулолнинг хизматин қилди,

Қилибдур хизмати Яъқуби Чархий, Хўжайи Ахрор.

Ёки, тўрт ислом шариатидаги тўрт буюк мазҳаб имомларининг номларининг келиши:

Ҳазрати Нўмону Молик, Шофеъу Ханбалӣ,

Етти султон, ўн бир Аҳмад дардима айланг даво.

Айтайлик, кўплаб мумтоз шоирлар қатори Ибни Давлат ҳам Мусо, Исо, Яъқуб, Юсуф ва бошқа пайгамбарлар тимсолларини шеърӣ мисраларда сабот ва эзгулик тимсоли кўринишида бўлса, Фиръавн, Шаддод, Намруд ва Ҳомон (Аллоҳга исён қилиб, худолик даъво қилганлар) ёхуд Қорун (хасислиги туфайли ер ютган) номларини ёмонлигу қабоҳат туфайли дўзах аҳлидан бўлганлар намунаси ўлароқ келтиради.

Закотини адо қилмай не бўлди Қорун ҳорис,

Бу ернинг таҳтига моли билан Қорун кетар ҳоло...

Бу дунё деб не бўлдилар ўшал Фиръавн билан Шаддод,

Яна Намруд Ҳомон масканидур оташи дарё...

Ёки, унинг шеърларида муқаддас илоҳий китобларнинг номини ҳам келганини кўришимиз мумкин. Айтайлик, ушбу байтда:

Ҳар дуо қилсам ижобат айла, Қуръон ҳаққи

Ҳам яна бо ҳурмати Тавроту Инжилу Забур.

Шоир шеърларида яна ирсолу масал санъатини кўраимиз. Бу санъат асарга мақол кириши бўлиб, унга кўра ифода этилаётган фикрни исботлаш учун халқ мақолларини келтирилади. Куйидаги байтда шоир айнан шундай машхур халқ мақолларидан бирини байтнинг иккинчи мисрасида тўлақонли бадий ифода қилган:

Агар марди дурустсан, ҳужрайи дил посбони бўл,

Ямоннинг яхшиси бўлгунча, яхшининг ямони бўл.

Хулоса қилганда, Ибни Давлат девонидаги шеърлар орқали унинг мумтоз анъаналардан бири мумтоз салафлар ижодида ҳамоҳанглик ва умумий ғоялар муштарақлигини акс эттирганини кўриш мумкин. Шунингдек, бир мавзуда ва ғояда ўзига хос асарлар яратган шоир сифатида кўринади. Бадииятнинг ёрқин намунаси бўлган шеърӣ санъатларнинг ифодаси ҳам Ибни Давлат девонидаги бир қанча шеърларда кўринган ва уни маҳоратли шоир сифатида кўрсатган.

Назарова Гулбахор Пирмановна (Бухоро Давлат университети

Инглиз адабиёти кафедраси катта ўқитувчиси, gulbakhorn@mail.ru)

БРИТАНИЯ ФОЛЬКЛОРИДА ЭЛЬФ ОБРАЗИНИНГ ГЕНЕЗИСИ ВА БАДИЙ ТАЛҚИНИ ХУСУСИДА

Аннотация. Ушбу мақолада Британия фольклоридаги мифологик образлар ва уларнинг хусусиятлари ҳақида маълумот берилиб, асосан, эльф мифоними хусусида мулоҳазалар юритилади. Хусусан, инглиз афсона, эртак ва балладаларидаги эльф (elf, elves)ларнинг табиати, турли хил кўриниши ва вазифаларда тасвирланиши, генезиси ҳақидаги маълумотлар таҳлил қилинган. Бундан ташқари, эльфларнинг турлари, адабиётдаги бадий-тадрижий тақомили тўғрисида ҳам мулоҳазалар юритилган. Эльф сўзи герман тилларида пайдо бўлганлиги, “оқ мавжудот” тушунчаси билан боғлиқлиги билдирилган. Аммо турли халқлар фольклорида эльфлар ҳар хил номлар билан аталиши, уларнинг дварфлар (dwarfs), гномлар (gnomes) ва троллар (trolls) каби турлари мавжудлиги, вақт ўтган сари турли ижтимоий ўзгаришлар сабабли эльфларнинг талқинида ҳам ўзгаришлар юз берганлиги, бу ўзгаришлар кўпроқ эльфлар таиқи қиёфаси тасвирида ва поэтик вазифалари талқинида кузатилиши, ўрта асрлар фольклори намуналаридаги эльф образи ўн еттинчи, ўн саккизинчи ва ўн тўққизинчи асрлардаги адабиёт намуналаридаги эльфлардан анча фарқ қилиши таъкидланган. Инглиз фольклорида эльфлар хонаки ва таиқи, яъни табиат кўйида ва қишлоққа хос бўлган эльфлар кўринишида икки гуруҳга ажратилади. Хонаки эльфлар, асосан, уй-рўзгор руҳи бўлиб, инсонлар билан бирга уйларда ёки уларнинг экин далаларида якка ҳолда яшайди. Британия фольклорида эльфлар ҳамини порлаб, нурланиб турадиган, инсонлардан ҳам жозибали,

ёрқин кўринишга эгаллиги, ҳақиқатпарварлиги, доимо яхшилик тарафдори эканлиги билан бошқа мифик образлардан ажралиб туради. Одамлар эльфларга кўрқув ҳам қизиқиш билан қарашган, чунки улар ўзининг киришимлиги ва самимийлиги баробарида асабий феъл-атвори билан ҳам ажралиб турган. Эльфларнинг бу каби турли жиҳатлари тадқиқот доирасида ўрганилиб, натижалар мақолада қайд этилган.

Аннотация. В статье дается обзор мифологических образов и их особенностей в британском фольклоре, основное внимание уделяется эльфийской мифологии. В частности, мифы об эльфах (elves, elves) в английских мифах, балладах и сказках представлены в разных формах и целях, а также приведены данные об истории этого образа. Есть также ссылки на типы эльфов и их вариации в литературе разных возрастов. Слово “Эльф” происходит из немецкого языка и связано с понятием белого существа. Но в фольклорной литературе разных народов эльфов называют по-разному. Есть также виды эльфов, такие, как гномы, дварфы и тролли. Со временем мифологический образ эльфа изменился из-за социальных изменений. Поэтому, образ эльфа в средневековой фольклорной литературе сильно отличался от эльфов XVII, XVIII и XIX веков. В английской фольклорной литературе эльфы делятся на две группы: внутренние и внешние, то есть эльфы, которые уникальны по своей природе и сельской местности. Домашние эльфы – это в основном одомашненные духи, они жили одни в своих домах, на полях. Образы британского фольклора отличаются от образов других фольклоров тем, что его эльфы сияют, ярче, чем привлекательная человеческая внешность, правдивостью и постоянным стремлением к добру. К эльфам в обществе также относятся со страхом и любопытством из-за их изобретательности и искренности, а также из-за их нервного характера. В рамках исследования были изучены различные мнения об эльфах, результаты представлены в статье.

Annotation. This article provides an overview of mythological images and their characteristics in British folklore, and focuses on elven mythology. In particular, stories about elves in English myths, ballads and tales are presented in different forms and purposes, as well as data on the history of this image. There are also references to the types of elves and their variations in literature of different ages. The word “elf” comes from German language and is associated with the concept of a white creature. But in the folklore literature of different peoples, elves are called differently. There are also elf species such as gnomes, dwarves, and trolls. Periodically, the mythological image of the elf has changed due to social changes. Therefore, the image of the elf in medieval folklore literature was very different from the elves of the XVII, XVIII and XIX centuries. In English folklore literature, elves are divided into two groups: internal and external, that is, elves are unique in nature and countryside. Domestic elves are basically domesticated spirits, and they lived alone in their homes, in their fields, with rebellion. British folklore differs from other images in folklore in that its elves shine brighter than the attractive human appearance, its truthfulness and the constant pursuit of good. Elves in society are also treated with fear and curiosity because of their ingenuity and sincerity, and also because of their nervous character. As part of the study, various aspects of elves were studied, and the results are presented in the article.

Калим сўзлар: британия фольклори, эльф, эллил, эллион, тролл, дварф, гном, валькир, баллада, эльфгейм.

Ключевые слова: британский фольклор, эльф, эллил, эллион, тролль, карлик, гном, валькир, баллада, эльфхайм.

Key words: British folklore, elf, ellil, ellion, troll, dwarf, gnome, valkyr, ballad, Elfheim.

Кириш. Британия фольклори хилма-хил образларга бой бўлиб, бу образлар ўзига хос хусусиятлари билан нафақат инглиз, балки дунё адабиётида ҳам ўз ўрнига эгадир. Бундай образлар ўзининг серкирралиги ва ҳам салбий, ҳам ижобий характерли хусусиятга эга бўлганлиги билан ажралиб туради. Қайси бир дунё адабиётига назар солмайлик, бу образлар қатнашган асотир, афсона ва эртакларнинг ўша тилда ўтирилган кўринишини учратишимиз, бундай образларнинг дунё адабиётида қанчалик ўз ўрнига эга эканлигидан далолат беради.

Адабиётлар шарҳи. Машҳур мифологик образлардан бири эльфлар бўлиб, уларнинг келиб чиқиш тарихи бир неча асрларга бориб тақалади. “Эльф” сўзи герман тилларидан келиб чиққан бўлиб, дастлаб “оқ мавжудот” тушунчаси билан боғлиқ бўлган. Кейинчалик бу тушунча ўрта асрларга келиб ўз маъносини йўқотган ва немис тилидаги zwerg (митти), скандинавия тилларида “huldra” (сирли мавжудот) ва француз тилидаги “fairy” (пари) каби муқобил сўзларга ўзгарган. Эльф сўзининг эльб, элфин, эллил каби муқобиллари ҳам мавжуд. Эльф Британия фольклорида умумий сўз

сифатида ишлатилиб, унинг қаторига дварфлар (dwarfs), гномлар (gnomes) ва троллар (trolls) ҳам киритилган.¹

Эльф Дания фольклор адабиётида “эльв”, англо-саксон адабиётида “aelf”, шведларда “alv”, Норвегия адабиётида “alv” ва Исландия адабиётида “alf-ur” номлари билан аталган. Айрим тадқиқотчилар эльф сўзини роман тилидан келиб чиққан бўлиб, “alb”–“oq” сўзи билан алоқадор деб ҳисоблайдилар. Шунингдек, уэлс ва ирланд фольклорида “elly”/“ailli”–“порлаш” сўзидан келиб чиққан деб тахмин қилишади.²

Дарҳақиқат, бир қатор афсоналарда эльфлар ўз ёркинлиги билан ажралиб туради. Аммо эльфларнинг таърифини қиёслайдиган бўлсак, турли халқлар адабиётларида уларга турлича таъриф берилганига гувоҳ бўлиш мумкин. Бунга сабаб мифологик образларнинг маданиятлараро ўзгаришидир.

Брауннинг фикрича, маъно ўзгарувчан ва индивидуаллашгандир. Яъни, маъно турли хил контекстда турлича ва турли хил контекстдаги маъно ҳам индивидуаллашган бўлиши мумкин. Бундан ташқари, вақт ўтган сари мифологик образлар қиёфаси ва вазифалари ижтимоий ўзгаришлар сабабли ўзгариши муқаррардир. Шунинг учун эльфларнинг келиб чиқишини таҳлил қилганда, уларни Ўрта асрлар адабиётидан бошлаб тадқиқ қилиш мақсадга мувофиқдир. Масалан, Ўрта асрлар инглиз фольклорида балладалар оммалашган бўлиб, уларнинг асосий қаҳрамонлари эльфлар бўлган. Аммо балладаларда нафақат эльфлар, балки эльфларнинг турига киритилган дварфлар, гоблинлар, троллар, хатто парилар ҳам учрайди. Худди шундай фикрни Арман Жакобсон ҳам таъкидлаб, қадимги Скандинавия адабиётида эльф аниқ таърифга эга бўлмаган атама бўлиб, жуда кенг маънога эга бўлган ва XVII, XVIII ва XIX асрлардаги адабиёт намуналаридаги эльфлардан анча фарқланган. Хусусан, XX аср адабиётидаги эльфлар кичкина кўринишда таърифланса, инглиз балладаларида улар инсонлар гавдасига ўхшаш қилиб тасвирланган.

Тадқиқот усуллари. Мақолада қиёсий-тарихий ва қиёсий-чоғиштирма тадқиқот ва таҳлил усуллари қўлланилган. Бу тадқиқот усуллари асосида Британия адабиётида эльф мифологизмларининг ўзига хос жиҳатлари таҳлил этилган.

Мунозара ва натижалар. Немис ва Скандинавия мифологиясида эльфларнинг икки тури мавжуд: 1) оқ, яъни меҳрибон ва яхшилик келтирувчи; 2) қора, яъни айёр ва ёмонликка мойил бўлган эльфлар.

Фольклоршуносларнинг фикрига кўра, биринчи турдаги эльфлар ҳақиқий эльфлардир. Иккинчи турдаги эльфлар эса биринчи турдаги эльфларга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган гномлардир. Оқ эльфлар донишманд ва сеҳргар бўлиб, улар шеърият, мусикага иштиёқманд ва бир қатор қобилиятлар эгаси ҳисобланган. Бу турдаги эльфлар, асосан, Альвхейм (эльфлар салтанати)да яшаб, худоларга хизмат қилишган. Оқ эльфларнинг ташқи кўриниши жуда чиройли бўлган.

Англо-саксон афсоналарига кўра, оқ эльфлардан Скандинавия фольклоридаги “валькир”лар образи пайдо бўлган. Валькирлар олтин сочли, мовий кўзли ва сутдек оппоқ териси билан ажралиб турувчи, шунингдек, афсоналарга кўра, абадий яшовчи пари қизлар образидир. Худди шундай кўринишдаги эльфларнинг образи таърифини англо-саксон тили мутахассиси, Оксфорд университети профессори Ж.Р.Толкиен ҳам келтириб ўтган. Унинг фикрича, бундай тасвирдаги эльфлар образи келиб чиқишига скандинавия, англо-саксон ва кельт мифологияси асос бўлган бўлса-да, улар қадимий ирққа мансуб кўринишни ҳам ўзида сақлаб қолган. Эльфларнинг кўримсиз ёки хунук кўриниши мавжуд бўлмаган ва уларнинг кўзлари, одатда, кулранг, мовий бўлган.³

Кельт мифологиясида тоғлар ва тоғ ёнбағирларида яшаган, сеҳргарлик қобилиятига эга бир халқ эльфлар деб номланган. Бу турдаги эльфларнинг аёл ва эркак кўриниши мавжуд бўлган. Кельт афсоналарида берилишича, уларни Медб исмли гўзал ва мафтункор, мовий кўзли, узун олтин ранг сочли қиролича бошқарган. Қироличани кўриш бахтига сазовор бўлган киши ўша заҳотиёқ унга ошиқ бўлиб, унинг висолига етолмай, севги дардидан ҳалок бўлган. Ҳатто оддий эльфлар ҳам баланд қоматли ва кўзни қамаштирувчи чиройга эга бўлган. Эльфлар салтанатига кириб қолган киши дарҳол уларнинг асирга айланиб қолган. Салтанатдан қочиб қолишга эришганда ҳам, улар эс-ҳушини йўқотиб, жиннига айланиб қолишган.

¹ Merriam-Webster Dictionary. Merriam-webster.com

² Hall, Alaric T.P. The meanings of elf and elves in medieval England. PhD thesis, 2004

³De Rosario Martinez. Fairy and Elves in Tolkien and Traditional Literature; Academic journals. Literature and Language Journals. Mythlore. Vol. 28, № 3 – 4, 2010.

Инглиз фольклорида эльфлар икки гуруҳга ажратилган: хонаки ва ташқи, яъни табиат кўйнида яшовчи, кишлокқа хос бўлган эльфлар. Хонаки эльфлар, асосан, уй-рўзғор руҳи бўлиб, исоният билан бирга бир уйда ёки уларнинг экин далаларида якка ҳолда яшаган. Бундай эльфлар шотланд халқ эртакларида браунилар (brownies) деб номланган. Ташқари эльфлари эса ғорларда, тоғларда ва табиат кўйнида кўним топган. Бу турдаги эльфлар, асосан, тўда бўлиб яшаган ва кичкина, мурувватли ва инсонларга хайрихоҳ бўлган.¹

Хонаки эльфлар бир оз муғомбир, қилган яхшилигидан доим наф кутадиган ва ёмонлик қилишга мойилроқ бўлишган. Бундан ташқари, шотланд фольклорида эльфлар инсонларга ўхшатишган ва уларнинг яшаш маконлари Эльфейм деб номланган. Ирланд эртакларида эльфлар “эллил” ёки кўплик шаклда “эллилон” деб номланган. Эллилонлар жуда қадрланган, чунки улар қадимий друидларнинг руҳи сифатида қаралган. Айтишларича, эллилар киёмат кунигача ўз ҳукмини кутиб, одамлар билан бирга бўлишга ҳукм қилинган.

Британия фольклорида эльфлар доимо порлаб, ўзидан нур таратиб туриши, жозибали ва ёрқин кўриниши билан инсондан фарқ қилади. Улар яна ҳамшиша ҳақиқатпарвар, яхшилик тарафдори эканлиги жиҳатидан бошқа мифологик образлардан ҳам ажралиб туради. Жамиятда эльфларга кўрқув ҳам қизиқиш билан қаралган, чунки улар ўзининг киришимлиги ва самимийлиги, шу билан бирга, асабий феъл-атвори билан ажралиб турган. Агар улар инсоният томонидан тазйиққа учраб қолса, дарҳол ёмонликка ёмонлик билан жавоб қайтарувчи ва ўз ҳақ-ҳуқуқини талаб қила оладиган образ сифатида намоён бўлади. Ёмонликка ёмонлик сифатида улар ўз қурбонини тунги дахшатларга дучор қилиш, ёвуз ишлар қилиш ёки бўлмаса, душманига хужум қилиш каби жазоларни қўллаган. Бироқ уларга зарар кўрсатмаганларга, ҳатто касалликларни даволашда кўлидан келганча ёрдам кўрсатишган. Шу тариқа, улар ижобий образ сифатида ҳам гавдалантирилган.²

Ҳақиқатан ҳам, эльфлар серкирра ва энг қадимий мифологик образлардан бири ҳисобланади. Гарчи улар минг йилликлардан бери мавжуд бўлишига қарамай, ҳеч қачон ўз оммавийлигини йўқотмаган мифологик образлардандир. Баъзи эртакларда улар одамзоднинг хавфсизлигига таҳдид солиш учун кўплаб усуллардан фойдаланишгани тасвирланса, баъзан одамлар билан тинч-тоғувликда яшаб, улар билан яхши муносабат ўрнатгани акс эттирилади. Айрим афсоналарда ҳатто эльфлар одамлар билан оила қуриб, уларнинг фарзандлари асосан инсон киёфасида туғилгани ва сирли қобилият, гўзал кўринишга эга бўлиши тасвирланган. Ярим эльф ва ярим инсон болакайлар ўзларининг ғайриоддий қобилияти ва гўзаллиги билан ажралиб турган. Эртакларда бундай эльфлар сеҳргар ёки табиб образларида намоён этилади.

Эльфларнинг ташқи кўриниши ҳам турличадир. Халқ эртакларида тасвирланган эльфларнинг аксарияти аёл жинсидадир, лекин эркак эльфлар ҳам мавжуд. Эльфларнинг ташқи кўриниши воқеа содир бўлган вақт ва жойга қараб ўзгаради. Аёл эльфларнинг аксарияти адолатли образ сифатида тасвирланган. Улар, кўпинча, сарғиш сочли, мовий ёки кулранг кўзли киёфада гавдалантирилган. Гарчи ташқи кўриниши одамларга ўхшаса ҳам, уларнинг кўринишида баъзи тафовутлар бор. Кўпинча, эркак эльфлар қарияларга ўхшаш тасвирланган, аммо баъзан улар хушбичим ва одамларни ўзига жалб қилувчи жуда чиройли киёфада акс эттирилади. Масалан, “Там Лин” ва “Эльфин Ритси” эртакларида улар гўзал ва мафтункор этиб тасвирланган. Аммо Шекспир давридаги ёзувчилар эльфларни тасвирлашда бошқача ёндашганлар. Уларнинг ташқи кўриниши худди париларга ўхшаш, яъни митти, қанотчали фаришталар киёфасида бўлган ва бироз айёр ва хийлагар кўринишда акс эттирилган. В.Шекспирнинг “A Midsummer Night’s Dream” асарида эльфларнинг шундай кўринишда тасвирланиши бу ғоянинг бошланғич нуқтаси бўлган. XVIII асрга келиб, инглиз тилидаги “эльф” сўзи немис адабиётига қайтиб кириб, эльфларнинг янги кўринишдаги тасвири пайдо бўлган. Аммо эльфларга бўлган ишонч илк даврлардан бери ўзгармаган, хусусан, Шотланд ва Скандинавия фольклорида бу образ инсонларнинг тасаввур-тушунчасида доимий сақланиб келган.³

XIX аср охири ва XX асрнинг бошига келиб, саноатлашиш ва шаҳарларнинг ривожланиши сабабли эльфларга бўлган ишонч пасайиб борган. Аммо XX асрга келиб, замонавий адабиётда эльфлар яна оммалашди. Жумладан, Америка адабиётида “Рождество эльфлари” номли эльфларнинг янги кўриниши кенг тарқалди. Бу образ фантазия жанрида ижод қилган Р.Толкиен асарла-

¹Jenni Bergman. The Significant Other: a Literary History of Elves. PhD thesis, 2011.

²Шу манба.

³Lynda Taylor. The Cultural Significance of Elves in Northern European Balladry. 2014.

ри оркали кириб келган ва ташқи кўриниши жиҳатидан одамга жуда ўхшаш қилиб тасвирланган. Умуман айтганда, Р.Толкиен ўз асарларида инглиз афсоналари мотив ва образларидан кўп фойдаланган бўлиб, хусусан, мифологик образлар талқинига кенг ўрин ажратган. Масалан, аждархолар (dragons), дварфлар (dwarfs), парилар (fairies) ва эльфлар шулар жумласидандир.¹

Толкиен кўпгина шеърларида, айтайлик, “Book of Lost Tales” асарида пари образига кенг ўрин берган бўлса, кейинчалик, эльфлар образидан шундай фойдаланган. Унинг фикрича, пари образи қадимий француз адабиётидан келиб чиққанлиги, аммо эльфлар инглиз афсоналаридан пайдо бўлганлиги сабабли унинг асарларига мос келган.

Хулоса. Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, эльфлар билан боғлиқ мифологизмлар Британия фольклори ва адабиётида ўзига хос ўринга эга. Улар гоҳ салбий, гоҳ ижобий образ сифатида келиши кузатилади. Эльфлар Британия фольклорида энг кенг тарқалган мифик образлардан бири ҳисобланади. Асрлар оша эльфларнинг хусусиятлари жамият ва инсоният талабу эҳтиёжларига қараб ўзгара борган ҳамда эртақ ва афсоналардаги бадий-эстетик вазифалари кенгайиб, ижтимоий мазмун касб этган.

Ахмедова Азиза Комиловна (катта илмий ходим, Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети, Тошкент, Ўзбекистон, aziza.ahmed@inbox.ru)
СИНКЛЕР ЛЬЮИСНИНГ ҲАҚИҚАТ ИЗЛОВЧИ ҚАҲРАМОНЛАРИ

Аннотация. Мақолада машҳур америка адиби Синклер Льюиснинг “Эроусмит” романи таҳлил этилади. Льюис америка адабиётида илк марта Нобель мукофотида сазовор бўлган, унинг ижоди эса хорижий адабиётшунослар томонидан кенг тадқиқ этилган. Романда муаллиф замонавий зиёли шахсининг, олимларнинг маънавий қиёфаси ҳақидаги ўз идеалларини образлар воситасида акс эттиради. Шахс ва жамият конфликтини қаҳрамонлар тақдири, дунёқараши орқали намоён бўлади. “Эроусмит” романининг сюжети пухта қурилганлиги билан ажралиб туради. Мақолада ҳақиқатни излаш мотиви сюжет қурилишининг асосий унсури сифатида таҳлил қилинади.

Аннотация. Статья посвящена анализу романа «Эроусмит» американского писателя Синклера Льюиса. Льюис был первым американским писателем, получившим Нобелевскую премию по литературе. Автор изображает свои идеалы о современном интеллектуальном человеке и этическом мировоззрении людей в науке посредством героев. Конфликт между человеком и обществом дается через судьбу и мировоззрение персонажей. Роман «Эроусмит» широко признан за хорошо сплетенную сюжетную канву. В статье рассматривается мотив поиска истины как основной составляющей сюжета.

Annotation. The article focuses on the analysis of the novel “Arrowsmith” by American writer Sinclair Lewis. Lewis was the first American writer who accepted The Nobel prize in literature. The writer depicts his ideals about a contemporary intellectual man and the ethical worldview of men in science by means of characters. The conflict between a man and society is given through the fate and the worldview of the characters. The novel “Arrowsmith” is widely recognized as fit-plotted work. The article discusses the motif of searching for the truth as a main component of the plot of the novel.

Калим сўзлар: мотив, роман, сюжет, қаҳрамон, реализм.

Ключевые слова: мотив, роман, сюжет, герой, реализм.

Key words: motif, novel, plot, hero, realism.

Америкалик адиб Синклер Льюиснинг (1885–1951) “Эроусмит” (1925) романида ҳақиқатни излаш сюжетни ҳаракатга келтирувчи мотив сифатида намоён бўлади. Мақола асарлардаги ушбу мотив таҳлилига бағишланган.

Ёш бактериолог олим Мартин Эроусмит “Эроусмит” романининг бош қаҳрамони бўлиб, асарнинг номи сюжет йўналиши, асосан, ушбу қаҳрамон билан боғлиқлигини кўрсатади. Яъни Синклер Льюис айтмоқчи бўлган бош ғоя Мартин образи босиб ўтган ҳаёт йўлига сингдирилган. Роман сюжети кўп босқичли, мураккаб тузилишга эга бўлиб, воқеалар кетма-кетлиги хроникал кечади. Асарнинг сюжет унсурлари эпизод-экспозиция-тугун-воқеалар ривож-кульминация-ечим-пролог тарзида таркиб топган. Романда ранг-баранг воқеалар тизмаси ташкил қилувчанлик кучи-

¹ De Rosario Martinez. Fairy and Elves in Tolkien and Traditional Literature; Academic journals. Literature and Language Journals. Mythlore. Vol. 28, №3 – 4, 2010.

га эга. Адабиётшунос олим Матёкуб Кўшжонов “Ҳаёт ва қахрамон” асарида прозанинг катта жанрларига хос бир тенденцияга алоҳида урғу беради: “Агар образ асарга маълум даражада шаклланди, характер сифатида кирса, асарнинг биринчи бобларида, одатда, унинг экспозициясида, ёзувчи ўша образга хос маълум бир хусусиятларни алоҳида таъкидлайди.¹ Шунга ўхшаш ҳолат “Эроусмит” романи экспозициясида кузатилади. Бирок, шуни айтиш жоизки, романнинг эпилоги ҳам бош қахрамон характери очишга хизмат қилган. Чунончи, ёзувчи ривояни ҳажми ярим саҳифадан иборат бўлган ҳикоя билан бошлайди. Огайонинг куюк ўрмонларию боткоқли чўлларида чайқалиб бораётган фургонни ўн тўрт ёшли, ямоқ кўйлакли қиз бошқаради. Яқинда онасини тупроққа топширган қиз бир тўда ука-сингилларига ҳамда ҳарорат оташида ётган бемор отасига ғамхўрлик қилмоқда. “—Эмми, Цинциннатида бурилиш қил, у ерда Эд амакингни топсак, уникида қоласизлар” деб айтади отаси.² “Бизни ҳеч ким қабул қилмайди. Олдинга, бошимиз оққан томонга қараб кетамиз. Ғарбга! Мен кўп янги нарсаларни кўраман!” деб жавоб беради қиз. Сўнг муаллиф қизни кечки овқатни тайёрлаб, болаларни ухлатиб, гулхан атрофида узоқ хаёлга чўмганлигини қайд этади ҳамда “бу Мартин Эроусмитнинг катта бувиси эди”³ (таржима бизники) дея изоҳ беради. Кўринадики, ёзувчи қахрамон характеридаги асосий хусусиятларни очишни эпилогданоқ бошлайди. Илк америкалик пионерларга хос журъатлилик, ўз кучига таяниш, янгиликка ташналик Мартин Эроусмит образида мужассам бўлишига асар бошиданоқ ишора қилинади. Сўнг баён Уиннемак штатининг Элк-Милзе қишлоғига кўчади. Викерсон исмли қишлоқ шифокорнинг кабинети тасвирланади. Ўн тўрт ёшида ушбу шифокорга ёрдамчи бўлиб хизмат қилаётган Мартин бу ерда Грейнинг Анотомиясини ўқиб ўтирибди. Мартинни ана шу мўъжаз, тартибсиз, хилма хил тиббиёт анжомлари қалашиб ётган хона “изланишларга ва саргузаштларга” чорлайди.⁴

Ўзининг таърифича, “қишлоққа маърифат олиб келишда пешқадам” бўлган Викерсон “Мартин қалбида шовқин суронли, бадбўй кимёвий тажрибаларга, Элк-Милзеда ҳали бирорта болага кўриш насиб этмаган жажжи ҳашаротларни ўрганишга ҳавас уйғота олди”⁵. Қишлоқда илк жароҳлик амалиётини қилган, илк музейга, илк коллекцияга асос солган Док Викерсон Мартинга тинмай изланишни насиҳат қилиб, унга заррабин совға қилади. Ижодкор ушбу деталга улкан ғоявий ва рамзий маъно юклайди. Заррабинни индамай олган Мартин бутун ҳаётини ҳақиқатни излашга бағишлайди. Ҳақиқатни излаш мотиви романда бирин кетин содир бўлувчи хилма-хил воқеаларни бирлаштириб турувчи “қизил иг” бўлиб ўтади. Мартин Эроусмитнинг атрофида пайдо бўлувчи ҳар бир персонаж, турли эпозодлар унга ҳақиқатни идрок этиш воситаларини, йўллари ва ниҳоят унинг моҳиятини тушунишга ҳамда шу орқали ўзини англашга хизмат қилади. Сюжетнинг шиддатли воқеалари давомида Мартин Уиннемак университетининг талабаси, узоқ Уитсилвания қишлоғида соғлиқни сақлаш бўлими бошлиғи, Раунсфилд хусусий клиникасида шифокор, Мак-Герк илмий тадқиқотлар институтида бактериолог олим сифатида намоён бўлади. Қаерда бўлмасин Мартин ўз ҳақиқатини излайди ҳамда бу йўлда баъзан адашади, баъзан англаган билимлари рўёга айланади, бирок қатъият билан бошланган кураш тўхтамайди.

Тиббиёт сирларини ўзлаштирар экан, талаба Мартин Уиннемак олий ўқув юртида икки олимнинг шахсиятига маҳлиё бўлади. Бири кимё кафедраси профессори Эдвард Эдварс. Унга муаллиф “кимё тарихи бўйича билимлари сарҳадсиз” дея изоҳ беради. Иккинчиси, профессор Макс Готлиб, Германиядан келган яҳудий иммунолог. Готлибнинг асосий вақти лабороторияда ўтади. Бактериология илмини тезроқ эгаллаш илинжида Мартин Готлибнинг олдида бориб, ундан ёрдамчи сифатида ишга олишини сўрайди. “—Физиологик кимё фанини ўзлаштирдингизми?” деб сўрайди Готлиб. Мартин жавоб беради: “Йўқ, бироқ органик кимёни тузуккина биламан”. Готлиб жаҳл билан айтади:

“Organic chemistry! Puzzle chemistry! Stink chemistry! Drugstore chemistry! Physical chemistry is power, it is exactness, it is life. But organic chemistry – that is a trade for pot-washers. No. You are too young. Come back in a year” (Органик кимё кимё эмас, бўлмагур нарса! Бадбўй кимё! Дорихона кимёси! Физик кимё эса – қудрат, бу аниқлик, ҳаёт. Органик кимё идиш-товоқ ювувчиларнинг машғулоти. Йўқ. Ғўрсиз. Кейинги йил келарсиз).

¹ Кўшжонов М. Ҳаёт ва қахрамон. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Т., 1979, 14- бет.

² Lewis S. Arrowsmith. HarperCollinsPublishers Ltd. Toronto, 2012, p. 6.

³ Шу манба.

⁴ Шу манба. Р. 8.

⁵ Шу манба. Р. 10.

Ҳафсаласи пир бўлиб қайтаётган Мартин йўлда Э.Эдварсни учратиб қолади ва ундан органик кимёнинг аҳамияти ҳақида сўрайди. Эдварс қўйидагича жавоб беради:

Value? Why, it seeks the drugs that allay pain! It produces the paint that slicks up your house, it dyes your sweetheart's dress – and maybe, in these degenerate days, her cherry lips! Who the dickens has been talking scandal about my organic chemistry? (Аҳамияти? Бўлмасам-чи. У оғриқни қолдиради. Унинг шарофати билан томингизни бўййсиз, у севгилингизнинг кўйлагига, бизнинг адашган замонамизда, ҳатто олчадек лабига ҳам ранг беради. Қайси нотагон менинг органик кимёни булгашига жазм қилди?).¹

Бактериологияни пухта ўрганиш ниятида бўлган Мартин ушбу тўқнашувдан сўнг зиддиятли ҳаёлларга берилади. “Эдварс мен уйлаганчалик ҳамма нарсани биладимми? Ҳақиқат қаерда?” деб сўрайди Мартин ўз-ўзидан. Шундай қилиб, романнинг илк тугунида акс этган ҳақиқатни излаш мотиви кейинги воқеалар мажмуида ҳам изчил такрорланади.

Маълум вақт ўтиб, Макс Готлибдан сабоқ олиш бахтига муяссар бўлган Мартин ҳақиқатни билишнинг готлибона фалсафасидан воқиф бўлади. Готлиб унга ўзининг шахсий ибрати билан “муросасизликка содиқ қолишни, доимий гумонда бўлиш эътиқодини, муайян тамойилга боғланиб қолмаслик тамойилини, ўзини ҳам бошқаларни ҳам гумроҳ бўлиши мумкинлигини тан олиш донолигини, олдинга жуда секин ҳаракат қилиш учун изчил кураш олиб боришни” ўргатади.

Романнинг сюжетини ҳаракатга келтирувчи конфликтлар ҳам, асосан, Мартин Эроусмит ҳақиқати билан бошқаларнинг ҳақиқати ўртасидаги зиддиятдан келиб чиқади. Масалан, Наутилусда соғлиқни сақлаш бўлимида ишлар экан, директор Альмус Пиккерборнинг тиббий статистикани “кўпиртириб” сохта рақамлар билан мақтаниши Мартинни ташвишга солади. Мартиннинг танбеҳига Пиккербо қўйидагича жавоб беради:

“What if my statistics aren't always exact? What if my advertising, my jollyng of the public, does strike some folks as vulgar? It all does good; it's all on the right side. No matter what methods we use, if we can get people to have more fresh air and cleaner yards and less alcohol, we're justified” (Хўш, мен айтаётган рақамлар аниқ бўлмаса нима қилади? Оммани эътиборини тортиш услубини кимдир қўпол деб ҳисобласа зарари йўқ. Асосийси, бу ҳаммаси фойдали, фақат эзгуликка хизмат қилади. Қайси метод қўлланилишининг фарқи йўқ. Муҳими, одамлар тозароқ ҳаводан нафас олади, кўча кўйда тозалikka риоя қилинади, камроқ спиртли ичимликлар ичилади. Шу билан биз ҳақ бўлиб чиқамиз).

Синклер Льюис характер қалбида пайдо бўлган табиий, инстинктив туйғулар оқимини, турфа кечинмаларни моҳирона тасвирлайди. Мартин бошидан кечираётган ҳиссий коллизиялар унинг кейинги ҳаракатларини ишонарли чиқишига замин яратади. Жумладан, Пиккерборнинг жавобидан сўнг Мартин чуқур уйга толади. Хўш, Макс Готлибнинг соф, совуқ, ёқимсиз ҳақиқати кимга керак? Бировлар “фақат ҳақиқатни бузиб кўрсатманг” дейдилар, лекин уларнинг “ўзлари ҳақиқатни бузаётганларини айтсанг, фиғонлари фалакка чиқиб кетади”.² Мушоҳада сўнгида Мартин хулосага келадикки, унинг учун ҳақиқатнинг аҳамияти бор, “унинг учун илмий аниқликка интилиш завқу шавк манбаи”.³

Бахтга қарши Мартиннинг тўғри деб ҳисоблаган ҳатти ҳаракатларини ҳамма ҳам қабул қилавермайди. Пиккербо конгресс аъзосилигига сайлангач, Мартин директорлик лавозимини эгаллайди ва “ёвузликка қарши муросасиз курашни бошлаб юборади. Бироқ Мартиннинг барча эзгу амаллари ўзига қарши оппозиция тўплашга олиб боради. Маҳаллий тадбиркор Клопчукнинг фермаси, икки сигир сутидан стрептококк топилиши сабабли ёпилади. Табиийки, Клопчук Мартиндан ўч олишга имкон кутади. Мартиннинг кенг аҳоли қатламлари учун текин тиббий ёрдам ҳақидаги лойиҳаси Э.Уотерс билан келишмовчиликка сабаб бўлади. Чунки Уотерс бепул касалхоналар пауперизмга олиб боради, деб ҳисоблайди. Мартин Наутилус шахрининг “ганиқли” исловатхонасини таг-туги билан ёқиб юбориши орқасидан, Миссис Мак-Кендolini ғанимга айлантиради. Алалхусус, Наутилуснинг душман кайфиятли аҳолиси Мартинни кўчиб кетишга мажбур қилишади. Ишонган ҳақиқатлари чилпарчин синган Мартин қалбида кучли ҳиссий коллизия уйғонади.

Шу ўринда айтиш жоизки, “Эросмит” романида романтизм ижодий методига хос хусусиятлар асар сюжет қурилишида яққол намоён бўлади. Романнинг умумконфликти романтик асарлар-

¹ Lewis S. Arrowsmith. HarperCollinsPublishers Ltd. Toronto, 2012, p. 18.

² Шу манба. 238-бет.

³ Шу манба.

даги каби икки кутб – ёвузлик ва эзгулик курашига бағишланади. Бош қаҳрамонлар Мартин, Готлиб, Г.Санделиус ўз касбига содик, фидойи олимлар. Ангус Дьюер, Пиккербо, Таббз, Холаберт каби шифокорлар учун тиббиёт моддий фаровонликка эришиш воситаси холос. Шундай қилиб, Синклер роман қаҳрамонларини бир-бири билан муттасил ва яширин кураш олиб борувчи икки кутбга ажратади: чин зиёлилар, фан фидойилари ва илмни воситаи жоҳ билган “тижоратчилар”. Романда талабаларга маъруза қилувчи отолоринголог Роско Гик “чинакам тижоратчи” деб таништирилади.¹ У бўлғуси шифокорларга кўпроқ гонорар ундириш йўллариини ўргатади:

Knowledge is the greatest thing in the medical world but it's no good whatever unless you can sell it, and to do this you must first impress your personality on the people who have the dollars. Whether a patient is a new or an old friend, you must always use SALESMANSHIP on him. Explain to him, also to his stricken and anxious family, the hard work and thought you are giving to his case, and so make him feel that the good you have done him, or intend to do him, is even greater than the fee you plan to charge. Then, when he gets your bill, he will not misunderstand or kick”²(Тиббиёт оламида билим, шубҳасиз, буюк ҳодиса, бироқ билимни пуллай олмас экансиз, унинг чақалик қадрини йўқ. Бунинг учун, аввало, пулдорларга таъсир қилишни ўрганишингиз лозим. Олдингизга янги беъмор келадими ёки эски танишингиз, ишингизга доим тижорий ёндашишни унутманг. Унга ва унинг гамдан адо бўлган беҳаловат оиласига дардни даволашга нечоғли машаққат ва диққат сарфлашингизни билдиринг. Улар англасинки, сиз бераётган ёки бермоқчи бўлган даво ҳар қандай тўловдан юқори туради. Шундагина беъмор сиздан ҳисоб қозғозини итоаткорона қабул қилади.³

Бош қаҳрамонлар тимсолида ёзувчи ўз даврида жамиятда бўй кўрсатган моддиончиликнинг барча соҳаларда, шунингдек, кўпроқ фидойилик талаб қилинадиган тиббиётга ҳам кириб келганлигини таъсирли ва образли манзаралаштиради. С.Льюис материалистик дунёқараш туфайли юзага келаётган ижтимоий иллатларга, инсонлар ахлоқида акс этаётган қусурларга қарши ҳалоллик, инсонийлик, альтруизм ва илм йўлида беғараз меҳнат қилиш каби ғояларни қамраб олувчи маънавий қадриятларни тарғиб этади.

Мартин Раундсфилд хусусий клиникасида ишлар экан, Готлибнинг таъсиридан ҳамда ўзининг ҳақиқат тўғрисидаги қарашларидан узоқлашади. Асарда муаллиф ҳамда Леора тилидан Мартинга нисбатан бир неча марта “ҳақиқат изловчи” (truth-seeker) деб таъриф берилади.⁴ Мана, клиникада ишлаётганига ҳам бир йил бўлиб, Мартин ўзининг шинам хонадонидан Леора билан ҳақиқат борасида суҳбатлашиб ўтирибдилар. “Ўзларини ҳақиқат изловчиси деб ҳисоблайдиган одамлар, аслида, ўзларидаги “маънавий қичишишни” қондиришни излайдилар. Зеро, ҳақиқат уй, нон ёки туз каби ушлаб кўрса бўладиган предмет эмас”.⁵ Кўринадикки, Мартин қарашларида Раундсфилд клиникаси муҳити таъсирида улкан ўзгариш содир бўлган. “Ҳеч қандай ягона ҳақиқат йўқ, бир неча ҳақиқатлар мавжуд. Ҳақиқат олақанот қуш эмаски, тоққа чиқиб уни думидан тортишининг иложи бўлса, ҳақиқат, аслида, ҳаётга шубҳакор муносабатда бўлишдир. Бироқ тез орада Мартин ўз тажрибасида гувоҳ бўлдикки, ҳақиқат ҳақидаги ушбу фалсафа сохта ва асоссиз экан. Асосий мақсади беморлардан тўлов ундириш бўлган ушбу “тиббиёт фабрикаси” Мартиннинг хафсаласини пир қилади. Готлибдан хат олиши билан унинг ҳузурига отланади.

“Эросмит” романи сюжетида яна бир хусусият борки, у кўпроқ романтик асарларда кузатилади. Одатда, романтик қаҳрамонларнинг турли борса-келмас ўлкаларга сафарга отланиши романтизмнинг эстетик белгиларидан бири ҳисобланади. Характерда қаҳрамонлик хислатлари тўла намоён бўлиши учун, албатта, шунга имконият берувчи макон талаб қилинади. С.Льюис асар сюжетида экзотик эпизодларни кўшадикки, натижада Мартин характеридаги қаҳрамонлик, ҳаққоният учун кураш тўлалигича намоён бўлади. Нью-Йоркнинг Мак-Герк институти Мартинга тадқиқот қилиш учун барча имкониятлар эшигини очади. У ерда устози Готлиб билан биргаликда лабораторияда бетиним меҳнат қилган Мартин вабога қарши бактериофагни кашф этади. Бактериофагни тажрибада синаш мақсадида институт жамоаси Мартинни вабо ўчоғи бўлган Сент-Губерт оролига жўнатади. Сюжет кульминацияси асарнинг айни шу қисмига тўғри келади. Макс Готлиб, Мартинга бактериофаг билан оролнинг фақат ярим аҳолисини эмлашни қатъий талаб қилади. Айни шу йўл

¹ Шу манба. 97-бет.

² Шу манба.

³ Шу манба.

⁴ Шу манба. 58-бет, 231-бет, 306-бет.

⁵ Шу манба. 306-бет.

билангина бактериофагнинг ҳақиқий илмий аҳамиятини исботлаш мумкин. Аммо офатга дучор бўлган орол, у ердаги аҳолининг қашшоқ, нажотсиз ҳаёти Мартинга кучли таъсир қилади. Ёш олим, ҳар қандай тажриба кузатувларини четга суриб, бутун орол аҳлига вакцина қилишдан ўзини аранг тийиб туради. Оролнинг барча аҳолисини дарҳол вабодан қутқариш афзалми ёки бутун инсониятни абадий вабо офатидан холос этишми? Ушбу савол Мартинни оролга келган илк кунлар қийнаган бўлса, хотини Леоранинг вабодан вафот қилиши уни ҳеч иккиланмай барча беморларни ёппасига эмлашга мажбур қилади. Мартиннинг ушбу ҳаракати инсонпарварлик фаннинг энг олий мезони эканлигига ишора қилади. Аниқроғи, фаннинг бирламчи вазифаси инсониятни ҳалокатдан қутқариш эканлиги ифода этилади.

Профессор Готлиб фидокор олим, меҳнатсевар тадқиқодчи. Романда Готлиб сюжет линиясида ҳам ҳақиқатни излаш мотиви кузатилади. Аниқ натижаларга эришиш учун лабораторияда тунлари бедор ўтувчи олим учун фақат ҳақиқат керак. Готлиб олимликни қисмат деб билади ҳамда олим илмий этиқодини бошқа барча нарсалардан ҳимоя қилиши, пок асраши кераклигига ишонади. Тажрибаларнинг бирида Мартин унга “мен фақат кузатиш натижаларига ишонаман” деб айтади. Мартинга жавобан Готлиб: “Тўғри қиласиз. Кузатинг! Агар кузатиш натижалари илгари тасдиқланган илмий қарашларга зид бўлса, – улоқтиринг уларни!” “...Энди, “нега” ни қидиришга тушинг, бунинг ортида қандай қонуният борлигини тагига етиш керак”, дея насиҳат қилади.¹

Мартин ва Готлибнинг ҳақиқатга муносабати қиёсланса, Мартин учун ҳақиқатни билишда инсонпарварлик етакчи омил. Бунга, айниқса, вабо саҳналарида гувоҳ бўламиз. Готлиб портретини чизар экан ёзувчи бошқалар номидан унга “инсоният учун ибодатхона қураётган экан, унда одамга жой қолдирмайди” деб таъриф беради, яъни Готлиб учун ҳақиқатнинг ўзи бирламчи. Асарда Готлиб фалсафасини “ағдар-тўнтар” қиладиган тўқнашувлар содир бўлади:

1) Готлиб ишдан бўшатилади;²

2) собиқ иш жойидан салбий характеристика берилиши туфайли Готлиб ўзига лойиқ иш топа олмайди;

3) Готлибнинг хотинида саратон касаллиги аниқланади. Тиббиётдан хабардор бўлишига қарамай, Готлиб чорасиз қолади.³

Готлиб бу қайғулардан қаттиқ эзилади. Унинг мағрур “мени” ёвузлар қўлига тушиб қолган қароқчилар сардорига” ўхшатилади.⁴ “Ғам юкидан унинг қадди букилиб, виқорли кўзлари намланди ва уларда умидсизликка муроса қилиш намоён, қилич ушлаган қўллари кесилган, йирингли билакларни ҳаёсиз пашшалар талайди”.⁵ Ушбу воқеаларнинг оқибати Готлибнинг характер мантиғига ёт бўлган ҳаракатни амалга оширишига ишонарли асос беради. Узоқ йиллик педогогик фаолиятини тижоратга алмашиб, қаллоблиги билан ном чиқарган “Досон Т.Ханзикер ва К” савдо компаниясига ишга ўтади. “Бу кўҳна ва “ҳалол” фирма фақат ва фақат обрўли шифокорлар билан ҳамкорлик қилади” деб киноя билан таъриф беради муаллиф. Бу ерда Готлибга ҳашаматли ва сўнгги техника билан жиҳозланган лаборатория берилади. Готлиб антитаначани синтез қилишни янги методи устида ишлайди. Илк натижалар чиқиши билан Ханзикерга хабар беради. Бироқ Ханзикернинг қинғир таваккалчиликлари ҳақида эшитгач, тажрибаларини орқага суради. Мак-Герк илмий тадқиқот институтидан таклиф олиши билан фирмани бутунлай тарк этади. Готлиб ҳақиқати синмайди.

Узоқ машаққатлардан сўнг, Мартин юксак обрў эътиборга, йирик бойликка ва раҳбар лавозимига эришади. Бироқ Мартин буларнинг баридан воз кечиб, тадқиқотчи сифатида мустақил изланиш олиб бориш мақсадида ҳамкасби Терри Уокет билан биргаликда ўрмон четигаги ғариб кулбага кўчиб ўтади. Айрим Америка танқидчилари Льюиснинг романга бу тарзда эртақнамо ечим беришини жиддий танқид қилишган. Ушбу якун, биринчидан, капитализмнинг илм-фаннинг олий мақсадларига етказган зарарларига нисбатан муаллифнинг исёни бўлса, иккинчидан, Синклер Льюисда транседенталист Генри Дэвид Тореанинг “Уолден ёхуд ўрмондаги ҳаёт” 1854) асарининг таъсири кучли бўлганлигини кўрсатади. Зоҳирона ҳаёт кечириш орқали ўзликни кашф этишнинг ички чегараларини очиб бера олган ушбу асар Америка адабиёти учун ғоят қадрли ҳисобланади.

¹ Шу манба. 63-бет.

² Шу манба. 142-бет.

³ Шу манба. 144-бет.

⁴ Шу манба. 145-бет.

⁵ Шу манба. 146-бет.

Мартин Эроусмитнинг ўрмонга кетиши рамзий маънога эга бўлиб, бу орқали муаллиф қахрамоннинг ўз идеалларига содиқлигини, виждони ва эркини ҳеч нарсага алмашмаслигини акс эттиради. Льюиснинг олим қахрамонлари коллективдан ажралган ҳолда бўлса-да, умумманфаат учун хизмат қилади. Чин олим учун турли шовкин суронли шуҳрат таллашиш мусобақалари, илм натижаларини инсоният фаровонлигидан кўра тижорат мақсадларида қўллаш ўлим билан тенг. Мартин ушбу тўсиқларни енгиб ўтди.

Демак, Мартиннинг ўрмонга кетиб мустақил фаолиятида мағлубият эмас, аксинча, зафар нашидаси мавжуд. Мартин илмий салоҳиятини жамиятдан узилган ҳолда бўлса-да, жамият учун сафарбар этади.

Жумасев Акмал Ахматович (БухДУ стажёр-таджикотчиси)
ЭРТАКЛАРДА ҚУШЛАРНИНГ ОНА ТИМСОЛИДА ИФОДАЛАНИШИ

***Аннотация.** Мақолада дунё халқлари эртақларидаги асосий мотивлардан бири ўлган кишининг руҳи қуш кўринишида тириклар орасига қайтиб келишига ишонини, она руҳининг қуш қиёфасида қайта тирилиши, ўлимдан сўнгги қайта тирилиши ва ҳаёт, унинг қаерда ва қандай давом этишига қизиқиши, марҳумлар манзили ҳақидаги турли ибтидоий-мифологик қарашларнинг эртақлар сюжетида намоён бўлиши ўрганилди.*

***Аннотация.** В статье рассмотрены главные мотивы в сюжетах сказок народов мира. Вера в то, что душа мертвых возвращается к жизни в форме птицы, воскрешение матери в форме птицы, воскрешение после смерти и интерес к жизни.*

***Annotation.** The article is about main motivations in the fairy tales of the peoples of the world, their belief that the soul of a deceased person returns among the living in the form of a bird, the resurrection of the mother's soul to the form of a bird, the last resurrection after death and the interest in life.*

***Калим сўзлар:** эртақ, қуш, образ, ота-она, ўғай она, фарзанд, немис, ўзбек, таржима, таржимон.*

***Ключевые слова:** сказка, птица, образ, родители, мачеха, дитя, немецкий, узбекский, перевод, переводчик.*

***Key words:** fairy tale, bird, image, parent, stepmother, German, Uzbek, translation, translator.*

Эртақларда она образи, одатда, боласига жуда ғамхўр, химоячи ва доно маслаҳатчи қиёфасида гавдалантирилади. Ҳатто ҳайвонлар тўғрисидаги эртақларда она ҳайвон ҳам ўз болаларини турли хавф-хатарлардан ҳимоя қилиш учун зарур бўлса, жонини фидо қилади.

Маълумки, кўпгина эртақларда ота хотини вафотидан сўнг болаларимга қарар деган мақсадда бирор аёлга уйланади, аммо ўғай она етим болаларга жуда қаттиқ зулм ўтказиши. Етим болалар машаққатли ва ташвишли ҳаёт кечира бошлайдилар.

Немис адабиётида ака-ука Гриммларнинг “*Rapunzel*” (“*Рапунзел*”),¹ “*Aschenputtel*” (“*Шумшук қиз*”) каби эртақлари ўғайлик мотиви асосида қурилганлиги билан бу жиҳатдан эътиборни тортади.² Хусусан, “*Рапунзел*” эртагида қахрамон ота-онаси тирик бўлса-да, жодугар қўлида катта бўлиши эътиборни тортади. “*Aschenputtel*” (“*Шумшук қиз*”) эртагида эса бир қизчанинг онаси ўлиб, ўғай она қўлида қолиб қийналиши тасвирланган. Ушбу эртақни 1991 йилда Хуррам Раҳимов ўзбек тилига ўгирган. Эртақ қахрамони бўлган етим қиз, аслида, ўзига тўқ оиланинг яқкаю ёлғиз фарзанди эди. Афсуски, онаси вафот этгач, отаси бошқа аёлга уйланади. Бу ўғай она икки тантик қизи билан уларнинг хонадонига кириб келади. У ўз қизларига сира иш буюрмай, барча оғир ишларни етим қизга бажартиради. Қиз уйда эмас, ўчоқ бошида тунашга мажбур қилинади. Шунинг учун унинг ҳаммаёғи кул, чанг ва ифлос бўлганидан ўғай опалари “шумшук” дея камситишади ва масхаралашади. Лекин ўғай она қандай иш буюрмасин, қиз ўз онасидан олган тарбияси, ўғитлари сабаб барча ишни эплай олади.

Эртақда қизнинг онаси ўлими сабаби мавҳум қолдирилгани, қизнинг ҳақиқий исми айтилмай, ўғай опаларининг уни калака қилиб айтган сифати эртаққа ном қилиб танлангани қизиқ туюлади. Эртақда қизнинг онаси вафотидан кейин қуш қиёфасига эврилиб, ҳар доим қизи ахволидан огоҳ бўлиб туради, қийин вазиятларда уни қўллаб-қувватлайди.

¹ Kinder-und Hausmärchen der Brüder Grimm. Band II. Berlin “Der Kinderbuchverlag”, 1961, 118 – 121-бетлар.

² Aschenputtel und andere Märchen den Brüdern Grimm. Inter Nationes. Bonn, 1990, 5 – 14-бетлар.

Ўлган инсоннинг руҳи куш киёфасида қайта тирилиши мотиви эртақлардаги анъанавий поэтик мотивлардан биридир. Бу мотивнинг пайдо бўлишига қадимги инсонларнинг руҳ, жон ҳақидаги анимистик тасаввур-тушунчалари, одам ўлгач, унинг жони (руҳи) кушга айланиб учиб кетади деб қараши асос бўлиб, куш культига сиғинишни ҳам келтириб чиқарган.¹ Мана шулар бадий ижодда марҳумлар шахсини кушлар образида талқин қилишга олиб келган. Куш культига сиғинишнинг яна бир асоси қадимда ўлган кишиларнинг жасадини махсус боқилган ўлаксахўр, йиртқич кушларга ем қилиш одати мавжуд бўлганлиги билан ҳам боғлиқ.² Жасадни кушлар еб, суягини этидан тозалагач, суякларни ўликка хизмат кўрсатиш учун белгиланган кишилар – насасалар йиғиб олиб, остадонларга солиб қўйишган.

Баъзи халқлар орасида руҳ айнан маълум бир кушларгагина кўчади, деган ишонч мавжуд. Жумладан, славян ва болқон халқлари марҳум руҳи ўлимдан сўнг фақат каккуга, австралияликлар қарғага ёки қузгунга, океанияликлар эса каркидонга кўчади, деб қараганлар.³ Юқоридаги эртақларда каптар ва мусича шу маънода талқин қилинган кузатилади.

Қуйида таҳлилга тортаётган эртақларимизда она руҳининг куш киёфасида қайта тирилиши тасвирида кушларни бевосита Аждодлар култи тушунчаси билан боғлашни ўзида намоён бўлади. Шунга кўра кўрилган эртақларда руҳи кушга эврилиш орқали бу дунёга қайтган она руҳи болаларига, оиласига ҳомийлик қилиши, мадакдор бўлиши тасвирланган. Эртақларда руҳ-кушларнинг, кўпинча, ҳомий, ёрдамчи, хабар етказувчи, йўл кўрсатувчи, бахт келтирувчи, давлат ҳадя этувчи, оғир юмушни бажаришда кўмак берувчи эпик вазифалари анъанавийлаштирилган.

“Шумшук қиз” эртагида баён этилишича, кунларнинг бирида қизнинг отаси бозордан қайтар экан, ўғай қизларига чиройли қўйлақлар ва тақинчоклар, ўз кизига эса унинг талабига биноан ўрмон йўлидаги ёнғоқ дарахтининг шохасини келтиради. Қиз отасига миннатдорчилик билдириб, ёнғоқ шохасини онасининг қабри бошига сукиб қўяди. Шоха қизнинг кўз ёшлари билан суғорилиб, кўкаради ва чиройли дарахтга айланади. Қиз бу ерга ҳар куни уч маҳал келиб, хабар оларкан, ҳар гал қабр ёнига келганида, битта оқ кушча дарахтга келиб қўнади. Агар қиз бирон нарсани истаб, ундан илтимос қилса, ўша нарсани дарров муҳайё қилиб беради.⁴

Бир куни қиз яшаб турган юрт қироли ўғлини уйлантирмоқчи бўлиб, уч кунлик зиёфат ўтказиш баҳонасида унга гўзал қизларни кўрсатмоқчи бўлади. Табиийки, бу ҳақда ўғай она ҳам хабар топиб, қизларини роса ясантирганча зиёфатга жўнатади. Лекин ўғай қизнинг боришига розилик бермайди. Қайтага унинг олдига бир товоқ тарикни кулга аралаштириб, икки соат ичида тарикни кулдан айириб ола олса, уни ўзи билан бирга зиёфатга олиб боришини ваъда қилади. Шунда қиз орқа эшикдан бокқа чиқиб, каптар, мусичалардан ёрдам сўрайди ва кушлар кўмагида бажариш имкони бўлмаган бу ишнинг уддасидан чиқади. Буни кўриб дарғазаб бўлган ўғай она қизнинг чиройли қўйлаги, оёқ кийими йўқлигини баҳона қилиб, қирол саройидаги тантанали зиёфатга боришини тақиқлайди.

Шунда қиз ўзи эккан ёнғоқ дарахтидан ёрдам сўрайди. Унга дарахтда яшовчи кушча (аслида, онасининг руҳи) кўмак беради. У қизга дарахт устида туриб, тилла ва кумушдан тикилган қўйлақ ва зардўзи туфли ташлайди. Уч кун ҳам куш қизнинг базмда иштирок қилиши учун қўллаб-қувватлайди. У тортиқ қилган кийим-кечаклар билан қизнинг чиройига-чирой қўшилиб, шох саройида нафақат шахзоданинг, балки йиғилган барчанинг эътиборига тушади. Шахзода уч кун фақат шу қиз билан рақсга тушади. Зиёфат тугаши билан ўзининг кимлигини яшириш учун гўзал қиз уйи яқинидаги каптархонанинг бир томонидан кириб, иккинчи томонидан чиқиб, тўғри ёнғоқ дарахти ёнига боради. У ерда ўзининг чиройли қўйлагини ечиб, қабрнинг устига қўяди. Куш келиб, қўйлақни қайтариб олиб кетгач, қиз яна ўзининг эски кийимларини кийиб олиб, тезлик билан ошхонага қайтиб келади.

Бу ҳолат уч кун такрорланади. Ниҳоят, учинчи куни шахзода гўзал қизнинг кимлигини билиш учун қасрдаги барча зинапояларга қатрон суртиб чиқади. Қиз зинапоядан тушаётганида чап оёғидаги туфлиси қатронга ёпишиб қолади. Шахзода қарасаки, туфли кичкинагина, нозиккина, соф тилладан ясалган. Эртасига эрталаб шахзода туфлини олиб, қизнинг отаси олдига боради ва унга туфли қайси қизининг оёғига тўғри келса, ўшанга уйланажagini айтади. Ўғай она қистови

¹ Ўраева Д. Ўзбек мотам маросими фольклори. Т., “Фан”, 2004, 100 – 104-бетлар.

² Рапопорт Ю.А. Из истории религии древнего Хорезма. М., 1971, 24 – 25-бетлар.

³ Пропп В.Я. Исторические корни волшебной сказки. Л., 1946, 190-бет.

⁴ Рахимов Хуррам (тўпловчи). Етти оқкуш (Олмон халқ эртақлари). Т., “Чўлпон” нашриёти, 1991, 258-бет.

билан ўгай опаларнинг бири бошмалдоғини, иккинчиси товонининг бир парчасини кесиб, олтин туфлини кийса-да, туфли уларга тўғри келмайди. Бунни кўриб турган етим қизнинг онаси қабри ёнидаги ёнғоқ дарахти устидаги икки каптар қур-қурлашиб, уларни калака қилади.

Ўгай опалардан бирининг бошмолдоғидан, иккинчисининг кесилган товонидан оққан қонни кўриб, шахзода ҳақиқатни фаҳмлайди ва туфлининг ҳақиқий эгаси бўлган етим қизни топиб, уни отига миндириб кетаётганида бояги каптарлар яна қур-қурлаб сайраб, иккаласини олқишлайди. Сўнгра каптарлар қизнинг ўнг ва чап кифтларига қўниб, уларни кузатиб боришади. Никоҳ вақтида эса ўгай опаларнинг кўзини чўқиб, уларни кўр қилишади. Бу аслида ўгай она учун берилган жазо бўлади.

Мазкур эртақда қушнинг она тимсолида қайта тирилиши ва ўз фарзандига ёрдам бериши мотиви мохирона ифода этилган.

Кўпгина эртақларда қушлар билан шеърӣ сўзлашиш мотиви учрайди. Юқоридаги эртақда ҳам шундай ҳолат кузатилади.

*Rucke di guck, rucke di guck,
Blut ist im Schuck. (Schuh):
Der Schuck ist zu klein,
Die rechte Braut sitzt noch daheim.*¹

*Куёв тўра, хон тўра,
Оёқ кийимига қара.
Туфли торга ўхшайди,
Қони борга ўхшайди.*²

Эътиборли жиҳати шундаки, ўзбек халқ эртақларида ҳам қушлар тилидан келтирилган қўшиқлар мавжуд. Бунга “Опа сингиллар” эртағидаги қушга айланган она образини мисол қилиш мумкин.³ Эртақда ҳасадчи опа ўз сингилсини дарёга итариб ўлдириб, унинг эрига ўзини сингилсини қилиб кўрсатиб, хотини эканига ишонтирмоқчи бўлади. Сингилсининг ўғли 9 ёшга етганда пода боқа бошлайди ва у бир куни ўз подаси билан онаси чўкиб кетган дарё бўйига келади. У эндигина сув ичмоқчи бўлиб энгашганида дарёдан чиройли қушча учиб чиқади (бу қуш ўз онасининг арвоҳи эканлигини бола ва отаси фақат эртақ яқунидагина билишади ва эртақ хайрли яқун топади). Қушча дарахтга қўниб қуйидаги қўшиқни айтади:

*Эҳ, етимча, етимча,
Мол боқасан тунгача.
Ўтин ташиб ўрмондан,
Овқатсиз, кун ботгунча.
Қўндан бери сен шўрлик,
Ўгай онага малай,
Туққан онанг эмас-да,
Қийнайди, чунки ўгай.*⁴

Бола бу қўшиқни эшитгач, атрофга қараб қушчага кўзи тушади. Ундан кўзини узолмай, унинг қўшиғини тинглаб турганида, моллари бировларнинг экинига кириб, пайҳон қилади. Дехқонлар боланинг отасига шикоят қилганларида бола қушчани кўрганлигини айтмай, бошқа баҳоналарни рўқач қилади, яъни биринчи кун бошида рўмоли йўқлиги ва ҳаво иссиқлиги учун салқин жойда ўтириб, молларини беқаров қолдирганини, кейинги кун эса кечқурун онаси битта юпка бергани сабаб совуқ қотиб чиқиб, кундузи офтобда исиниб ўтириб ухлаб қолганини айтади. Яна бир кун ўтгач, бола тагин молларини дарё бўйига ҳайдаб боради. Бу сафар ҳам дарёдан ўша қушча чиқиб, боланинг боши устидан айланиб учиб қўшиқ қуйлайди.

*Эҳ, етимча, етимча,
Ухламайсан кун-кеча.
Туққан онанг у эмас,
Хабаринг йўқ заррача.*¹

¹ Aschenputtel und andere Märchen den Brüdern Grimm. Inter Nationes. Bonn, 1990, 12-бет.

² Рахимов Хуррам (тўпловчи). Етти оққуш (Олмон халқ эртақлари). Т., “Чўлпон”, 1991, 264-бет.

³ Donishmand cho‘pon. O‘zbek xalq ertaklari. Т., “O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi” davlat ilmiy nashriyoti, 2019, 107-бет.

⁴ Шу манба.

Бола кушнинг кўшиғини эшитиб ҳайрон бўлиб турганда, моллар яна ўша экинзорга кириб кетади. Бундан хабар топган отаси фарзандидан жажли чиқиб ўғлини урмоқчи бўлганида, ўғил отасига бўлиб ўтган воқеани бирма-бир айтиб беради. Отаси ишонч ҳосил қилиш учун ўғли билан бирга дарё бўйига борганда, ўғлининг айтганлари ростлигига ишонч ҳосил қилади. Ота-ўғил кушчани уйларига олиб келиб, қафасга солиб, қафасни ҳовлисидаги дарахт шоҳига илиб кўйишади. Кушчанинг кўшиғини уй олдидан ўтувчилар ҳам эшитишади. Бир куни у ўғай онани ёмонлаб кўшиқ айтади. Ўғай она бу сўзларни эшитиб ғазаби қайнаб, қафасдаги кушчани, яъни синглисини иккичи марта ўлдиради. Шунда қафасдаги кушчанинг ўрнида дастлаб бир парча суяк, кейин янги қайчи пайдо бўлади. Бахил хотин қайчини олиб, уйига яширади. Кечкурун ота-ўғил қайтиб келиб кушчани сўраганларида, у кўрмаганлигини айтади. Бироқ ўғай она эрталаб уйга кирганида қайчи ҳамма нарсаларни қиймалаб ташлаганини кўради, жажл қилиб қайчини олиб улоқтиради. Эртак давомида қайчини бир кампир топиб олиб уйига келтиради. Қайчи товуққа айланади. Кампир далага кетганида товук гўзал бир қизга айланиб, овқатлар пишириб, уйни саранжом-саришта қилади. Буни кўрган кампир гўзал қизга айланган товукдан бўлиб ўтган барча воқеани эшитиб билиб олади.

Эртакда воқеалар ривожда бола ўз онасини таниб қолиши, отаси эса хотини ва унинг ўрнини эгаллаган жодугар опасини синаш учун хар иккаласидан ялангоёқ ҳолда тиканзордан ўтишини талаб қилиши, боланинг онаси сновдан яхши ўтиб, ўғай она тиканзорда йиқилиб ўлиши тасвирланган. Кўринадики, барча эртақлардагидек, бу эртақ якуни ҳам яхши инсонларнинг мурод-мақсадларига эришиши билан тугайди.

Хулоса қилиб айтганда, ўлган кишининг руҳи куш кўринишида тириклар орасига қайтиб келишига ишониш, ўлимдан сўнгги қайта тирилиш ва ҳаёт, унинг қаерда ва қандай давом этишига қизиқиш, марҳумлар манзили ҳақидаги турли ибтидоий-мифологик қарашлар дунё халқлари эртақларида асосий мотивлардан бири ҳисобланади.

Юсупова Гузаль Рашитовна (Самаркандский государственный институт иностранных языков)
ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ ИССЛЕДОВАНИЯ НАРРАТИВА

***Аннотация.** Мақолада ҳикоя назариясининг асосий объекти бўлган, “нарратив” тушунчасининг турли талқинлари ва унинг мустақил соҳа – нарратологияга айланишида француз структуралистларининг таъсири кўриб чиқилган. Асосий эътибор нарративнинг айниқса, унинг бадиий тури асосини унинг структураси ташкил қилишига қаратилган. “Нарратив” феноменини батафсил ва чуқур тадқиқ қилишига ҳаракат қилинган. Нарративнинг коммуникатив ва прагматик аспектлари кўриб чиқилган. Тадқиқот натижаларига кўра, қуйидагиларни қайд қилиш мумкин: “нарратив” феноменининг ўзига хослиги шундаки, “ҳикоя қилиш воқеъликка тўғридан-тўғри таъсир қилиш учун эмас, ҳикоя учундир”. Нарратор ва шарҳловчининг асосий эътибори қандайдир воқеанинг якуний хулосасига эмас, унинг талқинига (бу ҳолат айниқса, бадиий нарративга тегишли) қаратилади. Шунингдек, замонавий нарратология ютуқларининг амалий татбиғи бўйича истиқболли йўналишлари ҳам белгиланган.*

***Аннотация.** В статье рассмотрены различные трактовки понятия «нарратива», как основного объекта теории повествования и влияние французских структуралистов на становление новой самостоятельной дисциплины – нарратологии. Особое внимание уделено тому, что основу нарратива, в особенности художественного составляет его структура. Предпринята попытка более всестороннего и глубокого изучения феномена «нарратива». Рассмотрен коммуникативный и прагматический аспект нарратива. В результате исследования можно заключить следующее: особенность феномена «нарратива» заключается в том, что повествование разворачивается не ради прямого воздействия на действительность, а ради самого рассказа. Основное внимание нарратора и интерпретатора уделяется не исходному смыслу какого-либо события, а способу его трактовки (особенно в художественном нарративе). А так же определены перспективные направления практического применения достижений современной нарратологии.*

***Annotation.** This article has dealt with various interpretations of the concept of "narrative" as the main object of narrative theory. The influence of French structuralists on the formation of a new independent discipline – narratology are discussed. Much attention is given to the fact that the structure is*

¹ Шу манба. 108-бет.

the basis of a narrative, especially literacy one. The author attempt to study the phenomenon of 'narrative' more comprehensively and in depth. The communicative and pragmatic aspects of the narrative are considered. As a result of the study, we can conclude the following: the peculiarity of the phenomenon of narrative is that the narrative unfolds not for the sake of direct impact on reality, but for the sake of the story itself. The main attention of narrator and interpreter is paid not to the initial meaning of any event, but to the way of its organization (especially in literacy narrative). The forward-looking directions of the practical application of modern narratology achievements are also determined.

Калим сўзлар: *нарратив, нарратология, структура ва структуралашуви.*

Ключевые слова: *нарратив, нарратология, структура и структурирование.*

Key words: *narrative, narratology, structure and structuring.*

В последние несколько десятилетий наблюдался взрыв интереса к нарративу, особенно с позиций когнитологии, и этот многогранный объект исследования стал главной проблемой в широком спектре дисциплинарных областей и исследовательских контекстов.

Труды французских структуралистов Р.Барта, К.Бремона, А.-Ж.Греймаса, Ж.Женетта в русле литературоведения продемонстрировали повышающийся интерес к художественному нарративу, который привёл к возникновению новой самостоятельной дисциплины – нарратологии. В их работах впервые было введено понятие нарратива. Целью ряда исследований стало создание универсальной модели нарратива, в связи с этим были установлены единицы и закономерности нарратива, обеспечивающие его конструирование.

Для начала обратимся к науке, основным объектом которой, является нарратив. Нарратология – это «теория повествования».¹ В широкое употребление понятие «нарратологии», как «теории повествования», начинает входить после новаторских работ Ролана Барта,² Клода Бремона,³ Цветана Тодорова, в особенности «Grammaire du Decameron»⁴ последнего, где теоретик ввёл понятие нарратологии как «науки о рассказе».

В «Словаре нарратологии», изданном в 1988 году, Дж. Принс использует термин нарратология в двух значениях. Во-первых, нарратология – это «родившаяся под влиянием структурного подхода теория нарратива. Нарратология изучает природу, форму и функционирование нарратива (независимо от формы репрезентации) и пытается описать нарративную компетенцию. В частности, она изучает то общее, что имеют все нарративы и только нарративы (на уровне сюжета, повествования и их отношений), так же, как и то, что отличает их друг от друга, и пытается объяснять способность порождать и понимать их».⁵ Во втором значении нарратология изучает нарратив в качестве «вербальной формы представления ситуаций и событий, организованных во временном плане. В этом, более узком, смысле нарратология не рассматривает сам по себе уровень сюжета, а фокусирует внимание на возможных отношениях между сюжетом и нарративным текстом, рассказом и нарративным текстом, сюжетом и рассказом. Специально она исследует проблемы времени, модальности и позицию (голос).⁶

Для более полной характеристики явления нарратологии необходимо обратить должное внимание не его основной объект исследования. Как было отмечено выше, основным объектом нарратологии является нарратив. Понятие «нарратив» появилось в философии в эпоху постмодерна и, с научной точки зрения, означает исторически и культурно обоснованную интерпретацию некоторого аспекта мира. Нарратив, или сторителлинг (англ. storytelling – «рассказывание истории»), является важнейшей формой построения вербального общения между людьми – неистребима потребность человека «реализоваться» в рассказе о чем-либо кому-либо, когда он доминирует над слушателем, вовлекая его в игру по своим правилам.

Следует напомнить, что по своей этимологии слово «нарратив» происходит от латинского

¹ Шмид В. Нарратология. М., Языки славянской культуры. 2003, 312 с.

² Барт Р. Введение в структурный анализ повествовательных текстов. Французская семиотика. От структурализма к постструктурализму, пер. с фр. и вступ. ст. Г.К.Косикова. М., «Прогресс», 2000, с. 196 – 238.

³ Bremond C. Le message narrative. Communications. 1964, №4, p. 4 – 32.

⁴ Todorov T. Grammaire du Décaméron, The Hague-Paris, Mouton, «Approaches to Semiotics – 3», 1969, 100 p.

⁵ Prince G.A. Dictionary of Narratology. Great Britain. Scholar Press, 1988, с. 65; Микалаускайте Е.Ю. Дискурсивная обработка культурной чужеродности в литературном ксенонарративе: коммуникативно-прагматический аспект. Дис. ... канд. филол. наук, Красноярск, 2019, 257 с.

⁶ Prince G.A. Dictionary ...с. 65.

“narrare”—«рассказывать, повествовать» и этимологически связан с латинским словом *gnarus*, то есть «знающий», «эксперт», «осведомлённый в чём-либо», восходящим, в свою очередь, к индоевропейскому корню *gna* – («знать»). До первого века н.э. термин *narratio* использовался как технический термин, обозначающий часть речи оратора, следующей за провозглашением тезиса. Впоследствии термин был расширен и означал уже изобретательное рассказывание историй, которое также рассматривалось как часть риторики. Слово «наррация» исторически означало «дать устный или письменный отчёт о чём-то, рассказать историю».¹

В статье предпринята попытка более всестороннего и глубокого изучения феномена «нарратива», в частности художественного. В этом контексте представляется весьма актуальным исследование Джеральда Принса. В связи с появлением в Великобритании специального «Словаря нарратологии» (о котором говорилось выше) представляется целесообразным привести и принять за основу базовую часть даваемого в нем определения нарратива, которая указывает на коммуникативную и прагматическую природу нарратива (вся словарная статья занимает три страницы): Нарратив – «передача (как итога и процесса, объекта и акта, структуры и структурирования) одного или более реальных или вымышленных событий, о которых рассказывает один, два или несколько (более или менее явных повествователей) одному, двум или же нескольким (более или менее явным) адресатам».²

Ключевыми словами, с позиций когнитивного моделирования нарратива, в данном определении являются «структура и структурирование», что ещё раз подчеркивает тот факт, что основу нарратива, в особенности художественного составляет его структура. На наш взгляд именно поэтому на рубеже 70-80-х годов те исследователи, которые остаются верными структуралистским установкам, сосредотачивают свои усилия в сфере нарратологии. Именно поэтому современная нарратология может рассматриваться как усовершенствованная и весьма трансформированная форма структурализма. В качестве подтверждения считаем правомерным определение польского ученого Р. Ингардена, который утверждает, что структура художественного произведения есть одновременно способ его существования.³

Продолжая анализировать явление нарратива, нельзя не обратить должного внимания на определение Д.Германа: «нарратив фундаментальный способ организации человеческого опыта и инструмент конструирования моделей реальности», П.Рикер, в свою очередь выдвигает мысль о том, что «нарратив позволяет людям примириться с временным характером их существования», П. Шэффер утверждает, что «нарратив это оболочка в которой мы формируем и храним память», М. Фуко подчеркивает, что «нарратив создает и передает культурные традиции и строит ценности и убеждения, которые определяют культурную идентичность, нарратив – способ главных идеологий и инструмент власти» и т.д.⁴

Исходя из вышеприведенных определений нарратива, следует отметить, что ключевым по отношению к когнитивной нарратологии в ее литературоведческой ориентированности являются определения Д.Принса и Д.Германа в совокупности. Таким образом, в результате нашей частичной корректировки можно утверждать, что «нарративом является организованная передача одного или более реальных или вымышленных событий в пространстве и во времени, о которых рассказывает один, два или несколько повествователей одному, двум или же нескольким адресатам, при этом сам нарратив это фундаментальный способ организации человеческого опыта и инструмент конструирования моделей реальности». В этой связи следует заметить, что данное определение направлено на процесс и способы моделирования нарратива и всех его составляющих в художественном тексте.

Оптимальным примером, подтверждающим важность существования нарратива в жизни каждого индивида считаем теорию о том, что мы осмысляем себя, свою жизнь и своё отношение с

¹ Трубина Е.Г. Нарратология. Основы, проблемы, перспективы. Материалы к специальному курсу. Екатеринбург, издательство Уральского университета, 2002, с. 9.

² Prince G.A. Dictionary...с. 58; Андреева К.А. Маргинальные формы организации структуры и семантики современного нарратива. Вестник ТюмГУ, 2006, № 4, с. 118.

³ Ингарден Р. Введение в феноменологию Эдмунда Гуссерля. Пер. А.Денежкина и В. Куренного. М., “Дом интеллектуальной книги”, 1999 (электронный ресурс), URL: <http://sites.google>.

⁴ Ryan M.L. Entry for the forthcoming Routledge Encyclopedia of Narrative 2004 (Online) Available: <http://amar.colostate.edu/~pwyryan/narrentry.Htm>; Андреева К.А. Маргинальные формы организации структуры и семантики современного нарратива. Вестник ТюмГУ, 2006, №4, с. 119.

другими людьми с помощью историй. Если бы у нас не было нарратива, своего рода связывающей конструкции, то весь наш опыт он бы распадался или расщеплялся. Был бы просто раздробленный набор фактов, посредством которых невозможно было бы действовать или принимать какие-либо решения или строить отношения. Нарратив дает возможность человеку собрать воедино в определённую единую нарративную структуру все эти факты и уже сформировав историю действовать. Нарратив – это структурированное логичное повествование, в котором отражается индивидуальное восприятие реальности рассказчика.

На наш взгляд особенность феномена «нарратива» заключается в том, что «повествование разворачивается не ради прямого воздействия на действительность, а ради самого рассказа». Основное внимание рассказчика и слушателя уделяется не исходному смыслу какого-либо события, а способу его трактовки (особенно в художественном нарративе). Одна и та же история людьми с разными взглядами рассказывается по-разному. Это – главная отличительная особенность нарратива. Нарратив – это рассказ о модели мира человека с точки зрения этого нарратива. То, что ему не близко он преуменьшает, отбрасывает, а то что ему близко акцентирует. «Научившись» создавать нарратив нужного направления, можно постепенно изменить основной сюжет, главных героев и сам смысл

Отметим, что в настоящее время теория повествования, обладающая обширным теоретико-методологическим аппаратом, представляет собой перспективную сферу исследования. Основные направления практического применения достижений нарратологии – это, прежде всего, анализ протосхем построения литературного текста (нарративные структуры различных жанровых моделей), разработка системы повествовательных инстанций на разном уровне коммуникации и поиск способов и приёмов их маркирования в тексте, а также методов нарратологического анализа и путей экстраполяции описательных моделей на конкретные тексты.

Дурменов Шухратжон Нурмаматович (Низомий номидаги
Тошкент Давлат Педагогика университети катта ўқитувчиси, miron20009@gmail.com)
**ЭЛЕКТРОН ДАРСЛИК – ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИ УНУМДОРЛИГИНИ ОШИРИШ
ВОСИТАСИ**

***Аннотация.** Мазкур мақолада электрон дарсликларнинг таълим жараёни самарадорлигини оширишдаги роли, мустақил таълимида ахборот технологияларидан фойдаланишнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан материал мазмуни ва автоматлаштирилган таълим тизимларидан фойдаланиш усули, электрон дарслик яратиш тамойиллари ва талаблари, педагогик таъсир воситалари орқали батафсил ёритиб берилган.*

***Аннотация.** В данной статье подробно освещена роль электронных учебников в повышении эффективности образовательного процесса, эффективность использования информационных технологий в самостоятельном образовании, материальное содержание и метод использования автоматизированных образовательных систем, принципы и требования создания электронного учебника, средства педагогического воздействия.*

***Annotation.** In this article, the role of electronic textbooks in improving the effectiveness of the educational process, the effectiveness of the use of information technologies in independent education is explained in detail in many ways by the content of the material and the method of using automated educational systems, the principles and requirements of creating electronic textbooks, the tools of pedagogical influence.*

***Калим сўзлар:** электрон дарслик, таълим, ўқув қўлланма, тақдимот, гипермуружаат, компьютер, операцион тизим, дастурлаш тили, графика, мультимедиа элементлари.*

***Ключевые слова:** электронный учебник, учебное пособие, учебное пособие, презентация, гипер обращение, компьютер, операционная система, язык программирования, графика, мультимедийные элементы.*

***Key words:** electronic textbook, education, textbook, presentation, computer, operating system, programming language, graphics, multimedia elements.*

Илмий-техник тараққиёт ютуқларини, биринчи навбатда, ақс эттирадиган энг муҳим соҳалардан бири – бу таълим соҳаси ҳисобланади. Айнан таълим алоҳида мамлакатлар ва бутун инсониятнинг келажагини таъминлайдиган омил бўлиб, жамият тараққиётини тезлаштирувчи, илгари бошловчи кучдир. Сўнгги йилларда республикамизда таълим жараёнига долзарб тизим сифатида катта аҳамият берилмоқда.

Маълумки, дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар ҳамда бошқа ўқув-методик мажмуалар таълим сифатини оширишда катта аҳамиятга эга. Босма нашр асосида яратилган мавжуд анъанавий дарсликлар таълимга ахборот технологияларини татбиқ этиш билан боғлиқ ахборотлаштириш мақсадларига эришиш учун етарли бўлмайд қолди. Шу боис янги электрон ресурсларни яратиш ва уни таълим жараёнига татбиқ этиш таълимни ахборотлаштиришнинг долзарб муаммосига айланди. Бу борада электрон ўқув адабиётларини яратиш ва уларни таълим жараёнида қўллаш катта аҳамият касб этади.¹

Талабалар мустақиллигини кучайтириш, ўқув материалнинг мазмуни билан боғлиқ бўлган шунингдек, назорат характеридаги вазифаларнинг яна-да индивидуаллашувини кўзда тутувчи талаблар мустақил таълимнинг ахборот-коммуникатив шаклига ўтиш тенденцияси жамият ривожига ўзгаришлар, ахборотлаштириш жараёнининг фаоллашуви билан белгиланади. Мустақил таълимда ахборот технологияларидан фойдаланиш талабалар учун босма адабиётлар билан бир қаторда, ўргатувчи дастурлар, тест тизимлари, маълумотлар базалари ва бошқа электрон ресурслар билан ишлаш имкониятини яратади. Барча электрон нашрлар талабаларнинг мустақил таълимни ташкил этишда таянч вазифасини бажариши мумкин бўлишига қарамасдан, булар ичида мультимедиялилари энг самарали ҳисобланади.

Талабалар мустақил таълимида ахборот технологияларидан фойдаланишнинг самарадорлиги

¹Тайлақов Н.И. Электрон дарслик яратишга қўйиладиган талаблар. «Халқ таълими», 2005, 2-сон, 17–20-бетлар.

кўп жиҳатдан материал мазмуни ва автоматлаштирилган таълим тизимларидан фойдаланиш усули билан боғлиқ бўлган методик характердаги вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилишига боғлиқ. Шунинг учун мустақил таълимда конкрет ўқув дастури мазмуни бўйича яратилган дастурий-услубий мажмуалар кўринишидаги автоматлаштирилган таълим тизимларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бундай тизимлар таркибига турли электрон китоблар, ўтилган материални такрорлаш ёки билимларни тизимлаштириш учун мўлжалланган махсус дастурлар, масофадаги ахборот ресурсларига мурожаат қилиш дастурлари, билимларни назорат қилиш, малака ва кўникмаларни баҳолашнинг автоматлаштирилган тизимлари ва бошқалар киритилиши мумкин.

Электрон ўқув дарслиги–замонавий ахборот технологиялари асосида маълумотларни жамлаш, тасвирлаш, янгилаш, сақлаш, билимларни мулоқот усулида тақдим этиш ва назорат қилиш имкониятларига эга бўлган манбадир. Электрон ўқув адабиётлари турли категориялар бўйича таснифланиб, буларга электрон маъруза матнларидан тортиб, электрон дарсликларгача бўлган ўқув мақсадидаги барча электрон нашрлар мисол бўлади. Булар орасида электрон дарсликнинг ўқув жараёнида ўқув материалларидан фойдаланиш учун кенг имкониятлар яратадиган ўқув воситаси сифатида алоҳида ўрни бор. Тажрибадан маълумки, инсон эшитиш аъзоларига нисбатан кўриш аъзолари ёрдамида олинган маълумотларни 5 маротаба кучлироқ эслаб қолиши мумкин. Эшитиш аъзоларидан фарқли равишда, кўриш аъзоларидан олинаётган маълумотлар қайта кодлаштирилмай, тўғридан-тўғри хотирага ўтади ва узок сақланади.

Электрон дарслик анъанавий дарсликларга қараганда, ўқув материалларини намойиш қилиш учун кенг имкониятлар яратади. Электрон дарслик ўқувчиларнинг кўпроқ мустақил ишлашлари учун мўлжалланган дидактик функцияларни бажариш билан бир қаторда, ўқув жараёнига қўйилган барча талабларга жавоб бериши керак. Шундай экан, электрон дарсликларни таълим жараёнига татбиқ этишда уларнинг педагогик томонларидан ташқари, психологик ва гигиеник томонларини ҳам эътиборга олиш талаба ва ўқувчиларнинг интеллектуал қобилиятларини ва уларнинг бу жараёнда фаол иштирок этишини таъминлайди. Электрон дарсликлар асосида ўқув жараёнини ташкил қилиш ўқув материалларини фаннинг сўнгги ютуқлари асосида тезкор янгилаб бориш ва шунга ўхшаш бир қатор афзалликлар туғдирадики, анъанавий дарсликдан электрон дарсликнинг устунлиги унинг «интеллектуал» кучга эга бўлиши билан бир қаторда, маълумотларни ўз вақтида ва керакли жойда тақдим этиш имкониятига эга эканлигида яққол сезилади.

Электрон дарслик маълум бир предмет бўйича барча тегишли ўқув материалларини ўзида ифода этган бўлиши керак, унинг интеллектуал даражада бўлиши эса, ўз навбатида, оддий дарсликка нисбатан бир қатор афзалликларни туғдиради. Масалан, маълумотларни тез излаб топиш, мавзуларни ўзлаштириш даражасини мультимедиа ва графика элементлари ёрдамида амалга ошириш ва ҳоказо.¹

Ҳар бир электрон дарслик алоҳида кўринишда бўлиши ва маълум бир стандарт талабига жавоб бериши лозим. Электрон дарслик компьютерли ўқув услубини қўллашга ва фанга оид ўқув материалларининг ҳар томонлама самарадор ўзлаштирилишига асосланган ўқув адабиёти бўлиб, тўртта даражадан биттасига тааллуқли бўлиши мумкин.

1-даража: ўқув материални фақат вербал (матн) кўринишида тақдим этадиган электрон дарслик;

2-даража: ўқув материални вербал (матн) ва график (тасвирли) шаклда тақдим этадиган электрон дарслик;

3-даража: мультимедиа дарслиги, яъни маълумот уч ўлчамли график кўринишда, овозли, видео, анимация ва қисман вербал (матн) шаклида тақдим этиладиган мультимедиали электрон дарслик;

4-даража: материал овозли ва уч ўлчамли фазовий кўринишда бўлиб қолмасдан, тактик (ҳис қилинувчи, сезиладиган) хусусиятли маълумотлар воситасида баён қилиниб, ўрганувчини «экран оламида» стереонусхаси тасвирланган реал оламга кириш ва ундаги объектларга нисбатан ҳаракатланиш тасаввурини яратадиган электрон дарслик.²

Барча тоифадаги электрон дарсликлар ўқув жараёнининг самарадорлигини оширишда ва

¹ Тайлақов Н.И., Усмонов М. Узлуксиз таълим жараёнида инновацион технологиялардан фойдаланишнинг аҳамияти. «Узлуксиз таълим» журнали, 2013, 5-сон, 67 – 70-бетлар.

² Усмонов М. Интерактив электрон ўқув курслар – ўқитиш фаолиятининг янги воситаси сифатида. «Халқ таълими» журнали, 2011, 6-сон, 22 – 23-бетлар.

талабаларнинг мустақил билим олишлари ҳамда масофадан ўқитишни ташкил қилиш учун катта имкониятлар яратади. Электрон дарсликдан фойдаланишдан асосий мақсад – янги ахборот, таълим услубини шакллантириш, замонавий ахборот-педагогик, ахборот ва компьютер технологияларини қўллаш орқали таълим жараёнининг самарадорлиги, сифати ва унумдорлигини ошириш, узлуксиз таълим тизимида замонавий ўқув манбалари, электрон-ўқув дарсликларини кенг қўллаш, уларнинг маълум маънода кутубхоналарини ташкил этиш, таълимнинг масофадан ўқитиш усулларини амалда жорий этиш ва умумжаҳон электрон ўқув тизимига киришдан иборат. Юқорида тўхталиб ўтилган педагогик мақсадларга эришиш учун электрон дарслик маълум дидактик, педагогик ва психологик талабларга жавоб бериши керак.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, электрон дарсликлар педагог ходимлар ва ўқувчи-талабалар учун кенг миқёсда имкониятлар яратади. Электрон дарсликлар асосида ўқув жараёнини ташкил қилиш ўқув материалларини фаннинг сўнгги ютуқлари асосида тезкор тарзда янгилаб бориш ва шунга ўхшаш бир қатор афзалликлар туғдиради. Таълимда ўқитишнинг электрон воситаларидан фойдаланиш натижасида ўқитиш жараёнининг индивидуаллашуви содир бўлади. Ҳар бир талаба ўқув материални режа асосида, ўз индивидуал қобилиятларига таяниб ўзлаштириш имкониятига эга бўлади. Бу яхши ўзлаштирадиган талабаларнинг суст ўзлаштирадиган талабаларга нисбатан анча илгарилаб боришига олиб келиши мумкин.

Умаров Абдусаттор Ортиқович (Фарғона Политехника институти физика кафедраси катта ўқитувчиси, e-mail: abdusattorumarovfizika@gmail.com), Зоҳидов Иброҳимжон Обиджонович (Наманган Давлат университети физика кафедраси доценти, педагогика фанлари номзоди)

10-СИНФ ФИЗИКА КУРСИДА "АМПЕРМЕТР ВА ВОЛЬТМЕТРНИНГ ЎЛЧАШ ЧЕГАРАСИНИ ОШИРИШ" МАВЗУСИНИ ЎҚИТИШ

Аннотация. Ушбу мақолада "Амперметр ва вольтметрнинг ўлчаш чегарасини ошириш" мавзусини ўқитишда "Шунтлаш методи билан гальванометрнинг қаршилигини аниқлаш" лаборатория машғулотини қўллаш орқали ўқувчиларнинг билим ва кўникмаларини чуқурлаштириш ҳамда ўқувчиларга янги ишлаб чиқариш воситаларини яратишда амперметр ва вольтметрдан тўғри фойдаланиш йўллари ёритилган.

Аннотация. В статье основное внимание уделяется проведению лабораторного занятия "Определение сопротивления гальванометра методом шунтирования" при изучении темы «Повышение предела измерения амперметра и вольтметра» для углубления знаний и навыков учащихся, а также правильного использования амперметра и вольтметра при создании новых приборов для производства.

Annotation. This article is focused on the application of the laboratory lesson "Determination of the resistance of a galvanometer by shunt method" when studying the topic "Increasing the limit of measuring an ammeter and voltmeter" to deepen students' knowledge and skills, as well as the proper use of an ammeter and voltmeter when creating new instruments for production.

Калим сўзлар: амперметр, вольтметр, шунт, гальванометр, ток манбаи, қаршиликлар магазини, электр калити.

Ключевые слова: амперметр, вольтметр, шунт, гальванометр, источник питания, магазин сопротивления, ключ.

Key words: ammeter, voltmeter, shunt, power supply, resistance shop, key.

Умумий ўрта таълим мактаб физика курсида ўқувчиларнинг билимини чуқурлаштириш учун маъруза ўқиш, масала ечиш ва лаборатория машғулотларидан фойдаланилади. 10-синф физика курсида "Амперметр ва вольтметрнинг ўлчаш чегарасини ошириш" мавзусини ўқитишда гальванометрни амперметр ва вольтметрга айлантириш учун ўқувчилар ҳисоблашни, шу ҳисоблар асосида электр занжири тузиб амалда ўзлари бажарса, билими ортади ҳамда малака ҳосил бўлади.¹ Ҳар қандай электр энергияси манбаи ҳисобига ишлайдиган ишлаб чиқариш корхонасига сарфланаётган электр қувватини амперметр ва вольтметрнинг ўлчов қиймати орқали назорат қилинади. Шунинг учун ўқувчилар гальванометрдан амперметр ва вольтметр ўлчов асбоби сифатида фойдаланишни

¹ Турдиев Н.Ш., Турсунметов К.А., Ганиев А.Г., Суяров К.Т., Усаров Ж.Е., Авлиёкулов А.К. Физика. 10-синф дарслиги. Т., "Ўзбекистон", 2018.


билиши шарт. Электр занжирида ишлатиладиган электр ўлчов асбоблари маълум чегарада ишлай олади. Масалан, гальванометр электр токини жуда кичик қийматларини сезадиган асбоб бўлиб, ток кучининг кичик қийматларини ва кучланишнинг кичик қийматларини ўлчай олади.

Гальванометр $10^{-6} \div 10^{-10}$ А кучсиз тоқларни ўлчайди ва унинг ички қаршилиги $10^8 \div 10^{10}$ Ом га тенг.¹ Ўзгармас кучсиз тоқларни ўлчашда магнитоэлектрик гальванометрдан фойдаланилади. Магнитоэлектрик гальванометр магнит майдонининг тоқли ўтказгичга таъсири сифатида ишлайди, яъни,

$$F = BI\ell \sin \alpha \quad (1)$$

α – тоқнинг йўналиши билан магнит индукция векторини йўналиши орасидаги бурчак; B – магнит индукцияси; I – ўтказгичдан ўтаётган тоқ кучи; ℓ – ўтказгичнинг узунлиги.


Гальванометрнинг ўлчаш чегарасини ошириш учун унга қўшимча қаршилик уланади. Гальванометрни амперметр сифатида ишлатиш учун унга паралел равишда шунт (қўшимча қаршилик) деб аталадиган, қаршилик қиймати кичик бўлган шунт уланади. Занжирнинг бир қисми учун Ом қонунига асосан қаршилик қиймати кичик шунтдан катта тоқ ўтади, гальванометрнинг ички қаршилиги шунт қаршилигидан бир неча минг баробар катта бўлгани учун кам тоқ ўтади ва ярқисиз ҳолатга келмайди.²



1-расм. а) гальванометрга параллел шунт улаб, амперметр ҳосил қилинган электр занжири схемаси; б) гальванометрга кетма-кет шунт улаб, вольтметр ҳосил қилинган электр занжири схемаси.



а)



б)

2-расм. а) гальванометрга параллел шунт улаб, амперметр ҳосил қилинган электр занжирининг кўриниши; б) гальванометрга кетма-кет шунт улаб, вольтметр ҳосил қилинган электр занжирининг кўриниши.

Гальванометрдан вольтметр сифатида фойдаланиш учун унга қаршилиги катта бўлган шунт (қўшимча қаршилик) кетма-кет уланади, сабаби занжирнинг бир қисми учун Ом қонунига асосан шунт учларида катта кучланиш ҳосил бўлади, гальванометрнинг ички қаршилиги кичик бўлгани учун ундаги кучланишнинг қиймати кичик бўлади ва гальванометр ярқисиз ҳолатга келмайди.

Гальванометрни амперметрга ёки гальванометрга айлантириш учун гальванометрнинг қаршилигини ўлчаш керак. Гальванометрнинг қаршилигини аниқлашда “Шунтлаш методи билан гальванометрнинг қаршилигини аниқлаш” лаборатория машғулотини ўтказишимиз керак ва бу лаборатория машғулотини тавсия қиламиз.




¹ Майсова Н.Н. Практикум по курсу общей физики. М., “Высшая школа”, 1970.

² Рахимов А. Электротехника ва электроника асослари. Т., “Ўқитувчи”, 1988.

Мавзу: шунтлаш методи билан гальванометрнинг қаршилигини аниқлаш.

Керакли асбоблар: гальванометр, 100000 ом.ли қаршилик магазини, қаршилиги 1000 дан 900 ом гача бўлган шунт қаршилиги, 1,5 – 2,5 вольтли ток манбаи, иккита калит.

Назарий қисм. Гальванометр билан, одатда, жуда кичик тоқларни ўлчанади. Гальванометр билан амперметр ва вольтметр орасида ишлаш жиҳатидан принципиал фарқ йўқ. Гальванометрга қўшимча қаршилик улаш билан уни амперметрга ёки вольтметрга айлантириш мумкин. Агар қўшимча қаршилик гальванометрга параллел уланса, у амперметрга айланади. Бу гальванометрга параллел уланган қўшимча қаршиликни шунт деб аталади. Уни қаршилиги гальванометрнинг ички қаршилигидан бир неча марта кичик бўлади. Агар гальванометрдан вольтметр сифатидан фойдаланмоқчи бўлсак, унга қўшимча қаршилик кетма-кет уланади. Бу қўшимча қаршилик бир неча минг ом бўлиши керак. Чунки вольтметр занжирнинг икки нуктаси орасидаги потенциаллар айирмасини ўлчайди. Занжирнинг бир қисми учун ом қонунига асосан, юқори кучланишни вольтметрнинг ички қаршилиги катта бўлмаса, ўлчай олмайди. Чунки гальванометрда кичик кучланиш ҳосил қилинади шунтда эса кичик кучланиш ҳосил бўлади ва шунтдаги кучланиш билан гальванометрнинг кучланиш йиғиндиси вольтметр кучланишини беради, акс ҳолда, унинг ўзидан ток ўтиб кетади ва ярқисиз ҳолатга келади. Гальванометрга қўшимча қаршилик, шунт улаш 3-расмда кўрсатилганидек бўлади.



3-расм. Гальванометрга қўшимча қаршилик, шунт улаш.

Бизнинг лабораториямизда гальванометрнинг ички қаршилигини гальванометрга шунт улаш усулида фойдаланиб аниқланади. Гальванометр қаршилигини Кирхгофнинг II қонидасига асосан топилади. Бу қоидага кўра, тармоқланган занжирнинг берк контурида ток манбаларининг электр юритувчи кучларининг алгебраик йиғиндиси ток кучининг шу контурнинг тегишли қисмлари қаршиликларига кўпайтмасининг алгебраик йиғиндисига тенг.

Яъни:


$$\sum_{i=1}^n E_i = \sum_{i=1}^n I_i R_i \quad (2)$$

Доимий ток манбаи, гальванометр ва қаршилиги R бўлган қаршиликлар магазинидан ҳамда калит K дан иборат занжир тузамиз (3-расм). Гальванометр ва шунт қаршилиги $R_{ш}$ параллел улангани учун занжирнинг тармоқланган қисмидаги кучланиш,

$$U_{AB} = I_g R_g = I_{ш} R_{ш} \quad (3)$$

формула билан аниқланади.

Юқоридаги тенгликдан шунт орқали ўтувчи токни топамиз: $I_{ш} = I_g \frac{R_g}{R_{ш}}$ (4)



4-расм. Шунт улаш схемаси.

Элементнинг ички қаршилигини ҳисобга олиб, Кирхгофнинг II-қонунига асосан иккита тенгликни ёзиш мумкин. Шунт уланмаган вақт


$$E = IR + IR_g \quad (5)$$

Шунт уланган вақтда эса $E = (I_g + I_{ш})R_1 + I_g R_g$ (6) бўлади.

$I_{ш}$ ни қийматини (5) тенгликка қўйсақ, (2) ва (5) тенгликларни чап томонлари тенг ҳамда $I=I_g$ эканлигини ҳисобга олиб, тенгламани R_g га нисбатан ечсак,

$$R_g = R_{ш} \frac{R - R_1}{R_1} \quad (7)$$

ҳосил бўлади. Шу (5) ифода ишчи формула ҳисобланади. [3]



5-расм. Гальванометрга қўшимча шунт улаш орқали вольтметрни ҳосил қилиш электр занжири.

Ишнинг бажариш тартиби:

1. Ишнинг назарий қисми пухта ўзлаштирилади.
2. 3-расмдагидек электр занжири тузилади (тузилган электр занжирининг тўғрилиги ўқитувчига текширтирилади).
3. Қаршиликлар магазинидан энг катта қаршилик $R=6000 - 8000$ Ом олинади, шу ҳолатда K_1 уланади. Гальванометр стрелкасининг кўрсатиши ёзиб олинади.
4. Шунт қаршилигидан 100 ёки 200 Ом қаршилик олинади ($R_{ш}$) ва калит K_2 уланади. Гальванометр стрелкаси дастлабки ҳолатга келгунча қаршилик магазинидан қаршилик камайтирилади. Бу камайган қаршилик R_1 бўлади.
5. Топилган қийматларни (5) формулага қўйиб, гальванометрни R_g қаршилиги топилади. Шунт қаршилигини ва қаршилик магазинидан олинган энг катта қаршилик қийматларини ўзгартириб, тажрибани бир неча марта такрорлаш мумкин.
6. Топилган натижалар қуйидагидек жадвалга ёзиб қўйилади.

№	R	R ₁	R _{III}	R _g	ΔR _g	$\delta = \frac{\Delta R}{R_g} \cdot 100\%$
1						
2						
3						
Ўрт. кий.						

Савол ва топшириқлар:

1. Занжирнинг бир қисми ва бутун занжир учун ом қонунини ёзиб, сўнгра тушунтиринг.
2. Кирхгофнинг 1 ва 2-қонунларини тушунтириб беринг.
3. Ишчи формуланинг келтириб чиқарилишини тушунтиринг.
4. Шунт ва унинг қўлланилишини айтинг.

Zunnunov Azizxon Olimxon O'g'li (Mirzo Ulug'bek nomidagi

O'zbekiston Milliy universiteti tayanch doktoranti, e-mail: zizu.zunnunov@gmail.com)

TAYINLANGAN KOMPAKTDAGI DIFFERENSIAL O'YINLARDA QUVISH MASALASI

Аннотация. Ushbu maqolada tekislikdagi tayinlangan K kompaktda sodda harakatli quvish masalaasi l -tutish ma'nosida qaralgan. O'yinni chekli vaqtda nihoyasiga yetkazishni ta'minlovchi bo'lakli o'zgarmas quvish boshqaruvini qurish strukturasi tahlil qilingan. O'yinni nihoyasiga yetkazish vaqti uchun yuqoridan baho olingan.

Аннотация. В статье рассматриваются задачи преследования простыми движениями в смысле l -поймки на плоскости в компакте K . Предложена структура построения кусочно постоянных управлений преследования, которая обеспечит завершение игры за конечное время. Получена оценка сверху для завершения времени игры.

Annotation. The article deals with the pursuit problem with simple motions in the sense of l -capture on a plane in a compact. A structure is proposed for constructing piecewise constant persecution directorates which will ensure the completion of the game in a finite time. Established a score above the time of the game to complete the pursuit.

Калит со'злар: quvish, quvuvchi, qochuvchi, quvuvchi boshqaruvi, qochuvchi boshqaruvi

Ключевые слова: преследование, преследующий, убегающий, управление преследования, управление убегания

Key words: pursuit, pursuer, evader, pursuit control, evasion control.

Кирish. Differensial o'yinlarga juda ko'p tadqiqotchilarning ishlari bag'ishlangan.¹ Differensial o'yinni ta'riflanishi, turli masalalari ishda ko'rilgan, 2-ishda chiziqli differensial o'yinlarda umumiy holda quvish masalasini yechish uchun yetarli shartlar olingan.² 3-ish 2-ishni ko'p quvuvchili o'yinlarga umumlashirishga bag'ishlangan. 4 va 12-ishlar esa sodda differensial o'yinlarga bag'ishlangan.³ 7-shda kompaktda sodda quvish-qochish masalasi o'rganilgan. Unda quvuvchilar soni fazo o'lchovi n dan bitta kam, $n - 1$ ta bo'lsa qochuvchi quvuvchilardan kompaktdan chiqib ketmasdan istalgancha vaqt qochib yura olishi, agar quvuvchilar soni n ta bo'lsa ular qochuvchini ustma-ust tushish ma'nosida ushlab olishi isbotlangan.

Ushbu ishda tekislikda K tayinlangan kompaktda bitta qochuvchi va bitta quvuvchi ishtirokidagi quvish masalasi o'rganildi. Aytib o'tganimizdek, ishda ushbu xususiy holda ustma-ust tushish ma'nosida qochuvchi istalgancha vaqt kompaktdan chiqmasdan quvuvchidan qochib yura olishi kelib chiqadi. Biz ushbu holda l -tutish ma'nosida quvuvchi o'yinni chekli vaqtda yakunlay olishini tayinlangan kompakt

¹ Айзекс Р. Дифференциальные игры. М., "Мир", 1967, 12 с.


² Понтрягин Л.С. Линейное дифференциальные игры преследования. Мат. сборник. Москва, 1980, Т., 112, №3, с. 307–330.

³ Петросян Л.А., Рихсиев Б.Б. Преследование на плоскости. М., "Наука", 1991, серия "Популярные лекции по математике", выпуск 61, с. 96; Зуннунов А.О. Доирада қувиш масаласида ўйинни тугатиш вақтини баҳолаш. Научный вестник, СамДУ, 2019, №5, с. 73–87.

misolida isbotlaymiz. Shu bilan birga, ishda o'yinni yakunlash vaqti uchun yuqoridan baho olingan.

Asosiy qism. 1. Masalaning qo'yilishi. Bizga tekislikda uchta bir to'g'ri chiziqda yotmagan, orasidagi masofalar turlicha bo'lgan uch nuqtani ketme-ket to'g'ri chiziqlar orqali tutashtirishdan hosil bo'lgan shakl bilan chegaralangan $K \subset R^2$ tayinlangan kompakt berilgan bo'lsin. Bu kompakt ichida bitta qochuvchi x_0 va bitta quvuvchi x_1 ob'yektlardan iborat "quvish-qochish" masalasini qaraylik (1-rasm). Ularning harakati quyidagicha sodda differensial tenglamalar bilan berilgan bo'lsin

$$\dot{x}_0 = u_0, x_0 = \begin{pmatrix} x_0^1 \\ x_0^2 \end{pmatrix}, u_0 = \begin{pmatrix} u_0^1 \\ u_0^2 \end{pmatrix}; \dot{x}_1 = u_1, x_1 = \begin{pmatrix} x_1^1 \\ x_1^2 \end{pmatrix}, u_1 = \begin{pmatrix} u_1^1 \\ u_1^2 \end{pmatrix}. \quad (1)$$



1-rasm.

Umumiylikka zarar yetkazmagan holda shuni aytishimiz joizki, qochuvchi hamda quvuvchilarning $x_0 = \begin{pmatrix} x_0^1 \\ x_0^2 \end{pmatrix}$ va $x_1 = \begin{pmatrix} x_1^1 \\ x_1^2 \end{pmatrix}$ koordinatalari biz keyinchalik kiritadigan x^1 va x^2 o'qlardan iborat koordinatalar sistemasi orqali aniqlanadi. Bu yerda u_0 va u_1 lar boshqariluvchi parametrlar bo'lib, u_0 – qochuvchi, u_1 – quvuvchi ob'yektlarini boshqaruv parametrlari va ular $u_0 \equiv u_0(t), u_1 \equiv u_1(t)$ – o'lchovli funksiya ko'rinishida tanlanadi. Ularning qiymatlari deyarli barcha $t \geq 0$ larda quyidagi cheklolarni qanoatlantiradi.

$$\|u_0\| \leq 1, \|u_1\| \leq 1. \quad (2)$$

Bu yerda $\|z\| = \sqrt{\langle z, z \rangle}$ – $z \in R^2$ dagi oddiy norma, $\langle z, z \rangle$ – skalyar ko'paytma.

Aytib o'tganimizdek K tayinlangan kompakt x_1 nuqta x_0 nuqtani quvlamoqda. Agar qandaydir chekli vaqt mobaynida ushbu $\|x_1 - x_0\| \leq l, l > 0$ (bu yerda l oldindan berilgan musbat son) shart bajarilsa, quvish nihoyasiga yetgan hisoblanadi. Quvuvchi- x_1 o'z boshqaruvi yordamida tezroq $\|x_1 - x_0\| \leq l$ shart bajarilishini ta'minlashga harakat qiladi, qochuvchi – x_0 esa o'z boshqaruvi yordamida iloji boricha ko'proq vaqt ushbu shart bajarilmasligini ta'minlashga harakat qiladi.

Teorema. Aytaylik tekislikda K tayinlangan kompakt (1), (2) ko'rinishidagi "quvish-qochish" masalasi qaralayotgan bo'lsin. U holda quvuvchi o'yinni

$$T(l) = \left(\left[\frac{4(h-l)}{l} \right] + 1 \right) \cdot \frac{l}{4} + a_2^1 \sum_{i=0}^n \left(1 - \frac{il}{4a_3^2} \right) + h \quad (3)$$


vaqt oralig'ida nihoyasiga yetkazadi.

Bu yerda a_j^k – K tayinlangan kompaktning j -uchining k -koordinatasi, n – x^2 koordinata bo'ylab siljishlar sonidir. Agar $\frac{4(h-l)}{l}$ 0 yoki natural son bo'lsa, $n = \frac{4(h-l)}{l}$ ga teng bo'ladi. Agar

$\frac{4(h-l)}{l}$ natural son bo'lmasa, u holda $n = \left[\frac{4(h-l)}{l} \right] + 1$ ga teng bo'ladi. l – masala shartida be-

rilgan musbat son, $[m]$ – m sonining butun qismi, h – K kompaktning katta tomoniga tushirilgan balandlik..

2. Quvuvchi qo'llaydigan strategiya va teoremaning isboti.



Isbot. Masalaning shartiga ko'ra, qochuvchi – x_0 va quvuvchi – x_1 ikki o'lchamli fazoda K tayinlangan kompaktda harakatlanmoqda, ularning maksimal tezliklari teng. O'yin boshida quvuvchi K tayinlangan kompaktning qaysi nuqtasida joylashganidan qat'iy nazar, K tayinlangan kompaktning diametriga eng qisqa masofa orqali yetib keladi (K kompaktning diametri-uning bir chegarasidan ikkinchi chegarasigacha bo'lgan masofalarning eng kattasidir. Ushbu holda K ning diametri uning katta tomonidir). Endi ana shu diametrning chap uchidan diametrga ustma-ust holatda x^1 va shu uchdan diametrga perpendikular tarzda x^2 koordinata o'qlarini joylashtiramiz, u holda quvuvchi x^1 koordinata o'qining ustida turgan bo'ladi. Koordinata o'qlarini kiritgach, K kompaktning uchlari $(a_1^1, a_1^2) = (0, 0)$, $(a_2^1, a_2^2) = (a_2^1, 0)$ va $(a_3^1, a_3^2) = (a_3^1, a_3^2)$ nuqtalarda joylashdi. K kompaktning diametriga yopishgan tomonlarining tenglamalari esa $x^2(0) = \frac{a_3^2}{a_3^1} x^1(0)$ va $\overline{x^2(0)} = \frac{a_3^2}{(a_3^1 - a_2^1)} (\overline{x^1(0)} - a_2^1)$ ko'rinishlarni oldi (2-rasm).

(2-rasm)

Ushbu holatda quvuvchi va qochuvchining x^1 koordinatalari orasida quyidagi uchta hol ro'y bershishi mumkin:

$$1) x_1^1 = x_0^1, \quad 2) x_1^1 < x_0^1, \quad 3) x_1^1 > x_0^1. \quad (4)$$

Birinchi holda quvuvchi qochuvchi tomon x^2 koordinata bo'ylab $\tilde{u}_1(t) = \begin{pmatrix} \tilde{u}_1^1(t) \\ \tilde{u}_1^2(t) \end{pmatrix} = \begin{pmatrix} 0 \\ 1 \end{pmatrix}$ boshqaruvni qo'llab, $\frac{l}{4}$ masofaga siljiydi. Bunday boshqaruvda quvuvchi x_1 nuqtaning harakat tenglamasi

$$\dot{x}_1 = \tilde{u}_1(t) \quad (5)$$

ko'rinishda bo'ladi, endi $x_1 = \begin{pmatrix} x_1^1 \\ x_1^2 \end{pmatrix}$ va $\tilde{u}_1(t) = \begin{pmatrix} 0 \\ 1 \end{pmatrix}$ ekanligini inobatga olsak (5) tenglama quyidagi ko'rinishni oladi

$$\begin{pmatrix} \dot{x}_1^1 \\ \dot{x}_1^2 \end{pmatrix} = \begin{pmatrix} 0 \\ 1 \end{pmatrix} \quad (6)$$

(6) tenglamani $x_1^1(0) = x_1^1$; $x_1^2(0) = 0$ boshlang'ich shartda yechib,

$$\begin{cases} x_1^1(t) = x_1^1(0) + \int_0^t 0 d\tau = x_1^1, \\ x_1^2(t) = x_1^2(0) + \int_0^t 1 d\tau = t, \end{cases} \quad (7)$$

tengliklarga ega bo'lamiz. Xuddi shu paytda x_0 nuqtaning $\tilde{u}_0(t) = \begin{pmatrix} \tilde{u}_0^1(t) \\ \tilde{u}_0^2(t) \end{pmatrix}$ (umuman olganda, quvuvchi o'yinchiga ma'lum bo'lmagan) boshqaruvi bilan harakat tenglamasi

$$\dot{x}_0 = \tilde{u}_0(t) \quad (8)$$

ko'rinishda bo'ladi. x_0 va $\tilde{u}_0(t)$ lar ko'rinishini inobatga olsak, (8) ning yechimi quyidagi ko'rinishda bo'ladi:

$$\begin{cases} x_0^1(t) = x_0^1(0) + \int_0^t \tilde{u}_0^1(\tau) d\tau, \\ x_0^2(t) = x_0^2(0) + \int_0^t \tilde{u}_0^2(\tau) d\tau. \end{cases} \quad (9)$$

Ikkinchi holatda quvuvchi x^1 koordinata musbat yo'nalishida $\tilde{u}_1(t) = \begin{pmatrix} \tilde{u}_1^1(t) \\ \tilde{u}_1^2(t) \end{pmatrix} = \begin{pmatrix} 1 \\ 0 \end{pmatrix}$ boshqaruvni

qo'llab harakatlana boshlaydi. Bunday boshqaruvda quvuvchi x_1 nuqtaning harakat tenglamasi (5) ko'rinishda bo'ladi

$$\dot{x}_1 = \tilde{u}_1(t) \quad (10)$$

Agar x_1 va \tilde{u}_1 lar ko'rinishini, $x_1^1(0) = x_1^1$; $x_1^2(0) = 0$ larni inobatga olsak, (10) ning yechimi quyidagi ko'rinishda bo'ladi:

$$\begin{pmatrix} \dot{x}_1^1 \\ \dot{x}_1^2 \end{pmatrix} = \begin{pmatrix} 1 \\ 0 \end{pmatrix}; \quad (11)$$

$$\begin{cases} x_1^1(t) = x_1^1(0) + \int_0^t d\tau = x_1^1 + t, \\ x_1^2(t) = x_1^2(0) + \int_0^t 0 d\tau = 0. \end{cases} \quad (12)$$

Bu paytda qochuvchi x_0 nuqtaning harakati (9) ko'rinishda bo'ladi.

Ma'lum vaqtdan keyin qochuvchi va quvuvchining x^1 koordinatalari ustma-ust tushadi. Bu esa 1-holat deganidir. Demak, quvuvchining keyingi harakati 1-holatdagidek bo'ladi. Ya'ni quvuvchi qochuvchi tomon x^2 koordinata yo'nalishi bo'ylab $\tilde{u}_1(t)$ boshqaruvni qo'llab $\frac{l}{4}$ masofaga siljiydi. Uchinchi

holatda quvuvchi x^1 koordinata yo'nalishiga qarama-qarshi yo'nalishda $\tilde{u}_1(t) = \begin{pmatrix} \tilde{u}_1^1 \\ \tilde{u}_1^2 \end{pmatrix} = \begin{pmatrix} -1 \\ 0 \end{pmatrix}$ bosh-

qaruvni qo'llab harakatlana boshlaydi. Ma'lum vaqtdan keyin qochuvchi va quvuvchining x^1 koordinatalari ustma-ust tushadi. Bu esa yana 1-holat deganidir. Quvuvchi qochuvchi tomon x^2 koordinata yo'nalishi bo'ylab $\tilde{u}_1(t)$ boshqaruvni qo'llab $\frac{l}{4}$ masofaga yaqinlashadi va qochuvchining qaysi tomonda joylashganiga qarab, x^1 koordinata bo'ylab ta'qibni xuddi yuqoridagidek davom ettiradi. Bunday harakatlar davomida qochuvchi quvuvchini aylanib o'tib x^2 koordinatasini quvuvchining x^2 koordinatasidan (2) va (7) ga ko'ra kichik qila olmaydi.

Demak, yuqorida qurilgan jarayonni istalgancha davom ettirish mumkin. Ma'lum vaqtdan keyin quvuvchi qochuvchini qo'lga tushiradi, ya'ni $\|x_1 - x_0\| \leq l$ shart bajarilishini ta'minlanadi.

Shunday qilib, quvuvchi o'yinni qochuvchi o'z boshqaruvini qanday qurishiga qaramasdan chekli vaqtda nihoyasiga yetkazish mumkinligini isbotladik. Bu yerda quvuvchi o'z boshqaruvini qurishda, qochuvchi boshqaruvidan foydalangani yo'q, u qochuvchining ma'lum vaqtlardagi holatidan foydalanadi

holos. Bu amaliy masalalarni yechishda juda muhim parametr hisoblanadi. Bundan keyingi bandlarda o'yinni tugatish vaqtini baholash bilan shug'ullanamiz.

3. O'yinni tugatish vaqtini baholash. Tekislikdagi K tayinlangan kompaktda qochuvchi va quvuvchi orasida quvush jarayoni sodir bo'lmoqda. Quvuvchi qochuvchini l atrofiga tushurishi uchun $T(l) = T_1(l) + T_2(l) + T_3(l)$ dan ko'p bo'lmagan vaqt talab etilishini isbotlaymiz. Bu yerda $T_1(l)$ - quvuvchining qochuvchini tutish uchun x^2 koordinata bo'ylab ta'qib jarayonidagi sarflagan vaqti. $T_2(l)$ - quvuvchining qochuvchini tutish uchun x^1 koordinata bo'ylab ta'qib jarayonidagi sarflagan vaqtlar yig'indisi. $T_3(l)$ - quvuvchining K kompaktning ixtiyoriy nuqtasidan uning diametriga eng qisqa maso-fa orqali kelish uchun sarf etgan vaqti. $T_1(l)$, $T_2(l)$ va $T_3(l)$ vaqtlarni hisoblaymiz.

$T_1(l)$ ni hisoblash. Quvuvchi l atrof bilan x^1 koordinata ustida turibdi. Ana shu l atrof bilan x^2 koordinata bo'ylab h balandlikli K kompaktni to'la qoplash uchun $\frac{l}{4}$ masofadan necha marta siljishi kerakligini hisoblaymiz. Buning uchun h balandlikda qolgan $(h-l)$ masofani $\frac{l}{4}$ ga bo'lsak, $\frac{(h-l)}{l/4} = \frac{4(h-l)}{l}$ siljishlar soni kelib chiqadi. Agar $\frac{4(h-l)}{l}$ 0 yoki natural son bo'lsa, $\frac{4(h-l)}{l}$ ta siljish kerak bo'ladi. Agar $\frac{4(h-l)}{l}$ natural son bo'lmasa, u holda $\left[\frac{4(h-l)}{l} \right] + 1$ ta siljish kerak bo'ladi. Har bir siljish uchun ketgan vaqt $\frac{l}{4}$ ga tengligini hisobga olsak, x^2 koordinata bo'ylab ta'qib jarayonida sarflangan vaqt quyidagi vaqtdan ko'p bo'lmaydi:

$$T_1(l) = \begin{cases} h-l & \text{agar } \frac{4(h-l)}{l} - 0 \text{ yoki natural son bo'lsa,} \\ \left(\left[\frac{4(h-l)}{l} \right] + 1 \right) \frac{l}{4} & \text{agar } \frac{4(h-l)}{l} - \text{natural son bo'lmasa.} \end{cases} \quad (13)$$

$T_2(l)$ ni hisoblash. $T_2(l)$ ni $T_2(l) = t_2(0) + t_2\left(\frac{l}{4}\right) + \dots + t_2\left((n-1)\frac{l}{4}\right) + t_2\left(n\frac{l}{4}\right) = \sum_{i=0}^n t_2\left(i\frac{l}{4}\right)$ ko'rinishida yozib olamiz. Bu yerda $t_2\left(i\frac{l}{4}\right) - (i = \overline{0, n})$ quvuvchining qochuvchini tutish uchun i - siljishda x^1 koordinata bo'ylab ta'qib jarayonidagi sarflagan vaqti. Demak $t_2(0)$ - quvuvchi va qochuvchining x^1 koordinatalari birinchi marta ustma-ust tushguncha ketgan vaqt bo'lib, u K kompakt diametrlini bosib o'tish uchun ketgan vaqtdan ko'p bo'lmaydi, ya'ni $t_2(0) = \overline{x^1(0)} - x^1(0)$ dan ko'p bo'lmagan vaqt kerak bo'ladi, $x^1(0) = \frac{a_3^1}{a_3^2} x^2(0)$ va $\overline{x^1(0)} = \frac{(a_3^1 - a_2^1)}{a_3^2} \overline{x^2(0)} + a_2^1$ bo'lgani uchun $x^2(0) = \overline{x^2(0)} = 0$ ekanligidan $x^1(0) = 0$ va $\overline{x^1(0)} = a_2^1$ kelib chiqadi.

Demak, $t_2(0)$ uchun $t_2(0) = a_2^1$ dan ko'p bo'lmagan vaqt kerak bo'lar ekan. Quvuvchi va qochuvchining x^1 koordinatalari birinchi marta ustma-ust tushgandan keyin quvuvchi qochuvchi tomon x^2 koordinata bo'ylab $\frac{l}{4}$ masofaga siljiydi. Bu birinchi siljishda quvuvchi x^2 koordinata bo'ylab $\begin{cases} x^2\left(\frac{l}{4}\right) = x^2(0) + \frac{l}{4} \\ \overline{x^2\left(\frac{l}{4}\right)} = \overline{x^2(0)} + \frac{l}{4} \end{cases}$ nuqtaga siljiydi. O'z navbatida, x^1 koordinatadagi $x^1\left(\frac{l}{4}\right)$ va $\overline{x^1\left(\frac{l}{4}\right)}$ nuqtalar esa

$x^1\left(\frac{l}{4}\right) = \frac{a_3^1}{a_3^2}\left(x^2(0) + \frac{l}{4}\right)$ va $\overline{x^1\left(\frac{l}{4}\right)} = \frac{(a_3^1 - a_2^1)}{a_3^2}\left(\overline{s^2(0)} + \frac{l}{4}\right) + a_2^1$ ko'rinishlarda va $x^2(0) = \overline{x^2(0)} = 0$ ekanligini inobatga olsak, $x^1\left(\frac{l}{4}\right) = \frac{a_3^1}{a_3^2} \frac{l}{4}$ va $\overline{x^1\left(\frac{l}{4}\right)} = \frac{(a_3^1 - a_2^1)}{a_3^2} \frac{l}{4} + a_2^1$ ko'rinishlarda bo'ladi. Bundan $t_2\left(\frac{l}{4}\right)$ quvuvchining qochuvchini tutish uchun birinchi siljishdan so'ng x^1 koordinatalari ustma-ust tushguncha sarflagan vaqti $t_2\left(\frac{l}{4}\right) = \overline{x^1\left(\frac{l}{4}\right)} - x^1\left(\frac{l}{4}\right) = \frac{(a_3^1 - a_2^1)}{a_3^2} \frac{l}{4} + a_2^1 - \frac{a_3^1}{a_3^2} \frac{l}{4}$ dan oshmaydi. Umuman olganda, i -siljishda quvuvchi x^2 koordinataning $x^2\left(i\frac{l}{4}\right) = \overline{x^2\left(i\frac{l}{4}\right)} = \frac{il}{4}$ nuqtaga keladi, $x^1\left(i\frac{l}{4}\right)$ va $\overline{x^1\left(i\frac{l}{4}\right)}$ nuqtalar esa $x^1\left(i\frac{l}{4}\right) = \frac{a_3^1}{a_3^2} i\frac{l}{4}$ va $\overline{x^1\left(i\frac{l}{4}\right)} = \frac{(a_3^1 - a_2^1)}{a_3^2} i\frac{l}{4} + a_2^1$ ga teng bo'ladi. Bundan $t_2\left(i\frac{l}{4}\right) = \overline{x^1\left(i\frac{l}{4}\right)} - x^1\left(i\frac{l}{4}\right) = \frac{(a_3^1 - a_2^1)}{a_3^2} i\frac{l}{4} + a_2^1 - \frac{a_3^1}{a_3^2} i\frac{l}{4}$ dan oshmagan vaqtga teng ekanligi kelib chiqadi.

Umumiy holda x^1 koordinata bo'ylab ta'qib jarayoni $T_2(l)$ uchun

$$\begin{aligned}
 T_2(l) &= a_2^1 + \frac{(a_3^1 - a_2^1)}{a_3^2} \frac{l}{4} + a_2^1 - \frac{a_3^1}{a_3^2} \frac{l}{4} + \dots + \frac{(a_3^1 - a_2^1)}{a_3^2} n \frac{l}{4} + a_2^1 - \frac{a_3^1}{a_3^2} n \frac{l}{4} = \sum_{i=0}^n t_2\left(i\frac{l}{4}\right) = \\
 &= \sum_{i=0}^n \left(\frac{(a_3^1 - a_2^1)}{a_3^2} i\frac{l}{4} + a_2^1 - \frac{a_3^1}{a_3^2} i\frac{l}{4} \right) = \sum_{i=0}^n \left(i\frac{l}{4} \left(\frac{(a_3^1 - a_2^1)}{a_3^2} - \frac{a_3^1}{a_3^2} \right) + a_2^1 \right) = \\
 \sum_{i=0}^n \left(i\frac{l}{4} \left(\frac{(a_3^1 - a_2^1) - a_3^1}{a_3^2} \right) + a_2^1 \right) &= \sum_{i=0}^n \left(a_2^1 - \frac{a_3^1}{a_3^2} i\frac{l}{4} \right) = a_2^1 \sum_{i=0}^n \left(1 - \frac{il}{4a_3^2} \right) \quad (14)
 \end{aligned}$$

dan oshmagan vaqt sarf bo'ladi.

$T_3(l)$ **ni hisoblash.** Quvuvchi K kompaktning qaysi nuqtasida joylashganidan qat'iy nazar K kompaktning diametriga eng qisqa yo'l orqali yetib keladi. Quvuvchi uchun K kompaktning diametridan eng uzoqda joylashgan holati shu diametr qarshisidagi uchidir. Shuning uchun quvuvchi K kompaktning ushbu uchidan eng qisqa yo'l orqali K kompaktning diametriga yetib kelishi uchun $T_3(l) = t$ dan ko'p bo'lmagan vaqt kerak bo'ladi. Bu yerda t K kompaktning ushbu uchidan uning diametriga borish uchun kerak bo'ladigan eng qisqa masofani bosib o'tish vaqtidir. Bu eng qisqa masofa K kompaktning ushbu uchdan diametrga tushirilgan balandlik ekanligini inobatga olsak, $t=h$ ekanligi kelib chiqadi. Demak, $T_3(l)$ uchun

$$T_3(l) = h \quad (15)$$

dan ko'p bo'lmagan vaqt sarf bo'lar ekan.

Shunday qilib, o'yinni nihoyasiga yetkazish vaqti uchun (13),(14) va (15) quyidagi baholashga ega bo'ldik:

$$T_1(l) = \begin{cases} 2h - l + a_2^1 \sum_{i=0}^n \left(1 - \frac{il}{4a_3^2} \right) & \text{agar } \frac{4(h-l)}{l} - 0 \text{ yoki natural son bo'lsa,} \\ \left(\left[\frac{4(h-l)}{l} \right] + 1 \right) \frac{l}{4} + a_2^1 \sum_{i=0}^n \left(1 - \frac{il}{4a_3^2} \right) + h & \text{agar } \frac{4(h-l)}{l} - \text{natural son bo'lmasa.} \end{cases} \quad (16)$$

Umumiy holda (16) o'yinni

$$T(l) = \left(\left[\frac{4(h-l)}{l} \right] + 1 \right) \frac{l}{4} + a_2^1 \sum_{i=0}^n \left(1 - \frac{il}{4a_3^2} \right) + h \quad (17)$$

dan ko'p bo'lmagan vaqtda nihoyasiga yetkazish mumkin ekan. Shunday qilib, teorema isbotlandi.

Ushbu ishda keltirilgan differensial o'yindagi tayinlangan K kompaktning uchlari orasidagi masofalarning barchasi teng bo'lsa, u holda K ning diametri uning ixtiyoriy tomoni bo'ladi. Agar tayinlangan K kompakt uchlari orasidagi masofalarning ikkitasi o'zaro teng bo'lsa, u holda K ning diametri ushbu uchlarni tutashtiruvchi to'g'ri chiziqlarda yotgan tomonlarning biri yoki umuman boshqa tomoni bo'lishi mumkin va quvish jarayoni huddi yuqorida ko'rsatilgan tarzda amalga oshirish mumkin.

Xulosa. Sodda differensial o'yinlar juda ko'p tadqiqotchilarni o'ziga jalb qilib kelgan. Chunki shunday sodda holda aniqlangan differensial o'yinda ham hali hal etilmagan masalalar bisyor.¹ Xususan, ushbu ishda qo'yilgan masalada agar quvuvchi va qochuvchilar o'yin davomida bir birini qayerda joylashgani va boshqaruvi haqida ma'lumotga ega bo'lmasa o'yinni tugatish mumkinligi yoki qochuvchi istalgancha vaqt qochib yura olishi haqida natijalar ma'lum emas. Boshqacha qilib aytganda differensial o'yinlarda quvuvchi va qochuvchilarga beriladigan ma'lumotlarni qandayligi juda muhim ahamiyatga ega. Ushbu ishda, shu ma'noda ham, ma'lum ishlardan farqli natijalar olingan, masalan quvuvchi boshqaruvini qurish uchun qochuvchi o'yinchini boshqaruvi haqidagi ma'lumot talab qilinmaydi.

**Ибраймов Аскар Есбосынович (педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори,
Бош прокуратура Академияси электрон таълим бўлими катта прокурори)
МАСОФАВИЙ МАЛАКА ОШИРИШ ПОРТАЛИНИНГ ДИДАКТИК ХУСУСИЯТЛАРИ
ВА ФУНКЦИЯЛАРИ**

Аннотация. *Мазкур мақолада масофавий малака ошириш курсларини ахборот-коммуникация технологиялари асосида амалиётга жорий этишнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда масофавий курс ўқув порталнинг таркибий қисмлари ва уларнинг ҳар бирининг дидактик хусусиятлари, функциялари атрофлича ёритилган.*

Аннотация. *В статье подробно освещены специфические особенности внедрения в практику дистанционных курсов повышения квалификации на основе информационно-коммуникационных технологий, также компоненты учебного портала дистанционного курса и дидактические особенности, функции каждого из них.*

Annotation. *The article details the specific features of the implementation into practice of distance learning courses based on information and communication technologies, as well as the components of the educational portal of the distance course and didactic features, functions of each of them.*

Калит сўзлар: *масофавий малака ошириш, ўқитиш моделлари, ўқитиш технологиялари, ўқув порталнинг дидактик хусусиятлари ва функциялари.*

Ключевые слова: *дистанционное повышение квалификации, модели обучения, технологии обучения, дидактические особенности и функции учебного портала.*

Key words: *distance professional development, teaching models, teaching technologies, didactic features and functions of the educational portal.*

Ҳозирги кунда масофавий малака ошириш курсларини замонавий ахборот-коммуникация технологиялари воситалари асосида, яъни масофавий курс ўқув-методик материалларини локал ёки глобал тармоқларга жойлаштириш орқали тармоқли, мобил ўқитиш моделларидан фойдаланган ҳолда амалиётга жорий этиш долзарб масалаларнинг бири ҳисобланмоқда. Бунда тьютор билан тингловчиларнинг ўзаро ўқув фаолиятини турли хил замонавий алоқа воситалар орқали интерфаол ташкил этилиши танланган ўқитиш моделларининг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Масофавий малака оширишда ахборот-коммуникация технологиялардан кенг фойдаланилаётганлиги ва уларнинг таълим тизимидаги ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бораётганлигидан келиб чиқиб, масофавий ўқитиш шароитида ахборот-коммуникация технологияларининг дидактик хусусиятлари ва функцияларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Масофавий малака оширишда ахборот-коммуникация технологияларининг дидактик хусусиятлари ва функциялари ҳақида фикр юритилганда, қуйидаги иккита омил муҳим аҳамият касб этади.²

¹ Сатимов Н.Ю. Задачи преследования и убегания для одного класса линейных дифференциальных игр многих лиц. Труды ТашГУ, Ташкент, 1981, №670, с. 54–64; Сатимов Н.Ю., Мамагов М.Ш. Об одном классе линейных дифференциальных игр преследования и убегания. Труды ТашГУ, Ташкент, 1981, №670, с. 64–75.

² Дистанционное обучение. Под ред. Е.С.Полат. М., «Владос», 1998, 14 с.

Биринчиси. Ўқитиш (мустақил ўқиш эмас), таърифига кўра, тьютор ва тингловчининг ўзаро фаолиятини ўз ичига олади. Шу тарзда тьюторнинг ўқув жараёнида мавжуд бўлиши мажбурий ҳисобланиб, у ўқув жараёнини бошқариш функциясига эгадир.

Иккинчиси. Ҳар бир ўқув жараёни муайян дидактик концепцияга асосланади ва у мазмун, усуллар, ташкилий шакллар, ўқув воситаларини танлашни белгилайди.

Сўнгги йилларда ахборот-коммуникация технологияларидан масофавий малака оширишнинг технологик асоси сифатида фойдаланиш бўйича жуда кўплаб фикрлар мавжуд, бу техник алоқа воситаларининг, хусусан, ахборот-коммуникация технологиялари воситаларининг имкониятлари ошиши билан боғлиқ. Ушбу ахборот технологиялари воситаларининг дидактик хусусиятлари туфайли қуйидаги омиллар масофавий малака оширишнинг турли моделлари учун асос бўлиб хизмат қилади:¹

- ҳар қандай ҳажмдаги, ҳар қандай турдаги визуал ва овозли, статик ва динамик, матнли ва графикли маълумотларни исталган масофага тезкор равишда узатиш имконияти мавжудлиги;

- маълумотларни компьютер ва ўқув портал хотирасида керакли вақт давомида сақлаш, таҳрирлаш, ишлов бериш, нашр қилиш каби имкониятларнинг мавжудлиги;

- дидактик мақсадлар учун махсус яратилган мультимедиа маълумотлари ва тезкор алоқа ёрдамида интерфаолликни таъминлаш имконияти мавжудлиги;

- турли хил электрон таълим ресурсларига ва интернет орқали бутун дунё бўйлаб кўплаб конференция алоқаларга кириш имконияти мавжудлиги;

- реал вақт режимида турли аудио, видео конференциялар ва бошқа алоқаларни ташкил қилиш имконияти мавжудлиги;

- ҳар қандай таълим олувчи, соҳа мутахассислари ва бошқалар билан суҳбатлашиш савол-жавоб қилиш имконияти мавжудлиги.

Бу каби ахборот-коммуникация технологиялари воситаларининг дидактик имкониятлари ва функциялари масофавий малака ошириш курсларида қўйилган таълим мақсадларига эришиш учун самарали хизмат қилади. Масофавий малака ошириш жараёнида ахборот-коммуникация технологиялари воситаларидан фойдаланишда уларнинг дидактик вазифалари қуйидагилардан иборат:²

- масофавий малака ошириш жараёнида тингловчилар учун тезкор маслаҳат бериш, методик ва техник ёки бошқа ташкилий масалаларда ёрдам кўрсатишни ташкиллаштириш;

- масофавий курслар асосида тингловчиларнинг касбий фаолияти давомида узлуксиз таълим олишини таъминлаш;

- масофавий малака ошириш жараёнида тингловчиларнинг қизиқтирган саволлари бўйича тезкор маълумот бериш орқали билим ва кўникмаларни ривожлантиришга эришиш;

- тьюторлар ва тингловчилар орасида мулоқот кўникмаларини ривожлантириш, бунда фикрларни қисқа ва аниқ билдириш, бошқаларнинг фикрини тинглаш, мунозарали муҳитга мослашиш, ўз фикрларини асослаш, исботлаш ва шу каби кўникмаларини ривожлантириш;

- амалий машғулотларни виртуал моделлаштирилган муҳитда ўтказиш кўникмаларини ривожлантириш;

- турли хил манбалардан маълумотларни олиш, саралаш, қайта ишлаш ва мустақил равишда масофавий маълумотларни юбориш ва қабул қилиш кўникмаларини ривожлантириш.

Мазкур дидактик вазифалар масофавий малака ошириш жараёнида ахборот-коммуникация технологиялари воситалари асосида тьюторлар ва тингловчиларнинг ўқув фаолиятини самарали ташкил этишга хизмат қилади.

Масофавий малака ошириш курсларини амалиётга жорий этишда ахборот-коммуникация технологиялари воситаларининг бири сифатида махсус серверга ўрнатилган электрон ахборот-таълим портали ҳисобланади. Шундай экан, электрон ахборот-таълим портали асосида масофавий малака ошириш курсларини амалиётга жорий этишнинг ўзига хос хусусиятларини, ўқув порталнинг таркибий қисмлари ҳамда ҳар бир таркибий қисмнинг дидактик функцияларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ. Тадқиқотлар жараёнида масофавий малака ошириш курслари ўқув портали дидактик компонентлари ишлаб чиқилди ва уни қуйидаги кўринишда шакллантирилди (1-расм).

¹ Шу манба. 10-бет.

² Шу манба. 13-бет.



1-расм. Масофавий малака ошириш курслари ўқув порталининг таркибий қисми.

Масофавий малака ошириш курсларини амалиётга жорий этишда электрон ахборот-таълим муҳити имкониятларидан кенг фойдаланиш истикболли ҳисобланади. Юқорида таъкидланган масофавий малака ошириш портални ўқитишнинг императив компонентлари ва асословчи, йўналтирувчи ҳамда электрон кутубхона ва медиатека блоklarга ажратган ҳолда асосий мазмун-моҳиятни кўриб чиқамиз.

Жумладан, ўқитишнинг императив компонентлари ва уларнинг мазмун-моҳияти куйидагилардан иборат:

- **бошқарув блоки** – масофавий малака ошириш ўқув порталида бошқа блоklarнинг ҳаммасини бирлаштирувчи ва бошқарувчи ҳисобланади. Бошқарув блокида ўқув порталдан рўйхатдан ўтиш, ўқув режа ва дастурлар, ўқув жараёни муддатлари, машғулотлар жадваллар, гуруҳларни шакллантириш, электрон журнал, тьюторлар ва тингловчиларнинг ўқув фаолияти мониторинги, қайта алоқа, эълонлар доскаси, портфолио тизими фаолияти ва бошқа элементлар юритилади;

- **ташкилий-методик блоки** – масофавий малака ошириш курсларининг қисқача аннотацияси, мақсад ва вазифалари, ўқув режа ва дастурнинг қисқача тавсифи, ўқиш давомийлиги, ўқишни олиб боришнинг қисқача тартиби, дастурий таъминотга қўйиладиган талаблар, курсни муваффақиятли ўзлаштириш учун тингловчилардан талаб этиладиган билим ва кўникмалар ёритилади;

- **мазмун ва ўқиш блоки** – бунда, асосан, масофавий малака ошириш курслари ўқув режаларида берилган фанлар, модулар, мавзулар бўйича асосий ва қўшимча ўқув материаллар таркиби ва мазмуни, тавсия қилинадиган адабиётлар ва бошқа электрон манбалар берилади;

- **интерфаол фаолият қисми** – масофавий курс ўқув портали интерфаол ўқитиш тизимидан таркиб топган бўлиб, масофавий таълим жараёнини турли хил форумлар, чатлар, вики, вебинар, твиттер, e-mail, вики-вики, видео, телеконференция ва бошқа воситалар орқали “тингловчи – тьютор – тингловчи”нинг ўзаро ҳамкорлик, қайта алоқа, интерфаол фаолияти амалга оширилади;

- **назорат қисми** – ўқув жараёнида ўтказиладиган бошланғич, жорий, оралиқ, якуний назорат ҳамда махсус синов ишларини асинхрон ва синхрон шаклларда ҳамда ишдан ажралган ҳолда амалга оширилади.

Шунингдек, электрон кутубхона ва медиатека блокида меъёрий ҳужжатлар, турли хил адабиётлар, мультимедиа материаллар, ОАВ материаллари, турли хил электрон манбалар ва бошқа электрон шаклдаги материаллар жойлаштирилади ва уларнинг ҳар бири ҳавола аннотацияси билан бўлиши назарда тутилади.

Асословчи ва йўналтирувчи блокада қуйидаги каби маълумотлар акс эттирилади:

● **таништириш қисми** – бунда масофавий малака ошириш жараёнидаги иштирокчилар, яъни тизим раҳбарлари, координатор, администратор, курс муаллифи, тьютори ҳамда методист-эксперт, педагогик дизайнерлар ҳақида маълумотлар ва улар билан алоқа ўрнатиш манзиллари ёритилади. Бунда мутахассисларнинг исми, фамилияси, отасининг исми, фотосуратлари, лавозими, илмий даража, унвонлари, қисқача ижодий биографиялари, илмий ижодий ишлари ёритилиши тавсия этилади;

● **асосий ҳужжатлар ва талаблар блоки** – бунда тегишли малака ошириш йўналашлари бўйича таълим стандартлари, малака талаблари, компетенциялар рўйхати ва бошқа масофавий ўқитишнинг тартиб-қоидалари берилади;

● **методик кўрсатмалар ва тавсиялар блоки** – бунда масофавий малака ошириш курсларидаги “Ўқув модулларини ўрганиш бўйича методик кўрсатмалар ва тавсиялар”, “Тингловчиларнинг мустақил ишлашлари бўйича методик кўрсатмалар ва тавсиялар”, “Назорат ишлари турлари ва уларни баҳолаш тартиби” каби маълумотлар ёритилади.

Ушбу портал албатта махсус серверга ўрнатилган ҳолда интернет тармоғи ёки локал тармоқлар орқали ва мобил ўқитиш моделлари асосида амалиётга жорий этилади. Бунда ўқув жараёнида машғулотларнинг қуйидаги замонавий ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

◆ **асинхрон машғулотлар** – бунда тингловчилар томонидан масофавий малака ошириш ўқув порталига жойлаштирилган электрон ахборот-таълим ресурслар исталган вақт режимида мустақил равишда ўзлаштирилади;

◆ **синхрон машғулотлар** – бунда тингловчилар реал вақт режимида тўғридан-тўғри масофавий машғулотларда иштирок этиши назарда тутилади;

◆ **синхрон Flipped learning** – ўқув жараёнининг асосий қисми бўлган дарс билан уйга вазифанинг ўрни алмаштирилиб, аввал, уйга вазифани бажариш жараёнида видео, аудио ва бошқа интерфаол материалларни ўрганиш, бўлажак дарсга тайёргарлик кўриш ва мазкур ўзлаштирилган билимларини дарс жараёнида амалий қўллаш шаклида олиб борилади;

◆ **синхрон очик дарс** – анъанавий малака ошириш жараёнида ўтказиладиган очик дарслар билан мазмунан деярли бир хил бўлиб, фақат фарқи замонавий веб-конференция воситаларидан кенг фойдаланган ҳолда синхрон режимида ўтказилади;

◆ **синхрон назорат** – малака ошириш курслари тўлиқ ёки қисман масофавий шаклда ташкил этилганида ўқув жараёнида ёки курс якунида назорат ишлари синхрон, онлайн режимида ўтказилиши назарда тутилади;

◆ **таҳлилий хулоса** – масофавий малака ошириш курслари якунида барча назорат ишларини умумлаштирган ҳолда таҳлилий хулоса тайёрланади ва тингловчилар масофавий курсни қандай якунлаганлиги тўғрисида қарор қабул қилинади. Бунда махсус назорат натижалари инобатга олинади.

Мазкур машғулотларнинг замонавий турларини ҳар томонлама сифатли ташкил этиш ва олиб бориш анъанавий ўқитишдан фарқли равишда, тьюторлардан юқори даражада касбий маҳоратни талаб этади. Машғулотларни сифатли амалга ошириш учун ўқув портал ва бошқа ахборот-коммуникация технологиялари воситаларидан кенг фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур масофавий малака ошириш курсларини амалиётга жорий этишга мўлжалланган электрон ахборот-таълим порталида ўқитишнинг таркибий қисми сифатида императив компонентлари ва асословчи, йўналтирувчи ҳамда электрон кутубхона ва медиатека блоklarининг қанчалик даражада сифатли ишлатилиши ва амалиётга жорий этилиши, бу ўз навбатида умумий масофавий малака ошириш курсларининг самарали амалга оширилишига хизмат қилади.

**Адизов Бобир Бахтиёрович (Бухоро Давлат университети
Иқтисодиёт йўналиши магистранти, илмий раҳбари Абдуллаев Аслиддин Жунайдуллаевич)
ҲОЗИРГИ ЯНГИЛАНИШ ДАВРИДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ ЗАМОНАВИЙ
БОШҚАРИШДАГИ ЁНДАШУВЛАР**

Аннотация. Мақолада таълим тизими сифатини таъкилий-бошқарув жиҳатдан таъминлаш мақсадида сифатни бошқаришда олий таълим кўп даражали, погонали стандартлашуви олий таълим жараёнларининг менежменти, олий таълим тизими сифатини стратегик бошқариш муҳим масала эканлиги кўриб чиқилган.

Аннотация. В статье обсуждается важность многоуровневой, качественной стандартизации высшего образования в управлении высшим образованием, стратегического управления качеством высшего образования с целью обеспечения организационных систем управления качеством.

Annotation. The article discusses the importance of multi-level, high-quality standardization of higher education in higher education management, strategic quality management of higher education in order to ensure organizational quality management systems.

Калим сўзлар: бошқарув, олий таълим тизими, сифатни бошқариш, стратегик бошқариш.

Ключевые слова: менеджмент, высшее образование, менеджмент качества, стратегический менеджмент.

Key words: management, higher education, quality management, strategic management.

Олий таълим тизимидаги ўзгаришлар эътиборга моликдир. Таълим сифатини ошириш, олий ўқув юртлири моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, олий таълимга қамровни тобора ошириш кабилар мамлакатимизнинг дунёдаги етакчи давлатлар қаторига чиқаришда муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатимизда таълимни бошқариш ҳамда ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш муаммоларини тизимли-инновацион ёндашув билан ҳал этишга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар яратилмоқда.

Президентимизнинг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги устувор вазифаларга мос ҳолда, халқаро стандартлар даражасида олий малакали мутахассислар тайёрлаш учун зарур шароитлар яратиш ҳар бир олий таълим муассасаси жаҳоннинг етакчи илмий-таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатиш, ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган илғор педагогик технологиялар, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий материалларини кенг жорий қилиш, ўқув-педагогик фаолиятга, мастер-класслар ўтказишга, малака ошириш курсларига хорижий ҳамкор таълим муассасаларидан юқори малакали ўқитувчилар ва олимларни фаол жалб қилиш, уларнинг базасида тизимли асосда республикамиз олий таълим муассасалари магистрант, ёш ўқитувчи ва илмий ходимларининг стажировка ўташларини, профессор-ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил қилиш ҳамда ОТМлар моддий техник базасини оширишга хизмат қилмоқда.

Бунинг мисолида Бухоро Давлат универсиететида 2019–2020 ўқув йилида жаҳоннинг олтига етакчи олий таълим муассасаси билан ҳамкорлик шартномалари тузилди. Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокчини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори таълим тизимини янги босқичга олиб чиқди, десак, муболаға бўлмайди.

Кадрлар тайёрлашдаги муҳим қадам саналмиш мазкур ҳужжат олий таълим тизимини ривожлантириш учун етарли шарт-шароитлар яратилишига асос бўлди. Жумладан, қарорда олий таълим муассасаларида таълим сифатини оширишга тўсиқ бўлиб келаётган бир қатор муаммолар, бугунги кунда учраётган оғриқли нуқталарни бартараф этиш чоралари белгилаб берилди.

Қолаверса, Ҳаракатлар стратегиясида ҳам кадрлар тайёрлашнинг маъно-мазмунини тубдан янгилаш, халқаро стандартлар даражасида олий малакали мутахассислар тайёрлаш учун зарур шароитлар яратишга доир муҳим масалалар белгиланган.

Президентимизнинг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариб, Ўзбекистонда олий таълимни тизимли ислох қилишнинг устувор йўналишларини белгилаб берди. Шунингдек, ушбу ҳужжатда назарда тутилган мақсадлар олий таълимни модернизатсия қилиш билан бирга, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришга хизмат қилади.

Фармонда кўрсатиб ўтилганидек, олий таълим соҳасида давлат-хусусий шериклик ривожланиши орқали юртимизда давлат ва нодавлат олий таълим муассасалари сони ошади. Бу эса соҳада соғлом рақобат муҳитини яна-да ривожлантириш билан биргаликда, умумий ўрта таълим битирувчиларининг олий таълимга қамраб олиниши 50 фоиздан оширилишига эришилади. Рақобат бўлиши сифат ошишига хизмат қилади. Пировардида Ўзбекистонда юқори малакали мутахассислар кў-

пайишига, аҳолининг олий маълумотли қатлами ортишига ёрдам беради. Ўзбекистондаги камида 10 та олий таълим муассасасини халқаро эътироф этилган ташкилотлар (QS World University Rankings, Тимес Хигхер Эдусатион агентлиги) рейтингининг биринчи 1000 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига, шу жумладан, Ўзбекистон Миллий университети ва Самарқанд Давлат университетининг биринчи 500 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига киритилиши белгиланган.

Ушбу мақсадларнинг муваффақиятли амалга оширилиши Ўзбекистонда таълимни халқаролашувини ривожланишига ҳам замин яратади. Мамлакатимиздаги ОТМлар нуфузли хорижий таълим муассасалари билан ҳамкорликлар ўрнатиб, талабалар ва ўқитувчиларнинг академик ва илмий соҳаларда алмашинувини оширишга эришилади.

Ушбу фармон орқали олий таълим мазмунини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ривожланишига муносиб ҳисса қўшадиган, меҳнат бозорида ўз ўрнини топа оладиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш белгиланди. Олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини босқичма-босқич кредит-модул тизимига ўтказиш назарда тутилаётгани ушбу мақсадларга эришишда, айни муддаодир. Чунки ўқиш жараёнида кредит тизими асосида таҳсил олган талаба эртага касбий компетентлилик ва ноодатий вазиятларда қарор қабул қила оладиган, жамоада ишлаш, ахборотни мустақил олиш, таҳлил қилиш, самарали фойдаланиш, ўзгарувчан вазиятларга мослашувчан мутахассис кадр бўлиб етишиши, шубҳасиз. Олий таълим муассасаларида таълим, фан, инновация ва илмий тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштириш фаолиятининг узвий боғлиқлигини назарда тутувчи “Университет 3.0” концепциясининг босқичма-босқич жорий этилиши таълим ва интеграцияда портлаш эффектини беради.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган талаба-ёшлар таълим-тарбияси учун қўшимча шароитлар яратишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олган бешта ташаббусни амалиётга жорий этиш, ОТМнинг инфратузилмаси ва моддий-техник базасини, шу жумладан, халқаро молия институтларининг имтиёзли маблағларини кенг жалб қилиш ҳисобига яхшилаш ва босқичма-босқич ўзини-ўзи молиялаштириш тизимига ўтказиш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш ҳамда таълим нингишлаб чиқариш корхоналари ва илмий тадқиқот институтлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлигини йўлга қўйиш каби вазифалар ҳам фармонда кўрсатиб ўтилган.

Сифатли таълимда – соғлом муҳит. Концепцияда коррупцияга қарши курашиш ва шаффофликни таъминлашнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш бўйича алоҳида эътибор қаратилган. Олий таълим соҳасида “коррупциясиз соҳа”; профессор-ўқитувчилар билан талабалар ўртасидаги бюрократик омилларни бартараф этиш, малака ошириш, илмий тадқиқот ишларини тайёрлаш ва амалиётга татбиқ этиш, назорат-мониторинг, ходимларни ишга қабул қилиш ва лавозимга тайинлаш, олий таълим муассасалари фаолиятини ўрганиш ва тизимдаги бошқа жараёнларда шаффофликни таъминлаш, профессор-ўқитувчиларнинг ўқув юкларларини оптималлаштириш, маъруза ва амалий машғулотлар, семинарларни онлайн кузатиш ва ўзлаштириш имконини берувчи, шунингдек, уларни электрон ахборот сакловчиларга юкловчи «E-MINBAR» платформасини амалиётга жорий этиш, таълим жараёнларида «булутли технологиялар»дан фойдаланиш, масофадан туриб фойдаланиш имконини берувчи электрон кутубхона тизимини кенг жорий этиш, талабаларнинг олий таълим муассасасида ўқишни тамомлаганларидан сўнг кутубхона фонди, ахборот базаларидан фойдаланишини йўлга қўйиш орқали уларнинг касбий малакасини узлуксиз ошириб бориш имкониятларини кенгаймоқда. Миллий электрон таълим ресурслари яратилишини жадаллаштириш, хорижий электрон таълим ресурсларини таржима қилиш ишларини ташкил этиш, таълим жараёнида электрон ресурслар салмоғини босқичма-босқич ошириб бориш, электрон ўқув адабиётлар яратиш, уларни мобил қурилмаларга юклаб олиш мақсадида кутубхоналарда QR-код ёрдамида электрон ресурслар ҳақидаги ахборотларни жойлаштириш тизимини яратиш кўзда тутилган.

Олий таълим муассасасининг конференция материаллари, битирув-малакавий ишлар, магистрлик ва докторлик диссертацияларидан иборат илмий-техник маълумотлар электрон базасини яратиш, таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг ўзига хослигидан келиб чиқиб, таълим жараёнида халқаро микёсда кенг қўлланиладиган замонавий дастурий маҳсулотлардан фойдаланилмоқда.¹ Олий таълим муассасаларидан олинadиган турли ҳисобот ва маълумотлар сонини кес-

¹ Суюнов Д. Корпоратив бошқарув механизми: муаммо ва ечимлар. Монография, Т., “Академия”, 2007.

кин камайтириш, уларни тайёрлашнинг қоғоз шаклидан воз кечиш, бошқарув тизими ва ўқув жараёнлари, кутубхона ва ҳужжатлар айланмасини электронлаштиришни таъминловчи «Электрон университет» платформасига босқичма-босқич ўтиш, таълим жараёни иштирокчилари фаолияти самардорлигини мониторинг қилишнинг электрон тизимини жорий этилмоқда.

Олий таълим муассасалари педагог ходимлари, бакалаврият, магистратура талабалари ва докторантларига оид маълумотларни ўзида акс эттирувчи ва мунтазам янгиланиб боровчи электрон база (Student Record System) юритилишини йўлга қўйиши устида жадал иш олиб борилмоқда, халқаро молия ташкилотлари кўмагида олий таълим соҳасидаги ўқув-услубий, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, статистик маълумотлар, шунингдек, давлат интерактив хизматлари кўрсатишга доир маълумотларни ўзида мужассам этган ва мунтазам янгиланиб турадиган олий таълимнинг ягона ахборот платформаси – «Олий таълим бошқаруви ахборот тизими»ни ишга тушириш, унда вакант ўринларга ўтказилаётган танловларга оид эълонларни ҳамда аризаларни онлайн қабул қилиш ва касбий фаолиятга замонавий ахборот-коммуникатсия технологияларини кенг жорий этиш асосида олий таълим тизими ходимларининг меҳнат унумдорлигини оширишдек механизмлар белгилаб берилган.

Олий таълим соҳасидаги ислохотлар замирида Ватанимизни яна-да тараққий эттириш, ёшларни ҳар жиҳатдан баркамол шахс этиб вояга етказиш асосий мақсадимиздир.

**Узоқова Лайло Полвоновна (Бухоро Мухандислик-технология институти доценти, п.ф.н.),
Турдиева Моҳира Жўрақуловна (Бухоро Давлат Университети)
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИГА ТАТБИҚ ЭТИШНИНГ ДИДАКТИК
АСПЕКТЛАРИ**

Аннотация. Мақолада муаммоли ўқитиш технологиясини таълим жараёнига татбиқ этишнинг дидактик аспекти, жумладан, таълим беришда замонавий ўқитиш технологияларини амалда қўллаш, ўқитишга технологик ёндашув, таълимни технологиялаштиришнинг асосий белгиси ва афзаллиги тўғрисида тушунчалар тақдим этилган.

Аннотация. В статье представлены мнения о дидактических аспектах внедрения проблемных технологий обучения в учебный процесс, включая практическое применение современных технологий обучения в процессе обучения, технологический подход к обучению, а также основные характеристики и преимущества проблемной технологии.

Annotation. The article presents the didactic aspects of introducing problem-based learning technologies into the educational process, including the practical application of modern teaching technologies in the learning process, the technological approach to learning, as well as the main characteristics and advantages of problem-based technology.

Калим сўзлар: дидактик аспекти, узлуксиз фаолият, билим, кўникма, қизиқтириш, муаммоли ўқитиш, педагогик маҳорат, таълим мақсади.

Ключевые слова: дидактические аспекты, непрерывная деятельность, знания, навыки, мотивация, проблемное обучение, педагогические навыки, цель обучения.

Key words: didactic aspects, continuous activity, knowledge, skills, motivation, problematic training, pedagogical skills, learning purpose.

2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сонли “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорларини ижросини таъминлаш мақсадида, бугунги кунда мутахассис кадрларни тайёрлаш таълим ва билим бериш тизими, ҳаётимизда, жамиятимизда амалга оширилаётган ислохотлар, янгиланиш жараёнлари талабалари билан яқиндан чамбарчарс, ҳар томонлама боғланган бўлиши керак.

Таълим муассасаларида мутахассислик фанларини ўқитиш – бу мураккаб жараён бўлиб, ўз ичига, аввало, ўқитувчи ва талабанинг узлуксиз фаолиятини олади. Ўқитувчи дарс мобайнида қанча ҳаракат қилмасин, агар талабалар ҳам дарс жараёнида фаол иштирок этмасалар, билиш жараёни суст кетади. Ўқитувчи дарс жараёнида ўқитаётган фани бўйича, нафақат илмий ахборотларни, янги билимларни беради, балки ўқув жараёнини режалаштириб, бошқариб бориш билан бирга, дарс мобайнида талабаларнинг мутахассислик фанлар бўйича билимларини ўзлаштириш жараёнини текширади, назорат қилади ва уларга машғулот мобайнида меҳнат қилиш кўникмасини, фарқлаш қо-

билиятини, олган билимларини амалда қўллашга ҳам ўргатади.

Педагог бўлиш мураккаб ва масъулиятли вазифа ҳисобланади. Чунки ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланиши малакали кадрларга боғлиқ бўлади. Малакали кадрларни эса ўқитувчилар тайёрлайдилар.¹

Аввало, ҳар қандай ўқитувчи ўз касбига фидойи ва масъулиятли бўлиши лозим. Шундагина, у ўз касбининг устасига айланади ва замонавий ўқитиш технологияларини ўрганиб, ўзи фаолият кўрсатаётган таълим муассасасида соҳасига мос фанларни ўқитади ва амалиётда қўллайди.

Таълим беришда замонавий ўқитиш технологияларини амалда қўллаш механизмини ҳар бир илм маърифат даргоҳида фаолият кўрсатаётган таълим берувчилар мукамал билишлари лозим. Инкор қила олмаймизки, ҳозирги кун таълим олувчилари аввалги таълим олувчилардан ўз салоҳиятлари билан тубдан фарқ қиладилар.

Масалан, замонавий ўқитиш технологияларидан дарс жараёнида фойдаланиш учун ўқитувчи:

– коммуникация-ахборотларни қабул қилиш ва етказиб бериш;

– талабаларни таълим олишга мотивация-қизиқтириш;

– ўқитишни визуаллаштириш-кўргазмалилик тамойили (юқори даражада амалга ошириш) асосида бошқариш каби маҳоратларига эга бўлиши зарур.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнини юқори сифатли ўқув адабиётлари ва илғор педагогик технологиялар билан таъминлаш, узлуксиз таълим тизимини ахборотлаштиришни амалга ошириш асосий вазифалардан этиб белгиланган.

Ушбу масалаларни амалга оширишда республикамизнинг педагог-олим ва амалиётчилари томонидан ижтимоий-педагогик шароитга мослашган таълим технологияларини ишлаб чиқиш ва уларни таълим-тарбия жараёнига жорий этиш борасида муҳим аҳамиятга молик ишлар олиб борилмоқда.

Ўқитишга технологик ёндашув ўқув жараёнини аниқ воситалар ёрдамида бошқариш ва қўйилган ўқув мақсадларига эришиш кафолатини назарда тутати. Бу муаммо бутун дунё педагог-олимлари томонидан ҳозирга қадар татқиқ этиб келинмоқда.

Педагогикада технологик ёндашув доирасида баъзи ҳал қилинмаган муаммоли масалалар мавжуд. Ушбу муаммоларни ҳал этишда технологик ёндашиш асосида ташкил этилган ўқув жараёнида амалга оширилган ўқитиш вазиятларига урғу берилади.

Технологик ташкил этилган ўқув жараёнининг белгилари қуйидагилардан иборат:

1. Диагностик (ташхис) мақсадларни қўйиш.

2. Талабаларнинг кузатувчи ҳаракатлари кўринишида исталган эталонни аниқлаш асосида таълимни режалаштириш.

3. Талабаларни бошланғич тестлаштириш ва уларнинг ҳақиқий имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, ўқув мақсадларини муайянлаштириш.

4. Таълимнинг боришини тезкор тесқари алоқа орқали таъминладиган ва ўқишнинг боришини мос равишдаги тузатилиши билан кузатиладиган мақсадларга кетма-кет йўналтириш.

5. Таълимни алоҳида амалга ошириладиган ўқитиш мақсадларига бўлиб чиқиш.

6. Ўқув жараёнини тўлиқ бошқариш.

7. Якуний натижанинг кафолатланганлиги.

Бизнинг назаримизда, бугун турли ёндашувлардаги салбий жиҳатларни қидиришдан кўра, муаммо ечими бўйича аниқ илмий ечимларни топишга ўтиш лозим.

Бундай ёндашишнинг моҳияти, таълим жараёнини тизимлаштиришдан, уни аниқ расмийлаштирилган ва қисмлари бўйича аниқ элементларга ажратиш ёрдамида максимал шакллантиришдан иборат. Тадқиқотларда таълим технологияси – бу ўқув жараёни қатнашувчиларининг (таълим берувчи ва таълим олувчилар) ўзаро ҳаракат усули ва воситаларидир, деган фикрлар ҳам билдирилади. Таълим технологиясининг усул, восита ва шакллари:

• таълим мақсадларига;

• ўқув материалининг мазмунига ва мураккаблик даражасига;

• таълим олувчиларнинг ёшига, уларнинг психологик имкониятларига;

• таълим берувчининг педагогик маҳоратига;

¹ Зиёмуҳаммадов Б., Абдуллаева Ш. Илғор педагогик – технологиялар: назария ва амалиёт. Т., “Абу Али ибн Сино”, 2001, 45-бет.

- таълим муассасасининг моддий техник таъминланганлигига ва дастлабки шарт-шароитларига қараб танланиши ва қўлланилиши лозим.

Б.Зиёмухаммедов ва Ш.Абдуллаеваларнинг фикрича, таълим технологияларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш илмий муаммо сифатида тадқиқотлар олиб боришни талаб этади. Бунда, улар, энг аввало, куйидагиларни аниқлаш лозимлигини таъкидлаб ўтадилар:¹

- таълим технологияларини илмий ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш учун ижтимоий-педагогик асослар мавжудлигини аниқлаш;

- таълим мажмуа сифатида нимани англатиши ва қандай таркибий қисмлардан ташкил топганлигини белгилаш;

- таълим технологиясининг функционал мажмуи жараён сифатида нималардан иборатлигини аниқлаш.

Шуни айтиш жоизки, таълим технологиялари, педагогика соҳасининг тадқиқот объекти сифатида, аниқ ёки мутахассислик фанларини ўқитиш услуби бўлибгина қолмай, балки ижтимоий фанларни ўқитишда ҳам янгича ёндашув сифатида қаралиши лозим.

Таълим технологиясининг ишлаб чиқариш технологиясидан фарқи шундаки, унда дастлабки ва сўнгги натижаларга эришишда шахс (инсон) туришидир. Масалан, анъанавий ўқитиш технологиясида ўқитувчи таълим жараёнларида баъзи талабалардаги ўқув материални ўзлаштириш давомида юзага келган қийинчиликларни аниқлайди ва уларга яқма-яқма ёндашган ҳолда қўшимча машғулотлар олиб боради. Бунда шахсни тўлақонли шакллантириш усули, методика ёки технологиялардан фойдаланиш назарда тутилади. Бизнинг илмий-педагогик назария ва амалиётимизда, шахсни шакллантириш хусусиятлари ривожлантирувчи технологиялардан фойдаланувчи тарбиявий жараён, ўргатувчи ҳамда дидактик технологияларни амалга оширувчи таълим жараёни сифатида қаралади. Баъзи илмий тадқиқотларда таълим технологияларининг хусусий методикалардан фарқли жиҳатлари ҳам ўрганилган.

Ўқитиш назариясида технология, методикадан фарқли равишда:

- мавжуд шароитлардан келиб чиққан ва белгиланган таълим натижаларига йўналтирилган ҳолда, режалаштирилган аниқ педагогик фаолияти орқали;

- таълим олувчиларга ва уларнинг шахсий фаолияти ҳисобига ўқитишда ютуқларга эришишларини таъминлашга йўналтирилиши орқали;

- технологияда ҳеч қандай қайта ўзгартириш йўллари, усуллари ва воситаларини алмаштириб бўлмайдиган қилиб лойиҳалаштирилади.

Бизнинг фикримизча, таълимни технологиялаштириш – бу таълим жараёнига технологик ёндашув асосида ўқув мақсадларига кафолатли эришиш учун талабалар ва педагогларнинг ўзаро фаолиятининг самарали ташкил этилишидир.²

Таълимни технологиялаштиришнинг асосий белгиси ва афзаллиги ўқув жараёнида тизимли ёндашувнинг қўлланилиши, барча ўқув ҳолатларини лойиҳалаштириш асосида ўқитувчилар ва талабалар фаолиятини дастурлаштириш, талабаларнинг қўйилган мақсадга эришувини таъминлаш мақсадида таълим жараёнини ихчамлаштиришдан иборатдир.

Тадқиқотларда таълим технологиялари – бу бутун таълим жараёнини педагогик масаласини қўювчи техник ва инсон ресурслари ҳамда уларнинг ўзаро таъсирини ҳисобга олган ҳолда яратиш, қўллаш ва таърифлашнинг тизимли услубидир деб таърифланади.

Таълим технологияси – бутун ўқитиш ва ўргатиш жараёнини яратиш, амалга ошириш ва баҳолашнинг тизимли усули бўлиб, у ўқув мақсадига эришишга йўналтирилган ҳолда инсонларнинг ўрганиш қобилияти ва улар ўртасида мулоқот ўтказиш, тадқиқотлар натижасига, ҳамда таълим жараёнини яна-да самарали ташкиллаштиришнинг жонли, жонсиз воситалари билан шуғулланишга асосланади.

Тадқиқотлар ва педагогик адабиётларда замонавий ўқитиш технологияларини лойиҳалашнинг:

- ижтимоий буюртма сифатида мавжуд давлат талабларига мослигини лойиҳалаш;

- инсонпарварлик ва демократик характерда бўлиш;

¹ Мавлонова Р., Тўраева О., Холикбердиев К. Педагогика. Т., “Ўқитувчи”, 2001, 30-бет.

² Узоқова Л.П. Таълимни технологиялаштиришнинг аҳамияти. Педагог кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш жараёнида педагогик ва ахборот-коммуникацион технологияларни қўллаш муаммолари. Илмий-амалий конференция материаллари, Тошкент, 2007, 101-бет.

- яхлитлик бирлиги;
- илмийлик;
- назария билан амалиётнинг бирлиги тамойиллари келтирилган.

Ушбу тамойиллар замонавий таълим шароитида мустақил ва эркин фикрловчи шахсни шакллантиришни назарда тутди.

Педагогик технологияларнинг ривожланиш тарихига мурожаат қиладиган бўлсак, ҳамсухбатига жавобини излашда қийинчиликларга олиб келадиган саволлар қўйиш, Пифагор мактабидаги Сократнинг суҳбатларидан маълум.

Америкалик олимларнинг педагогик технология ёрдамида дарс ўтиш усули хусусий ўқув мақсадларига эришишга ҳамда фикрлаш тафаккурини махсулдор даражасини рағбатлантиришга қаратилган, яъни:

1. Талабалар диққатини жамлаш.
2. Талабаларга дарс мақсадини етказиш.
3. Керакли билимларни эсда қолдириш ва кўникмаларни эгаллаш зарурлигини уқдириш.
4. Талабада қизиқишни уйғотиш, ҳаракат қилишга ундайдиган ўқув материални тақдим этиш.
5. Талабанинг жавоб ҳаракатларини маъқуллаб, рағбатлантириш.
6. Талабаларнинг ўзлаштиришидан хабардор бўлиб бориш.
7. Талабанинг фикрлаш (тафаккур) фаолиятини бошқариш, билим ва малакалари мустаҳкамланишини рағбатлантириб бориш.
8. Талабаларнинг ҳаракатини баҳолаш.

Юқорида келтирилган педагогик технология тўғрисидаги таърифларни назарий таҳлил қиладиган бўлсак, хорижий (шу жумладан, яқин хорижий) давлатларнинг олимлари томонидан берилган таърифлар билан ўзбекистонлик олимлар берган таърифлари мазмунан бир-бирига яқин келсада, фарқи ҳам анчалигини кўрамиз. Ривожланган мамлакатларда муваффақият билан қўлланилиб келаётган педагогик технологияларни ўрганиб, халқимизнинг миллий педагогика анъаналари, ўзига хос хусусиятлари, республикамизда йиғилган тажрибалар ҳамда таълим соҳасининг шу кундаги ҳолатидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистоннинг миллий педагогик технологиясини яратиш лозим.

Юқоридаги фикрлар ва таърифлардан келиб чиқиб педагогик технологиянинг асосий аниқликларини санаб ўтаемиз:

- бевосита режалаштирилган натижага олиб боровчи педагогик жараённинг тавсифидир;
- яна-да самаралироқ таълим шаклига эга бўлиши учун, инсон ва техник воситалар ва улар орасидаги ўзаро таъсирни ҳисобга олиш йўли билан бутун таълим жараёнини ва билимларни ўзлаштиришни режалаштириш, қўллаш ва баҳолашнинг тизимли методидир;
- барча ўқув вазиятларини лойиҳалаш асосида ўқитувчилар ва талабалар фаолиятини дастурлаштириш;
- шахсни шакллантириш жараёнининг тавсифий лойиҳаси;
- педагогик жараёни самарали амалга оширишнинг илмий асосланган қайта лойиҳаланиши;
- билимларни ўзлаштиришнинг барча жиҳатларини қамраб олувчи, муаммоларни ечишда ўзлаштириш ва билим олишнинг барча жиҳатларини қамраб олувчи, муаммоларнинг ечилишини режалаштириш, таъминлаш, баҳолаш ва бошқаришнинг восита ва усуллари, ғоялар, инсонларни ўз ичига олувчи комплекс янгиланувчи жараёндир.

Педагогик технологиянинг баъзи аҳамиятли белгилари:

1. У асосида муаллифнинг маълум услубий, фалсафий нуқтаи назарлари ётган муайян педагогик фикрлар остида ишлаб чиқилади.
2. Педагогик ҳаракатлар, жараёнлар ва боғланишларнинг технологик занжири, муайян кутиладиган натижа шаклига эга бўлган мақсадли ўрнатишлар билан мос равишда қатъий қурилади.
3. Индивидуаллаштириш ва дифференциаллаштириш тамойилларини, инсоний ва техник имкониятларнинг мақбул равишда жорий қилинишини ҳисобга олган ҳолда, ўқитувчи ва талабаларнинг ўзаро боғлиқ фаолиятини кўзда тутди.
4. Унинг элементлари бир томондан, исталган ўқитувчи билан амалга оширилиши, бошқа томоннинг режалаштирилган натижаларининг барча талабалар томонидан эришилишига қафолат бериши керак.
5. Органик қисми бўлиб, фаолият натижаларини ўлчашнинг мезонлари, кўрсаткичлари ва даражаларига эга бўлган ташхисий тартибли ҳаракатидир.

Замонавий таълим шароитида ўқитувчи фақат билим бериш ва амалий кўникмани шакллантириш билан чегараланмасдан, талабаларни мустақил билим олиш, изланиш ва қарорлар қабул қилишга ўргатиши керак.

Бугунги кунда талабаларнинг мустақил ўрганиш фаолиятини ривожлантириш, фаоллаштириш ва шахсий қобилиятларни ривожлантирувчи методлардан фойдаланиш бўйича қатор илмий тадқиқотлар ўтказилган. Бундай илмий тадқиқотлар асосини ўқитиш психологияси ва педагогиканинг янги гуманистик концепциясини ҳисобга олган ҳолда таълим мазмунини тизимли ёндашув асосида ишлаб чиқиш ташкил этади.

Олий таълимда мутахассислик фанларини ўқитиш мобайнида, талабаларнинг билиш фаоллигини ошириш ва сифатли мутахассис кадрлар тайёрлашга қаратилган ўқитиш технологияларини ишлаб чиқиш мобайнида, биз шахсга йўналтирилган таълим технологияларини амалга оширамиз. Шахс – кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва объекти, таълим хизматларининг истеъмолчиси ва ишлаб чиқарувчисидир. Таълим олувчининг шахси – бутун таълим тизимининг мақсади, унинг нуфузли субъекти бўлиб қолмоқда.

Шахсга йўналтирилган ўқитиш технологиялари, ўз моҳиятига кўра, таълим жараёнидаги барча қатнашчиларининг тўлақонли ривожланишини назарда тутди. Бу эса нафақат таълим олувчинини умумий интеллектуал ривожланиш даражасини ва хусусан, унинг ушбу предмет бўйича тайёргарлигини, уни қобилиятлари ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, ўқитишга табақалаштирилган ёндашувгина эмас, балки таълим олувчининг психологик касбий ва шахсий хусусиятларини ҳамда қобилиятларини ҳисобга олиш ҳамдир.

Шахсга йўналтирилган таълим шароитида, ўқитувчининг ўқув жараёнида шахсга йўналтирилган роли ва вазифаси тубдан ўзгаради. Агар, анъанавий таълим пайтида, ўқитувчи дарс жараёнида билим манбаи билан бирга, талабаларнинг билим олишини назорат қилувчи ва ўзлаштирган билимларини баҳоловчи ролини бажарган бўлса, шахсга йўналтирилган таълимда таълим олувчиларнинг мустақил ва фаол билим олиш фаолиятининг йўналтирувчиси, маслаҳатчи, ҳамроҳи ва ёрдамчиси сифатида намоён бўлади.

Ўқитувчи педагогик ва касбий маҳоратини, фақатгина таълим олувчиларнинг билим ва маҳоратларини баҳолаш ва назорат қилишга эмас, балки билим, кўникма ва малакани шакллантиришда, назарий билимларни амалда қўллашда юзага келиши мумкин бўлган қийинчиликларни ўз вақтида бартараф этишга ёрдам бериши ва талабаларнинг фаолиятини ташхис ва таҳлил қилиши керак. Бу эса анъанавий таълимдагига нисбатан ўқитувчидан анча мураккаб ва юқори маҳоратни талаб қилади.

**Mamadaliyeva Hayotxon Muhammadqodirovna (Qo‘qon davlat
pedagogika instituti Boshlang‘ich ta‘lim kafedrasida katta o‘qituvchisi)
МАТЕМАТИКА ФАНИНИ О‘QITISHDA PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALARNING
INTERFAOL USULLARI**

***Annotatsiya.** Maqolada uzluksiz ta‘lim tizimini takomillashtirishning eng muhim omillaridan biri bu pedagogik innovatsiyalar, ular ta‘lim jarayonidagi muayyan o‘zgarishlarga, ta‘lim mazmunining boyitilishi va sifatining oshirilishiga olib keladigan turli-tuman tashabbus va yangiliklarning, pedagogik texnologiyaning interfaol metodlari, testshunoslik, masofali ta‘lim mavzulari ko‘rib chiqiladi.*

***Аннотация.** В статье рассматривается один из важнейших факторов совершенствования системы непрерывного образования – педагогические инновации. Они ведут к коренному преобразованию системы образования, её обогащению и повышению качества преподавания. Рассмотрены интерактивные методы педагогики, текстопедения и дистанционного обучения.*

***Annotation.** One of the most important factors in improving the system of continuing education is pedagogical innovations, which will lead to certain changes in the educational process, enrichment and quality of education, various district initiatives and innovations, interactive methods of pedagogical technology, testing, distance learning.*

***Kalit so‘zlar:** aqliy hujum metodi, interfaol ta‘lim, nomanfijy butun sonlar, uzluksiz ta‘lim.*

***Ключевые слова:** метод мозгового штурма, интерактивное обучение, неотрицательные целые числа, непрерывное обучение.*

***Key words:** brainstorming method, interactive learning, non-negative integers, continuous learning.*

Ma'lumki, pedagogik innovatsiyalarning quyidagi shakllari mavjud: pedagogik texnologiyaning interfaol metodlari, testshunoslik, masofali ta'lim va hokazo. Boshlang'ich ta'lim matematika kursida No-manfiy butun sonlar mavzusini o'qitishda innovatsion texnologiyalardan foydalanish va interfaol ta'lim metodlarini qo'llash jarayonida o'quvchilarni innovatsion ta'lim metodlari va ularning didaktik imkoniyatlaridan xabardor qilish, ularni qo'llashda xorijiy mamlakatlarining innovatsion ta'lim metodlari borasidagi tajribalarini o'rganish va amaliyotda samarali tatbiq etish ko'zda tutiladi. Zamonaviy ta'limni tashkil etishga qo'yiladigan muhim talablardan biri ortiqcha ruhiy va jismoniy kuch sarf etmay, qisqa vaqt ichida yuksak natijalarga erishishdir.¹ Qisqa vaqt orasida muayyan nazariy bilimlarni o'quvchilarga yetkazib berish, ularda ma'lum faoliyat yuzasidan ko'nikma va malakalarni hosil qilish, shuningdek, o'quvchilar faoliyatini nazorat qilish, ular tomonidan egallangan bilim, ko'nikma hamda malakalar darajasini baholash o'qituvchidan yuksak pedagogik mahorat hamda ta'lim jarayoniga nisbatan yangicha yondashuvni talab etadi.

Quyida ta'lim amaliyotida foydalanilayotgan interfaol metodlardan birining mohiyati va ulardan foydalanish borasida so'z yuritamiz.

“Aqliy hujum”. “Aqliy hujum” metodining mohiyati jamoa hamkorligi asosida muammoni yechish jarayonlarini vaqt bo'yicha bir qancha bosqichlarga (g'oyalarni generatsiyalash, ularni tanqidiy va konstruktiv holatda ishlab chiqish) ajratishdan iborat. Dars jarayonida aqliy hujumdan maqsadli foydalanish ijodiy, nostandart tafakkurlashni rivojlantirish garovi hisoblanadi. “Aqliy hujum”ni uyushtirish bir muncha sodda bo'lib, undan ta'lim mazmunini o'zgartirish jarayonida foydalanish bilan birgalikda ishlab chiqarish muammolarining yechimini topishda ham qo'llash mumkin. Dastlab guruh yig'iladi va ular oldiga muammo qo'yiladi. Bu muammo yechimi to'g'risida barcha ishtirokchilar o'z fikrlarini bildiradilar. Bu bosqichda hech kimning o'zga kishi g'oyalariга hujum qilishga yoki baholashga haqqi yo'q. Demak, aqliy hujum yo'li bilan qisqa minutlarda o'nlab g'oyalarning yuzaga chiqish imkoniyatlari mavjud bo'ladi. Aslini olganda, g'oyalar sonini qo'lga kiritish asosiy maqsad emas, ular muammo yechimini oqilona ishlab chiqish uchun asos bo'ladilar. Bu metod shartiga ko'ra, hech qanday tashqi ta'sirsiz qatnashuvchilarning har biri faol ishtirokchi bo'lishi kerak. Bildirilgan g'oyalarning besh yoki oltitasigina asosiy hisoblanib, ulargina muammo yechimini topishga salohiyatli imkoniyatlar yaratadi.²

Shunday qilib, aqliy hujum qoidalarini quyidagicha belgilash mumkin: olg'a surilgan g'oyalar baholanmaydi va tanqid ostiga olinmaydi, ish sifatiga emas, soniga qaratiladi, g'oyalar qancha ko'p bo'lsa, shuncha yaxshi; istalgan g'oyalarni mumkin qadar kengaytirish va rivojlantirishga harakat qilinadi, muammo yechimidan uzoq g'oyalar ham qo'llab-quvvatlanadi, barcha g'oyalar yoki ularning asosiy mag'zi (farazlari) qayd etish yo'li bilan yozib olinadi, hujumni o'tkazish vaqti aniqlanadi va unga rioya qilinishi shart; beriladigan savollarga qisqacha (asoslanmagan) javoblar berish ko'zda tutilishi kerak.

“Aqliy hujum” qiyin vaziyatlardan qutulish choralarini topishga, muammoni ko'rish chegarasini kengaytirishga, fikrlash bir xilliligini yo'qotishga va keng doirada tafakkurlashga imkon beradi. Eng asosiysi, muammoni yechish jarayonida kurashish muhitidan ijodiy hamkorlik kayfiyatiga o'tiladi va guruh yanada jiplashadi.

Yuqorida “Aqliy hujum” metodi haqida qisman ma'lumot berildi: bu metod garchi amerikalik pedagoglar tomonidan qo'llangan bo'lsada, mualliflari bizning ajdodlarimizdir. Hali Amerika kashf etilmagan bir davrda o'z aql mash'alasi bilan dunyoni yoritgan qomusiy olimlarimizni (Muhammad al-Xorazmiy, Ahmad al-Farg'oniy, Abu Nasr Forobiy, Ibn Sino, Beruniy va boshqalar) olasizmi, yoki yetti iqlimni zabt etgan shoh-u sultonlarimizni olasizmi, ular o'z muammolarini yechishda ana shu metoddan keng foydalanishgan. Bobolarimiz bu metodni boshqacha nomlashgan, ya'ni kengash, mashvarat, maslahat deb nomlagan. Misol uchun, Sohibqiron Amir Temur saltanat oldida turgan muammolarni yechishda mashvarat chaqirib barcha saroy ahlining, vazir-u ulamolarning, farzandlarining fikrlarini diqqat bilan eshitgan va ular asosida yagona hukm chiqargan. Bunday metodlarni o'rganish milliy g'urur, iftixor tuyg'usini shakllantirishda katta ahamiyatga ega bo'ladi.³

Bugungi turli qobiliyatli bolalar sinfida dars berish qiyin bo'lishi mumkin. Bugungi kunda bitta sinfda keng ko'lamlı qobiliyatlarni topish odatiy holdir – yangi tushunchalarni anglashga intilayotgan o'quvchilardan boshlab, o'z tengdoshlaridan oldinda bo'lganlarga qadar. Bu omil matematikani erta o'r-

¹ Xamedova N,A Ibrogimova Z., Tasetov T. Matematika. Darslik. Toshkent, “Turon-iqbol”, 2007, 363-bet.

² Jumayev M.E., Tadjiyeva Z. Boshlang'ich sinflarda matematika o'qitish metodikasi. T., “Fan va texnologiya”, 2005.

³ Jumayev M.E. Boshlang'ich sinflarda matematika o'qitish metodikasidan mashg'ulotlar. T., “Yangi asr avlodi”, 2006.

ganuvchilar uchun bir qator muammolarni keltirib chiqaradi, shu jumladan, o'quvchilar o'rtasidagi katta yutuqdir ham. Ayrim o'quvchilar turli xil o'quv uslublaridan foyda ko'rishlariga qaramay, barcha o'quvchilarda muvaffaqiyat qozonishlariga yordam beradigan bir qator samarali strategiyalar mavjud.

Boshlang'ich matematikani o'qitishning 6 samarali strategiyasi.

1. Uni qo'lda qiling. Boshlang'ich matematikani o'rganish qiyin kechishi mumkin, chunki bu bolalar uchun vizual tarzda tushunish uchun qiyin bo'lishi mumkin bo'lgan yangi, mavhum tushunchalarni o'rganishni o'z ichiga oladi. Yetti yashar bola birinchi marta qo'shimcha muammoni ko'rganda nima ekanligini tasavvur qilishga harakat qiling. Bu ular uchun mutlaqo yangi tushuncha bo'lganligi sababli, bitta miqdor boshqasiga qo'shilgan senariyni tasavvur qilish qiyin bo'lishi mumkin. Manipulyativ vositalar – bu matematikani yosh bolalar uchun tushunishni osonlashtiradigan amaliy vositalar. Lego, loy va yog'ochdan yasalgan bloklar singari asboblarning sinfda matematik fikrlarning qanday ishlashini namoyish qilish uchun ishlatilishi mumkin. Masalan, Lego – bu raqamlarni tuzish, operatsiyalar, kasrlar, saralash, naqshlar, 3D shakllar va boshqalarni namoyish qilishning ajoyib usuli.

2. Vizual va tasvirlardan foydalaning. O'quvchilar matematik darsliklarida son-sanoqsiz grafika va tasvirlarni uchratishsa-da, tadqiqotlar shuni ko'rsatadiki, ulardan foydalanish kerak bo'lgan yagona joy emas. Boshlang'ich matematikani grafika bilan o'qitish. Mathseeds onlayn matematik dasturi elementar matematik tushunchalarni qiziqarli va jozibali tarzda namoyish etish uchun rangli vizual, grafik va yozim qimmi qo'shiqlardan foydalanadi. O'quvchilar har bir mavzuni to'liq tushunmaguncha darslarga qaytishlari mumkin. Bepul sinov.

3. O'qishni farqlash imkoniyatlarini qidirib toping. Mahorat darslari o'quvchilarga ma'lum mahorat yoki kontseptsiyani anglab etishlari kerak bo'lgan vaqtni berishni anglatadi. Bu har bir talabaga muvaffaqiyat qozonish uchun vaqt ajratishni o'z ichiga oladi. Texnologiyalarga asoslangan sinf vositalari boshlang'ich matematikani o'qitish jarayonida o'qishni farqlashning kuchli usulini taklif qiladi, bu aralash qobiliyatli sinf o'quvchilariga muvaffaqiyat qozonishlariga yordam berishning samarali usuli hisoblanadi.

4. O'quvchilardan o'z fikrlarini tushuntirishlarini so'rang. Siz biron-bir konseptsiyani boshqa biron-bir tushuntirganingizdan so'ng, unga nisbatan qanchalik ishonchliroq ekanligingizni payqadingizmi? Metabilim – bu sizning imkoniyatlaringiz, tanlovlaringiz va natijalaringiz haqida o'ylash jarayoni bo'lib, o'quvchilarning bilim olishlariga katta ta'sir ko'rsatadi. Matematikaga oid topshiriq berishdan oldin, o'quvchilardan foydalanishi mumkin bo'lgan "Aqliy hujum" muammolarini yechish strategiyalarini so'rang. O'quvchilarni turli strategiyalarni hurmat bilan taklif qilish uchun birgalikda ishlashga undang. Ushbu jarayon boshlang'ich matematikani o'qitishda muammoni hal qilishning har bir bosqichida amalga oshirilishi mumkin. O'quvchilar javobni taqdim etgandan so'ng, ularni qanday qilib ushbu javobni bosqichma-bosqich yozishni so'rang.

5. Yangi tushunchalarni ko'rsating va ayting. Boshlang'ich matematika o'qituvchilari, odatda, har bir darsni "ko'rsatish va aytib berish" bilan boshlashlari kerak. Aytish – bu o'quvchilar bilan ma'lumot va bilim almashish jarayoni, shu bilan birga, nimadir qilishni qanday qilishni modellashtirish. O'qituvchilar aniq matematik tushunchalarni qiziqarli tarzda aniq ko'rsatish va aytib berish uchun animatsiyalar va videolardan foydalangan holda interfaol doska yordamida "shou"ni boshlashlari va aytib berishlari mumkin.

6. O'quvchilarga muntazam ravishda o'zlarini qanday tutayotganliklari to'g'risida xabar bering. Qayta aloqa boshlang'ich matematikani o'qitish va o'quvchilarning natijalarini yaxshilashning muhim qismidir. O'quvchilarga ma'lum bir topshiriqni qanday bajarganliklari va o'z malakalarini yanada oshirish va kengaytirish uchun foydali usullar bilan tanishtiring. O'zingizning fikr-mulohazangizni, ular nima qilganliklari va keyingi safar qanday qilib yaxshilanishlari haqida aniq tasavvurga ega ekanliklariga ishonch hosil qiling.

Ширинова Наргиза Джабаровна (Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардия ҳарбий-техник институти Хорижий тиллар кафедраси катта ўқитувчиси, педагогика фанлари номзоди, e-mail: nargizashirnova77@gmail.com)

КУРСАНТЛАРГА ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ЎРГАТИШДА ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Аннотация. Мақола курсантларга инглиз тилини ўргатишда замонавий педагогик технологияларнинг аҳамиятига бағишланган. Курсантларга инглиз тилини ўргатишда замонавий педагогик технологияларнинг роли кўрсатилиб, таълим самарадорлигини оширишнинг усуллари кўрсатиб

ўтилган. Келтирилган усуллар курсантларда инглиз тилидан кўникма ва малакалар ҳосил қилиш, уларнинг билиш фаоллигини ошириш орқали равон нутқини таъминлашга хизмат қилади.

Аннотация. *Статья освещает роль современных педагогических технологий в процессе обучения курсантов английскому языку. Отмечена роль современных педагогических технологий в процессе обучения курсантов английскому языку и приведены методы повышения эффективности процесса обучения. Указанный методический приём способствует формированию навыков, повышению познавательной деятельности который обеспечивает свободной речи курсантов.*

Annotation. *The article deals with the importance of modern pedagogical technologies in the English language teaching process. There was indicated the importance of modern pedagogical technologies in the English language teaching process and given methods of developing the effectiveness of the teaching process. The given method can serve for the development of cognitive activity which provides fluent speech of cadets.*

Калим сўзлар: замонавий технологиялар, билиш фаоллигини ошириш, инглиз тили ўқитишда машқларнинг самарадорлиги.

Ключевые слова: современные технологии, повышение познавательной деятельности, эффективность упражнений в процессе обучения английского языка.

Key words: modern technologies, development of cognitive activity, effectiveness of the exercises in teaching English.

Ватанимизда барча соҳада катта ўзгаришлар бўлаётган, яъни мамлакатимиз янги ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ривожланиш босқичига чиқаётган, айни пайтда, таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини ошириш, замон талабига жавоб берадиган юксак қобилиятли, юкори малакали ва ижодий фаол бўлган ҳарбий кадрларни тайёрлаш устувор вазифа сифатида кун тартибига қўйилмоқда.

Дунё ҳамжамияти билан иқтисодий, маданий, илмий-техникавий ва ҳарбий соҳаларда ўрнатилаётган алоқалар, дўстона муносабатлар кун тартибига хорижий тилларни мукамал ўрганиш, ёш авлодни, энг ками, зулISONайнлик (икки тилда эркин мулоқот қила олиш) руҳида тарбиялаш вазифасини қўйди. Демак, ҳарбий олий таълим муассасалари олдида қўйилган бу улкан вазифани бажариш Ватанимизнинг келажагини белгилашда муҳим масала ҳисобланади.

Ушбу мақолада буюк келажагимизнинг ворислари бўлмиш ёш авлодга, жумладан, ҳарбий йўналишдаги курсантларга инглиз тилидан кўникма ва малакалар ҳосил қилиш, уларнинг билиш фаоллигини ошириш орқали равон нутқини таъминлаш, бунинг учун инглиз тили ўқитувчилари малакасини илғор, замонавий педагогик технологиялар асосида ошириш вазифаси пайдо бўлди.

Инглиз тили дарсларида курсантларнинг билиш фаоллигини ошириш таълимнинг замонавий метод ва воситаларини тўғри танлай олиш билан боғлиқдир. Методик адабиётларнинг таҳлиliga кўра, муайян метод ва воситалар ёрдамида курсантларнинг билиш фаоллиги икки йўл билан амалга оширилади: биринчидан, фанга бўлган қизиқишни кучайтириш; иккинчидан, курсантларнинг мустақиллигини таъминлаш.¹

Методистларнинг фикрича, замонавий педагогик технологиялардан бири бўлган ўйин-мусобақалардан фойдаланиш курсантларнинг қувонч билан ишлашлари ва қийинчиликларни бахузур енгишларига ёрдам беради.²

Таълимни самарали қилиш ўқитувчи фаолиятининг маҳсули бўлиб, курсантнинг билишга бўлган интилишини кучайтиришга қаратилган амалиёт бўлиб саналади. Кўпгина педагогик адабиётларда агар ўқитувчи материални тушунарли қилиб баён қилса, кўргазмалилик ҳамда таълимнинг замонавий техник воситаларидан фойдаланса, курсантларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиб, бўш ўзлаштирувчи курсантлар билан алоҳида гуруҳларда иш олиб борса, ўқув жараёни фаоллашиб, таълим самарали бўлади, деган фикр илгари сурилади.³ Таълимни фаоллаштириш юкорида санаб ўтилган омиллар билан бир қаторда курсантларнинг фикрлаш фаолиятини уюштириш билан ҳам боғлиқ. Фикрлаш бўлмаган ҳолатда фаоллик ҳақида гап бўлиши мумкин эмаслиги ҳаёт тажрибасида исботланган.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, инглиз тили ўқитувчилари ўқитиш метод ва воситаларини

¹ Jalolov J.J. Chet til o'qitish metodikasi. T., "O'qituvchi", 2012, 429-bet.

² Шу манба.

³ Lee W.R. English Teaching Forum. A Quarterly Journal for English Teachers. 2004, p. 15–20.

танлашда кўп қийинчиликларга дуч келишмоқда. Бу эса, ўз навбатида, курсантларнинг билиш фаоллигини оширишга салбий таъсир кўрсатмоқда. Айрим ўқитувчилар бирон-бир усулни доим қўллаб, қолганларини кўздан қочиришади, айримлари эса ҳар бир методдан “бир шингил” олишга ҳаракат қилишади.¹

Ҳарбий олий таълим муассасаларида чет тил ўқитишнинг амалий мақсади ўқиш, яъни ўқиб ахборот олиш экан, берилган матнларни ўқиб, мазмунини чуқур тушуниш ва шу матн юзасидан турли шароитларда фикр алмаша олиш, демак, уларнинг билиш фаоллигини ошириш асосий вазифамиздир. Курсантларнинг билимдонлиги, топқирлиги ва билиш фаоллигини ошириш билан бир қаторда, уларнинг инсоний, ватанпарварлик фазилатларини шакллантириш ва ривожлантиришга ҳам эришамиз. Матнни пухта ва ҳар томонлама эгаллаш ва шу матн юзасидан эркин фикр юрита олишни таъминлашда мусобақа шаклидаги топшириқларнинг аҳамияти каттадир.

Интерактив методларнинг анъанавий методлардан фарқи шундаки, бунда курсантнинг ўзи мустақил ҳолда эркин фикр юритади, ўқитувчи билан ҳамкор сифатида ишлайди. Анъанавий метод эса курсантнинг фактларни эса сақлаш қобилияти ва унинг ҳажмига асосланади. Ушбу фарқларни куйидаги жадвалда кузатиш мумкин.

Анъанавий ва замонавий методларнинг фарқли жиҳатлари

	Анъанавий	Замонавий
Ўқув фаолияти	Ўқитувчи фаолиятига асосланган	Интерактив, курсантнинг фаолиятига асосланган
Ўқитувчининг роли	Доим эксперт, фактлар ҳақида ахборот берувчи	Ҳамкор, баъзан курсант
Курсантнинг роли	Пассив тингловчи, доим курсант	Ҳамкор, баъзан эксперт
Ўқитиш жараёнида алоҳида эътибор бериладиган омиллар	Фактлар, хотирада сақлаш қобилияти	Мулоҳаза, изланиш, янгилик яратиш
Билим тушунчаси	Фактлар йиғиндиси	Фактлар трансформацияси
Баҳолаш	Нормага асосланган	Кўргазмалиликка асосланган
Технологиялар	Пассив ҳолда етказиш	Фикрлаш қобилиятини ривожлантиришга қаратилган актив вазият
Муваффақиятларнинг кўриниши	Миқдори	Тушунганлик сифати

Замонавий технологиялар курсантларнинг мустақил фикрлаши ва нутқ юритишига асосланганлигига амин бўлди. Маълум бўлишича, замонавий технологиялар асосида ўқитиладиган Буюк Британия университетларида талабалар дарс мақсади ва вазифаларини ўзлари белгилашади ва ўзлари танлаган мавзу бўйича баҳслашиб, хулосалар чиқаришади.² Кўринадигани, дарс жараёнида талабалар ташкилотчи, яъни лидер вазифасини бажаришмоқда. Шундай қилиб, курсантларнинг мустақиллигини таъминлаш уларнинг тилни пухта эгаллаши ва эркин нутқ юрита олиши билан белгиланади. Буни куйидаги кўрсаткичлар орқали изоҳлаш мумкин.

Ўзлаштириш кўрсаткичлари



¹Кадирова Ф.Х. New approaches and modern methods of teaching foreign language pronunciation. “Молодой учёный”, М., 2016, с. 18 – 22.

² Фарберман Б.Л. Передовые педагогические технологии. Т., «Фан», 2000, 129 с.



Замонавий педагогик технологиялар асосида ўқитиш қуйидаги изчилликни талаб қилади:

1. Курсантларнинг ўзлари дарс жараёнини режалаштиради.
2. Курсантларнинг ўзлари белгиланган ўқув режаси асосида шуғулланишади.
3. Курсантлар муҳокамалар ўтказишади.
4. Чет тил ўқитиш мақсадларининг рўёбга чиқишида курсантлар ҳам иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлишади.
5. Ўқитиш методларини танлашда курсантлар ҳам ҳамкор сифатида иштирок этишади.
6. Ўқув материали муҳокамасида курсантлар бир-бирларига ёрдам беришади.
7. Курсантлар эгаллаган билимларини бошқаларга ҳам еткази олиш малакаси билан таъминланади.

Буларнинг ҳаммасини бирданга амалга татбиқ этиб бўлмайди, албатта. Бунга аста-секин, босқичма-босқич курсантларга нутқий фаолиятни ўргатиш жараёнида эришиш мумкин. Ушбу ғоялар Буюк Британия ва бошқа кўпгина хорижий мамлакатлар педагогикасида ўз аксини топган.

Таълимни юқори даражада самарали ташкил этиш учун мақсад, вазифаларни аниқ белгилаш, таълим натижасини олдиндан қайд этиш, ўқув предметларини тўлиқ ўзлаштиришга эришиш учун зарур таълим воситалари, шарт-шароитларини тайёрлаш зарур. Бу маънода таълим технологияси олдиндан қайд этилган, аниқ, кафолатланган натижага эришиш учун зарурий тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш ва таълим жараёнини унга риоя қилиб ташкил этишни англатади.¹

Хулоса қилиб айтганда, инглиз тили дарсларида курсантларнинг нутқий кўникма ва малакаларини шакллантирувчи замонавий восита ва усуллар ишлаб чиқилса, уларнинг мустақил излашлари уюштирилса, аниқ тушунча ва тасаввурларини ўстиришда ёрдам берадиган самарали интерактив усуллар ишлаб чиқилсагина уларнинг билиш фаоллигини оширишга эришиш мумкин. Энг асосийси, ўзлаштириладиган материал уларнинг касбий фаолиятига бевосита дахлдор бўлса, курсантлар уни зўр қизиқиш билан эгаллай бошлашади.

**G'oiyova Nargiza Ziyoxonovna (Namangan Muhandislik-texnologiya instituti
Fizika kafedrasi assistenti, aktamovshohruhbekk@gmail.com)
МАКТАБЛАРДА ФИЗИКА ФАНИНИНГ О'ҚИТИЛИШИ ВА МЕТОДИКАСИ**

***Annotatsiya.** Fizikani o'rganishning har xil yo'nalishlarida barcha tabiiy fanlarning ko'rsatmalariga tayanadi. Fizikaning astronomiya va boshqa fanlar bilan aloqasi. Materiya. Modda va maydon. Tabiiy-ilmiy va hayot haqidagi fanlarning tadqiqotlarida fizikaviy metodikalarining roli bevosita qarab chiqiladi. Shuningdek, bugungi fan va ishlab chiqarish asoslari fizika qonunlarining mahsuli sifatida o'rganilishga arziydi. O'rganilayotgan materialni fan tarmoqlaridan misollar keltirib, fanlararo aloqani o'rnatgan holda o'qitilishi maqsadga mo'fiqdir. "Mexanika", "Mexanik tebranishlar va to'lqinlar", "Optika", "Qiziqarli fizika" va hokazolar. Bu dasturda maktab fizika kursining hamma bo'limlariga oid mingtarga yaqin masalalar berilgan. "Repetitor po fizike" o'quvchilarni tezkor metod usulida oliy o'quv yurtlariga fizika fanidan interfaol uslubda tayyorlashga imkon beradi.*

¹Иванова С.В., Малова А.В. Новые педагогические технологии в обучении иностранным языкам. Современные методы и технологии преподавания иностранных языков. Сборник научных статей. Россия, Чувашский государственный педагогический университет имени И.Я.Яковлева, 2019, с. 38 – 42.

Аннотация. В статье речь идет о том, что при изучении физики необходимо опираться на достижения естественных наук. Физика связана с астрономией и с другими науками. Вещество и площадь. Непосредственно рассматривается роль физических методов в изучении естествознания и наук о жизни. Также стоит изучать основы науки и промышленности сегодня как продукт законов физики. Желательно преподавать материал на примерах из дисциплин и устанавливать междисциплинарные связи. «Механика», «Механические колебания и волны», «Оптика», «Интересная физика» и др. Программа охватывает около тысячи вопросов по всем разделам школьного курса физики. Physics Tutor позволяет студентам интерактивно подготовиться к высшему образованию по физике.

Annotation. The article is based on the instructions of all the natural sciences in various fields of study of physics, relation of physics with astronomy and other sciences, Matter. Substance and area. The role of physical methods in the study of natural sciences and life sciences is considered directly. It is also worthwhile to study the basics of modern science and industry as a product of the laws of physics. It is advisable to teach the material with examples from the disciplines and to establish interdisciplinary connections. "Mechanics," "Mechanical Vibrations and Waves," "Optics," "Interesting Physics," etc. The program covers about a thousand questions in all sections of the school physics course. The Physics Tutor allows students to prepare for higher education in an interactive way in physics.

Kalit so'zlar: fizika, metodika, Nyuton, formula, o'zlashtirish, o'quvchi, dars jarayoni.

Ключевые слова: физика, методика, Ньютон, формула, мастерство, ученик, учебный процесс.

Key words: Physics, methodology, Newton, formula, mastery, student, lesson process.

Fizika o'qitish pedagogik jarayon bo'lib, o'qituvchi rahbarligi va boshqaruvida ta'lim oluvchilarning fizika fani asoslarini egallashi, olingan bilimlarini hayotda qo'llay bilishi, hayotda keng tarqalgan asbob va uskunalar bilan muomala qila olish ko'nikmasini egallashiga imkon yaratadi. O'qitish natijasida talabalarda umumiy politexnik ta'lim, to'g'ri ilmiy dunyoqarash, insoniylik tuyg'ulari va shu kabilar shakllanishi kerak. Barkamol o'qituvchi faqat fan asoslarini yaxshi bilishi va uni o'qitish metodlarini mustahkam egallash bilan cheklanib qolmay, balki o'qitish jarayoni, talabalarining fanni o'zlashtirishning psixologik qonuniyatlarini amaliy ko'nikma va malakalar hosil qilish va uni rivojlantirish, fikrlash qobiliyatini rivojlantirish yo'llarini, o'qitishda shaxs kamolotida tarbiyaviy masalalarni hal etishni mukammal bilishi lozim. Shuningdek, o'qituvchi psixologik qonuniyatlarni izchil qo'llay bilishi ham talab etiladi. Talabalarining kamolotida ijtimoiy hayotiy tajriba muhim ahamiyatga ega.

Demak, o'qituvchi bu muhim faktorni ham yodda tutishi kerak. Talabaning muhit ta'sirida faol o'zgarib borishini tahlil etib borish o'qituvchi faoliyatining samarali bo'lishiga sabab bo'ladi. O'qitish jarayoni uzluksiz ravishda talabaning o'z-o'zini kamolot sari intilishiga va bu borada ijobiy yutuqlarni qo'lga kiritib borishiga erishmoq zarur.

Tahlillar shuni ko'rsatadiki, samarali ijodiy darslarni tashkil etilishi shakliga ko'ra, quyidagicha guruhlar ajratish mumkin ekan.

Ta'lim oluvchilarda insonparvarlik g'oyalarini shakllantiruvchi darslar. Bu darslarning xarakterli tomoni shundaki bunda ta'lim berish bilan bir qatorda, ta'lim oluvchilarni insonparvarlik va o'z-o'zini boshqarish asosida tarbiyalash g'oyasi yotadi. Tashkiliy jihatdan bu darslarda ko'proq guruhlariga bo'linib, ta'lim oluvchilarni o'z-o'zini o'qitish uslubi qo'llaniladi. Eng oddiy tajribalardan foydalanish asosida fizikaning oson va hayotiy ekanligini ko'rsatish yo'li bilan ta'lim oluvchi faolligini oshirish darsi. Bunday darslarning o'zagini oddiy fizik tajribalar tashkil etadi.

Kasbiy – o'yinlar darsi. Darsning bu shaklida eksperimental metod "Qora yashik" metodi qo'llanilib, ta'lim oluvchilarni ijodkorlikka yo'llaydi. Darsning bu shakli M.L.Tetening g'oyasi asosida tashkil etilgan. Darsning bu turi asosan ikkinchi bosqichda qo'llaniladi. U quyidagicha rejalashtirish: yil davomida o'tilgan darslar soati soni hamma choraklarga teng bo'linadi. Masalan, mexanika kursi 25 soatdan qilib to'rt chorakka bo'linadi, haftaning besh kuniga surunkasiga besh soatdan ta'lim oluvchilar fizikani o'rganadilar. Boshqacha aytganda bir chorak davomida bir marta ta'lim oluvchilar fizikani berilib o'rganadilar. Bu hafta davomida fizikani sifat jihatidan o'rganadi. Bunda o'quvchilardan faqat qonun, tushuncha, nazariya va faktlarni qayta so'zlab berishgina talab etiladi. Keyingi chorakda esa o'quv materiallariga qaytiladi, kengaytirilgan va cho'qurlashtirilgan holda o'rganiladi. Bunda ta'lim oluvchilar standart hollarda olgan bilimlarini ishlata olishlariga o'rgatiladi. Keyingi chorakda o'quv materiallari yanada chuqurroq o'rganiladi. Yangi vaziyatlarda bilimlarni qo'llay olish ko'nikmasi shakllantiriladi. Oxirgi chorak ta'lim

oluvchilar bilimini nostandart vaziyatlarda ham qo'llay olish ko'nikmasi hosil qilinadi, ya'ni ijodiy bosqichga o'tiladi.

Mavzuning dolzarbligi bugungi kunda maktab faoliyati va undagi dars jarayonlari hamda o'quvchilarning dars jarayonidagi faoliyati muhim sanaladi, sababi darslarning sifati va o'quv jarayoning to'g'ri tashkil etilganligi, albatta, o'quvchilarni darsga jalb qilish va ularning faoliyatini boshqarish ta'lim tizimidagi muhim muammolar sanaladi. Hamma sohada bo'lgani kabi, fizika fanini o'qitishda ham o'quvchilarda bilim, ko'nikma va malakalarni shakllantirish, tizimli va mustahkam bilim berish, mantiqiy fikrlash va ijodiy qobiliyatni rivojlantirishda maktabda fizika o'qitish uslubining roli yanada oshdi.

Maktab, kollej, akademik litseylarda fizika kursining alohida bo'limlari bo'yicha darslar uyushtirish va o'tkazishda o'quv materialini tizimga solish, o'qitish jarayonini maqbul usul va yo'llar bilan boyitish, maktab o'quvchilariga nazariy asoslangan va tajribada isbotlangan fizika o'qitishni havola etish shu kunning eng dolzarb masalasidir. Asosiy masalalar zamon talab qilayotgan butunlay yangi tarkibdagi va yagona uslubdagi o'rta umumta'lim, o'rta maxsus ta'lim va oliy o'quv yurtlari islohotini o'tkazishdan iboratdir. O'rta umumta'lim va o'rta maxsus ta'lim sohalarida ta'lim mazmunini aniqlashtirish. 2. Mazmunan yangi va mukammal, eksperimental va barqaror dasturlarni yaratish. 3. Fizika tushunchalarini shakllantirishning psixologik didaktik asoslarini ishlab chiqish. 4. Fizika o'qitishning eksperimental asoslarini qayta o'rganib chiqish va takomillashtirish. 5. O'quv jarayonida zamonaviy texnik kompyuter jihozlaridan foydalanish yo'llarini ishlab chiqish. 6. O'quvchilarning bilim, ko'nikma va malakalarini nazorat qilishning zamonaviy usullarini qo'llash, uning me'yorlarini ishlab chiqish va amalga tatbiq etish kabi muammolar qo'yildi.

Umumiy o'rta ta'lim maktablarida fizika ta'limining ahamiyati uning fan-texnika taraqqiyotida, ishlab chiqarish sohalarida va kundalik hayotda tutgan o'rni bilan belgilanadi. Maktabda fizika o'qitish ta'limning umumiy maqsadlariga xizmat qilishi, ya'ni o'quvchilarning ilmiy dunyoqarashini, mantiqiy tafakkur qila olish qobiliyatini, aqliy rivojlanishini, o'z-o'zini anglash salohiyatini shakllantirishi va o'stirishi, ularda milliy va umuminsoniy qadriyatlarni tarkib toptirishi hamda ijtimoiy hayotlari va ta'lim olishni davom ettirishlari uchun zarur bo'lgan bilimlar bilan qurollantirishi lozim. Umumiy o'rta ta'lim maktablarida fizika ta'limining asosiy vazifalari quyidagilardan iborat:

– o'quvchilarni fizik hodisalar, tushunchalar, kattaliklar, modellar, qonunlar, o'lchashlar, fizikaning amaldagi tatbiqlari, olamning fizik manzarasiga oid bilimlar bilan tanishtirish;

– fizikadan masalalarni mustaqil ishlash, fizik hodisalarni kuzatish va ularni tushuntira bilish ko'nikmalarini shakllantirish;

– fizikaga oid asbob va uskunalardan foydalanish, sodda o'lchov va tajriba ishlarini bajarish, ularning natijalari asosida xulosalar chiqarish, asbob va uskunalardan foydalanishda xavfsizlik qoidalariga rioya qilish malakalarini shakllantirish;

– o'quvchilarni fan-texnika taraqqiyoti, fizika qonuniyatlarining amalda qo'llanilishi bilan tanishtirish;

– qadimda va o'tgan asrlarda yashab ijod etgan buyuk mutafakkirlar hamda hozirgi davr Vatanimiz fizik olimlarining faoliyatlari bilan tanishtirish, ta'lim mazmunini tevarak-atrofdagi mahalliy va tarixiy materiallar bilan bog'lash orqali o'quvchilarni milliy va vatanparvarlik ruhida tarbiyalash;

– ta'lim mazmunini ijtimoiy hayot va texnika taraqqiyoti bilan bog'lash orqali o'quvchilarni ongli ravishda kasbga yo'naltirish, o'rta ta'lim muassasalarida o'qishni davom ettirishlari uchun zamin tayyorlash.

Umumiy o'rta maktab fizika ta'limi oldiga qo'yilgan vazifalarning bajarilishini ta'minlash va nazorat qilish ushbu davlat ta'lim standarti orqali amalga oshiriladi. U umumiy o'rta maktabda beriladigan fizika ta'limi mazmunining majburiy minimumini hamda o'quvchilarning fizikadan tayyorgarlik darajasiga qo'yiladigan minimal talablar majmuasini ifodalaydi. Fizika ta'limi mazmunining majburiy minimumi umumiy o'rta ta'lim maktablarida o'quvchilarga fizikadan berilishi zarur bo'lgan ta'lim mazmunining minimumini ifodalaydi. Maktab fizika ta'limi mazmunini belgilashda to'qqizinchi sinfni tugatgan yoshlar umumiy fizika kursining barcha bo'limlaridan, chunonchi, mexanika, molekulyar fizika va termodinamika, elektrodinamika, optika, atom va yadro fizikasidan ma'lum darajada tugallangan bilimga ega bo'lishlari zarur ekanligi inobatga olingan. Ta'lim mazmunining majburiy minimumi quyidagi shaklda keltirilgan: fizik bodisa va faktlar, tushuncha va kattaliklar, modellar hamda qonunlar. Bitiruvchilarning tayyorgarlik darajasiga qo'yiladigan talablar o'quvchilarning fizikadan majburiy tayyorgarlik darajasiga, ya'ni ularning umumiy o'rta maktabda fizika ta'limi jarayonida egallagan bilim, ko'nikma va malakalariga qo'yiladigan minimal talablarni aks ettiradi. Umumiy o'rta ta'lim maktablari o'quvchilarning fizikadan

tayyorgarlik darajasiga qo'yiladigan talablar uning asosiy mazmunining yo'nalishlari – bilish vositalari, harakat va kuchlar, modda, maydon, ish va energiya bo'yicha belgilandi. Bilish vositalari. O'quvchilarni fizik hodisalarni o'rganishda mustaqil ravishda kuzatish, tajribalar o'tkazish, tajriba natijalarini umumlashtirish hamda darsliklar, o'quv qo'llanmalari va boshqa qo'shimcha adabiyotlardan foydalana olishga o'rgatish muhim o'rin tutadi.

Умарходжаева Хилола Сирожиддинова, Ходжимуродова Малика Валиевна
(ассистент кафедры Иностранных языков Ташкентского университета
Информационных технологий имени Мухаммада аль-Хоразмий)

ОБУЧЕНИЕ ФРАЗОВЫМ ГЛАГОЛАМ С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ КОММУНИКАТИВНОЙ КОМПЕТЕНЦИИ

Умумадабий тилда қўлланувчи гаплардаги “отиб ўлдирди”, “20 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинди” иборалари юридик маъно касб этмайди, чунки уларда аниқлик йўқ. Маълумки, юридик термин ўзининг аниқлиги ва маъноси қатъий чегараланганлиги билан умумадабий тилдаги сўздан фарқланади. Сиртдан қараганда, “20 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинди” деган иборада юридик маъно борга ўхшайди. Бироқ ЎзР Жиноят кодексининг 43-моддасида белгиланган жазо тизимида, асосан, жиноят содир қилган шахсларга “озодликдан маҳрум қилиш” тарзидаги жазо мавжуд бўлиб, у бир ойдан йигирма йилгача муддатга белгиланади. ЎзРнинг амалдаги Жиноят кодексига “қамоққа олиш” тарзидаги жазо белгиланмаган (Бироқ бу жазо 1994–2000 йилларда мавжуд бўлган). Тадқиқотимиз шуни кўрсатмоқдаки, “қотиллик” сўзи ЎзРнинг на Жиноят кодексига, на Жиноят-процессуал кодексига қўлланилишини кузатмадик. Шундан келиб чиқиб, бу сўз ўзбек тилида юридик термин эмас, деб айтишимиз мумкин. Бироқ француз тилидаги «meurtre» (“қотиллик”) сўзи Франция жиноят кодексининг 221-1-моддасида одам ўлдириш жиноятини таснифлаш учун қўлланилган ва шу сабабдан уни юридик термин деб ҳисоблаш мумкин. Юридик матнлар таржимасида юқоридагига ўхшаш холатлар таржимон эътиборида бўлмоғи лозим.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ўзбек юридик тили муаммоларини ўрганиш, бу соҳада чуқур илмий тадқиқотлар олиб бориш, юридик терминлар тизимини чет тиллар билан қиёслаб ўрганиш қонунларимиз сифатини яна-да оширишга хизмат қилади.

Йнгиталиев Умиджон Саминович (Кўкон ДПИ доценти, PhD; e-mail umidjon-7474@mail.ru)
ИЖОДИЙ ТАФАККУРНИНГ ЛИНГВОКОГНИТИВ ТАВСИФИ

***Аннотация.** Ушбу мақолада ижодий тафаккур тушунчасининг лингвокогнитив муаммоси антропоцентрик тадқиқ аспектида ҳам фалсафий, ҳам лингвистик жиҳатдан таҳлилга тортилган.*

***Аннотация.** В данной статье лингвокогнитивная проблема концепции творческого мышления анализируется как философски, так и лингвистически с точки зрения антропоцентрического исследования.*

***Annotation.** In this article, the linguo-cognitive problem of the concept of creative thinking is analyzed both philosophically and linguistically from the point of view of anthropocentric research.*

***Калит сўзлар:** ижодий тафаккур, антропоцентрик тилшунослик, антропоцентрик тадқиқ аспекти, олам ва одам муносабати, тушунча, шарқ фалсафаси, гносеология, онтология, тил табиати, субстанция, методология.*

***Ключевые слова:** креативное мышление, антропоцентрическая лингвистика, антропоцентрический исследовательский аспект, отношения между вселенной и человеком, концепт, восточная философия, гносеология, эпистемология, онтология, природа языка, материальность, методология.*

***Key words:** creative thinking, anthropocentric linguistics, anthropocentric research aspect, relation between the world and man, concept, Eastern philosophy, epistemology, ontology, nature of language, materiality, methodology.*

Табиатни, инсон ҳаёт кечираётган жамиятни ва инсоннинг ўзини, унинг фаолият кўринишларини илмий таҳлил этиш ва билиш интеллектуал фаолиятнинг энг олий шаклидир. Бу фаолият оддий билишдан, яъни кундалик ҳаёт эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган билиш истагидан, биринчи навбатда, ўз мақсади ва тизимли равишда амалга оширилиши билан тубдан фарқ қилади. Иккинчидан эса илмий билиш жараёнида махсус восита ва усулларга мурожаат қилинади.¹

Зеро, исломий схоластикадан олдинги йилларда исломий ва дунёвий илмларда жаҳонга машҳур бўлган аждодларимиз – Ибн Сино, Абу Наср Форобий, Умар Хайём, Беруний, Хоразмий, Аҳмад Фарғоний каби алломаларнинг оламшумул асарлари бунинг ёрқин гувоҳидир.² Чунончи,

¹ Григорян Б.Т. Философская антропология. Москва, “Наука», 1982, с. 121.

² Муминов И.М. Выдающиеся мыслители Средней Азии. М., 1966; Муминов И.М. Ўзбекистон ижтимоий-фалсафий тафаккури тарихидан. Т., «Фан», 1993; Ибн Сина. Избранные философские произведения. М.,

Абу Наср Форобий ўзининг «Ихсо ал-улум» («Илмларнинг келиб чиқиши тўғрисида») асарида шундай таъкидлайди: «Билки, (оламда) субстанция (жавҳар) ва акциденция (жавҳар бўлмаган, ораз) ҳамда субстанция, акциденция яратувчи марҳаматли ижодкордан бошқа ҳеч нарса йўқдир»,¹ деб мулоҳаза юритади.

Шундай асос билан Форобий барча фанларнинг *моддий асоси* бир эканлигини таъкидлайди ва босқичма-босқич сонлар, юлдузлар, мусиқа, табиатшунослик, Ҳақни билиш (фалсафа – У.Й.), тил, мантиқ ҳақидаги фанларни бир манба – *субстанция*нинг турли қирраларидан келиб чиққанлигини исботлайди.

Бу иқтибосдан кўриниб турибдики, буюк ватандошимиз олам ҳақидаги илмларнинг бирлигини уларнинг ягона моддий борлиқнинг турли қирраларини ўрганиш билан бирлашишини эътироф этади. Бу фикрлар бош манба – борлиқ барча фанлар учун бир бўлганлиги сабабли фанлар тараққиётида умумийликни, уларнинг бир-бирига самарали таъсирини кўриш ва изоҳлашга имкон беради.

Борлиқни инсон томонидан, бошқача айтганда, ижодий тафаккур нуқтаи назаридан ўрганиш барча фанларнинг муҳим вазифасидир.² Қолаверса, бу жараёни ўрганиш учун махсус фан – *гносеология* мавжуд бўлиб, у ўзига хос тадқиқ муаммоларига эга.

Гносеология юнонча *gnosis* – «билиш», *logos* – «таълимот» сўзларидан олинган бўлиб, билиш ҳақидаги таълимот демакдир. Гносеология, умуман, билиш назарияси, билиш фалсафаси саналади. У инсоннинг билиш табиати ва имкониятлари, билимнинг воқеликка муносабатини ўрганиш, унинг ҳақиқийлиги ва ишончлилигини аниқлаш йўллари, усуллари тўғрисидаги фалсафий фандир.³

Дарҳақиқат, олам-одам тизимида дунёни англаш, субъект ва объект ўртасидаги муносабатлар диалектикаси, бошқача айтганда, тилнинг гносеологик ва онтологик табиатга эга эканлиги кабиларни тадқиқ этиш тилшуносликнинг марказий муаммоларидан бири эканлиги исботланмоқда.⁴

А.Нурмонов тилнинг онтогносеологик табиати ва унинг методологик асосини қуйидагича изоҳлайди: «Тил фалсафий жиҳатдан гносеологик ва онтологик табиатга эга мураккаб феномендир. Онтологик табиатга эга мураккаб тилга гносеологик нуқтаи назардан ёндашилганда, биринчидан, инсоннинг тил орқали оламни билиши, тилнинг объектив борлиқ узвларини номлаш (ономазиологик) вазифаси, иккинчидан, тилнинг шу тил эгаларининг олам ҳақидаги билимлари тўплами экани (аккумулятив вазифаси) ёритилади».⁵

Олим бу ҳақида мулоҳаза юритар экан, яна қуйидаги фикрларни ҳам алоҳида таъкидлайди: «Тилнинг онтологик хусусияти деганда, унинг ўзига хос ички тузилишига эга объектив ҳодиса экани тушунилади. Тилнинг онтологик табиати гносеология учун асос бўлиб хизмат қилади. Чунки тил ҳақидаги фан тилнинг онтологик табиати ҳақидаги фандир. Шунинг учун фалсафада онтология ва гносеологиянинг бир-бири билан узвий боғлиқ экани эътироф этилади.

Онтология борлиқ тўғрисидаги умумий таълимот, борлиқнинг фундаментал асосларини,

1980; Форобий ва унинг фалсафий рисоалари. М.Хайруллаев таҳрири остида. Т., «Фан», 1969; Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан лавҳалар. Академик М.Хайруллаев таҳрири остида. Т., «Ўзбекистон», 1995; Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шахри. Т., «Мерос», 1993, 174-бет; Оллоёров М.О. Ўрта Осиё фалсафий фикр тараққиётининг хусусиятлари. Самарқанд, «Университет», 1993, 41-бет.

¹ Форобий ва унинг фалсафий рисоалари. М.Хайруллаев таҳрири остида. Т., «Фан», 1969, 174-бет.

² Чепиков М.Г. Интеграция науки (Философский очерк). Москва, «Мысль», 1981, с. 7; Марков М.А. О понятии первоматерии. «Вопросы философии», №4, с. 18, 1970; Гейзенберг В. Физика и философия. Москва, «Мысль», 1963, с. 51.

³ Шермухаммедова Н.А. Гносеология – билиш назарияси. Тошкент, «Университет», 2008, 4-бет; Шермухаммедова Н.А. Социально-философские аспекты формирования стиля научного мышления. Автореф. дисс. ... докт. филос.наук, Тошкент, «Университет», 2002, 35 с; Турашбекова А.К. Научное мировоззрение и его влияние на формирование стиля мышления творческой интеллигенции. Автореф.дисс. ...канд. филос. наук, Т., 1990, 25 с; Султанова Т. Проблемы развития интеллектуального потенциала независимой Республики Узбекистан. Автореф.дисс. ...канд.филос.наук, Ташкент, 1995, 18 с; Хайруллаева В. Гибкость мышления и её методологическое значение. Автореф.дисс. ...канд.филос.наук, Ташкент, 2000, 18 с; Азизкулов А. Илмий ижодиётда рационаллик ва нораціоналликнинг ўзаро муносабати. Фалс.фан.номз. ...дисс.автореф., Тошкент, «Университет», 2006, 25 б; Курбонова Л.А. Ижодий тафаккурнинг фалсафий-методологик таҳли-ли. Фалс.фан. номз. ...дисс.автореф., Тошкент, «Университет», 2006, 25 б.

⁴ Панфилов В.З. Взаимоотношения языка и мышления. Москва, 1971, с. 170.

⁵ Нурмонов А.Н. Лингвистик тадқиқот методологияси ва методлари. Тошкент, «Академнашр», 2010, 14-бет.

умумий моҳиятини ва мавжудлик категорияларини ўрганувчи фалсафанинг бўлими сифатида гносеология масалалари учун асос, манба бўлиб хизмат қилади. Гносеологиянинг барча тушунчалари ва тамойиллари ўзининг онтологик талқинига, онтологик жиҳатига эга. Демак, гносеология ва онтология фалсафанинг ўзаро узвий боғлиқ бўлган икки бўлиמידир. Уларнинг узвий боғлиқлиги шундаки, гносеология онтологик, онтология эса гносеологик табиатга эга».¹ Илмий билиш тушунчаси фақат инсонга хос бўлган жараён бўлиб, у инсон томонидан жонли табиатга ҳам, жонсиз табиат – *оламга* ҳам бирдек қўлланилади. Илмий билиш билим орқали рўёбга чиқади.²

Яқин-яқинларгача тилшунослик фани у ёки бу тил тизимини ички тилшунослик нуқтаи назаридан, яъни унинг субстанционал хусусиятларини, семантик-функционал томонларини алоҳида-алоҳида таҳлил ва тадқиқ қилиб келди. Бугунги кунда жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган назарий тилшунослик фани бундай методологияга қониқмайди.

Маълумки, методология инсон билиш фаолиятининг воситалари, мақсади ва назарий асосини аниқлаб беради. Методология доирасида тадқиқотчи воқеликдаги турли ходисаларни таҳлил қилиш тамойилларини танлайди, тадқиқот жараёнида эришилган натижаларни ўрганиш ва баҳолаш усулларидан фойдаланади. «Фалсафа» қомусий луғатида методология тушунчаси икки йўналишда таърифланади: 1) бирор фанда тадқиқ этиладиган тадқиқот усулларининг мажмуи; 2) илмий билиш ва дунёни ўзгартириш методи ҳақидаги таълимот.³

Проф. Н.Шермухамедованинг фикрича, фан методологияси самарали билиш фаолиятининг умумий тамойилларининг белгилаб беришга қодир, аммо у тадқиқ қилинаётган объектни билишнинг муайян йўллари белгилаб бера олмайди.⁴ Ҳар бир объект тадқиқи алоҳида ёндашувни, махсус усул ва воситалар мажмуасидан фойдаланишни талаб қилади. Шу сабабли методологияни таҳлил тамойиллари ва методлари тизими ҳақидаги таълимот сифатида таърифлаш маъқулроқ. Унинг доирасида илмий изланиш ва билим олишнинг назарий асоси, умумий ёндашув тамойиллари белгиланади.

Методологиянинг муҳим вазифаларидан бири билим манбаини аниқлашдир. Ушбу масаланинг ечимини фалсафадан изламоқ даркор, зеро, фалсафий нуқтаи назардан ҳар қандай билим манбаи объектив воқелик ва унинг *инсон онгидаги* аксидир.⁵

Борлиқнинг инсон онгидаги акси тўғридан-тўғри бевосита («кўзгудек тоза») бўлиши мумкин эмас. Бу акс билиш субъектининг объектга муносабати таъсирида бўлади, аммо ушбу таъсир доираси инсон имкониятларига боғлиқ, маълум чегарада кечади.

Гносеологияда ҳиссий билиш жараёнида юзага келадиган образ ва билиш объекти ўртасидаги муносабат масаласига алоҳида эътибор қаратилади: «Ҳиссий билиш шакллари тўғрисида ташқи дунё образлари сифатида гапирилганда, «образ»га объектга мослик хос эмас, балки объектга унинг мувофиқлиги хос эканлигини эътибордан четда қолдирмаслигимиз лозим. «Образ» – ойнадаги нусха эмас, лекин «белги» ҳам эмас, балки нарсага хос инъикосдир».⁶

Борлиқнинг инсон томонидан идрок этилиши, бу идрок сезги органлари ёки бирор-бир асбоб воситасида бўлишидан қатъий назар, доимо субъективдир. Лекин бу билан воқелик тўғрисида объектив маълумотга эга бўлиш мумкин эмас, биз билаётганимиз воқелик бўлмасдан, фақатгина ҳистуйғу, сезиш натижасидир, деган хулосага келиш нотўғридир.

Воқеликни субъектив билиш жараёни тажриба назоратидадир. Ушбу жараён натижасида биз воқелик ҳақидаги объектив билимга, аниқ маълумотга эга бўламиз, объектив ҳақиқатни билиб оламиз. Объектив ҳақиқат дунё ҳақидаги билим мазмунидир ва бу билим субъект билан боғлиқ эмас. Лекин ушбу билимни тўплаш жараёни бевосита субъект фаолияти, унинг дунёқараши ва қандай воситалардан фойдаланилаётганлигига боғлиқ. Ушбу факторларнинг барчаси илмий тадқиқот натижаларида ўз аксини топади ва бизнинг воқелик ҳақидаги билимимиз қай йўсинда шаклланишини белгилайди. Шу сабабли билиш фаолиятининг ҳар бир босқичи объектив ҳақиқатга малум даражада яқинлашиш ва унга интилишнинг кучайишига имкон беради.

Хуллас, замонавий фалсафа фани воқеликни илмий билишнинг асосий йўналишларини аниқ

¹ Нурмонов А.Н. Кўрсатилган асар. 14-бет.

² Салимов Б.Л. Илмий билиш жараёнида тасодифнинг ўрни. Фалс.фан.номз. ...дисс.автореф., Тошкент, ЎзРФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2008, 27 б.

³ Фалсафа. Қомусий луғат. Тошкент, Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2004, 258-бет.

⁴ Шермухамедова Н. Фалсафа ва фан методологияси. Тошкент, “Университет”, 2005, 213-бет.

⁵ Залевская А.А. Текст и его понимание. Тверь, ТвГУ, 2001, с. 8.

⁶ Билиш фалсафаси. Тошкент, “Университет”, 2005, 121-бет.

белгилаб бериш қудратига эга.

Юқорида айтилган фикрлар нафақат табиат ҳақидаги фанлар, балки тилшунослик учун ҳам тўлиғича хосдир. Шунинг учун тил тизимини илмий билиш реал лингвистик ҳодисалардан бошланиши керак, деган фикр нечоғлик тўғри бўлишига қарамасдан, аслида, ҳеч қачон индуктив усулнинг абсолютлашувига сабаб бўлмаслиги керак. Бундай яхлитлаштиришга уриниш бизнинг фанимиз тараққиётига тўсиқ туғдиради, тадқиқот ҳодисаларнинг юзаки хусусиятлари билан чегараланиб қолиб, уларнинг асл моҳиятини назардан қочиради.

**Хошимова Дилдора Мадаминовна (Наманган Муҳандислик-технология
институтининг Чет тиллар кафедраси мудири, филология фанлари доктори),
Шодмонова Сайёра Бахрамовна (Қарши муҳандислик-иқтисодий
институтининг Хорижий тиллар кафедраси ўқитувчиси)
“БОБУРНОМА” МАТНИДАГИ ЎЛЧОВ БИРЛИКЛАРИНИНГ ПРАГМАТИК
ХУСУСИЯТЛАРИ**

***Аннотация.** Ушбу мақола “Бобурнома” матнидаги ўлчов бирликларининг қайта тиклашдаги муаммолар ва уларнинг таржималарда аслиятга мувофиқ ёки номувофиқ таржима қилинганлиги ҳақида маълумот берилади. Ўлчов бирликларининг таржимасини транслитерация усулида берилиши ҳамда таржималарнинг прагматик хусусиятларига алоҳида эътибор берилган.*

***Аннотация.** Статья предоставляет информацию о проблеме восстановления единиц измерения в тексте «Бабурнаме» и о том, были ли они переведены в соответствии оригиналу или неточны. Анализируется перевод единиц измерения путем транслитерации, а также уделено особое внимание прагматическому характеру переводов.*

***Annotation.** This article provides information on the problem of restoring units of measurement in the text of “Baburname” and they were translated in the original or inaccurate. Units of measure in transliteration method, as well as the pragmatic features of translation is paid special attention.*

***Калим сўзлар:** ўлчов бирликлари, оғирлик ва узунлик ўлчовлари, мисқол, прагматик хусусиятлар, аслият, математик рақамлар.*

***Ключевые слова:** единицы измерения, измерения веса и длины, миткалы, прагматические особенности, оригинальность, математические числа.*

***Key words:** units of measure, weight and length measurements, misqal, pragmatic features, originality, mathematical numbers.*

Халқимиз қадимдан дунёдаги кўплаб мамлакатлар билан иқтисодий, илмий ва бошқа кўпгина соҳалар бўйича алоқалар қилган, савдо-сотик билан шуғулланган. Мана шу алоқаларнинг самарали бўлишида халқимизнинг ўлчов ва ўлчов бирликларига катта аҳамият бериши ва улардан тўғри фойдаланиши муҳим бўлган. Айниқса, ўша даврнинг ўқимишли кишилари ўлчаш соҳасига тегишли илмларнинг яратилишига ўз ҳиссаларини қўшиш билан бирга кишиларни шу соҳадаги илмларни ўрганишга ҳам чақирган. Натижада юзлаб ўлчовлар ва ўлчов бирликларини яратишган ва амалда қўллашган.

Албатта, Бобур учун Ҳиндистонда қўлланадиган оғирлик бирлиги ҳам алоҳида аҳамиятга молик эди. Чунки давлат ишларини юргизиш, уларни бир тартибга солишда аниқ оғирлик бирлигининг қўлланиши муҳим бўлган. Азалдан Шарқ мамлакатларида бир атама остида ҳар хил вазн бирликлари тушуниланган. Айниқса, *сир, мисқол, аришин, қуруқ, фарсах, манн, харвор, хурд, наҳўд, жариб, газ, милл* ва бошқалар Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг турли ҳудудларида турлича оғирлик ва узунлик бирликларини билдирган. Бобур буларнинг ҳаммасини умумлаштириб, салтанат ишлари учун муқобил вариантларини ишлаб чиққан. Бу жараён «Бобурнома»да шундай акс этганига гувоҳ бўламиз: *«Яна ҳинд эли вазнларни тавре таъйин қилибтурлар: секкиз раттий бир маъша, тўрт маъша бир таанкким, ўттуз икки раттий бўлғай. Беш маъша бир мисқолким, қирқ раттий бўлғай. Ўн тўрт тўвла бир сер. Бу худ муқаррардурким ҳар ерда қирқ сер бир ботмон бўлур, ўн икки ботмон бир маъний бўлур. Юз маънийни бир манъаса дерлар. Жавоҳир ва марворидин таанк била тортарлар»*.¹ Ўлчов бирликлари ифодаланган атамалар ва сўз бирикмалари ифодасида ҳам Бобур таснифлаган. Шу усул воситасида ўлчов аниқлиги ва ижтимоий, иқтисодий турмуш учун фойдали-

¹ Захириддин Муҳаммад Бобур. «Бобурнома». Тошкент, “Шарқ”, 2002, 208-бет.

лигини таъминлашга эришади. Бу ҳолатлар ҳар учала таржима вариантыда ўзига хос тарзда намоён бўладики, куйида шу ҳолатларни таҳлилий кўриб ўтамиз. Лингвокультурологик ва прагматик жиҳатдан таҳлил қиламиз.

Лейден-Эрскин таржимасида: «*The inhabitants of Hindustan have a peculiar method of reckoning as to measures; they allow eight ratis to one masheh; four mashehs to one tang, or thirty-two ratis to one tang; five mashehs to one mishkal, which is equal to forty ratis; twelve mashehs make one tola or ninety-six ratis; fourteen tolas make one ser; and it is fixed that everywhere forty sers make one man, and twelve mans one mani, and one hundred manis one minaseh. They reckon jewels and precious stones by the tang*»¹ (Ҳиндустон элида оғирлик ўлчовларини ўзига хос услуби бор. Саккиз раатий бир маъшага, тўрт машъа бир таанкни ёки ўттиз икки раатий бир таанк бўлади. Беш машъа, яъни бир мисқол қирқ раатийга тенг. Ўн икки машъа бир тўвла ёки тўқсон олти раатийга тенг. Ўн тўрт тўвла бир сер ҳисобланади. Қирқ сер белгилаб қўйилгандек ҳар ерда бир ботмон, ўн икки ботмон бир маънийга ва юз маъний бир манъасага тенг. Улар жавоҳир ва қимматбаҳо тошларни таанкда ўлчайдилар (МТ) деб ўгирилади. Айни таржима матнида ўлчов бирликларига оид терминлар транслитерация усули билан қайта тикланган. Аслиятдаги ўлчов бирликларидан бири «тўвла» термини, Лейден-Эрскин таржимасида «*tol*», А.Бевериж таржимасида «*tula*», В.Текстонда эса «*tol*» шаклида берилди. Кўринадикки, таржима матнларида ўлчов бирликлари транслитерация усули орқали берилса-да, турли шаклларда келтирилган.

А.Бевериж таржимасида бу: «*The people of Hind have also well-arranged measures: 8 ratis=1 masha; 4 masha=1 tank=32 ratis; 5 masha=1 misqal=40 ratis; 12 masha=1 tula=96 ratis; 14 tula=1 ser. This is everywhere fixed:—40 ser=1 manban; 12 manban=1 mani; 100 mani they call a minasa.*

Pearls and jewels they weigh by the tank»² (Ҳинд халқини жуда яхши белгиланган ўлчовлари бор. Саккиз раатий бир машъа, тўрт машъа бир таанк ўттиз икки раатийга тенгдир. Беш машъа бир мисқол қирқ раатий, ўн икки машъа бир тўвла тўқсон олти раатий, ўн тўрт тўвла бир серга тенгдир. Бу ҳамма ерда қирқ сер бир ботмон бўлади деб белгилаб қўйилган, ўн икки ботмон бир маънийга, юз маънийни бир манъаса дейдилар) акс этади. Транслитерация усули бу ўринда қўл келгани кузатилади. Масалан, аслиятдаги «мисқол» сўзини А.Бевериж «*misqal*», Лейден-Эрскин таржимасида: «*mishkal*», В.Текстонда эса «*mithcal*» шаклида беради. Уч таржимон ичида А.Бевериж таржимаси аслиятнинг прагматик хусусиятларига мувофиқлиги билан ажралиб туради. Хусусан, А.Бевериж ҳар иккала таржимадан фарқли тарзда «*equal*» сўзини «=» белгиси билан ифодалайди. Муаллиф ўлчов бирликларини қисқа ва лўнда берса, таржимон бу тасвирларни техник жиҳатдан янада ихчамлаштириб беришга интилади. Таржимавий мувофиқлик яратиш учун турли тиллар воситаларининг қиёсий ўрганиш, бадий матннинг эстетик ўзига хослигини, унинг таъсирчан ва образлилигини таъминловчи услубий ва прагматик хусусиятларни аниқлаш тақозо этилади. Тил бирликларининг услубий бўёқ касб этиш хусусияти турли жуфт тиллар бирликларининг мазмуний-услубий ва прагматик жиҳатлардан ўзаро мос келиш-келмасликлари тўғрисида қарор қабул қилиш имконини беради.³

В.Текстон таржимасида шундай келади: «*The people of India also have wonderful weights and measures. Eight rattis equal 1 masha; 4 mashas equal 1 tank, or 32 rattis; 5 mashas equal 1 mithcal or 40 rattis; 12 mashas equal 1 tola, or 96 rattis; 14 tolas equal 1 seer. It is set everywhere that 40 seers equal 1 maund. 12 maunds equal 1 mani; 100 manis is called a manyasa. Jewels and pearls are weighed by the tank*»⁴ (Ҳиндустон халқида ажойиб оғирлик ўлчовлари бордир. Саккиз раатий бир маъшага тенг, тўрт машъа бир таанкка ёки ўттиз икки раатийга тенгдир, беш машъа бир мисқол ёки қирқ раатийга тенг. Ўн икки машъа бир тўвла ёки тўқсон олти раатийга тенгдир, ўн тўрт тўв-

¹ Leyden J., W.Erskine. *Memoirs of Zehired-din Muhammed Babur, Emperor of Hindustan*. Edinburg, 1826, p. 240.

² Beveridge A.S., *The Bābur-nāma in English (Memoirs of Babur)*, Translated from the Original Turki Text of Zahiruddin Muhammad Babur Padshah Ghazi by Annette, Susannah Beveridge. 2 Vols, London, 1922; Repr, in one Volume, London, 1969; New Delhi, 1970; Lahore, 1975, p. 517–518.

³З.Бозоров. Бадий таржиманинг прагматик хусусиятлари. “Таржима ва таржимашунослик муаммолари лингвокультурологик ва когнитив жиҳатдан ўрганилишга доир”. “Таржимашуносликнинг долзарб масалалари: таржима назарияси ва амалиёти, таржима тарихи, лингвокультурологик ва туризм соҳаларининг узвий боғлиқлиги” мавзусидаги Республика илмий-амалий анжуман материаллари тўплами. Тошкент, 12 ноябрь 2019, 35-бет.

⁴ The Baburnama. *Memoirs of Babur, Prince and Emperor*, Translated, Edited, and, Annotated by Wheeler. M., Thackston. New York & Oxford, 1996, p. 350.

ла бир серга тенг. Қирқ сер белгилаб қўйилгандек ҳамма ерда бир ботмон бўлади. Ўн икки ботмон бир маънийга тенг. Юз маънийни бир манйаса дейдилар. Жавоҳир ва марваридларни таанкда ўлчайдилар (МТ). Таржимон оғирлик ўлчов бирликларини қайта тиклашда ўқувчига тушунарли бўлиш йўллари излайди. Ўлчов бирликларини транслитерация орқали ва рақамлар билан беришни маъкул кўради. «Сер» ўлчов бирлиги, В.Текстон таржимасида «seers», А.Беверижда эса «ser», Лейден-Эрскин таржимасида «ser» шаклида қайта тикланган. А.Бевериж ва Лейден-Эрскин таржималарида «сер» сўзи аслиятдагидек транслитерация қилинса, В.Текстон «seers» шаклида транслитерация қилади. Лейден-Эрскин таржимасида: «twelve mashehs make one tola or ninety-six ratis», В.Текстон таржимасида: «12 mashas equal 1 tola, or 96 rattis», А.Беверижда эса: 12 masha=1 tula=96 ratis (ўн икки маша бир тўвла ёки тўқсон олти ратишга тенгдир) жумласи аслиятда йўқ. Бизнингча, буни изоҳловчи қўшимча сифатида таржимонлар киритишган. Н.Отажоновнинг қайд этишича: «Жуда оддий туюлган бу талқину атамаларни бошқа тилларга ўгиришда ниҳоятда кўп хилма-хиллик ва чалкашликлар учрайди».¹

Таржимонлар «Бобурнома» матнидаги ўлчов бирликларини қайта тиклашда ҳам, юқорида вақт ўлчовлари таржимасида кўрганимиздек, турли усуллардан фойдаланишган. Натижада аслиятнинг прагматик жиҳатлари таржимада ўз аксини топган. Бобур сўз билан берган ўлчов бирликлари таржимада сўз ва сонлар орқали ифодаланган. Таржима матнида Лейден-Эрскин оғирлик ўлчов бирликларини сўзлар орқали, В.Текстон рақамлар билан, А.Бевериж эса рақам ва белгилар воситасида ифодалаган.

Ўлчов бирликларининг таржимаси жараёнида матннинг лексик, стилистик ва прагматик томонларига диққат қаратиш муҳим. Бу жиҳат таржимон маҳоратининг бир қиррасини ташкил этади. Ҳар бир ўлчов бириликлари тафсилот ва талқини таржима матнида аслиятнинг прагматик хусусиятларига мувофиқ акс этиши таржима амалиётининг синалган, самарали йўлидир.

Бобур ўлчов бирликларининг шакллари келтирар экан, уларнинг таснифланиш усулини бошқачароқ шаклда давом эттирганини кўрамиз. Ҳиндистондаги ўлчов бирликлари, математик атамалар, рақамларнинг кўплигини Бобур шундай изоҳлайди: «Бу ададларнинг таъйини Ҳиндустон молининг кўплугининг далилидур... Яна ҳинд эли ададни ҳам хўб таъйин қилибтурлар: юз мингни лак дерлар, юз лакни карўр дерлар. Юз карўрни арб дерлар. Юз арбни карб, юз карбни нийл, юз нийлни падам, юз падамни санк. Бу ададларнинг таъйини Ҳиндустон молининг кўплугининг далилидур».² Ушбу матнда муаллиф ўлчамларни ҳиндча терминлар асосида кўрсатади.

Айни жиҳат мутаржимлар ижодида шундай акс этган: Ушбу «юз мингни лак дерлар, юз лакни карўр дерлар. Юз карўрни арб дерлар. Юз арбни карб, юз карбни нийл, юз нийлни падам, юз падамни санк» жумласи Лейден-Эрскин таржимасида: «They call a hundred thousand a lak, a hundred laks a kror, a hundred krors and arb, a hundred arbs a kerb, a hundred kerbs a nil, a hundred nils a padam, a hundred padams a sang» (Улар юз мингни лак, юз лакни карўр, юз карўрни арб, юз арбни карб, юз карбни нийл, юз нийлни падам, юз падамни санк деб аташади); А.Бевериж таржимасида: «100,000 they call a lak; 100 laks, a kror; 100 krors, an arb; 100 arbs, 1 karb; 100 karbs, 1 nil; 100 nils, 1 padam; 100 padams, 1 sang» (Юз мингни улар бир лак деб, юз лакни карўр, юз карўрни бир арб, юз арбни карб, юз карбни бир нийл, юз нийлни бир падам, юз падам бир санк деб аташади); В.Текстон таржимасида: «One hundred thousand equal 1 lac; 100 lacs equal 1 crore; 100 crores equal 1 arb; 100 arbs equal 1 kharb; 100 kharbs equal 1 nil; 100 nils equal 1 padam; 100 padams equal 1 sankya» (Юз минг бир лакка тенг, юз лак бир карўрга тенг, юз карўр бир арбга тенг, юз арб бир карбга тенг, юз карб бир нийлга тенг, юз нийл бир падамга тенг, юз падам бир санкка тенгдир) тарзида ўгирилган.

Вариантларнинг қиёсий таҳлили кўрсатадики, Лейден-Эрскин таржимасида математик ва ўлчов бириликлари транслитерация усули орқали, рақамларнинг ёзувда ифодаланиши йўли билан инглиз тилида қайта тикланган. Таржимонлар математик ва ўлчов бирликларини бир хил сўзлар билан эмас, рақамлар билан қайта тиклашга уринганлар. Уларнинг ҳар бири лексик-семантик жиҳатдан гапларнинг бир-бири билан боғланишига эътибор қаратган. В.Текстон таржима матнида рақамлар ўртасида «equal» сўзини ишлатган, Лейден-Эрскин ва А.Бевериж таржималарида гапнинг бош қисмида «call» сўзини қўлланган бўлса, бу сўз ҳисоб рақамларининг барчасини жамлаш,

¹ Отажонов Н. «Бобурнома» жаҳон адабий жараёнида. Қиёсий-типология таҳлили. Филол. фан. док. ... дисс., Тошкент, 1994, 224-бет.

² Захириддин Муҳаммад Бобур. «Бобурнома». Тошкент, «Шарқ», 2002, 208-бет.

уюштиришга хизмат қилган. Муаллифнинг содда гап шаклидаги ифодалари, таржима матнларида қўшма гап тарзида қайта тикланган.

Аслиятдаги: «Бу ададларнинг таъйини Ҳиндустон молининг кўплагининг далилидур» жумласи, Лейден-Эрскин таржимасида: «The fixing such a high mode of calculation is a proof of the abundance of wealth in Hindustan» (*ҳисоблашни шундай юқори услубда белгиланиши Ҳиндустондаги бойликнинг мўллагининг исботидур*); А.Бевеиж таржимасида: «The fixing of such high reckonings as these is proof of the great amount of wealth in Hindustan» (*саноқнинг бундай юқори белгиланиши Ҳиндустонда бойликнинг катта миқдордалигини далилидур*); В.Текстон таржимасида: «The creation of these numbers indicates the vast wealth of Hindustan» (*бу рақамларнинг яратилиши Ҳиндустон бойлигининг катталигини кўрсатади*) деб қайта тикланади. Ҳар учала таржимада келтирилган математик ва ўлчов бирликлари таржимасини бири-бири билан чоғиштирадиган бўлсак, «fixing» ва «wealth» сўзларидан ташқари барча сўзларнинг синоними ишлатилгани маълум бўлади. Демак, барча таржима матнларида математик ва ўлчов бирликлари шаклан ҳар хил бўлса-да, маъно жиҳатидан айнан бир хилдир. Таржималарнинг ҳар бири ўзига хос услубда қайта тикланган.

Юқорида Бобурнинг Ҳиндустон ижтимоий ҳаётининг турли соҳаларига оид вақт бирликлар, математик рақамлар, узунлик, оғирлик, астрономик ўлчов бирликларини муқоясавий усулда тасвиру тавсиф этганига гувоҳ бўлдик. Бунда «Бобурнома» муаллифи ҳинд ўлчов бирликларини Мовароуннаҳр бирликлари билан қиёслади, ҳар бир ўлчов, сон, рақам борасида жиддий хулосалар чиқаради. Салтанат ҳукмдори ва ўтқир дипломат сифатида Бобур имкон қадар ҳиндларнинг бу соҳага оид тартиб-қоидаларига Мовароуннаҳрга хос қулай вариантларни киритишга, бу ўлканинг маданиятига таъсир ўтказишга ҳаракат қилган. Таржима матнида бундай қиёсий бирликлар ва атама-лар муаллиф ифодаларига хос қайта тикланган. Таржимонлар бири-бирларининг услубларини такрорламаган ҳолда оригинал таржима қилишга эришганлар. Ўлчов бирликларининг таржималари прагматик жиҳатдан мувофиқликда амалга оширилганига таржималар таҳлили жараёнида гувоҳи бўлдик.

Турсунова Гулчехра Норбобоевна (Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари
университети катта ўқитувчиси, e-mail: guli2578@mail.ru)

ИНСОННИНГ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ БИЛДИРУВЧИ ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРИНИНГ СЕМАНТИК ВА ФУНКЦИОНАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация. Ушбу мақола инглиз ва ўзбек тилларида интеллектуал қобилиятларини ифода-ловчи иборалар бўйича тадқиқотларни акс эттиради. Тадқиқотнинг мақсади – оммавий ахборот воситаларида сўзлашувда қўлланилган ибораларнинг семантик ва функционал хусусиятларини таҳлил қилиш. Инсоннинг интеллектуал қобилиятини билдирувчи фразеологик бирликлар тез-тез ахборотни сиқиш, яна-да кучли экспресив эффект яратиш ва ўқувчилар эътиборини жалб қилиш учун оммавий ахборот воситаларининг нутқида, айниқса, газеталарнинг сарлавҳаларида ўзгартирилади.

Аннотация. Настоящая статья продолжает исследование, посвященное изучению идиом, представляющих интеллектуальные способности человека в английском и узбекском языках. Целью исследования является анализ семантических и функциональных особенностей упомянутых идиом, используемых в дискурсе средствах массовой информации. Фразеологические единицы, обозначающие интеллектуальные способности человека, часто модифицируются в дискурсе средств массовой информации, особенно в заголовках газет, чтобы сжать информацию, создать более сильный выразительный эффект и привлечь внимание читателей.

Annotation. This article continues the research devoted to the study of idioms representing the intellectual abilities of a person in the English and Uzbek languages. The aim of the research is to analyze the semantic and functional features of the mentioned idioms used in the media discourse. Phraseological units denoting a person's intellectual abilities are often modified in the discourse of the media, especially in newspaper headlines, in order to compress information, create a stronger expressive effect and attract the attention of readers.

Калим сўзлар: фразеологик бирликлар, қиёсий таҳлил, инсоннинг интеллектуал қобилиятлари, оммавий ахборот воситалари нутқи, ўзгарувчанлик.

Ключевые слова: фразеологизмы, сравнительный анализ, интеллектуальные способности

человека, масс-медиа дискурс, вариативность.

Key words: *phraseological units, comparative analysis, human intellectual abilities, mass-media discourse, variability.*

Инсон ва унинг онги, фаолияти, хулқ-атвори, муносабати, ҳиссиётлари ва бошқаларни тавсифловчи тушунчалар тилшунослар учун алоҳида қизиқиш уйғотиши мумкин. Инсон ҳаётининг деярли барча қирралари, яъни унинг туғилиши ва ўлими, унинг феъл-атвори, ташқи қиёфаси, ёши, ақлий фаолияти, касбий фазилятлари ва бошқалар ҳар қандай тилнинг фразеологиясида акс этади.

Ақл, интеллект, тафаккур – бу инсоннинг фикрлаш қобилияти ва воқеликка ўз муносабатини тартибга солиш қобилиятидир. Тафаккур одамни бу дунёда ноёб мавжудотга айлантиради. Бу унинг атрофини ўраб турган ҳамма нарсани идрок этиш қобилиятини тубдан кенгайтиради.

Ақл ёки идрокни қандай акс эттириш мумкинлиги одамлар учун доимо қизиқарли бўлган. Ушбу ҳодисани кўплаб илмий фанлар ўрганади: фалсафа, психология, тилшунослик ва бошқалар.

Интеллектуал ва ақлий соҳанинг лингвистик бирликларини ўрганишнинг бой анъаналари инсоннинг интеллекти ёки интеллектуал қобилиятларининг намоён бўлиши ва унинг лингвистик вакили ҳар доим тадқиқотчиларнинг диққат марказида бўлганлигидан далолат беради.

Ушбу тадқиқотнинг мақсади – оммавий ахборот воситаларида сўзлашувда қўлланилган инсон интеллектуал қобилиятларини ифодаловчи ибораларнинг семантик ва функционал хусусиятларини уларнинг умумий ва ўзига хос хусусиятларини айтиб ўтилган хусусиятлар жиҳатидан аниқлаш мақсадида таҳлил қилиш.

Инсоннинг интеллектуал қобилиятлари деб билим ва ақлий ҳаракатлар, турли билим ва кўникмаларни самарали эгаллашга тайёрлик учун эришилган ва юқори даражада ривожланган ақлий қобилиятлар деб таърифлаш мумкин.

Идиомаларнинг маъносига хос бўлган фарқлар, 16 кичик гуруҳни маънолари билан ажратиш имконини беради. Мана улардан баъзилари:

- 1) ақлий фаолият/*Mental activity: put on one's thinking cap; ўйга толмоқ;*
- 2) билим/*Knowledge: to know something as one knows his ten fingers; беи қўлдек билмоқ;*
- 3) тентаклик/*Stupidity: dumb bunny; эси оғмоқ;*
- 4) хотира/*Memory: have a head like a sieve; эси насм;*
- 5) тор фикрлаш/*Narrow-mindedness: a one-track mind; a wooden head; галвир бош* ва бошқалар.

Ўтказилган маъно турларини таҳлил қилиш, кўриб чиқилган ибораларнинг аксарияти метафора (*soak into somebody's brain; be off ones trolley; мияси говлаб кетди*) ёки метонимияга (*a wooden head; have an old head on young shoulders; калла компьютер*) эга эканлигини тасдиқлашга имкон беради.

Инсонга хос бўлган ҳар бир нарса баҳоловчи тоифаларга эга ва эмоционал-баҳоловчи муносабатни ҳосил қилади. Шундай қилиб, инсоннинг интеллектуал қобилиятларини билдирувчи кўриб чиқилаётган фразеологик бирликларнинг аксариятида фразеологик маънонинг салбий (*soft in the head; have got water on the brain; бошида шамол кезмоқ*) ёки нейтрал (*one's upper storey; ақли жойида*) баҳоловчи таркибий қисми мавжуд бўлиб, бу одамларнинг барча салбий ҳолатларга бўлган ҳиссий реакциялари билан изоҳланиши мумкин.

Услубий компонентни таҳлил қилиш шунини кўрсатадики, ўрганилаётган фразео-семантик гуруҳда нутқий (*be off the beam; томи йўқ*) ва нейтрал (*soak into smb's brain; ақлини олмоқ*) иборалар устунлик қилади; китобий фразеологик бирликлари сони оз. Ўрганилган ибораларнинг грамматик таркибий қисмини таҳлил қилиш шунини кўрсатадики, ибораларнинг асосий қисми иккала тилнинг оғзаки бирликларидан иборат. Масалан: *soak into smb's brain; collect one's thoughts; эсини йиғиб олиш, миясини ачитмоқ.*

Фразеологик бирликлар контекстда ёки нутқда ишлатилганда тузилиши ва маъноси жиҳатидан турли хил ўзгаришларни, трансформациялар ва модификацияни бошидан ўтказишга кодир.

Контекст полисемантик фразеологик бирликнинг фразео-семантик вариантларини аниқлаш ва фарқлашга ёрдам беради. Бунда луғатларда ўрнатилган тил бирликларининг фразеологик маъноси фразеологик турланиш ҳодисасига нисбатан маълум бир ўзгармас роль ўйнайди, бу фразеологик бирликларнинг контекстуал ишлатилишини таҳлил қилишда топилади.

Контекст полисемантик фразеологик бирликнинг фразеологик вариантларини аниқлаш ва фарқлашга ёрдам беради. Бунда луғатларда мустаҳкамланган лисоний бирликларнинг фразеологик

маъноси фразеологик турланиш ҳодисасига нисбатан маълум бир ўзгармас роль ўйнайди, бу фразеологик бирликларнинг контекстуал ишлатилишини таҳлил қилишда топилади.

Инсоннинг интеллектуал қобилятини билдирувчи фразеологик бирликларни актуаллаштиришни ўрганиш оммавий ахборот воситаларининг нутқида тасвирланган бирликларнинг фразеологик маъносидаги бир қатор ўзгаришларни аниқлашга имкон берди.

Ушбу ўзгаришлар фразеологик вариация ҳодисасини акс эттиради – муаллифлар ибораларни ўзгартиришлари намоён бўлди. Бундай трансформациялар фразеологик бирликларнинг эмоционал-экспрессив таъсирини таъкидлаш ёки янгилик эффектини яратиш мақсадида амалга оширилади. Фразеологик ўзгарувчанлик муаммоси бир қатор тилшунослар, А.Кунин (1986), Т.Федуленкова (2005), И.Арнолд (1990) ва бошқалар томонидан муҳокама қилинган.

Фразеологик бирликнинг таркибий ажратилиши унинг таркибий қисмларининг потенциал ўзгарувчанлиги учун асосдир. Фразеологик таркибий тузилманинг ўзгарувчанлиги фразеологизмининг систематик хусусиятидан далолат беради. Шунингдек, бу фразеологик таркибни такомиллаштириш ва ривожлантириш усулларида биридир.

Турли хил газеталардаги инсоннинг интеллектуал қобилятини билдирувчи фразеологик бирликларнинг ишлаш усуллари таҳлил қилиш шунинг кўрсатдики ўзгарувчанликнинг ҳар иккала тури ўрганилаётган инглиз ва ўзбек ибораларига хос эканлигини кўрсатди: 1) оддий (мунтазам) ўзгарувчанлик; 2) эпизодик (вакти-вакти) ўзгарувчанлик.

Светлана Прокопеевнинг фикрига кўра, мунтазам ўзгаришлар маъноларнинг ўзига хослигини йўқ қилмайдиган лингвистик меъёрларнинг модификациялари билан белгиланади. Бошланғич фразеологик бирлик билан семантик ўзига хосликнинг мавжудлиги талаб бўйича модификациянинг долзарб хусусияти ҳисобланади. Ушбу хусусиятнинг йўқлиги эпизодик (вакти-вакти) вариантнинг шаклланишига сабаб бўлади. Фразеологик бирликнинг эпизодик (вакти-вакти) – бу тартибсиз таркибий ўзгартириш. Бу муаллифларнинг ўзгариши натижасида пайдо бўлади ва прагматик нуқтаи назардан кучга киради.

Вариантларнинг одатий фразеологик бирлигининг асосий хусусияти – бу семантик ўзига хосликнинг мавжудлиги, шунинг учун бундай вариантлар, одатда, фразеологик лугатларда қайд этилади. Ўзгарувчанликнинг структуравий тури бу ҳолатда кўпроқ характерлидир.

Ўрганилаётган фразеологик бирликларнинг ўзгарувчанлигини ўрганиш уларни ўзгарувчанлик турлари бўйича қуйидагиларга ажратишга имкон беради:

- а) грамматик вариантлар (морфологик вариантлар, морфолого-синтактик вариантлар);
- б) лексик вариантлар (оғзаки вариантлар, субстанциал вариантлар, сифат вариантлари, предлогли вариантлар),
- с) аралаш вариантлар.

Келинг, ушбу ибораларнинг одатий ўзгаришидаги мисолларини кўриб чиқайлик.

“Daily Telegraph” мақоласидан олинган қуйидаги жумлага *clever Dick* фразеологик бирлигида номинал компонентнинг кўпликда ишлатилиши кузатилиши мумкин: *As our investment club feature often demonstrates, amateurs can beat professional investors – and the City slickers, remember, were the clever dicks who dreamt up split capital trusts* (Cowie. 2004).

(*as*) *smart as paint* сифатли иборанинг *as ... as* таркибидаги *as*нинг тушириб қолдирилишини қуйидаги мисол билан кўрсатиш мумкин: *One encounters applicants, smart as paint, with four As at A-level, who wouldn't know a noun from a ninopin or a verb from a vole.*

Ўрганилаётган иборалардаги оғзаки таркибий қисмларнинг морфологик ўзгарувчанлиги ҳар иккала тилда жуда кенг тарқалган. Оғзаки фразеологик бирликларда вербал таркибий қисмлар контекст талаб қиладиган грамматик категорияларга эга бўлиши ёки шахси номаълум формада ишлатилиши мумкин, масалан, *мяси/каллasi йўқ/бор* ўзбек идиомасида: «*Кеча вазири келиб, менга айтяпти у ҳам: “Шухрат ака, ҳисоб-китобини берсангиз, сизга қанча электр энергияси керак?” Менда ҳам бор сизларда бор калла. Электрнинг вазири мен қаёқдан биламан, деб менга савол беряпти*” (<https://www.gazeta.uz/uz/2019/06/29/andijon>).

–*Ҳамма томдан калла ташласа сенам калла ташлайсанми калласи йўқ?*

–*Каллам бўлмаса қандай калла ташлайман мияси йўқ?!* (https://t.me/facebookdagi_maddoh 1123).

Ўрганилаётган фразеологик бирликлар орасида лексик вариантлар ёки турли хил лексик таркибий қисмларга эга вариантлар жуда кенг тарқалган, масалан, *sb is a tough/smart cookie*:

a) *She has willed herself to be a tough, brittle cookie, this Miss Witherspoon. But every so she registers the real terror and pity of the way of the world, and her irony turns into agony* (Brantley. 2005);

b) *The Queen of Denmark came to visit and, learning that Tanaquil was an Etruscan name, talked to her for half an hour about Etruria. «Smart cookie», Le Clercq says. Georg Jensen named a new silver pattern «Tanaquil»* (Brubach. 1998).

Эпизодик (вакти-вакти) ўзгаришлар ностандарт модификациялардир. Бундай бирликлар таркибий ва семантик жиҳатдан муаллиф томонидан ўзгартирилган бўлади. Эпизодик иборалар образлиликни кучайтирган, ҳиссий жиҳатдан экспресив рангга эга, асосан, муаллиф ва қаҳрамонлар нутқининг хусусиятларини тавсифлаш, нарсалар ва ҳодисаларни баҳолаш, ғояни ўзига хосроқ этиш учун ишлатилади. Ушбу трансформациялар матн муаллифига, унинг ниятига қараб, чекланган миқдордаги иборалардан чексиз кўп шаклланиш яратиш қобилиятини беради. Эпизодик ўзгарувчанлик иккита асосий турни ўз ичига олади:

a) семантик;

b) аналитик трансформациялар.

Турли хил семантик трансформациялар билан фразеологик бирликларнинг таркиби ўзгаришсиз қолади: бундай иборалар сўзма-сўз ва кўчирилган (фразеологик) маъноларни бир вақтнинг ўзида амалга ошириш натижасида янги семантик жиҳатларни эгаллайди. Газета матнлари бундай конверсияларнинг тез-тез ишлатилишини кўрсатади.

Кинояни ифодалаш ёки бирон-бир кулгили эффектга эришиш учун муаллиф иборанинг таркибий қисмлари сўзма-сўз талкин қилингандек фразеологик бирликлардан фойдаланиб контекст яратади, , шунинг учун кўп ҳолларда қуйидаги жумлаларда бўлгани каби, фразеологик сўз ўйини кузатилиши мумкин: (PhUs *put on one's thinking cap and mit Dummheit geschlagen sein*):

The developers had to put on their thinking cap with all required technologies to save their heads (Brubach. 2007);

Қирол олимга ўлим жазосини бериб, ҳукми адо этишдан олдин олимни аҳмоқ қилиш ниятида шундай дейди: “Ўлимнинг олдидан охириги гапингни айтишингга рухсат бераман [https://Turkistan taqyimi.Kz/main/2020/3/30).

Аналитик трансформация, семантикадан фарқли ўлароқ, фразеологик бирликлар таркибида баъзи ўзгаришлар киритади. Ушбу турдаги ўзгариш янада хилма-хилдир ва бир нечта асосий субтиплар билан ифодаланади:

◆бир қатор таркибий қисмларни ўзгартириш;

◆синтактик ўзгартириш;

◆лексик трансформация.

Фразеологик бирликни янада фаолроқ қилиш учун муаллифлар унинг таркибини қисқартириши ёки кенгайтириши мумкин (миқдорий ўзгариш деб аталади). Шундай қилиб, “*have a screw loose*” иборасининг қисқартмасини қуйидаги жумлада кўриш мумкин: *Nobody ever suggested that McEnroe needed psychological testing for berating officials or for tasteless behavior. «A screw loose,» indeed! Rocker's remarks were politically incorrect and certainly stupid, but hardly a psychological «disorder». Unlike in the case of McEnroe, this is something that, hopefully, Rocker will outgrow* (Paull. 2000).

Қуйидаги *put on one's thinking cap; томи (ақли) кетиб қолмоқ* мисолларда муаллифлар ибораларнинг қисқартирилган шаклидан ҳам фойдаланадилар.

Soon passengers will have to bring one more accessory along with their earplugs and eye masks – a thinking cap (Altman. 2005);

Жўра бир зумда қўлида катта тарвуз билан пайдо бўлди. Шундоқ болаларнинг тумшуги ёнида тарвузни ерга ташлаб ёрди-да, “юраги”ни суғуриб олиб, оғзига тикди. Лунжидан тарвуз сувини оқизиб, голибона қулимсиради.

– *Емайсанлами?*

– *Томинг кетдимми сени?* – *Баҳром бир унга, бир ерда ётган тарвузга қараб анграйди* (<http://qashqadaryozg.uz/read/zhovli-ma-limning-televizorchasi>).

Лексик трансформация – бу фразеологик компонентни алмаштириш. Қуйидаги мисолларда янги бирлик яратиш учун манба фраземасининг структуравий/семантик модели қўлланилади (хаёлидан ўтказмоқ): *Бўлажак куёвнинг мартабаси улуз бўлишини фикридан ўтқизарди* (Ш.Рашидов. Бўрондан кучли).

Инсоннинг интеллектуал қобилиятини англатувчи компонент билан инглиз ва ўзбек фразеоло-

гик бирликларини ўрганиш лисоний бирликларни синхрон тавсифи доирасида ва ягона назарий асосда амалга оширилди. Ҳар қандай тилнинг фразеологик тизими бошқа даражадаги лингвистик воситаларга асосланганлиги сабабли, фразеология уларнинг турли тилларнинг фразеологик тизимларининг ўзига хослигини тушунтирадиган асосий хусусиятларини акс эттиради.

Кўриб чиқиладиган фразеологик бирликларнинг семантик таҳлили, кўп ҳолларда, таркибий қисмларнинг ўзига хос хусусиятларини очиб берди. Таркибни (образли) таркибий қисмларни танлашдаги фарқлар воқеликни миллий идрок этишнинг ўзига хос хусусиятларини кўрсатади. Шунингдек, ҳар бир тил атрофидаги нарсаларни номлашда қанчалик тушунарли эканлигини намоён этади:

- ◆put on one's thinking cap – ўйга толмок;
- ◆have all one's buttons on – фикри теран;
- ◆(as) silly as a goose. – товук мия.

Фразеологик бирликларнинг семантик барқарорлигини таркибий қисмларнинг морфологик барқарорлиги қўллаб-қувватлайди. Одатда, тез-тез морфологик ўзгаришларни қабул қилмайдиган ўзбек фразеологик бирликларидан фарқли ўларок, инглиз фразеологик бирликлари маълум ўзгарувчанликка имкон беради.

Инсоннинг интеллектуал қобилиятини ифодаловчи фразеологик бирликлар муаллиф томонидан оммавий ахборот воситаларида, айниқса, газеталарнинг сарлавҳаларида янада кучли экспрессив эффектлар яратиш ва ўқувчилар эътиборини жалб қилиш учун ўзгартирилиши мумкин.

Ва, нихоят, инсоннинг интеллектуал қобилиятларини билдирувчи инглиз ва ўзбек фразеологик бирликларининг қиёсий таҳлили шунини кўрсатдики, икки тилда лексик компонентлар, грамматик хусусиятлар ва образлар бир-бирига тўғри келиши мумкин. Фразеологик бирликларнинг миллий ўзига хос хусусиятларининг аҳамиятини пасайтирмасдан, биз жуда кўп умумий хусусиятларни топдик, уларни қуйидагилар билан изоҳлаш мумкин:

- ◆умумий ижтимоий ва моддий омиллар, халқларнинг интенсив маданий ва тарихий алоқалари;
- ◆мантикнинг универсал табиати ва воқелик фактларини узатиш жараёнида идрок этиш қобилияти.

Саидқодирова Дилфуза Саидқодировна (ЎзДЖТУ)

ИНТЕРНЕТ ТЕРМИНЛАРИНИ ЎРГАНИШНИНГ САМАРАЛИ УСУЛЛАРИ

Аннотация. Ушбу мақолада интернет терминларининг лингвистик хусусиятлари таҳлилга тортилган Интернет илмий билимларнинг энг жадал ривожланаётган соҳаларидан бири бўлиб, унинг терминологияси доимий ривожланишида бўлиб турибди ва улкан тезликда янги терминлар билан бойитилляпти. Интернет мураккаб социотехник тизим бўлиб, узлуксиз ишлаб, доимий равишда ўзгариб туради. Тизимли ёндашувга кўра бу қадар мураккаб объектни тегишлича таърифлаш учун уни яна-да кенгроқ тизим доирасида кўриб чиқиши керак ва парадигмал оператор ёки тадқиқот парадигмасининг функционал имкониятларини кенгайтириши лозим, шу мақсадда бошқа фанлардан қўшимча ахборотларни жалб этиши лозим. Бу ўз ўрнида ҳар бир фан ўзининг ички тузилиши ва асосий постулатларини сақлаб қолиши кераклигини исботлайди.

Аннотация. В данной статье анализируются лингвистические особенности интернет-терминов. Интернет является одной из самых быстрорастущих областей научного знания, его терминология постоянно развивается и с большой скоростью обогащается новыми понятиями. Интернет – это сложная социально-техническая система, которая работает непрерывно и постоянно меняется. В соответствии с системным подходом, в более широкой системе следует рассмотреть адекватное описание такого сложного объекта и расширить функциональные возможности оператора или исследовательской парадигмы для привлечения дополнительной информации из других дисциплин. Это доказывает, что каждый субъект должен поддерживать свою внутреннюю структуру и основные постулаты.

Annotation. This article analyzes the linguistic features of Internet terms. Internet terminology is becoming more and more popular as it is used. The internet is a complex socio-technical system that works continuously and is constantly changing. In accordance with a systematic approach, in a wider system, an adequate description of such a complex object should be considered and the functionality of the operator or research paradigm should be expanded to attract additional information from other

disciplines. This proves that each subject must maintain its internal structure and basic postulates.

Калим сўзлар: ахборот технологиялари, интернет, тармоқ, таҳлил, информатика, лексика, термин, семантика.

Ключевые слова: информационные технологии, интернет, сеть, аналитика, информатика, словарь, терминология, семантика.

Key words: information technology, Internet, network, analytics, computer science, dictionary, terminology, semantics.

«Интернет деб номланувчи компьютерлар занжирдан ташкил топган бутунжаҳон коммуникация тармоғи чексиз масофада бўлган, ўзаро нотаниш индивидуумлар ўртасида алоқа боғлашга замин яратди. Интернет макони бўйлаб ҳаракатланиш – бу бўш вақтни фойдали ва мазмунли ўтказиш йўли, тадқиқот учун маълумот йиғишнинг самарали усули, зарур маълумотларни излаш ва таҳлил этишда ёрдам берувчи бебаҳо воситадир».

¹Рус олими, журналистика назарияси ва амалиёти, коммуникация маркетинги соҳаси тадқиқотчиси В.В.Ворошилов ҳам жуда аниқ ва лўнда таъриф бериб, тармоқни «...ноёб ва ғоятда истиқболли оммавий ахборот воситаси» ҳамда «кўп сонли кишилар фойдалана оладиган янги ахборот манбаи» сифатида таърифлайди.²

«...Интернет ҳам бир миллат, ҳам турли давлат ва тил тизимлари ўртасида лингвистик кўникмалар ва ресурсларнинг иерархик тақсимоли воситасига айланди. Натижада лингвистик тизимларнинг тенг эмаслиги ва бир тилнинг бошқаси билан ютиб юборилиши содир бўлди».³

Интернет терминологиясининг таҳлилини амалга оширишда В.М.Лейчикнинг терминшунослик муаммоларига бағишланган илмий ишига мурожаат қилиш мумкин.⁴ Муаллиф томонидан умумий ва махсус тушунчаларни белгилаш воситаларини бирлаштиришнинг икки асосий турининг ажратиб кўрсатилиши айниқса муҳим бўлиб, тиллар лексикасида махсус мақсадлар – терминология ва термин тизимлари учун амалга оширилади.⁵

Интернет терминларининг мавзуй гуруҳларини таснифлашда, авваламбор, интернетнинг таркибий қисмлари ва ресурсларига оид тушунчалар билан боғлиқ. Шу сабабли, аввал интернетга боғлиқ тушунчаларга тўхталиш мақсадга мавофиқ.

Интернетнинг қуйидаги имкониятлари мавжуд:

- маълумотларни топиш;
- электрон почта хизмати;
- файлларни узатиш (ftp);
- мулоқот қилиш (чат, форум, видеоконференция): *gmail, mailagent, skype*;
- маълумотларни тарқатиш (*веб саҳифалар, веб блоглар, жамоа тармоқлари, ахборотномалар, янгиликлар*);
- электрон кутубхоналар;
- масофадан ўқитиш;
- телемедицина;
- электрон тижорат;
- электрон офис.

Интернетнинг ушбу имкониятларидан келиб чиққан ҳолда бу соҳанинг терминлари шакллантирилади. Аммо интернет терминологиясини мазкур йўналишлар асосида таснифлаш етарлича асосли эмас. Чунки қайд этилган имкониятларга оид тушунчаларнинг кесишувчи нуқталари бор. Масалан, интернетнинг йўналишларининг фаолиятини таъминловчи дастурий таъминотлар, интернет баённомалари умумий бўлади.

Интернет тармоғининг асосий хизматлари қуйидаги икки йўналиш асосида ташкил қилинади:

¹ Шапошников И. Web сайт своими руками. СПб, «БХВ – Санкт Петербург», 2000, с. 224.

² Ворошилов В.В. Журналистика. СПб, Михайлов нашриёти. 1999, с. 56 – 57.

³ Атабекова А.А. Лингвистический дизайн Web-страниц (сопоставительный анализ языкового оформления англо и русскоязычных Web-страниц). М., изд-во РУДН, 2003, с. 45.

⁴ Лейчик В.М., Шелов С.Д. Российское терминоведение: опыт синтеза «старой» и «новой» парадигмы. Научно-техническая терминология. Межд. науч. конф. по терминологии, М., 2004, с. 46 – 49.

⁵ Ўша жойда.

1. *Веб-сайт* – бирор бир соҳага, фаолиятга, воқеа ва ҳодисага бағишланган маълумотларни ўзида жамлаган интернет саҳифалар мажмуи ҳисобланади. Веб-саҳифаларнинг фаолияти веб-браузерлар билан бевосита боғлиқ бўлади. *Веб-браузерлар* – бу, интернет ресурслари ва маълумотларидан фойдаланишни таъминловчи дастурлар бўлиб, уларнинг қуйидаги турлари мавжуд: internet Explorer, Firefox Mozilla, Netscape Navigator, Opera, Google Chrome, Safari. Веб саҳифалар асосан ўзида маълумотларни жамловчи контейнер ҳисобланиб, уларнинг икки тури мавжуд: – статик (ўзгармас) веб-саҳифалар (HTML, CSS, Java ва VB скрипт); динамик, яъни мурожаатга қараб шакллантириладиган веб-саҳифалар (HTML, CSS, PHP, MySQL, Java script, AJAX). Веб-сайтлар яратиш технологиялари MS FrontPage, Dreamviewer, HomeSite, Adobe Flash терминлари орқали ифодаланади.

Фойдаланувчининг фаоллигини оширишнинг энг кенг тарқалган воситаларидан бири *rating* (рейтинг, масалан, мақолани ўчиб бўлгач, балларда баҳолаш) ва *comment* (ўқигандан сўнг шарҳ бериш) услубидан иборатдир.

Жаҳон ўргамчак тўрининг WWW яна-да ривожланишига оид оммабоп концепция – *семантик тўр* барпо этишдан иборат.

Семантик тўр – бу мавжуд жаҳон ўргамчак тўри устидан қуриладиган тузилма бўлиб, тармоқда жойлаштирилган ахборотни компьютерлар учун яна-да тушунарлироқ бўлишини таъминлашга хизмат қилади. Ресурсни компьютерга тушунарли тарзда таърифлаш учун семантик тўрда *XML синтаксисига* асосланган ва *URI идентификаторларидан ресурсларни* белгилаш учун қўлланиладиган *RDF форматидан фойдаланилади (Resource Description Framework)*».¹

2. *Электрон почта* (E-mail) энг кўп тарқалган интернет хизмати бўлиб, истаган тармоқ абонентини почта хабарлари билан ўзаро мулоқотда бўлиб туришини таъминлайди. Электрон почтанинг характерли хусусиятлари шуки, хабар адресатга бир неча минут давомида етиб боради. Электрон почта, асосан, иккита компонент иштирокида ташкил этилади ва унинг таркиби қуйидаги терминлар орқали ифодаланади:

– *электрон почта сервери* (SMTP, POP) – хабарларни жўнатиш ва қабул қилишни таъминлаш;

– *электрон почта клиент* – хабарларни яратиш, ўқиш ва жавоб қайтариш. Интернетда маълум бир Web саҳифалари мавжуд бўлиб, унда фақат интернет манзиллари учун қўлланилувчи терминлар киради: *mail.ru, yahoo.com, mail.uz, gmail.com* ва ҳ.к.

Кўп сонли инсонларнинг бир вақтнинг ўзида мулоқот қилиши имконияти *chat* (интернет абонентлари ўртасида реал вақтда матн хабарлари билан алмашинув) ва *instant messaging* (хабарларни тезкор жўнатиш воситалари) технологиялари ёрдамида амалга оширилади. *Multitasking* (оператив тизимнинг икки ва ундан кўп вазифаларни бир вақтда амалга ошириш қобилияти) ёрдамида қисқа вақтда кўплаб контактларни ўрнатиш мумкин, *sociomedia* (*Facebook, Twitter* каби ижтимоий серсилар)дан фойдаланиш эса ўхшаш қизиқишларга эга инсонларни топишга ёрдам беради, *e-mail* почта хизмати ва *listserv* жўнатмалар хизмати алоқаларни сақлаб қолишга ёрдам беради.

Юқорида қайд этилган икки хизмат доирасида интернетнинг умумлашма хизмат кўрсатиш йўналиши ҳам яратилди. *Веб-форум*–интернет тармоғида ўзаро мулоқотни ташкил этиш учун мўлжалланган веб-сайт саҳифалари ва ускуналари мажмуаси бўлиб, ҳам веб-саҳифа ҳам электрон почта учун хос бўлган белгиларни бирлаштирди.

Интернет (Internet) бу бутун жаҳон компьютер тармоқлари мажмуидир, яъни ягона стандарт асосида фаолият кўрсатувчи жаҳон глобал компьютер тармоғи бўлса-да, ҳозирда нафақат интернет, балки бошқа хай-тек воситаларининг – уяли телефон, планшетларнинг ҳам интернетга уланиш имкониятлари кашф этилиши натижасида унинг қамров ва хизмат доираси ҳам мисли кўрилмаган даражада кенгайди.

Интернет тармоғига симсиз уланиш имкониятининг яратилиши натижасида уяли телефонлардан интернет тармоғига боғланишга йўл очди. Бу ҳолат ҳам интернет терминологиясининг янги тушунчалар, терминлар билан бойишига олиб келди. Интернет доирасининг кенгайиб, уяли алоқа воситаларини қамраб олиши учун WAP технологияси ишлаб чиқилди. WAP (wireless application protocol) – мобил телефонлар ва қурилмалар орқали Интернет маълумотларини узатиш протоколи бўлиб, симсиз қурилмалар учун маълумотларни жойлаштириш тили учун WML (Wireless Markup Language) термини яратилди. Бу эса интернет терминларининг маъноси кенгайиши, кўчишига са-

¹ <http://www.etymonline.com/>

баб бўлди. Масалан, *веб-браузер* интернет ресурслари ва маълумотларидан фойдаланишни таъминловчи дастурлар бўлса, WAP-браузер термини WAP-сайтларига мобил қурилмалар орқали мушоаат қилиш дастурини номлаш учун татбиқ этилди.

Интернетда тақдимот борасида барча тенг имкониятларга эга, бу эса *net democracy* – тармоқдаги демократия/тармоқ демократияси термини билан белгиланади. Кейинчалик эса фойдаланувчи муҳитдаги ўз мақомини ошириши мумкин. Уларни қуйидагича даражаланиши мумкин: *guest* (ҳисоб ёзуви ёки паролга эга бўлмаган меҳмон) – *member* (рўйхатга олинган фойдаланувчи) – *wizard* (уста, эксперт, махсус вазифаларни бажариш учун сайланган фойдаланувчи) – *god* (тизим операторига ўхшаш мақом, катта имкониятларга эга ва фақат унга хос вазифаларни бажаради).

Интернет терминларининг мавзуий гуруҳларини таснифлаш, аввал, тушунчасини таърифлашни талаб этади.

Анъанавий шаклланган тушунчага кўра, *мавзувий гуруҳлар* – бу лексик бирликларнинг муайян мавзудаги мулоқотда ишлатиладиган бирлашмаларидир. Мавзувий гуруҳ интеграциялашувининг асоси бўлиб ушбу гуруҳни ташкил этган сўз белгиларининг денотатлари бўлган реал дунё предметларининг алоқалари хизмат қилади.¹ Мавзувий гуруҳлар нафақат сўзларнинг алоқалари, балки номинацияланаётган предмет ва ҳодисаларнинг экстралингвистик алоқаларини ҳам қайд этади. Сўзларнинг бирлашуви учун асос бўлиб ушбу алоқаларни акс эттирувчи сўз ассоциациялари хизмат қилади. Мавзувий гуруҳларга кирувчи сўзлар бир хил турдаги вазият ёки бир мавзу билан бирлаштирилган бўлади. Шу тариқа, мавзувий гуруҳларни ажратишнинг мезони унинг элементлари ўртасидаги муносабатларнинг тилдан ташқаридаги омиллар билан асосланганлигидан иборат. “Масалан, сўз белгиларининг тартибга солинган кўплигидан иборат лексик-семантик майдондан фарқли ўлароқ, мавзувий гуруҳ сўз белгилари билан белгиланувчи моддий ёки идеал денотатларнинг жамламаси ҳисобланади – бу унинг аъзолари ўртасидаги муносабатларнинг турли хил бўлиши ёки умуман бўлмаслигини англатади”.²

Терминнинг маъноси профессионал тушунча билан боғланади, бироқ бу терминлар муайян профессионал фаолият муҳитидагина қўлланилиши пайтида содир бўлади.³ Лекин кўпгина терминлар махсус муҳитда туғилиб, фақат, аввал, унда қўлланилиб, кейинчалик, тор доирадаги фойдаланувдан кенг истеъмолга чиқади (интернет термин тизими учун бу табиий ҳодисадир), бу эса терминологик тушунчанинг хусусиятида акс этмай қолмайди, мазкур термин бўлса, ўз навбатида, ўзининг профессионал белгиларидан бир қисмини “йўқотади”. Масалан, e-mail (электрон почта) сўзининг маъноси умумий қўлланувдаги луғатларда, у махсус луғатларда қандай берилган бўлса, шундайлигича келтирилади, ушбу термин билан белгиланадиган тушунча эса замонавий инсон учун одатий бўлиб қолган, яъни эндиликда илмий, техник ёки профессионал сўз деб ҳисобланмайди.

Интернет терминларини мавзувий белгиси бўйича қуйидагича таснифини амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

1. Гиперилвалар номлари.
2. Ҳисоб ёзувлари номлари.
3. Компьютер вируслари номлари.
4. Интернет хизмат турлари номлари.
5. Манзил номлари ва доменлари номлари.
6. Интернет хизмат турлари номлари.
7. Интернет протоколлари номлари.
8. Тармоқдаги алоқа номлари.
9. Компьютер мосламалари номлари.
10. Дастурий ва аппарат таъминоти номлари.
11. Мазкур тадқиқотимиз жараёни тўпланган 3080 дан зиёд терминларнинг мавзу гуруҳлар бўйича тақсимоти қуйидаги кўринишга эга.

Микдор жиҳатдан иккинчи ўринда дастурий ва аппарат таъминоти мавзуига оид гуруҳ жойлашади: *alpha software, anti-spam software, anti-virus software, beta software, blocking software, com-*

¹ Герд А.С. Еще раз о значении термина. Лингвистические аспекты терминологии. Воронеж, 1980.

² Полевые структуры в системе языка. 1989.

³ Лемов А.В. Система, структура и функционирование научного термина. Саранск, изд-во Морд, ун-та, 2000, с. 58.

munications software, public domain software – клиент-сервер (client-server ёки мижоз-ходим); меҳмон-мезбон (guest-host); умумий шлюз интерфейси (Common Gateway Interface ёки қисқача CGI); махсус интерфейс: CGI (Common Gateway Interface – умумий шлюз интерфейси) ва Ҳ.К.

Тадқиқот учун тўпланган инглизча ва ўзбекча интернет номлар: *компьютер вирусларини билдиради: boot virus, companion virus, data virus, device drier virus, executable virus, macro virus* ва Ҳ.К.

“Тармоқда алоқа” мавзу гуруҳи: *broadcast network, bus network, circuit switched network, closed network, cooperative network, peer-to-peer network, personal area network, point-to-point network* ва Ҳ.К.

Networks мавзувий гуруҳига кирувчи *DSL (digital subscriber line)* термини кўпсонли тушунчаларнинг ўзаро боғлиқлигини кўрсатиш имконини беради:

ADSL – asymmetric digital subscriber line;

SDSL – symmetric digital subscriber line;

HDSL – high-data-rate digital subscriber line;

VDSL – veiy high digital subscriber line;

ISDL – ISDNdigital subscriber line;

ISDN – inter grated services digital network;

B- ISDN – broadband inter grated services digital network;

BRI – Basic-Rate Interface (Basic-Rate ISDN);

PRI – Primary-Rate Interface (Primary-Rate ISDN);

B-channel – Bearer-channel, the main data channel in an ISDN connection;

D-channel – Delta-channel, the channel in an ISDN connection that carries control and signaling information.

Манзил номлари ва доменлари мавзуй гуруҳи интернет терминларининг 290 тасининг номи ўз ичига олади: *домен номлари тизими (Domain Name System); биринчи даражали номлар; статик ва динамик IP манзиллар; DHCP Discover (DHCP тадқиқотчиси); DHCP сервери; DHCP пакети; NAT (Network Address Translation – Тармоқ манзилларини алмаштириш) ва Ҳ.К.* мисол учун, IP – Интернет тармоғидаги компьютер манзили номи бўлиб, *Интернет Протокол сўзининг қис-қартирилган кўринишидир.* Интернетдаги ҳар бир компьютер ўз IP манзилига эга бўлади

“Интернет хизмат турлари” номи мавзуй гуруҳ 285та интернет терминларини қамраб олади: *Telnet, FTP, E-mail, Whois, факс, электрон таржимон, шлюзлар, Copher, WAIS, HTML, Web-технология, Web-саҳифалар, Web-сайт, URL, HTTP, CGI, «бутун дунё ўргимчак тўри», дизайн, рассом, Web-мастер, ёзувчи, контент-мастер, аналитик, сервер администратори, WWW – электрон саҳифа хизмати; электрон почта хизмати; телеконференция (Usenet); файлларни узатиши (FTP); номен номи хизмаслужба имен домен (DNS); melnet хизмати; IRC – хизмати ёки Chat конференция; маълумотларни излаш хизмати; WORLD-WIDE-WEB (Жаҳон ахборот тармоғи) ва Ҳ.К.*

Интернетда энг оммабоп ва бир меъёردа ривожланган хизмат турларидан бири World Wide Web (WWW)дир. У тадқиқот ахборотлари алмашуви учун илгаридан ўйлаб топилган. WWW – бу, Ер шарининг истаган нуқтасида сақланиши мумкин бўлган бутунлай бошқа сайт ёки компьютердаги матннинг хоҳлаган бошқа жойига ҳавола қилинадиган белгилаш сўзлари (буйруқлари) ўрнатилган глобал гипер матн системасидир. Гипер матн ғоясининг мазмуни шундаки, тармоқдаги информацион захираларга гиперматн моделини яратишдаги реляцион ёндашишдан фойдаланиш ва уни максимал оддий усул билан бажариш.¹

Мазкур тушунчалар ўз таркибидаги интернет терминларига боғлиқ бир қатор терминларни жамлайди: масалан, WWW хизматининг асосий тушунчалари қаторига *HTML формати; “Гиперматн” боғланиши; HTTP “гиперматн” узатиш протоколи; Web ҳужжатлар; Web узел ва сайтлари; Web саҳифаларнинг актив компонентлари* ва Ҳ.К. киради. Веб-сайтлар эса *anonymizer site, backup site, chat site, copysat site, portal site, personal Web site, diary site, download site, font site, game site, hate site, hot site, HTML validation site* сингари терминларни ўз ичига олади.

Интернет терминлари орасида гиперилловалар: *absolute link, obsolete link, broken link, dead link, deep link, email link, FTP link* ва Ҳ.К.

Интернет протоколлари номлари: *Transmission Control Protocol (TCP) ва Internet Protocol (IP) – интернетнинг иккита ўта муҳим протоколи (бу протоколлар кўпинча биргаликда TCP/IP деб ҳам аталади); линияларни уловчи тизим; Winsock – Windows операциялар тизими таркиби; кетма-*

¹ Зокирова Т.А., Машарипов А.К., Иброҳимов Э.У., Мусаева М.А. Web дастурлаш. Т., ТДИУ, 2006, 175 б.

кет линия интернет протоколи (Serial Line Internet); юзма-юз протоколи (Point-to-Point Protocol ёки қисқача PPP); IP (Internet Protocol – интернет протоколи http (Hypertext Transfer Protocol – гиперматнни узатиш протоколи WWW да кенг ишлатилади) ва ҳ.к.

Ҳисоб ёзувлари номлари: *demo account, dial-up account, dormant account, group account* ва ҳ.к.

Интернетнинг махсус гуруҳларининг таърифидан кўриниб турибдики, виртуал муҳитнинг когнитив белгиларининг лексик-семантик жиҳатда акс эттирилганлик даражаси бир хил эмас. Анонимлик, виртуаллик, гипермантлилик ва номеъерийлик каби когнитив блоклар энг кенг акс эттирилган. Тузилиш жиҳатидан деярли ҳар бир гуруҳ кенг тармоқланган бўлиб, интернет лексикасининг турли тизимли муносабатлари тақдим этилган.

Интернет лексикасининг ушбу гуруҳларининг миқдорий акс натижаси уларнинг алоҳида когнитив белгилари аҳамияти ҳақида фикр юритиш, уларнинг интернет каби мураккаб ва кўп-қиррали тушунчанинг шаклланишидаги роли ҳақида хулоса чиқариш имконини беради.

Интернет глобал тармоғида илмий-техникавий соҳа билан боғлиқ сўзлар жуда кўп. Масалан, ЭҲМ архитектураси номлари, компьютер дастурлари, протоколлар, стандартлар номлари, электрон тижоратни, электрон почтани, тармоқдаги хавфсизлик ва бошқаларни таърифловчи терминлар ва ҳ.к. Ушбу лексиканинг ҳаммаси бир тушунча – интернетга йўналтирилганлиги билан бирлаштирилади. Бу сўзлар ушбу гуруҳ чегарасида нафақат мавзувий жиҳатдан, балки мантиқан ўз-ара боғлиқдир. Гуруҳлар ўртасидаги муносабатлар иерархия кўринишида курилади. Иерархик бўғинлар орасида қамраб олиш муносабатлари мавжуд, масалан, компьютер билимлари соҳасига оид тил лексикаси гуруҳи, аввал мавзувий рамкалар (фреймлар) кўринишида намоён бўлади. Ҳар бир фрейм, ўз навбатида, сўзларнинг муайян сонини бирлаштиради, кичикроқ ҳажмдаги фреймда гуруҳланиши мумкин. Масалан, «*Электрон тижорат*» мавзуси «*Электрон тўловлар*» мавзусини ўз ичига олади ёки «*Электрон биржа*», «*Электрон хизматлар соҳаси*» кабиларни, улар эса, ўз навбатида, бошқа терминларни бирлаштиради. Бу каби фреймлар доимо янги лексика билан тўлдирилади ва ушбу соҳада содир бўлаётган жараёнларга қараб ўзгаради.

Интернет терминларининг мавзуи гуруҳларини тадқиқи уларни энг муҳим жиҳатлар сифатида ажратиш кўрсатиш имконини берди. Булар қуйидагилар: анонимлик, коммуникациянинг новербал воситаларининг чекланганлиги, глобаллик, ижтимоий мақомнинг ўзгариши, интерфаоллик, виртуаллик, гипертекстуаллик.

Шундай қилиб, терминшунослик ёндашуви доирасида интернет терминологияси шаклланаётган термин тизими ҳисобланади, унинг ядроси анча қисқа вақт оралиғида юзага келган бўлса-да, бироқ тизимнинг ўзи шу пайтгача ривожланмоқда. Интернет соҳасининг ривожини унинг терминологияси шаклланишининг турли даврларида табиий жараёнлар ва онгли равишда бошқариладиган жараёнларнинг нисбати турлича бўлганлигидан далолат беради.

Ширинова Нилуфар Джаббаровна (Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардия ҳарбий-техник институти Хорижий тиллар кафедраси доценти, филология фанлари номзоди, nilufar.shirinova@mail.ru)

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ПРЕДМЕТЛИК ВА БЕЛГИ-ХУСУСИЯТ МАЪНОЛАРИНИНГ МОРФОЛОГИК ФАРҚЛАНИШИ

***Аннотация.** Ишда объектив борлиқда синкрет, қоришиқ ҳолда мавжуд бўлган, инсоний тафаккур ва тилда ўзига хос тарзда дискретлашадиган предметлик ва белги-хусусият маъноларининг инглиз ва ўзбек тилларида морфологик усулда фарқланиши градуонимик қаторлар мисолида таҳлил этилган.*

***Аннотация.** В работе на примерах градуонимических рядов рассматривается морфологическое разграничение значений предметности и качественности, которые существуют синкретным образом в объективной действительности и дискретизируются (расчленяются) в человеческом мышлении и языке.*

***Annotation.** Morphological demarcation of the meanings of substance and attributiveness in English and Uzbek languages, which are syncretic in objective reality and discrete in human consciousness and language, are studied in the article in the examples of gradual rows.*

***Калим сўзлар:** предметлик маъноси, белги-хусусият маъноси, градуонимик (даражаланиш) қатор, морфологик фарқланиш, градуонимик микромайдон, градуонимик макромайдон.*

Ключевые слова: значение предметности, значение качественности, градуонимический ряд, морфологическое разграничение, градуонимическое микрополе, градуонимическое макрополе.

Key words: substance meaning, attributive meaning, gradual row, morphological demarcation, gradual microfield, gradual macrofield.

Лисоний маъноларнинг, хусусан, предметлик ва белги-хусусият маъноларининг воқеланиш жараёнида *объектив борлиқ-инсоний тафаккур-инсоний тил* парадигмасининг ўзига хос ўрни бор. Объектив борликни фаол акс эттирувчи тафаккур синкретларни дискретлаштириш ва, аксинча, дискретларни синкретлаштириш каби фаоллик қобилятига эга бўлса, тафаккурнинг моддий шакли бўлган тил ҳам юксак фаолликка эга. У тафаккурнинг оддий қобиғи, қутиси, шакллантирувчиси эмас, балки ўзига хос мустақил система, тафаккур уруғлари учун унумдор, серхосил зироатгоҳдир – тафаккур берувчи уруғларни ўз қонун-қоидалари асосида парвариш қилиб етиштиради ва бой ҳосил беради. Тафаккур ажратган предметликлар ва белги-хусусиятларни тил ўзича ифодалайди ва маълум бир системаларга солиди, ўзига хос қонуниятларга бўйсундиради. Чунончи, тафаккур субстанция, предметлик, мавжудот вакилларини *apple, dress, human* каби белгию сифатлардан соқит қилинган борлик бирликлари сифатида таснифласа, шуларга ўхшағиб *дев, пари* каби тушунчаларни ҳосил қилса, тил уларни от сўз туркумининг хусусиятларидан бирига айлантирган ҳолда тафаккур предметликдан ажратиб олиб умумлаштирган *red, sweet, high, long, two (dual)* каби белги-хусусиятлардан *redness, sweetness, height, length, duality* каби предметлаштирилган, мавжудотлаштирилган ўзига хос бир воқелик, тушунча сифатида бизга етказди.¹ Тафаккурда ажратилган белги-хусусиятнинг сифатий ва миқдорий, барқарор ва ўзгарувчан, ўхшаш ва фарқли каби турлари тилда аслий ва нисбий сифатлар, феъл ва унинг сифатдош, равишдош шакллари, олмошлар, равишлар сифатида шакллантирилади, гуруҳлаштирилади. Бундан ташқари, уларнинг ҳар бири учун ўзига хос сўз яшаш воситалари, синтактик вазифалар биркитилган. Бунда тилнинг ўзига хос бунёдкорлик қобиляти ўз аксини топади. Тафаккурнинг инъикоси бўлган тил инсонга оламнинг лисоний манзарасини ҳосил қилдиради.²

Тилнинг фаол бунёдкорлиги ҳамда борлик – онг ва тафаккур инъикосини ўзига хос система сифатида акс эттиришига қарамай, борликда предметлик ва белги-хусусият синкретизми тилда ўз аксини топмасдан қолмайди. Лисоний тизимда предметликни алоҳида, белги-хусусиятларни турларга ажратиб алоҳида-алоҳида кўрсатиш ва ифодалаш воситалари билан бирга предметлик маънолари/Substance Meanings (узб. ПМ/ингл. SM)да белги-хусусият маънолари/Attributive Meanings (узб. БХМ/ингл. АМ)ни кучайтирувчи, аксинча, БХМ/АМда ПМ/SMни кучайтирувчи, ПМ/SM ва БХМ/АМни нейтраллаштирувчи, бирлаштирувчи усул ва воситалар мавжуд. Мана шуларни ажратиш ва тавсифлаш мазкур илмий ахборотимиз олдига қўйилган масаланинг долзарблигини исботловчи омилдир – ПМ/SM ва БХМ/АМни фарқлаш, дискретлаштириш ва синкретлаштириш қобиляти лисоний бирликларда ҳар хил – *даражаланган* кўринишларда намоён бўлади.³ Шу ўринда, илмий тушунча ва ҳодиса сифатида, дастлаб, ўзбек тилшунослигида ўрганилиб, тез орада жаҳон тилшунослигида ҳам танилиб улгурган, умумдиалектик миқдор ва сифат категорияларининг ҳамда уч асосий қонун – *миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиши ва аксинча, инкорни инкор* ҳамда *қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши* қонунларининг тилдаги инъикоси бўлган, *объектив борлиқ-инсоний онг-инсоний тил* парадигматик муносабатларининг бевосита реал кўриниши бўлган–*лисоний даражаланishi* ёки *градуонимия* ҳодисаси предметлик ва белги-хусусият маъноларини фарқлаш механизмига айланишини алоҳида таъкидлаш лозим. Бинобарин, объектив борликда синкрет, қоришиқ, инсоний тафаккур ва тилда дискрет кўринишда реаллашадиган предметлик (substance) ҳамда белги-хусусият (attribute)нинг тил тизимидаги фонетик, лексик-семантик ва грамматик яруслари ҳамда улар билан боғланиб кетадиган фраземик, паремик каби оралик сатҳларида градуал тарзда фарқланиши, мазкур фарқланиш жараёнида ўзига хос микро- ва макромайдонларни ҳосил қилиши кузатилади. Бу нафақат ўзаро қардош тиллар тизимида, балки инглиз ва ўзбек тиллари каби турли тизимли тиллар доирасида ҳам яққол кўзга ташланади. Қуйида инглиз ва ўзбек тилларида предметлик ва белги-хусусият маъноларини фарқлашда градуонимик муносабатларни акс эттирувчи қаторлар мисолида фикримизни асослашга ҳаракат қиламиз. Айтиб ўтилганидек,

¹ Compact Oxford Dictionary&Thesaurus. Oxford University Press, 2006, 452 p.

² Ширинова Н.Д. Лисоний сатҳларда градуонимик муносабатлар. Илмий монография, Т., 2016, 123 б.

³ Шу манба.

бундай воситалар тил курилишининг уч сатҳи ва сўз туркумлари таснифининг уч асосий белгисига мувофиқ равишда уч турга бўлинади.¹

1. ПМ ва БХМни фарқлашда лексик-семантик даражаланиш.
2. ПМ ва БХМни фарқлашда морфологик даражаланиш.
3. ПМ ва БХМни фарқлашда синтактик даражаланиш.


Мазкур ишда тадқиқ манбаи сифатида олинган предметлик ва белги-хусусият маъноларининг *морфологик усул* асосида фарқланиши сўзларнинг туркумларга ажратилиши ва ҳар бир туркум учун ўзига хос морфологик шакллар ҳамда категориялар мавжудлиги билан ўзаро боғлиқ. Жуда кўп ҳолларда бу таснифловчи шакллар семантик жиҳатдан ўзларига мувофиқ бўлган сўзлар билан бирикиб келади.² Чунончи, тилда таснифловчи морфологик шакллар мавқеида бўлган:

- а) *сон* (*категорияси*) – предметлик;
- б) *даража* – статик белги-хусусият;
- в) *-нчи* – миқдорий белги;
- г) *нисбат* – динамик белги

маъноларини ифодалашга ихтисослашган шакллардир. Буни қуйидаги градуонимик қаторда умумлаштириш мумкин:

1-чизма

Ўзбек тили морфологик воситаларининг ПМ ва БХМни фарқлаш градуонимик қатори




Бунда *сон* ҳамда *даража*, *тартиб* шакли ҳамда феъллардаги *нисбат* ёки *даража* ҳамда *-нчи* – ПМ ва БХМни фарқлашдаги ўзаро даражанувчи микромайдон хусусиятига эга бўлса, отларда *сон* ~ феълларда *нисбат* алоқадорлиги градуонимик макромайдон кўринишини олади.

Инглиз тилида ПМ ва БХМни фарқлашнинг морфологик қатори ўзбек тилидагидан бирмунча фарқ қилишини кузатамиз (бу юқорида айтилганидек, инглиз тили грамматик тизимининг ўзига хослиги билан характерланади):

2-чизма

Инглиз тили морфологик воситаларининг SM ва AMни фарқлаш градуонимик қатори*



Бунда қатор SMнинг пасайиши эвазига AMнинг кучайиши (ва, аксинча) даражаланиш сирасининг бошида инглиз тилида отлик кўрсаткичи бўлган ва SMнинг кучли намояндаси сифатида юзага чиқадиган *артиклар* жой олса, қатор сўнгида белгининг кучли кўриниши – динамик белгини ифодаловчи феъллик шакли *to* юқламаси жой олади. AMнинг турли кўринишлари – миқдорий белги (CN – Category of Number), сифатий белги (CDC – Category of Degrees, S – Statives), тартиб шакли (ON – Ordinal Numerals) ҳамда феълдаги нисбат шакли (CV – Category of Voice) A~ P/to зидланиши (отлик кўрсаткичи-феъллик шакли оппозицияси) оралиғида жойлашади. Бунда артикль ҳамда отлардаги *сон* ёки ҳатто сифатлардаги *даража* ва х.к. – ўзаро даражаланувчи микро-майдон-ни, A~P/to градуал қатори эса SM ва AMни ифодалашнинг макромайдонини акс эттириши кузатилмоқда. Демак, инглиз ва ўзбек тилларида субстантив ва атрибутив маънолар морфологик тизимда барча етакчи шакл ва категориялар ичра ифодаланибгина қолмай, ўзига хос градуал алоқадорлик касб этадиган микро- ва макромайдонлар шаклида воқеланиши ҳар иккала тил мисолида далилланмоқда.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, борлиқда синкрет бўлган предметлик ва белги-хусусият инсоний тафаккур ва тилда бир-биридан ажратилиб, шакллантирилар экан, лисоний тизим уларни бир-биридан батамом узиб ифодалаш йўлидан эмас, балки даражаланиш, миқдорий ўзгаришларнинг сифат ўзгаришларига ўтиши усулидан фойдаланади – предметлик ва белги-хусусият маъно-

¹ Ширинова Н.Дж. Предметность и качество: от синкретности к дискретности. Научная монография, LAP (Lambert Academic Publishing). Saarbrücken, Germany, 2013, 93 с.

² Murphy M.L. Semantic relations and lexicon. CUP. 2003. Synonymy. ELL, p. 376 – 378.

*Чизмада қуйидаги қисқартмалар ишлатилмоқда: A – Article; CN – Category of Number; CDC – Category of Degrees; S – Statives; ON – Ordinal Numerals; CV – Category of Voice; P/to – Particle *to*.

ларини фарқловчи воситалар ўзаро градуонимик (парадигматик) муносабатларда туради. Инглиз ва ўзбек тиларидаги предметлик ва белги-хусусият маъноларини фарқлаш морфологик воситаларининг ўзаро градуонимик муносабатлари бундай градуонимик сиралар *синкретлик~фарқланиш~зидланиш* босқичларини ўз ичига олишини тасдиқлаб турибди. Фикримизча, бунда тиллараро ўзига хос хусусиятларни ўрганиш нафақат хусусий, балки умумий ва чоғиштирма тилшуносликда вужудга келаётган баъзи муаммоларнинг, хусусан, лисоний бирликларда предметлик ва белги-хусусият маънолари фарқланишининг градуал муносабатларда турганлигини ҳисобга олмаслик натижасида уларни сирасидан узиб, талқину таҳлил этиш оқибатида юзага келаётган кўплаб мунозарали ҳолатларнинг ечимига айланиши мумкин.

**Исламов Ўтқуржон Ҳосилжонович (Ўзбекистон Давлат Санъат ва маданият
институти, филология фанлари номзоди)
НУТҚ МАДАНИЯТИ ВА УНИ ТАЪМИНЛАЙДИГАН ОМИЛЛАР**

Аннотация. Ушбу мақоладан Алишер Навоийнинг нутқ маданияти ва уни таъминлайдиган омиллар хусусида фикр юритилади. Мақолада тилнинг инсон ҳаётидаги аҳамияти ҳамда ундан оқилона фойдаланишининг ижобий ва салбий жиҳатлари борасида шоир билдирган қимматли фикрлар таҳлилга тортилган. Айниқса, адибнинг шоир ва воизлар нутқидаги ютуқларни оммалаштириш, аксинча, камчиликларни бартараф этиш ҳақидаги айтганларини мавзуларга ажратган ҳолда келтириб ўтилган.

Аннотация. В статье рассматривается культура речи Алишера Навои и факторы, которые ее обеспечивают. В статье анализируются ценные идеи, высказанные поэтом о важности языка в жизни человека, положительные и отрицательные стороны его рационального использования. В частности, цитируются высказывания автора о популяризации достижений в выступлениях поэтов и проповедников, и об устранении недостатков, касающихся данного вопроса.

Annotation. This article examines the culture of Alisher Navoi's speech and the factors that provide it. The article analyzes the valuable ideas expressed by the poet about the importance of language in human life, the positive and negative aspects of its rational use. In particular, the author quotes the statements of the author about popularizing the achievements in the speeches of poets and preachers, and not about eliminating shortcomings.

Калим сўзлар: тил, сўз, нутқ, тил маданияти, сўзлаш қобилияти, самимий нутқ, ижобий нутқ, салбий нутқ, нотик, суҳбатдош, воиз, нутқ одоби, нутқ маданияти.

Ключевые слова: язык, слово, речь, языковая культура, умение говорить, искренняя речь, положительная речь, отрицательная речь, оратор, собеседник, проповедник, речевой этикет, культура речи.

Key words: language, word, speech, language culture, ability to speak, sincere speech, positive speech, negative speech, orator, interlocutor, preacher, speech etiquette, speech culture.

Тил ижтимоий ҳодиса сифатида мураккаб лисоний тизимдир. У ўз ички ва ташқи имкониятларидан ташқари бир қатор нолисоний омиллар билан ҳам боғлиқдир. Мана шундай омиллар тилнинг ривожига ва бойлигига, ўзининг мураккаб, серқирра вазифасини тўлиқ ва мақсадга мувофиқ равишда адо этишига кўмаклашади. Энг муҳими, бир қатор лисоний омиллар тилдан, унинг меъёрларидан ўринли фойдаланиш, тилга тўғри муносабатда бўлишдек хусусиятларни тарбиялаб, меъёрга солиб туради. Тилнинг ривожига ва ундан самарали фойдаланишга халақит берувчи ҳодисаларни бартараф этади, тилнинг софлигини муҳофаза қилади. Мана шуларнинг барчаси тилнинг маданий ва маънавий қуроли эканидан далолат беради.

Ўтмиш аждодларимиз тилни нафақат ўзаро фикр алмашув қуроли, балки кишини тарбиялашнинг муҳим воситаларидан бири деб ҳисоблашганини айтиб ўтдик. Шу сабабли ўтмишда ўтган барча буюк аждодларимиз – адиблар, файласуфлар, диний уламолар ва бошқа касб эгалари тилни кишининг ахлоқ ва одобини ўзида ифода этувчи восита деб ҳам билганлар. Эндиликда нутқ одоби, нутқий ахлоқ, нутқ этикаси деб юритилаётган тушунчалар ҳақида ўша даврлардаёқ фикр-мулоҳазалар билдирилган.

Алишер Навоий ҳам ўзидан аввалги алломаларнинг анъаналарини давом эттирган ва ўз асарларида нутқ маданияти ва одоби ҳақида мўътабар фикрларни билдирган.

Алишер Навоийнинг бу борадаги мероси ўзига хос жиҳатларга эга бўлиб, бизнингча, қуйи-

даги хусусиятларга эга:

1. Алишер Навоий ўзигача бўлган мутафаккирларнинг нутқ одобига оид анъаналарини давом эттирди, уни илмий қарашлар билан бойитди.

2. Алишер Навоий нутқ одоби ҳақидаги ўша даврда мавжуд фикрларни ўз тафаккури, мушоҳадаси призмасидан ўтказди.

3. Алишер Навоий нутқ одоби мазмун ва моҳиятининг талаб ва меъёрларини ўз асарлари мазмунига, қаҳрамонларининг ахлоқий фазилатларига сингдирди ва булар орқали кишиларда нутқ одобини, тилга ҳурмат ҳиссини тарбияламоқчи бўлди.

4. Нутқ одоби юзасидан Алишер Навоий айтган фикрлар ҳозирда жадал ривожланаётган нутқ маданияти соҳасининг лисоний ва нолисоний омилларини белгилашда асос бўлиши мумкин.

Навоийнинг ушбу талабга оид қарашлари айрим олимларимизнинг рисоаларида ҳам қисман таҳлил этилган.¹ Қуйида нутқ одоби юзасидан адиб айтган фикрларни кўриб чиқамиз.

1. Нутқ кўзда тутилаётган мақсадга мувофиқ бўлиши керак. Ҳозирги вақтда нутқ маданияти ва адабий меъёр ҳақида гап юритилган тадқиқотларда нутқ маданиятининг асосий шартларидан бири *нутқнинг мақсадга мувофиқлиги*, деб белгиланади. Мана шу нуқтаи назардан ёндашилса, Навоийнинг қуйидаги фикрларида нутқ маданиятининг ушбу талаблари ҳақида гап бораётгани аниқ кўринади:

Бирар сўзни агар айтиб мувофиқ,

Бурунги номага қилди мутобиқ. (“Фарход ва Ширин”. 48-бет)

Шоирнинг “Насойим ул-муҳаббат” асарида ҳам бу борадаги фикрларни учратиш мумкин: “*Абубақр Сайдалоний қ.т.с. ...Ҳамул дебдурки, сўзни ҳожат қадари била айтинг. Ҳар не ҳожатдин ортуқдур, андин илик тортинг...*” (“Насойим ул-муҳаббат”. 129-бет)

Қуйидаги мисраларда Навоий ўз нутқи ҳақида гапириб, борди-ю нутқим (сўзим) хўб яхши, мақбул бўлмаса, ёмон гапирган бўлсам, Аллоҳ кечирсин, дейди:

Сўзум хўб эрса Раҳмат сийла ҳамроҳ,

Вагар дедим ёмон: астағфируллоҳ. (“Фарход ва Ширин”. 477-бет)

Адиб фикрича, оғизга келганини, яхши-ёмон сўзларни айтавермаслик лозим:

Яна буқим, яхши-ёмон дема сўз,

Эл ёмону яхшисига солма кўз. (“Ҳайрат ул-аброр”. 162-бет)

2. Нутқ эътиборга лойиқ, тингловчи диққатини тортадиган бўлмоғи керак. Бунинг учун эса нутқ мазмунли, яъни диққатга молик хабар ва маълумот ташиши, ёқимли тил билан изҳор қилиниши даркор. Мана шу талаб *ғуҳаррезлиқ* (گوهرریزلیق) сўзи орқали ифодаланган: “*Скандари даврон саносида бир неча ғуҳаррезлиқ била мурассаъ этмак ва шахзода мадҳин насойиҳ била ихтисор қилмоқ*” (“Садди Искандарий”. 543-бет).

Ғуҳаррезким, нуктаовардурур,

Бу дарёда мундоқ шиновардурур. (“Садди Искандарий”. 492-бет)

Навоий таъкидлашича, кишининг нутқи эътиборга лойиқ бўлмаса, унга элдошлари (кишилар) қизикмаса, диққат қилмаса – бу нотикнинг элда йўқ, унут бўлганидир:

Элда киши йўқ демак ўлди сўзунг,

Доҳил эмассенму бу элга ўзунг? (“Ҳайрат ул-аброр”. 109-бет)

Навоий нотик нутқининг эътиборга лойиқ ва тингловчининг диққатини ўзига торта олиш хусусиятига катта эътибор берган. У эътиборга лойиқ нутқни *яхши суҳбати бор, хушсуҳбат, ширин калом, яхши суҳбатлиқ, хушмуҳовара* каби бирликлар воситасида ифодалайди. Ушбу ҳолат шоирнинг конкрет шахслар нутқи ҳақидаги фикрларида янада аниқроқ кўринади: “*Шайх Абубақр Воситий қ.т.с. Оти Муҳаммад б. Мусодур. Тасаввуф усулида ҳеч ким андоқ сўз айтмайдурур. Усул ва улуми зоҳир-да олим эрмиши*” (“Насойим ул-муҳаббат”. 123-бет); “*Ҳожа Муайяд Меҳнагий – Ҳазрат Шайх Абусаид Абулхайрнинг набираларидандур. Ваъз мажолиси, бағоят гарм ва нуришўр воқеъ эрди*” (“Мезон ул-авзон”. 43-бет); “*Ҳофизи Ёрий – хуш суҳбат ва ширин калом киши эрди ва қироат илмин яхши билур эрди...*” (“Мажолис ун-нафоис”. 48-бет); “*Мавлоно Юсуф “Бадший” тахаллус қилур эрди. Аммо яхши суҳбати бор эрди ва кўпрак синф шеърин яхши айтур эрди*”. (“Мажолис ун-нафоис”. 60-бет); “*Мир Сарбараҳна – Туркистондандур. Хуш табъ ва хуш маишар ва хуш суҳбат ва ширин калом кишидур*” (“Мажолис ун-нафоис”. 115-бет); “*Ҳожа Султон Муҳам-*

¹ Қўнғуров Р., Бегматов Э., Тожиёв Ё. Нутқ маданияти ва услубият асослари. Тошкент, “Ўқитувчи”, 1992, 22–24-бетлар.

мад – Шорахтдиндур. Шаҳрда нашъу намо топди. *Хуш суҳбат* ва хушмуҳовара кишидур. *Суҳба-ти мужиби баст ва такаллуми мужиби ни-шотдур ва нома хатин дағи ширин битир* (“Мажолис ун-нафоис”. 130-бет); “*Хожа Абдуллоҳ Садр. Ва ўзи яхши хулқлуқ ва яхши суҳбатлиқ йигитдур*” (“Мажолис ун-нафоис”. 141-бет).

3. Нутқ эзгу мақсадларга, ишларга рағбатлантирадиган, фойдали бўлиши лозим. Навоий сўзловчига мурожаат қилиб, элга бирор яхшилик қилиш қўлингдан келмаса, жуда бўлмаса тилнинг билан нафъ (фойда) келтир дейди:

Хайр муяссар гар эмас эл била,

Нафъ тегурмак ҳар ўлур тил била. (“Хайрат ул-аброр”. 239-бет)

Навоийнинг таъкидлашича, фойдасиз сўзни айтгандан кўра, яхшиси, сукут сақламоқ маъқул:

Гарчи етиб жоми ҳидоят манга,

Сўзда сукут ўлди бағоят манга. (“Хайрат ул-аброр”. 63-бет)

4. Нутқ самимий, юракдан чиқадиган бўлмоғи керак:

Айлади авроқ мунаққаш баса,

Нақи рақам айлади дилкаш баса. (“Хайрат ул-аброр”. 96-бет)

Навоий инсоннинг сўзи унинг ички дунёсини ифодалайди, унинг кимлигини нутқи айтиб туришини таъкидлайди:

Ўртади чун бўйла заволи ичин,

Бу сўз ила айлади холи ичин. (“Хайрат ул-аброр”. 255-бет)

Алишер Навоий сўз, нутқ киши қалбидан чиқиши, у самимий, дилга ёқадиган бўлиши лозим, деб ҳисоблайди. Мана шу маънода у Хожа Муҳаммад Порсо р.т. айтган қуйидаги ибратли фикрни келтиради: “*Тил беҳуда гапдан сукут қилса, қалб Аллоҳ билан тиллашади. Агар тил гапга тушса, қалб сукут қилади. Сукут икки хилдир: Тилнинг сукути ва қалбнинг дунё андишаларидан сукут қилиши. Киши тилида сукут қилса-ю, қалбда сукут қилмаса, унинг гуноҳи енгил бўлади. Кимки, тилда ҳам, қалбда ҳам сукут қилса, унга сирлар зоҳир бўлади. Улуғ ва қудратли Парвардигор унга тажалли қилади*” (“Насойим ул-муҳаббат”. 270-бет).

Нутқнинг самимий, чин кўнгилдан бўлиши нотикнинг руҳиятида ҳам кўринишини Навоий Хожа Алоуддин Гиждувонийнинг нутқ жараёнидаги ҳолатини намуна сифатида келтиради: “*Хожа Алоуддин Гиждувоний қ.с. Ва азим истиғроғи бор эрмиш. Ва бағоят, ширинтакаллум эрмиш. Гоҳ бўлур эрмишики, сўз айтадургоннинг орасида ўздин зойиб бўлур эрмиш*” (“Насойим ул-муҳаббат”. 274-бет).

Навоий шеърнинг шакли, сурати билан унинг маъноси зич боғлиқлигини алоҳида таъкидлайди. Шакли хуш шеърга маъно мос тушади, дилкаш бўлади, деб таъкидлайди:

Назмки ҳам сурат эрур хуш анга,

Зимнида маъни доғи дилкаш анга. (“Хайрат ул-аброр”. 62-бет)

Келтирилган талабларга кўра, Навоий ўзи ёзаётган мисраларнинг халққа ёқишини, уларни хушнуд қилишни хоҳлайди ва Аллоҳдан мана шу йўлда мадад сўрайди:

Ёраб, ани халқ дил афрўзи эт,

Хаста Навоийга доғи рўзи эт. (“Хайрат ул-аброр”. 62-бет)

Навоийнинг ёзишича, яхши сўз, фойдали сўз икки жаҳонга тенгдир:

Ҳар дур анга жавҳари жондин фузун,

Қиймат аро икки жаҳондин фузун. (“Хайрат ул-аброр”. 11-бет)

Яхши одамнинг сўзи ҳам эзгу ниятли бўлади, киши руҳини кўтаради, унга жон бахш этади:

Лек биров қилса равон бахилиқ,

Руҳ киби сўз била жон бахилиқ. (“Хайрат ул-аброр”, 240-бет)

5. Нутқ (гап) чин юракдан чиқмоғи, сўзловчи ўз сўзига муносиб, содиқ бўлмоғи лозим:

Бир буки, туз бўлса кишининг сўзи,

Йўқ сўзиким, ҳам сўзию ҳам ўзи. (“Хайрат ул-аброр”, 205-бет)

Навоий шахснинг айтган гапига, берган сўзига содиқ туришини улуғлайди, буни нутқ одобининг шартларидан бири, деб ҳисоблайди:

Ҳам ақл ила будурур мувофиқ,

Ким, улки сўз ичра бўлса содиқ. (“Лайли ва Мажнун, 301-бет)

6. Сўзловчи тингловчининг кимлигини, савияси, эҳтиёжини мулоқот давомидаги руҳий ҳолатини ҳисобга олмоғи лозим. Алишер Навоий сўзловчининг нутқи тингловчига қизиқарли бўлишини таъминлайдиган омиллардан бири сифатида суҳбатдошнинг, яъни тингловчининг

кимлигини ҳисобга олишдир, деб ҳисоблайди:

*Ҳар бирига ўзгача сўз муддао,
Ўзгача сўз демаки, юз муддао.* (“Ҳайрат ул-аброр”. 334-бет)

Навоий “Насойим ул-муҳаббат” асарида Музаффар Қирмоншоҳий Қирмисий (қ.с)нинг қуйидаги фикрини келтиради: “*Ва ҳам ул дебдурки, кимки ёшлар билан саломатлик ва насиҳат қилиш шартини билан суҳбат қурса, бу суҳбат уни балога гирифторм қилади*” (“Насойим ул-муҳаббат”. 154-бет).

Демак, ёшлар орасида саломатлик ҳақида ва насиҳатомуз, беўрин суҳбат қилиш мақсадга мувофиқ бўлмайди, бундай нутқ уларга таъсир қилмайди, уни ёшлар қабул қилишмайди.

7. Нутқ кўнгилга ёқадиган ва тингловчини завқлантирадиган бўлиши керак. Навоий нутқнинг фасоҳатли, мазмунли, раволигини нутқнинг гўзал (малоҳатли) бўлиши билан боғлаган ҳолда тавсифлайди:

*Кўптию сурди сўз фасоҳат ила,
Сўзида чошини малоҳат ила.* (“Сабъаи сайёр”. 80-бет)

Навоийнинг фикрича, киши нутқининг самимий ва дилкашлиги унинг ички дунёсидан, маданияти ва маънавиятидан дарак беради:

*Чунки муқбил сўзи эрди дилкаш,
Хусн хулқию хусни хулқи хуш.* (“Сабъаи сайёр”. 330-бет)

Дилкаш тушунчасини Навоий каломи дилафрўз, нутқи дилқушо, нуктаи дилхарош, тан дилхароши сўзлари орқали беради: **Каломи дилафрўз** (كلام دلافرؤز) – дилни равшан қилувчи, кўнгилни шод этувчи сўз (нутқ), мафтункор нутқ:

Юқунгач, тилаб шоҳ Ферузни,

Узотиб каломи дилафрўзни. (“Садди Искандарий”. 279-бет); “Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати”, II том, 92-бет)

Нутқи дилқушо (نطق دل كشا) – кўнгулга ёқадиган, маъқул тушадиган нутқ:

Деди шах: эй саодат шамъи роинг,

Кўнгул аролик нутқи дилқушойинг. (“Фарҳод ва Ширин”. 130-бет; “Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати”, I том, 488-бет)

Нуктаи дилхарош (نکته دلخراش) – завқлантирадиган, кўнгулни кўтарадиган, рағбатлантирадиган нутқ:

Аён айлабон нуктаи дилхарош,

Дер эди-ю кўздин тўқар эрди ёш. (“Садди Искандарий”. 538-бет; “Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати”, II том, 488-бет)

Навоийнинг таъкидлашича, нутқ тингловчига руҳ (қувонч, бардамлик) бағишлаши лозим. Фазилатсиз нутқ эса инсон руҳини сўндиради:

Сўздин ўлукнинг танида руҳи пок,

Рух доғи тан аро сўздин ҳалок. (“Ҳайрат ул-аброр”. 58-бет)

Тил – бу оби ҳаёт, қудратли куч, ундан ўринли фойдаланилса, киши руҳиятига таъсир қилади, ҳатто уни эсидан оғдиради. Навоий “Сабъаи сайёр” да ҳикоя айтувчининг сўзини эшитгач, Баҳромнинг ўзини йўқотганлиги ҳақида ёзади:

Анинг оби ҳаётдек сўзидин,

Борди ўлган киши киби ўзидин. (“Сабъаи сайёр”. 365-бет)

8. Нутқ чиройли, нафосатли ва латиф бўлиши лозим. Навоий нутқнинг маъноли бўлишини унинг мазмунан мукамал ва гўзал бўлиши лозимлиги билан бирга қўйган ҳолда тавсифлайди. Унинг ёзишича, нутқ ширин (мазмунли, ёқимли) бўлиши билан бирга, гўзал бўлмоғи ҳам керак. Адиб бундай талаб ва меъёрни кўпроқ воизлар нутқида кузатади. Уларнинг нутқига қуйидагича баҳо беради. Масалан: “*Мавлоно Муҳаммад Омилӣ – зарифваши ва нозикшева киши эрди*” (“Мажолис ун-нафоис”. 54-бет); “*Муҳаммад Али – “Ғарибий” тахаллус қилур эрди. Уни ва усули хўб эрди*” (“Мажолис ун-нафоис”, 66-бет); “*Ҳар киши суҳбатига етса эрди, маҳобатидин далир сўз айта олмас эрди*” (“Насойим ул-муҳаббат”, 432-бет); “*Муаммил Жассос р.т. “У Шерознинг улуг шайхларидан бўлиб, Бесавод бўлса-да, тавҳид ва орифлик борасида чиройли сўзлар эрди*” (“Насойим ул-муҳаббат”. 171-бет) каби.

Навоий нутқнинг нафақат мазмунига, балки унинг ифодаланиш ва ижро шаклига ҳам алоҳида эътибор бериш лозим, деб ҳисоблайди. Мана шу маънода нутқнинг ирод этилиши, оҳанги, ифода воситалари, яъни шаклий томони мукамал, чиройли нутқни Навоий олқишлайди. У гўзал

нуткни мезон деб хисоблайди ҳамда ушбу тушунчаларни куйидаги сўзлар орқали ифодалайди:

Балогат жавоҳари (بلاغت جوهرى) – латиф сўзлар (иборалар), кимматли сўзлар: **“Балогат жавоҳири била мураассаъ луғатларин ва фасоҳат жавоҳири била муккамал нуқотларни музайян ва муҳалло қилурлар”** (“Вақфия”. 234-бет; “Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати” I том, 208-бет)

Тараннум (ترنم)/**тараннум тузмок** – чиройли сўзлашмоқ маъносида: **“...ва адно сўз хайли авом такалуми, балки соир уннос тараннумдурким, баъзининг алфозидин кишига маъно маълум бўлур ва баъзидин бўлмас”** (“Назм ул-жавоҳир”. 126-бет; “Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати”. III том, 185-бет). **“...Ақл анинг идрокидин ожиз бўлуб, бу таронага тараннум туздики”** (“Назм ул-жавоҳир”. 128-бет; “Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати”. IV том, 185-бет).

Фасихгуфторлиғ (فصيح گفتارليغ) – чиройли сўзлаш, фикрни равшан, ифодалаш, тушунарли қилиб баён этиш: **“...керакким, мунда ҳар навъ сухангузорлиғ ва фасихгуфторлиғ ва назмсозлиғ ва фасонапардозлиғ осонроқ бўлгай”** (“Муҳокамат ул-луғатайн”. 23-бет; “Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати”. III том, 333-бет).

Фасоҳатнисор (فصاحت نصار) – ўринли, чиройли сўзлар билан тўлган (нутқ): **“...ва авсат сўз жамоати фусаҳойи балогатишиор ва булагойи, фасоҳатнисор ибодати фархунда ишоратларидурким, зоҳир юзидин саноеъ ойин ва бадоеъ тазийн воқеъ бўлубтур”** (“Назм ул-жавоҳир”. 126-бет; “Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати”. III том, 334-бет).

Нуктатирозлиғ (نکته طراز ليغ) – чиройли нутқ, чиройли сўзловчи: **“...олтинчи иқлим йўлидан келтурган мусофир нуктатирозлиғи”** (“Сабъаи сайёр, 307-бет; “Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати”. IV том, 241-бет).

Навоийнинг ёзишича, сўзловчининг кимлиги, эстетик диди, баркамоллиги унинг тилида, нутқида ўз аксини топади. Бу ҳолатни шоир шундай қиёс билан тавсифлайди: борди-ю, санам қанчалик гўзал бўлмасин, у сўзламаса, сўзлаганда тили ширин, нутқида нозик маъноли сўзларни фасоҳат билан айтмаса, чиройли гапирмаса, унинг гўзаллиги ҳеч нарсани англамайди:

Гар чиройи раиши қамар бўлмаса,

Лаъли лаби тунги шакар бўлмаса. (“Ҳайрат ул-аброр”. 59-бет)

Ойтса бу ҳусну малоҳат била,

Нуктани ойини фасоҳат била. (“Ҳайрат ул-аброр”. 59-бет)

Навоий нутқий нафосат фазилатларини “Фарҳод ва Ширин” достонида Ширин мисолида қуйидагича таърифлайди:

Лабидин томибу оқиб латофат,

Юзидин оқибу томиб малоҳат. (“Фарҳод ва Ширин”. 238-бет)

9. Киши рост сўзламоғи, чинсўз бўлмоғи лозим. Инсондаги бундай хусусиятларни Навоий қуйидаги тушунчалар орқали талқин қилади:

Сидқ (صدق) – тўғрисўзлик, ростгўйлик маъносида:

Хожа минборнинг тубин айлаб мақом,

Сидқ ила омин дер эрди бардавом (“Лисон ут-тайр”. 191-бет; “Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати”. III том, 73-бет).

Якрўй (يکروى) – тўғрисўз, ростгўй: **“Хожа Ҳусайн Кирангий ўзи мужид ва сулб ва якрўй кишидур”** (“Мажолис ун-нафоис”. 138-бет; “Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати”, III том, 590-бет).

Ҳақ (حق) – рост, чинсўз (нутқ), рост сўзламоқ маъносида:

Шайх кавсар шарбати - мен талх май мадҳин дедим,

Оччиги келса не тонг, невчунким оччиг келди ҳақ. (“Бадое ул-васат”, 232-бет; “Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати”. IV том, 170-бет)

Чунки унинг барча сўзи ҳақ дурур,

Ўтрусида эл сўзи “саддақ” дурур. (“Ҳайрат ул-аброр”. 208-бет)

10. Нотиқ, суҳбатдош ширин тилли, хушмуомала бўлмоғи керак. Навоийнинг ёзишича, нутқий мулоқот чоғида суҳбатдошни ҳурматлаш, унга ёқимли, ширин сўз бўлиш, хушмуомала бўлиш кутилган мақсадга йўл очади. Ширинсўзлик ва хушмуомала каби тушунчалар шоир асарларида қуйидаги лисоний бирликлар орқали ифодаланган:

Лаъли гўё (لعلی گویا) – ширин сўзли оғиз.

Ўлукка жон берур чун нукта айтур лаъли гўёси,

Масиҳо тилидин гўё чиқар жонбахш анфоси (“Бадое ул-васат”. 403-бет; “Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати”. I том, 432-бет).

Дилбандлиг (دل بندليغ) – дилни боғловчилик, кўнгилни тортувчилик ширин сўзлик, хушмуомалалик билан кишини мафтун этувчи:

Аёқчилар шакар гуфтору дилбанд,

Қилиб дилбандлиг била шакарханд (“Фарҳод ва Ширин”. 271-бет; “Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати”. I том, 486-бет).

Мулояматомиз (ملا يتاميز) – ширинсўзлик, хушмуомалалик: “*Бу навъ ваҳшатангиз чиндан бўл йироқки, мулоятномизлик ёлгон андин яхшироқ*” (“Маҳбуб ул-қулуб”. 102-бет; “Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати”. II том, 347-бет).

Ширинкалом (شيرين كلام) – ширин сўз, ёқимли гап, ибора, жумла; хушмуомалалик: “*Ҳофизии Ёрий хуш суҳбат ва ширинкалом киши эрди*” (“Мажолис ун-нафоис”. 48-бет; “Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати”. III том, 529-бет).

Ширинкорлиг (شيرين كار ليغ) – ширинсўзлик, хушмуомалалик:

Хуснининг ани кўнгул ошуби бўлдиким, солур,

Кулгудин захмига ширинкорлиг оннда туз. (“Фавойид ул-кибар”. 150-бет; “Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати”, III том, 530-бет)

Ширинтакаллум (شيرين تكلّم) – ёқимли, ширин сўз (нутқ): “*Мирҳайдар Фаҳрбойи – Саййид эрди, донишманду ширинтакаллум киши эрди*” (“Насойим ул-муҳаббат”, 441-бет; “Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати”. III том, 530-бет).

Хуш такаллум (حوش تكلّم) – чиройли ва ширин нутқ:

То топибон хуш такаллум тузай,

Сўз чамани ичра наво кўргузай. (“Ҳайрат ул-аброр”. 82-бет)

Навоий ширинсўзлик фазилатларини бадий образда Лайли ва Шириннинг лабидан чиқади-ган гапларни қуйидагича таърифлайди:

Шаҳди лабидинки коми ширин,

Андин келибон каломи ширин. (“Лайли ва Мажнун”. 67-бет)

Лабининг ҳар сўзи юз жонга офат,

Сочи ҳар тори минг имонга офоқ. (“Фарҳод ва Ширин”. 239-бет)

Ширин сўз, мулоим такаллум кишига тасалли беради, уни ховуридан туширади. Масалан, Мажнун отасига шундай дейди:

Бу неча такаллумики сурдунг,

Куйган кўнгул ўтига су урдунг. (“Лайли ва Мажнун”. 217-бет)

11. Нутқ ёқимли, чучуковоз, айтилмоқчи бўлган фикрга мос оҳанг билан изҳор қилиши керак:

Матбуъ садолиг (مطبوع صдалиغ) – хушовоз, ёқимли овоз соҳиби: “*...бир равзасини бу мавзун наволиқ балобил ва матбуъ садолиг анодил гул бонгидин рашки нигорхонаи Чин ва гайрати фирдавси барин қилибдур...*” (“Мажолис ун-нафоис”. 8-бет; “Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати”. II том, 252-бет).

Хушлаҳжа (خوش لهجه) – хушовоз, ёқимли овоз:

Базм аро хуштур қадаҳ кавкаб, вале эрмас тамом

Мутриби хушлаҳжаи хушид сиймо бўлмаса. (“Фавойид ул-кибар”. 22-бет; “Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати”. III том, 441-бет)

Хушовоз (خوش آواز) – чиройли овозли, ёқимли оҳанг соҳиби: “*Муганнийи бор эрди хушовоз, аммо кичик ёшлиг ва девонасор ва иўх эрди*” (“Насойим ул-муҳаббат”; “Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати”, 20-бет; III том, 442-бет).

Хушхон (خوش خان) – хушоҳанг, хушовоз:

Чекти булбул кеби минг лаҳн ила достон ҳофиз,

Йўқ анингдек яна бу даврда хушхон ҳофиз (“Наводир уш-шабоб”. 208-бет; “Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати”, III том, 444-бет).

Юқорида келтирилган нутқий фазилатлар нутқ маданияти ва одобини эгаллаганликнинг, сўзланаётган нутқнинг нутқий маданият талабларига жавоб бера олишининг шарти ва мезонларидир. Қайд қилинган тушунчалар Навоийнинг деярли барча асарларида мавжуд. Навоий келтирилган фазилатларга эришиш учун тилни эъозлаш, уни яхши эгаллаш лозимлигини асосий шарт қилиб қўяди. Шоир тилни яхши билувчи ва унинг қонун-қоидаларига бўйсунувчи шахсларни *зобондон* (زبان)

دان) деб юритади.

Забондон (زبان دان) – тилни яхши билувчи, тилни яхши эгаллаган маъноларини ифодалайди:

Фаҳмига махфий забондони керак,

Йўқ забондонким, Сулаймони керак. (“Лисон ут-тайр”. 30-бет; “Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати”, I том, 695-бет).

Навоий бир ўринда сўзни нутқда шундай моҳирона, чакқон тузгинки, гўё ипакда асл гавҳарлар (сўзлар) силлик ҳаракатлангандек бўлсин, дейди:

Сўз йўлин уйла қатъ этиб чолок,

Ким, ипакда югарса гавҳари пок. (“Саъбаи сайёр”. 38-бет)

Алишер Навоий “Насойим ул-муҳаббат” асарининг бир ўрнида нутқ маданияти ва одобининг асосий белгиларини қуйидагича таъкидлаган: “*Доғи алфоз латифлиги ва таркиб покизалиги ва равонлиги ва адо салосати ва латофати ва маъно ғариблиги чоинисиди худ аларни таъриф қилмоқ ҳаёт суйин жонбахилиққа таъриф қилгондек бўлғай*” (“Насойим ул-муҳаббат”. 479-бет).

Эшмуродов Абдувахоб Муратқасимович (Жиззах Давлат Педагогика институти) “ХОЛДОРХОН” ДОСТОНИДА ҚЎЛЛАНГАН ОНОМАСТИК БИРЛИКЛАР ҲАҚИДА

Аннотация. Ушбу мақолада ўзбек халқ достонларига хос бўлган элементлардан бири – ономастик бирликлар ҳақида сўз юритилган. Эргаш Жуманбулбул ўғли куйлаган “Холдорхон” достонида ономастик бирликларнинг қўлланиши, уларнинг турлари, морфологик тузилиши, достон сюжетида тутган ўрни ҳақидаги фикрлар баён қилинган.

Аннотация. В статье идёт речь об ономастических элементах, которые употреблены в дастане “Холдорхон”, исполненном Эргашем Джуманбюльбюль оглы и об их роли в построении сюжета, также об их морфологических своеобразиях.

Annotation. In this article, the speech goes on about onomastic units – one of the elements that are peculiar to Uzbek national dastans. There have been narrated the ideas about the usage of onomastic units in the epic poem “Kholdorkhon” performed, by Ergash Djuvanbulbul ugli, their types, morphological structure and its role in the plot of the dastan.

Калим сўзлар: ономастик номлар, антропонимлар, топонимлар, этнонимлар.

Ключевые слова: ономастические элементы, антропонимы, топонимы, этнонимы.

Key words: onomastic elements, anthroponymies of toponomy, ethnonyms.

Биз ўрганган «Холдорхон» достонларидаги ономастик бирликлар жой номлари, киши номлари, тарихий шахслар, достонлардаги лақаблар каби мавзуйи-семантик гуруҳларга ажратилган ва қардош халқлар тилига оид достонлардаги номлар билан ўзаро муносабатлари очиб берилган. Достонидаги ономастик номларни таҳлил этиш ҳам лингвофольклористик тадқиқотлар мажмуидаги маълум бир бўшлиқни тўлдиришга хизмат қилади.

Достон матнидаги ономастик элементларга структурал жиҳатдан қарайдиган бўлсак, улар содда ва қўшма сўзлардан ташкил топганлиги, ўзаро қиёсланганда фақат бир ўзакдан иборат номлар жуда кам эканлиги маълум бўлади: Масалан: *Али, Барзу, Бўгра, Од, Райҳон, Рустам, Сухроб, Сулаймон, Хизир, Қайсар* каби. Бу номларнинг асосий қисми структурасида икки ва ундан ортиқ сўзлар мавжуд: *Бектош, Бердиёр, Жўрақул, Сарақул, Тўрақул* сингари.

Э.Бегматов «Ономастик сўз ясалиши масаласига доир» мақоласида С.Н.Муратовнинг бир гуруҳ қўшма сўзлар учун хос муҳим семантик ҳамда грамматик хусусият – қўшма сўз иккинчи компонентининг маъно жиҳатдан хиралашуви ва фонетик ўзгаришга учраган ҳолда биринчи компонентнинг ажралмас қисмига айланиб қолиши ҳақидаги фикрини келтириб, уларни «туташиган сўзлар» ёки «туташиш орқали юзага келган қўшма исмлар» деб атайди ва бу сўзларнинг иккинчи компоненти олиб ташланса, қолган қисми атоқли отликдан чиқиши ушбу исмларнинг ўзига хос хусусияти деб кўрсатади.¹ Биз олимнинг ушбу фикрини достон матнидаги айрим антропонимларга нисбатан қўллаш тарафдоримиз. Масалан, *Аргинбой, Барғумбой, Бўлакбой, Дингбой, Жомғирбой, Каллабой, Маллабой, Мингбой, Мўминбой, Нармонбой, Тўлакбой, Толғирбой, Чиллабой/Чалабой, Яртибой* каби.

¹ Холдорхон. Достон. Айтувчи Эргаш Жуманбулбул ўғли. Ёзиб олувчи Ҳоди Зариф. Тошкент, “Адабиёт ва санъат”, 1981, 55-бет.

Дарҳақиқат, исмларнинг биринчи қисмини ташкил қилган *бўлак, динг, жомғир, калла, малла, минг, толғир, чилла/чала, ярти* сингари сўзлар алоҳида қўлланганида киши номларини англашти хусусиятини ўзида сақлаб қолмайди. Бу масаланинг бир томони. Иккинчидан, улар дoston матнида маълум стилистик маънони ҳам ўз зиммасига олган. Матндаги бир эпизодни эслаймиз: *Гўрўгли Қримга лашкар тортмоқчи бўлганида ўз салтанатидаги барча уруғ-аймоқларни йиғиб маслаҳат кенгаши қилмоқчи бўлади ва уларнинг бошлиқларини ҳузурига чақиртиради. Ана энди Гўрўглибек дарқаҳар бўлиб, Ёвмит, Така элининг сатта йигитман, деб сайланиб юрган полвон, баҳодирларини йиға берди. Ўзига қараган барча амалдорларини йиғдириб, барисига ола сарпо кийдириб, карнай-сурнай қўйдириб, семиз сўқимлар сўйдириб, қунига чулон бериб, оч-ориқни тўйдириб, одам йиғдираёттибди. Эндан Бўлакбой, сортдан Тўлакбой, мингдан Мингбой, даладан Дингбой, саройдан Сарақул, мўйтандан Мўминбой, жалойирдан Жомғирбой, наймандан Нармонбой, баҳриндан Бар-ғумбой, аргиндан Аргинбой, туркмандан Тўрақул, жабтдан Жўрақул, оқсоқолдан Толғирбой, неча бўлган бой, шу бугун бўлган Яртибой оқсоқол ҳам бор эди.*

Англашиладики, бу ўринда исмлар оддий кишиларнинг номи эмас, уруғ-қабилаларнинг таниқли кишилари, балки бошлиқлари сифатида талқин қилинади. Ном таркибидаги *бой* элементи айнан ана шунга ишора қилиб туради.

Ушбу номлар дostonда фақат шу эпизодда, фақат бир мартагина қўлланган. Муаллиф Гўрўглининг маслаҳат кенгаши чақирганини айтиш билан бирга, унга тингловчини ишонтирмоқчи. Шундай бўлишига қарамасдан, улар аниқ бир шахсдан кўра, кўпроқ ўйлаб топилган ном сифатида намоён бўлади. Чунки қабила-уруғ номи ва унинг бошлиғини ифодаловчи исмнинг уюшган ҳолда келиши ҳам шу фикрга олиб келади. *Бу баччағар Гўрўгли тентак, эси йўқ одам экан, бўлмаса мен бор, сен бор, бизнинг элда шунча баҳодир полвонлар бор, бу баччағар айтмайдим, Алла ботир, Тилла ботир, Пилла ботир, Каллабой, Чиллабой, Афсар занги, Ўрин оди, Думалоқ баҳодир, Тўмпоқ баҳодир, Бақай полвонларни эшитиб юрган, билади ҳам (87); (Гўрўглининг) қозоқдан Олинғир, Солинғир, Жайсан ботир, Бўжман ботир, Ғўжман ботир, Шай ботир деган жуда катта ботирлари, полвонлари бор эди (106)* гапларида ҳам шу усулда худди юқоридаги сингари юртнинг аталган полвонлари санаб ўтилади.

Бу каби субъектив баҳони ифода этувчи *-хон, -бек, -бой* элементларининг қўлланиш нисбати бир хил эмас. Таркибида *-бой* иштирок этган исмлар ўн бештани ташкил этган бўлса, *-хон* ва *-бек* тўрттадан: *Ҳасанхон, Авазхон, Холдорхон, Буврахон; Гўрўглибек, Синдорбек, Фарҳодбек, Бексара* сингари номларда ишлатилган. Бу дostonда иштирок этаётган қаҳрамонлар сони, асосий ва эпизодик характери билан ҳам боғлиқ.

Дoston матнида параллел номларга дуч келмадик. Аммо исмлар бир неча вариантларда қўлланганлигини кузатдик: *Гўрўгли/Гўрўглибек; Холдорхон/Холдорхон подшо/Холдоршоҳ; Юнус/Оға Юнус/Юнуспари/Оға Юнуспари/Юнус ой; Мисқол/Мисқол пари/Ой Мисқол; Аваз/Авазжон/ Авазхон/Бол Аваз; Ҳасанхон/Эр Ҳасан; Ҳасан/Ҳасан Кўлбар/Кўлбар/Эр Кўлбар; Ҳасан/Ҳасан Чопсон/Чопсон/Эр Чопсон* сингари. Гарчи улар вариант сифатида бир семантик қаторни ташкил этса-да, стилистик жиҳатдан бир хил қийматга эга эмас. *Гўрўгли – Гўрўглибек; Юнус – Оға Юнус, Юнус пари, Оға Юнус пари, Юнус ой; Мисқол – Мисқол пари, Ой Мисқол; Аваз – Авазжон, Авазхон, Бол Аваз; Ҳасан – Ҳасанхон, Эр Ҳасан; Ҳасан – Кўлбар, Ҳасан Кўлбар, Эр Кўлбар; Ҳасан – Чопсон, Ҳасан Чопсон, Эр Чопсон* нисбатида биринчи ва ундан кейинги сўзларнинг стилистик бўёғи турлича бўлиб, кейингиларида ҳурматлаш, улуғлаш, эркалаш оттенкалари англашилиб туради. *Эр Ҳасан, Эр Кўлбар, Эр Чопсон* бирикувларида эса дostonлар услубига хос тантилиқ, мардлик, ботирликка қойил бўлиш, тан бериш, эътироф этиш сингари стилистик маънолар мавжуд. *Гўрўгли, Юнус, Мисқол, Аваз, Ҳасан* исмларида бўёқдорлик йўқ. Асосий номга лақаб сифатида бириқиб келаётган *Кўлбар, Чопсон* элементларида эса менсимаслик, уларга бир оддий одам сифатида қараш оҳанги сезилади.

Аскар/Аскаржон/Мирза Аскар/Мирза, Аҳмад/Сардор/Аҳмад Сардор, Жамшид/Жамшиди Жом; Зайдин/ой Зайдин; Соқи/Соқибулбул; Синдор/Синдорбек/Синдор қирғиз; Тўмпоқ/Тўмбоқ/Эр Тўмбоқ; Қубод/Эр Қубод; Ҳотам/Ҳотамтой антропонимлари ҳақида ҳам шу фикрларни айтиш мумкин. Гўрўглининг садоқатли ва ҳамма жойда ҳамроҳлик қиладиган вафодор оти ҳам *Ғир/Ғирот/Ғирқўк/Ғир тулпор* тарзида тилга олинади.

Киши исмлари билан биргаликда *ботир, баҳодир, полвон* эпитетларини қўллаш халқ дostonлари, айниқса, қаҳрамонлик дostonлари услубига хосдир: *Алла ботир, Бақай полвон, Бўжман ботир/Бўжман полвон, Думалоқ баҳодир, Жайсан ботир, Пилла ботир, Тилла ботир, Тўмпоқ баҳо-*

дир, Шай ботир, Ғўжман ботир/Ғўжман полвон каби. Ҳасан Якдаст антропоними ҳақида ҳам шу гапни айтиш мумкин: *Ҳасан Якдаст мард отамнинг жўраси, Кўҳи Қофда аҳриманлар сараси.*

«Холдорхон» достони матнида учрайдиган антропонимлар таркибидаги иккинчи қисм шахнинг ижтимоий мавқеини (*Гўрўглибек, Холдорхон, Яртибой*), шахнинг характери ва хислатини белгилайдиган (*Бўжман полвон, Думалоқ баҳодир, Жайсан ботир*), ташқи кўринишга нисбат берадиган (*Думалоқ, Қоработир, Қора дев*) лингвистик омил сифатида намоён бўлади.

Достондаги номларнинг маълум қисмини қайтариқ номлар ташкил қилади. Ушбу қайтариқ номлар ҳақида сўз юритишда қиёс учун Д.Абдурахмонов ва Ҳ.Бектемировларнинг «Ўзбек халқ достонларининг ономастикаси» номли мақоласида келтирилган фактлардан фойдаланамиз. *Гўрўгли, Авазхон, Ҳасанхон, Аҳмад Сардор, Соқибулбул, Юнус пари, Мисқол пари, Рустам, Алпомиш, Кўкаман* сингари номлар қайтариқ номлардир. Улар «Малика Айёр», «Интизор», «Балогардон», «Равшан»; «Муродхон»; «Алпомиш» каби халқ достонларида ҳам асосий қаҳрамонлар сифатида иштирок этган.

Номларнинг бу тарзда қайтарилиши топонимларга ҳам хосдир: *Ваянган, Ёвмит, Исфиҳон, Доғистон, Кўҳи Қоф, Така-Ёвмит, Така, Туркман/Туркман эли, Чамбил/Чамбил мамлакати / Чамбил бел, Эрам/Эрам боғи/Боғи Эрам/Ирам боғи/Ирам/Боғи Ирам* номлари юқорида тилга олинган ҳамда «Кунтуғмиш», «Ойсулув», «Орзигул» сингари достонларда ҳам учрайди ва асар воқеалари содир бўлган ареални кўрсатишга хизмат қилади.

Достон матнида эпизодик номлар учрайди: *Алпомиш, Баҳром, Баҳром гўр, Беҳзод, Бўлғори Баҳром, Заҳхоки мор, Илès пайгамбар, Имом Ризо, Кўкаман, Мулла Эргаш, Ҳоқон, Навшод, Нушоди Булғор, Ўрин оди, Тўхтамиш, Тўхтамиш дев, Фағфур, Фаридун, Хайбар, Хизр, Наби пайгамбар* ва бошқалар. Аммо уларнинг келтирилиши замирида ҳам муайян стилистик мақсадлар ётади. Масалан, Борса келмас ва Чамбил элининг подшоҳлари Қайсар ва Гўрўгли майдонда яккама-якка жанг қилишади. Бахши бу жангни тасвирлаш жараёнида ҳар икки томоннинг қудратини бадий ифода этиш учун уларни бу қаҳрамонлардан аввал ўтган бошқа кучли инсонларга, халқ оғзаки ижодидаги қаҳрамонларга қиёс қилади. Айтайлик, *Алпомиш ва Кўкаманга, Сухроб ва Рустамга, Жамшид ва Заҳхоки морга, Од ва Барзуга, Баҳром ва Ҳоқонга, Баҳром ва Нушоди Булғорга, Баҳром ва Беҳзодга.* Бу исмларнинг эпизодик характерда эканлигини кўлланиш частотасидан ҳам англаш мумкин. Уларнинг аксарият қисми фақат бир мартадан ишлатилган.

Худди мана шу ҳолат жой номлари кўлланишида ҳам бир хил услубда такрорланади: *Э, паризод, аввалдан охир Ямандан Ясар, Машириқдан Мағрибгача ҳар нарса бор, мен беайб, бекам нарса кўрмадим, беармон одам кўрмадим. Маккамсан, Мадинам – қиблагоҳимсан, арзима қулоқ сол, Чамбил Сардори* каби. *Араб Ширвон, Хитой, Чин, Ҳиндистон, Фаранг/Фарангистон, Гуржистон, Ҳаросон (Хуросон), Туркистон, Темир, Хўтан, Жангалимозондарон, Бало тоғи* сингари топонимлар ҳам достон матнида эпизодик номлар тарзида иштирок этади, тасвир этилаётган воқеа-ҳодисаларнинг маълум жиҳатларини таққослашга, тўлдиришга хизмат қилади.

Эргаш шоир воқеалар баёни жараёнида ўзбек уруғларига оид маълумотлар ҳам келтиради. Жумладан, шундай этнонимлардан 46 таси тилга олинган *аргин, баҳрин, барлос, бурқут, дала, дўрмон, ёмон туркман, жабт, жалойир, жоби, жодир, зилай-қирғиз, кенагас, мангит, минг, муйтан, найман, олай-қирғиз, оқсоқол, орлот,сарой, сўгин, сўгинжи, ўлоқли, орт, тама, тўйин, туркман, уймаут, уйшин, улоқли, хитой, эл, эрганакли, юз, қалмоқ, қангли, қатаган, қийқим, қипчоқ, қирғиз, қирқ, қўнғирот, қўйчи, қозоқ, қорақалпоқ* каби.

Ушбу номлар ўзбек халқи орасида, халқ оғзаки ижоди намуналарида эътироф этилиб келаётган 92 бовли (боғли) ўзбек қабилаларининг айнан ўзи эмас, албатта. Тилшунос ва этнограф олим Х.Дониёровнинг «Ўзбек халқининг шажара ва шевалари» номли асарида ўзбек қабилаларини турли шохобчалари билан биргаликда 300 дан ортиқ эканлигини кўрсатади.¹ Бу этнонимлардан *аргин, баҳрин, барлос, дўрмон, жалойир, жоби, кенагас, қангли, қатаган, қипчоқ, қирғиз, қирқ, қўнғирот, қозоқ, қорақалпоқ, мангит, минг, найман, орлот, сарой, сўлоқли, уйшин, эрганакли, юз* қабилар достон матнида ҳеч бир ўзгаришсиз тилга олинади.

Лекин *бурқут* нинг *баргут, бурқут; қўйчи* нинг *қуччи, тама* нинг *тома* вариантлари мавжуд. Х.Дониёров *туркман* этноними билан биргаликда *туркман жуз* бўлимини ҳам келтирган, лекин достон матнидаги *ёмон туркман* китобда йўқ. Китобда мўғулларнинг *меркит* (уларни *удиут* деб ҳам аташган) қабиласи тўртга бўлинган, уларнинг бири *мудан* деб аталганлиги ҳақида Рашидди-

¹ Х.Дониёров. Ўзбек халқининг шажара ва шевалари. Тошкент, «Фан», 1968.

диндан келтирилган маълумотлар бор. *Муйтан* ана шу қабила бўлиши мумкин. А.П.Хорошхин эса уни аниқ *муйтан* деб келтирган. *Уймаут* эса *курлаут* қабиласининг бир бўлаги деб кўрсатилган. Х.Дониёровнинг китобида *хитой*, эл уруғлари ҳақида маълумотлар йўқ. Аммо олим *хитойизи* қабиласи мавжудлиги ва унинг 12 гуруҳга бўлиниши ҳақида маълумот берган. Шунингдек, Рашиддинда *элжигин*, *элдуркин* (*сулдуз* нинг бир тармоғи) каби ҳақиқий мўғул қабилаларини санаб ўтилганлиги қайд этган.

Зилай, *олай* этнонимлари қирғиз миллати қабилалари бўлиши мумкин. Чунки Юнус пари ва Мискол парилар Аҳмад Сардорнинг таъқибидан қочиб қирғиз юртига паноҳ излаб борганилари баёнида қуйидаги изоҳлар мавжуд: *Ўзининг олай қирғиз билан зилай қирғизига жовлик уй бошига бор одам қолмай келсин, деб хабар қилди.*

Қалмоқ, *сорт* этнонимлари халқнинг номи сифатида, *дала*, *жабт*, *жодир*, *қийқим*, *оқсоқол*, *сўгин*, *сўгинжи*, *тўйин*, *улоқли* қабилар эса ўзбек уруғлари бўлинишлари сифатида эътироф этилиши мумкин. Чунки Х.Дониёровнинг китобида улар ҳақидаги маълумотларни учратмадик. Фақатгина қорақалмоқ этноними келтирилган.¹

Харқалай бу келтирилган этнонимлар Эргаш Жуманбулбул ўғлининг ўзбек халқи ҳаётини, унинг турмуш тарзини, ўзбеклар билан ёнма-ён яшаётган бошқа халқлар билан муносабатини яхши билганлиги, бу муносабатларнинг дoston воқеларига ҳам таъсири бўлганлигини кўрсатишда муайян роль ўйнаганлиги, шубҳасиз.

Хулоса сифатида шуни қайд этиш мумкинки, «Холдорхон» достонида қўлланилган ономастик номлар ҳам ўзбек ономастик фондининг тақрибий қисмидир. Уларнинг маълум қисми ҳаётда реал шахс ёки географик объект сифатида мавжуд бўлмаса-да, халқ оғзаки ижоди, хусусан дostonлар сюжетидаги доимий образлар ва жой номлари сифатида тилимиз тарихида яшаб қолаверади.

Чорвачилик лексикаси тизимида от билан боғлиқ атамалар асосий ўринни эгаллайди. Бу атамалар 21 номдан иборат бўлиб, дoston матнида 491, умумий ном – от эса 258 марта қўлланган. Бошқа атамаларнинг қўлланиш частотаси қуйидагича: жинсни: *айгир* – 1; *байтал*, *байтал-сайтал* – 4, *бия* – 15, *йилқи* – 3; зотни: *араби* – 2; ёшни: *дўнон* – 1, *тўбичоқ* – 3, *қулун* – 2, *гунон* – 2; рангни: *човқар* – 1, *тарлон* – 3; сифатини: *арғимоқ* – 2, *бедав/бедов* – 61, *ёлдор* – 1, *жуйрук* (*югрук*) – 1, *тулпор* – 55, *чўбир* – 3, *чўнтоқ* – 1 (китобнинг 18-бетида *чўнтоқ* тарзида нотўғри келтирилган); номи: *гиркўк* – 58, *гирот* – 14 каби.

Ушбу атамалар орасида отларнинг сифати ва хусусиятини кўрсатувчи *арғимоқ*, *бедов*, *тулпор* сўзларининг қўлланиши эътиборга моликдир. Бу отлар дostonда алоҳида образ тарзида иштирок этади, жанг майдонида ўз эгаларининг қахрамонлигига кўмаклашади, шерик бўлади. Бу сифатларга эга бўлган отлар дostonларда ҳеч вақт салбий хусусиятлари билан намоён бўлмаган.

Шунингдек, от анжомларини ифодаловчи *айил-пуштан*, *дирдикка*, *жабдуқ*, *узанги*, *эгар*, *қуюшқон*; от билан шуғулланувчи ва ундан фойдаланувчиларни билдирувчи *отчопар*, *отбоз*, *отлик/отлиқ*, *сайис*, *чавандоз*, *сувор(ий)* сингари атамалар ҳам қўлланган. Масалан: *Отаси тулпор бўлса-да, Ёмон отдан бўлса сувор. Човқар байтал тулпор тугар* каби.

Бундан ташқари, чорвачиликка дахлдор бўлган яна қуйидаги номларга дуч келамиз:

– уй ҳайвонлари: *қўй*, *қўзи*, *қўчқор*; *эчки*, *улоқ*, *улоқ-така*, *така-улоқ*; *мол*, *пода*, *тана-шўлти*, *чўнтоқ*, *хўкиз*, *буқа*; *эшак*, *ҳанги*, *ҳачир*; *ит*, *қўппак*, *қучик/қучуг/қучук*; *туя*, *норча*, *норча-лўк* каби. Улар матнда жуфтлашган ҳолда ишлатилиб, умуман, уй жониворлари маъносини англатган: *хўкиз-сигир*, *қўй-хўкиз*, *қўй-сўқим*, *қўй-бия*, *эчки-қўй*, *мол-ҳол*, *мол-минол/моли-манол* сингари;

– чорва сақланадиган ва озикланадиган жой: *яйлов*, *қўтон*;

– чорвадор яшайдиган жой: *чодир/чотир*, *чодир-жой*, *чодир-чаман*, *чотир-соябон*, *чотир-чаман*, *ўтов*;

– чорвадорнинг номлари: *элибой*, *қўйчи*, *улоқли*, *чўпон*, *чўпон-чўлиқ*;

– умуман, шу соҳага дахлдор бўлган: *молдор*, *молсиз*, *мол-озиг*; *ёлпўш*, *жиҳаз* (*туяники*); *сарбон/сарвон*, *хоназот/хонзод*, *элисозлик* сингари кўплаб атамалар ҳам ишлатилган.

С.Турсунов «Алпомиш» достони матнида 500 ортиқ чорвачиликка оид атамалар учрашини таъкидлаган.

Харбий ҳаракатларга оид атамалар. Дoston матнида харбий ҳаракатларга оид атамалар ҳам қўлланган. Асар сюжетини уруш воқеалари, жангу жадаллар ташкил этганлиги туфайли ушбу гуруҳга тегишли бўлган атамаларнинг учраши, табиий: *аслаҳа-анжом*, *жазоил/жазойил* (70), *гурзи*

¹ Шу манба.

(38), кировка (284), навкар (318), сарбоз (271), саркарда (334) каби.

Уруш ҳаракатларига оид лексемаларнинг қўлланишида дostonда ўзига хос жиҳатларни кузатамиз. Эргаш шоир ушбу сўзларга ижодий муносабатда бўлади. Бу билан уларнинг нафақат қўлланиш қўламини кенгайтиради, балки маъноларига ҳам муайян ўзгаришлар олиб киради. Масалан, муаллиф *камон* сўзини ишлатгунга қадар ҳам у форс-тожик тилидан ўзбек тилига кириб улгурган эди. Аммо Эргаш шоирнинг ютуғи шундаки, у сўзнинг бир неча вариантларини қўллайди: *камонандоз* (119). *камондозларни* (405). *камонлашидилар* (236); *найза* (55), *найзобоз* (321), *найзобозлик* (292), *найзадаст* (25), *найзадастлик* (230), *найзадор* (167), *найзалашмоқ* (102), *найзама-найза* (271) каби.

Шу тарзда, *мерган*, *мерганлик*; *милтиқ*, *милтиқламоқ*; *сипоҳ*, *сипоҳигарлик*, *сипоҳилик/сипоҳлик*, *сипоҳсолар*; *тиғ*, *тиғбоз*, *тиғбозлик*, *тиғма-тиғ*, *тиғ-табар*; *уруш*, *уруш-гириш*, *уруш-кериш*, *уруш-майдон*, *урушмоқ*, *уруш-саваш*; *ханжар*, *ханжарбоз*; *хунрез*, *хунрезлик*, *хунхўр*, *хунхор*; *қалқон*, *қалқонбозлик*; *қилич*, *қиличбозлик*, *қиличламоқ*, *қиличлашмоқ* сўзларини ҳам қўллайди. Биз бу бирликлар орасида *милтиқламоқ* (60); *тиғбоз* (289), *тиғбозлик* (236), *тиғма-тиғ* (271), *тиғ-табар* (269); *уруш-гириш* (105), *уруш-кериш* (409), *уруш-майдон* (211); *қалқонбозлик* (236); *қиличламоқ* (122) элементларини алоҳида ажратамиз. Чунки уларнинг биронтаси ҳам биз қиёсий ўрганган дostonлар матнида учрамади. Шундай экан, уларни Эргаш шоир яратган сўзлар сифатида эътироф этишга асослар бор.

Тирандозлик (271) камондан ўқ отувчи, камонкаш¹ ва унинг синоними *шакаманлик* (230) сўзлари ҳам услубий жиҳатдан ана шундай аҳамиятга эга. *Қўрчибеги* сўзи (*қўр* – *милтиқ дори* – *порох* маъносида, *қўрчибеги* – *курол-аслаҳа бошлиғи*) бошқа дostonларда учрамади: *жамий амалдорлари*: *худайчи*, *саркарда*, *лашкарбоши*, *туғбеги*, *қўрчибеги... вазирларига хитоб қилиб* (182). Тарихий сўзлашмоқ сўзи ҳам ишлатилган: *Кечгача сўғишиди беклар аёвсиз*, *Кун кеч бўлди икки ёққа бўлинди* (130). Сўзлашмоқнинг– *урушмоқ* маъноси М.Кошғарий «Девон»ида *сўғишиди* – *икки эр бирла сўғишиди* – *икки одам жангда урушиди* тарзида келтирилган.

**Равшанова Раъно Хандамовна (Навоий Давлат Педагогика институти
Бошланғич таълим кафедраси ўқитувчиси)
ИНСТИТУЦИОНАЛ МУЛОҚОТ МОДЕЛИ**

Аннотация. Мақолада институционал мулоқот модели ҳақида фикр юритилган. Шунингдек, дискурснинг вужудга келиши, тадқиқ қилиниши, омиллари, диалог типлари, институционал ва ноинституционал моделлари, лисоний шахс мазмун моҳиятлари, лисоний шахснинг уч даражали тузилмаси ҳамда прагматик даража ва қоидалари назарий жиҳатдан таҳлил қилинган.

Аннотация. В статье рассматривается модель институциональной коммуникации. Также, теоретически анализируется возникновение дискурса, исследование, факторы, типы диалога, институциональные и неинституциональные модели, сущность языковой личности, трехуровневая структура языковой личности, а также прагматический уровень и правила.

Annotation. The article discusses the model of institutional communication. It also theoretically analyzes the emergence, study, factors, types of dialogue, institutional and non-institutional models of discourse, the essence of the linguistic personality, the three-level structure of the linguistic personality, as well as the pragmatic level and rules.

Калим сўзлар: дискурс, потенциал диалог, институционал ва ноинституционал типлар, лисоний шахс, дунёқараш, маданий ва шахсий компонентлар, когнитив структура, ментал лисоний структура, прагматик даража.

Ключевые слова: дискурс, потенциальный диалог, институциональные и неинституциональные типы, языковая личность, мировоззрение, культурные и личностные компоненты, когнитивная структура, ментально-языковая структура, прагматический уровень.

Key words: discourse, potential dialogue, institutional and non-institutional types, linguistic personality, worldview, cultural and personal components, cognitive structure, mental-language structure, pragmatic level.

«Дискурс» атамаси тилшуносликда 1950-йилларда мулоқотни комплекс ҳодиса сифатида

¹Ўзбек тилининг изоҳли луғати. I–II томлар, М., “Рус тили”, 1981, 184-бет.

тавсифлаш учун вужудга келди. Агар, аввал, репликалар алмашинуви (шу билан бир қаторда, Ф.де Соссюр концепциясида ҳам) «матнлар алмашинуви», яъни икки коммуникантнинг ўзаро матнли жўнатмалари сифатида ўрганилган бўлса, замонавий тадқиқот доирасида бу ҳолат, сўзсиз, ойдинлашди, мулоқот комплекс омиллар мажмуидан ташкил топган бўлиб, у ушбу омилларнинг ўзаро таъсирида аниқлашади.

«Дискурс – бу жорий вақт режимида тадқиқ қилинаётган ҳодиса, яъни унинг вужудга келиш, тараккий этиш ва унинг таҳлили жараёнида имкон қадар ҳамма муҳим ижтимоий, маданий ва прагматик омилларни ҳисобга олиш зарур.

Е.Ф.Киров ўтмишнинг келажакда мавжудлик факти ва унинг кўплаб ҳодисаларни ҳозир ва келажакка детерминация қилиш хусусияти билан тушунтиради. Унингча, дискурс – бу у ёки бу маданият доираси ҳамда у ёки бу тилдаги ёзма ва оғзаки матнларнинг уларнинг бутун мавжудлиги тарихидаги йиғиндисидир.

Е.С.Кубрякова ва О.В.Александроваларнинг тавсифларича, дискурс нутқни ташкил этиш, нутқий асарнинг яратилиши билан боғлиқ когнитив жараён сифатида, матн эса маълум бир тугалланган (қайд этилган) тайёр шаклга эга нутқий фаолиятнинг якуний натижаси, маҳсулидир. Шундай қилиб, дискурс турли системалар: нафақат нутқ, балки ушбу жараённинг барча ташкил этувчилари ўртасидаги ўзаро таъсир ва ўзаро киришувчанликни назарда тутган маълум бир мураккаб тушунчадир.

Ҳар қандай дискурс потенциал диалог: айтилган нутқ ёки ёзилган нутқ ўз адресати ва адресантга эга, бироқ асл (шахсий) диалогик дискурстан фарқли ўлароқ, ҳамма гап, жумлалар ҳам тезкор реакцияга эга эмас. Олимлар томонидан суҳбатдошлар иштироки даражаси, уларнинг ўзаро муносабатлари, аниқ мулоқот шароитларига боғлиқ бўлган турли диалогик типларга ажратилади.

Масалан, А.К.Соловьева диалог типларини ажратиш учун асос сифатида қуйидаги белгилар: репликаларнинг экспрессив бўёқдорлиги ёки мантиқий изчиллиги, кетма-кетлиги, монологиклиги ёки диалогиклиги, суҳбатдошининг фикрларини илиб олиш ёки бўлиш ва бошқаларни кўриб чиқади. Шундан келиб чиқиб, олим баҳс-диалог (тортишув), изоҳ-диалог, жанжал-диалог ва унисон-диалог кабиларни ажратади. Инсон маълум бир ижтимоий вазифани (роль) амалга ошириш асносида, кўпинча, айрим типик, одатдаги диалогларда иштирок этади. Бундай типик, одатдаги диалогларни (масалан, ўқитувчи ва ўқувчи ёки полициячи ва тартиб бузар ўртасидаги суҳбат) институционал дискурс деб номлаш қабул қилинган: улар маданиятлараро мулоқот муаммолари (ушбу жамиятда қандай дискурс меъёрлари қабул қилинганлигидан беҳабар бўлган киши адекват диалогни амалга ошира олмайди ва унда ўзи ҳам иштирок эта олмайди) билан чамбарчас боғланган».¹

Россия тилшунослиги анъанасига асосан, дискурсни икки: институционал ва ноинституционал типлари ажратилади. Бу икки модель ўртасидаги фарқ уларнинг типик ва нотипикликка ажратилишида ётади. Институционал дискурсни 90% гача мазмунини олдиндан айтиб бериш мумкин, чунки коммуникантлар одатдаги вазиятларда олдиндан тахмин қилинган репликалар ва муурожаатнинг типик моделларидан фойдаланади.

В.И.Карасик ҳам диққатни коммуникантларнинг маиший, ноинституционал дискурстан кўра, институционал дискурда ўзларини бошқача: «шахсий дискурс иштирокчилари институционал дискурс (инсоннинг мавқе ва вакиллик вазифаси ушбу дискурс системасини ташкил қилувчилари ҳисобланади) иштирокчиларига қараганда ўзларининг тўлиқ фазилатлари билан намоён бўлади-лар.

Институционал дискурс одамлар ўртасидаги мулоқотнинг махсус клишеланган тури бўлиб, улар бир-бирларини танимаслиги ҳам мумкин, аммо ушбу социум меъёрларига мувофиқ тарзда мулоқотга киришлари зарур. Жуда тез-тез шахсий мулоқот маиший мулоқот билан бирлаштирилади, бироқ мулоқот бир-бирларини ўзаро таниган одамлар орасида, номаиший тарзда ҳам амалга ошиши мумкин. Ҳар қандай мулоқот кўп ўлчовли, партитур (ҳисоб) табиатга эга. Шунинг учун аниқ нутқ мулоқот жараёнида мулоқот типларини ажратиш шартли ва тадқиқотчилик мақсадида амалга оширилади. Институционал мулоқотда шахсий бошланишни тўлиқ бартараф этиш иштирокчиларни бундай мулоқотда манекенларга айлантиради.

Хизматкор ва хўжайин ўртасидаги мулоқот меъёрлари кўплаб ҳамжамиятларда хизматкорлардан ҳиссиз қиёфа ифодасининг талаб этилганлиги тасодиф ва сир эмас. Расмий қабул жараёни-

¹ Бахчоян А.М. Разные точки зрения относительно термина «дискурс». Актуальные вопросы современной науки. Новосибирск, Центр развития научного сотрудничества, 2017, с. 152.

да айнан шунга ўхшаш зодагонча, киборларга хос табассум, жилмайиш ёки ишлаб чиқариш мажлислари, йиғилишларида диққати жамланганлик кўринишларига¹ хос тутишларига қаратади.

Институционал дискурс амалий жиҳатдан мурожаатнинг суҳбатдошлар ўртасидаги масофа, дистанция, уларнинг вазминлиги, хушмуомалалиги ёки уларнинг бир-бирлари ва вазият ҳақидаги асосий билимлари: «Институционаллик даражаланиш табиатига эга»лиги ҳақидаги илк билиш даражаларини акс эттирувчи унинг турли параметрларининг даражаланиб қўлланилишига асосланади. «Институционаллик даражаланиш табиатига эга. Мавқеи жиҳатидан тенг бўлмаган мулоқот иштирокчиларининг асосий жуфтлиги – ўқитувчи ва ўқувчи, диндор ва черков қавмлари, терговчи ва айбланувчи, шифокор ва мижоз ўртасидаги мулоқот институционал дискурсниинг ядроси ҳисобланади. Шу билан бирга, мулоқот типи ёрдамида ўқитувчилар ҳамда ўқувчилар ўртасидаги мулоқот ҳам ажратиб кўрсатилади. Институционал мулоқот перифериясида институт вакилининг ушбу институтга, умуман, алоқаси бўлмаган одам ўртасидаги контакт бор. Шундай қилиб, институционал дискурсниинг қуйидаги: агент – мижоз – маргинал иерархияси белгиланади».²

Турли маданиятларда, ўрганилаётган давр, лисоний жамоа ва бошқа параметрларга кўра, институционал дискурсниинг турли типларини ажратиш мумкин: «Институционал дискурсниинг, имкон қадар, замонавий социумга хос сиёсий, маъмурий, юридик, ҳарбий, педагогик, диний, илоҳий, тиббий, иш юритиш, рекламали, спортга оид, илмий, ва оммавий-ахборотли турларини ажратиш имкони бўлиши мумкин. Албатта, келтирилган ушбу рўйхат яна тўлдирилиши ва ўзгариши ҳам мумкин. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, институционал дискурс тарихан (ҳозирги Россияда овчилар дискурсини тиклаш амри маҳолдир) ўзгарувчан бўлади».³

Институционал дискурсни амалга ошириш вазиятни стандартлаштириш, меъёрлаштириш билан боғлиқ: одатий вазиятда мурожаатнинг матндаги типик, одатдаги шаклига эга қолипди лўқмалар ишлатилади. Шу билан бирга, институционал дискурс доирасидаги ўзаро муносабат мурожаатнинг турли хил формулаларидан фойдаланишни назарда тутлади.

«Институционал дискурсниинг бир қатор вазиятларида лўқмаларнинг стандартлаштирилганлиги ёрдамида сўзловчининг катта масъулияти ва асосланган, салмоқли қарорларнинг қабул қилинишини назарда тутган жумлалар шаклланади».⁴

Мурожаат лисоний шахс маркерига айланади, институционал дискурсда эса лисоний шахснинг ўзига хос индивидуал хусусиятларини намоён қилишнинг баъзан ягона усули ҳамдир. «Лисоний шахсга бўлган биринчи эътибор олмон олими Й.Вейсгербер номи билан боғлиқ.

Ушбу соҳада рус тилшунослигида биринчи қадамни В.В.Виноградов амалга оширган бўлиб, лисоний шахсни ўрганишнинг икки – муаллиф шахси ва персонаж шахси йўллари ишлаб чиқди.

А.А.Леонтьев гапирувчи, сўзловчи шахс ҳақида фикрларини баён қилган. Инсоннинг нутқий ҳаракатларини амалга ошириш, нутқ асарларини яратиш ва қабул қилишга тайёрлиги нуқтаи назардан лисоний шахс моделини яратган Г.И.Богин лисоний шахс тушунчасини ишлаб чиқишни бошлаган».⁵ Ушбу тушунчанин яна-да аниқ тавсифи Ю.Н.Карауловга тегишли, унингча, «лисоний шахс – бу:

а) структур-лисоний мураккаб даражаси;
б) борлиқни чуқур ва аниқ акс эттириш;
в) маълум бир мақсадга йўналтирилганлиги билан фарқланувчи матнларни яратиш ва қабул қилиш қобилятига эга инсондир.

Лисоний шахс мазмун-моҳиятига, одатда:

1) *дунёқараш компоненти*: қадриятлар ёки ҳаётий мазмунлар системасини; тил оламга бўлган илк қараш, нигоҳни таъминлайди, оламнинг лисоний образи ва миллий табиатини шакллантириш негизида ётган ва лисоний диалогли мулоқот жараёнида амалга ошувчи маънавий тасаввурлар иерархиясини яратади;

2) *маданый компонент*: маданиятни тилга бўлган қизиқишни оширувчи самарали восита сифатида ҳамда ўрганилаётган нутқий ва нонутқий этикет қоидалари билан боғланган (улар мулоқот

¹ Карасик В.И. О типах дискурса. Языковая личность, институциональный и персональный дискурс. Сб. науч. тр., Волгоград, «Перемена», 2000, с. 5 – 6.

² Тот же. С. 5 – 6.

³ Тот же.

⁴ Прохоров Ю.Е. Коммуникативное пространство языковой личности в национально-культурном аспекте. Сб. статей. Ред. В.В.Красных, А.И.Изотов. М., Диалог. МГУ, 1999, вып. 8, с. 52.

⁵ Юкоридаги манба. С. 52.

бўйича шерик, ҳамкорга самарали таъсир этиш ва адекват қўллаш кўникмаларининг шаклланишига замин тайёрлайди) тил маданияти фактларини ўзлаштириш даражаси;

3) *шахсий компонент*, яъни ҳар бир одамда мавжуд бўлган ўша индивидуал ҳолат»¹ни кириштириш мумкин.

Ҳар қандай лисоний шахс тил ва унинг ўзига хос қўлланишига оид билимларга эга бўлади, юқорида айтилганидек, унинг тузилишида умумхалқ лисоний типнинг мавжудлиги ва индивиднинг у ёки бу лисоний-маданий ҳамжамиятларга тегишли эканлигини белгиловчи миллий инвариант қисм мавжуддир. Лисоний шахс, *умуман*, мавжуд эмас, у ҳар доим миллийдир.

«Лисоний шахснинг уч даражали тузилмаси концепцияси коммуникатив эҳтиёжларнинг уч типини – алоқа тикловчи, ахборотли ва таъсир этувчи ҳамда мулоқотнинг уч:

◆коммуникатив;

◆интерфаол;

◆перцептив томонларига маълум бир тарзда мувофиқ келади.

Ю.Н.Карауловнинг таъкидлашича, лисоний шахсда уч даража ажратилади:

1) вербал;

2) когнитив;

3) прагматик».²

Ушбу даражалар дискурснинг турли типларида турлича намоён бўлади. Л.П.Клобукова «лисоний шахсни катта миқдордаги нутқий шахслар парадигмаси сифатида ўрганайди. Мазкур лисоний шахснинг ушбу вазиятда аниқ намоён бўлишини уч мезон:

1) лисоний билим даражаси;

2) нутқий фаолият турларини ўзлаштириш;

3) аниқ мулоқот, мулоқот вазияти бўйича дифференциациялаш мумкин».³

Ю.Е.Прохоров ушбу икки мезонни бирлаштиришни таклиф этади: «агар лисоний шахс – нутқий шахслар парадигмаси бўлса, нутқий шахс – бу реал мулоқот, фаолият парадигмасидаги лисоний шахсдир. Ушбу ҳолатда нутқий шахс – лисоний шахс элементларининг йиғиндиси, тўплами бўлиб, уларни амалга ошириш ушбу мулоқот вазияти: унинг коммуникатив мақсади ва вазибалари, меъёри ва узуси, этник маданий, ижтимоий ва психологик параметрларининг барча экстралингвистик ва лингвистик характеристикаларига боғлиқдир.

Шунга мувофиқ тарзда, лисоний шахсни ташкил қилувчиларнинг ҳамма уч тури нутқий шахсда ҳам намоён бўлади».⁴ Хусусан, вербал-семантик даражани 100% бир хил деб қабул қилиб бўлмайди – тилни эгаллаш меъёри:

1) меъёр ёрдамида гапларни регламентлаш;

2) меъёрнинг функционал-услубий сатҳи;

3) меъёр бадиий матнлар қурилишининг умумий тамойили сифатида намоён бўлади.

Шу билан бирга, меъёрий даража у ёки бу фикрни ифодалаш учун етарлича нутқий воситаларига эгаллик меъёри сифатида намоён бўлади. У «уч даражанинг кесишган нуқтасидаги уч ўлчамли модель – лисоний тузилиш (структура), тилни эгаллаш ва нутқий фаолият сифатида намоён бўлади.

Бу ходисани лисоний шахснинг “нутқдаги тил” сифатида намоён бўлиши деб айтиш имкони беради. Агар таклиф этилган лисоний шахс-нутқий шахсни ташкил этиш схемасини тўғри деб тан олинса, унинг уч ўлчамлиги эса ушбу шахс лисоний-нутқий маконда амалга ошади деб айтишга имкон беради, бунинг остида мазкур лисоний маданий жамиятда шахс томонидан унинг нутқий фаолияти жараёнида лисоний билимлар ва кўникмаларни амалга оширишнинг маълум бир тарзда структурлашган йиғиндиси сифатида тушуниш мумкин».⁵

Мурожаат, унинг тузилиши ва вазибалари, мазкур вазиятларда турли шаклларни қўллашнинг ўзига хосликлари ҳақидаги билимлар лисоний шахснинг таркибий қисми бўлиб, унинг уч ўлчамли

¹ Караулов Ю.Н. Русский язык и языковая личность. М., «Аспект Пресс», 2011, с. 77.

² Прохоров Ю.Е. Коммуникативное пространство языковой личности в национально-культурном аспекте. Сб. статей. Ред. В.В.Красных, А.И.Изотов. М., «Диалог-МГУ», 1999, вып. 8, с. 55.

³ Клобукова Л.П. Феномен языковой личности в свете лингводидактики. Сб. статей. Ред. В.В.Красных, А.И.Изотов. М., Филология, 1997, вып. 1, с. 28.

⁴ Прохоров Ю.Е. Действительность. Текст. Дискурс. М., «Флинта», 2016, с. 22.

⁵ Золотова Г.А., Онипенко Н.К., Сидорова М.Ю. Коммуникативная грамматика. М., «Аспект пресс», 2010, с. 110.

тузилишига киради.

Худди шу коммуникантга институционал дискурсе доирасида «товарищ», «господин», «сударь», «любезный» каби мурожаатлар билан бир қаторда, мурожаатли лингвистик блоклар ўрнида, кўпинча, алмашиладиган «извините»-«простите» сўзларини қўллаш мумкин. Уларнинг қўлланилиши лисоний шахснинг когнитив ташкилланишига боғлиқдир.

«Лисоний шахсни намоён қилишнинг когнитив даражаси ўзида «оламнинг айрим манзарасида вужудга келувчи, мазкур ижтимоий-маданий муҳитда шахс томонидан ўзига ўзлаштирган ва нутқий мулоқотда амалга ошадиган тушунча, ғоя, концептларнинг маълум миллий ўзига хос йиғиндисини намоён қилади. Лисоний шахснинг ушбу даражасини ўрганиш учун лисоний шахсни шакллантирувчи когнитив структурадан иборат тушунча, ғоя, концептлар “когнитив макон” тушунчаси қўлланади.

Когнитив структуралар лингвистик ва феноменологик бўлиши мумкин, бошқачасига айтганда, бу тил ва олам ҳақидаги билимлар – тилда акс этган, ментал когнитив структуралардир. Когнитив структураларнинг биринчи типини лисоний шахснинг илк ўрганилган – вербал томонига кириши мумкин».¹

Ментал лисоний структуралар олам манзарасида ҳосил бўлувчи олам ҳақидаги тасаввурлар негизини ташкил этади. Ю.Е.Прохоровнинг таъкидлашича, оламнинг ушбу манзараси олам ҳақидаги у ёки бу одамларнинг аниқ умумий тасаввурларига таянади. Масалан, «время – деньги» тасаввурлари оламга нисбатан ва олам ҳақидаги америкача дунёқарашнинг қисми саналиб, оламнинг рус манзарасидан фаркланади, русларга ушбу тасаввур камроқ сингиб, баъзан эътиборга олинади.

«Лисоний шахснинг прагматик даражасига, биринчидан, миллий-детерминацияланган (уларнинг барча маданиятлараро релевантлиги бўйича) тамойиллар, конвенциялар, стратегиялар ва мулоқот қоидалари киради. Иккинчидан, ушбу қоидалар миллий-аниқ умумий, асосий, шу билан бирга контекст ҳақидаги билимлар йиғиндисини ўз ичига олган прагматик пресуппозициялар базасида амалга ошади. Прагматик даражанинг учинчи вектори сифатида прагматик контекстнинг миллий детерминацияланган тавсифини олиш мумкин».²

Мурожаат ушбу ҳолатда конситуация ва коммуникантлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар параметрлари сифатидаги матннинг лисоний прагматик параметрларини акс эттирувчи векторга айланади.

Худайбергенов Самандар Қозиевич (УрДУ Мусиқа таълими кафедраси профессори)
ХОРАЗМ ДОСТОН ВА ХАЛФАЧИЛИК ЙЎЛЛАРИНИ МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИГА
ЎРГАТИШ ЖАРАЁНИДА ЭСТЕТИК ТАРБИЯНИНГ ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК
ИМКОНИАТЛАРИ

Аннотация. *Хоразм достончилиги ўзининг қадимий илдизлари, бетақрор услублари, шеваси ҳамда ёрқин жозибали куй ва қўшиқлари билан ажралиб турувчи бой мураккаб ва айни дамда, муштарак адабий-музиқий воқелиқдир.*

Аннотация. *Хорезмский эпос – это богатая комплексная и в то же время единая литературно-музыкальная реальность, отличающаяся древними корнями, неповторимым стилем, диалектом и яркими притягательными мелодиями и песнями.*

Annotation. *Khorezm epic is a rich complex and at the same time common literary and musical reality, distinguished by its ancient roots, unique styles, dialects and bright attractive melodies and songs.*

Калим сўзлар: *кушноч, достон, насрий, речитатив, хиссий, кинначи.*

Ключевые слова: *кушноч, эпос, проза, речитатив, эмоциональность, кинначи.*

Key words: *kushnoch, dastan (epic poem), prosaic, recitative, emotional, kinnachi.*

Фольклор қўшиқларининг мактаб ўқувчиларига руҳий-хиссий таъсир этиш хусусиятлари, музиқий тасаввурлар, психологик омилларнинг аҳамияти катта. Эстетик тарбияни муваффақиятли амалга оширишда унинг психологик асосларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Ҳар қандай тарбия сингари эстетик тарбиянинг ҳам психологик моҳиятини атрофлича ёритиш анча мураккаб ишдир. Инсоннинг доимо гўзалликка интилиши ва кундалик ҳаётда яна шу гўзаллик қоидаларига амал қи-

¹ Шу манба.

² Шу манба. С. 124.

либ бориши эстетик ҳиссиётнинг амалий белгиларидан биридир. Демак, эстетик ҳиссиёт кишининг воқеликка нисбатан эстетик муносабатларининг асоси бўлиб хизмат қилади.

Гап эстетик ҳиссиёт ҳақида, 5, 7-синфдаги ўқувчиларга эстетик ҳиссиётни таркиб топтириш ҳақида борар экан, аввало, икки муҳим масалага – ўрта синф ўқувчиларида эстетик ҳиссиётнинг пайдо бўлиши учун объектив шарт-шароитларнинг мавжудлиги ҳамда бу ёшдаги ўқувчилар санъат асарларини гўзаллик тамойиллари нуқтаи назаридан баҳолай оладиларми, деган масалаларга тўхталиш лозим. Санъат эстетик идрокнинг битмас-туганмас манбаидир, чунки у ўзича тўлалигича, бутунлигича ва бевосита эстетик олам, инсон юраги ва ақлини мисли йўқ куч билан забт этувчи мафтункор дунёдир. Шу муносабат билан, мактабда ўқувчиларнинг мусикавий маълумотларига алоҳида эътибор бериш, уларни дастур талабига мувофиқ мусикавий билим ва малакалар билан қуроллантириш, мусика ҳақидаги билим ва маълумотларни чуқур, пухта ўзлаштиришларига эришиш энг муҳим вазифалардандир.

Болалар ҳиссиётининг ўзига хос хусусиятларидан бири унинг муайян шароит билан боғлиқлигидир. Яъни, болаларда содир бўладиган ҳиссий кечинма маълум бир конкрет шароитда келади. Шунга кўра, ўқувчиларни қизиқтирадиган, ўзига жалб этадиган, завқлантирадиган шароит ва вазиятни яратиш уларда эстетик ҳиссиётни ўстиришнинг энг зарур шартидир. Одатда, ўқувчилар ўзларида пайдо бўлаётган оддий ва эстетик ҳиссиётларни англамайдилар. Ваҳоланки, болалардаги ҳиссий ҳаяжон ўзларига таниш бўлган куй ёки қўшиқни бевосита ўзлари ижро этганларида содир бўлади.

Ўқувчиларда содир бўлаётган ҳис-ҳаяжонларнинг онгли бўла боришига ҳаракат қилиш, ўқувчиларни мустақил фикр юритишга, баҳолашга ўргатиш ва бунинг учун барча мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланиш асосий вазифалардан биридир. Масалан, ўқитувчи ўқувчиларни маълум бир дoston ёки халфачилик йўналиши билан таништириши ва уларга ўргатишида: –“бу асарларни биринчи марта қаерда эшитгансиз? бу асар сизга нима учун ёқиб қолди? дoston ёки халфа қўшиғини қандай ижро этиш керак? қўшиқнинг сўзлари мусика оҳангига мос келаяптими? Қўшиқни яхши ижро этиш учун нималарга эътибор бериш керак?” каби саволлар орқали ўқувчиларни яна-да диққат билан тинглашга, уларни ўзлари эътибор бермаган айрим нарсаларни пайқаб олишга, мустақил фикр юритиш ва маълум даражада баҳолашга одатлантириб боради.

Ўқувчилар 7-синф ашула дарслигида “Хоразм дostonчилик анъаналари” ва “Халфа санъати” билан танишадилар. 7-синф 2-чоракнинг 7, 8-дарсларида ўқувчилар Хоразм дostonчилик мактаби ўз анъаналарига эга бўлганини, Хоразм дostonчилик мактабининг бошқа маҳаллий дostonчилик мактабларидан фарқли жиҳатларини ва хоразм дostonчилигида унинг бир тармоғи бўлиб шаклланган халфалар санъати ҳам аҳамияти ҳақида маълумотга эга бўладилар. Яна ушбу дарсада ўқувчилар “Тўрўғли” дostonидан “Овозинг сани” ашуласини тинглайдилар.

Мусика ўқитувчиси ўқувчиларни ушбу маълумотлар билан таништириш учун Хоразм дostonчилик анъаналари ва халфа санъати ҳақида маълумотга эга бўлиши керак. Халфа ва дostonларни куйлаб ва чолғу асбобида ижро қила билиши керак. Хоразм фольклор қўшиқлари таркибидан ўрин олган халфачилик ва дoston қўшиқчилиги алоҳида таълим-тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, ўқувчиларни эстетик тарбиялаш, уларга миллий қадриятларни сингдириш, миллий анъаналардан хабардор қилиш ва баркамол инсон шахсини шакллантиришда ижобий таъсир кўрсатадиган хусусиятларга эгадир.

Биз биламизки, дoston халқ маънавий қадриятларидан бири бўлиб, унда қўшиқ куйлаш, мусика, декламация қилиш, баён қилиш каби бадиий-эстетик хусусиятлар ўз аксини топган. Дostonларда юксак инсоний фазилатлар улуғланади, улар бахшилар томонидан ижро этилади. Дostonларнинг ҳиссий кучи орқали аждодларимизнинг чатишиб кетган фалсафий, диний, ахлоқий қарашлари, урф-одатлари, турмуш тарзи бадиий тафаккур маҳсули сифатида баён қилинади.

«Дoston» сўзи қисса, ҳикоя, саргузашт, шону шуҳрат, таъриф ва мактов маъноларида ишлатилади. Адабий термин сифатида бу ном халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиётидаги йирик ҳажмли эпик асарларни англатади. Бироқ улар ҳаётни тасвирлаш воситалари ва усуллари жиҳатидан бири-биридан жиддий фарқ қилади. Халқ оғзаки ижодида дoston ўтмиш замонлар тўғрисида қахрамонлик идеализацияси кўламидаги ҳикоялардир.

Дostonлардаги тарихий воқелик халқ фантазияси асосида умумлашган тимсолларда ўз ифодасини топади, унда умумлаштиришнинг ўзига хос қўриниши – эпик умумлаштириш ҳукмронлик қилади. Бундай умумлаштириш халқнинг ижтимоий адолат ҳақидаги идеаллари ва орзу-умидлари билан йўғрилган. Хоразм дostonчилиги ўзининг қадимий илдизлари, бетакрор услублари, шеvasи

хамда ёрқин жозибали куй ва қўшиқлари билан ажралиб турувчи бой мураккаб, айна дамда, муштарак адабий-муסיқий воқелиқдир. Кўпчилик туркий халқларда бўлгани каби, Хоразм дostonлари ҳам аралаш, яъни ҳикоя, баъзи ҳолларда шеърӣ тарзда намоён бўлади.

Хоразм дostonчилигининг асосий ажралиб турадиган томонларидан бири шундаки, чолғу (мушқилот) ва ашула (наsr) қисмлари тўлиқ, яъни бошланиши (даромад), (миёнхат) кварта, квинта юқорига, дунаsr (бир октава баланд) ва юқори регистрдаги авж намудлари (мақомлар билан таққослаганда) – ижро этилганда насрий (проза) қисми, одатда, ҳикоя тарзида маълум артистик маҳорат билан айтилади ва баъзан речитатив тарзда куйланиши ҳам мумкин. Худди Шашмақом, Хоразм, Фарғона – Тошкент мақом йўлларидаги чолғу, айтим қисмлари каби бутунлигича тўлиқ авжлари билан бирга, бахши хонанда томонидан очиқ овозда ижро қилинади. Халқ оғзаки ижодининг юксак санъат тури дoston ва дostonчиликнинг пайдо бўлиши тараққиёти бахшилар номи билан боғлиқдир.¹

Атоқли олим Ҳоди Зарифовнинг ёзишича, бахши мўғулча ва бурятча бахша сўзидан олинган бўлиб, устод, маърифатчи деган маъноларини беради. Ўзбекларда бахши кенг маънода халқ дostonчиси, дostonларни куйловчи, ёдда сақловчи ва авлоддан-авлодга етказувчи санъаткорлардир. Халқ орасида бахши сўзи икки маънода қўлланган. Баъзи жойларда дoston куйловчи, айрим жойларда афсунгарлик, фолбинлик, шомонлик қилувчи шахсга нисбатан ишлатилган. Узок ўтмишда бу икки вазифани бир шахс бажарган. Кўпчилик ерларда эса иккинчи вазифани бажарувчи шахс кушнот, дуохон, кинначи, касал боқувчи каби турли-туман сўзлар билан ифодаланган.

Бахшилар халқ дostonларини бирор созда, кўп ерларда дўмбира, айрим жойларда қўбиз ёки дуторда куйлайдилар. Хоразм бахшилари эса дostonларни асосан дуторда ижро этганлар, уларга ғижжак ва буломонда созандалар жўр бўлади. XX аsrнинг 30-йилларидан Хоразм бахшилари эса дostonларни тор ва рубобда куйлай бошладилар. Шу муносабат билан, айрим бахшилар ансамблида ғижжакдан фойдаланиш, ансамблга доирачи, буломончи, дуторчи олиб кириш ҳоллари бўлди. Хоразмдаги Бола бахши (Қурбонназар Абдуллаев. 1899–1994) ансамбли бунга мисол бўла олади.

Хоразм дostonларининг тарбиявий аҳамияти уларда юксак гўзаллик ва бахт-саодатга эришишнинг бирдан-бир йўли – мақсад сари қатъий интилиш, сабр ва чидам, матонат, мардлик, қаҳрамонлик кўрсатишдан иборат эканлиги куйланади. Дostonлардаги миллий ғурур туйғуси куйловчи ва тингловчи ўртасидаги эстетик мулоқот воситаси ва маънавий муҳит таъсирида ўқувчи онгида шакллантирилади. Дostonларда педагогик тарбия манбалари ва воситаларининг ўзаро таъсири ҳамда алоқаси намоён бўлади. Бу эса ўқувчини ҳар томонлама шакллантириш, уларга эстетик тарбия беришга кенг йўл очади.

Хоразмда эпик асарларни, улардан олинган парчалар ва айрим термаларни куйловчи ижодкорларнинг яна бир турини халқалар деб юритадилар. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида кўрсатилишича, “халфа” арабча сўздан олинган бўлиб, “ўқимишли”, “устоз” деган маъноларини англатади. Халфа сўзи икки маънода қўлланилади. Биринчиси, диний китобларни ўқийдиган, маросим ва мавзуларда раҳномалик қиладиган, халқ орасида маърифат тарақатадиган отинойи, яъни мулла аёллар кўзда тутилади. Иккинчиси, куй ва қўшиқлар тўқиб, уларни ижро этиб, аёлларнинг маданий, маърифий эҳтиёжини қондиришга хизмат қиладиган санъаткорлар кўзда тутилади. Халфачилик аёллар орасида кенг тарқалган. Халфачилик санъати, асосан, икки хил: 1. Ансамблли халфалар. 2. Якка халфалар.² Ансамблли халфалар уч кишидан иборат – устоз халфа(гармон чалади ва қўшиқ айтади), доирачи (ашулага жўр бўлади, гоҳида рақсга ҳам тушади) ва ўйинчилар (қайроқ билан ҳам рақсга тушади, ялла ва лапар айтади, баъзан доира чалади) Биби шоира, Ожиза, Онажон Сафарова, Назира Собирова кабилар шундай халфалардир.

Якка халфалар дoston ва қўшиқларни созсиз (акапелла) ижро этадилар. Улар дostonларни ёддан ёки қўлёзма ва китобдан ёқимли оҳангда ўқиш, «Ёр-ёр», «Келин салом», «Муборак» каби тўй қўшиқларини ижро этиш билан шухрат қозонган. Хоразм халфалари кўпроқ «Ошиқ Ғариб ва Шохсанам», «Ошиқ Ойдин», «Қиссаи Зебо», «Бозиргон», «Иброҳим Адхам» каби дostonларни ва Махтумқули шеърларини, турли маросим қўшиқларини ва ўзлари яратган қўшиқларни ижро этадилар. Халфачилик жозибали ва навқирон аёллар санъати сифатида Хоразм воҳасида шу кунларда кенг давом этмоқда.

Хоразм муסיқа фольклорида халфачилик санъати муҳим аҳамият касб этган. Халфа созанда-

¹ Қобулниёзов Ж. Хоразм халқ қўшиқларидан намуналар. Т., “Фан”, 1965.

² Шу манба.

ларнинг ўзига хос томонлари кўпроқ, уларнинг куйлаш ва турмуш тарзида, тўй ва маросимларда бажарадиган вазифалари жихатидан сезиларли бўлса, куй ва усуллар мусиқий асарларнинг шакли ва матни жихатидан бадиий мероснинг умумий хазинасини ташкил қилган. Халфачилик санъатини ривожланишига ҳисса қўшган – Қурбон ота Исмоилов, Сапо Оллаберганов (Муғанний. 1882 – 1938), Мадраҳим Ёқубов (Шерозий. 1890–1973), Хонимжон халфа, Онажон халфа (1885 –1952), Онабиби халфа (Ожиза. 1899–1952), Шукуржон халфа (1851–1950), Шарифа халфа (1900 –1972), Анаш Маърам (1882–1917), Шони халфа (1870–1920), Бибижон халфа (1875–1920), хонқалик Дурхоним халфа (1881–1936), Айтжон халфа (1875–1955), Гулжон қори халфа (1874–1935), Ойша кулоқ халфа (1880–1949), Шарифа Нўғай халфа (1892–1960), Якут халфа Саидниёзова (1903–1972) ларнинг меросидан фойдаланиш муҳим таълим-тарбиявий аҳамиятга эга. Халфалар томонидан яратилган кўшиқлар ҳамда куйланган дostonлар ўқувчиларда эстетик дид, кадриятлар, миллий, бадиий эстетик дунёқарашни шакллантиришдаги аҳамияти жуда катта.¹

Қаландарова Мавлуда (мустақил тадқиқотчи)
НАФС – ДАРД, ИШҚ – ДАВО

***Аннотация.** Мақолада XIX аср Хива хонлари солномаларида таълим-тарбия масалалари доирасида мазкур манбаларда нафс тарбияси мавзуси таҳлил қилинган. Масала Муҳаммад Ризо Огаҳий тарихий асарлари мисолида унинг лирикасига қиёсан ўрганилган. Мақола солномаларнинг ижтимоий-сиёсий, таълим-ахлоқий жиҳатларини ўрганишда янгича ёндашувга асослангани билан диққатга молик.*

***Аннотация.** В статье анализируется тема воспитания желания в контексте проблем воспитания в летописи хивинских ханов XIX века. Вопрос изучается в сравнении с лирикой на примере исторических произведений Мухаммеда Ризы Огахи. Статья заслуживает внимания, поскольку в ее основе лежит новый подход к изучению социально-политических, образовательных и этических аспектов летописи.*

***Annotation.** The article analyzes the theme of nurturing the desire in the context of the problems of upbringing in the chronicles of the Khiva khans of the 19th century. The issue is studied in comparison with its lyrics on the example of the historical works of Muhammad Riza Agahi. The article deserves attention, since it is based on a new approach to the study of socio-political, educational and ethical aspects of the chronicle.*

***Калим сўзлар:** таълим, тарбия, нафс тарбияси, Шарқ фалсафаси, тасаввуф, лирик асар, солнома.*

***Ключевые слова:** образование, воспитание, воспитание желания, восточная философия, мистицизм, лирическое произведение, летопись.*

***Key words:** education, upbringing, nurturing desire, oriental philosophy, mysticism, lyric work, chronicle.*

Мусулмон Шарқи адабиётида нафс тарбияси ҳамиша асосий ахлоқий масалалардан саналиб келган. Ҳозирги ўзбек адабий тилида, асосан, “кишининг ўзининг жисмоний талабларини қонирришга бўлган интилиши” маъноси англаувчи бу сўз хусусида А.Рустамов атрофлича сўз юритган.² Шарқ фалсафаси, хусусан, тасаввуфда нафснинг қатор турлари фарқланади. Мумтоз адибларимиз тилида ҳам нафс кўп ҳолларда нафси аммора – ёмонликка етакловчи нафс, хирс маъносида ишла-тилади. Бизнинг тадқиқот объектими бўлган асарларда нафс сўзининг кўлланиши, маънолари ху-сусида гапиришдан олдин айтиш мумкинки, мухташам солномалар муаллифи Огаҳийнинг тарихий асарларида ҳам, лирик асарларида ҳам *нафс* ва *нафси аммора* сўзлари айнан бир тушунчани анг-латган ўринлар мавжуд. Масалан, Огаҳий ўз мухаммасларидан бирида (бу мухаммаси худтаълиф-нинг шоир ижодида ғазал шакли ҳам бор) тан ўзига хос (ажаб) бир шаҳарга, нафсни эса ундаги кў-риқчи (асас) қиёслаб, бу асаснинг жонга жабри тугалмаслигидан шикоят қилади. Бу балонинг хас-чўпдай хору хор қилишнинг ягона йўли жонга ишқ завқи ҳамнафас бўлишидир. Шунда нафс ўз мақсадига ета олмайди:

Тан эрур ажаб шаҳру нафс анга асас, ё раб,

¹ Н.Собирова, С.С.Рўзимбоев. Анаш халфа. Т., 2006.

² Рустамов А. Сўз хусусида сўз. Тошкент, “Ёш гвардия”, 1987, 23 –34-бетлар.

*Бўлмас ул асас жаври жонга ҳеч бас, ё раб,
Эмди хор этиб они ул сифатки хас, ё раб,
Ишқ завқини еткур жонга ҳамнафас, ё раб,
Нафс комини бир дам қилма дастрас, ё раб.*¹

Авалло, шуни таъкидлаш керакки, ушбу мухаммас мавзу жиҳатидан муножоот ҳисобланиб, “Таъвиз ул-ошиқин” нашрларида мухаммаслар ичида радифига кўра алифбо тартибида келган бўлишига қарамай, аслида, девон қўлёзмаларида мухаммаслар ичида дастлабки ўринда жойлашган. Жумладан, Санкт-Петербургда сақланаётган ноёб қўлёзмада ушбу мухаммас “Мухаммасотлар” қисмида илк ўринда берилган шеърлиги бежиз эмас.²

Танни шаҳарга, қалъага, подшоҳликка, умуман, маҳдуд бино, жумладан, зиндонга қиёслаш мумтоз Шарқ адабиёти ва фалсафасида бор нарса. Абу Наср Форобийнинг “Фозил одамлар шаҳри” асарини кўпинча зоҳирий – ташқи маънода талқин қилишга одатланганмиз. Асарнинг ботиний мазмунида фозил шаҳар инсон – микрокосмос. Унинг аҳли ўз вазифаларини жиддий англаган ва бажарган инсон вужудидаги моддий ва маънавий узвлардир. Шунинг учун ўзбек мумтоз адиблари, жумладан, Навоий асарларида *тан шаҳри*, *тан зиндони*, *тан мулки* каби бирикмалар мавжуд. Масалан,

*Чиқти аҳлу фаҳм ила сабру кўнгул тан мулкидин,
Чиқмайин ҳар лаҳза заҳмат бергучи жондур манга.*³

Аслида, “тунги соқчи”, “кеча қоровули”, “посбон”⁴ маъноларини англатувчи “асас” сўзининг нафсга қиёсланиши бежиз эмас. Мумтоз адабиётимизда бу истилоҳ аста-секинлик билан бераҳмлиқ, шафқатсизлик рамзига айланиб, инсонни ўз эркига қўймайдиган, уни эркин нафас олишга имкон бермайдиган реал ва асбтракт тушунчаларни ифодалашга хизмат қилган. Жонни нафс балосидан қутқарувчи ягона восита – бу ишқ. Чунки ишққина инсон ўзлигини англашга, ўзини танишига, Тангрини танишига, дунёнинг дунё эканини ҳис қилишига имкон беради. Мутафаккир тасавурида жонни уни кибру ҳаво занжири билан маҳкамлаб ташлаган нафс қўлидан ишқ доми (тузоғи)га банд қилган ҳолдагина қутқариш мумкин:

*Жонни ишқинг домига банд айлабон, озод қил–
Ким, ҳаво занжирини нафс айламиш маҳкам анго.*⁵

Энди шу ўринда ишқ тушунчасига ахлоқий-таълимий томондан қисқача тўхталсак.

Ишқ сўзининг тасаввуф истилоҳида ўзига хос маъно англатиши маълум. Алишер Навоийнинг ишқ мартабалари хусусида билдирган мулоҳазалари машҳур. Ушбу сўзнинг тарихий-этимологик таҳлилига назар солсак, унинг арабча عشق *аъшиққа* – “севмоқ”, “ошиқ бўлмоқ” феълининг масдари (инфинитиви) шакли сифатида шаклланганини кўраимиз.⁶ Тарихан эса *ишқ* сўзининг ўзи мазкур маънога полисемия натижасида ўтган бўлиб, ўсимликларга чирмашиб, уни қуритадиган гиёҳ номи денотант (бош маъно) вазифасини бажарган. Бу ҳақда машҳур лексикограф Муҳаммад Рампурийнинг “Ғиёс ул-луғот” асарида қуйидагиларни ўқиймиз: “*Ишқ* бирор нарсани ҳаддан зиёд севмоқ; Табиблар истилоҳида бирор гўзал нарсани кўриб қолиш натижасида пайдо бўладиган касаллик. Абдураззоқ Шорих Зухурий “Шарҳи асбоб” ва “Футуҳоти ҳикам”дан нақл қилишича, *ишқ* ловияга ўхшаб ўсадиган, (лекин) дарахтларга чирмашиб, уни қуритадиган бир ўсимлик номидир”.⁷

Ҳозирги ўзбек адабий тилида *ишқ*, аксар ҳолда, инсоннинг инсонга ишқи – тасаввуф аҳли наздидаги мажозий ишқ маъносида ишлатилса ҳам, кейинги пайтда мамлакатимизда ирфоний илмларга қизиқиш ортиши ҳамда шу йўналишда истиқлол даврида айрим бадиий ижод намуналарининг пайдо бўлиши билан мазкур сўзнинг истилоҳий мазмуни аста-секин оммалашиб бормоқда. Масалан, Мирза Кенжабек ижодида қуйидаги сатрларни ўқиймиз:

¹ Огаҳий. Асарлар. Олти жилдлик. Иккинчи жилд. Нашрга тайёрловчи С.Долимов. Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972, 104-бет.

² Муҳаммад Ризо Огаҳий. Таъвиз ул-ошиқин. Россия Шарқшунослик институти қўлёзмалари фонди. Санкт-Петербург, 1944. 127^а-варақ.

³ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Учинчи том. Тошкент, “Фан”, 1988, 35-бет.

⁴ Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. Биринчи том. Тошкент, “Фан”, 1983, 122-бет.

⁵ Огаҳий. Асарлар. Олти жилдлик. Биринчи жилд. Нашрга тайёрловчи Ғ.Каримов. Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1971, 58-бет.

⁶ Носиров О., Юсупов М. Ан-наъим. Арабча-ўзбекча луғат. Тошкент, А.Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 2003, 541-бет.

⁷ Ғиёсиддин Рампурий. Ғиёс ул-луғот. Лакхнау. 1886, с. 324.

...Ёр надур, зор надур ва дийдор надур,
Ёр ҳақдир, ким келмиш ҳақиқатга дуч.
Бизнинг бу ердаги жўн севги эса
Бу – илоҳ ишқидан мингдан бир улуш.

Алишер Навоий асарларидаги *ишқ* тушунчаси маълум бир асарлари, жумладан, “Лисон ут-тайр” мисолида бир қадар кенг таҳлил қилинган.¹

Шу ўринда, мумтоз адибларимизнинг ишқ бобидаги теран фикрлари шаклланишида кўплаб салаф ижодкорлар, хусусан, Жалололдин Румийнинг маънавий таъсири кучли бўлганини қайд этиш керак. Мавлоно ишқни бутун борлиқни яратилиш сири ва вужудга келиш сабаби деб билади. Мавлоно наздида Яратганнинг васфларидан бўлган ишқ бир мағз бўлса, бутун жаҳон пўст каби-дир. Бутун мавжудот илоҳий ишқдан баҳраманддир.² Мавлоно “Девон”ида шундай сатрлар бор:

Агар ин осмон ошиқ набудӣ,
Набудӣ синайи уро сафое.
Вагар хуришид ҳам ошиқ набудӣ,
Набудӣ дар жамол у зиёе.
Замин-у кўҳ на ошиқ ондӣ,
Нарустӣ аз дили ҳар ду гиёе.
Агар дарё зи ишқ огаҳ набудӣ,
Қароре доштиӣ охир ба жойе.

Мазмуни: “Агар бу осмон ошиқ бўлмаса, унинг бағрида бундай мусаффолик бўлмасди. Агар қуёш ҳам ошиқ бўлмаганида, унинг жамолида бундай зиё топилмасди. Агар ер ва тоғ ошиқ бўлмаганида, ҳар иккаласининг бағридан бирор гиёҳ унмасди. Агар денгиз ишқдан огоҳ бўлмаса эди, бирор жойда қарор топган бўларди”.

Демак, нафси енгишнинг йўли инсон ўзини англаши, кимлигини тушуниб етиши. Иккинчи томондан нафс сўзининг ўзи “ўз” маъносини беради. Ўзини англаган нафсининг нималигини англаб етади. Араб тилида нафс ва нафас сўзлари бир ўзакдан эканлиги бежиз эмас. Нафс айна пайтда вужуд, борлиқ каби маънолари ҳам англантиши қайд этилган. Юқорида тилга мухаммасда *нафас* نفس ва *нафс* نفس сўзлари бир ёзилиши орқали шоир мумтоз поэтикадаги тажниси хаттий ва бир ўзакдан эканлиги боис иштиқоқ санъатлари орқали муҳим ижтимоий ва таълимий-ахлоқий ғояни ифода этган. Шунинг учун ҳам осетин тилидаги “рух”, “жон” маъноларидаги *ūd//od* сўзлари таҳлилида В.Абаев унинг илдизлари қадимги эроний *wād* – “шамол”га тақалишини таъкидлайди. Олим шамол, ел; жон; куч-қувват тушунчалари ўртасида мантикий боғлиқлик борлигини *wāt* – “жон” ва *w'it' r* – “мавжудот”; арабча *нафс* – “жон” ва *нафас* – “нафас”; парфиян тилидаги *wād* – “жон”, “рух” сўзларини қиёслаш, шунингдек, лотинча *animus* (жон) юнонча *ἀνεμος* (шамол)га алоқадорлиги каби кўплаб мисоллар билан асослайди.³

Мухаммаснинг

Нафс комини бир дам қилма дастрас, ё раб

мисрасида юқоридаги каби ўта муҳим ахлоқий-таълимий ғоя жуда нафис бадий санъатлар воситасида баён қилинган. Мисрада асосий мазмун *нафс коми* бирикмасида яширинган бўлиб, *ком* сўзи мумтоз адибларимиз тилида қандай маънолар англантиганига диққат қилсак, унинг замиридаги ахлоқий-таълим ғояни тўлароқ англашга мушарраф бўламиз.

Мумтоз адибларимиз, жумладан, Огаҳий ҳам ўз асарларида поэтик восита сифатида фойдаланган шаклдошлардан бири *ком* сўзидир. *Ком* کام ўзлашмаси эски ўзбек тили лексикасига оид луғатларда қуйидагича изоҳланган:

Ком – оғиз, тилак.

Ком – 1. Мурод, мақсад, орзу, тилак, майл. 2. Бахт. 3. Етишиш, ноил бўлиш.⁴

Бу сўз авестовий ва қадимги форс тилида “майл”, “орзу” маъноларида *kāta* шаклида, санскрит тилида худди шу маънода *kāmak*, *kām* шаклларида ишлатилган.⁵ Унинг қайд этилган дастлаб-

¹ Султонмурод Олим. Ишқ, ошиқ ва маъшук. Тошкент, 1992.

² Ганжина-йи маънави-йи Мавлоно. Бо осоре аз Саййид Ҳасан Наср, Вильям Читтик (William Chittiek), Анна-мариа Шимил (Annemarie Schimmel). Техрон, “Марворид”, 2004, с. 126.

³ Абаев В.И. Историко-этимологический словарь осетинского языка. Том IV. Л., «Наука», 1989, с. 6 – 7.

⁴ Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. Иккинчи жилд, Тошкент, “Фан”, 1983, 122 – 123-бетлар. бетлар.

⁵ شمس الدين محمد بن خلف تبریزی . برهان قاطع . با اهتمام دکتر محمد معین . تهران . امیر کبیر . ۱۳۸۶ . جلد ۱ ص ۱۰۷۸

ки маъноси (оғиз, танглай) янги форс тили (IX асрдан кейин)га оид манбалардан бошлаб кўзга ташланади. Мулоҳазамизча, ҳар иккала маъно ўртасида умумийлик бўлиб, “майл” семаси сўзнинг “оғиз” маъноси юзага келиши учун асос бўлган. Унинг ўзбек тилида “исканжа” (*надомат коми бирикмасидаги каби*) маъноси қадар кенгайиши шундай мулоҳаза билдиришимизга асос бўлади. *Ком* эски ўзбек тилида *ком истамак, ком олмоқ, ком айламак, ком тутмоқ* каби қўшма феъллар учун асос бўлган: “Авлиё раъйи била иш қил, агар *ком истасанг...*”;¹ “хосу авом ўз маромича *ком олмоқчи...*”(Ф.И. 899).

*Маснади иззатда мақом айлади,
Майли карам улчаки ком айлади.* (Ф.И. 1090)

“Ул ҳазратнинг чатри давлати кўлагасида *ком тутуб*, фориғбол ва осудаҳол бўлдилар” (Ф.И. 1124) каби. Шунингдек, бу сўз *ширинком, комжў, комрон, коргор* каби айрим содда ясама ва қўшма сўзлар компоненти сифатида ҳам келади: “онинг чошнийи таманносидин *ширинком* бўлурлар”;² “Биров кизлар оғушидин *ком олиб...*” (РД); “...инъомдин *ком еткуруб...*” (РД, 202^б); “*Комжў борди, комрон* келди” (Ф.И. 883); “...умаройи *комгор...*” (Ф.И. 1112) каби.

Мумтоз адабиётимизда ушбу сўзлар шаклдошлиги асосида ўқувчига ўзига хос эстетик таъсир қилувчи бадиий лавҳалар яратилган. Масалан, Алишер Навоийнинг машхур

*Жаҳон ганжиге шох эрур аждаҳо,
Ки ўтлар сочғуси қаҳри ҳангомида.
Анинг коми била тирилмак эрур
Маош айламак аждаҳо комида*³ –

қитъасида икки ўринда *ком* икки хил маъно англатиб, тажнис ҳосил қилинган. Ёки Огаҳий мухаммас боғлаган ғазалидаги

*Заҳрни ўз коми бирла ичса ондин яхшиким,
Оби ҳайвон шарбатин нокомлиг жоми била*⁴

байтида “ўз коми бирла” бирикмасини “ўз истаги билан” ёки “ўз оғзи билан” деб тушуниш мумкин бўлгани учун ийҳомнинг бетақрор намунаси яратилган бўлса, *ком* ва *нокомлиг* сўзлари иштиқок ҳосил қилади.

Демак, *нафс коми* бирикмаси биринчидан, нафс муроди, нафс истаги, иккинчидан, нафс бўғзи, нафс исканжаси маъноларида келмоқда. Муҳаммаснинг руҳи ҳар иккала маънода ҳам муносиб тарзда назарда тутилганини кўрсатади. Шу ўринда юқорида қайд этилганидек, тадқиқот объектларидан *нафс* сўзи айнан *нафси аммора* маъносида ишлатилган, шунингдек, *нафси аммора* бирикмаси таъкидланган ҳолда қўлланган ўринлардан мисоллар келтирамиз: “*нафси шум* ва шайтони маржумнинг тақозо ва васвасаси била ул галалардин икки қўйни ўғирлаб олдилар. Қўй эгаси кўруб, ҳар нечаким “қўй”, деди, қўймадилар (РД, 310^б); “...дунҳиммат ва суест эътикод, паст фитрат, яъни ислом риоясин тарк ва *нафси аммора* этакин барк тутган кадхудоларимиз...” (РД, 309^а).

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, муаррихлар маҳорати боис солномалар таълимий-ахлоқий ғоялар ифодаси учун ўзига хос манба вазифасини бажарган. Бунда, албатта, ўқувчилар доираси, асарнинг умумий руҳи, баён қилинаётган воқеалар ривожига каби кўплаб омиллар эътиборга олинган.

**Xo‘janiyazova Shoxnoza Satimboyevna (Alisher Navoiy nomidagi
ToshDO‘TAU tayanch doktorant, shaxulya1996@mail.ru)**

ALISHER NAVOIYNING MANOQIB ASARLARIDA QO‘LLANILGAN IJTIMOIIY-SIYOSIY ISTILOHLAR XUSUSIDA

Annotatsiya. *Maqolada ijtimoiy-siyosiy leksika bilan bir mazmuniy maydonga kiruvchi mansab-martaba istilohlari mavzuiy guruhlariga ajratgan holda o‘rganilgan, lingvistik va pragmatik nuqtayi na-*

¹ Shir Muhammad Mirab Munis and Myhammad Riza Agahi. Firdavs al-iqbal: History of Khorezm/Edited by Yuri Bregel. T.J.Brill. – Leiden – New York – Kobenhavn – Koln, 1988, p. 723 (Мақолда ушбу асардан олинган бошқа мисоллар Ф.И. қисқартмасидан кейин мазкур саҳифаси кўрсатилган ҳолда берилади).

² Муҳаммад Ризо мироб Эрнийезбек ўғли Огаҳий. Риёз уд-давла. ЎзР ФА Шарқшунослик институти. 5364. II. 202^а (Мақолада ушбу манбадан олинган бошқа мисоллар РД қисқартмасидан кейин саҳифаси кўрсатилган ҳолда берилади).

³ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Тўртинчи том. Тошкент, “Фан”, 1989, 512-бет.

⁴ Огаҳий. Асарлар. Иккинчи жилд, Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972, 200-бет.

zardan diaxron aspektida tadqiq qilingan.

Аннотация. В статье изучаются термины должности-репутации, входящие в единую лексическую площадь с социально-политической лексикой. Термины должности-репутации были сгруппированы и исследованы с точки зрения диахронного аспекта.

Annotation. The article is focused on the study of the terms denoting position-reputation included in the same lexical area with social-political lexis. They were divided into groups and investigated in the diachronic aspect by linguistic and pragmatic point of view.

Kalit so'zlar: ijtimoiy-siyosiy leksika, mansab-martaba nomlari, davlatning bosh hukmdori va hukmdor vorislari nomlari, istilohlar.

Ключевые слова: социально-политическая лексика, названия должности-репутации, глава государства и названия наследников главы государства, термины.

Key words: social-political lexis, names of position-authority, head of the state and names of the statesman's heritors, terms.

Ijtimoiy-siyosiy leksika lug'aviy boylikning jamiyat siyosiy hayoti yoki siyosiy tizimiga bevosita aloqador bo'lgan hodisalar, jarayonlar va munosabatlarni ifodalovchi, ayni vaqtda, ijtimoiy-tarixiy, iqtisodiy, madaniy, diniy, ma'naviy-ma'rifiy omillar asosida shakllanuvchi va o'zgaruvchan qatlamidir.

Ijtimoiy-siyosiy sohaga oid leksik birliklarni diaxron aspektida o'rgangan H.Dadaboyev ijtimoiy-siyosiy terminologiya leksikaning faol qo'llanuvchi qatlamlaridan biri bo'lib, u ma'lum bir tarixiy format-siyani belgilab beruvchi tarixiy-ijtimoiy, iqtisodiy-siyosiy, madaniy, diniy kabi omillar ta'sirida shakllanishi va rivojlanishini ta'kidlaydi.¹

Demak, ijtimoiy hayotning obyektiv ta'siri muhim ekstralingvistik omil sifatida ijtimoiy-siyosiy leksikaga oid masalalarni o'rganishni hayotiy zaruriyat darajasiga ko'tardi. Shunday ekan, "ijtimoiy-siyosiy tizim taraqqiyoti tilning lug'at tarkibiga qay darajada ta'sir ko'rsatganini o'rganish, lug'aviy birliklarning funksional-semantik tavsifini berish, ularning eskirgan, yangi va zamonaviy qatlamlarini, tematik guruhlari va mikrosistemalarini aniqlash, lisoniy va uslubiy xususiyatlarini yoritish ijtimoiy-siyosiy leksika oldida turgan muhim vazifalardan sanaladi".²

O'zbek tilshunosligida turli sohalarga doir so'z va terminlar leksikologiya nuqtayi nazardan ma'lum darajada maxsus o'rganilgan. Ma'lumki, o'zbek adabiy tilining to'liq shakllanish davri Alisher Navoiy ijodi bilan bog'liqdir. O'zbek hamda jahon adabiyoti xazinasida o'chmas iz qoldirgan Alisher Navoiy o'zining beqiyos she'rlari, asarlari bilan sharq va g'arbda mashhur bo'lgan. Uning ilmiy merosida turli fanlarga oid terminlar mujassamlashgan. "Xamsat ul-mutahayyirin", "Holoti Pahlavon Muhammad" va "Holoti Sayyid Hasan Ardasher" manobqlari shular jumlasidandir. Bu asarlarda adib o'z davrining turli ilm-fan, kasb-hunarga oid ko'plab istilohlar va leksik birliklardan mahorat bilan foydalangan. Jumladan, shoir asarlarida turfa sohalarga aloqador bo'lgan terminlar aniq va lo'nda ifodalangan. Chunonchi, ijtimoiy-siyosiy, diniy-tasavvufiy, harbiy istilohlar, kishi ismlari, taxalluslar, unvon, daraja va huquqqa oid nomlar, kasb-hunar, ta'lim-tarbiyaga oid so'zlar, jo'g'rofiy, astronomik tushuncha va osmon jismlari nomlari, sport o'yinlari, o'yin turlari, musiqiy, tilshunoslik, adabiyotshunoslik terminlari rang-barangligi bilan ajralib turadi.

Alisher Navoiy o'z asarlarida turli sohalarga xos istilohlardan foydalanar ekan, bundan ko'zlangan maqsad asarning jozibadorligi, badiiy qiymatini oshirish va kitobxonga davr hayotini obyektiv tasvirlab berishdir.

Navoiyning manobqib asarlarida qo'llanilgan ijtimoiy-siyosiy terminlarni quyidagi ma'naviy guruhlarga bo'lib o'rganish maqsadga muvofiq:

1. Hukmdor va taxt vorisi nomlarini ifodalovchi istilohlar. Navoiy manobqib asarlarida *podshoh* – "shoh, podshoh", *sulton* – "sulton, shoh, hukmdor", *salotin* – "sulton, podshoh", *shahzoda* – "shoh o'g'li", *mirzo* – "temuriyzoda, amirzoda" kabi leksik birliklardan sinonim, ayrim o'rinlarda esa farqli holda foydalanilgan. Mazkur istilohlarning "Xamsat ul-mutahayyirin", "Holoti Pahlavon Muhammad" va "Holoti Sayyid Hasan Ardasher"dagi qo'llanish chastotasi kontekstual tahlil qilinganda, muallif ularning tarixiy

¹ Дадабоев Х. Алишер Навоий асарларидаги ижтимоий-сиёсий терминларнинг эски туркий обидалар лексикасига муносабати. Алишер Навоий таваллудинининг 550 йиллигига бағишланган илмий конференция тезислари. Т., "Фан", 1991, 68-бет.

² Isaqova Z. Alisher Navoiyning "Majolis un-nafois" asaridagi ijtimoiy-siyosiy leksika. Filol. fan. nomz ...avtoref., Т., 2010, 7-бет.

davrlar mahsuli ekanligiga e'tibor bergan holda matn ruhiga mos qo'llagani kuzatildi.

Podshoh – bu ot PRS da (*padeshah*), (86) TjRS da *podshoh* shaklida (309) keltirilgan; o'zbek tilida tojikcha shakli bo'lib, oxiridagi **h** tovushi, ko'pincha, aytilmaydi. Budagov lug'atida bu ot, asli, "himoyalovchi" ma'nosini anglatadigan **pod** sifati bilan "buyuk" ma'nosini ifodalaydigan **shoh** otidan tuzilgan deb izohlangan (I. 308). Bu ot mutlaq hukmdor ma'nosini anglatadi (O'TIL. I, 594). So'zlashuv tilida bu ot *poshsho* shaklida ham aytiladi. Bu ot bilan o'zbek tilida *podsho qo'l ostidagi poshsho* shaklida ham aytiladi. O'zbek tilida ushbu o'zlashmadan "podsho qo'l ostidagi davlat (mamlakat)" ma'nosini anglatadigan *podshohlik* mavhum oti yasalgan.¹

Qadimgi run bitiklarida ijtimoiy-siyosiy terminlar tizimi – *qağan* – "Oliy hukmdor, xoqon", *tegin* – "taxt vorisi, xonzoda", *šad* – "turk va uyg'ur xoqonligida oliy harbiy-ma'muriy unvon", *yabğu* – "G'arbiy turk xoqonligi hukmdori", *qatun* – "malika", *tudun* – "nazoratchi", *tutuq* – "viloyatning harbiy hukmdori", *tarqan* – "hokim", *beg* – "bek, boshliq", *eltäbär* – "azlarning sarkardasi", *sabçi* – "elchi", *yołçi* – "boshliq", *bağa (sug'd)* – "unvon, lavozim", *išbara (sanskrit)* – "unvon, mansab" va h.k. deb yuritilgan.²

Sulton istilohi arabcha bo'lib, quyidagi ma'nolarni ifodalashga xizmat qilgan: "podshoh, hukmron; podshoh va podshohzodalar nomiga qo'shib aytiladigan unvon",³ "hukmronlik, qudrat; rad etib bo'lmaydigan dalil; *lashkarboshi* (forslarda)",⁴ "ba'zi musulmon mamlakatlarida VIII asrdan boshlab ishlatilgan podsho unvoni; XI asrda O'rta Osiyoning ko'pgina feodal davlatlarida podshohlar unvoni; Hindiston va Indoneziyada ayrim "knyazliklar hokimlarining unvoni".⁵ Shuningdek, "hukmron, sulton" ma'nolarida *sulton* Xorazm yodgorliklarida ham keng qo'llanilgan. H.Dadaboyev o'z ilmiy izlanishlarida bu so'z, dastlab, A.K.Borovkov tomonidan tadqiq etilganligini ta'kidlagan.⁶

Manoqiblarda mazkur leksik birlik muayyan shaxs nomiga qo'shib aytiladigan komponent sifatida qo'llangan: *Sulton Ahmad mirzo va Muzaffar Husayn mirzo boshlig' salotin va podshohzodalar bir-biriga navbat berishmay, alarning mahfuf mahofasin eginlarig'a ko'tarib, Musallog'a eltilar* (XM. 791).

Ul jumladin biri budurkim, jo'yi Sultoniy yoqasida Pahlavon bir langar bunyod qilibdurki, aning ta'rifini qilmoq-quyosh ravshanliqg'a va mayni mastliqg'a ta'rif qilg'ondekdur va bir qatla Sulton Sohibqiron ovdin qaytg'onda ul takyaga tushubdur va Pahlavon hozir ermas erkandur (HPM. 21).

Saltanat taxti Sulton Ibrohim mirzog'a qaror tutgandakim, ta'rix sekkiz yuz oltmish erdi, bu faqir alar suhbatig'a musharraf bo'ldum (HSHA. 8).

Sulton istilohi "Xamsat ul-mutahayyirin"da 15, "Holoti Pahlavon Muhammad"da 12, "Holoti Sayyid Hasan Ardasher"da 4 marta qo'llangan. Navoiy shoh, ya'ni Husayn Bayqaroga nisbat berishda arabcha *sulton us-salotin* izofasidan foydalangan.

Salotin leksemasi arab tilidan o'zlashgan bo'lib, "sulton", "podshoh",⁷ "butun bir saltanat boshqaruvchisi", "xalqini bo'ysundiruvchi" ma'nolarga ega: *Hattokim, salotin zamonida ham yana o'n-o'n besh sozanda va go'yanda va xonandakim, ul silsila ahlidin hech qachon hech qaysig'a dast bergani ma'lum emas* (HPM. 28).

2. Yuqori martabaga ega mansab egalarini bildiruvchi istilohlar. Manaqiblarida bu leksemalar saroy muhiti bilan bog'liq bo'lgan jarayonlarni ifodalaydi. Ularda lavozim, mansabdor shaxs vazifalari quyidagicha ifodalangan.

Vuzaro—"vazir", *umaro*—"beklar, amirlar", *ag'niyo*—"boy, badavlat, o'ziga to'qlar", *akobir*—"ulug', a'yon, martabali kishi, mansabdor", *bek*—"bek, amaldor", *sudur*—"oliy amaldor, diniy marosimlarni nazorat qiluvchi".

Navoiyning manoqiblarida davlat boshqaruvida salmoqli mavqega ega bo'lgan shaxslar, hukmdorning yaqin maslakdoshi va maslahatchisi hisoblangan *vazir* arabcha *vuzaro* o'zlashmasi bilan ifodalangan: *To ul podshohi zamonning arkoni davlat va a'yoni hazrati va oliyshon umaro va raf'e makon sudur va vuzaro, balki asr podshohi alarning ostonig'akim, maqsud Qiblasi va murod Ka'basi erdi-tashrif keltururlar erdi, balki o'zlarin musharraf qilurlar erdi* (XM. 740).

Navoiy asarlari tiliga bag'ishlangan deyarli barcha lug'atlarda *vazorat* leksik birligining *vazir* –

¹ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. Т., "Университет", 2009, III жилд, 192-бет.

² Dadaboyev H. O'zbek terminologiyasi. Т., "Nodirabegim", 2020, 38-бет.

³ Шамсиев П., Иброхимов С. Навоий асарлари луғати. Т., "Адабиёт ва санъат", 1972, 576-бет.

⁴ Будагов Л.З. Сравнительный словарь турецко-татарских наречий. В 2-х т, с, 1869, т, 1, с. 663.

⁵ Бекмухамедов Х. Тарих терминлари изоҳли луғати. Т., «Ўқитувчи», 1977, 150-бет.

⁶ Дадабаев Х. Общественно-политическая и социально-экономическая терминология в тюркских письменных памятниках XI–XIV вв. Т., «Ёзувчи», 1991, 63-бет.

⁷ Фарҳанги забони тоҷикӣ. I том, М., "Советская энциклопедия", 1969, с. 1133.

“vazorat mansabi”, “vazirlik mansabi” ma’nosi qayd etilgan. Lekin bu soʻzning birikma shaklida “vazirlik mahkamasi”, “vazirlar mahkamasi boshligʻi” maʼnolarini ham ifodalashini nazarda tutishimiz lozim.¹

Vazir istilosi, *vazir* (un) shakliga ega boʻlib, (ARS. 885); oʻzbek tiliga choʻziq *ī* tovushini *i* tovushiga almashtirib qabul qilingan: *vazir* → *vazir*. Bu oʻzlashma “podshoh, xon saroyida yuksak lavozimga tayinlanadi” maʼnosini anglatuvchi *vazara* feʼlining masadari boʻlib (ATG. 143), tarixan “podshoh, xon saroyida yuksak lavozim” maʼnosini anglatgan, hozirgi kunda oʻzbek tilida “ministr” maʼnosini anglatish uchun ishlatiladi (OʻTIL. I, 170). Bu soʻzning *-at* (un) muannas qoʻshimchasi bilan hosil qilingan vazira shakli ayol kishining atoqli oti sifatida ishlatiladi (oʻzbek tilida bu qoʻshimchanning *a* qismi saqlanib, *t* qismi tashlangan): *vazir+at(un)* → *vazirat* → *vazira* - *vazira*.²

“Alisher Navoiy asarlari tilining izohli lugʻati”da *bek* istilohi – “amaldor, “bek” tarzida izohlangan. Ushbu leksema “Oʻzbek tilining etimologik lugʻati”da “shahar yoki viloyat hukmdori, yuqori martabali amaldor” maʼnosini ifodalashi taʼkidlangan.

Bu istiloh qadimgi turkiy tilda *büg* (PDP. 369), *bög* (Devon. III, 169) shaklida talaffuz qilingan boʻlib, keyinroq *ä* unlisi *ë* unlisiga almashgan (DS. 91); dastlab “katta”, “yirik” kabi maʼnolarini anglatgan, keyinchalik, maʼno taraqqiyoti natijasida bu sifat otga aylangan; oʻzbek tilida *g* undoshi *k* undosigiga almashgan *beg* > *bek*.

3. Saroy xizmatchilarini ifodalovchi leksemalar: *mulozim* – “hamroh, xizmatchi”, *nadim* – “xizmatkor, mahram”, *nadimi* – “xizmatkor, mahram”, *quzoti* – “qozilar” va h.k.

Mulozim istilohi *mulazāmat* (un) shakliga ega boʻlib (ARS. 719), oʻzbek tiliga choʻziq *ā* unlisini *â* unlisiga almashgan: *mulāzim* → *mulāzim* (*mulozim*): asli koʻpmaʼnoli *lazima* feʼlining aniq nisbat sifatdoshi boʻlib (ATG. 249), arab tilida “zaruriy, ajralmas” kabi maʼnolarni anglatadi (APS. 719). Oʻzbek tili tarixida bu soʻz “yuqori martabali amaldor huzurida doim boʻlib, uning barcha topshiriqlarini bajaruvchi xizmatkor” maʼnosini anglatgan (OʻTIL. I, 478).³

Va tegrasiyadagi yori ushshoq va mulozimlar va hamnishin va soyir fuqaro va masokin “vovaylo, vomusibato!” niqobin falaki asirgʻa tortib, navhalar va nudbalar koʻrguzdilar (HPM. 28).

4. Maʼmuriy-boshqaruv tushunchasini bildiruvchi istilohlar: *amr* – “buyruq, hukm, farmon, farmoyish”, *buyurmoq* – “buyurmoq, farmon bermoq, buyruq qilmoq, amr etmoq”, *dastur* – “buyruq, farmoyish, ijozat, ruhsat”, *devon* – “davlat mahkamasi, hukumat idorasi, shoh, xon ish yuritadigan mahkama” va h.k.

Faqir yana istidʻo qildimkim, amr boʻlsa, mundin osonroq qilsa boʻlgʻay, deb maʼmur boʻlgʻondin soʻngra “Mufradot” gʻa mavsum muxtasarni bitidim va alar xizmatigʻa yetkurdum (XM. 774).

5. Maʼmuriy-hududiy boʻlinishni ifodalovchi istilohlar: *davlat* – “davlat, saltanat, hukumat”, *shahr* – “shahar”, *viloyat* – “viloyat”, *el* – “xalq, omma” *xalq* – “odamlar, kishilar, omma”, *omma* – “omma, mardum, koʻpchilik; odamlar”, *jamiyat* – “jamiyat, odamlar, koʻpchilik, kishilar toʻdasi, guruh”.

...Jom viloyatida sokin va shayx ul-islom Ahmadi Jom vatanida mutavattin va alarning bu qitʻasi bu maʼnigʻa dalildur (XM. 737).

Manoqib asarlarda ijtimoiy qatlamni ifodalovchi turli istilohlar ham qoʻllangan. Ularni quyidagi maʼnoviy guruhga ajratish oʻrinli: oliy martaba egalari va zodagonlar nomlari: *arkoni davlat*, *hazrat*, *mavloni*, *akobir*, *xulaf* – “avlod, xalifa, oʻrinbosar”, *rais* – “boshliq, sardor, sarvar”, *peshvo* – “yoʻlboshchi, rahbar”, *quzoti* – “qozi” va h.k.

...Hazrati shayx ul mashoyix olimil murshidi tavoifil umam shayx zaynul millati vad-din al Xavofiy (rahimahumullohu taolo)ning ixtiyoriy xulafosidin erdilar (HSHA. 12).

Chun bu muxtasarda mazkur boʻlgʻon jamoatning raʼs va raisi ul zoti nafisdir va bu risolada mastur boʻlgʻon guruhning muqtado va peshvosi ul gavhari yaktodur, muborak ismlari bu avroqda sabt boʻlurdin guzir va yozilmasa dilpazir ermas erdi, jurʻat boʻldi (XM. 772).

“Xamsat ul-mutahayyirin” va “Holoti Sayyid Hasan Ardasher” asarida moʻgʻulcha *navkar* oʻzlashmasi asosida yasalgan *navkarliq* leksemasi uchraydi.

Alqissa, chun alar navkarliq balosidin va sipohiliq ibtilosidin Tengri inoyati bila xalos boʻldilar (HSHA. 9).

Lugʻatlarda *navkar* leksemasiga quyidagicha taʼrif berilgan:

1. Moʻgʻullarda jamoa tizimi buzilib, feodal munosabatlari rivojlana boshlagan davrda urugʻ va qabila boshliqlarining drujinachilari bora-bora navkarlar yirik feodallarning vassallari boʻlib qolganlar. 2.

¹ Баранов Х.К. Арабско-русский словарь. М., «Русский язык», 1989, с. 885.

² Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. II. Т., «Университет», 2003, 81-бет.

³ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. III. Т., «Университет», 2009, 286-бет.

Navkarlar mo'g'ul xonlari va beklarining shaxsiy soqchilari bo'lib, ularning turli xizmatlarini, masalan, otga mindirib-tushirib qo'yish, o'tovga kirganida namatni ochib turish ishlarini bajarar edi. 3. Muntazam bo'lmagan qo'shin, askar, el navkari, yigit. 4. O'rta Osiyoda xizmatkor ma'nosida ishlatilgan.¹

Manoqib asarlarda qo'llanilgan ijtimoiy-siyosiy terminlar paradigmasida polisemantik qatorlarni ham kuzatish mumkin. Masalan quyidagi gaplarning birinchisida *podshoh* so'zi "Alloh, Tangri, Xudo", ikkinchisida esa "hukmdor" ko'pma'noqlikni voqelantirgan.

Bu masnaviy nihoyatin podshoh duosi bila xatm qilibdur va hol ahli bu abyotdin ma'lum qilurlar-kim, Pahlavonning tab'ida ne miqdor dardi hol choshnisi bor ekandur (PM, 22).

Borcha sodot-u mashoyix va ulamo-yu fuqaroning mahbub ul qulubi erdi va podshoh eshigida ar-koni davlatdin oliyshon beklar va oliyshon beklar va oliymakon ichkilar va sudur va soyir xaloyiqg'a Pahlavonning suhbatlari navro'z va bayramcha borerdi, hattoki sulonzodalar tilamas erdilarkim, bir lahza onsiz bo'lmag'aylar erdikim, podshohzodalardin nechaki mu'tamad o'tlanib, Pahlavonning tak'yasiga bo-rib, suhbatlig' qilg'aylar erdi (PM, 24).

Anjuman so'zi ham quyidagi misollarda polisemiyaning yuzaga chiqqan.

Bu yerda Chun pokiza ruhlarining qudsiy oshyon toiri badan qafasidin ravzayi firdavs gulshani sori parvoz tuzdi va muborak jismlarining oliy makon paykari dor ul-fano majlisidin dor ul-baqo anju-maynig'a mayl ko'rguzdi, agarchi ahli olamg'a motam yuzlandi, ammo sohib motam bu nomurodi so'g-vor erdim va soyir avlodi odamg'a azo voqe' bo'ldi va lekin sohib azo bu noshodi ta'ziyat shior erdim (XM, 736).

Ish ul yerga yettikim, saltanat korxonasining mustashori bo'ldilar va mulk-u mol ishiga daxl qildilar va andoq suluk voqe' bo'ldikim, podshoh shokir va soyir xaloyiq va raoyo alarning zikri xayrig'a zo-kir bo'ldilar va podshoh xilvatida anisu mahram va anjumanda rafiqu hamdam erdilar (HSHA, 12).

Birinchi gapda "jamoat", ikkinchi gapda "ma'raka" ma'nosida qo'llanilgan.

Devon – "daftar, devon; to'plam, g'azallar majmuasi", "davlat mahkamasi, hukumat idorasi, shoh, xon ish yuritadigan mahkama", "davlat kirim-chiqim ishlari (daftarxonasi)ning boshlig'i", "ko'shk, ayvon, qasr, shohlar saroyi" ma'nolariga ega bo'lgan.

...balkim ul devondin aksari alarnng xotirida erdi va ko'p abyot majolisda ul devondin mazkur qilurlar erdi (HSHA, 9).

Had va nihoyatdin ortuq g'alatlar erdikim, ham hak va ham isloh qildilar, to itmomg'a yetti, devon-ning oxirida bu qit'ani bitib erdilarkim (XM, 748).

Birinchi gapda *devon* leksemasi "davlat mahkamasi, hukumat idorasi, shohlar, xonlar ish yuritadigan mahkama", ikkinchi gapda esa "daftar, devon; to'plam, g'azallar majmuasi" ma'nosida ishlatilgan.

Xullas o'zbek terminologiyasining shakllanishi va taraqqiy etishida Alisher Navoiyning "Xamsat ul-mutahayyirin", "Holoti Pahlavon Muhammad" va "Holoti Sayyid Hasan Ardasher" manoqib asarlarida qo'llangan ijtimoiy-siyosiy faoliyatni ifodalovchi istilohlarning salmog'i kattadir. Manoqib asarlarda turli fanlarga oid ma'no va tushunchalarni ifodalovchi terminlarning faol qo'llangani bilan ahamiyatlidir. Adib manoqiblarida qo'llanishda bo'lgan istilohlarning turfaqligi XV–XVI asrlar eski o'zbek adabiy tili terminlar tizimining naqadar shakllangani va rivojlanganidan guvohlik beradi.

**Хидирова Мунаввара Рустамовна (Жиззах Давлат Педагогика институти таянч докторанти)
ТОҒАЙ МУРОДНИНГ "ОТАМДАН ҚОЛГАН ДАЛАЛАР" РОМАНИДА
ВАТАНПАРВАРЛИК ҒОЯСИ**

Аннотация. Ушбу мақолада ватанга бўлган муҳаббат, ватанпарварлик, миллатидан гурурланиш, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги ва инсонлар онгида ҳоҳиш бўлиқлар бўлмаслиги кераклиги каби маънавий-ахлоқий масалалар таҳлил остига олинган.

Аннотация. В статье проанализированы такие морально этические вопросы, как любовь к Родине, патриотизм, гордость за нацию, спокойствие в стране, благосостояние народа, необходимость предотвращения идеологических пробелов в сознании людей.

Annotation. In this article, love for the motherland, patriotism, pride of the nation, peace of the country, the well-being of the people, the necessity of the absence of ideological gaps in the minds of people and like these moral issues are analyzed.

Калит сўзлар: истиқлол даври, ватанпарварлик, Деҳқонқул, Жамолiddин, Ақраб, миллий гу-

¹ Бекмухамедов Х. Тарих терминлари изоҳли луғати. Т., "Ўқитувчи", 1977, 110-бет.

рур, меҳнатсеварлик, қадрият.

Ключевые слова: период независимости, патриотизм, национальная гордость, трудолюбие, ценность, Дехконкул, Джамалиддин, Акраб.

Key words: the period of independence, patriotism, Dekhkonkul, Jamoliddin, Akrab, national pride, loving labor, values.

Инсоният тарихида XX аср ижтимоий ва сиёсий ихтиролар, фан-техника тараққиёти асри бўлиши билан бирга, эстетик интеллектуал тафаккур хилма-хиллигини намоён қилган давр ҳамдир. Адабиёт оламида кечган эврилишлар бадиий-эстетик тараққиёт меъзонлари ва тамойилларини белгилади. Истиклол йилларида ҳар бир соҳада бўлгани каби адабиёт оламида ҳам кескин бурилишлар бўлди. Бу билан адабиётимиз янгитдан яратилди, демоқчи эмасман. Фақат адабиёт олами янги ижодкорлар билан, етук асарлар билан бойиди, дейиш мумкин. Жамият тараққий этиши билан фан-техника, саноат, медицина, қишлоқ хўжалиги каби соҳалар ривожланиб борди, лекин адабиёт учун бу ходиса хос эмас. Адабиёт фақат етук ижодкор: шоир, ёзувчилар ижод қилган даврларда ривожланади, тараққий этади. Бунга мисол қилиб, Навоий яшаган даврни келтириш мумкин. Бу жараён XIX асрда ҳам такрорланди, яъни бу даврда Фитрат, Бехбудий, Чўлпон, Авлоний каби сўз усталари ижод қилишган. XV асрдан XIX асргача ҳам қанчадан қанча шоир, ёзувчилар етишиб чиқди, лекин Навоий давридагидек ёки Чўлпонлар давридагидек адабий жараён гуллаб-яшнади, деб айта олмаимиз.

Хўш, истиқлол йилларида бадиий адабиётда, хусусан, романчиликда қандай ўзгаришлар бўлди? Истиклол даври романчилигини кўздан кечиран эканмиз, Тоғай Мурод романлари ўзининг такрорланмаслиги билан ажралиб туришига гувоҳ бўламиз. Истиклол даври адабиётида миллий рух, ўзбекона бағрикенглик, жўмардлик, ўзликни англаш, миллат истиқлоли учун кураш бу давр романчилигининг бош мавзусидир. Бу даврда миллийликка йўғрилган, ўзликни англаувчи асарлар жуда кўплаб яратилди. Ана шу ижодкорлар орасида “Тоғай мурод ўзига хос услуби, ўз овози билан ажралиб туради. Тоғай Мурод ижодида умумбашарий адабиётга хос бўлган талқинларнинг мавжудлиги унинг миллий адабиётимиз анъаналаридан озикланибгина қолмай, жаҳон адабиёти дурдоналаридан озикланганлигидан далолат беради”.¹

Бундай услуб фақат ўзбек романчилигига ёки фақат Тоғай Мурод ижодига хос, дегим келади. Ёзувчи талқинидаги ҳар бир воқеа, образ орасида миллат тақдири, оддий халқ қиёфаси жонланади. Тоғай Муроднинг “Отамдан қолган далалар” романида ўзбек миллатининг тақдири, ўтмиши ва келажаги Дехқонкул образи тимсолида бадиий жонлантирилган бўлиб, талқинда содда, бахшиёна услубнинг қўлланилиши романдаги образлиқни оширади ва халқ тилининг ранго-ранг нозик қирраларини очиб беришга хизмат қилади. “Отамдан қолган далалар” романида шўро тузуми томонидан олиб борилган мустамлакачилик сиёсатининг иллатлари миллий озодлик курашининг парокандаликка учраш сабаблари, пахта яккаҳокимлигининг салбий оқибатлари, миллатнинг бошидан ўтган қора кунларни ўзбек халқи тақдири мисолида кўрсатиб берди. “Отамдан қолган далалар” асари замонавий романчиликка хос хусусияталарни ўзида мужассамлаштирган бўлиб, янги ўзбек романи мезонларини ҳам бирмунча ойдинлаштирди”.² Асардаги ҳар бир воқеа тафсилоти ва қаҳрамонлар қиёфаси, нутқи ва ички ўй-кечинмалари талқинида қишлоқ ҳаёти ва пахтакорлар турмушини ичидан билган ва ўша жафоқаш одамлар қалбига қалбини пайванд қилиб, уларга астойдил ҳамдард бўлоладиган ҳақгўй бир одамнинг ўткир нигоҳи чуқур ижодий мушоҳодакорлиги ва эзгу ниятларини баралла сезиб туради.

Асар қаҳрамонлари табиатни заминнинг зилол сувларини жаннатмакон боғларининг сервизор тоғларини яратганинг биз инсонлар учун тухфасидир, деб билиб, суйиб-ардоқлайди меҳрини беради. Бир нафас бўлсин, ердан даладан ўзини айро тасаввур қила олмайдди. Асар бош қаҳрамони Дехқонкул дала билан меҳнатни гўё азалий тақдир деб билган мунис ва заҳматқаш халқимизнинг умумлашган ва ўзига хос рамзий бир тимсоли. Неча-неча авлодлар рисқу насибаси манбаи бўлган она заминга ва пахта далаларига нисбатан оқилона эгаллик ва масъулият ҳисси ҳамда фарзандларга хос сидқидил муносабат Дехқонкул юрагидан мустаҳкам имон-этиқод сингари унинг қон-қонида, қалбида ва бутун вужудида яшайди.

Роман воқеалари биринчи шахс тилидан баён этилади. “Бир ўзбек деҳқони сулоласининг уч

¹ З.Пардаева. Бадиий эстетик тафаккур ривожини ва ўзбек романчилигини. Тошкент, “Янги аср авлоди”, 12-бет.

² Шу манба. 13-бет.

вакили – бобо, ота, ўғил тақдири тимсолида ўзбек халқининг истибод остида кечган 130 йиллик ҳаёти бадиий талқин қилинади”¹.

Дехқонқул бобоси, отаси Ақрабларнинг ҳаёти, уларнинг қилган ишларини ўз тилидан баён этади. Айнан асар воқеаларининг биринчи шахс тилидан баён этилиши реалистик тасвирга зид ва бу ҳолат роман жанри талабларидан четлашишдир. Шу боисдан “Отамдан қолган далалар” кўпроқ насрий дoston ёки поэмани ёдга солади.²

Жамолиддин, Ақраб, Дехқонқул образларидаги умумийлик шундаки, улар шу она ерни севишади, уни ўзгача меҳр билан эъзозлашади. Оллоҳ берган рискни шу заминда топишади. Уч авлод вакиллари Жамолиддин, Ақраб, Дехқонқул образларининг умумий томонлари билан бирга уларнинг ҳар бирининг ўзига хос хусусиятлари бор. Уларнинг умумийлиги шундаки, ҳар уччаласи ҳам заминни, табиатни севишади, ардоқлашади, меҳнат қилиб тарбиялашни нафас олиш қанчалик зарур бўлса, шунчалик зарур ҳисоблайди. Жамолиддин кетмоннинг назарида, шу тупроқ нон каби азиз, гўдак сингари беғубор, чашма сувидек тоза. У “калима қайтариб-қайтариб, кетмон чопади. Худони ёдлаб-ёдлаб, кетмон чопади. Худога шукрона айтиб-айтиб, кетмон чопади”. Унинг ҳар бир куни ана шундай ўтади. Романда Жамолиддиннинг ҳаёти ўғлининг кўз ўнгида тасвирланади, у ўғли учун ибратга айланади. Жамолиддин маълум маънода ниятига эришади: ўғли Ақраб меҳнатқаш, элсевар, юртпарвар бўлиб вояга етади.

Ақраб–халқнинг миллий озодлик курашида қатнашиб, “босмачи” номини олиб, эл-юрт озодлиги, миллат эрки учун шаҳид кетган ватанпарвар ўзбек йигитларидан бири. Асар қахрамони Дехқонқул бобоси ва отасидан фақатгина табиатга меҳр ва меҳнатсеварликни мерос қилиб олади. Дехқонқул табиатидан келиб чиқадиган бўлсак, ҳаёт меҳнат қилишдан иборат. Дехқонқул кўз олдида бўлаётган ноҳақликларни кўра олмасди. Дехқонқулнинг тақдири, оиласи, ҳамкасблари, ҳамқишлоқлари тимсоли истибод туфайли халқ бошига тушган фожиалар ёзувчи томонидан куюнчаклик билан бадиий талқин қилинади.

Дехқонқул далам деб ёнади, куйиб-пишади, тер тўкади, заҳмат чекади. Лекин, йиллар давомида даласининг қулига айланишини сезмайди. Негаки, мустамлакачилик сиёсати юқоридан ва четда туриб, шу қадар устамонлик билан олиб борилар эдики, қарсақлару нишонлар, ваъдалар унвонларга учган халқ “буюк ғоялар” йўлида тинмай меҳнат қиларди. “Шу тарика, Дехқонқул ўзига хос манқурт бир кимса бўлиб етишди”³.

Дехқонқул ва унинг оиласи мисолида қишлоқ аҳолисининг жуда паст турмуш тарзини кўрсатиб берган. Дехқонқул қанча қийинчилик кўрмасин, дорилардан заҳарланмасин, умр бўйи камчиликлар, ҳуқуқсизлик ва адолатсизликларга учрамасин, ҳаётдан нолимайди. “Ит ётиш, мирза туриш” ҳаётга кўникиб яшайди. Биргина Дехқонқул ва унинг оиласи эмас, минглаб оилаларнинг қисмати шу тарзда эди.

“Қисқаси, Дехқонқул қисмати, қарахт ҳолати, муте табиати тасвири – империя сиёсати, “социалистик ҳаёт тарзи” миллатни, миллий туйғу, қадриятларни топташга қаратилган, чиройли шиорларга ўралган, аслида, геноциддан иборат мунофиқона коммунистик мафкура устидан чиқарилган зўр айбномадир”⁴.

Романни ўқир эканмиз, ёзувчи кўксидаги оғрикни романга кўчирганини кўраимиз. “Бу дард – ўзбекнинг дарди, ўзбеклик дарди. Ўзбек қулдай ишлайди – чидайди, фарзандининг боши оғир меҳнатдан чикмайди – чидайди, ўзбек давлатга фалон тонна пахта етказай, деб чанг ютади, заҳар ютади – чидайди, шунча меҳнату хўрлик эвазига “боқиманда” деган тавқи лаънатни олади ва чидайди. Романда образлар тимсолида бир кучли образ бор. Бу ўзбек чидами, ўзбек чидамининг фожиаси”⁵.

Дехқонқул ерга, пахтасига шунчалик меҳр берадики, пахта унинг кўзига кўринмас нишон бўлиб, кўл-оёғини, орзу-истакларини, хоҳиш-иродаларини кишанлаб кўяди. Дехқонқулнинг кўзи очилади, лекин жуда кеч очилади.

У.Норматов “Романнинг янги умри” мақоласида Дехқонқул ота-бобосидан нималарни мерос қилиб олади? дея савол кўяди ва жавоб беришга интилади. Дехқонқул ота-боболаридан шижоат,

¹ Шу манба. 14-бет.

² У.Норматов. Ижод сеҳри. Тошкент, “Шарк”, 2007, 222-бет (“Романнинг янги умри”. Д.Қурононов билан адабий суҳбат).

³ У.Норматов. Ижод сеҳри. Тошкент, “Шарк”, 2007, 219-бет.

⁴ Шу манба. 221-бет.

⁵ З.Пардаева. Бадиий эстетик тафаккур ривожини ва ўзбек романчилигини. Т., “Янги аср авлоди”, 2002, 17-бет.

ғурур каби инсоний фазилатларни эмас, фақатгина меҳнатсеварликнигина мерос қилиб олди. Шу боисдан асарда Дехқонкул манқурт бир кимса сифатида намоён бўлади. Унда ўзбекка хос ғурур оз бўлса-да, акс етмайди. “Отамдан қолган далалар” романида Жамолиддин кетмон ва Ақраб кўрбошилар ҳам ғурури баланд ўзбек йигитлари сифатида тасвирланади. “Отамдан қолган далалар” романида бирдамлик, муқаддас қадамжоларга, қадриятларимизга бўлган хурмат ҳам куйланади:

“...Аммо-лекин аҳли халқ кўзида худои таоло даргоҳини тўпга тусалар, халқ қарғайдур, тақсир, хақл қарғайдур.

–Халқ?!

–Шундай, тақсир, шундай. Халқ қўлласа – бор бўладур, халқ қарғаса – хор бўладур. ...Халқ бор – хақ бор” (19-бет).

Шундан ҳам кўриниб турибдики, халқни муқаддас бир жамоа билади, шу билан бирга, масжиду мадрасаларни ҳам муқаддас билади. Оқпошшонинг одамлари масжидни тўпга тутишмоқчи бўлишади, масжиднинг муқаддас жой эканлиги, у ерда ёшлар билим олиши билан бирга, тоат ибодат қиладилар. Шунинг учун одам мусулмонларнинг эътиқоди масжидларга боғлиқлигини муаллиф таъкидлаб ўтади.

Асарнинг маънавий-ахлоқий сифатларидан яна бири ажодлар руҳига хурмат, келажак авлод тақдири масалалари куюнчаклик билан тилга олинади. “Халқимизга Амир Темурлар, Бобурлар, Улуғбеклар керак. Жуда-жуда керак. Аммо, сизлар Амир Темур, Бобур, Улуғбек бўла олмайсизлар. Лекин, юртга тўрт мучаси соғ, бус-бутун одамлар керак”, деганида ҳам ҳам жисмонан, ҳам маънан баркамол ёшларни тарбиялашни назарда тутаяди. Ана шундай ёшлар бўлсагина, миллат ва халқ юксалиши мумкинлигини айтиб ўтади.

Асарда экология, экологик тарбия масаласи, ерга муносабат, атроф-муҳит муҳофазаси каби масалалар кўтарилади. “Нима учун одам ерни заҳарлаб дорилайди, аммо жавобгарликка тортилмайди?..” (135-бет).

“Дехқонкул ерни, далани севади, уни ардоқлайди, уни фарзандидек тарбиялайди, аёлидек севади, онасидек хурмат қилади... Шу ўринда, ҳар биримиз ўз-ўзимизга савол бериб кўрайлик: мана шундай хосияти улуғ далаларимиз бағрига жо бўлган ҳаётий маъно ва ҳикматларни бир юрт фарзандидек тушунишга ва уларни баҳоли қудрат эъзозлашга ҳаммамиз ҳам қодирмизми? Афсуски, аксарият ёшларимиз ва ўқимишли тенгқурларимиз у ёқда турсин, ҳатто кўша-кўша диплом эгаси бўлиб, яна зиёли деган ном олиб юрган тажрибали олиму мутахассисларимиз ҳам ерга ота-боболаримиздек кучли меҳр қўйганлиги ва ернинг дардини тушуна олганлиги билан ифтихор қила олмаймиз”.¹

Асар миллийликка йўғрилганлиги билан ҳам бошқа романлардан ажралиб туради. Асар қаҳрамонлари барчамизга ўрناк бўлгулик мард, жасур, ватанни севгувчи, миллат ва эл манфаатини ўз манфаатидан устун қўювчи, жафокаш ва меҳнатсеварлиги билан қалбимизда ғурур ва ифтихор туйғуларини мавжлантира олади.

Jurayeva Zulayxo Shamshidinova (Kokand State Pedagogical Instituti, lecturer), Nishonova Shahnoza Muhammadjonovna (Kokand State Pedagogical Instituti, lecturer), Abdunazarova Nilufar Yorqin qizi (Kokand State Pedagogical Instituti, lecturer)

MADANIYATGA OID SO‘ZLARNI TARJIMA QILISH

***Annotatsiya.** Maqolada madaniy tarjima muammolari – tillarning leksemalar to‘plami va ma’no-lar, madaniyatlar o‘rtasidagi o‘ziga xoslik, turmush tarzini ifodalash usullari o‘rtasidagi tafovudlar natijasi ekanligi, tarjimonlar mutlaqo noma’lum bo‘lgan tushunchani ifodalashi mumkin bo‘lgan so‘zni uchratgandagi muammolar.*

***Аннотация.** В статье рассматривается проблема культурного перевода, которая состоит в том, что набор лексем языков и различия между значениями, культурами и способами выражения образа жизни – это проблемы, с которыми переводчики могут столкнуться при переводе безэквивалентной лексики, то есть совершенно неизвестных слов.*

***Annotation.** The article deals with the fact that cultural translation problems are the results of the differences between languages as a set of lexemes, and meanings, as between cultures as ways of expressing one-self identity, living style. Especially, problems when translators come across a word that may*

¹ У.Қосимов. Ҳозирги замон ўзбек адабиётида Тоғай Мурод ижоди. Тошкент, “Ёзувчи”, 1997, 14-бет.

express a concept which is totally unknown.

Kalit so'zlar: *tarjima, nazariyachi, madaniyatga oid terminlar, tushuncha, o'zlashtirish.*

Ключевые слова: *перевод, теоретик, культурные термины, понимание, овладение.*

Key words: *translation, theorists, cultural terms, concepts, naturalization.*

Madaniyat lug'at tilini o'qitish va amaliy tilshunoslikda quyidagicha belgilanadi: "(madaniyat) muayyan jamiyat a'zolarining e'tiqodlari, qarashlari, odatlari, xulq-atvori va ijtimoiy odatlari va boshqalar...". Ko'pchilik uchun madaniyat jamiyatning o'ziga xos xususiyati to'g'risida chuqurroq ma'lumotga ega bo'lish uchun ma'lum bir jamiyat yuragining eshigi hisoblanadi. Tarix orqali madaniyatlarni yetkazish turli xalqlarning madaniyatini, qadimgi xalqlarni, qadimiy tsivilizatsiyalarni, hatto tarixdan oldingi voqealarni, fikrlarni va yutuqlarni namoyish etish va namoyish etishdir. Bir necha yozuvchilar, tarjima-shunoslar va tilshunoslar turli fikr bo'limlarida madaniyatlarni tarjima qilish muammolarini to'liq muhkama qilishdi; kam sonli a'zolar madaniy xususiyatga ega bo'lgan narsani ruschadan, uzbekchadan, arabchadan inglizchaga, aksincha, tarjima qilish bilan shug'ullanishgan. Bu bir nechta sabablarga ko'ra, bo'lishi mumkin. Bir tomondan, umumlashma qilish har doim ham qiyin. Boshqa tomondan, tarjimaga bo'lgan qiziqish boshqa sohalarida ham saqlanib qolgan...

Muammo shundaki, ba'zi tillarga (madaniy o'ziga xos) nomlangan madaniy atamalar va iboralar yuklangan. Madaniy o'ziga xos iboralarni tarjima qilish qaysidir darajada qiyin, hatto professional tarjimonlarga ham ular bilan muomala qilish qiyin. Madaniy nuqtayi nazar juda noaniq bo'lgani uchun, u jamiyatning dunyoqarashini, uning e'tiqodlari, hissiyotlari va qadriyatlarini aks ettiradi. Shunday qilib, u xabarni sharhlash uchun zarur bo'lgan ma'lumotlarni to'plashga yordam beradigan ba'zi muhim omillarni o'z ichiga oladi, tarjimonga oson va samarali tarjima qilish imkoniyatini bering. Shuning uchun har qanday muddat, bir so'z yoki ibora diniy e'tiqod, ijtimoiy odatlar, urf-odatlar yoki ijtimoiy vaziyatlar, axloqiy qadriyatlar, kiyimlar turiga yoki turmush tarziga bog'liq bo'lishi mumkin bo'lgan aniq obyektlarni yoki mavhum jihatlarni bildirganda madaniy o'ziga xos deb aytiladi: ushbu madaniyat uchun xos bo'lgan oziq-ovqat, iqtisodiy prinsip, siyosiy mafkura.

Garchi ba'zi madaniy tushunchalar universal bo'lib tuyulsa-da, ammo ular bir xil tarzda talqin qilinmaydi; har bir til o'z xalqlarining tafakkuri, turmush tarzi va hatto geografik mavqeyiga ko'ra o'z talqiniga ega. Ilgari Ivir aytganidek, bu tillar turlicha jihozlangan va leksiklashtirilgan. Talqinlar mutlaqo boshqacha bo'lishi mumkin, chunki ular biroz farq qilishi mumkin. Madaniyat va hayotni idrok etishning jamiyatdan boshqasiga farqi tarjimonlar uchun juda ko'p muammolarni keltirib chiqarishi mumkin. Ular juda ko'p bo'shliqlarni keltirib chiqaradi, bu til juftlari o'rtasida juda ko'p o'xshashliklarga olib keladi. Shu sababli tarjima vazifasi juda murakkab bo'ladi.

Masalan, o'zbeklar "vijdon"ni odamning qalbida Xudo borligini tushunishadi, holbuki, inglizlar buni yaxshilik va yomonlikni bilish deb bilishadi. Aytish mumkinki, o'zbeklar bunday "vijdon" atamasini arab musulmonlarining tushunchasi bilan deyarli bir xil, ikkala til ham buni diniy tushuncha deb biladi. Arab musulmonlari uchun yaxshi va yomonning barchasi din bilan bog'liq. Albatta, Alloh bitta haqdir. yaxshilik qilish xudoga itoat qilish, yomonlik esa xudoga itoat qilmaslikdir.¹Ular uchun vijdon har doim va hamma joyda Xudo borligini his qiladi. Shunday qilib, bunday madaniy xususiyatlarga e'tibor bermaydigan tarjimon odamlar, tillar va madaniyatlar o'rtasida mavjud bo'lgan turli xil idrok etish usullarini tanii olmaydi. Yuqoridagi misolda bo'lgani kabi, tarjimon, vijdon tushunchasini noto'g'ri tushunishi, noto'g'ri talqin qilishi mumkin, chunki u barcha tillarda, turli mintaqalardagi odamlar uchun bir xil ma'noni anglatadi, deb o'ylashi mumkin.

Madaniyat juda ko'p muammolarni keltirib chiqaradi, shuning uchun tarjimonlar nafaqat til darajasida, balki madaniy darajada ham malakali bo'lishlari talab etiladi.

Madaniy tarjima muammolari – bu leksemalar to'plami sifatida tillar va ma'nolar, madaniyatlar o'rtasidagi o'ziga xoslikni, turmush tarzini namoyon qilish usullari o'rtasidagi tafovutlar natijasidir. Ayniqsa, tarjimonlar mutlaqo noma'lum bo'lgan tushunchani ifodalashi mumkin bo'lgan so'zni uchratgandi. Bu mavhum yoki aniq bo'lishi mumkin. Bu diniy e'tiqod, ijtimoiy odat yoki hatto ovqatlanish turi bo'lishi mumkin. Boshqa so'zlarda biz tarjimonni tarjima qilishda duch keladigan umumiy ekvivalent bo'lmagan narsalar to'g'risida bahslashishimiz mumkin, holbuki, ikkala til ham o'ziga xos madaniyatga ega. Quyidagi tartib:

a) madaniyatning o'ziga xos tushunchalari;

¹ Реформатский В.В. Введение в языкознание. М., "Просвещение", 1967.

- b) semantik jihatdan murakkab bo'lgan SL so'zi;
- d) manba va maqsad tillari ma'no jihatidan turlicha farq qiladi;
- e) tarjima qilinayotgan tilda ma'lum bir atama mavjud emas (giponim);
- f) jismoniy yoki shaxslararo qarashlardagi farqlar;
- g) ekspressiy ma'nodagi farqlar;
- h) shakldagi farqlar;
- i) muayyan shakllardan foydalanishning chastotasi va maqsadidagi farqlar;
- j) boshlang'ich matnda kredit so'zlaridan foydalanish.

Tarjimon uchun semantika va leksik to'plamlar haqida ma'lumot bo'lishi kerak. Chunki bu holda: ma'lum bir tizimdagi so'zning "qiymati" tarjima qilinayotgan tildagi tuzilmalar farqidadir. Bu bizga berilgan elementning qiymatini leksik to'plamda baholashga imkon beradi. Biz ekvivalent bo'lmagan semantik maydon bilan kurashish strategiyasini ishlab chiqishimiz mumkin. Ushbu uslublar ierarxik ravishda umumiy (yuqori)dan maxsus (giponim) ga ajratilgan.

Madaniy tafovutni bartaraf etish uchun ba'zi strategiyalar;

1) naturalizatsiya: tarjima qilinayotgan tilda matnga asl shaklida yuborilganda strategiya;

2) juftlik yoki uchlik va to'rtburchaklar. Noma'lum tushunmovchiliklarning oldini olish uchun tarjimon boshqa usulni qabul qiladimi, tabiiy holga keltiradimi yoki buzadigan amallarmi: uning so'zlariga ko'ra bu bitta muammoni hal qilish uchun bir qator strategiyalarni birlashtiradi;

3) neytrallashtirish. Neytrallashtirish – bu so'z darajasida parafratsiyaning bir turi. Agar u yuqori darajada bo'lsa, bir ibora bo'lar edi, elementi umumlashtirilganda (zararsizlantirilganda), u ba'zi madaniyatlarga oid so'zlar bilan ifodalanadi;

4) tavsifiy va funksional ekvivalent. Madaniy manbalarni tushuntirishda ikkita element mavjud: biri tavsiflovchi, ikkinchisi funksional. Ekvivalensiya tavsifi, hajmi, rangi va tarkibi haqida. Funksional ekvivalenti madaniy o'ziga xos so'zning maqsadi haqida gapiradi;

5) izoh sifatida izoh. Tarjimon TL o'quvchisiga qo'shimcha ma'lumot berishni xohlashi mumkin. U qo'shimcha ma'lumotni izohda tushuntiradi. U sahifaning pastki qismida, bobning oxirida yoki kitobning oxirida kelishi mumkin;

6) kompensatsiya. Matnning bir qismida ma'no, tovush effekti, pragmatik effekt yoki metafora yo'qolganda duch keladigan usul. So'z yoki tushuncha matnning boshqa qismida kompensatsiya qilinadi.

1992-yilda Lourens Venuti tarjimoni boshqarishda samarali vakolatlar haqida gapirdi. Uning fikriga ko'ra, hukumatlar va boshqa siyosiy tusharga ega institutlardan tashqari, ba'zi asarlarni tsenzura qilish yoki targ'ib qilishga qaror qilish mumkin, shuningdek, umuman nashrda turli o'yinchilarni o'z ichiga oladigan guruhlar va ijtimoiy institutlar mavjud. Bular nashriyot va muharrir bo'lib, asarlarni tanlaydi va tarjimalarni topshiradi, tarjimonlarga pul to'laydi va ko'pincha tarjima usulini aytib beradi. Ularga shuningdek adabiy agentlar, marketing va savdo guruhlari va sharhlovchilar kiradi. Ushbu o'yinchilarning har biri o'z vaqtlari va joylarining hukmron madaniy va siyosiy kun tartibida muayyan mavqega ega. Power play madaniy sharhlovchilar va tarjimashunoslar uchun muhim mavzudir. Tarjima nazariyasida ham, amaliyotida ham kuch tilni o'quvchini, qadriyatlar tizimini, e'tiqodlar to'plamini yoki hatto butun madaniyatni chiqarib tashlash yoki o'z ichiga oladigan mafkuraviy qurol sifatida ishlatadi.

Madaniyat "ma'lum bir tilni o'z ifodasi vositasi sifatida ishlatadigan jamoaga xos bo'lgan hayot tarzi va uning namoyon bo'lishi",¹shu tariqa, har bir til guruhining o'ziga xos madaniy xususiyatlari borligini tan oladi. O'quvchilarning tushunishi qiyin bo'lgan "Madaniy so'z" va bunday tushunchani tarjima qilish strategiyasi muayyan matn turiga, o'quvchi va mijozning talablariga va matndagi madaniy so'zning ahamiyatiga bog'liq.

Madaniy so'zlarni quyidagicha tasniflang:

- 1) ekologiya: flora, fauna, tepaliklar, shamollar, tekisliklar;
- 2) moddiy madaniyat: oziq-ovqat, kiyim-kechak, uylar va shaharchalar, transport;
- 3) ijtimoiy madaniyat: ish va dam olish;
- 4) bo'xona tashkilotlari, faoliyati, protseduralari.

Tushunchalar:

- siyosiy va ma'muriy;
- diniy;

1.Новикова Т.В. Англо-американские заимствования – варваризмы в современном английском языке. АКД, Санкт-Петербург, 2003.

• badiiy;

5) imo-ishoralar va odatlar.

Tarjima jarayoni uchun kontekstual omillar, jumladan:

1-matnning maqsadi;

2-o'quvchilarning motivatsion va madaniy, texnik va lingvistik darajasi;

3-SL matnida referentning ahamiyati;

4-sozlash (tan olingan tarjima mavjudmi?);

5- so'z/referentning tartibga solinishi;

6-kelajak yoki referent.

Shunday qilib, til va madaniyat bir-biriga chambarchas bog'liq bo'lib ko'rinishi mumkin va tarjima uchun ikkala tomon ham hisobga olinishi kerak. Madaniy so'zlar va tushunchalarning tarjimasini ko'rib chiqishda biz ikkita qarama-qarshi usulni taklif qilamiz: transferentsiya va komponensial tahlil. Uning so'zlariga ko'ra, transferatsiya "mahalliy rang" beradi, madaniy nomlar va tushunchalarni saqlaydi. Boshlang'ich o'quvchilar uchun ma'no madaniyatiga urg'u qo'ygan bo'lsak ham, biz ushbu usul keng kitobxonlar uchun muammolar tug'dirishi va ba'zi jihatlarini tushunishini cheklashimiz mumkin, deb ta'kidladik. Muloqotda tarjima jarayonining ahamiyati bizni "madaniyatni istisno qiladigan va xabarni ta'kidlaydigan eng aniq tarjima protsedurasi" deb ta'riflagan komponensial tahlilni taklif qilishga olib keldi.

Шербоева Нодира (ЖДПИ ўқитувчиси)
“КАШМИР ҚЎШИГИ” ЯНГИЧА ТАЛҚИНДА

***Аннотация.** Ушбу мақола Шароф Рашидовнинг “Кашмир қўшиги” қиссаси илмий тадқиқи-га бағишланган. Мақолада ҳинд халқининг қадимий севги достони таъсирида, унинг сюжети асо-сида яратилган мажозий асар яратилишидан адибнинг кўзлаган мақсади, орзу-умидлари ва ўзига хос тасвир усуллари ҳақида сўз юритилади.*

***Аннотация.** Статья представляет собой научное исследование “Кашмирской песни” Шарофа Рашидова. В статье речь идёт о том, как под воздействием древнеиндийских любовных легенд автор реализует свои мечты, цели и индивидуальные способы изображения при создании аллегорических образов в своих произведениях.*

***Annotation.** This article is dedicated to the scientific study of Sharof Rashidov's novel “Kashmir Song”. In the article, the speech goes on about the author's aim of his dreams and his unique visual ways of creating a figurative work based on his plot in an ancient love story of the Indian people.*

***Калит сўзлар:** бадий услуб, бадий маҳорат, эрк, гўзаллик, вафо, адолат, драматик ҳо-лат, руҳий кечинма, бадий ифода.*

***Ключевые слова:** художественный стиль, художественное мастерство, воля, красота, ду-ховный опыт, справедливость, драматическое состояние, душевные переживания, художествен-ное выражение.*

***Key words:** artistic style, artistic skill, will, beauty, spiritual experience, artistic expression.*

Салом, севги, салом, саодат,

Салом, ҳаёт, салом, ҳаловат!

Салом сенга, ҳаёт ошиги,

Парвоз этсин ҳаёт қўшиги,¹ –

дея куйланган “Кашмир қўшиги” қиссаси ҳинд халқининг қадимий севги достони таъсирида, унинг сюжети асосида яратилган мажозий асар бўлиб, асар мазмунан кенг ва теран воқеаларни қамраб олган. Қиссада ҳаёт, севги, эрк, гўзаллик, вафо, яшариш, адолатнинг рамзи, эзгулик тим-соллари бўлган бўлган Наргиз, Бамбур ва уларнинг дўстлари “расо акли, бийрон тили, самимияти ва назокати билан дўстлари ва дугоналарининг чин ихлосига сазовор” бўлган Лола, шунингдек, Атиргул, Наврўзгул, Ёшлик гули, Сарикгул, Оқ атиргул, Ёвунгул билан зулмат, таназул, зўравон-ликнинг рамзи бўлган қора, ёвуз кучлар – қора булутлар, Бўрон, Хоруд, Қуюн, Бўронлар ўртаси-даги кураш тасвирланади.

¹ Рашидов Ш. Эрк истар кўнгил. Т., Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1992, 34-бет (Бундан кейинги иқтибослар шу нашрдан олинади ва бети қавс ичида кўрсатилади).

Шароф Рашидов улар орқали Кашмир халқининг тарихий ўтмишини, умид ва орзусини, ҳаёти ва тақдирини, шодлик ва қайғусини ифодалайди, чет эл босқинчиларига қарши олиб борган ҳинд халқининг мардлик курашини акс эттиради. Асар кўринишдан халқ достонлари услубида – назм ва наср уйғунлигидада битилган бўлса-да, лекин асарнинг халқ ижоди намуналаридан фарқли жиҳати бор. Бу асарда назмдан кўра насрга кўпроқ ўрин берилганлигида кўринади.

Энди, ушбу асарнинг ёзилиш тарихи ҳақида тўхталсак, қисса, юқорида айтганимиздек, Кашмир халқининг қадимий севги достони асосида, яъни бу достонни яхши биладиган кашмирликлар билан қилинган суҳбатлардан илҳомланиб битилган. Бу ҳақида адининг ўзи қисса хотимасида: “Биз тушган кема Жилам дарёси ўртасидан сузиб борар экан,... Наргиз билан асаларилар шоҳи Бамбур ҳақидаги шу ажойиб кўшиқни эшитдик. У бизни ўзининг чуқур мантиқи, лўнда фалсафаси билан қизиқтириб қўйди... айтилаётган хушоҳанг кўшиқларни тинглаганимизда Кашмир ва Жамму халқларининг бой ўтмиш тарихини, уларнинг ўз ватанининг озодлиги ва мустақиллиги йўлидаги қаҳрамонона курашларини эсладик, азамат ўғлонлари ва моҳирўй кизларини сиймосида эса Бамбур ва Наргиз тимсолини кўрдик”, дея эътироф этади.

Адиб асар моҳиятига поэтик тимсоллар воситасида, нафақат Кашмир ва Жамму халқларининг мустамлакачи золимларга қарши курашларини эмас, балки халқимизнинг азалий орзу-умидларини сингдириб юборган. Шу ўринда, алоҳида таъкидлаш жоизки, “Теран тафаккурнинг содда табиий-бадий талқин билан уйғунлашиб кетиши Шароф Рашидов прозасининг характерли хусусиятидир. Ёзувчи ижодининг бош мавзуларидан бири ҳамма вақт халқнинг тарихий тақдири ва халқ тақдири орқали халқ характерини тадқиқ этиш бўлиб келди”,¹ деганда В.Кожевников нақадар ҳақ эканлигини, асар мутоласида шоҳиди бўламыз. Чунки асар, бир кўринишдан, муҳаббат мавзусидан баҳс этса-да, лекин унда адибнинг халқининг эрк ва мустақиллик ҳақидаги орзулари тўлиқ ўз ифодасини топган.

Буни биз асардаги ушбу сўзлар замирига ҳам синдирилганида кўришимиз мумкин: “Ҳаёт курашсиз бўлмайди. Одамлар курашадилар. Қушлар курашадилар. Гуллар курашадилар. Курашларда тобланадилар. Фақат курашларда зафар кучадилар!”

Демак, “Кашмир кўшиғи” қиссаси адибнинг бадий тафаккури қудрати, ўйлари, идеалларининг ўзига хос тарзда ифодалай олишида, яъни ўзи куйламоқчи бўлган эзгулик идеалларини Кашмир халқлари орасида машҳур бўлган достон асосида тақдим этади. Бу ҳақда адабиётшунос, таржимашунос олим Ғайбулла ас-Салом шундай ёзади: “Эҳтимол, ўз халқига озодлик, эрк, рўшнолик қанчалар етишмаслигини ҳеч ким унингчалик чуқур ҳис этмагандир... Эҳтимол, иқтисодий, ижтимоий ва миллий истибдод абадий эмаслиги, бир кунмас-бир кун бизнинг диёримизда, буюк амир Темур ватанида омон-омонлик бўлиши, азиз юртимиз узра мустақиллик туғи кўтарилиши ва барқарор бўлиб қолишини ҳеч ким унингчалик тасаввур қила олмагандир. Мана шу табаррук ғояларнинг барчаси тўқис ҳолда “Кашмир кўшиғи” билан “Икки дил достони”да тараннум этилди”.²

“Кашмир кўшиғи”да ҳам ана шундай жиҳатлар мужассам. Асарнинг ўзига хос яна бир хусусияти, унда Шарқ халқлари шеърий санъатларига хос жиҳатларнинг жорий қилинганлигидир. Хусусан, асарда масал жанрига тааллуқли бўлган қушлар, ҳайвонлар ва ўт-ўланларнинг жонлантирилган. Маълумки, масал жанрида турли хил рамзлар замирида ижодкор ўзи айтмоқчи бўлганларини баён қилади. Жумладан, Наргиз, Лола ва Атиргул ва Бамбурлар ўзаро суҳбатлашиб, келишиб Бўрон ва Хорудларнинг бедодликларига қарши курашиш, ўз боғларини асраб қолиш кераклигини, шундай ифодалашади:

*Агар бирлашсак, дўстлар,
Ҳар қандай ёв қочади;
Ахир, кичик юлдузлар,
Бирлашиб нур сочади.
Агар бирлашсак, дўстлар,
Ҳар қандай ёв қочади.*³

¹ Ифтихор. Матн тузувчи С.Тўйчиева. Т., “Muharrir”, 2017, 23-бет.

² Ғайбулла ас-Салом. Изҳори дил. Рашидов Ш. Эрк истар кўнгил. Т., Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-маъбаа бирлашмаси, 1992, 125-бет.

³ Шу манба.

Асарда эзгулик ва ёвузлик, ёруғлик ва қоронғилик, босқинчилар ва озодлик курашчилари ўр-тасидаги курашлар ёрқин лавҳаларда тасвирланади. Асардаги бундай тасвирлар, маълум маънода, ижодкорнинг ўз идеаллари билан ҳам боғлиқ тарзда тараннум этилган.

“Асарда иштирок этувчи бош қаҳрамон – асарилар шоҳи Бамбур, гуллар маликаси Наргиз. Емирувчи куч Бўрон билан зироат зараркунандаси Хоруд. Ҳар иккала гуруҳ – Бамбур билан Наргиз, Бўрон билан Хоруд ўзларича ёлғиз эмас. Уларнинг атрофида ўз муҳити, мадакдорлари, гумашталари бор: Бамбур билан Наргиз тарафида – кушлар, гуллар, дов-дарахтлар, муаттар хидлар, дил ришталари, нур, майсалар... Бўрон билан Хоруднинг измида – шамол, вабо, изғирин, чакмоқ ва бошқалар. Бамисоли табиат билан жамият бир-бирига муқояса қилингандай: табиий ҳодисаларда ҳам зуҳур кўргизгандай бир сирли таассурот пайдо бўлади.

Муаллиф юсак ҳаёлот парвозида қалам сурган. Табиатнинг жонланиши, тилга кириши, яшаш учун курашдан иборат табиий ҳаракатга ҳаётбахш фаолиятининг сингдирилиши хайратга сазовор”, деб ёзади Ғайбуллоҳ ас-Салом.¹

Ҳаётда ҳам ёмон, ичи қора инсонлар оқ кўнгилик инсонларни кўра олмагандай, қиссада ҳам ёвузлик, вайронкорлик гўзаллик ва муҳаббат тантанасини, ободончилик ва бунёдкорликни кўролмаганлигини, адиб рангин буёқларда тасвирлаб беради.

Қисса гуллар боғида энг олдин очилган ва ўз чиройи билан оламга шуҳрат ёйган гўзал Наргизнинг ҳусни-жамолини тасвирлаш билан бошланади: “Бир кўришда унга мафтун бўлмаган, уни куйламаган, унинг васлини армон этмаган ким бор? Унинг дийдорини бир кўриш орзусида зор юрганлар озмунчами? Мана, у, шоҳи кўйлаги устидан зангор бахмал нимчасини кийиб, жамики гуллар кўркини жо этган бежирим оппоқ дуррачасини танғиб, қулоқларига шабнамнинг инжу қатраларидан исирғалар тақиб ёшлик ва гўзаллик нашидаларидан, орзу-умидларидан сархуш бўлиб товусдек товланиб турибди... Бироқ унинг тимқора чарос кўзлари маъюс... кимнидир соғинади, кимнидир кўмсайди” (10-бет).

Қисса давомида маълум бўладики, кўнгида пок туйғу муҳаббат уйғонган, яъни асарилар шохининг ўгли шахзода Бамбурга ишқи тушган Наргизнинг айрилиқ қалбини эзмокда, юрагини ўртамокда, шу сабабдан у маҳзун кўшиқ куйлаяпти:

*Жоним, кетдинг йироққа,
Мени кўйиб фироққа.
Кела қолсанг-чи, ёшим
Тенг қилмайин булоққа. (10-бет)*

Ишқ оташида ёнган Наргиз айрилиқ чидолмай, Бамбурни васлига етиш учун, ёрини топиб, бахтиёр ҳаёт бунёд қилиш учун сафар қилмоқни аҳд қилади. Уни бу аҳдни эшитган кушлар, ундан сўрашади:

*– Наргиз, йўлинг олис, етоласанми?
Говлар кўп, сен енгиб ўтоласанми?
– Манзилга албатта етаман, дўстлар!
Гов бўлса енгаман, ўтаман, дўстлар!
– Агар Бўрон турса, тўсса йўлингни,
Хорудлар ёпишса, узса қўлингни,
Қумлар олов бўлиб куйдирса агар,
Йўлларингни тўсса азим дарёлар,
Йўлаган ўйингдан қайтарми дилинг,
Сўйла, афсусини айтарми тилинг?
– Дўстлар, тўсолмайди Бўрон йўлимни,
Узиб ташлолмайди Хоруд қўлимни.
Қумлар олов бўлиб куйдирганда ҳам,
Дарёлар тошса ҳам, мен туриб бардам,
Йўлаган ўйидан қайтмайди дилим,
Афсус кўшигини айтмайди тилим. (11-бет)*

Ҳақиқатдан, кушлар айтгандай, бундай шодон саодат онларини кўролмай, ҳасад оловида қовурилиб юрган эзгулик душманлари севишганлар бахтига чанг солишга ҳаракат қилишади. Оромгоҳ Наргиз билан Бамбурни тўйга тайёрланар экан, бу бахт масканини зимдан кузатиб, кўролмай,

¹ Ифтихор. Матн тузувчи С.Тўйчиева. Т., “Muharrir”, 2017, 5-бет.

хасад оловида қовурилиб юрган омонлик душманлари чидаб туролмай тўйни бузмокқа шайланишди. Яъни, Бўрон ҳамфикр, ҳамдардлари момақалдинок билан чақмоқни ёрдамга чақириб, атрофни қора булут билан тўшиб, чақмоқлар чақтириб, зилзила айлантирди. Шунда ҳам мақсадига етолмаслигини билгач, Бўрон ўзининг энг ашаддий дажжолларини чақирди ва: “Наргиз билан Бамбур йўлини ер юзидан супуриб ташланглар, токи ораларида ўтиб бўлмас тоғлар, жарлар пайдо бўлсин, деб ўқирди!”(18-бет).

Асарда қора куч вакили дажжол Бўрон маълум муддат муродига етгани ва Наргизга “– Ма-на, кўрдингми, – деди унга, жаҳаннам оловларини сочиб турган кўзларини қадаб, –мен сени қанчалик яхши кўраман Наргиз! У энди йўқ, қайтиб келмайди, келолмайди ҳам, – деди, ҳатто Бамбур номини тилга ҳам олмай. –Ҳаммаёқ яқсон бўлган. Фақат сенгина, сенинг боғингина омон қолди. Энди рад этма кўлимни, Наргиз! Барибир, фойдаси йўқ” (16-бет), деган сўзларига жавобан Наргиз “– Бўрон, сен билан биз ҳеч қачон келиша олмаймиз! Ер билан офтоб, балки бирлашур, аммо омонлик билан ёвузлик, уруш билан тинчлик – ҳеч қачон! Овора бўлма, дарёларни терс буриб, тоғларни кўпорганинга ҳам ниятингга етолмайсан! Гулни узиб ташлайсан, лекин эртами кечми унинг ўрнида бошқаси очилади! Очилаверади! Очилаверади! Бамбурнинг йўлларига ўт қалайсан, у, барибир, келаверади! Тоғлар пайдо қиларсан, йўлларимизни дарёлар билан тўсарсан, барибир, у ҳаммасини енгиб келаверади! Келаверади! Келаверади! Қудратинг бор, кўп нарсага қодирсан, лекин севишганларни бир-бирдан жудо қилишга ожизсан!” (16-бет).

Дарҳақиқат, улар, Наргиз айтгандай, ўз мақсадларига эриша олмайди. Чунки бутун борлик билан табиат бирлашиб, бу ёвуз кучларни мавҳ этадилар. Бунга, албатта, уларнинг ўзаро ҳамжиҳатлиги ва оғир кунларда ҳам биргаликда ҳаракат қилишлари, бир-бирларини қўллаб-қувватлашлари асос бўлади. Наргизга жамики борлик ёрдамга келади: гуллар, мевазор дарахтлар. Натижада эзгулик тантана қилади. Шунингдек, қиссада Атиргул, Лола, Ёбонгул, Наврузгул каби қаҳрамонлар асардаги бадиий нафисликни таъминлайди.

*Офтоб,
Офтоб,
Қайдасан, офтоб?
Қани, Наргиз,
Қани у моҳтоб?
Қани ўзингёйганпоёндоз?..
Наргиз,
Наргиз,
Севгим йўлдоши! (31-бет)*

Юқоридаги таҳлиллардан кўриниб турибдики, қиссадаги ҳар бир қаҳрамон бетакроп. Шунингдек, “Қашмир кўшиғи” қиссаси адабнинг бадиий тафаккури қудрати, ўйлари, идеалларининг ўзига хос тарзда ифодадай олиш маҳоратини кўрсатувчи асардир. Унда муаллиф ўзи куйламокчи бўлган эзгулик идеалларини Қашмир халқлари орасида машҳур бўлган дoston асосида тақдим этади”¹ деган қарашлар нақадар тўғри эканлигини ўрганиш жараёнида гувоҳи бўлдик.

Kazakov Baxram Allayarovich (katta o‘qituvchi), Askar Reimbayevich Tabinboyev (QQDU) ORGANIZMNING O‘SISHI VA RIVOJLANISHIGA TA‘SIR ETUVCHI OMILLAR

Аннотация. Ushbu maqolada inson jismoniy mashqlar bilan muntazam shug‘ullantirish undagi jismoniy qobiliyatlar bilan bir vaqtda yurak qontomir tizimini faoliyatini fiziologik o‘zgarishlarni ijobiy tasirini bayoon qiladi.

Аннотация. В данной статье регулярные описываются физические упражнения, которые оказывают положительный эффект на физиологические изменения в деятельности сердечно-сосудистой системы наряду с физическими возможностями.

Annotation. In this article, regular physical exercise describes the positive effect of physiological changes in the activity of the cardiovascular system, along with physical abilities.

Калит сўзлар: jismoniy ish qobiliati, nerv, gimnastika mashqlari, ATF, KF, yosh davrlari, muskul-lar, suyaklar, o‘pka, yurak qon-tomir tizimi.

¹ Туропова П. Адабий-эстетик идеал категориясининг трансформацияланиш жараёни (жиззахлик ижодкорлар мисолида). Т., “Мумтоз so‘z”, 2020, 62-бет.

Ключевые слова: физические возможности, нервы, гимнастические упражнения, АТФ, МВ, юный возраст, мышцы, кости, легкие, сердечно-сосудистая система.

Key words: physical abilities, nerves, gymnastic exercises, ATP, MV, age, muscles, bones, lungs, cardiovascular system.

Yosh organizm normal o‘sishi va rivojlanishida qad-qomatning shakllanishida gimnastik mashqlar, jismoniy ishlar, muhim rol o‘ynaydi. Mehnat va gimnastik mashqlar bilan muntazam shug‘ullanganda ishlab turgan muskul va suyaklarga qon oqib kelishi kuchayadi. Natijada o‘sha muskul va suyaklar pishiq va yiriqroq bo‘lib qoladi, suyaklarning musqullar birikadigan joylari esa ancha sezilarli bo‘lib qoladi. Muskullarning ko‘ndalang qismi va hajmi kattalashadi, nafas organlarning rivojlanishi hamda yurak-qon tomirlari faoliyati ritmi roslanadi.

Gimnastik mashqlar bilan shug‘ullanish bolalarda yangi harakatlar kabi jismoniy rivojlanish bilan birga, aqliy rivojlanishiga ham yordam beradi. Aqliy va jismoniy ish qobiliyati ko‘tariladi. Nerv-psixik sohasining oliy darajada aktivlanishini talab etadigan ishni bajarishda odamning potensial qobiliyatini, aqliy ish qobiliyatini nerv muskul tizimini esa jismoniy ish qobiliyatini tashkil etadi. Yosh organizmda barcha fiziologik jarayonlar yagona sutkalik kecha-kunduzlik ritmiga bo‘ysunadi. Sutka mobaynida organizm bir xil holatda bo‘lmaydi. Sutkaning ayrim davrlarida uning aktivligi va ish qobiliyati yuqori, boshqa davrlarda past bo‘ladi.¹

Bunga ta‘sir qiladigan asosiy omillar kun bilan tunning almashinuvi harorat, havo namligi, atmosfera bosimining sutka davomida o‘zgarish, shuningdek, kundalik rejim, ishning turi, vaqti va boshqalar kiradi. Ko‘pgina fiziologik jarayoning yuqori aktivlik fazalari yig‘indisi organizm harakatini uning ishqobiliyatini ifodalaydi. Ko‘p jarayonlar kunduz kuni aktiv kechgani tufayli butun organizm ham kunduzi aktiv bo‘ladi.

Dars jarayonida harakatsiz o‘tirish natijasida aqliy ishdan keyin tolqish boshlanadi, shuning uchun qisqa vaqtichida ayrim gimnastik harakatlar qilish kerak.

Jismoniy tarbiya va sportni, aqliy mehnat deb taqsimlashning o‘zi ma‘lum darajada shartlidir, chunki aqliy charchash, ayni vaqtda, ish qobiliyatining pasayishi bilan o‘tadi. Harakat aktivligi yetarli bo‘lmagan holda, uzoq vaqtgacha aqliy mehnat bilan shug‘ullanish natijasida organizmning yurak-qon tomir va nafas olish tizimlari funksional holatning sustlashuvi, garmonal faoliyatning zaflashishi kuzatiladi.

Jismoniy ish aqliy mehnat bilan unumli shug‘ullanishga imkon beradi. Jismoniy tarbiya odam organizmning normal o‘sishi rivojlanishida, qad-qomadning shakllanishida muhim rol o‘ynaydi. Muntazam ravishda mehnat, jismoniy tarbiya va sport bilan shug‘ullanish natijasida muskul to‘qimasida moddalar almashinuvi kuchayadi, muskullarga qon kelishi ko‘payadi bu esa ularning ozi moddalar bilan ta‘minlanishini yaxshilaydi. Tekshiruvlardan ma‘lum bo‘lishcha jismoniy mashq bilan shug‘ullanuvchi kishilarning har 100 ta muskul tolasiga mayda qon tomirlari (kapillarlar)ning soni boshqalarning muskulidagiga nisbatan ikki marta ko‘p bo‘ladi. Bunday odamlar muskullarining qon, kislorod, oziq moddalar bilan ta‘minlanishi yaxshi bo‘lganligi uchun muskul hujayralari sitoplazmasida oqsil, ATF, KF, gemoglobin miqdori ko‘payadi. Bu esa muskul tolalarining yo‘g‘onlashuviga va ular mustahkam bo‘lishiga, qisqarish kuchining ortishiga olib keladi.²

Muskullarning yaxshi rivojlanishi, tolalari va paylarining baquvvat mustahkam bo‘lishi, o‘z navbatida, suyaklarning yaxshi rivojlanishida, ularning mustahkam bo‘lishiga imkon beradi. Shuning uchun ham odam yoshligidan boshlab jismoniy tarbiya va sport bilan muntazam ravishda shug‘ullansa, tayanch-harakat sistemasining o‘sishi, rivojlanishi, shakllanishi yaxshi bo‘ladi. Shu bilan birga, organizmning boshqa hayotiy muhim organ va sistemalar (o‘pka, yurak, yuqon-tomir, jigar, buyraklar, oshg‘ozon-ichak, nervlar) funksiyasi ham yaxshilanadi. Buning natijasida odam organizmi har tomonlama garmonik rivojlangan, baquvvat, tashqi muhitning noqulay ta‘siriga chidamli chiniqqan bo‘ladi. Ma‘lumki, bunday kishilar kasalliklarga ham chalinmaydi va uzoq umr ko‘radi. Mashhur fiziologik olim I.P.Pavlov 87 yil umr ko‘rdi. U juda ishchan, sog‘lom, o‘tkir zehnik, harakatchan, tetik odam bo‘lgan, u jismoniy mehnatning ahamiyati haqida shunday deb yozgan edi: «Men butun umrim bo‘yi aqliy va jismoniy mehnatni sevib keldim, ikkinchisini, hatto ortiqroq sevaman».

Jismoniy tarbiya sog‘liqni mustahkamlash, yuqori ish qobiliyatiga erishishga hayotiy muhim hara-

¹N.G.Azimov, Sh.Sobitov. Fiziologiya. Jismoniy tarbiya instituti uchun o‘quv qo‘llanma. T., O‘zDJTI nashriyot bo‘limi. 1996, 123-bet.

²U.Z.Qodirov. Odam fiziologiyasi. T., “Ibn Sino”, 1996, 167-bet.

kat o'quv va malakalarni egallashga yo'llangan. U odamning unumli mehnat qilishga tayyorlashda muhim ahamiyatda ega. Jismoniy xususiyatlardan tashqari, tezlik, kuchlilik, chaqqonlik, chidamlilik bu vaqtda qimmatli ruhiy xususiyatlar (matonat, iroda, maqsadga intilish, qat'iylik, o'zini idora qilabilish) ham rivojlanadi. Turli xil jismoniy mashqlar, harakatli o'yinlar, sport jismoniy tarbiyaning vositalari hisoblanadi. Ular bilan uy sharoitida (ertalabki gimnastika) maktabda (jismoniy tarbiya darslari) sport va turistik seksiyalarda, bolalar hamda o'smirlar sport maktablarida shug'ullanadi.

Turli gramma muskullar bug'im va bog'lamlarni muntazam ravishda mashq qildirish ularning funksiyasi va koordinatsiyasini kuchli rivojlantiradi. Jismoniy yuklama organlar va organizm sistemasini (yurak-muskul, nafas olishni) harakat apparatlarining normal faoliyatini ta'minlaydi, moddalar almashinuvi prosesini mashq qildiradi. Turli xil mashqlarni har kuni ma'lum miqdorda bajarish, o'zini hech qanday bo'shashtirishga yo'l qo'ymay, ularni to'g'ri va oldindan belgilangan hajmida bajarishga intilishi odatini keyin esa axloqiy qoidalariga qat'iy rioya qilish ehtiyojini shakllantiradi. Shular tufayli odamning intizomi ortadi, ular irodasi mustahkamlanadi.¹ Turli yoshda jismoniy tarbiya turli xil vazifalarga ega 7–10 yoshda muskul sezgilarini harakat tempi va harakatlar ko'llamini, muskullar taranglashishini va bo'shashini farq qilish qobiliyatini takomillashtiradilar. Ular harakatlarning, uni kerakli yo'nalishlarda, ritmda va tempida, tegishli muskullar taranglashishi bilan mashqlar bajaradilar. Agar maktab o'quvchilari harakatlarning asosiy elementlarini to'g'ri bajarishini o'rganish magani bo'lsalar (sakrash, irg'atish, gimnastika, akrobatik mashg'lar va h.k.), harakatni oxirigacha yetkazishga intilsalar, birinchidan, ular sportda yaxshi natijalariga erisha olmaydilar, ikkinchidan, ularda intizomlik va o'zini nazorat qilish rivojlanmaydi.²

Harakat texnikasini takomillashtirish bilan bog'liq. 11–14 yoshda egallangan malakalarni mustahkamlash bilan birga sharoitning murakkabligi va sport texnikasi bo'yicha (chang'i, konkida uchish, suzshi, yengil atletika, koptok o'yinlari bilan) bajariladigan harakatlarni asosiy turlarini ham egalaydilar.

Bu yoshda jismoniy mashqlar bilan sistemali ravishda shug'ullanishga odatlanish shakllanadi va mustahkamlanadi. Umuman, o'smir yoshdagi o'quvchilarda jismoniy yuklama kichik yoshdagi maktab o'quvchilaridagiga qaraganda ko'p bo'lishi mumkin. Tasodifiy emas, masalan, boshlang'ich sport tayyorgarligi gruppalarda sport gimnastikasi, suzish, figurali uchish, tennis mashg'ulotlariga 7 yoshdan, futbol, haqiqiy beshlik musobaqa o'yini kurashga 12 yoshdan kiradi. O'rta yoshdagi maktab o'quvchilari, ko'pincha o'z jismoniy imkoniyatlarini ortiqcha baholaydigan bo'ladilar. Mana, o'shanda muvaffaqiyatsizlik, uzilishi, jismoniy mashqlarning turli hillardagi past natijalarularda o'ziga bo'lgan ishonchning yo'qolishiga, shu bilan birga, jismoniy mashg'ulotlarga salbiy munosabatga bo'lishiga olib keladi. 15–17 yoshda ilgari o'zlashtirilgan harakatlar asosiy turlarini takomillashtiradilar, chidamlilikning ko'pstatik va tezlik turlarini rivojlantiradilar, sport mashqlarining mustaqil metodikasi bo'yicha bilimlarini egallaydilar, jismoniy mashqlarni tanlash va bajarish malakasini shakllantiradilar, harakatlarsifati, ularni analiz qilish yuzasidan o'z-o'zini kuzatish qobiliyatini hosil qiladilar.³ Bu yoshda kuch yuklamasi oshirilgan bo'lishi mumkin, ammo katta yoshdagi maktab o'quvchilari organizmning muhim xususiyatlarini esda tutish zarur, ularning chidamliligi kuchidan orqada qoladi. Bundan tashqari, bu yoshda tayanch harakatlanish sistemasining imkoniyatlari yurak-qontomir sistemasining imkoniyatlaridan ortib ketadi. Shuning uchun jismoniy yuklama yurak faoliyatini biror-bir izdan chiqishiga olib kelmasligi kerak.⁴ Erkak va ayol organizmning jismoniy imkoniyatlari bir xil emas. Erkaklar jadal fizik yuklamani engil bajaradilar, ular katta kuchdagi harakatlar amplitudasiga ega.

Ayollar chidamli, bo'lib, uzoq muddatli ishlarni yaxshi bajaradilar. Shuning uchun o'g'il bolalarning jismoniy tarbiyalash metodlari birmuncha farq qiladi. Chidamlilikni, tezlikni rivojlantirish mashqlari, harakatlari aniqligi o'quvchilarning har ikkala jinsi uchun bir xil foydali, lekin o'g'il bolalarga kuchni rivojlantirish mashqlari, qiz bolalarga esa elastiklikni rivojlantirish mashqlari qo'shilishi zarur. Ko'pchilik o'smir qizlar va voyaga yetgan qizlar jismoniy mashqlarni qadriga yetmaydilar. Ular jismoniy jihatdan yetarli aktiv emas, 10–12 yoshdagi qizlarni jismoniy imkoniyatlari 16–17 yoshdagi qizlarga qaraganda ancha yuqori bo'lishi bejiz emas, bu ayollar organizmning shakllanishiga salbiy ta'sir etadi.

O'g'il bolalar, o'smirlar va o'spirinlar o'zlarining jismoniy imkoniyatlariga ortiqcha baho berish xususiyatiga ega bo'ladilar. Bu ularni ma'lum darajada o'ylamasdan ishqilishga majbur etadi. Masalan,

¹Sh.Aminjanov. "Jismoniy madaniyatning fiziologik asoslari" fanidan ma'ruzalar matni, 2003, 140-bet.

²Sh.Qurbonov, A.Qurbonov. Jismoniy mashqlarning fiziologik asoslari. T., 2003, 203-bet.

³G'.Azimov, Sh.Sobitov. Fiziologiya. Jismoniy tarbiya institutlari uchun o'quv qo'llanma. T., O'zDJTI nashriyoti, 1996, 167-bet.

⁴O.G.Alyaviya, A.N.Qodirov, Sh.Hamroqulov, E.Xalilov. Normal fiziologiya. T., "Yangi asr avlodi", 2007, 151-bet.

ular kuchi yetmaydigan o'g'irlikni ko'tarishga, juda katta balandlikdan sakrashga shunday qilib noo'rin kuch sarflashga jasurlik ko'rsatishga harakat qiladilar. Ular, ko'pincha, jismoniy kuchlariga ortiqcha baho beradilar, kam namoyish qilinadilar, ammo hayotiy birmuncha muhim xususiyatlarning mensimaydilar, ayniqsa, chidamlilikni qadriga yetmaydilar. Xususan, o'smirlar, birinchi navbatda, shuni esda tutish kerakki, atrofdagilar hurmatiga, jismoniy xususiyatlarning namoyish qilib emas balki faqat foydali ishlar bilanlangina sazovor bo'lishi mumkin. Jismoniy tarbiya organizmga rivojlantiruvchi, takomillashtiruvchi va tuzatuvchi ta'siretadi. U qaddi-qomatdagi nuqsonlarni umurtqa pog'onasining qiyshiqqligini, bukchayganligini yo'q qiladi. Jismoniy mashqlar yordamida qomatdagi ayrim kamchilikla niya'ni ko'krak botiqligi, yelka qiyshiqqligi va muskullarning yaxshi rivojlanmaganligini ham to'g'rilash mumkin.

**Турсунова Нигора Анварона (Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети ўқитувчиси, e:mail)
ТАЛАБАЛАРНИНГ СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ**

Аннотация. Инсон ўз саломатлиги ва соғлом турмуш тарзига доимо эътибор бериши жуда муҳим. Мазкур мақолада олимлар томонидан ёзилган педагог йўналишидаги талабаларнинг соғлом турмуш тарзи, унинг тамойиллари, яъни овқатланишни тўғри ташкил қилиши, жисмоний фаоллик, кун ва ишни биологик режимлар асосида ташкил қилиши, руҳий осойишталик ёки асабий мувозанатни таъминлаш, тоза ҳаво, қўёш, сувнинг аҳамияти, уйқуни тўғри ташкиллаштириши, ичкиликбозлик, кашандалик ва гиёҳвандлик каби одатлардан ўзини тийиши, жамоа ва шахсий гигиенага риоя қилиши, атроф-муҳитга бўлган муносабат ҳамда жинсий тарбия юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилган.

Ушбу мақолада бўлажак педагогларга соғлом турмуш тарзига қай тарзда ёндошиши, зарарли одатларни четлаб ўтиши, ҳаётни севиши, маънан юксалиши, соғлом ва бахтли ҳаёт сари илк қадам ташламоқ кераклиги ёритилган.

Аннотация. Здоровый образ жизни и здоровье человека всегда в центре внимания общественности. В статье приведены литературные данные о здоровом образе жизни, организации правильного питания, физической активности, организации рабочего времени по биологическому ритму, психологическом равновесии, значении чистого воздуха, солнечных лучей, воды, правильном режиме сна, соблюдении личной и общественной гигиены, борьбе против курения, наркомании и алкоголизма, влиянии на окружающую среду и половом воспитании студентов-педагогов.

В статье освещены вопросы правильного подхода будущих педагогов к здоровому образу жизни, профилактике вредных привычек, любви к жизни, духовному развитию, о верном пути к здоровой и счастливой жизни.

Annotation. It is necessary to pay constant attention to lifestyle and human health. This article provides opinions on a healthy lifestyle, its sections, organization of proper nutrition, physical activity, organization of working time according to biological rhythm, psychological balance, the meaning of clean air, sunlight, water, proper sleep patterns, personal and public hygiene, the fight against smoking, drug addiction and alcoholism, environmental impact and sex education of student teachers.

This article highlights the questions for future educators how to look at the world, lead a healthy lifestyle, prosperity and follow the heels of a healthy and happy life.

Калим сўзлар: соғлом турмуш тарзи, рационал овқатланиши, жисмоний фаоллик, руҳий осойишталик, асабий мувозанат, уйқуни тўғри ташкиллаштириши, жамоа ва шахсий гигиена, жинсий тарбия.

Ключевые слова: здоровый образ жизни, рациональное питание, физическая активность, психологическое равновесие, правильный режим сна, соблюдение личной и общественной гигиены, половое воспитание.

Key words: healthy lifestyle, balanced diet, physical activity, psychological balance, proper sleep, personal and public hygiene, sex education.

Буюк аллома Абу Али ибн Сино соғлом турмуш тарзининг саломатликни сақлашдаги ўрни ниҳоятда бекиёс эканлигига алоҳида эътибор билан қараган. Соғлом турмуш тарзи деганда инсонга табиатан берилган салоатликни сақлаб қолиш, унинг ўз танасига ва ўз-ўзига муносабати деб туншунган. Узоқ яшаш ҳақида фикр юритиб, феъл-атворнинг юмшоқ, вазмин бўлиши, ўз вақтида ов-

катланиш, озода юриш, танани ортиқча нарсалардан тозалаб туриш, бурун орқали тоза ҳаводан нафас олиш, тўйиб ухлашга алоҳида эътибор беришни уқтирган.¹

Инсоннинг саломатлиги – бу организмнинг ақлий, жисмоний, руҳий ва ижтимоий жиҳатдан баркамол ривожланиш ҳолатидир. Олимларнинг олиб борган адқиқотлари шуни кўрсатадики, инсоннинг саломатлик ҳолати ўткир ёки сурункали касалланишлар, жароҳатланишлар ва оғриқларнинг бор-йўқлиги билан баҳоланмайди, инсон танасининг шаклланиши билан чегараланади. Инсоннинг руҳий кечинмалари, ўзига хос хусусиятлари жамият билан бирга узвий боғланган, шу сабабли саломатликнинг ўрни бекиёсдир. Саломатлик фалсафаси ҳар бир одамнинг ҳаётий позициясига айланмоғи ва тафаккуридан мустаҳкам ўрин олмоғи зарур. Афсуски, кўпчилик инсонлар саломатликларини йўқотгач, унга эътибор қаратишади. Кўп ҳолларда, оғриқ сезилмаса ҳаммаси жойидагидек ҳисобланади. Шунингдек, қатор касалликларнинг бошланғич босқичлари ҳеч қандай белгиларсиз кечади. Шу сабабли энг асосий саломатлик ҳолатини белгиловчи омиллардан бири бўлган даврий кузатувларни амалга ошириш зарур. Бир кишининг саломатлиги барчанинг иши эканлиги шиоримизга айланиши керак. Аҳоли гуруҳларининг саломатлик ҳолатини илмий нуқтаи назардан ўрганиш, баҳолаш ва уни яхшилаш мақсадида тавсиялар ишлаб чиқиш олимларнинг асосий вазифалари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев ПҚ-4063-сонли 18.12.2018 қарори билан 2019–2022 йилларда юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллиги даражасини ошириш концепцияси ва дастури тасдиқланди. Хужжатда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш борасида профилактика чора-тадбирларини самарали мувофиқлаштириш тизими мавжуд эмаслиги фуқароларнинг жисмоний фаоллиги даражасини қўллаб-қувватлаш ва соғлом турмуш тарзини юритишда келишилган чоралар кўриш имконини бермаяпти. Хужжатга мувофиқ, Тошкент тиббиёт академияси хузуридаги республика диетология ўқув-илмий маркази негизида “Аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллигини ошириш” маркази ташкил этилади.

Марказ соғлом турмуш тарзини шакллантириш, юқумли бўлмаган касалликлар ва уларнинг хавф омилларига қарши курашиш ҳамда олдини олиш бўйича мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, зарарли одатларга қарши курашиш, аҳолининг тиббий маданиятини ривожлантириш, жисмоний тарбия - соғломлаштириш бўйича тадбирларни ўтказиш билан шуғулланади.²

Соғлом турмуш тарзи – муайян популяциянинг соғлиғини сақлаш, мустаҳкамлаш ва тиклашга ёрдам берувчи услуб, ахлоқдир. Соғлом турмуш тарзи – бу нафақат тиббий, балки ижтимоий-иқтисодий тоифа ҳамдир, у ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқарувчи муносабатларининг ривожланишига боғлиқ бўлади. Соғлом турмуш тарзи шахснинг саломатликка нисбатан салбий ҳаётий услубини танлашга боғлиқ бўлиб, алоҳида ижтимоий гуруҳлар ва умум жамоатчиликнинг гигиеник маданияти юқори даражада бўлишини назарда тутади.³

Гигиеник жиҳатдан оқилона ахлоқ кўринишларига организмнинг ҳимояловчи хусусиятини оширишга ёрдамлашувчи ҳамда саломатликка салбий таъсир кўрсатувчи зарарли одатларга қарши курашишга йўналтирилган феъл-атворларга хосдир. Организмнинг ҳимояловчи хусусиятларини ошириш фаолият ва дам олишнинг турли кўринишларининг режимини, оқилона овқатланиш, ҳаракатланиш фаоллиги, жисмоний тарбия, чиниқиш, шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш ва ўз саломатлигини мунтазам кузатиб бориш кабиларни ўзида мужассамлаштиради.⁴

¹ Соғлом турмуш тарзи ва унинг тамойиллари. Болалар ва ўсмирлар гигиенаси. Дарслик, Г.И.Шайхова таҳрири остида, Тошкент, 2009, 18–20-бетлар.

² Соғлом овқатланиш – саломатлик мезони. Т., “Ўзбекистон”, 2015, 6–9-бетлар; Тутельян В.А., Суханов Б.П., Керимова М.Г. Предпосылки и факторы формирования региональной политики в области здорового питания в России. «Вопросы питания», 2007, №6, том 76, с. 39 – 43; Учебное пособие к практическим занятиям по гигиене питания. Ташкент, 2014, с. 4 – 48; Шайхова Г.И. Гигиенические требования к рациональному питанию. Учебник, Т., 2015, с. 37 – 40.

³ Соғлом турмуш тарзи ва унинг тамойиллари. Болалар ва ўсмирлар гигиенаси. Дарслик, Т., 2009, 18–20-бетлар; Зокирходжаев Ш.Я. Буюк алломалар рационал овқатланиш ва саломатлик ҳақида. Соғлом овқатланиш – саломатлик мезони. Т., “Ўзбекистон”, 2015, 294–297-бетлар.

⁴ Королев А.А. Энергетическая, пищевая и биологическая ценность питания. Гигиена питания. 3-е издание, М., 2008, с. 22 –156; Отажонов И.О. Талабалар фактик овқатланиши гигиеник таҳлили. “Ёш олимлар кунлари”. Аспирантлар ва изланувчилар илмий-амалий конференцияси материаллари. Т., 2008, 22–23-бетлар.

Талабаларга нисбатан қўллаганда, доимо шуни эътибордан четда қолдирмаслик керакки, бо- ланинг ўзи ҳар доим ҳам муносиб ҳаёт фаолият и усулларини таъминлай олмайди. Ота-оналар, таълим ташкилотчилари, мураббийларга кўп нарса боғлиқ бўлади. Бу борада бола суст бўлади, ам- мо кўпинча унинг келажакдаги феъл-атвори ва ҳаётини фаолияти қандай ташкил этилишига боғ- лиқ бўлади.

Инсон узоқ умр кўришни истайди, бироқ касалланишига олиб келувчи омиллар ва уларни бартараф қилиш кераклигини тушунишни хоҳламайди. Узоқ ва қизиқарли ҳаёт тарзи, асосан, тур- ли касалликларнинг олдини олиш ва уларнинг фаол тикланиш мезонларидан тўғри фойдаланишни талаб қилади.

Саломатликнинг бир нечта асосий шартлари бўлиб, булар қуйидагилардан иборат:

«Кимки ўз соғлиғини сақламоқчи ва мустаҳкамламоқчи бўлса, овқатланиш тартибига, истеъ- мол қилинаётган таомнинг сифатига, миқдорига, истеъмол қилиш вақти ва унинг ҳазм бўлиш жа- раёнига асосий эътиборни қаратмоғи лозим» (буюк аллома Ибн Синонинг «Тиб конунлари» кито- бидан).

Овқатланишни тўғри ташкил қилиш – бу кундалик истеъмол қиладиган озиқ-овқатларни ки- ши танасидаги физиологик, биологик талаблар асосида ташкил этиш. Тўғри овқатланиш шундай ташкил этилиши керакки, у ўзининг физик, кимёвий ҳамда биологик хусусиятлари билан инсон танасига оғирлик қилмаслиги, аксинча, тез ва осон ҳазм бўлиб, организмни керакли озиқ моддалар билан таъминлай олиши лозим.

Рационал овқатланиш – инсоннинг жинси, ёши, иш характери ва бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда, фаол узоқ умр кўриш, юқори жисмоний ва ақлий иш қобилияти, ташқи муҳит зарарли омилларига қаршиликни оширувчи ва соғлиқни сақлашга ёрдам берувчи физиологик тўла қиймат- ли овқатланиш тушунилади. Рационал овқатланишнинг асосий принциплари қуйидагилардан ибо- рат: овқат рационининг энергетик қиймати; овқат рационининг асосий компонентлар билан муво- фиқлаштирилганлиги (оқсиллар, ёғлар, витаминлар, углеводлар, микроэлементлар); овқат истеъ- мол қилиш режими ва шароити; тўғри овқатланиш шундай ташкил этилиши керакки, у ўзининг физик, кимёвий ҳамда биологик хусусиятлари билан инсон танасига оғирлик қилмаслиги, аксинча, тез ва осон ҳазм бўлиб, организмни керакли озиқ моддалар билан таъминлай олиши лозим; тўрт маҳалли овқатланиш мақсадга мувофиқ: кунлик истеъмолнинг 20–25% нонуштага, 30–35% – туш- ликка, 10–15% – толма чойга ва 20–25% – кечки овқатга бўлиниши керак; овқатланиш куннинг маълум бир вақтида бўлиши зарур, уйқудан 2–3 соат олдин овқатланиш керак, овқатлар хилма-хил бўлиши лозим, оқсилли овқатлар (мол, товуқ, балиқ гўштлари, тухум, пишлок) рационда бир ма- ротабадан кам бўлмаслиги керак, ҳафтасига 1–2 кун кўпроқ миқдорда кўкатлар, сабзавотлар ва ме- валар истеъмол қилиб вегетарин куни деб эълон қилиниши лозим, кунлик овқат таркибида камида бир маротаба хўл мева ва сабзавотлар бўлиши, шакар ва тузни меъёрида истеъмол қилиш ке- рак. Шакар ўрнини асал, қуритилган хурмо ёки мағизга алмаштириш мумкин.

Инсон кундалик ҳаётида жисмоний машқлар, спорт ўйинлари, баданни чиниқтирувчи муо- лажалар билан кўпроқ шуғулланса, унинг танасидаги физиологик, биологик жараёнлар тезлашади ва оқибатда кайфияти кўтарилади, ишчанлиги ортади. Шубҳасиз, бу саломатликни мустаҳкамлаш- га хизмат қилади. Кам жисмоний фаоллик. XX асрнинг 2-ярмига келиб, кам ҳаракатли ҳаёт тарзи оммавий тус олди. Ҳозирги вақтда иқтисодий ривожланган давлатларда жисмоний куч талаб қи- ладиган иш кам қолган. Урбанизация, автоматизациянинг ривожланиши одам ҳаёт тарзини кам ҳа- ракатли қилиб қўйди, ваҳоланки, миллион йиллар олдин эволюция жараёнида инсоннинг асосий машғулоти овчилик, ўсимлик ва мевалар йиғишдан иборат бўлган. Жисмоний фаоллик сусайиб борар экан, аввалига қувват сарфи камайиб, сўнг тўқималарнинг қон, кислород ва озиқ моддалар билан таъминланиши ёмонлашади. Жисмоний фаоллик соғлом турмуш тарзининг калитли шартла- ридан бири ҳисобланади. У инсонни нафақат жисмоний келишган, балки унинг соғлиғини ҳам аҳамиятли даражада яхшилайдди, ҳаёт давомийлиги, айниқса, унинг фаол қисмига ижобий таъсир қилади. Доимий жисмоний фаоллик тўсатдан ўлимни, қон босимини ортишини, қандли диабет- нинг 2 типини, йўғон ичак рақини ҳамда руҳий бузилишларни камайтиради, шунингдек, у тана вазни назоратини, суяк тўқимаси мустаҳкамлигини ҳамда ҳаёт сифатини яхшилайдди. Жисмоний фаоллик нафас олиш тизими, юрак қон-томир тизими ҳамда бошқа аъзолар ишини мувофиқлаш- тиради, инсонни стресс ва депрессияга бардошлигини оширади ва уйқусини яхшиланишига олиб келади. Шунингдек, жисмоний фаоллик руҳиятга эндокрин гормонини ишлаб чиқиши туфайли таъсир кўрсатади, бу эса инсон ўзини яхши ҳис қилишига ва кайфиятини ошишига сабаб бўлади.

Ўқув-машқ жараёнини ташкил қилишда шифокор маслаҳатларига риоя қилмаслик шикастланишга олиб келиши мумкин. Бунда шуғулланувчиларнинг машғулотларда шифокор кўригисиз қатнашишига руҳсат этиш, тренерлар ва спортчи томонидан шифокор тавсияларини бажармаслик, ўқувчилар жисмоний тарбия машғулотлари учун медицина группаларига ногўғри киритилиши ва спортчиларнинг иш қобилиятини ошириш, организм толиқиб қолишининг олдини олиш ҳамда спорт юкламасидан кейинги тикланиш порцессини тезлаштиришга қаратилган шифокор тавсияларини амалга оширилмаслик асосий сабабларидан биридир. Спортдан шикастланишнинг пайдо бўлишига имконият яратувчи омилларга спортчиларнинг туғма хусусиятлари, тренировка ва мусобақалар таъсирида ёки ноқулай ташқи ва ички муҳит таъсирида уларнинг ҳолатларидаги ўзгаришлар киритилади. Қуйидаги ички омиллар алоҳида аҳамиятга эга:

1. Чарчаш ва ҳаддан ташқари чарчаш (толиқиш).

2. Касалликлар ва бошқа сабаблар, узоқ вақт спорт билан шуғулланмаслик спортчи организми функционал ҳолатининг ўзгаришига ва иш қобилиятининг сусайишига сабаб бўлади.

3. Таянч ҳаракат аппарати биомеханикасининг хусусиятлари ва ҳаракат биомеханикаси структурасининг ўзгариши.

4. Спортчиларнинг шиддатли ва мураккаб координацияли машғулотларни бажаришга жисмонан тайёргарлиги етарли даражада бўлмаганлиги.

5. Қон томирлар ва мускулларнинг спастик қисқаришларига (мускулларнинг беихтиёр қисқариши ва таранглашуви) мойиллиги.

Инсон пайдо бўлганидан бери унинг танасидаги фаоллик кундузи ортади, кечаси сусаяди. Борди-ю, биз шу тартибга бўйсунмай, фақат овқат ейиш, ичкиликбозлик ва турли номақбул ишлар билан банд бўлсак, бундай ҳолат соғлиғимизга катта зарар етказиши мумкин. Шунингдек, иш куни, дам олиш вақти тўғри режалаштирилган бўлиши керак.

Меҳнатни ва дам олишни тўғри ташкил этиш, яъни кун ва ишни биологик режимлар асосида ташкил қилиш. Рационал меҳнат ва ҳордиқ режимининг асосий мақсади – бу ишлаш қобилиятини оптимал даражада ушлаб туриш ҳисобланади. Рационал режим деганда ўқув йили давомида талабанинг ақлий меҳнати билан бир қаторда унинг дарслари юқори даражада ўзлаштириш қобилиятини ошириш ва ушлаб туришга олиб келадиган меҳнат ва ҳордиқнинг оқилона тақсимооти тушунилади.

Инсон организмнинг меъёрий фаолияти унинг руҳияти қай даражадалигига боғлиқ. Одамнинг руҳан эзилиши оғир зўриқишларга олиб келади. Руҳий зўриқишлар натижасида кишиларда гипертония, стенокардия ва миокард инфаркти каби касалликлар келиб чиқади. Руҳий ва эмоционал саломатлик соғлиқнинг умумий ҳолатини яхшилашда асосий ўринни тутди.

Инсон ўзини яхши ҳис қилиши учун тоза ва соф ҳаво зарур. Хоналарни мунтазам равишда шамоллатиб туриш, тез-тез табиат қўйнида дам олиш, сайлгоҳларда яёв юриш кони фойдали. Бу инсонларнинг юқори ишчанлик қобилияти ортиши ва соғлом бўлиш гаровидир. Очик ҳавода сайр қилиш ва қуёш нурида тобланиш кайфиятни яхшилайдди, иммунитетни оширади.¹

Қуёш нури ер юзидаги ҳаёт тарзига ўзининг ижобий ва салбий таъсирини кўрсатади. Унинг ижобий таъсири натижасида ўсимликларда озукка моддалари ҳосил бўлади. Фотосинтез жараёнида атмосферада карбонат ангидрид газининг синтезланиши натижасида тоза кислород юзага келади. Қуёш нури таъсирида қатор касалликлар чакирувчи микроорганизмлар нобуд бўлади ва саломатлик учун керакли бўлган Д витамини синтезланади. Қуёш нури етишмаслиги натижасида инсоннинг кўз сезгирлиги ва кўриш қобилияти пасаяди. Ортиқча қуёш нури мия фаолиятини сусайтиради. Қиш фаслида туннинг узайиши туфайли ишлаш қобилиятининг пасайиши, чарчаш, депрессия белгиларининг тезлашиши кузатилади. Баҳорда эса, кунлар узаяди, кайфият кўтарилади, соғлом яшаш иштиёқи кучаяди. Қуёш нурининг ижобий таъсири натижасида ҳис қилиш қобилияти ва кайфиятнинг кўтарилиши асрлар давомида синовдан ўтиб келмоқда. Иссиқ ва ёқимли қуёш нури турли хасталикларнинг олдини олади ва саломатликни мустаҳкамловчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Бироқ ультрабинафша нурларининг узоқ таъсири зарарли эканлиги тўғрисида ҳам унутмаслик зарур. Қуёш нури ва унинг таъсирида узоқ вақт юриш иссиқ уриши, ҳаддан ташқари тобланиш оқибатида қуйишнинг юзага келиши, қўлларда, юз терисида ажинлар пайдо бўлишига олиб келади. Инсонларнинг юраги шундай яратилганки, юрак фаолиятининг ярим вақти дам

¹ Шайхова Г.И., Рахимов Б.Б. Гигиеническое обоснование рационов питания при ожирении. Методические рекомендации, Ташкент, 2010.

олишга тўғри келиши керак. Жами секундларнинг бир бўлагиди юрак мушаклари дам олади, бироқ шу вақт давомида у бўшашади, тикланишга ҳаракат қилади. Умуртқа поғонаси эгилувчанлигини таъминлаш мақсадида ҳам дам олиш зарур. Уйқу организмнинг турли хасаталиклардан ҳимоя қилувчи, жисмоний ва ақлий чарчашни тиклашга қаратилган табиий воситадир. Уйқу давомида ички органлар меъёрий даражада ишлайди, бир кун давомида мия томонидан бажарилган ва қабул қилинган маълумотлар жамланади. Инсон кеч соат 22.00.–23.00.дан кейин уйқуга ётиши керак, бироқ ярим тунда ухлаш зарарлидир. Яхши дам меҳнатга ҳамдам. Уйқунинг меъёри 7.30 соатдан кам бўлмаслиги лозим.¹

Инсон танасининг 85% сувдан ташкил топган ва сувсиз 11 кун яшаш мумкин. Шунингдек, айрим ҳолатларда сувсиз ва озиқ-овқатсиз бир ойгача яшаш мумкин. Инсон танасининг ҳар бир хужайралари ҳаётини намликка муҳтождир. Кун давомида 1,5–2 литр сувни овқатланиш оралиғида истеъмол қилинса, моддалар қулай алмашинувиға шароит яратилади, бу эса, ўз навбатида, организмдан шлакларнинг чиқиб кетишиға ёрдам беради. Бундан ташқари, сувни ичишдан ташқари танани ташқи томондан сув билан таъминлашнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуддир. Улар ёрдамида инсон танасининг териси нафас олади, ўлик хужайралар, кераксиз моддалар ва зарарли бактериялардан тозаланади. Ювиниш, сув ҳавзаларида чўмилиб организмни чиниктириш, контраст душ қабул қилиш шамоллаш касалликлари ва иммунитетни оширишда ўзига хос ўрин тутади. Етарли даражада сув ичиш ва мунтазам равишда сув ванналарини қабул қилиш турли касалликлар ва жароҳатлардан кейин организмнинг кучини ошириш ва асаб тизимини яхшилашға ёрдам беради. Тиббий кўрикдан ўз вақтида ўтиб туриш эса, касалликларнинг олдини олиш ва уларни барвақт аниқлашда муҳим аҳамиятға эға.

Ҳар бир инсон ичкиликбозлик, кашандалик ва гиёҳвандлик каби одатлардан ўзини тийиши лозим. Чекиш нафақат ўсма касалликлари, балки юрак-қон томир касалликларининг юзаға келишида ҳам хавф омили ҳисобланади. Ҳозирги вақтда чекишға барҳам бериш ривожланган ва ривожланаётган давлатларда аҳолини соғломлаштиришда самарали чора-тадбирлардан бири ҳисобланади.

Гиёҳвандлик–бу касаллик, ҳар хил тиббиётда тан олинмаган наркотик моддаларни суиистеъмол қилишдир. Гиёҳвандликнинг энг асосий сабабларидан бири – бу ёшларнинг ушбу моддалар қабул қилингандан кейинги асоратини тушунмаслик, унинг ижтимоий, асабий, жисмоний, руҳий зарарларини баҳолай олмаслигидир.

Инсон саломатлигининг гигиеник асослари турли хил хавфли касалликлардан муҳофазаланишида мустаҳкам қалқон яратиш, ҳар бир инсон тарафидан жамоа ва шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиб яшаш белгиланган. Жамоа ва шахсий гигиена қоидаларига риоя қилмаслик натижасида турли хил юқумли касалларға дуч келиши мумкин. Шахсий гигиена – бу кенг тушунча бўлиб, инсон соғлиғини сақлаш ва мустаҳкамлашға қаратилган қоидаларға риоя қилишни ўз ичига қамраб олади. Шахсий гигиенанинг кенг комплексли таркибига қуйидагилар: тананинг, оғиз бўшлиғи ва тишларнинг гигиенаси, жисмоний маданият ва спорт, баданни чиниктириш, шахсий турар жой гигиенаси, ёмон одатларни олдини олиш, кийим ва пойабзал гигиенаси, турмуш ва оила гигиенаси, ақлий меҳнат гигиенаси, дам олиш ва уйқу гигиенаси, психогигиена ва инсоннинг ҳар кунлик фаолиятидаги бошқа муҳим элементлари киради. Жамоат гигиенаси турмушда инсонни ўраб олган атроф-муҳит, яшаш ва иш шароитларининг тозаллигини таъминлайдиган тадбирларни ўз ичига олган. Бу тадбирлар катта соғломлаштириш аҳамиятға эға бўлиб, уларға ўзлари яшаётган хонадон ва хонадон ён-атрофларини супуриб тозалаш, уй атрофлари текисланиб, ер участкаларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, ошхона ва хожатхоналарни озода сақлаш, кўчада кетаётиб ахлатларни ерга эмас балки урналарға ташлаш одат қилинса мақсадға мувофиқ бўлади.

Барча одамлар фаолияти сингари жинсий муносабатлар ҳам хавфлар билан боғланган. Жуда эрта никоҳлар, ҳамда эрта ҳомиладорлик ёш қизларнинг саломатлигиға кучли салбий таъсир кўрсатади. Бутун дунё бўйлаб аёлларнинг ҳомиладор бўлишининг макул бўлган ёши 18 ёшдан 35 ёшгачадир. 18 ёшгача бўлган қиз бола ҳомиладор бўла олади, лекин унинг танаси оналикка тайёр бўлмайди, бу эса ҳомиладорликнинг салбий оқибатларига олиб келиши мумкин.

Ёшлар турмуш қуришдан бир ой олдин тиббий кўрикдан ўтишлари лозимлигини унутмасликлари керак. Чунки соғлом фарзанд кўришнинг ўта зарур омилларидан бири соғлом оила қуришдир. Шунингдек, ёш – эрта никоҳлар, яъни балоғатға етмасдан турмуш қуриш, қариндош-

¹ Шайхова Г.И. Саломатлик сабоқлари. Тошкент, 2014, 1–10-бетлар.

уруғлар ўртасида тузилган никоҳ келгусида ногирон, туғма етишмовчиликлари бўлган болаларни туғилишига сабаб бўлади.

Аҳоли соғлом турмуш тарзининг муҳим ташкил этувчи қисмларидан бири – юкори санитария маданиятини тарбиялаш давлат аҳамиятига моллик ишдир. Санитария маданиятини шакллантиришда етакчи ўринни гигиеник тарбиялаш ва ўқитиш бўйича чора-тадбирлар мажмуаси эгаллайди.

Фуқороларни гигиеник тарбиялаш ва ўқитиш қуйидаги жараёнларда амалга оширилиши лозим:

– мактабгача ва бошқа таълим муассаларда тарбиялаш ва ўқитиш;

– иш фаолияти озик-овқат маҳсулотлари ва ичимлик сувини ишлаб чиқариш, ташиш ва тарқатиш билан боғлиқ бўлган ташкилотларнинг раҳбарлари ва ходимларини гигиеник таёрлов ва аттестация ўтказиш, талабаларни тарбиялаш ва ўқитиш;

– ўқитиш дастурига гигиеник билимлар ҳақидаги бўлимларни киритиш йўли билан ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш.

Гигиена масалалари, асосан, ҳаёт фаолияти ҳафсизлиги асослари, меҳнат, жисмоний тарбия, атроф-муҳит, биология (таълим муассасаларида), шунингдек, меҳнат муҳофазаси, техника ҳафсизлиги (касбий ўқитилувчи таълим муассасаларида) дарсларида ёритилади. Талабаларни гигиеник тарбиялаш “Ёш тиббиётчи” тўғараклардаги машғулотлар, тиббий ходимлар билан суҳбатлар, маърузалар ўтказиш, кино ва видеофильмларни томоша қилишни ўз ичига қамраб олган. Аммо ўқитиш ва тарбиялашнинг ўйинли ва мусобақали шакллари: викториналар, олимпиадалар, сахналаштирилган томошалар, шоулар, санитария ахборотномалари, варақалар чиқариш анчагина самаралироқ бўлади. Талабалар учун ўқитиш ва тарбиялашнинг энг яхши усули – анжуманлар, баҳс ва мунозаралар, давра столлари ташкил этишдир.

Соғлом турмуш тарзи тарғиботининг турли шакллари орасида телевидение ва бадий фильмлар биринчи ўринда туради. Маърузалар ва суҳбатлар энг сўнгги ўринларни эгаллайди. Талабалар аудиториясининг таснифини ҳисобга олган ҳолда телевидениеда (шу жумладан, кабелли телевидениеда) тайёрланган ўзатишнинг турли-туман шакллари, янги қизиқарли жанрлар, рукнлар ушбу ахборот каналининг аҳамиятини ошириши мумкин.

Шундай қилиб, соғлом турмуш тарзини шакллантириш-республикамиз соғлиқни сақлаш тизимининг бош йўналиши бўлган профилактик йўналишнинг асосий мақсади ҳисобланади. Соғлом турмуш тарзи соғлиқни сақлашнинг муҳим муаммоларидан бири бўлган юрак қон-томир, онкологик, айрим асаб, ошқозон-ичак, ўпканинг носпецифик касалликларини олдини олишда ва улар сабабли келиб чиқадиган ўлим ҳолларини камайтиришда етакчи роль ўйнайди. Соғлом турмуш тарзини шакллантириш, хусусан, бирламчи профилактикани амалга ошириш, давлат, жамоат ташкилотлари тиббиёт муассасалари ҳамда кўп жихатдан аҳолининг ўзига боғлиқ.

Бойматова Дилноза Бахтиёровна (ЖДПИ) АЁЛЛАР НУТҚИНИНГ БАДИЙ МАТНДА ИФОДАЛАНИШИ

***Аннотация.** Ушбу мақолада ўзбек аёллар нутқининг миллий-маданий ва прагматик аспектида тадқиқ этишининг муҳимлиги баён этилади. Прагматик ёндашувнинг нутқ эгаси, яъни аёлларнинг шахс хусусиятлари, мақсади, руҳий кечинмалари, ўзини ва бошқаларни баҳолаши кабиларнинг оғзаки нутқда намоён бўлиши, эркаклар нутқидан фарқли жиҳатлари, миллий-маданий этикет билан боғлиқлигига оид қарашлар илгари сурилади.*

***Аннотация.** В статье излагается важность исследования речи узбекских женщин в национально-культурном и прагматическом аспекте. Речь идет об отражении в устной речи прагматического подхода, то есть особенностей личности женщин, их цели, духовные переживания, самооценка и оценка других, о различиях в мужской и женской речи, связи с национально-культурным этикетом.*

***Annotation.** The article is about analyzing national-cultural and pragmatic aspects of Uzbek women's speech. The owner of pragmatic approach, women's personal features, goals, spiritual and psychological views, self assessing and assessing others, the differences between men's speech and the connection between national-cultural etiquette is being gravitated in this article.*

***Калим сўзлар:** бадий матн, гендер ўзига хосликлар, ремаркалар, персонаж нутқи, нутқ субъекти, вербал ва новербал воситалар, этномаданий одат, ижобий ва салбий баҳо.*

Ключевые слова: художественный текст, гендерные особенности, ремарки, персонажная речь, субъект речи, вербальные и невербальные средства, этнокультурные обычаи, положительные и негативные оценки.

Key words: literary texts, gender peculiarities, personage's speech, subject of a speech, verbal and nonverbal means, ethnocultural habit, positive and negative evaluation.

Ҳар қандай матннинг асосий вазифаси ахборот узатиш эканлиги маълум ҳодисадир. Шакли ва ҳажми жиҳатидан барча матнлар сингари, бадий матн ҳам хабар етказди, ахборотнинг турли кўринишлари ва шаклларида юзага келади. Жумладан, насрий матнда персонажлар нутқи (вербал ва невербал шаклда) ҳис-туйғу билан, маълум ҳолат ва шароитлар билан, нутқий вазиятлар билан ҳамбарчас боғлиқ бўлиб, у матнда нутқий-ишоравий ҳолат сифатида талқин этилади ва тасвирий образ саналади.¹ Бу нутқий-ишоравий ҳолат образлар характер-хусусиятини очишда ёрдам беради, айти вақтда, гендерологик жиҳатдан фарқ қилади.

Маълумки, аёллар нутқида учрайдиган айрим сўз ва иборалар эркаклар нутқида учрамайди ёки, аксинча, эркаклар оғзаки нутқида хос сўз ва иборалар аёллар нутқида мос тушмаслиги мумкин. Чунончи, аёллар нутқида алла айтиш, олқиш ва қарғиш иборалар ишлатилади, оғзаки нутқнинг аёлларга хос ушбу кўринишлари насрий матнда ҳам ўз ифодасини топади: “Тоза ухлабман-ку, менга нима бўлди?”—*дея гудранганча қасабасини бошига қўндириб, чопонини йўл-йўлакай елкасига олиб, ташқарига йўналди.*

Эшик олдида чиқди-ю, Собирни судраб келётган Маматқулга кўзи тушиб, ҳушдан кетиб қолаёзди.

– *Собирни қўйиб юбор, жувонмарг! – деганча югуриб бориб Маматқулнинг қўлларига ёпишди Бувгул эна. – Қўлингни торт. Билагини қаттиқ қисиб юбординг, жувонмарг... (З.Қуролбой қизи. “Ёзсиз йил”).*

Ушбу келтирилган матн парчасидаги кўчирма гап ўз таркибидаги муаллиф гапидан холи тарзда баён қилинганда ҳам фраза аёл нутқида тааллуқли эканлиги кўринади: *Собирни қўйиб юбор, жувонмарг!*

Асар қаҳрамони Бувгул эна нутқидан айтилган “жувонмарг” сўзи фақат салбий характерга хос қарғиш сўз бўлиб, “ёш ўлган, авжи етилган пайтда ҳалок, нобуд бўлган” деган маънода изоҳланади.² Мазкур сўз аксарият аёл нутқида учрайди. Юқорида тилга олинган матнда “қасаба” (қасава) – бош кийим, яъни “узун доқадан аёллар бошига баланд қилиб ўраш учун қўйиладиган картон тутқин ва унга ўралган рўмол” бўлиб, Бувгул энанинг қишлоқда яшашини ўқувчилар англаб етишлари учун бу лексемани қўллаган.³ Қасаба қишлоқда яшовчи ёши улуг аёллар ташқи кийимининг муҳим бир қисми сифатида ҳозир ҳам ишлатилади. Муаллиф асар қаҳрамонларининг кийиниши, ҳолати, гапириш манераси, ҳатто ўзларини тасвирлашда миллий-маданий семали сўзлардан маҳорат билан фойдаланган.

Қуйидаги матн парчасидаги нутқий-ишоравий ҳолатда она тилига хос бўлган фарзандига меҳр-муҳаббат *болам боёқши* лексемаси орқали ўз аксини топган: – *Нега ишга бормадинг, деяман? Икки кундан бери уйда гўмқовиб ётганмишсан?*

– *Икки кун деб, ким айтди сизга? Трактрим бузилиб қолиб, тушида уйга қайтиб келдим-ку!*

– *Ҳаҳ, болам боёқши, – Бувгул эна ўйишайиб эшик томонга қараб қўйди. – Ярим кун ишламаганинга кўзига балодай кўриниб қопсан-да (З.Қуролбой қизи. “Ёзсиз йил”).*

Бадий матн муаллифи асарнинг ҳаётини чиқиши ва китобхонларга манзур бўлиши учун персонажлар нутқининг жонли, таъсирчан ва ишонарли акс этишида имо-ишоралардан, маъно англаувчи турли гавда ҳаракатларидан, ҳиссиётни ифодаловчи турли мимик ҳолатлардан фойдаланади. Бу каби нутқий-ишоравий мулоқот бадий матнда ремаркалар ёрдамида ҳам берилади:

– *Сендай боладан кўнгил узолмаса керак-да, айланай, ўзим сендан, – меҳри товланиб ўглининг бошини кўксига босди Бувгул эна.*

– *Нима қиламиз энди, эна?*

¹З.М.Саидхонов. Бадий матн коммуникатив восита сифатида. “Ўзбек тили ва адабиёти”, 2009, 5-сон, 79-бет.

²Ўзбек тилининг изоҳли луғати. II жилд, А.Мадвалиев таҳрири остида. Тошкент, Ўзбекистон Миллий энциклопедияси давлат нашриёти, 2008, 110-бет.

³Ўзбек тилининг изоҳли луғати. V жилд, А.Мадвалиев таҳрири остида. Тошкент, Ўзбекистон Миллий энциклопедияси давлат нашриёти, 2008, 256-бет.

– Сен нима десанг – шу!

Собир хурсанд бўлиб кетди. Онасини даст кўтариб чир айлантира бошлади.

– Ўзимнинг энажоним... Ягона меҳрибоним...

– Мени тушир ерга, сенга оғир нарса кўтариши мумкин эмас! – ялинди она (З.Қуролбой қизи. “Ёзсиз йил”).

Матндаги “айланай” лексемаси аёллар нутқида хос ижобий мазмундаги сўз бўлиб, “мақтов”, “олқиш” маъносида қўлланилади. Баъзи матнларда бу лексема киноя мазмунида ҳам қўлланилади: *Дилдора бир лаҳзалик сукутдан кейин жавоб берди:*

–*Ҳа, эрим ўлганидан буён мендан ҳол сўровчилар кўпайиб қолди, айланай!*

Кейин жилмайди. Киноя ва кибр билан жилмайди (З.Қуролбой қизи. “Кўланка”). Матнда киноя мазмунидаги “айланай” лексемаси сўзловчининг истехзо, кесатик маъносидаги салбий муносабатини ифодалаганлиги “киноянинг ижобий мазмунда бўлиши кам кузатилади”ган ҳолат эканлиги билан характерланади.¹

Бадиий матн персонажлари характер-ҳолатини очиб беришда уларнинг ички ва ташқи нутқи аҳамиятлидир. Бунда ишоралар ҳам муаллиф мақсадини ўқувчига етказиб берувчи кўмакчига айланади. М.Саидхонов фикрича, “ишоралар хатти-ҳаракат бўлгани туфайли улар матнда феъллар орқали ифодаланар экан, новербал воситаларнинг мазмунини ифодалаб берувчи миллий тилимизда мавжуд бўлган мос равишдаги луғавий бирликларни, сўз қўшимчаларини топиш, ўз маъносида ишлатиш ва услубий жиҳатдан тўғри қўллаш ёзувчидан катта масъулият ва меҳнат талаб этади”.² *Бундай хурсандчилик биргина Бувғул энанинг кўнглига сизмасди. Айвон устунига суяниб, мунгайиб ўтирган она бир сўзни такрорларди:*

– *Мен ёмон қолдим, сен яхши бор, болам...*

Сўнг бирдан қаҳрланиб, олов пуркаётган осмонга тикиларкан, савдойиларча шивирларди:

– *Одамни эрмак учун яратиб, уни эплай олмай қолганиндан кейин ўлимни ўйлаб топдингми?.. Оловинг мўл экан, нега шуни вақтида бермадинг?! (З.Қуролбой қизи. “Ёзсиз йил”).*

Асар қаҳрамони шу қадар қаттиқ изтиробга тушганки, ҳатто табиатни ҳам ўғлининг ўлими учун айбдор санамоқда. Онанинг ҳолатини тасвирлашда ишлатилган *айвон устунига суяниб, мунгайиб ўтирган, қаҳрланиб, савдойиларча шивирларди* бирикмалари бир томондан ички ҳиссиёт ифодаси бўлса, иккинчи томондан, персонаж характеридаги ахборот узатувчи индивидуал хусусиятлардир.

Ўзбек аёллари турмуш ўртоғининг исмини айтмасдан бош фарзандининг исми билан чақириши, “дадаси”, “бегим”, “хўжайин”, баъзида “ҳазратим” деб мурожаат қилиши, ҳурмат юзасидан “у киши”, “бу киши”, “улар” тарзида аташи аёлларимиз нутқининг “безаги” ҳисобланади. Бу эса этномадан иборат одатларимиз билан боғлиқ нутқ жараёнидир:

– *Элчи бизни чорлагани рост, – деб, у Ойша бегимга умумийроқ жавоб қилди. – Аммо Султон Али мирзо тахтни бизга осонликча бермас.*

– *Демак, яна уруш! Яна хавфу хатар!..*

– *Бегим, тоғнинг боши қорсиз бўлмас, йигитнинг боши – хатарсиз.*

–*Ҳазратим боя ўргимчак тўридан гап очган эдилар. Агар сиз кетсангиз, ўргимчак тўрида биз қандай қолурмиз?*

– *Истасангиз сизни бирга олуб кетурмен!*

– *Жанг майдонигами? (П.Қодиров. “Юлдузли тунлар”).*

Пиқ-пиқ йиғлаётган Моҳим бегим олдинги оғир суҳбатларни эслаб:

– *Менинг хархашаларим ҳам сизни хаста қилди, ҳазратим! – деди. – Мени кечиринг!*

– *Моҳим сиз мени кечирсангиз бўлди... Мен сиздан розимен... фақат энди мени ҳазратим деманг... (П.Қодиров. “Юлдузли тунлар”).*

Юртимиздаги айрим ҳудуд аёлларининг турмуш ўртоғига нисбатан ўзгача шаклдаги мурожаатини учратамиз. Одатда, сўзловчи тингловчига нисбатан II шахс эгалик ва шахс-сон қўшимчаларидан фойдаланиб мурожаат этишади. Қуйидаги матн парчасида эса мурожаатнинг ўзига хос жиҳатини кўришимиз мумкин:

– *Нега дўхтир чақирмаяпсан? – деди чол қичқургудек.*

¹ Боймирзаева С. Матнда киноя мазмунининг ифодаланиши. “Ўзбек тили ва адабиёти”, 2008, 4-сон, 110-бет.

² З.М.Саидхонов. Бадиий матн коммуникатив восита сифатида. “Ўзбек тили ва адабиёти”, 2009, 5-сон, 77–80-бетлар.

– *Отаси, ўзи айтмади-ку чақир деб.*

– *Айтмасам чақирмайсанми? Ўла қолса-ю қутула қолсам деб ўтирибсанми? Мен ўлмайман, билдингми, ўлмайман! –чол жазавага тушиб бақира бошлади.– Мен яшайман, кўп йил яшайман! (З. Қуролбой қизи. “О, ҳаёт!”).*

Матндаги “*отаси, ўзи айтмади-ку, чақир деб*” гапи сўзловчининг иккинчи шахсга қарата “Ўзингиз айтмадингиз-ку чақир деб” шаклидаги мурожаатини англатиб турибди. Ҳикоя қаҳрамони (Ойнисахон)нинг турмуш ўртоғи билан бу тарздаги мулоқоти миллатимиз аёллари нутқига хос кўринишларидан биридир.

Муаллиф аёл жинсига мансуб матнларда аёллар нутқига хос ифодалар жуда ёрқин ва ишонарли тарзда баён этилади. Чунки аёл муаллиф асар қаҳрамонлари эҳтиросларини, ҳис-туйғуларини ҳис қила олади:

– “*Одамлар... ҳой биродарлар... эй, туғишганларим! Юрагимни очиб кўрсатайми? Мехрдан ўзга нарса йўқ. Ёруғ оламда сиздан ўзга яқиним йўқ*” десам (С.Вафо. “*Оворанинг кўрган-кечирганлари*”).

Бадий матнда ифодаланаётган мулоқот жараёнида аёл ва эркаклар нутқини фарқлаш қийин эмас, яъни улар нутқида қўлланилаётган лексемаларни қиёсий таҳлил қилиш жараёни осонлаштиради. Қиёсий таҳлилда маълум жинс вакиллари нутқида ижобий ёки салбий баҳо муносабатлари намоён бўлади. С.Боймирзаеванинг таъкидича, “баҳо объектнинг аҳамиятли томони, қийматини белгилаш фаолияти жараёнидир. Ушбу жараён субъект томонидан бажарилиб, унинг асосида маълум бир намуна ётади ҳамда объектга шу намуна доирасида ижобий ёки салбий сифат-баҳо берилади”.¹ Шахс нутқни ҳосил қилишда унинг мазмунига эътиборни қаратган ҳолда ўзининг турли эмоцияларини ҳам билдиради. Ижобий мазмундаги сўзлар билан бир қаторда салбий баҳо ифодаловчи лексик бирликларнинг аёллар нутқида кўпроқ ишлатилиши жинс вакиласининг ҳис-туйғу ва ички кечинмасининг зоҳирий кўринишда намоён бўлиши билан характерланади: – *Ифлос... Сассиқ алкаш! Уйда қозонга солгулик ҳеч вақо йўғ-у, бунни исқирт такадек кекириб юргани-чи!.. Илойим, еган-ичганинг ичингдан ириб тушсин! Болам бор демасанг, хотиним бор демасанг! (З.Қуролбой қизи. “Ёвузлик фариштаси”).*

Бадий асардан олинган мазкур парчада эр ва хотиннинг ўзаро келишмовчиликлари, асосан, аёл жинсига хос нутқда ифодаланганлигини баҳо англатувчи лексемалар орқали билиб олишимиз қийин эмас. Сабаби, “ифлос”, “алкаш” сўзлари кўпроқ аёллар нутқига хос бўлиб, бу сўзлар салбий баҳо ифодаловчи сўзлар қаторига мансубдир. Бундан ташқари, аёл эркакни “исқирт така”га ўхшатиши ва “*Илойим, еган-ичганинг ичингдан ириб тушсин*” қарғиш сўзи фақат аёл нутқига хос эканлигидан далолат беради.

Аёллар нутқининг ўзига хослиги миллийлигимиз билан ҳам боғлиқ эканлигини бадий матнлардан олинган яна кўплаб мисоллар ёрдамида кўриш мумкинки, гендер нутқининг ўзига хослиги ўз ўрнида нутқ субъекти, унинг индивидуал услуби миллийлик билан омихта эканлигидан далолат беради.

Собирова Зарнигор (Бухоро Давлат университети стажёр-тадқиқотчиси, roginraz2015@gmail.com)
ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДАГИ САЙЁҲЛИК ТЕРМИНЛАРИНИНГ ЎЗАРО
ТАРЖИМАСИ ВА МУАММОЛАРИ

Аннотация. Мақолада инглиз ва ўзбек тилларидаги сайёҳлик терминларининг ўзаро таржимаси ва муаммолари ҳар томонлама ўрганилганлиги кўриб чиқилади. Уларнинг сайёҳлик матнлари таркибида қўлланилишининг асосий мақсади функционал-чорловчилик вазифаси саналади ва буни тилларнинг фарқли имкониятларини мувофиқлаштирган ҳолда амалга ошириши зарурлиги ҳақида сўз боради.

Аннотация. В статье рассматривается комплексное изучение проблем взаимного перевода туристских терминов на английский и узбекский языки. Основной целью их применения в структуре туристских текстов является функционально-риторическая функция, речь идет о необходимости делать это в координации с различными возможностями языков.

Annotation. The article deals with the complex study of the problems of mutual translation of tourist terms into English and Uzbek. The main purpose of their application in the structure of tourist texts is

¹Боймирзаева С. Матн модаллиги. Тошкент, “Фан”, 2010, 21-бет.

a functional-rhetorical function, and we are talking about the need to do this in coordination with the various possibilities of languages.

Калим сўзлар: *реалия, терминосистема, сайёҳлик, нейтраллаштириши, туризм контенти, эквивалентлик, модуляция.*

Ключевые слова: *реалия, терминосистема, туризм, нейтрализация, контент туризма, эквивалентность, модуляция.*

Key words: *reality, term system, tourism, neutralization, tourism content, equivalence, modulation.*

Туризм саноати малакатлар чегаралари оша халқаро доираларда ривожланиб бораркан, туризм терминологияси ҳамда туризм контентдаги материаллар (ресторан менюлари, авиачипталар, туризм статистикаси материаллари ва туризмни тарғиб қилувчи материаллар) таржимасини амалга оширишга эҳтиёж пайдо бўлади. Ҳатто, Муҳаммад Зайн Сулаймон туризмни тарғиб қилувчи материалларни энг кўп таржима қилинадиган ҳужжатлар сирасига киритади. Аммо бу каби таржима маҳсуллари, кўп ҳолларда, “сифатсиз” ёрлиғини олиб, қаттиқ танқидга учрамоқда. Ушбу масала ечимига қаратилган кўп сонли илмий тадқиқот ва изланишлар филологларнинг диққат марказида бўлиб келмоқда.

Туризм, айтилишича, ижтимоий-иқтисодий тараккиётни ҳаракатга келтирувчи омил бўлиб қоларкан, уни лингвистик нуқтаи назардан тадқиқ этиш учун, сўзсиз, ҳаётнинг тилдан бошқа яна кўплаб соҳаларига мурожаат этишимизга тўғри келади. Турли мамлакатлар туризми интеграцияси оқибатида муаммога миллий маданиятлар масаласи ҳам аралашади ва натижада туризм контенти кенгайиб, табиийки, таржима муаммолари ҳам ошиб боради. Шу ерда, изоҳлаб ўтиш лозимки, туризм контенти материалларини нафақат вербал, балки визуал маълумот ҳам ташкил этади. Аммо тадқиқотимиз объекти сифатида эътиборимизни, асосан, вербал матн таржимасига қаратамиз. Визуал маълумот шарҳи вербал матнга таъсири бўлган ҳолатдагина тақдим этилади.

Туризм материаллари қолипчанган ёки эркин контентга эга бўлиши мумкин. Дейлик, авиачипталар ҳамда туризм статистикаси материаллари умумий келишилган қолипга солинган ҳамда таржимаси осон ва равшан бўлгани ҳолда, туризмни тарғиб этувчи материаллар (брошюра, флаер, туризм тарқатма варақалари, баннер ва вебсайтлар) контенти эркин ҳамда қўйилмаган жиҳатларга бой. Туризмни тарғиб этувчи материаллар моҳияти шунчаки матн тақдимотидан иборат бўлиб қолмай, потенциал сайёҳларни ишонтиришга қаратилган техникалар билан қўрилган махсус тилдан унумли фойдаланишни назарда тутаяди. Бу тарғибот тилида лисоний ва маданий омилларнинг ҳамма қисмига Данн қўйидагича изоҳлайди.

“Туризмнинг махсус тарғибот тили миллионлаб инсонларни ишонтириш, алдаш, жалб қилиш ва “йўлдан уриш”га уринади ҳамда бу уринишда потенциал мижозларни ҳақиқий мижозларга айлантиришни кўзлайди. Уларнинг миллий-маданий эҳтиёж ва интилишларига таъсир этиш орқали уйдаги ўриндиқларидан тўғри авиатранспорт ўриндиғига йўналтиради, яъни сайёҳларга айлантиради”.

Ҳарчи туризм тарғиботи материаллари энг кўп ўғирилган ҳужжатлар категориясига кирса-да, улар бир неча ўн йиллардан бери жаҳон таржимашунослиги соҳаси доирасида танқидга учраб келмоқда. Хусусан, гапирадиган бўлсак, Сумбергнинг эътирози функционал (таржимадан кўзланган мақсад ва вазифага асосланган) ёндашувдан лингвистик (бекаму кўст сўзма-сўз таржимага асосланган) ёндашувни устун қўйган таржимонларга қаратилган. Ҳикей унинг қарашларини қувватлаб, таржимонларнинг камчилигини “прагматик (контекстуал) эквивалентлик”ни эмас, “семантик эквивалентлик”ни таржимада излашларида кўради. Танқидларнинг қаратилган асосий нуқтаси таржима маҳсулининг ўз белгиланган вазифасини бажаришда оқсаётгани, яъни кўзланган аудитория англаши учун адекват даражада эмаслиги саналади. Айтиш керакки, кўзланган аудитория ҳар доим ҳам материалларнинг ҳақиқий қабул қилувчиси билан мутаносиб бўлмадлиги мумкин. Бу каби ҳаётнинг олдини олиш мақсадида таржима процессидан аввал кўзланган лингвистик жамият маданияти, менталитети, зарур бўлса, тарихини ҳам ўрганиш мақбул бўлади. Маданиятлараро номувофик таржимага Сулаймон изоҳлаган мисолни келтирамиз. Ҳарбий маданият таржимонининг инглизча “Pedal to paradise in the blue mountains” сарлавҳасини малай миллати вакиллари учун бевосита “Mengayuh Menuju ke Syurga di Blue Mountains” тарзида ўғиргани муваффақиятсизликка учраган. Бунга сабаб ушбу миллат диний қарашларига кўра жаннат сўзи (Syurga) боқий дунё билан боғланиб, ҳаёт лаззатларига алоқаси йўқ ва нотабиий, ноқулай ва ҳордиқ учун номақбул жой хусусиятларини ифода қилади.

Сулаймон маданиятлараро туризмни тарғиб этувчи материаллар таржимаси билан иш кўрганда қуйидаги мезонга амал қилиш зарурлигини таъкидлайди:

◆таржимон ёки бевосита жараён иштирокчисининг таржима тили маҳаллий сўзловчиси бўлиши.

Зеро, шу тил маҳаллий вакилигина унинг барча нозик маъно жиҳатларидан хабардор бўлиши ҳамда самарали тарғибот материаллари тузиши (ёки таржимоннинг тузганига баҳо бериши) мумкин:

◆маҳаллий сайёҳлик бозорини яхши тушуниш (бунда миллий маданият хусусиятлари ўрганилади).

Маҳаллий маданият шароитларини ўрганиш туризм хизматлари потенциал истеъмолчисининг эҳтиёж ва хоҳишларини олдиндан аниқлашга имкон беради.

◆ижодкорлик.

Бу зарурий маҳорат истеъмолчилар эътиборини жалб қила оладиган таъсирчан тарғибот матнларини яратишда қўл келади.

◆тарғиб этилажак туризм маҳсулот ёки хизмати тўғрисида яхши билим ва тушунчага эга бўлиш.

Бунда марказий масала истеъмолчини алдамаган ҳолда маҳсулот ёки сервиснинг эътиборга молик барча муҳим жиҳатларини гўзал тарзда ташвиқ этиш ҳисобланади

Юқорида келтирилган маълумот асосида хулосалашимиз мумкинки, сайёҳлик материаллари таржимаси маркетинглар, иқтисодчилар, маҳаллий маданият вакиллари ҳамда ижодкорларнинг ҳамкорликда вужудга келтирадиган меҳнати маҳсули экан. Бизнинг тилшунос-филолог сифатидаги вазифамиз эса сайёҳлик материалларининг лингвистик жиҳати, уларнинг тиллараро (ўзбек ва инглиз тиллари доирасида) ўзаро мувофиқ ва самарали таржимаси ҳамда бу жараёндаги муаммоларга қаратилади. Албатта, мураккабликларнинг асосий сабабчиси тиллараро тафовутлар экан, керакли ўринларда тилларнинг маданият аспектига ҳам мурожаат этамиз.

Барча соҳаларнинг ва мутахассисликларнинг ўз тили (рақс тили, компьютер тили, тиббиёт тили ва ҳоказолар каби) бўлгани сингари туризм ҳам ўз тилига эга. Таржима назарияси нуқтаи назаридан тадқиқотимиз жараёнида тизимлашган, маълум грамматик қоидаларга бўйсунувчи, махсус луғат таркиби ҳамда семантик контентга эга бўлган, анъанавий белгилар ва кодлар тизими орқали ахборот ифодаловчи ҳамда фаолият юритувчи “туризм тили” тушунчасига мурожаат этамиз. Туризмнинг ўз тили бўлгани каби ўз таржимони ҳам бўлиши мақсадга мувофиқдир. Сайёҳлик контенти материалларини ўгиришдаги илк хато уларнинг номутахассис қўлига тутқазилиши саналади. Пьерини туризмнинг ташвиқий матни нақадар мураккаб табиатга эгаллиги таржимонлар ҳамда мижозлар томонидан етарлича баҳоланмаслигини, умумий характердаги тилдан фойдаланиш имкониятларининг кенглиги таржима жараёнини ёлғондакамига осон қилиб кўрсатса-да, у хусусий лисоний-маданий жиҳатлари билан ажралиб турувчи ихтисослашган дискурсга эгаллигини таъкидлайди. Туристтик контентли материаллар таржимасида туризм тили билан иш кўрарканмиз, қуйидаги бирламчи хусусий мураккабликларга дуч келамиз:

◆Сайёҳ маълум мамлакат ҳудудига ташриф буюрар экан, у янги шаҳар, бино, машғулот, таом, либос, одатлар ва ҳоказоларга тўқнаш келади, одатда, улар ҳақидаги биринчи таассурот брошюра, вебсайт, флаерлар ҳамда бошқа туризмни тарғиб этувчи материаллар орқали қўлга киритилади. Таржимонлар олдидаги бирламчи вазифа реалликнинг бу элементларини улар тўғрисида кенг (балки, умуман) билимга эга бўлмаган сайёҳга тақдим этишдир. Ледина Меркай уларни “реалиялар” деб атайди.

◆Таржимадаги зиддиятли ҳолатлардан яна бири юқоридаги реалияларга атаб қўйилган номлар таржимаси ҳисобланади. Атоқли отлар таржимаси ғоятда баҳсли масала. Баъзи номлар ўгирилишни талаб этса, баъзилари фақат таржима тили график-фонетик сатҳида трансформация қилинади. Яъни, шахс номлари ўзлаштирилишида иш берган транслитерация ва транскрипция бошқа атоқли отлар таржимасида самара беравермайди. Бундаги муҳим стратегия шундаки, таржимоннинг қандай техникани афзал кўришидан қатъий назар, ўгирилган матн контенти истеъмолчи учун тушунарли бўлиши лозим, яъни сайёҳ маълум жойга бориб, маълум таомни тановвул қила олиши ёки хизматдан фойдалана билиши биринчи даражали саналади. Лингвистик ёндашувдан функционал ёндашувнинг устун қўйилиши мана шунда намоён бўлади.

Ньюмарк таржимага коррелятив ёндашувни татбиқ этди. Унга кўра, турли матнлар билан ишлаш учун етти хил метод олға сурилади:

◆компонент таҳлил. Ушбу метод сўзларни семантик компонентларга бўлиб, моҳиятини очишни тақозо этади. У, айниқса, сайёҳ учун номаълум бўлган миллий-маданий сўзлар таржима-сида самарали ҳисобланади.

◆Модуляция. Модуляция битта фикрни ифодалаш мақсадида манба – тил ва таржима матнида турли жумлаларнинг қўлланилишини англатади. Масалан, инглиз ресторани менюсидаги “Help yourself!” (литерал таржимаси “ўзингизга ёрдам беринг” бўларди) ўзбекча функционал эквиваленти “Ёқимли иштаҳа!” жумласи билан модуляция қилинади.

◆Тавсифий эквивалент. Бу метод воситаси миллий-хусусий сўзлар бир неча сўздан иборат изоҳи асносида ифодаланади.

◆Функционал эквивалент. Номидан маълумки, бунда манба–тилдаги сўз ёки ифода таржима матнида вазилавий муқобили билан алмаштирилади.

◆Маданий эквивалент. Бу усул манба – тилдаги миллий-маданий сўзнинг таржима тилидаги бир хил ёки яқин маъно ифодалайдиган эквиваленти кўмагида гавдалантиришни тақозо этади.

◆Синонимия. Мисол тариқасида инглизча ресторани менюсидаги *toast* сўзининг *нон* лексемаси воситасида мувофиқлаштирилишини келтириш мумкин.

◆Парафраза. Бу таржима техникаси миллий-хусусий тушунчаларни тафсилотларга бой кенгайган изоҳ воситасида ифодалашни назарда тутаяди.

Таъкидлаб ўтиш керакки, юқоридаги таржима техникаларини Ньюмарк мувофиқ келиш даражасига кўра юқоридан пастга томон бериб боради.

Юқоридаги методлар таржимон ишини енгиллатишга хизмат қилади. Аммо қайси усул танланишидан қатъий назар, туризм тарғиботи материаллари таржимасида қўшимча мураккабликлар туғдирадиган омилларнинг таъсири муқаррардир. Буларга ассоциатив ва коннотатив маънолар, миллатлараро фарқли мушоҳада ва идрок этиш жараёнлари, метафора ва турғун бирикмалар, диний эътиқод ва мифологик тушунчалар ҳамда қадриятлар ва ҳаёт тарзининг таъсири мудом таржима жараёнида сезилиб туради.

Холдарова Индира Абдукаримовна (исследователь, Ташкентский педагогический университет имени Низами, kholdarovaindira@gmail.ru)

ИССЛЕДОВАНИЕ ШКОЛЬНОЙ ТРАВЛИ АНАЛИЗ СТАТИСТИЧЕСКИХ ДАННЫХ

Аннотация. Мактабларда таъқиб, зўравонлик кенг тарқалган ҳодиса бўлиб, жумладан, бошланғич синфларда буллинг турли шаклларда учрайди. Ушбу мақолада таъқиб ҳолатлари тўғрисидаги статистик маълумотлар, шунингдек, Марказий Осиё ва хорижий давлатларда буллингнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида маълумотлар акс эттирилган.

Аннотация. Буллинг в школе является широко распространенным феноменом, и в разных своих проявлениях встречается уже в начальных классах. Данный феномен носит массовый характер и не знает определенной локации, половых различий. В статье отражены статистические данные случаев буллинга, а также, меры, предпринятые в борьбе с травлей среди детей и подростков в Центральной Азии и зарубежных странах.

Annotation. Bullying in school is a widespread phenomenon and occurs in various forms already in the elementary grades. This phenomenon is massive and does not know a specific location, gender differences. The article reflects statistical data on bullying cases, as well as measures taken to combat bullying among children and adolescents in Central Asia and foreign countries.

Калим сўзлар: статистика, тадқиқот, фоиз, таъқиб, девиант, фактор, тренинг.

Ключевые слова: статистика, исследования, процент, преследование, девиантный, фактор, тренинг.

Key words: statistics, research, percentage, bullying, deviant, factor, training.

Введение. В мире обеспечение качества и конкурентоспособности деятельности педагогов посредством развития профессиональной компетентности учителей, является одной из современных тенденций. В целях заинтересованности детей учебным процессом учителя разрабатывают различные методы, интерактивные уроки.

Но нужно отметить что человек- социальное существо, и именно, общество формирует человека. Школа является той нишей, где ребенок изучает нормы и ценности общества .

В зарубежной педагогике буллинг не является новым для современной педагогики и пси-

хологии. На этот феномен обратили внимание западные ученые еще в начале XX века. Д.Лейн и Э. Миллер описали школьную травлю, рассматривая буллинг как длительный процесс сознательного жестокого отношения, физического или психического, со стороны одного или группы детей к другому ребенку.

Исследования по издевательствам начались в 1970-х годах в Скандинавии. С тех пор обширные исследования подтвердили характер и степень издевательства, а также их последствия.

Согласно глобальному докладу ЮНЕСКО «Насилие и буллинг в школе» около 246 миллионов детей и подростков во всем мире ежегодно сталкиваются с насилием и травлей в школе¹.

По данным Детского фонда ЮНИСЕФ в возрасте от 13 до 15 лет детей (130 миллионов) подвергаются школьной травле, при этом в 39 странах Европы и Северной Америки примерно 3 из 10 подростков признают, что подвергаются издевательствам со стороны других учащихся своих школ.²

Обзор литературы. Научно-правовые исследования по профилактике школьной травли, издевательства, анализ статистических данных стран государств, изучение национальной политики стран по борьбе с насилием, издевательствам во всех его формах были проведены международными организациями: ООН, ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ, Детский Фонд ООН.

В научных работах зарубежных стран Д.Олвэуса, И.С.Кон, Е.Н.Волкова, Д.А.Лейна особое внимание уделено психологическому аспекту проявления буллинга. Описываются типы буллинга, в том числе различные факторы, которые провоцируют проявления буллинга.

Е.Н.Волкова отмечает, что за школьной травлей часто стоят и социально-экономические факторы. Дети из неблагополучных семей вымещают на более благополучных детях тем самым, заставляют их испытать чувство страха и свою неполноценность по сравнению с более могущественными, сильными сверстниками.

Материалы и методы. Как показало ознакомление с содержанием теоретических источников, проблема школьной травли и ее масштабы очень велики.

В США недавний общенациональный репрезентативный опрос учащихся в возрасте 12–18 лет показал, что в течение 2015 учебного года 21% подвергались издевательствам в школе. Тринадцать процентов подверглись словесным издевательствам, 12% были предметом слухов, 5% подвергались физическому запугиванию. В самой последней версии этого опроса, посвященной киберзапугиванию, 7% детей в возрасте 12–18 лет указали, что другой ученик сделал одно или несколько из следующих действий с ними в течение 2013 учебного года: разместил в Интернете вредную информацию о них; намеренно делился частной информацией о них в интернете; угрожал или оскорблял их с помощью мгновенных сообщений; угрожал или оскорблял их посредством обмена текстовыми сообщениями; угрожал или оскорблял их по электронной почте; угрожал или оскорблял их во время игры³.

Обширный объем исследований выявил множество негативных последствий травли для психического здоровья, психосоциальных, физиологических и поведенческих воздействий на детей и молодежь, на которые нацелены эти меры. Запугивание других также было связано с краткосрочными и долгосрочными негативными характеристиками.⁴

Тем не менее, в то время как молодежь, над которой издеваются, обычно сталкивается с проблемами интернализации (включая депрессию, плохую самооценку и беспокойство), поведение детей и молодежи, которые запугивают других, чаще всего характеризуется внешним поведением, включая нарушение правил, насилие и преступность.

В 2013 году в Республике Казахстан со стороны ЮНИСЕФ была проведена оценка издевательства по отношению к детям обучающихся в общеобразовательных школах. По результатам исследования две трети учеников подтвердили, что сталкивались с школьной травлей и дискриминацией.⁵

¹ Глобальный доклад о положении дел «Насилие и буллинг в школе». ЮНЕСКО, 2016.

² United Nations Children's Fund (UNICEF), A Familiar Face. Violence in the lives of children and adolescents, New York, 2017.

³ Musu-Gillette, L., Robinson, J., McFarland, J., KewalRamani, A., Zhang, A., & WilkinsonFlicker, S. (2016). Status and trends in the education of racial and ethnic groups 2016 (NCES 2016-007). Washington, DC: U.S. Department of Education, National Center for Education Statistics.

⁴ <https://www.nationalacademies.org/ocga/public-laws/consolidated-appropriations-act-2016>

⁵ <https://cabar.asia/ru/bullying-v-shkolah-kazahstana-vozzrast-travli-molodeet/>

Российская Федерация является лидером по статистике кибербуллинга в школах. В 2012 году компания Microsoft провела социальный опрос в возрасте от 8 до 17 лет. По итогам исследования, половина подтвердили, что становились объектом травли.¹

В частности, в Японии В 2017 году зафиксировали более 414 тысяч случаев травли (в 2016 году 91 235 тыс.). В Японии существует постоянная проблема с самоубийствами, хотя их число сокращается. Но число самоубийств среди детей в последнее время возросло, и эксперты указывают на то, что давление в школах и издательства являются вероятной причиной.

В предварительной версии официального доклада ЮНЕСКО «Насилие в школах и буллинг: глобальная ситуация, тенденции, факторы и последствия» (2018 г.), по итогам исследований, проведенных в школах 144 стран мира, сообщается, что в среднем ежегодно 32% школьников в возрасте от 9 до 15 лет страдают от буллинга со стороны своих сверстников.²

В докладе ЮНЕСКО отмечены значительные региональные различия распространения буллинга. К регионам с высокой долей учащихся, сообщивших о том, что над ними издевались в школе, «относятся Ближний Восток (41,1%), Северная Африка (42,7%) и страны Африки к югу от Сахары (48,2%)». В наименьшей степени подвергаются буллингу несовершеннолетние, обучающиеся в школах стран Центральной Америки (22,8%), Карибского бассейна (25 %) и Европы (25%).³

В 2019 году проект по профилактике буллинга и обучению методам позитивной психологии среди учащихся школ Узбекистана инициировали Министерство народного образования и ЮНЕСКО. В рамках инициативы было сказано о проведении практических и теоретических мероприятий для психологов и учителей, включая тренинги и семинары, для определения факторов травли и разработки рекомендаций по их предотвращению, а также была разработана учебно-методическая программа экспертом-психологом в области позитивной психологии, автором ряда научных публикаций и профессиональных презентаций госпожой Лори А. Вульф. Учебный план, рекомендации и уроки были успешно апробированы в 4 школах Ташкента. Профессор Лори Вульф также провела однодневные тренинги для методистов-психологов и школьных психологов в 14 регионах (Ташкент, области и Республика Каракалпакстан) на тему «Позитивная психология, управление стрессом - на пути к психологическому благополучию в школах»⁴.

Выводы. Статистические данные выше, указывают на то что, школьная травля является актуальной проблемой во всем мире, и только при условии объединения школьной администрации, классных руководителей, учителей может сберечь детей от издевательств. Необходимо принимать комплексные меры, направленные на выявление и предотвращение травли посредством внедрения разных методов в педагогическую работу и закрепления в нормативно-правовых актах четких запретов на буллинг.

Для разработки эффективных мер реагирования крайне важно иметь точные, достоверные, подробные данные о масштабах распространенности, характере и причинах издевательств. Без понимания причин детской травли в решении проблемы продвинуться не получится.

Заключение. Системная работа правительства, министерств, ведомств, негосударственных некоммерческих организаций по профилактике школьной травли, а именно: применение антибуллинговых программ, разработка учебно-методических пособий, брошюр, стендов онлайн-платформы для педагогов, родителей, художественные произведения отражающие буллинг, повышение осведомленности людей о случаях издевательств является главным фактором в борьбе со школьной травлей.

Главное не бояться говорить о школьной травле, следуют больше просвещать учащихся о генезисе буллинга, воспитать в них гуманность, сострадания и желания помочь своим сверстникам если они оказались в трудной психологической ситуации.

¹ https://lomonosov-msu.ru/archive/Lomonosov_2019/data/16356/97497_uid347019_report.pdf

² School violence and bullying: Global status and trends, drivers and consequences UNESCO, 2018. 16 p. <http://unesdoc.unesco.org/>

³ Global guidance on addressing school related gender based violence – UNESCO and UN Women, 2016, 123 p. <http://unesdoc.unesco.org/images/0024/002466/246651e.pdf>

⁴ <https://nuz.uz/obschestvo/38160-v-shkolah-uzbekistana-budut-borotsya-s-detskim-bullingom.html>

Меликова Мартаба (доцент кафедры общественных наук, доктор философии (PhD), Самаркандский государственный институт иностранных языков, e-mail: martaba.m@rambler.ru)
ИСЛАМСКИЕ ЦЕННОСТИ В ДУХОВНОМ НАСЛЕДИИ АЛИШЕРА НАВОИ

Annotatsiya. *Ushbu maqola islomiy qadriyatlar aks ettirilgan Alisher Navoiyning ma'naviy merosini o'rganishga bag'ishlangan. Maqolada Alisher Navoiyning "Qirq to'rt qatra," "Solihlarning chalkashligi," "Xudoga ibodat," "Qushlarning tillari" kabi asarlari tahlil qilinib, unda shoir dunyoga, odamga bo'lgan munosabati, bilim va haqiqat masalalariga to'minning nuqtai nazarini ifoda etadi. shaxs.*

Аннотация. *Данная статья посвящена изучению духовного наследия Алишера Навои, в котором нашли свое отражение исламские ценности. В статье анализируются такие произведения Алишера Навои, как «Сорок четверостиший», «Смятение праведных», «Мольба к богу», «Язык птиц», в которых поэт выражает свое отношение к миру, человеку, вопросам познания и достижения истины с точки зрения верующего человека.*

Annotation. *This article is dedicated to the study of the spiritual heritage of Alisher Navoi, in which Islamic values are reflected. The article analyzes such works of Alisher Navoi as "The Forty Quatrains", "Confusion of the Righteous", "Prayer to God", "Tongue of the Birds", in which the poet expresses his attitude to the world, man, questions of cognition and achievement of truth from the point of view of the believer person.*

Kalit so'zlar: *din, so'fiylik, ma'naviy meros, e'tiqod, aql, bag'rikenglik, ma'naviy yo'l, ta'lim, dunyoqarash, olam tushunchasi.*

Ключевые слова: *религия, суфизм, духовное наследие, вера, разум, толерантность, духовный путь, воспитание, мировоззрение, концепция мироздания.*

Key words: *religion, Sufism, spiritual heritage, faith, reason, tolerance, spiritual path, education, worldview, concept of the universe.*

Религия и религиозные ценности всегда были и остаются неотъемлемой частью духовной культуры нашего народа. Религия является неотъемлемым компонентом человеческой истории на разных этапах её развития. Через понимание религии человек способен к правильному отношению, формированию у него культуры толерантности, гармоничных отношений между разными людьми в одном обществе, что несомненно, способствует установлению социальной солидарности, гражданскому согласию и миру в социуме. Именно поэтому со времени провозглашения независимости Республики Узбекистан, наша страна пошла по светскому развитию, что означает наличие религии в жизни общества, но ее отделение от государства. Несмотря на то, что в нашей стране государственная политика не подвержена влиянию со стороны религиозных организаций, все же религиозные чувства верующих, религиозные праздники, ритуалы и ценности находятся в большом почете и уважении в нашем обществе. После обретения независимости наш народ стал по-новому открывать значение религии в обществе, историческую ретроспективу религиозного сознания нашего народа.

Огромная роль в пропаганде просветительской сущности религии, как объединяющей силы, принадлежит науке, литературе и искусству. В мировой сокровищнице литературного наследия человечества есть такие шедевры, которые содержат в себе миролюбивую суть религии, которые выражены в пропаганде идеалов добра и любви к ближнему, что объединяет всех людей, формирующие толерантное отношение к представителям других религий. Ученые подчеркивают, что религиозные чувства людей, их переживания, внутренняя борьба с собой тесно переплетаются с образами и идеями, которые стимулируют их к объединению и социализации внутри общества. Здесь большая роль отводится литературе, которая является своеобразной интерпретацией религиозных ценностей на язык литературы.

Религиозные ценности, нормы являются частью нашей жизни, тесно переплетаясь с общечеловеческими и национальными ценностями. И потому религиозные ценности ислама, бывшие в свое время в большом почете у наших мыслителей, являются составной частью исследований многих ученых нашей страны. Задачей данной статьи является как раз исследование отражения исламских ценностей в духовном наследии Алишера Навои.

Исследователи творчества Алишера Навои представляют его государственным деятелем, а философские взгляды мыслителя соотносят с суфийским орденом Накшбандия, наряду с представлением мыслителя значимым государственным деятелем, чаще всего его философские взгляды

очеркивают приверженностью суфийскому ордену Накшбандия. Очень часто многие исследователи склоняются к тому, что творчество поэта, его лирико-романтические произведения подвержены влиянию суфийской идеологии, основанной на любви к всевышнему, Творцу всего во вселенной. Мы же склоняемся к тому, что Навои отражал свои взгляды, мысли через различные по жанру произведения. Навои значительно глубже, шире раскрывает суфийскую концепцию мироздания, добавляя в нее свое новое видение мира.

Несомненно, богатство внутреннего мира поэта нашло свое отражение в духовно-нравственных идеях, воплотившихся в творчестве поэта. Исследование многочисленных трудов Навои позволяет нам осознать его мировоззрение, влияние на него религиозных ценностей ислама.

Нравственная модель, которая пронизывает красной нитью все творчество Навои, имеет под собой силу воздействия религиозных ценностей, которые пропагандировались Навои достаточно ярко. В своих произведениях мыслитель выражает те религиозные идеи, которые нашли свое отражение в Коране и хадисах, чье влияние на становление личности поэта очень велико.

Исламские ценности, воспринятые и глубоко прочувствованные Алишером Навои, силой его гениальности были доведены до читателя во всей красоте и многообразии его словесности. Вопросам религиозного характера было посвящено множество работ поэта, но в рамках данной статьи мы рассмотрим некоторые из них.

Навои можно сравнить с великим мастером, который из куска глины может сотворить блестящее творение. Так Навои, являясь настоящим последователем исламской религии, через свои душевные поиски истины он пропускает все величие божественного слова. Навои блистательно доносит до нас религиозные идеи, которые он воспринимает как основу мировоззрения той эпохи.

В его многочисленных произведениях большое внимание уделяется идеям, которые составляют суть религиозного мировосприятия. Так в «Сорока четверостишиях», «Смятении праведных», «Мольбе к богу» он выражает свои идеи касательно исламских ценностей. Свою антропологическую концепцию Навои строит на основе диалога с последователями суфизма, в том числе со своим наставником Абдурахманом Джами, на мировоззрение которого в большей степени оказал влияние перепатетизм Фараби. Затрагивая антропологические вопросы о сущности и природе человека, Навои исходит из концепции божественного откровения о появлении человека на планете Земля:

*В саду эдема – на заре времен –
Был человек из глины сотворен.
Дохнуло утро по лицу земли,
Чтоб все цветы вселенной расцвели;
Дабы прекрасен и благоухан
Возрос из праха созданный Рейхан
Дух жизни искру жизни раздувал,
Чтобы огонь души не угасал.¹*

В вопросах о духовной сущности человека Навои стоит на теологической позиции существования человеческой души, которую он противопоставляет сердцу человека, сравнивая душу с соловьем, склонившимся над розой – тайной мироздания:

*Душа над розой тайны – соловей,
Светильник в доме искренних людей.
Эдемское благоуханье – в ней,
Истока истины сиянье – в ней.²*

Одна из отличительных черт мировоззрения Навои является ее ярко выраженный социальный антропоцентризм. Он стоит на позиции восприятия человека как личности, который находится во взаимодействии с материальным и духовным миром. В своих работах Навои особое значение уделяет наличию способности у человека к самосознанию, погружению в свое внутреннее Я. Он определяет человека как существо, способное развиваться и самосовершенствоваться. Человек в восприятии Навои – личность, имеющая огромный потенциал.

Большое внимание в творчестве Навои отведено вопросам онтологического характера. В вопросах бытия Навои стоит на стороне религиозного мировосприятия, считая, что основой всего

¹Алишер Навои. Собрание сочинений в 10 томах. Смятение праведных. Том III, Т., 1968, 26 с.

²Алишер Навои. Собрание сочинений в 10 томах. Язык птиц. Т VIII, Т., 1968, 27 с.

является Творец, что под собой имеет источник – суру 32 «Ас-Саджда» аят 7 из Священного Корана, в которой говорится о том, что бог является сотворившим все, причем сделано это превосходно:

*Вокруг тебя – без края и конца –
Как океан, струится дух творца.
Все – от него: бессмертье бытия,
И каждый шаг, и вздох, и жизнь твоя.
Тот, кто всему дыхание дает,
Тебя осыпал множеством щедрот.
Ты призван быть не зверем, не ростком,
Не камнем – а разумным существом.
Сознания чистый свет в тебе горит.
Путь правой веры пред тобой открыт.¹*

Одним из значимых произведений Алишера Навои является «Муножот» – «Мольба к богу», которая отражает суфийскую концепцию восхождения к истине и богу. Через это произведение мы можем воспринять настоящую суть суфийской философии Алишера Навои. Посредством этого труда Навои хотел показать замысел божий, цель, которая была определена всевышним через человека, его задачи в этом мире. В этом труде Навои стремился через яркие картины показать весь процесс возвышения человека, его падения, показать сложный, усыпанный терниями путь восхождения к истинному счастью человека – познанию Творца:

*Из сгустка крови создал Ты меня
и бережно, как деревце, храня
взлелеял и возрастил меня любовно
и вывел в ряд людей, чтоб был покорным.
Но вероломно поступил я, низко –
моих грехов наскок кавалерийский
разрушил махом благочестья древо.
Божественного я достоин гнева.
Мне нет покоя от дурного нрава,
и на себя мне не найти управы,
своих страстей неудержимых пленник
перед Тобою, Господи, изменник, –
веду себя к Тебе я на аркане,
чтоб посетило душу покаянье.
Всё, Милостивый Боже, в Твоей власти –
лишь Ты спасаешь от дурных напастей. (перевод с узб. С.Мадалиева)²*

Как истинный последователь ислама, Навои с большим почитанием относится к пророку Мухаммеду, которого он считает поистине совершенным человеком на земле, воплотившим в себе высокий уровень культуры, гуманности, который должен быть символом для того, кто выбрал для себя веры:

*Был ты, Пророк, Пророчества венцом,
из всех пророков только ты Творцом
был удостоен вознесенья к Трону
и с Богом разговаривал покорно.
Окончившие жизненный свой путь,
и те, кому лишь предстоит взглянуть
на этот мир – нуждаются в Пророке.
В тот час, когда мы будем одиноки,
беспомощны и слабы в день Суда –
за нас Пророк заступится тогда.*

¹ Алишер Навои. Собрание сочинений в 10 томах. Смятение праведных. Том III, Т., 1968, 207 с.

² Алишер Навои. Насойим ул-мухаббат. Йигирма томлик. Тарихи анбиё ва хукамо. 17 том, Т., “Фан”, 2001, 534-бет.

*Он за людей пред Богом поручится
и свет надежды озарит нам лица.* (перевод с узб. С.Мадалиева)¹

Навои призывает всех людей быть истинными поклонниками веры, и на этом пути делать добро друг другу, быть щедрыми, быть заботливыми и участными к чужому горю. Данным наставлениям Навои посвящает свое произведение, известное под названием «Арбаин» («Сорок четверостиший»):

*Не будет в жизни правоверным тот из нас,
Кто, в вере получая сотню наслаждений,
Живёт, не позволяя совести своей,
Собрату получать от блага тех же постижений
Себя считая правоверным, над миром жемчуга рассыпъ,
Живи, как все, и для народа свечой гори, душой светись.
Скупое сердце – мир без света и не создание Творца,
Бесчестно то, что не от Бога, копить бесчестие стыдись.*²

Навои широко использовал в своих произведениях выдержки из Корана и хадисов, что можно заметить в таких работах поэта, как «Смятение праведных», «История иранских шахов», «Собрание утонченных», «Ситтаи зарурия», «Сирож ал-муслимин», где приводятся сведения, касающиеся религиозно-этических вопросов. Так, в своей работе “Назм ал-жавохи́р” Навои пишет о пользе чтения священного Корана, вне зависимости от того, кем бы ни был человек, правителем или бедняком, так как чтение священного писания придает стойкости душе человека.

Каждый человек задумывается о смысле жизни, о том, что он должен сделать, придя в этот мир. Конечно, каждый человек на пути к совершенству часто ошибается, нарушая заповеди, но самое главное, как считает Навои, не сворачивать с выбранного пути:

*Но этот Высший мир, мне скажешь ты,
Увы, незрим в зеркале чистоты.
Священна Мекка для любой души,
Но – прах она пред Каабой души.
Святыня Каабы влечет сердца;
Душа – святыня вечного творца.
Но трудный путь должна душа пройти,
Чтобы сокровищницу обрести.*³

Творчество великого поэта и мыслителя Алишера Навои является источником духовности, из которого можно черпать энергию для того, чтобы быть духовно выше, нравственно богаче. Поэт призывает неустанно работать над собой, над своими помыслами и поступками, что в конечном итоге обязательно приведет к изменению мира вокруг нас. И Навои верит в то, что человек обязательно найдет верный путь, чтобы достичь Каабы души своей, постигнет Истину.

Khadjieva Dilbar, Saymanova Ayzada (Karakalpak State University named after Berdach) PECULIARITIES OF ANTITHESIS IN ENGLISH AND KARAKALPAK POETRY

Аннотация. Мақолада инглиз ва қорақалпоқ шоирларининг шеърятидан антитеза мисоллари келтирилиб, унинг адабиётда қўлланилиши хусусиятлари очиб берилди. Биз ушбу стилистик тропни талқин қилишда мумкин бўлган вариантларни тақдим этиши ва антитезани бошқа риторик воситалардан ажратилиш керак бўлган мезонни асослаш зарур, деб ҳисобладик.

Аннотация. В статье приведены примеры антitezы в поэзии английских и каракалпакских поэтов, раскрыты особенности ее функционирования в литературе. Мы сочли необходимым представить возможные варианты в трактовке данной стилистической фигуры и обосновать тот критерий, по которому антitezу следует выделить среди других риторических приёмов.

Annotation. The article provides examples of antithesis from poetry of English and Karakalpak poets, revealing the features of its functioning in literature. We considered it necessary to present possible

¹ Тот же.

² Алишер Навои. Арбаин. 40 четверостиший. Электронный ресурс: http://n.ziyouz.com/books/uzbeklib_ru/uzbekskaia_klassicheskaja_literatura/Alisher%20Navoi.%20Arbain.%2040%20chetverostishij.pdf

³ Алишер Навои. Собрание сочинений в 10 томах. Смятение праведных. Том III, Т., 1968, 27 – 28 с.

options in interpretation of this stylistic figure and justify the criteria by which the antithesis should be distinguished from other rhetorical devices.

Калит сўзлар: контраст, ўткирлик, конфликт, антонимлар.

Ключевые слова: контраст, острота, конфликт, антонимы.

Key words: contrast, sharpness, conflict, antonyms.

